Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН УЧИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ойсара МАДАЛИЕВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ



МУҚАДДИМА

Халқимиз буюк аждодлари билан ҳар қанча фахр ва ифтихор қилса арзийди. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шермуҳаммад Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Дилшод Барно, Анбар Отин, Муқимий, Фурқат сингари буюк истеъдод эгалари ана шу фахру ифтихоримизнинг ўзагини ташкил этади. Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, «Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз»[1].

Алишер Навоий асарлари бугун ҳар бир хонадон учун азиз ва муқаддас. Ҳамид Сулаймон “Хазойин ул-маъоний” девонларини[2] тўлиқ ҳолда чоп эттирган бўлса, “Хамса”нинг П.Шамсиев тайёрлаган нашри мукаммаллиги билан эътирофга сазовор. Навоий асарларининг ўн беш жилдда чоп этилиши ўз даврининг катта воқеалари сирасига киради. Ниҳоят, 1987 – 2003 йиллар давомида Навоийнинг мукаммал асарлари тўплами йигирма жилдда китобхонлар эътиборига ҳавола этилди[3]. Бу нашр ўз номига мувофиқ мукаммал: у адиб-

1 Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008, 47- бет.

2 Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. I жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959. Хазойин ул-маъоний. II жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959. Хазойин ул-маъоний. III жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959. Хазойин ул-маъоний. IV жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1960.

3 Алишер Навоий. МАТ, Бадоеъ ул-бидоя. 20 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент, Фан, 1987; Наводир ун-ниҳоя. 20 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, Фан, 1987; Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. 20 жилдлик, 3-жилд. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1988. 616 б.; Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент, Фан, 1989. 560 б.: Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 544 б.; Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 6-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 568 б.; Хамса. Ҳайрат ул-аброр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов. 20 жилдлик, 7-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 392 б.; Хамса. Фарҳод ва Ширин. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 8-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 544 б.; Хамса. Лайли ва Мажнун. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Т.Ғафуржонова. 20 жилдлик, 9-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 356 б.; Хамса. Сабъайи сайёр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи М.Мирзаахмедова. 20 жилдлик, 10-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 448 б.: Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 640 б.; Лисон ут-тайр. Изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. 20 жилдлик, 12-жилд. – Тошкент, Фан, 1996. 328 б.; Мажолис ун-нафоис. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 13-жилд. – Тошкент, Фан, 1997. 284 б.: Алишер Навоий. МАТ, Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент, Фан, 1998; Алишер Навоий. МАТ, Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент, Фан, 1999; Муҳокамат ул-луғатайн. (Матнни П.Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Мезон ул-авзон. (Матнни И.Султон нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Тарихи анбиё ва ҳукамо. (Матнни нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Тарихи мулуки Ажам. (Нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Арбаъин. (Матнни нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Сирож ул-муслимин. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Муножот. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Рисолайи тийр андохтан. (Матнни изоҳ ва таржималар би-

нинг деярли барча асарларини қамрайди, улар қисқартиришлардан холи, кўп йиллик тажрибалар умумлаштирилган, кўплаб изоҳ ва шарҳларга ўрин ажратилган. Хусусан, Алишер Навоий асарларида учрайдиган истилоҳлар маъноларининг оддий китобхонлар учун ҳам тушунарли бўлиши кўзда тутилиб луғатлар илова қилинган. Кейинчалик китобхонлар мукаммал асарлар тўпламининг ўн жилдлигига ҳам эга бўлди[1]. Алишер Навоий асарларининг катта қисми насрий баёнлари билан бирга нашр этилгани ҳам китобхонлар манфаатининг эътиборга олингани билан изоҳланади.

Навоий даҳоси шу қадар буюкки, унинг шахсий ҳаёти, ҳаёт тарзининг ўзи ўрнак ва намуна мактаби бўла олади.

Ҳазрат Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг ниҳоясида шундай ёзади:

Қуёшлиқ истасанг касби камол эт,
Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

«Касби камол» иши, биринчи навбатда, улуғ ҳазратнинг ҳаёт тарзи бўлганлигини қайд этмоқ керак. Буюк мутафаккир қайси бир ишга қўл урган бўлса, уни ҳадди аълосига етказмагунча кўнгли хотиржам бўлган эмас. Бу аллома адибнинг қолдирган илмий, тарихий, бадиий меросида, замондошларининг қайд ва хотираларида, олимларимизнинг кузатиш ва тадқиқотларида кўп маротаба таъкидланган. Муҳтарам Президентимизнинг Навоий ҳақида гапириб туриб «**Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир»[2] деган мулоҳазалари бу борадаги энг нодир ва муносиб хулосалардан биридир.**

лан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). 20 жилдлик, 16-жилд. – Тошкент, Фан, 2000. 236 б.; Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 17-жилд. – Тошкент, Фан, 2001.520 + 72 б.; Девони Фоний. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, Муродий (Ҳ.Тожибоев), С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 18-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 552 б.; Девони Фоний (давоми). Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, С.Рафиддинов, Муродий (Ҳ.Тожибоев). 20 жилдлик, 19-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 600 б.; Девони Фоний (давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 20-жилд. – Тошкент, Фан, 2003. 568 б.

1 Алишер Навоий. Хазойин ул маъоний. Ғаройиб ус-сиғар. Ўн жилдлик, Биринчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хазойин ул маъоний. Наводир уш-шабоб. – Ўн жилдлик, Иккинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011;

Хазойин ул маъоний. Бадое ул-васат. Ўн жилдлик, Учинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хазойин ул маъоний. Фавойид ул-кибар. Ўн жилдлик, Тўртинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011

Девони Фоний. Қасоид. Муфрадот. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ўн жилдлик, Бешинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. Ўн жилдлик, Олтинчи жилд..– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хамса: Лайли ва Мажнун. Сабъайи сайёр. Ўн жилдлик, Еттинчи жилд. – Тошкент, 2011;

Хамса:Садди Исканларий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. Ўн жилдлик, Саккизинчи жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Лисон ут-тайр. Мажолис ун-нафоис. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. Ўн жилдлик, Тўққизинчи жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. Насойим ул-муҳаббат. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Ўн жилдлик, Ўнинчи жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

2 Каримов И. Юксак маънвият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008, 47-бет.

«Касби камол» Навоий асарларининг барчасида қизил ип бўлиб ўтадиган бош ғоялардан биридир. Мана уларнинг бири:

Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Олам уйи – дунёдир. Инсон зоти борки, дунёда муносиб яшамоғи жоиз. Ундан кўнгилдаги кирлар билан кетиши ярашиқсиз. Ахир, инсон ҳаммомга нима учун киради? Албатта, покланиш учун. Шундай экан, одам дунёда шундай яшамоғи керакки, натижада инсоний нотавонликлар, ожизликлар, қусур ва камчиликлардан фориғ бўлсин.

Олам ва одамга нисбатан ўткир ва холис нигоҳ билан қараш, уларнинг яхлитлиги ва бардавомлиги учун инсон масъулиятининг юксаклигини узлуксиз равишда таъкидлаш Навоий ижоди учун хосдир. Зеро, оламнинг яратилиши ҳам инсон учун эди. Инсоннинг ўзи, унинг муқаддас ва мўътабарлиги энг олий қадриятдир:

Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Навоий назарида инсон кўзи йигирма тўрт соат давомида очиқ турган ҳар бир лаҳза, ҳар бир сония, ҳар бир онда фақат ҳалоллик, адолат, тўғрилик, эзгулик ҳақида ўйлаши ва уларни амалга ошириш билан банд бўлмоғи муносиб:

Йигирми тўрт соат кеча-кундуз,
Йигирми тўрт дам урсам нафас туз.

Демак, инсон йигирма тўрт соат ҳам "туз нафас урмоғи" шартдир.

Камтарлик, хоксорлик, дарвешлик Навоий шахсиятида бўртиб турадиган фазилатлар, балки ҳаётий эътиқодлардир. Шунча улуғ ишларни амалга оширган, «Хамса»дай муҳташам шеърий қасрни, «Хазойин ул-маъоний» сингари фасоҳат ва балоғат оламининг улкан хазинасини бунёд этган, кўпгина илмий, тарихий, диний, маърифий, бадиий дурдоналар яратган ижодкор ўзи ҳақидаги қайдларидан бирида шундай дейди:

Гумон қилмон хатокоре ўзумча,
Хато ҳам сарбасар топмон сўзумча.

Ўзим даражамда хато қилувчини билмайман,
(Бошқаларда) менинг сўзимда бўлганидай узлуксиз
хатоларни тополмайман.

Навоий хамсачиликда кўпчиликнинг уриниб кўргани, аммо улар қўлга киритган натижаларнинг арзимас бўлиб қолганини фавқулодда мисраларда жуда аниқ, лўнда ва таъсирчан тарзда ифодалаб беради:

Кўп киши ҳам қилди татаббу ҳавас,

Сарву гул ўтрусиға келтурди хас.

Адиб ўзидан олдин ўтган улуғлар шаънига бисотидаги энг нодир, энг улуғ сўзларни саралайди. Жумладан, Низомийни «Хайли фасоҳат бошининг афсари (тожи)" деса, Жомийни «қутби тариқат», «кошифи асрори ҳақиқат» тарзида таърифлайди, насрий асарларини жаҳон иқлимларини, назмининг эса жон кишварларини тутганлигини, эгаллаб улгурганлигини алоҳида қайд этади. «Хамса»дай улкан ишга қўл ураётганида эса уларнинг маънавий қўллаб-қуватлашларига умид билдиради:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум.

Шунда ҳам, барибир, камтарлик билан улар яратган кашфиётларни улуғлаб, ўзи бунёд этаётган бадиий топилмаларга камтарона ёндашади:

Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир[1],
Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир[2].

Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.

Тақдир Навоийнинг қаламидан фақат «хуш маъни»ларни бунёд қилиш имконини ҳам берган, бунга бутун тарих, бутун инсоният неча асрлардан буён шоҳид бўлиб келмоқда. Алишер Навоий қолдирган улкан мерос ўз замонидаёқ инсонларни эзгуликка, комилликка чорлаган эди. Улар бугун ҳам замондошларимизни, хусусан, ёш авлодни инсоний мукаммалликни эгаллашларида буюк омил, ўзига интилтирувчи маёқ вазифасини адо этмоқда. Ушбу китобдан мана шу йўналишдаги айрим кузатишлар ўрин олган.

1 Дилпазир – ёқимли, гўзал.
2 Ногузир – муқаррар, зарурий.

АЛИШЕР НАВОИЙ – БУЮК УСТОЗ ВА МУРАББИЙ

Алишер Навоий ҳассос қалб эгаси сифати олам ва одамга хос ҳодисаларни нозик ва теран тарзда кузатиш, улардан фавқулодда хулосаларни чиқариш салоҳиятига эга эди. Бу фикр мутафаккирнинг таълим ва тарбия жараёнларига оид қарашларига ҳам тўлалигича дахлдор. Уларда ҳаёт ҳодисаларининг жуда нозик даражада кузатган мутафаккирнинг донишмандона мушоҳадалари гоҳ тарих сабоқлари, гоҳ замондош нигоҳлари, гоҳ фарзандларга панду ўгитлар, гоҳ бир асар қаҳрамонининг саргузашти-ю, ўтмиш донишмандларининг пурмаъно ҳикматлари, гоҳ тўғридан тўғри китобхонга мурожаату гоҳида “қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит” қабилидаги ишора ва рамзлар шаклида намоён бўлади.

“Алишер Навоий – жаҳон миқёсидаги шахс, юксак гуманистик ижоди билан шеърият мулкининг султони мақомига кўтарилган бебаҳо истеъдод эгаси, инсон қалбининг шодлигу қувончи, ғам-ғуссаларини, ҳаёт ва эзгулик фалсафасини ҳадди аълосига етказиб тараннум этган буюк сўз санъаткоридирки, бу янглиғ ҳам ижод, ҳам фазилатда беназир зотлар дунё маданияти тарихида камдан-кам учрайди. Ўз умри давомида кўрган кўплаб яхшилик ва ёмонликлар, замондошларидан тортган кийна ва адоватларга, фаолиятининг катта қисми давлат миқёсидаги ишларга, темурийлар салтанатида тинчлик, фаровонлик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлиши, илм-маърифат ва маданият гуллаб-яшнашига сарфланганига қарамасдан, бу фидойи зот ҳар жиҳатдан ҳайратланарли улкан ижодий мерос қолдирди.

Алишер Навоийнинг уммондек теран, камалакдек ранг-баранг асарларида, унинг нодир шахсияти тимсолида «Ҳаётнинг маъноси нима, комил инсон қандай бўлиши керак?» деган азалий саволга кенг миқёсдаги фалсафий жавоб ифодасини топган.

Яна бир ҳайратга молик жиҳат шундаки, орадан беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, ҳазрат Навоийнинг инсонпарварлик қарашлари заррача бўлсин ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, XXI аср шароитида, тезкор тараққиёт билан бирга кўпгина маънавий муаммоларни юзага чиқараётган бугунги глобаллашув жараёнида, худдики тун пардаси қуюқлашганда Чўлпон юлдузи янада ёрқинроқ кўринганидек, шоир бобомизнинг ўлмас, боқий мероси ҳар қачонгидан ҳам равшанроқ нур таратиб, унинг ижтимоий моҳияти ва маъно-мазмуни, бадиий жозибаси тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Албатта, бундай умрбоқийликнинг сабаб ва омиллари кўп ва улар ҳақида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига, Ватанимиз тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар, маърифий рисолаларда юртимиз ва дунё олимлари томонидан ибратли фикрлар илгари сурилган. Ана шу манбаларда Шарқ дунёсида, Турон, Туркистон деб аталган бизнинг минтақамизда минг йиллар давомида юз берган не-не ўзгаришлар, маданий тараққиёт жараёнлари, нурга, маърифатга бўлган интилишларнинг мантиқий натижаси ўрта асрларга келиб айнан шу заминдан етишиб чиққан буюк алломалар, азиз-авлиёлар, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан жаҳон цивилизациясида ўчмас из қолдирган ноёб шахслар тимсолида яққол намоён бўлгани алоҳида таъкидланади. Айнан шундай улуғ зотлар ўзларининг мислсиз илмий ва ижодий кашфиётлари, гуманистик қарашлари, эркин тафаккури билан Шарқ уйғониш даври деган оламшумул ижтимоий-маданий ҳодисани шакллантиргани ва ҳар томонлама ривожлантиргани ҳам илм-фанда ўз исботини топган ҳақиқатдир. Кейинчалик Ғарб Уйғониш даври учун асос бўлган бу улкан тарихий жараённинг энг муҳим ҳалқаси, энг буюк ва ёрқин намояндаси сифатида Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи биринчилар қаторида тилга олиниши бежиз эмас, албатта”[1].

1Қаюмов А. Аъзамов А. Мўъжизакор ижод намунаси. – // Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-

Бу кузатишлар олам ва одам, одамнинг ижтимоий вазифаси, данинг педагогик қарашларини ўрганишнинг ўзига хос тарихи бор. Бу борада кўплаб мақола ва турли анжуманлардаги тезисларнинг ҳам катта салмоқни ташкил этишини эътироф этиш керак. Албатта, ушбу долзарб ва муҳим муаммо борасида илк марта тадқиқот ишларини И.Ҳусанхўжаев амалга ошириб, "Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида"[1] номли қўлланма яратган эди.

Қўлланма кириш, беш асосий қисмдан иборат. Асосий қисм "Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV асрда маданий ҳаётидаги Алишер Навоийнинг роли" деган фасл билан бошланади. Бу Алишер Навоий яшаган тарихий даврга ўзига хос экскурс вазифасини адо этади. У ерда тўғри таъкидланганидек, "Унинг асарларининг ҳаммаси деярли тарбиявий ва илмий аҳамиятга эга бўлиб, халқ манфаатлари ва турмуш ҳақиқатларини куйлар эди"[2].

Қўлланманинг асосий моҳияти "Алишер Навоийнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари", "Навоий илм ва маълумот ҳақида", "Домлалар ва мударрислар ҳақида", "Ахлоқ ва одоб тарбияси ҳақида" сингари бобларда мужассамлашган.

Албатта, китобда ўз даврининг ижтимоий муҳрлари ҳам тегишли тарзда ифодасини топган, хусусан, мустабид тузум мафкурасининг таъсири китоб саҳифаларида ўрни-ўрни билан сезилиб туради.

Мустақиллигимиз шарофати билан таълим-тарбия тизимида, хусусан, унинг мазмунида ҳам жиддий янгиланишлар юз берди. Педагогика тарихи машғулотларида миллий педагогик манба ва материалларга, миллий маънавиятмизнинг буюк дарғалари яратиб кетган илмий-педагогик меросга алоҳида ўрин ажратила бошлангани эътиборга лойиқдир. Жумладан, К. Ҳошимов, С. Нишонова, М. Иномова, Р. Ҳасанов. Педагогика тарихи (Педагогика олии уқув юртлари ва университетлар талабалари учун ўқув қўлланма)"[3] китоблари, О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳомидийларнинг Педагогика тарихи[4] китобларида Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирзо Улуғбек сингари мутафаккирларнинг педагогик қарашлари ёритилган. Унда Алишер Навоийнинг таълим-тарбияга оид фикр-мулоҳазалари ҳам (113-133-бетлар) тегишлича тавсифланган. К.Ҳошимов ва С.Нишоноваларнинг "Педагогика тарихи" дарсликларида ҳам Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари таҳлили алоҳида ўрин тутади[5]. **Олий ўқув юртлари учун чиқарилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида Навоий ҳаёти ва ижодига алоҳида эътибор берила бошланди. Жумладан, А.Зуннунов, шунингдек, М.Хайруллаев, Б.Тўхлиев, Ш.Қурбонов, Х.Масъудов, М.Қуронов-лар томонидан тайёрланган "Педагогика" дарслигида Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Жалолиддин Давоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар қаторида Алишер Навоийга ҳам махсус фасл ажратилган[6].**

сиғар. Наводир уш-шабоб. Ўн жилдлик. Биринчи жилд, – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

1 Ҳусанхўжаев И. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида. – Тошкент, "Ўрта ва олий мактаб" нашриёти, 1963.

2 Ўша китоб, 17-бет.

3 К. Ҳошимов, С. Нишонова, М. Иномова, Р. Ҳасанов. Педагогика тарихи (Педагогика олии уқув юртлари ва университетлар талабалари учун ўқув қўлланма), – Тошкент, «Ўқитувчи», 1996, 182-190-бетлар.

4 O.Hasanboyeva, J.Hasanboyev, H.Homidiy. Pedagogika tarixi. Oliy o'quv yurtlarining boshlang'ich ta'lim bakalavriat yo'nalishi mutaxassisligi uchun darslik. – Toshkent, G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004.

5 K.Hashimov, S.Nishonova. Pedagogika tarixi. II qism. Darslik. Oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi ilmiy-uslubiy va o'quv-uslubiy birlashmalari faoliyatini muvofiqlashtiruvchi kengash tomonidan darslik sifatida chop etishga tavsiya qilingan. – Toshkent, Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005. 158-168-бетлар.

6 Зунунуов А. Педагогик тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, "Шарқ", 2004, 82–87-бетлар.

Унда “Алишер Навоий-нинг маданий-маърифий фаолияти”, “Алишер Навоийнинг халқпарварлик ғоялари”, “Навоий таълим-тарбия ва унинг мақсади ҳақида”, “Алишер Навоий инсонпарварлик тарбияси ҳақида”, “Алишер Навоий педагогик таълимотининг аҳамияти” сингари мавзулар ажратилган. Педагогика касб-ҳунар коллежлари учун тузилган “Педагогика” дарслигида ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти ва илмий-педагогик қарашлари алоҳида бобда таҳлил этилган[1].

Каромат Қиличеванинг докторлик диссертацияси ҳам шу йўналишга бағишланган билан эътиборга моликдир. Унда, айниқса, тасаввуф таълимотининг таълим-тарбия жараёнида тутган ўрни ва мавқеи ҳақидаги кузатишлар катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари, адиб асарларининг тарбиявий имкониятлари ҳақида филологлар, айниқса, адабиётшунослар томонидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу борада В.Абдуллаев, А.Абдуғафуров, С.Айний, Е.Э.Бертельс, А.Боровков, Б.Валихўжаев, Р.Воҳидов, О.Давлатов, Т.Жалолов, Н.Жумахўжа, Ҳ.Зариф, В.Зоҳидов, Иззат Султон, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, Н.Маллаев, М. Муҳиддинов, С.Нарзуллаева, Ойбек, С.Олим, Ҳ.Олимжон, М.Орипов, Э.Очилов, В.Раҳмонов, А.Рустамов, Д.Салоҳий, Ш.Сирожиддинов, О.Усмонов, М.Шайхзода, О.Шарафиддинов, А.Эркинов, С.Эркинов, А.Қаюмов, Ҳ.Қудратуллаев, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, М.Ҳакимов, С.Ҳасанов, И.Ҳаққуловларнинг кўплаб ишларида жиддий кузатишларнинг хулосаларини кўриш мумкин.

ЎЗ ФА Адабиёт музейининг олимлари собиқ Қўлёзмалар институтининг вориси сифатида навоийшунослик борасидаги изланишларини изчил давом эттиришмоқда. Жумладан, академик А.Қаюмовнинг ўн жилдли асарлар тўпламининг катта қисми бевосита Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишга бағишланган асарлардан таркиб топган. А.Қаюмов кенг қамровли олим сифатида Алишер Навоийнинг барча асарлари ҳақида теран мушоҳадаларга бой хулосаларини ифодалаб берган. Навоий асарларининг кенг халқ оммаси учун тушунарли талқинларининг илк намуналари ҳам айнан устоз қаламларига мансубдир. Шунинг учун ҳам улар ёш авлоднинг маънавий тарбияси учун муносиб ҳисса бўла олган.

Проф. С.Ҳасанов “Ҳамса”нинг айрим достонлари, ҳусусан “Сабъаи сайёр” достони орқали адиб поэтик маҳоратининг ўзига хос қирраларини очиб бермоқда.

ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти навоийшуносларнинг илмий маркази сифатидаги ўрни ва мавқеини сақлаб турибди. Проф. И.Ҳаққулов ҳозирги навоийшуносликнинг энг фаол ва жиддий, йирик вакили сифатида кўп манзур ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Алишер Навоийнинг мукаммал асарлари тўпламининг нашр этилишида ташкилотчи ва иштирокчи сифатида олимнинг катта ҳиссасиси мавжуд. Навоийни янгича ўрганиш ҳам кўп жиҳатдан И.Ҳаққулов номи билан боғлиқ. Уларни ихчам тарзда ўзбек навоийшунослигининг жиддий ютуқлари дейиш мумкин.

Э.Очиловнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кузатишлари ҳам сўнгги йиллардаги яхши ишлар қаторидан жой олган.

Б.Ражабова ҳам Алишер Навоий педагогик қарашларининг айрим қирралари ҳақида баҳс юритади. У Навоийнинг устоз-шогирдлик борасидаги талқинларига алоҳида тўхтаб ўтади[2]. Китобнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда Навоийнинг ҳуқуқий

1 Зунунов А. Педагогик тарихи. Педагогика касб-ҳунар коллежлари, билим юртлари учун дарслик. – Тошкент, “Шарқ”, 2004, 82–87-бетлар.

2 Ражабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Тошкент, “Turonzamin ziyo”, 2015, 10-24-бетлар.

тарбияга оид қарашлари алоҳида ўрганилган. Олиманинг ёзишича, "Навоий асарларига нафақат бадиий-эстетик жиҳатдан, балки ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дунёқараш, тасаввуфни англашнинг манбаи сифатида ҳам қараш мумкин. Ўттиздан ортиқ асарларида XIV–XV асрлардаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар – одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулкий, ахлоқий, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий ойину тўра, ясолар, жиноят ва жазо масалалари ҳақида кенг маълумотлар беради. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал каби машҳур ахлоқий учлик Навоий сиёсий ва ҳуқуқий тушунчаларининг асосини ташкил этади"[1].

Қ.Эргашевнинг "Алишер Навоийнинг давлатчилик фаолиятидаги айрим йўналишлар" деган тадқиқоти рус тилида чоп этилган[2]. Унда буюк мутафаккирнинг давлатчилик ишлари "Муншаот" ҳамда бошқа тарихий асарларга таянилган ҳолда ёритилади. Жумладан, Навоийнинг чегараларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг тинч ва осойишталигини таъминлашдаги фаолиятлари, шунингдек, унинг дипломатик маҳорати алоҳида кўрсатиб берилган.

С.Ўтановнинг изланишлари ҳам мутафаккир адиб асарларидаги бадиий-эстетик ўзига хосликларнинг айрим қирраларини кўрсатиб бериши билан эътиборли.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида Шарқшунослик институтида фаолият юртитаётган олимларнинг тадқиқотлари ҳам эътиборга молик. Жумладан, а**кадемик Алибек Рустамовнинг навоийшуносликка қўшган ҳиссалари беқиёс. Олимнинг сўнгги асарлари сифатида чоп этилган айрим тадқиқотлари ҳам шу силсилани давом эттиради. Улардан бири "Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди" дейилади. Олим тўғри таъкидлаганидек: "Ҳазрати Навоийнинг диёнати ҳамма замон, ҳамма маконнинг ҳамма халқлари, айниқса, мусулмонлар учун яхши ўрнакдир. У ислом ибодати-ю муомаласи, ахлоқу одобига аъло даражада амал қилди, ўзини бутунлай мамлакат тараққийси ва эл хизматига бағишлади"[3]. Китобда мана шу хизматларнинг мазмуни ва моҳияти жуда гўзал ва ишонарли тарзда ёритиб берилган. Хусусан, Алишер Навоийнинг ислом, иймон, тариқат, валийлар ҳақидаги қарашлари аирофлича шарҳланган.**

Олимнинг "Ҳазрат-и Навоийнинг маънавий ва суварий шароблари"[4] дейилган китоби ҳам мазкур йўналишга бағишланган. Уни тасаввуф таълимотига оид илк сабоқлар дейиш мумкин.

Шарқшунослик институти олимлари томонидан яратилаётган Алишер Навоий Хамсасининг конкорданслар ҳам жуда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Кейинги пайтларда Низомий номидаги ТДПУда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини, хусусан, мутафаккир адибинг пеадгогик қарашларини, таълим-тарбияга оид ўгитномаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётгани сезилади. Устоз Н.Маллаев ҳамда М.Шайхзодалар анъаналарини давом эттирган ҳолда "Навоийга армуғон" тўплами ҳар йили мунтазам нашр қилинмоқда. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини таълимнинг турли босқичларида ўрганишга оид бир қатор илмий-методик ишлар чоп этилди. Уларни амалга оширишда филология фанлари докторлари, профессорлар Ҳ. Ҳомидий, Б.Тўхлиев, С.Аширбоев, шунингдек, К.Муллахўжаева, Т.Матёқубова, И.Азимов, О. Тожибоева сингари фан номзодлари фаоллик кўрсатишмоқда. "Йиллар самари", "Навоий ва ёшлар тарбияси", "Наоийни ўрганамиз", "Навоий. Ғазаллар", "Навоий ғазаллари (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар)", "Тасаввуф ҳикматлари", "Хамса" талқинларида давр руҳи" сингари китоблар шу силсилага мансуб.

1 Ўша китоб, 38-бет.

2 Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Наваи. – Ташкент, Фан, 2009, – с.40.

3 Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, "Extremum press", 2010, 4-bet.

4 Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг маънавий ва суварий шароблари. – Тошкент, "Navro'z", 2013.

Ўзбекистон Миллий университетида А.Ҳожиаҳмедовнинг Навоий арузи ва санъаткорлигига оид тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик. Уларнинг таълим-тарбия жараёнидаги амалий аҳамиятга эгалиги ҳам эътирофга лойиқдир.

Ш.Сирожиддинов қадимий манбаларни янгидан чуқур таҳлил қилиш асосида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид кўплаб янги факт ва материалларни илмий муомалага киритди. Улар Алишер Навоий сиймосининг янги қирраларини тўла ва холис талқин қилишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди[1].

Д.Юсупова мумтоз адабиётимиз муаммоларини, жумладан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга астойдил киришган олимларимиздан бири. Унинг мутафаккир адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографияси, шунингдек, Навоий ғазалларининг талқин ва таҳлиллари ўзининг чуқур илмийлиги, мантиқий изчиллиги, ишонтириш қувватининг баландлиги билан ажралиб туради. У ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг Алишер Навоий даврига бағишланган алоҳида китобини чоп эттирди[2]. Китоб буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодини олий таълимда яхлит тарзда ўрганиш имконини беради. У ўзигача бўлган даврдаги асосий адабиётларнинг чуқур умумлашмалари, навоийшуносликдаги шу пайтгача бўлган ютуқларининг кенг таҳлили билан ажралиб туради. Китобга кўплаб жадвалларнинг илова қилингани эса унинг таълим-тарбия жараёнлари учун фойдалилик даражасини янада оширган.

“Аруз алифбоси” эса қадимий ва навқирон дейиладиган “аруз” вазнини ўргатишни кўзда тутади. Ундаги барча мисол ва намуналарни танлашда Навоий асарларига таянилган[3].

Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари академик Б.Валихўжаев анъаналарини муносиб равишда давом эттириб келишмоқда. Хусусан, М.Муҳиддинов, Д.Салоҳий сингари олимлар Алишер Навоийнинг лирик ҳамда эпик меросининг янги қирраларини инкишоф этишда пешқадамлик қилишаётгани шоёни таҳсиндир. “Талқинларда оламча маъно”, “Икки олам ёғдуси”,”Барҳаёт анъаналар”, “Ўзбек классик адабиётида гуманизм”, “Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик”, “Алишер Навоий ижодида маънавий пок инсон талқини”, “Комил инсон – адабиёт идеали” (М. Муҳиддинов) сингари китоблар Навоий бадиий оламининг ўзига хос талқинлари билан ажралиб туради.

Д.Салоҳий Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, хусусан, адиб шеъриятининг ўзига хосликларини ёритишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. “Навоий назмиёти” қилинган ишларнинг умумлашмаси сифатда юзага келган. “Навоий лирикаси”, “Алишернинг ёшлиги ғаройиботлари”, “Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий фикрлари”, “Навоий ва туркий шеърият тараққиёти”, “Навоий эпик шеърияти” сингари бўлимлар китоб мазмуни ва мундарижаси ҳақида ёрқин тасаввур бера олади.

Н.Жумахўжа Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, лирик мероси борасида баракали кузатиш олиб бормоқда. Айниқса, адиб ғазалларининг таҳлили эътиборга молик.

Алишер Навоий ижодининг тарбиявий жиҳатларини ёшларга етказиш борасида Султонмурод Олимнинг кўплаб тадқиқотлари юзага келганлигини қайд этиш лозим. Унинг биргина “Навоий – ёшларга” китоби бунинг мисоли бўла олади. Китобда

1 Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, “Akademnashr”, 2011.

2 Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “Akademnashr”, 2013, 272 бет.

3 Yusupova D. Aruz alifbosi. – Toshkent, “Akademnashr”, 2015.

Алишер Навоий асарларидаги айрим сўз ва образлар, поэтик кашфиётлар ўзига хос тарзда талқин ва таҳлил этилган[1].

Ё.Исҳоқов кенг қиррали олимларимиз сирасига мансуб. Шунга қарамай унинг бутун онгли умри Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган, дейиш мумкин. Навоий шеърий даҳосининг асосий қонуниятларини инкишоф этиш олим илмий тадқиқотларининг ўзак нуқтасини ташкил этади. Бошқа тадқиқотларини гапирмаганда ҳам, олимнинг яқиндагина чоп этилган китоби фикримизни тўла қувватлайди. "Сўз санъати сўзлиги" номли бу китобни шеърий санъатларнинг ўзига хос қомуси дейиш мумкин. Ундаги яна бир асосий фазилат шундан иборатки, мисолларнинг асосий қисми бевосита Алишер Навоийнинг поэтик меросига дахлдордир[2].

З.Мамадалиева "Лисон ут-тайр" образлари: рамз ва мажоз олами"[3] китоби билан навоийшуносликда янги ва муносиб сўз айта олиш имкони ҳамда иқтидорини намойиш этди. Устоз Н.Комиловнинг ҳақли эътирофича "Зуҳра Мамадалиеванинг ютуғи шундаки, у мавзуга холисона, объектив ёндашади. Шарқ адабиёти, айниқса, тасаввуфий адабиётнинг ўзига хос талаблари, анъаналаридан келиб чиқиб фикр юритади, Навоий ва Аттор ижодига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашади. Татқиқотда шу боис ўзбек шоирининг тимсоллар тавсифи ва тасвири, ирфоний маъноларнинг ғоят аниқ ва ифодали, равон баён этиш маҳорати ишончли мисоллар таҳлили билан очиб берилган"[4].

М.Маҳмуд юз ёшини нишонлаш арафасидаги олим. Унинг "Яна Навоийни ўқиб" китоби ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига, хусусан, мутафаккир адибнинг таълим-тарбия жараёнларига оид фаолият ва илмий-бадиий кузатишлари таҳлилига бағишланган[5]. Муаллиф адиб асарларидаги ёр образининг ўзига хос талқинларини беради. Улардаги шартли-рамзий тасвир усули замиридаги ҳақиқатлар инкишофи учун ҳаракат қилади.

А.Аъзамовнинг Навоий маҳоратига оид кўплаб китоб ва мақолалари янгича талқин ва таҳлилларга бойлиги билан ажралиб туради.

А.Абдуқодиров ҳам ушбу йўналишда бир қатор тадқиқотларини амалга оширмоқда[6]. "Амир Алишер Навоий" китоби олим изланишларининг ялпи хулосаси сифатида юзага келган.

---

1 Олим С. Навоий ёшларга. – Тошкент, "Abu matbuot-konsalt", 2008.

2 Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, "O'zbekiston", 2914. – Б.320.

3 Мамадалиева З. "Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами". – Тошкент, "Tamaddun", 2014.

4 Комилов Н. Сўзбоши.– // Мамадалиева З. "Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами". – Тошкент, "Tamaddun", 2014, 3-бет.

5 Муҳаммаджон Маҳмуд. Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011.

6 Қаранг: Абдуқодиров А. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. – Хўжанд, "Нури маърифати", 2013; Навоий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Хўжанд, 1995. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. – Хўжанд, Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 1997;

НАВОИЙ ШАХСИЯТИ – ТАРБИЯ ОМИЛИ

Алишер Навоий ўз замонидаёқ ҳаққоний эътирофларни қозонган эди. Адибнинг замондошлари ёзиб қолдирган кўплаб илмий, тарихий, бадиий асарлар бунинг ёрқин далили бўла олади. Мазкур тарихий фактлар Алишер Навоийнинг замондошлари, уни билган, ўз замонида ижтимоий жиҳатдан алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган буюк инсонлар томонидан айтилгани учун бугунги замондошларимиз, хусусан, ёшларимиз онгу шуурига кучли таъсир ўтказа олади. Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо фи сияр ул-анбиё вал-мулук вал-хулафо", "Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ил-ахёр", "Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ал-башар", Хондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ", Амир Давлатшоҳ бинни Аловуддавла Бахтишоҳ ал-Қозий Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро", Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг "Равзат ул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот", Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон", "Нафаҳот ал-унс", Абулвосъ Низомийнинг "Мақомоти Мавлавий Жомий", Абдулғафур Лорийнинг "Такмилаи Нафаҳот ал-унс", Ҳусайн Бойқаронинг "Рисола", Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ", Фахри Ҳиротийнинг "Латоифнома", Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг "Тарихи Рашидий", Сом мирзо Сафавийнинг "Туҳфайи Сомий" асарларидаги маълумотлар бевосита замондошлар хотираси сифатида алоҳида қадру қимматга эга. Бу ҳақда Ш.Сирожиддиновинг тадқиқотларида муфасал маълумотлар берилган[1]. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари айрим маълумотлар учун "Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди" альбомига ҳам мурожаат этишлари мумкин[2].

Алишер Навоий жаҳоний эътирофга сазовор бўлган сўз санъаткорларидан бири. Аммо шунга қарамасдлан ҳазрат Навоийда фавқулода хислатлар жамулжам бўлганлиги учун бу борада ҳам жуда камтарона мулоҳазалар кишини ҳайратга солади.

Навоий шахсиятига оид маълумотлар:

Алишер Навоийнинг шеърий иқтидори чеку чегара билган эмас. Аммо ҳозир биз адибнинг шоир сифатидаги кашфиётларини эмас, балки ҳассос қалбли тингловчи сифатидаги бир фазилати ҳақидаги тарихий фактни эсга олмоқчимиз. Бу факт "Мажолис ун-нафоис"да тилга олинган:

"Мавлоно Аёзий – ғариб шакллик киши эрди. Атвори ва сўзи хоҳ назм, хоҳ насрда ғариб эрди. Фақир бир мажлисда Пули Молонда ани кўрдум, бир анжуманда бир қасидасин ўқуйдур эрди. Ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин, қофиясин айта берур эрдим. Бағоят ҳайрат қилди. Уч йилдан сўнг Боғи Сафедда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ воқеъ бўлди. Ул яна ҳайрат бунёд қилди. Бурунғи мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам неча киши бор эрди. Андин сўрдиларким, ҳаргиз бу навъ киши кўрубмусен, чун кўзида заъф бор эрди, дедики, кўрмаймен, магар уч йил мундин бурунроқ Пули Молонда бир йигит кўрдум, ул ҳам бу навъ шуъбадабозлиғ (сеҳргарлик) қилди. Мажлис аҳли кулуштилар".

Айни ҳодисанинг бир эмас икки мартотаба бўлиб ўтгани Навоийдаги бу хислатнинг тасодифий бўлмасдан, адиб иқтидорининг табиий кўринишларидан бири эканлигининг очиқ далолатидир.

---

1 Қаранг: Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, "Akademnashr", 2011, 188-299-бетлар.

2 Тўхлиев Б.,Тўхлиева Д. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010; To'xliyev B., To'xliyeva D. Alisher Navoiy hayotiva ijodi. – Toshkent, "Bayoz", 2013.

Навоий ҳамма вақт холисликни сақлаган, бу жиҳатдан ҳам у бошқаларга меъёр ва мезон бўла олади. Биргина мисол: ижодкорларнинг айрим камчиликлари уларнинг яхши томонини кўриш учун Навоийга ҳеч қачон монелик қилган эмас: “Мавлоно Риёзий – самарқандлиғдур. Мутакаббир ва муъжиб (ўзини катта олувчи) киши эрди. Ғазални бағоят хуб айтур эрди. Жомеъ ул-фазойил ва муқави юд-далойил киши эрди ва етти қалам билан хатни хуб битар эрди ва ҳам мулло ва ҳам ҳофизки, Қуръони мажидни етти қироат билан билур ва ўқур эрди ва ҳам котиб ва ҳам шоир ва ҳам маолий эрди. Улум фанида ҳеч нимарса анға мажҳул қолмас эрди. Бу маъниға тахаллуси далилдурким, ҳар нимарсаким, хаёл қилса эрди, айтур эрди ва дер эрди ва боғлар эрди ва хуб тасниф қилур эрди. Илми мусиқий ва адвор ва нужум ва истихрожи рамал ва ғайри золика ҳеч нимарсадин бенасиб эмас эрди”.

Энди “Хамса”дай бетимсол асарни яратган ижодкорнинг камтарона мулоҳазаларини кузатайлик. Адишер Навоий Низомий ва Деҳлавийларнинг хамсачиликдаги буюк хизматларини эътироф этар экан, шундай ёзади:

Ки жаннат алар маскани то адад,
Навоийға маъниларидин мадад[1].

Уларнинг ёнига Ашраф ҳам қўшилади. Бироқ шундан кейин хамсачилик анъанаси узилиб қолади. Мутафаккир бу ҳолатни образли тарзда яратилган боғдаги гуллардан нишон қолмаганлиги, ҳаттоки гулларнинг ҳиди ҳам беному нишон кетганлигини, яъники ўшандай бетакрор бадиий яратиқларнинг бунёд бўлмаётганини, бундай гулзорнинг гуллаб-яшнаши учун биринчи табиий омил бўлган манбанинг ўзи ҳам мавжуд бўлмай қолганини афсус билан қайд этади. Ана шу бўшлиқни ҳис этиш ва уни тўлдириш иштиёқи Навоийни чуқур ўйга солади:

Булар чу адам сори кўчмиш эди,
Дегил: маснавий оти ўчмиш эди.

Ҳамул боғ аро гул йўқу бўйи ҳам,
Қурумиш эди ул ариғ суйи ҳам.

Биҳамдиллаҳ, ул гул топиб рангу бў,
Бир оққан ариққа яна оқти су (48).

Бундай анъаналар ҳақида гап борадиган бўлса, Навоий, табиийки, ўз достонларида Низомий, Деҳлавий ва Жомий сингари “сўз кишварин якқалам олган”ларнинг “жоми маоний” тутганларини чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Навоий бу пайтда (“Хамса” достонларини яратаётганида) аллақачон ўз девонлари билан машҳур бўлган эди (“Ҳар аснофи зикри эмас шаънима, Билур ҳар киши боқса девонима”). Шунга қарамай, у буларнинг барчасини «ушоқ иш» деб баҳолайди:

Вале қониъ ўлмай ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эди улуғ печ-печ.

---

1 Алишер Навоий Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 47-бет. “Саъдди “Искандарий”га оид мисолларнинг барчаси шу нашрдан олинган. Шунга кўра, кейиги ҳолатларда ўша нашрнинг саҳифаларини кўрсатиш билан кифояланамиз.

Ана шу улуғ ният яратилган “Хамса”ларни қайта кўриб чиқишга ундайди. Улар билан қайта танишиш шоирнинг ўзига бўлган ишончини йўқотгандай бўлади. Олдинги хамсанавислар яратган улуғ шеърий қасрлар, уардаги бадиий дурдоналар шоирнинг ҳайратини янада орттиради. Шунда унинг қулоғига ғойибдан бир овоз етишади:

«Ки: «Эй булбули зори алҳонсаро,
Вале сўз риёзида дастонсаро,

Наво ичра минг лаҳнсозинг[1] қани?
Дасотини[2] хотирнавозинг қани?

Санга онча халқ лутфи воқеъдурур,
Ки, то турк алфози шойеъдурур[3].

Бу тил била то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмамиш халқ сендек киши.

Санга турк ақолимин[4] айлаб рақам,
Азалда насиб айламиш яққалам.

Насиб этти сени айлаб марзбон[5],
Синони[6] қалам бирла тиғи хабон.

Ки, бу мулк аро қаҳрамон бўлғасен,
Улус ичра соҳибқирон бўлғасен.

Бу йўл қатъидин тоймоғинг не эди?
Кўруб «Хамса» сустоймоғинг не эди?
Қаю ишки бўлмиш муяссар санга,
Бўлурму бу андеша бовар санга?...

Не ишгаки эл сундунг, ул тутти эл,
Муни ҳам аларнинг яна бири бил...

Кўнгулдин таваҳҳумни[7] айлаб адам,
Илик ишга ур, йўлға қўйғил қадам!»[8].

Навоийнинг қаламга олган мавзу ва ғоялари инсоният ақлини шошириб қўяди. Уларнинг чеку-чегарасини бир қарашда қамраб олиш қийин, балки мумкин эмасдай туюлади. Зеро, уларда:

1 Лаҳнсоз – куй яратадиган, қўшиқ тўқийдиган.
2 Дасотин – достонлар; қўшиқ ва нағмалар.
3 Шоеъ – ёйилган, машҳур бўлган.
4 Ақолим – иқлимлар; мамлакатлар, ўлкалар.
5 Марзбон – чегарачи, соқчи.
6 Синон – найза, найзанинг учи.
7 Таваҳҳум – ваҳимага тушиш, қўрқиш.
8 Сади Искандарий, 57-59-бетлар

Фохтадин қумрую булбулғача,
Балки шажар яфроғидин гулгача

(фохта – сайроқи қушлардан бири, шажар-дарахт), яъники олам ҳодисаларининг каттасидан энг кичигигача қамраб олинганини кўриш қийин эмас.

Меванинг ҳам пўсти ҳам мағзи бўлади. Одамда-чи?

Меваға мағз ўлса бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

Алишер Навоийнинг турли ижтимоий табақаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги бетакрор мушоҳадалари кишида ҳайрат ва ҳавас туйғуларини уйғотади. Жумладан, деҳқонлар ҳақида уларни улуғловчи мулоҳазалар эътиборни тортади: «Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ йўли билан ризқ йўлин очар... Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот». Муҳими, уларнинг фаолияти тўлиғича ижтимоий фойдали ҳаракатлардир.

Олимлар ҳақида гапирар экан, Навоий уларнинг рутба ва мартабасини жуда улуғ тутади. Уларнинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўринларига юқори баҳо беради.

Бировким қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.

Навоий ҳадиси шарифлар силсиласида «олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» деган гўзал бир намунанинг борлигини ҳам қайд этади. «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да олам ва одам тарихи ёритилар экан, у ҳакимларнинг ҳикматларига алоҳида эътибор беради. Булар, яъни тафаккурнинг жуда қадимги тарихдан етиб келган гўзал мевалари Навоийнинг фикрича, ўз замондошлари, айниқса, ёшлар учун ўрнак ва сабоқ мактаби вазифасини адо этиши керак эди. Мана уларнинг айрим намуналари. Луқмони ҳакимдан:

«Барча юкни торттим, бурчдан оғирроқ юк кўрмадим». «Ундан сўрдиларки, не нимадурким, фойдаси барча халойиққа теяр? Дедиким: ёмонларнинг йўқлуғи».

Афлотун ҳаким сўзларидан: «Подшоҳға чоғир ичмак ҳаромдур, невчунким, ул мулк ва раиятнинг нигоҳбонидур. Нигоҳбон (посбон)ким, анга нигоҳбон керак бўлғай, яхши бўлмағай».

Аристотилис ҳаким ҳикматларидан: «Подшоҳ улуғ руд (дарё, сой, жилға)ға ўхшар ва атбои (тобелари, фуқаролари) ариғларгаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суйиға ҳар ҳол бўлса, ариғларға ҳамул (шундай) ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; ул ачиғ бўлса, булар ачиғ; ул соф бўлса, булар соф; ул лой бўлса, булар лой. Пас, подшоҳға вожибдур – ғоят ҳикмат ва эътидол (мўътадиллик, ўртачалик) била маош қилмоқ, то хайл (жамоа, тоифа) ва ҳашами (яқин кишиси, бирор киши ёнида ҳар доим бирга бўлувчиси) анга мутобаат (эргашиш, изидан бориш) қилғайлар

Шеър:

Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Иккисининг суйиға бир маза бор».

Батлимус ҳаким ҳикмаларидан:

«Қобилнинг саодати будурким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдурким, эл ҳолидин панд олғай ва бадбахт улким, анинг ҳолидин эл панд олғайдир».

Бузуржмеҳр ҳикматларидан:

«Йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ яхши? Дедиким: йигитликда илм касб қилмоқ ва қариликда ани амалга келтурмак яхшидир».

Шеър:

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани.

Навоийнинг назарида инсонни улуғликка етаклайдиган асосий манба ва омиллардан энг мўътабари билимдир. У Искандарнинг «баҳру бар»ни қўлга киритишнинг ҳам асосини ундаги олимлик, билимдонлик билан боғлайди. Мирзо Улуғбекнинг шаъну шавкатини ҳам подшоҳлик билан эмас, балки олимлик билан белгиланишини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Мирзо Улуғбек эришган даража ва мартабаларнинг бош омили ҳам, Навоий талқинида, унинг "илм сори даст" топганлигида:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Анинг абнойи жинси[1] бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.

Валек ул илм сори топти чу даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.

Расадким[2] боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Инсон дунёга келганидан кейин инсондай яшаши керак. Унинг зиммасидаги асосий вазифа мана шундан иборат. Шундай яшаш керакки, охир-оқибатда ундан яхши ном қолсин:

Қила олғонча ул бўлсун шиоринг
Ки, яхши от қолғай ёдгоринг.

«Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келади»[3], – деган мулоҳазларнинг нақадар ҳақлигини ҳар бир навоийхон яхши билади.

Навоий асарларини мушоҳада қилиш, уларнинг мутолааси билан шуғулланиш муҳтарам Президентимиз айтган ушбу гапларнинг ҳақлигига шоҳидлик қилади. Қаранг: кекса киши-

1 Абнойи жинс – ҳамжинслар, инсонлар, одамлар.
2 Расад – астрономик жадвал.
3 Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч, 47-48-бетлар.

ларни эҳтиёт қилиш лозим. Уларни қадрлаш керак. Тўғри, буни кўпчилик билади, аммо Навоий бу ақида эътирофи учун ниҳоятда табиий бир қиёсни келтиради. Болалар (атфол) ўйнаб юрганларида, ўйин асносида қуруқ шохга сал тегиб кетсалар, у синиб қолиши мумкин:

Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густох.

Унуттунгмуки, атфол ўйнағанда
Синар оз майл кўргандин қуруқ шох.

Юқорида айтилганидай, Навоий учун инсондаги муносиб фазилатлар унга кўрк бағишласа, номуносиблари уни хор, бошқалар олдида эса эътиборсиз қилади. Масалан, хушомадгўй, бошқаларнинг олдида фақат қўл қовуштириб турадиган пасткашлар ҳақида гапириб, уларнинг бели эгилганидан кўра сингани яхшироқ дейди. Таъзимдан бошқа ишга ярамайдиган қўлнинг эса жойидан чиқиши, билагидан синиши афзалроқдир. Тил эса:

Чун хушомад демакни бошласа кош,
Ким тутулса дами, кесилса тили.

Хато ёзадиган котибнинг юзи эса унинг ўзи ёзган дафтар саҳифасидек қора бўлгани муносибдир.

Алишер Навоий таълим-тарбияда намунанинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ҳам машҳур кшилар, буюк шахслар, азиз-авлиёлар, мутафаккирлар, машойихларнинг ҳаёти ва ижодига замондошларнинг, айниқса, ёшларнинг эътиборини тортиши бежиз эмас. Мутафаккир адиб улуғларнинг фикрлаш тарзи, фикр-мулоҳазаларидаги ўзига хослик, нутқларининг бой ва гўзаллигини алоҳида таъкидлайди. Ёшлар эътиборига мана шу хислатларни тавсия этади. Жумладан, у кўплаб ижодкорларнинг номларини турли муносабатлар билан тилга олади. “Мажолис ун-нафоис”да ўзигача яшаб ижод этган шунингдек, ўзига замондош бўлган ижодкорлар ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг шахсиятидаги улуғвор жиҳатларга ҳам алоҳида урғу беради. Амир Қосим Анвор ҳақида гапириб туриб, шундай ёзади: “Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл бағоят алар назмлариға мойил ва шеърларин ўқумоқ ва битимакка роғиб бўлдилар”.

Мавлоно Яхъё Себакни эса «Хуросон мулкининг рангин фозили эрди, кўп улум ва фунунда моҳир эрди. Саноеъ ва аруз фанида барча эл ани мусаллам тутарлар эрди. Анинг табъи диққатини ҳар киши билай деса «Шабистони хаёл» деган китобини кўрсун», дея тавсифлайди. Ўзининг ундан (бавосита) аруз илмини ўрганганлигини ҳам қайд этади: «Бу фақир аруз фанида восита била Мавлононинг шогирдимен”. Муҳими, унинг табиатидаги ўзига хосликни, бошқаларга намуна бўладиган жиҳатни ҳам тилга олади: “Мавлоно дарвешваш ва қонеъ киши эрди”. Ёки “Мавлоно Тўтий – асли Туршиз вилоятидиндур. Бобур Мирзо мулозаматида тарбият топти. Яхши шакллик ва яхши хулқлик йигит эрди”... “Мавлоно Билол – надим шева ва шўрингўй киши эрди. Туркий ва форсий шеърни яхши айтур эрди”... “Мир Саъид – эл орасида «Кобулий» лақаби била машҳурдур. Фақирға тағойи бўлур. Яхши табъи бор эрди. Туркчага майли кўпроқ эрди”.

Шунингдек, Мавлоно Бадахшийнинг “фозил киши”, Мавлоно Орифийнинг “бағоят фозил ва хушгўй шоир”лиги қайд этилади.

Ижодкорларнинг айримлари табиатида учрайдиган нотугаллик ва кемтикликлар ҳам адиб эътиборидан четда қолмайди: “Мавлоно Муҳаммад Олим – Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо била ҳамсабақ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер (шижоатли, довюрак) ва шўхтабъ ва хийра (беҳаё, сурбет) киши эрди. Баҳсда кўп гўстохона (адабсиз, андишасиз) сўзлар ва жавоблар айтур эрди”.

Айни ҳолатлар “Насойим ул-муҳаббат” учун ҳам хосдир. Бу асарда ҳам ҳар бир тасаввуф олимининг табиатидаги ўзига хосликлар, хусусан, ёшлар учун ўрнак ва намуна мактаби вазифасини адо этадиган яхши фазилатлар алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Абулфазойил Ҳамадоний номини тилга олар экан, унинг нутқидаги аниқлик, равонлик, таъсирчанлик ҳақида маълумот беради.

Муддао бу тасаввуф алломасининг нутқидаги “равонлиғ ва салосат”га эътиборни қаратиш, унинг бу борада “назири йўқ”лигини кўрсатиш эди. Ана шу мақсад ифодаси учун муаллиф шундай ёзади: “Кунияти ва оти Абулфазойил Абдуллоҳ б. Муҳаммад б. Маёнажийдур. Айн ул-қузот лақабидур. Шайх Муҳаммад Ҳаммуя била суҳбат тутубдур. Ва Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий қ. с. нинг муридидур ва суварий ва маънавий фазойили мусаннафот (асарлар)идин маълумдур. Не арабий ва не форсий ончаким, ҳақойиқу дақойиқ кашфи ва шарҳи ул қилибдур, бу тоифадин оз киши қилмиш бўлғай. Ва ондин хавориқи одот (ғаройиб одатлар, каромат) иҳёю (тирилтириш) амвот (ўликка айлантирмоқ)қача зуҳурға келибдурлар. Ва анинг била Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий қ. с. орасида кўп мукотабот (ўзаро хат ёзишиш) ва муросалот (рисола алмашиш) бор. Ул жумладин бири «Айнийя» рисоласидурким, Ҳазрат Махдуми н. м. н. дебдурки, имом анга битибдурки, равонлиғ ва салосатда айтса бўлурки, назири йўқдур”[1].

Ушбу матннинг ўзига хосликлари нимлардан иборат? Албатта, биз бу саволга ўз мақсадимиздан келиб чиққан ҳолда жавоб берамиз. Шунда қуйидагиларни қайд этиш мумкин бўлади:

Ҳамадонийнинг машҳур шахс эканлигини таъкидлаш. Бунинг учун унинг кунияти ва номи алоҳида эсга олинмоқда.

Унинг улуғлар даврасида алоҳида мавқега эгалигини кўрсатиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Шунга кўра, унинг махсус лақабга эга эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.

Улуғлик белгилари ўз-ўзича ҳосил бўлмайди. Бунинг учун муносиб устозларнинг бўлиши шарт. Айни мана шу ҳолат тақазоси Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий номининг тилга олинишига сабаб бўлган. Ғаззолий сингари улуғ устоздан сабоқ олишга мушарраф бўлган шогирд камолини тасаввур этиш эса қийин кечмайди.

Ниҳоят, шайхдаги алоҳида фазилатлар тавсифи келтирилмоқда. Бунинг исботи учун эса яна бир қўшимча далил тавсия этилади: шайхнинг “суварий ва маънавий фазойили” (зоҳирий, яъни ташқи томондан ҳам сезилиб турадиган) ҳамда ботиний, маънавий фазлатлари кўп эди. Бу ҳам яна қўшимча асос билан биргаликда ўқувчи назарига ҳавола этилади: “мусаннафотидин (яъни ёзилган асарларидан) маълумдур”.

Улуғ устозларнинг этагидан тутишнинг ўзи ҳали натижани тўлиқ кафолатлайди дегани эмас. Шогирд устозга муносиб бўлиши керак. Айни мана шу тезис ҳам матнда ўз исботин топган: Навоий икки буюк машойихлар орасида жиддий илмий мулоқотларнинг мунтазамлигини алоҳида қайд этади: “Ва анинг била Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий қ. с. орасида кўп мукотабот (ўзаро хат ёзишув) ва муросалот (рисолалар ёзиш) бор. Ул жумладин бири «Айнийя» рисоласидур”.

1 Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С.Рафиддинов, С.Ғаниева. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 20-бет.

Алишер Навоий буларни ҳам етарли эмас, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам далиллар сонини яна кўпайтиради. Энди ёрдамга улуғ устоз Абдураҳмон Жомий чақирилади: “Ҳазрат Махдуми н. м. н. дебдурки...”

Шундан кейингина муддаога ўтилади: “Ҳазрат Махдуми н. м. н. дебдурки, имом анга битибдурки, равонлиғ ва салосат (бир-бирига мувофиқлик; очиқлик)да айтса бўлурки, назири йўқдур”.

“АДАБ КИЧИК ЁШЛИҒЛАРНИ УЛУҒЛАР ДУОСИҒА САЗОВОР ЭТАР”

Алишер Навоий таълим-тарбия жараёнларининг қийин ва машаққатли эканлигини яхши билади. Бу соҳадаги муваффақиятларнинг жуда узоқ ва мунтазам олиб борилган меҳнат самараси эканлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам “Девони Фоний”даги ғазалларидан бири “Ин риёзатро кашидан н-ояд аз беварзишон”[1] (“бундай машаққатни кўтариш таълим-тарбия кўрмаганлардан келмайди”), дея алоҳида таъкидлайди.

Алишер Навоий инсон умрининг асосий мазмуни фарзандлар эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам фарзанд кўриш инсониятнинг энг эзгу тилакларидан бири сифатида қайта-қайта тилга олинади. Ҳатто ҳайвонлар ҳам “болалаб завқнок” бўлишларини алоҳида таъкиидлайди. “Шер билан Дуррож” ҳикоятидаги шерни Навоий китобхонларга шундай тақдим этади:

Тишлабон ул мояи пайвандини,
Оғзида асрар эди фарзандини.

Албатта, инсонинг ўз фарзандига бўлган меҳру муҳаббати беқиёсдир. Имом Зайнулобидин ҳақидаги ҳикоятда шундай келтирилган:

Ўйлаки қонуни убувват[2] бўлур,
Тифл сори элга муҳаббат бўлур.

Зоҳир ўлуб таврида[3] осори меҳр,
Айлар эди ҳар нафас изҳори меҳр.

Бор эди бир нодира фарзанд анга,
Жону кўнгул риштаси пайванд анга.

Аммо фарзандли бўлишнинг ўзи ҳали ҳеч нарсани англатмайди. Бу фарзанд муносиб равишда тарбияланмоғи лозим. Одоб ва тарбиягина “кичикларга мужиби (сабаби) саодатмандлиғ ва улуғларға боиси сарбаландлиқ (улуғлик)” бўла олади, холос. Зеро:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб...

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

“Садди Искандарий”даги подшо – Файлақус достон аввалида фарзандсиз одам сифатида тасвирланади. У тақдир тақазоси билан етим болани асраб, авайлаб парвариш қила бошалайди, унга ном қўяди (Скандар), муҳими, унга алоҳида ва жиддий тарбия беради, уни валиаҳд деб ҳам атади:

---

1 Девони Фоний, 451 ғазал
2 Убувват – оталик
3 Тавр – одат, феъл-атвор.

Ўзи тифлни[1] олди эъзоз ила,
Қилур эрди парварда юз ноз ила.

Скандар атаб, ўғли билди ани,
Ўларда валиаҳд[2] қилди ани.

Анга тегруким бўлди лафзи дуруст,
Тааллум[3] иши вожиб ўлди нахуст.

Искандарнинг отаси Файлақус тилидан фарзаднинг ижтимоий мавқеи жуда аниқ кўрсатиб берилади:

Сен ўлсанг чу қойим мақомим менинг,
Бабод ўлмағай нангу номим менинг.

Демак, фарзанди бор одамнинг номи шамолларга учиб кетмайди, балки авлодлар хотирасида сақланади.

Искандарни ёшлигидан муносиб устозга шогирд қилиб беришади. У Нақумоҳис эди. *Нақумоҳис* – Файлақуснинг олим ва донишманд вазири бўлган.

Шоир уни шундай таърифлайди. Таърифда инсоний фазилатлар саноғи асосий ўрин тутади:

Нақумоҳис оллинда дастур эди
Ки, ҳикматқа оламда машҳур эди.

Сипеҳр авжиға фикри суръатнамой[4],
Фалак сайридин ройи мушкилкушой.

Назар чобукин[5] чун қилиб тезбин,
Бўлуб нозири важҳи айнул-яқин.

Киши йўқ билик ичра монанд анга,
Арастуи фарзона фарзанд анга.

Чу тадбир ила дафъи офот этиб,
Анинг ройидин[6] шаҳ мубоҳот[7] этиб.

Бори илм аро, ўйла соҳиб камол
Ки, комил анингдек топилмоқ маҳол.

---

1 Тифл – гўдак, чақалоқ, бола.
2 Валиаҳд – тожу тахт меросхўри, ҳукмдорнинг меросхўри.
3 Тааллум – ўрганиш, билим олиш.
4 Суръатнамой – шиддат кўрсатувчи, чаққонлик қилувчи.
5 Чобук – чавандоз.
6 Рой – фикр, қараш.
7 Мубоҳот – фахр, ифтихор.

Скандарни доноға топшурди чуст[1]
Ки, донишнинг авроқин[2] *этгай дуруст.*

Бу ерда ўқитувчи-мураббийнинг – ёш авлодга адаб ва билим ўргатадиган шахснинг айрим сифатларини илғаш мумкин. Булар:

Ҳикматли сўзларни кўп биладиган, яъни ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодидан яхши хабардорлик.

Фикри ўткирлик.

Ҳодисаларнинг ташқи томонига қараб унинг ичи, асл моҳиятини тасаввур қила оладиган даражадаги мушоҳадакорлик.

Билимдонлик.

Тез ва ўринли қарор қабул қила олиш салоҳияти.

Фикр доирасининг, дунёқарашининг кенглиги, турли фанлардан хабардорлик.

Ўқитувчининг асосий вазифаси шогирдга тўғри йўлни кўрсатишдан иборатдир. Алишер Навоий бу ҳақда бир қатор бошқа асарларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. Жумладан, "Саъдди Искандарий"да шундай дейди:

Мураттаб қилиб лавҳи иршодини[3],
Анга қилди таълим бунёдини.

"Маҳбуб ул-қулуб"нинг олтинчи боби айни мана шу масалаларга бағишлангани бежиз эмас. У "Тавозуъ ва адаб зикрида" дейилади. Навоий адабнинг қатор хусусият ва берадиган имтиёзларини алоҳида алоҳида кўрсатиб беради:

У кичиклар учун ҳам катталар учун ҳам бир хилда манфаатли ва фойдалидир: "Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосиға сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор (мамнун). Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглиға солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад (абадий) қолур".

Адаб эгаси кичик бўлишига қарамасдан уни бошқалар назарига туширади, ҳар хил ножоиз бало ва офатлардан асрайди: "Ушоғларни кўзга улуғ қилур атворидин халқ улуғлиғ билур. Халқ жонибидин беҳурматлиғ эшигин боғлар ва кишини ҳазл ва истихфоф (камситиш, ерга уриш)дин сахлар".

Одоб зийнат сифатида инсонга кўримлилик, ёқимлиликни ато этади: "Табиатға инсоният тарийқида андом (кўркамлик) берур ва мижозға одамийлиғ манзилида ором еткурур. Кичикларғаким, андин мунча бўлғай, улуғларға, кўрким, неча мунча бўлғай".

Одобнинг ишқ-муҳаббат борасидаги ўрни ва аҳамияти ҳам катта: "Муҳаббатға зебу пироя (безак, зийнат) адабдин етар ва муваддатға (дўстлик, муҳаббат)га равнақ ва баҳо таркидин кетар. Адаб ва тавозуъ кўзгусиға жило берур, икки жонибдин ёруғлуқ еткурур". Бугина эмас, адаб муҳаббат аҳлини бошқалар наздида улуғлайди: "Тавозуъ ва адаб аҳлиға таъзим ва ҳурмат етар, ул донани эккан жавоҳир бу маҳсулни жамъ этар. Халқ ихтилоти (аралашуви, борди-келдиси)да ҳамида ахлоқ ибтидоси бу хисол (хислат)дур ва бу русух (барқарорлик) топса муҳаббат ихтилол (парокандалик, бузилиш)и маҳолдур".

Одобли бўлишнинг шахс камолоти учун бевосита таъсири мавжуд.

Алишер Навоий бу ғояни ифодалаш учун бир ҳикоятни келтиради. У Муқбил ва Мудбир ҳақида.

Ов пайтида от чопиш ва ўқ отишга берилиб кетган Хусрав Парвезнинг сарафрозлиғ тожидан гавҳари обдор (қимматбаҳо гавҳар) ва дурри шаҳвор узулуб ерга тушти. Ҳамма ов

1 Чуст – тез, чаққон.
2 Авроқ – варақлар, саҳифалар.
3 Иршод – тўғри йўл кўрсатиш, раҳбарлик қилиш.

билан машғул бўлгани учун буни ҳеч ким билмай қолди. Воқеа маълум бўлгач, уни излай бошладилар. У гавҳарнинг қиммати юртнинг бир йиллик божу хирожларига тенг эди. Топган одамга катта суюнчилар ваъда қилинди. Халқ уни излаш билан машғул бўлди.

Шу аснода бири ғофил ва бошқаси ҳушёр бўлган икки ҳамроҳ йигитлар ҳам шу ерга етиб келишди. Ғофил жоҳил бўлганлиги учун ўзи билан ўзи овора эди. Иккинчиси эса одоб зийнати туфайли қадрли эди. Бирининг исми Мудбири жаҳонгард (олам кезувчи) ва бирининг оти Муқбили жавонмард (олийжаноб) эди. Улар дурларни излаётган кишиларга яқинлашишди ва уларни бошлаб юрган кишига дуч келишди. Мудбир такаббурлик билан унга қарамасдан ўтиб кетди. Муқбил инсонийлик йўриғини тутди. У бошлиққа адаб ва тавозуъ билан бош эгиб, ерга тушган гавҳарга кўзи тушди, уни олиб, ўпиб ўша бошлиққа тутди, у суюнчи берувчиларнинг ҳам вакили эди. Муқбилнинг қўлидан тутуб шаҳарга қайтди ва воқеани Хусравга изоҳлади. Хусрав хушҳол ва мунбасит (хурсанд) бўлди.

Унга кўпдан-кўп эҳсонлар берди. Мудбир такаббурлик натижасида шаҳар ҳаммомидагина исинадиган жой топди, Муқбил эса адаб ва тавозуъ фойдаси туфайли мақсад гавҳарини топиб, шоҳ гулшанида иззат-икромларга сазовор бўлди.

Алишер Навоий инсоний фазилатлар орасида ҳимматнинг алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини кўрсатиб ўтади:

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд (С.И.).

Демак, ҳиммат шундай фазилатки, кимдаким унинг баланд даражасига эриша олса, бундай киши жамият аъзоларининг ҳурмат ва эътирофларга сазовор бўлади. Ҳиммат инсонни “олам аҳли аро аржуманд” қилади.

Кишининг қўлида бойлиги бўлмаслиги мумкин. Аммо бойлик моддий неъматлар билан ўлчанмайди. Алишер Навоий даврида пул бирликлари ранг-баранг бўлган. Унинг энг йириги, қитмматбаҳоси олтин ва кумуш эди. Энг кичик пул бирликлари эса мис билан белгиланган. Шунга кўра, кишида битта қора мис танга ҳам бўлмаслиги мумкин. Мана шу ҳолат ҳам унинг бой ёки камбағаллигини белгиламайди. Бу ердаги асосий “ўлчов бирлиги” кишининг ҳимматидир. Кимдаки ҳиммат мавжуд экан, уни камбағал дейиш мумкин эмас:

Киши нақди гар бир қаро мис эмас,
Агар ҳиммати бўлса муфлис эмас.

Шунинг учун ҳам мутафаккир адиб бу борадаги хулосасини жуда қатъий тарзда билдиради:

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

“Муфлис” – камбағал, гадо, бенаво, ночор, бечора, қашшоқ маъноларини беради. Демак, бечора одам – моддий имконияти паст ёки йўқ одам эмас, балки кўнглида ҳиммат туйғуси йўқ одамдир.

Алишер Навоий ўзи яшаган даврда бу қоиданинг амал қилмаётганини ёки бузилганини ҳам яхши билади. Ўз даврида бундай бузилишларнинг “ойини (расм-русм, урф-одати) дайри фано” бўлганлигини ҳам қайд этади. Бизнинг замонамизда “кимда бойлик бўлса, ўша ҳурмат ва эътибор топадиган бўлди”, деб афсусланади.

Бу расм ўлди ойини дайри фано
Ки, ҳурмат топар кимда бўлса ғино.

Бу тоифа кишилар ҳимматнинг нималигини билишмайди. Улар ҳимматнинг кимиё эканлигидан ҳам хабарсиздир. "Кимиё"нинг "химия", "алхимия" деган маъноларидан ташқари "ноёб", "нодир", "қимматбаҳо нарса" деган маънога эгалигини ҳам эсда тутайлик. Шунда ҳимматнинг "инсон вужудининг асл жавҳари, энг қимматбаҳо нарсаси" эканлиги аёнлашади:

Чу ҳиммат эрур кимиёйи вужуд
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд.

"Жуд" – "инъом", "эҳсон", "сахийлик" дегани. Демак, саховат аҳлига мансуб бўлган ҳурмат ва эътиборнинг асосий сабаби ҳам мана шу ҳиммат экан. Моддий аҳволи қандай бўлишига қарамасдан, ўша "асл, қимматбаҳо нарса" – ҳимматга эга бўлиш уни "камбағаллик" деган миннатдан халос этади. Уни ҳақиқий бой ва бадавлат одам ("ғани") деса бўлади:

Бировким, анинг кимиёдур фани,
Ани деса бўлғай эл ичра ғани.

Модомики бойлик элнинг, кўпчиликнинг ҳурматига асосий сабаб бўлар экан, ҳиммати баланд бўлган улуғларнинг бошқалар томонидан эътироф этилишига, ҳурмат ва эътибор топишига ажабланиш керак эмас. Бу – қонуний ҳодисадир:

Ғинодур чу эл ҳурматиға сабаб,
Анга эҳтиром этсалар йўқ ажаб.

Ижтимоий аҳволига кўра моддий бойликларга эга бўлганлар, бойларга қандай баҳо берилади? "Садди Искандарий" бу саволга шундай жавоб беради:

Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,
Ғани бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

Бу мисраларнинг изоҳланишига заруриятнинг йўқлиги очиқ кўриниб турибди. Фақат моддий бойлик эгалари билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа жуда ачинарли вазият ва ҳолатлар мавжуд. Айниқса, бойлик тасодифий ва номуносиб кимсалар қўлида бўлса, унинг хавфли жиҳатлари янада кўпаяди. Бошқа томонлари ҳақида гапирмаганда ҳам, фақат бу бойликларни мунтазам равишда муҳофоза қилиш ҳам керак бўлади.

Шоир бундай табиатли инсонларни "дунсифат" дейди. Луғатларда бу сўз "пасткаш", "разил", "тубан", "нокас"; "пасткаш", "ахлоқсиз" деб изоҳланган:

Тутай, дунсифат кимсанинг ганжи бор,
Туну кун анинг ҳифзидин ранжи бор.

Пасткаш кишининг бойликлари, моддий неъматлари кўп бўлганидан кейин, у туну кун мана шу бойликларни асраб-авайлаш пайида бўлади, холос. Бойликларни асраш машаққа-

ти уни беҳаловат қилади. Нокас одам майда чақаларни тўплаб юрар экан, уни очишдан кўнглида ҳар доим ваҳима яшайди. У чақалар солинган идишни очиш ўрнига, ундаги тугунларни яна биттага кўпайтириш билан овора бўлади.

Пашизе[1] агар тугди эрса лаим,
Мудом очмоғидин топар кўнгли бим.

Десаким: очай тонгла ёхуд бугун,
Тугар ул тугунга яна бир тугун.

Бу тугун очилганида ҳам эгасининг муддаоси унинг ичидагиларни бошқаларга тарқатиш эмас, балки яна битта янги тангани уларга қўшиб қўйишдан иборат бўлади, холос:

Очардин эмас коми тарқотмоғи,
Ғараз бор анга ўзга бир қотмоғи.

Дирам, яъни пул шодаларини очиш унга маъқул кўринмайди, аксинча, пули кўпайган сари уларни беркитиб турувчи тугунлар сонини ҳам кўпайтириб бораверади.

Кўрунмай дирам иқдин очмоғи хўп,
Дирам ҳар неча кўп, тугун доғи кўп.

Бирорта тугунни очадиган (ечадиган) бўлса, ҳар битта тугун, чигал унинг кўнглига шунчалик кўп қийинчилик, ғулғула солаверади:

Очар бўлса андин саросар гириҳ,
Солур кўнглига бир гириҳ ҳар гириҳ.

Шундан кейин адиб бир қатор ҳаётий мисолларни кетма-кет келтиради: айиқ ўйнатувчи кўнгил хушлиги учун эмас, балки тирикчилик учун бу иш билан шуғулланади. Шуниг учун ҳам у айиққа берадиган нонини итга бера олмайди.

Айиғ лаъбидин жатқаким нон еюрур,
Ани итга солмоқ не имкон эрур.

Маймуннинг шундай одати бор экан: у топганини ичига сиққинуча ейди, ортганин эса лунжига йиғади.

Бижин топса ер, то ичига сиғар,
Не қолса овуртиға борин йиғар.

Дарахтнинг устида юз мингта ёнғоқ бўлишига қарамасдан зоғ (қарға) ундан ўғирлаб олганларини ер остига кўмиш билан машғул бўлади:

Йиғоч узра гар бўлса юз минг ёнгоғ
Кўмар ерга ҳар не ўғурлоди зоғ.

1 Пашиз – чақа, пул.

Сичқоннинг яшаш жойи ер ости. У ўз масканида кўплаб хоначаларни ҳам махфий жой сифатида ажратиб қўяди. Ундаги пасткашлик шу даражадаки, ўз насибаси бўлган нарсаларни ҳатто ўзидан ҳам яшириб қўяди.

Ер остики сичқонға кошонадур,
Яна анда ҳар ён ниҳон хонадур.

Разолатни ҳаддин қачон ошурур,
Ўзидин доғи туъмасин ёшурур.

Кейинги мисол бундан ҳам таъсирлироқ. Гўлах, ўт ёқувчи йўлда ётган тезакларни заҳира сифатида омборхонасига тўплайди.

Нажосат йўлидин қўюб гулхани,
Захирам, деб анбор айлар ани.

Гўнгқўнғиз эса уйига тезак ташиш билан машғул. У ўлишини билган тақдирда ҳам бу ишини йиғиштириб қўймайди. Ҳатто йўл устида отнинг оёғи остда янчилиб кетишини билганида ҳам ўз ишини давом эттираверади:

Жуалдур[1] тезак тошимоқдин забун
Ки, бўлмиш қарориб, юзи сарнигун[2].

Ани қўймас ўлмаклигин билса ҳам,
Неча от оёғиға янчилса ҳам.

Агар аҳли карам мол йиғишни уят иш ҳисоблайдиган бўлса, пасткаш кишилар бир дирамини сарф қилмоқни айб иш деб билади.

Кўрар айб дун сарф қилмоқ дирам,
Анингдекки, йиғмоғни аҳли карам.

Карамли кишилар чўнтакларининг бўшатилганидан хурсанд бўлишса, бу ишни ўзларига шараф билишса, нариги тоифа чўнтак бўшлигини айб ва нуқсон деб билишади.

Карамдин бировким тиҳи жайб эрур,
Тиҳи айламак жайб анга айб эрур.

Ҳиммат аҳли чўнтакларининг пул билан тўлдиришни балоларнинг боши деб билишади.

Бу иш ҳиммат аҳлиғадур ибтило
Ки, жайби дирам бирла бўлғай тўло.

Уйида хазинаси бўлган карамсиз, саховати йўқ кишининг эса мудом иши фалокат ва кулфатлар ичида яшашдир.

1 Жуал – қорақўнғиз, гўнгқўнғиз, тезакқўнғиз.
2 Сарнигун – боши эгик; шарманда.

Карамсизки бор уйда махзан анга,
Фалокат била фоқадур фан анга.

Улар моллар ичида ғарқ бўлгани ҳолда улардан баҳраманд бўлишмайди, шундай экан уларнинг камбағал ва бева-бечоралардан қандай фарқлари бўлиши мумкин.

Эмас элки амвол аро бўлса ғарқ,
Алар бирла муфлислар ичра не фарқ?

Уларнинг орасида фарқ кам дейиш ҳам мумкин. Аммо уларнинг ақл (эгалари) олдидаги тафовутлари жуда каттадир.

Десам ҳам бўлурким, эрур фарқи кам,
Хирад оллида кўпдурур фарқи ҳам.

Агар нокас кишининг нарсаси бўлмаса, унга бошқалардан хавфу хатар йўқ. Бордию унинг хазинаси ва бойликлари бўлса, атрофидагиларининг бари (“халойиқ”) унинг душмани бўлади:

Ки, ҳар неча бемоя бўлса лаим,
Анга кимсадин йўқдурур ҳеч бим[1].
Вале бўлди чун ганжию махзани,
Халойиқ эрур жонининг душмани.

Қора сувсар ёки қизил тулки бунинг яхши намунаси бўла олади. Уларнинг ўлимига сабаб улардаги нодир тук (тери)ларидир.

Қизил тулку ёхуд қаро киш киби
Ки, бўлғай туки қатлининг мужиби.

Садаф ўз бағрида покиза дурларни йиғади. Худди шунинг учун ҳам унинг ичидаги ўша дурларни олиш учун садафнинг кўксини чок қилишади.

Садафдекки йиққон учун дурри пок,
Қилурлар олур чоғда кўксини чок.

Ҳиммат аҳли учун кўнгилнинг кенглиги хосдир. Шунинг учун ҳам улар бой билан камбағални бир хилда кўришади.

Кўнгул ҳиммат аҳлиғаким бўлди кенг,
Ғино бирла фақр ўлди оллинда тенг.

Улар хазинаси бўлса ҳам бошқаларга бермоқдан азиз бўлишади, бир қора пул бўлса ҳам бошқаларга беришдан хижолат бўлишмайди, ширин кулча еганларини мақтаниб айтиб юришмайди, ёвғон умоч топсалар ҳам қайғусиз, хижолатсиз уни истеъмол қилиш билан кифояланишади.

1 Бим – қўрқув, хавф.

Не ганж ўлса бермакда бордур азиз,
Не номус этар бергали бир пашиз.

Мубоҳот қилмас емактин кулоч[1],
Ғамин бўлмаслар топса ёвғон умоч.

Донишманд кишилар чуқур мулоҳаза юритишса бу икки тоифа орасидаги тафовутларни яхши фарқлашади.

Хирад аҳли чунким тааммул қилур[2],
Тафовут бу икида ҳам топилур.

Не нақдеки аҳли карам сарф этар,
Анга халқдин кўп машаққат етар.

Агар йўқ анга базл этар[3] дастрас[4]
Ки, зоти аро ҳиммати ганжи бас.

Не элдин топар ҳар замон юз малол,
Не аҳволиға юз қўяр ихтилол[5].

Кишиким бийикракдурур ҳиммати,
Жаҳон аҳлидин камдурур меҳнати.

Мазкур фикрларни адиб бир қатор ҳаётий мисоллар билан далиллайди. Жумладан: агар қушнинг парвози баланд бўлса, ҳар қандай овчининг ҳам ўқлари унгача етиб боролмайди. Шунинг учун овчи бундай ўйдан воз кечиб қўя қолади:

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз анга.

Мушак отувчининг иши ўт ёқиб, уни осмонга чиқаришдан иборат. Шунга қарамасдан у баландда – осмонда бўлган булут прачаларини ёндиришнинг уддасидан чиқа олмайди:

Агарчи эрур мушак отмоқ иши,
Булут момуғин ўртай олмас киши.

Болалар чироқни пуфлаб ўчиришга иштиёқманд бўлишади. Шунга қарамасдан, уларнинг пуфлашларидан осмондаги юлдузлар жилосига бирор халал етмайди:

Неча тифл қилса пулаб хийралиқ,
Қачон шамъи анжум[6] топар тийралиқ?

---

1 Кулоч – ҳолвага ўхшаган бир турли ширинлик; шарбат, бодом ва қаймоқ солиб қилинган кулча.
2 Тааммул қилмоқ – чуқур ўйламоқ, мулоҳаза юритмоқ, диққат билан фикр юритмоқ.
3 Базл эт – инъом қилмоқ, эҳсон қилмоқ, ҳадя этмоқ, бағишламоқ.
4 Дастрас – қўл етиш, имкон пайдо қилиш; имконият.
5 Ихтилол – халал топиш, бузилиш, фитна; қўзғалиш.
6 Шамъи анжум – юлдузлар чироғи.

Қоплон буюк тоғларнинг энг тепа қисмларида ҳам юра олади. Шунга қарамай унинг тўлин ойга чанг солиш имкони борми? Йўқ, бу имкон унда мавжуд эмас:

Тутайким, бийик тоққа чиқсун паланг,
Тўлун ойға секриб етургайму чанг?

Тўлин ой баландда бўлганлиги учун ҳам ҳимоя ва асраб-авайлашга муҳтож эмас, зеро, ҳиммати буюк бўлганларнинг машаққатлари оз бўлади:

Баланд айлабон ҳиммат ул бениёз[1]
Ки, ҳар неча ҳиммат бийик, меҳнат оз.

Навоий ана шундай ҳаётий мисоллардан кейин ўз хулосаларини баён этади. Кимда ҳиммат йўлдош экан, у жаҳондорликни орзу қилмайди, унинг учун гадолик ҳам кифоя қилаверади:

Бировгаки ҳиммат қилур ёрлиқ,
Гадолиқ тилар, йўқ жаҳондорлиқ.

Бунинг сабаби шуки, у фақирлик – гадоликни жаҳондорликка тенг тутади, жаҳондор сифатидаги мол-мулк эгаси бўлишни эса ўзига ор ва номус деб билади:

Ўзин фақр бирла жаҳондор этар,
Жаҳондорлиқдин вале ор этар.

Фақирлик йўлини онгли равишда танлаш улуғ мартабадир. Бу мартаба кўнгли бой ва шунинг учун ҳам ҳиммати улуғ бўлганларгагина сазовор бўлади. Улар оддий қишлоқ ва шаҳар кўчаларининг эмас, балки “фақр кўйи”нинг гадоларидир. Бу ўринни олий даражадаги Яратувчи тўғри, рост йўл қилиб белгилаган:

Дема фақр кўйи гадойин гадо
Ки, шаҳлар шаҳи қилмиш они ҳудо[2].

Оддий гадолар подшоликни ҳавас қилганларидек, бундай гадоларга ҳам подшолар ҳавас билан қарашади:

Қилур подшо ул гадолиқ ҳавас,
Нечукким, гадо подшолиқ ҳавас.

Агар Ҳақ бандаларига мана шундай сезгини, огоҳликни етказадаиган бўлса, унинг атрофидагилар – “барча эл” ҳам шоҳликларини ташлаб фақр йўлига ўтган бўлар эди:

Магар Ҳақ етургай бу огоҳлик
Ки, фақр истагай эл, қўюб шоҳлиқ.

---

1 Бениёз – эҳтиёжсиз, муҳтож эмас; озод, эркин.
2 Ҳудо – тўғри йўл, рост йўл; дини ҳақ, дини ислом.

Алишер Навоий сабр-тоқат ва қаноъатни инсондаги муҳим фазилатлар қаторида санайди. Унинг бу борадаги фикрлари, мулоҳазалари бой ва ранг-баранг. Айни пайтда ўз сўзларига исбот сифатида ҳадиси шарифлардан, буюкларнинг, машойихларнинг сўзларидан ҳам далиллар келтиради.

"Насойим ул муҳаббат"да машойихларга хос бўлган бир қатор фазилатлар саналагани яхши маълум. Уларнинг орасида сабрга ҳам алоҳида ўрин ажратилган:

"Яна сабрдурким, ҳар не Ҳақдин юзланса, таҳаммул пеша қилғай ва ҳар бало келса, сабр қилғай"[1]. Бунинг далили сифатида эса ажойиб бир ҳикоя келтирилади:

"Ул жумладин Шайх Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий қ. р. а.дин манқулдурким, алар йиллар бавосир маразиға мубтало эрдилар. Ва ҳол улким, алар ул замоннинг машойихи аросида мустажоб уд-даъво эрдилар. Ҳар кишига бир, суубату (қийинчилик) балое воқеъ бўлса, алардин дуо истидъо (ялиниб-ёлвориш) қилур эрдилар. Алар дуо қилғоч, мустажоб бўлуб, ул ташвишдин қутулур эрди. Йиллар ул саъб маразиға сабр қилиб, дуо қилмадиларки, ҳар не Тенгридин келса, хушдур. Биз они нечук рад қилали?"[2]

Сабр "Маҳбуб ул-қулуб"да ҳам алоҳида диққат ва эътиборда бўлган. Китобда алоҳида боб "Сабр зикрида" дейилади. Унда сабрнинг ўзига хос хусусиятлари, имтиёз ва афзалликлари, фойда ва имкониятлари батафсил кўрсатиб берилади. Уларни шундай гуруҳлаштириш мумкин:

Сабрда, бир қарашда, лаззат ва ҳузурлардан чеклаш ва четлаштириш борга ўхшаб кўринади. Аслида у нафсни қамоқда асраш воситасидир. Ана шу жараёнда у кишига бардош ва чидам ато этади: "Сабр ўзни чиқармоқдур ҳузузи (лаззатлар, ҳузурлар) нафсонидин ва танаъумоти (нозу неъматлар ичида яшаш, роҳатда яшаш) жисмонидин ва нафсини ҳабс (қамоқ, зиндон) қилмоқдур ибодат меҳнатида ва қадамни собит қўймоқдур риёзот суубат (қийинчилик, қаттиқчилик)ида.

Ҳаётдаги ҳар қандай синовларга, бўлган-булмаган гап-сўзларга дош бера олишдир: Ҳақ йўлида қотиғ-ирикка (қаттиқчилик, машаққат) тузмакдур ва яхши-ёмондин ҳар не эшитган ва кўрганга таҳаммул (тоқат, сабр, чидам) кўргузмакдур.

Унинг кўриниши ва моҳияти ўртасида зиддият бор. Бу зиддиятнинг намоён бўлиш шаклари эса ранг-барангдир: "Аччиғдур, аммо судманд (фойдали); қаттиғдур, аммо дофеи газанд (зиён-заҳматларни даф қилувчи). Қайси номурод илик сабр этагига урдиким, мурод топмади? Ва қайси гирифтор кўнгул сабр бандиға қўйдиким, кушод топмади? Фараҳлар мифтоҳи (калити)дур ва бандлар фаттоҳи (бандларни очувчи, ишларни юриштирувчи) дур".

Сабр ҳақиқатни гапиргани учун сўзлари малол келтирадиган дўстга ўхшайди: охир-оқибатда унинг ҳузурига кўнгил иштиёқ билдиради: "Рафиқедур суҳбати мумилл (малол келтираган, зериктирадиган), аммо оқибати муродқа қаринлиғ ва ҳарифедур умиди узун, аммо ниҳояти матлубқа ҳамнишинлиқ. Самандедур (саман от, чиройли ва тезюрар от) коҳилхиром (секин юрадиган), аммо манзилға еткургувчи ва бухтиедур (туя) сақилгом (вазмин қадамли), лекин маъманға (омонлик жойи, хавфсиз жойга) тушургувчи".

Уни тўғри сўзли ўгит берувчи ёки касалликлардан фориғ қилувчи табибга ўхшатиш мумкин: Носиҳи талх гуфтордек табъ андин озурда ва лекин зимнида мақсуд ҳосил, табиби батюл-илождек, мариз (касаллик) андин пажмурда, аммо сўнггида сиҳҳат восил".

Сабрнинг ишқ масаласидаги ўрни ҳам беқиёс: "Ишқ аҳли зикридин мутағаййир ва лекин

---

1 Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С.Рафиддинов, С.Ғаниева. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 20-бет.

2 Ўша ерда,

ғояти васлға умидворлиқ, ҳажр эли ёдидин мутанаффир ва лекин ниҳояти иттисол (ёпишиш, боғланиш)ға комгор (бахтли, қудратли; баҳраманд)лик қафасида жон булбулиға не хамушлуқ суд этиб, не наво ва илҳон, мажлисида руҳ тўтисиға не сукут нафъ еткуруб, не фарёд ва фиғон саҳросида фароғат ҳамону изтироб ҳамон, биёбонида даранг ҳамону шитоб ҳамон. Сўхтаи фироқ ўлмакдин анга ғам йўқ, андухтаи иштиёқ куймакдиин анга алам йўқ. Ҳажр шомидек тийра узун, аммо ғояти субҳи висол, ҳаж йўлидек қаттиғ ва йироқ, аммо ниҳояти Каъбаи иқбол".

Сабр шундай қийинчиликки, унинг натижаси хотиржамлик ганжига етказади. Байт:

Ажаб ранжеки андин саъб[1] йўқ ранж,
Вале чеккан кишининг баҳраси ганж.

Навоий ўз услубига содиқ қолгани ҳолда бу мулоҳазаларини ҳам яна бир ҳикоят билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Ҳикоят:

Бир нотавон кўнглида бир гулузор хорхори (орзуси) бўлди ва ул туҳмат била зиндон гирифтори бўлди. Ул иш иқрори учун анга қилмаған азоб қолмади, аммо ул махфий сиррин кўнгулдин тилга солмади. Оқибат бир кун асас (миршаб)лар бордилар ва ани зиндондин банд била судраб чиқордилар. Ва бош-аёғидин тортиб узоттилар ва бир қучоқ йиғоч анинг аъзосиға ушоттилар (яъни ёғоч ва калтаклар билан калтакладилар). Андоққим, бошдан аёғи жароҳат бўлди ва бари аъзосининг териси сўюлди (шилинди). Таёқ аъзосини андоқ афгор қилдиким, қон ул маъракани лолазор қилди. Мазлум (зулм кўрган) мутлақо дам урмади ва иқрор такаллумин тилига сурмади. Чун таъзиб (азоблаш) шиддатидин ҳордилар, ул мажмаъдин судраб чиқордилар ва навмидлиғдин қўябердилар ва инсоф оламида муҳиқ (ҳақли, лойиқ, муносиб) эрдилар. Чун жафопешалар йироқ борди, жафокаш оғзидин бир ушолғон (чайналган) дирам чиқорди. Жаъмики ани кўрдилар. Ул иш кайфиятин сўрдилар, улча жавобидин мафҳум бўлди (англанди), бу ҳолат маълум бўлдиким, сиёсатининг ҳангомасида (жазоланиш жараёнида) манзури (маъқул кўргани, севгилиси) ҳозир эрмиш ва бир гўша (бурчак, чет)дин анинг ҳолига нозир эрмиш. Анга етарда ул бедоду ситам тиши остида эрмиш ул дирам. Азоб эътидол (меъёр)дин ўтарда дирамға тишин беркитур эрмиш ва тиш захмидин ул дирамни пора-пора ушотур эрмиш ва манзур нозир оллида сабру таҳаммул қилур эрмиш ва анинг наззорагар эрканин билур эрмиш. Манзур чун бу ҳолни билди, меҳр ва шафқат била бошиға келди, юмшоқ сўз била яраларига марҳам (малҳам) еткурди ва чучук тил била мажруҳ таниға жон кивур (кирит)ди. Ва хаёлиға кечмас (тамом бўлмайдиган) давлатға сазовор бўлди ва гумониға ўтмас одатға комгор бўлди. Бу барча шиддатдағи сабру шикеболиғ (сабрлилик, чидамлилик) натижаси эрди ва ул суубат (қийинчилик) ва шиддатда таҳаммулдин анга даст берди. Байт:

Кимки ҳар шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.

Тасаввуф алломаларининг сабр ҳақидаги ҳикматлари ҳам Навоийнинг диққат марказида бўлган:

«Ризонинг боши сабрдур» (Абу Али Аҳмад б. Осим Антокий)[2].

"Ҳар ким бу йўлға кирар, тўрт ўлумни ўзига тутмак керак: Мавти абяз (оқ ўлим) – ва ул қорин очлиғидур ва мавти асвад (қора ўлим) (қора ўлим) ва ул халқ изосиға сабр қилмақ-

1 Саъб – қийин, оғир.

2 Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат, 53-бет.

дур ва мавти аҳмар (қизил ўлим) – ва ул нафс мухолафатидур ва мавти ахзар (яшил ўлим) – ва ул хирқаға юрунлар тикмакдур" (Ҳотам Асамм)[1].

"Ва андин ривоят қилибдурки, Зуннун қ. с. дебдурки, «сен ишга кириш. Чунки оз ризққа қаноат қилиш кам амални ҳам поклайди»[2].

"Маҳбуб ул-қулуб"да қаноатга ҳам, сабрга ҳам алоҳида-алоҳида боблар ажратилган.

Бу мавзуда "Саъдди Искандарий"даги қуйидаги ҳикоят ҳам мароқлидир.

Биз ўзингга раво кўрмаганни бошқаларга ҳам раво кўрмагин деган ақидани кўп эшитганмиз. Уни тарғиб ҳам қиламиз. Алишер Навоий эса мана шу бобда ҳам яна бир қадам олдингга кетади. У ўзинга раво кўрган ҳамма нарсаларни ҳам дўстингга раво кўравермагин, уни янада кўпроқ эҳтиёт қилгин деган маънода шундай дейди:

"Ҳар ким биров билан дўст-ёр бўлса ёки дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни унга ҳам раво кўрмаслиги керак; баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳам ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам етади, жисму жони бунга тоқат қилади. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади"[3].

Навоий исроф ва қанот борасида ҳам нодир кузатишларини беради. Бу кузатишлар бадиий образлар воситасида ёритилади. Баҳроми Гўр ҳикоятиким, уч олачуқ элига меҳмон бўлди, икиси ифрот[4] ва тафрит[5] кўргузуб, мухотаб[6] ва матъун[7] бўлдилар ва бириси адолат тариқидин Қорун (Баҳром Гўр ҳикояти. Уч олачиқ элига (капада яшовчиларга) меҳмон бўлди. Улардан иккитаси (дан бири) ҳаддан зиёд такаллуф, (бошқаси) сустлик ва бепарволик кўрсатиб таъна ва жазога гирифтор бўлди ва учинчиси эса, Баҳромнинг адолати тариқидан Қорун даражасига етди).

Эрур нақлким, шоҳ Баҳроми Гўр[8],
Магар сайд[9] учун сурди бир кун сутур[10].

Ул ов ичра тушти сипаҳдин йироқ,
Ани бир қулон солди элдин қироқ.

Чопиб эрди кўп шоҳи саҳронавард[11],
Ики-уч олочуқ аро етти фард[12].

Шаҳи даштпаймо[13] басе оч эди,
Бағоят емакликка муҳтож эди.

---

1 Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат, 53-бет.
2 Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат, 179-бет.
3 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгилиси). – Иошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 67-бет.
4 Ифрот – ҳаддан ошиш, ошириш.
5 Тафрит – бирор ишга сустлик билан қараш, камчиликка йўл қўйиш; мўътадилликдан пастки ҳолат.
6 Мухотаб – эшитувчи, тингловчи; хитоб қилинган, ундалган.
7 Матъун – таъна қилинган, айбдор қилинган, хўрланган.
8 Баҳром Гўр – Қадимги Эрон шоҳларидан бирининг номи.
9 Сайд – ов.
10 Сутур – от-улов.
11 Саҳронавард – чўл кезадиган.
12 Фард – якка, ёлғиз.
13 Даштпаймо – дашт кезувчи, саҳрода юрувчи.

Ул уйлар қошида эди бир дарахт,
Тушуб сояға шоҳи фархунда[1] бахт.

Деди ул халойиққа тушган замон,
Ки: «Сизга эрурмен бу дам меҳмон.

Бўлунг моҳазар[2] бирла меҳмоннавоз
Ки, андин наво топқай аҳли ниёз».

Ул уч уй элидин бири дун[3] эди,
Агарчи тамаввулда[4] Қорун[5] эди.

Неким шаҳ деди, қилмади илтифот,
Яна бирга исроф эрди сифот.

Қазон остуруб, қилди қўйлар қатил[6]
Ки, молин зиёфатқа қилғай сабил[7].

Солиб жуъ[8] меҳмон димоғиға дуд,
Анинг ошиким, тонгла пишгай, не суд?

Ва лекин бири эрди аҳли хирад,
Хушо улки топқай хираддин мадад.

Ани уйга келтурди тортиб инон[9],
Равон моҳазар чекти — жуғроту[10] нон.

Кетиб шоҳдин ранжу[11] фарсудалиқ[12],
Ебон моҳазар топти осудалиқ.

Анга берди беҳадду андоза мол,
Ҳамул дунға андозасиз гўшмол[13].

---

1 Фархунда – қутлуғ, бахтли, саодатли.
2 Моҳазар – бирор нарсанинг тайёр тургани, ҳозир бўлгани.
3 Дун – паст, разил; нокас.
4 Тамаввул – бойлик, мол-дунё; бой бўлиш, давлатмандлик, молдорлик.
5 Қорун – бениҳоя катта бойликка эга бўлган кишининг исми. Зўр бойликка эга бўлган кишига киноя тариқасида ҳам қўлланадиган ном.
6 Қатил қил – қатл этмоқ, сўймоқ.
7 Сабил қил – бахш этмоқ, қурбон қилмоқ.
8 Жуъ – очлик; иштаҳа.
9 Инон – от бошини тортмоқ.
10 Жуғрот – қатиқ.
11 Ранж – машаққат, қийналиш, оғриқ.
12 Фарсудалиқ – ҳорғинлик, эзилганлик.
13 Гўшмол – қулоқ бураш, жазо, танбиҳ.

Қилиб таъна мусрифқа[1] беинтиҳо[2],
Неким зойиъ этганга берди баҳо.

Булар тавриda турфа ҳолат кўрунг,
Анга ҳам тариқи адолат кўрунг.

Бу бирдек керак меҳмонлиқ доғи,
Яна бир киби мизбонлиқ доғи.

Нақл қилишларича, шоҳ Баром Гўр бир куни отга миниб овга чиқди. Ов жараёнида у ўз сипоҳларидан йироқ кетиб қолди. Уни битта қулон ўз яқинларидан узоқлашишга мажбур қилди. Саҳро кезаётган шоҳ жуда кўп юриб икки-учта капа тикилган ерга ёлғиз ўзи етиб борди. Дашт кезиб келаётган шоҳ жуда оч қолган, шунинг учун ҳам емакка жуда муҳтож бўлиб турган эди.

Ўша уй (капа)лар ёнида бир дарахт бор эди, саодатли шоҳ шу дарахт соясига тушди. Тушган замони шу ерда турган кишиларга шундай деди: Ҳозир сизларга меҳмонман, бирор тайёр турган нарсангиз билан менга меҳмоннавозлик қилинг, токи муҳтож киши ундан баҳраманд бўлсин.

Ўша учта уй эгаларидан бири Қорунга ўхшаш мол-дунё эгаси бўлишига қарамасдан пасткаш, хасис эди. У шоҳга илтифот қилмади. Иккинчиси эса исрофгар эди. У қозонларни остириб, катта зиёфат қилиш учун қўйларни сўйдирди. Меҳмоннинг димоғига келган тутун (даги овқат ҳиди) унинг иштаҳасини очса-ю, лекин унинг оши эртага пишадагин бўлса, бундан нима наф бор?!

Лекин улардан бири оқиллардан эди, яхшики, у ақлдан мадад топган эди. У (шоҳ) отининг бошини тортиб уйига олиб келди ҳамда тезлик билан тайёр нарсаларини: қатиқ билан нонни дастурхонга қўйди. Тайёр нарсаларни егани учун шоҳдан қийналиш ва чарчоқ кетиб, хотиржам бўлди. Унга (уй эгасига) жуда кўп мол-дунё, ўша пасткашга эса танбиҳ берди.

Исрофгарга ҳам кўп нарсаларни зое этгани учун кўплаб таъна-дашномлар етказди. Зое этган нарсаларининг тегишли баҳосини берди.

Алишер Навоий улар қиёфасидаги ранг-баранг ҳолатга ишора этиб, булардан тегишли хулоса чиқаришга ундайди. Шоҳ Баҳром адолатини эса уларга тўғри ва одил баҳоси учун маъқуллайди. Меҳмон ва мезбонлик қандай бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Ўрни келганида Навоий шеърларини ўқишда турфа талқинлар эҳтимолининг кўплигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ерда сабр билан боғлиқ бўлган бир мисолни келтирамиз:

Ҳусни васфин сўрмаким, ишқим киби поёни йўқ,
Меҳридин не дейким, ул сабрим киби мавжуд эмас.

Икинчи байт таҳлилида битта ножоизроқ талқин эҳтимоли бор. Бу унинг меҳри ҳам, менинг сабрим ҳам мавжуд эмас, деган ифодадир. Ваҳоланки, шоир бундай демоқчи эмас. Аксинча у меҳрнинг мавжудлиги менинг сабримнинг мавжудлиги сингари эмас, яъни менинг сабрим мавжуд, аммо унинг меҳри мавжуд эмас демоқда. Бунга биринчи мисрадаги фикр оқими ҳам шоҳидлик бериб турибди. Аниқроғи, биринчи ва иккинчи мисралар орасида мантиқий зиддият байтнинг ўзак мазмунини ташкил этади. Унда битта ўхшаш ва битта

1 Мусриф – исрофгар, исроф қилувчи.
2 Беинтиҳо – интиҳосиз, беадад, кўпдан кўп.

ноўхшаш ҳодисалар қиёсланмоқда. Ўхшашлик шундан иборатки, ёрнинг ҳусни васфининг ҳам, ошиқ ишқининг ҳам поёни йўқ. Шундай экан, ёр меҳри ва ошиқ сабрининг ҳам бардавомлиги буларга уйғун бўлиши лозим эди. Худди мана шу ерда ўхшашликка "путур етган", яъни ошиқ сабрининг мавжудлиги, ҳатто "поёни йўқ"лиги муқобилида маъшуқада меҳр умуман мавжуд эмасдир.

Бу ўринда байт мазмунини яна бир вариант эҳтимоли ҳақида тўхташ жоиз кўринади. Бу ошиқнинг ҳижрон онларидаги интиқлиги. Маъшуқа сари интилиши жараёнида сабр-тоқатининг тугаб бориши билан алоқадордир.

Бундай ҳолда байтни "Ҳуснининг васфини сўрама, менинг ишқим каби унинг ҳам оҳири йўқдир. Аммо унинг меҳри менинг сабримга ўхшайди" тарзидаги талқин юзага келади. Яъни уларнинг иккиси ҳам йўқдир.

Сабр инсонга бало ва офатлар, умуман, қийинчилик ва ташвишлар билан рўпара келганида иш берадиган фазилатлардан бири. Агар мазкур мантиққа эътибор бериладиган бўлса, Алишер Навоийнинг номуносиб одамлар билан мулоқотда бўлишни ҳам шу хилдаги бало ва офатлар саноғига киритганини англаш мумкин:

Юз бало келса бошингға сабр қилғил, эй кўнгул,
Ё халойиқ ихтилотин қил Навоийвор бас[1].

Алишер Навоийда бир сўзни бир неча маъноларда қўллаш имкони ниҳоятда кўп учрайди. Жумладан, "халқ", "халойиқ", "эл" сингари сўзлар одамларнинг кўплигини ҳам билдиргани ҳолда баъзан "омма", "тўда" маъносинини ҳам англатиб келиши мумкин. Бу ерда "халойиқ ихтилоти" "номуносиб кишилар тўдаси билан аралашув, мулоқот" тарзида тушинилиши керакки, адиб бундай муносабатларнинг "бас қил"иниши, тугатилиши тарафдоридир.

Демак, бу ердаги маънони, таълим-тарбия жараёнидаги муҳим омиллардан бири бўлган ижтимоий-маънавий ва педагогик муҳитга қўйилаётган талаблардан бири сифатида талқин этиш ўринли бўлади.

Халқ орасида "Кўп сабрнинг фойдаси ҳам кўп бўлади" қабилидаги мақол ёки ҳикматли сўз яхши маълум бўлган бўлса керакки, Навоий унинг "носиҳ" – насиҳат қилувчилар тилида анча оммалашганини алоҳида таъкидлайди:

Сабр кўп қилсанг фавойид кўп дединг, носиҳ, не суд,
Ким кўнгулни ҳажр аро бир лаҳзалиқ йўқ тоқати.

Мумтоз адабиётимизда, жумладан, Алишер Навоий асарларида гап сабр борасида бўлса, Айюб образининг фаол қўлланган кузатилади.

Гар Айюб сабр этти турлук балода,
Валек кўрмади ҳажр шоми балосин.

"Ҳайрат ул-аброр"да бу образ билан боғлиқ ҳолда алоҳида ҳикоянинг келтирилиши ҳам бежиз эмас. Айюби халаф нохалаф ўғрининг эгрилигин тузгони ва гумроҳлиқ зулматида анга йўл кўргузгони ва ул шайх силсиласиға кириб, айёрлиқ камандин узгони. (Марҳаматли Айюбнинг тайинсиз ўғри эгрилигини тузатгани ва йўлини йўқотиш қронғилигида унга йўл кўрсатгани ва унинг шайх йўлига кириб ҳийла-найранг ипларини узгани)

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Иккинчи жилд. Хазойин ул маъоний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент, 2011, 245-б.

Ҳикоя қилинишича, Марҳаматли Айюб сирларга ошнолигидан маст бўлиб турганида, юм-юм йиғларди. Кўзидан оқаётган ёшлари дурга ўхшар, ўзи шам сингари кўзларидан ёшларини оқизарди. У тоат-ибодат билан машғул эди.

Бир кечаси бир чўнтаккесар – киссабур лаҳм кавлаб унинг уйига ўғирликка киради. Айюб уни пайқаган бўлса-да, нафасини чиқармасдан ўз ишида давом этади. Ўғри лаҳмдан чиқиб уйда нима топса ҳаммасини бир ерга йиғади. Уларни олиб кетишни ўйлаб орқасига олади. Лаҳмга кирганидан кейингина лаҳм (чуқур) оғзининг торлигини сезиб қолади. Сичқоннинг уйи тор бўлгани устига, у думига ғалвир ҳам боғлаб олган эди. Айюб унинг қийналаётганини кўриб, ўрнидан туриб эшикни очиб беради ва дейдики: юкинг катта, аммо кавлаган лаҳминг кичикдир. Йўл билан кетавергинки, эшик очиқ турибди. Шайх шундай қилиб унга йўл кўрсатади. Бу хилда йўл кўрсатганларидан кейин ким ҳам у йўлдан четга чиқа оларди? Бу ҳолат ўғрини лолу ҳайрон қилиб қўйди. Унинг жонига ўт тушади. Дилидаги алангадан фалакнинг юзигача ўт туташди. Унинг устидаги юки ҳам, ўзлиги ҳам шу оловда куйди. Ўзи музтар бўлди, хижолат ичида қолди. Кўзидан ёш тўкиб, шайхнинг оёқларига бош қўйди. Шайх карам билан кўз ёшларни аритти, бошини тупроғдан олиб қўйди. Ўғрининг ўзлиги худда оловдаги хасдек куйди ва шу ўтдан у ёруғлик топди. Комил инсон – Айюб уни парвариш қилди ва кечиримлилиги билан шунчалар буюк иш қилди. Айюбнинг сабру бардоши ўғрини ҳам тўғри йўлга ҳидоят қилди.

Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, айрим шахслардаги битта яхши фазилат (масалан, сабр) фақат бир кишига эмас, балки бошқаларга ҳам ижтимоий фойда ва наф етазиши мумкин. Модомики, шундай экан бундай фазилат ва хислатларнинг кўпайиши учун ҳаракат қилиш лозимдир.

Алишер Навоийнинг ватан ва ватанпарварлик билан боғлиқ бўлган қарашлари айрича аҳамият касб этади. У ватанни танадаги жон деб билади. Ватандан ташқарида яшашни эса “ғурбат”, ўша ҳолатга тушган кишини “ғариб” деб атайди. “Саъдди Искандарий”нинг алоҳида боблари айни мана шу мавзуга бағишлангани бежиз эмас. Жумладан, олтмиш тўққизинчи боб шундай номланган: “Елдек сайр аро сабукборлиғ нафйин қилмоқ ва тоғдек сукун аро бовиқорлиқ амрин буюрмоқ ва асҳоб суҳбатинким бир-бир ишлари борурға шитобдурур ғанимат билмак ва аҳбоб мулоқотинким, ҳар бири бир гавҳари ноёбдурур, муғтанам тутмоқ ва адам ғарибистонидин шаммаи ёд этмак ва вужуд сарманзилин хушлуқ била ўткарурни васият қилмоқ”, яъни “Сайр бобида шамолдек енгилтак бўлмоқни рад этмоқ ва барқарорликда тоғдек виқорли бўлиш ҳақида амр бермоқ ва бир-бирининг ишига кўмаклашувчи улфатлар суҳбатини ғанимат билмоқ ва дўстларнинг бир-бири билан кўришиб – мулоқот қилиб туриши ноёб гавҳардек бебаҳолигини қадрламоқ, андак бўлса ҳам адам – йўқлик шабистонини кўз ўнгига келтирмоқ ва ҳаётни хушнудлик билан ўтказиш ҳақида васият қилмоқ”.

Навоий инсон зотининг абадий яшай олмаслигини қайта-қайта уқтиради. Аммо бу ўлим васвасаси эмас, балки ҳаёт фалсафасидир. Модомики, инсон охир-оқибат ўлимга маҳкум экан, унинг қандай йўл тутгани жоиз бўлади? Навоийнинг хулосаси шу: тирикликнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаш ва уни муносиб ўтказиш керак:

Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!

Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,
Тараб жомидин айлагил ўзни маст.

Охир-оқибатда биз йўқ бўлиб кетамиз, шунинг учун ҳам бу дамни (тирикликни) ғанимат тутайлик, эй дўстим!

Шу дамда, хушвақтлик қўл бериб турганида, шодлик қадаҳидан ўзингни маст айлагин.

Албатта, қадаҳ ичиш ифодаси ўз маъносида эмас, балки кўчма маънода, тасаввуфий маънода тушунилиши лозим. Шуни назарда тутадиган бўлсак, майнинг истилоҳий маъноси билим ва ўрганиш манбаси эканлигини назарда тутиш жоиз. Ҳар ҳолда бу мисраларнинг нақшбандиёна ақидалар билан музайянлигини назарда тутсак, Навоий мулоҳазаларининг йўналишини илғаш мумкин бўлади:

Чу бу дамни чарх ўткарур ҳам, бу дам
Дамо-дам май ичким, эрур дам – бу дам.

Чарх – фалак бу дамни ҳам ўтказ(иб юбора бер)ади, шунинг учун узлуксиз равишда ҳаёт ҳақиқатларини ўрганиш билан машғул бўлиш керак. Бу дам, яъни тириклик, айни мана шулар учун берилган. Умрнинг тарихи киши учун аниқ эмас, у сирли, пинҳондир. Шунинг учун ҳам мана шу сиру асрорлар моҳиятини очишга ёрдам берадиган суҳбатдошлар даврасини ғанимат билмоқ керак.

Кўруб умр тарихи мубҳамлиғин,
Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлиғин.

Худди шунинг учун ҳам инсон бир нафас ҳам ватан таркини қилмаслиги керак:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Демак, ватан тарки кишининг ихтиёрий равишдаги ранж ва ғурбатларни ҳавас қилмоғи демакдир. Зеро, ватанни тарк этган инсон сафарда бўлади. Сафар эса “меҳнати жовидони”, яъни мангу машаққатлардан иборатдир:

Сафар меҳнати жовидонидурур,
Нединким сақардин нишонедурур.

“Сақар” дўзах демакдир. Алишер Навоий “сафар” ва “сақар” сўзлари орасидаги ёзувдаги яқинликдан фойдаданиб сўз ўйини қилмоқда. Араб алтфбосида “фо” билан “қоф” ҳарфлари фақат бир нуқтаси билангина фарқланади, холос. Мана шундай абадий машаққат, яъни сафар, кишига дўзах (“сақар”)дан бир нишонадир. Сафар билан мунтазам шуғулланиш кишининг ҳавас қиладиган нарсаси бўлмаслиги керак. Зеро, унинг олидида ҳали алоҳида сафар ҳам бор, у ҳам ўз навбатини кутиб турибди. Сенга ва яқинларингга келган навбат бошқаларга ҳам келади:

Сафарға недур ҳар дам этмак ҳавас,
Санга ул сафарким бор олингда, бас.

Неча бўлса хайлинг аро кўсу пил,
Чолинғуси пил узра кўси раҳил.

Шунинг учун ҳам ҳозир сайр ташвишидан қонмаётган бўлсанг, бу сафардан ортга қайтиш имкони бўлмайди.

Неча сайр ташвишидин қонмоғунг
Ки, борғунгдур ул навъким, ёнмоғунг.

Ҳали олдинга жуда қаттиқ ва қийин йўл турибди, зеро, яқинлар билан ажралишнинг азоби жуда аччиқдир.

Эрур бир йўл олингда беҳад қатиғ,
Майи ҳажри аҳбобнинг бас ачиғ.

Бу йўлга шериклар билан борилмайди, ҳамма якка-якка боради, унда на ҳамроҳ, на ҳамдам бўлганлар бирга бўлолмайди. Эй Оллоҳим, бу шунақа ғаройиб оламдир:

Не ҳамроҳ ул йўлда не ҳамдаме,
Эрур, Аллаҳ-Аллаҳ, ажаб оламе.

Бу йўлга йўналган бўлса, унинг биринчи қадами йўқлиқ оламига қўйилади.

Ки, ҳар кимки ул йўлға қўйди қадам,
Бурунғи қадамдур саводи адам.

Бу сафарнинг охиридан ҳам нишон маълум бўлмайди, на мақсад пайдо бўлади, на мақсад ошкор бўлади.

Не ул сайр поёниға ҳад падид,
Не мақсуд пайдо, не мақсад падид.

Унга шу қадар (катта) ранж ва қийинчиликлар рўпара келадики, ўлим азоб бўлмай қолади.

Эрур онча ранжу суубат анга
Ки, ўлмак эмастур уқубат анга.

Бу ҳодисанинг шарҳи билан шуғулланиш нафсиздир. Чуқурроқ ўйлаб кўрган кишлар бунинг моҳиятини англаб етади.

Эрур бежиҳат кимки шарҳин қилур
Ки, ҳар кимки айлар тааммул – билур.

Агар инсон ўз олдида шундай йўл турганини билса, (бошқа) сафарларни қандай қилиб ҳавас қилиши мумкин?

Киши билса оллинда бу навъ йўл,
Сафарни не янглиғ ҳавас қилғай ул.

Инсон қанчалик тўхташга интилмасин, (барибир) у қачон бўлмасин истисносиз равишда бу йўлга тушишга мажбурдир:

Нечаким таваққуфни жазм айлагунг,
Қачон бўлса бу йўлға азм айлагунг.

Охир-оқибатда борадиган бўлсанг, шошилишингнинг сабаби нимада? Бу сафарга боришдан нима учун изтиробга тушмоқдасан:

Чу охир борурсен, шитобинг недур,
Борурдин бурун изтиробинг недур.

Модомики шундай экан, иккиланишларни йиғиштиргинда, хотиржам бўл, яқинларинг билан базм қилиб, қўлингга жом тут, яъни ҳаёт маъниларини ўрганиш йўлига киришгин:

Тараддудни тарк айлаб ором тут.
Тузуб базм аҳбоб ила жом тут.

Мен кетиб, бошқалар қолади, деб ўйлама, бу йўлдан ҳар бир одам, тирик жонзотларнинг бараси ҳам боришга мажбурдир:

Йўқ улким, бориб сен, қолурлар бу хайл
Ки, бордур бориға борур сори майл.

Демак, ҳозир ҳамма бир-бирига ғанимат, ҳамма бир-бирига меҳмондир. Саҳар туриб май (косаларининг юзи)га гул сепиб, бир-бирингиз учун кўз ёшларини тўкадиган даражада яхши кўринг:

Эрурлар ғанимат бори бу замон
Ки, бир-бирига сиз барчангиз меҳмон.

Бўлунг майға гулрез ўлуб субҳхез
Ки, бир-бир учун бўлғунгуз ашкрез.

Кечалари ўйин-кулгу билан май ичинг, қадаҳларни тўлдириб беришса ҳам баҳона қилмасдан ичинг.

Тараб бирла жоми шабона ичинг,
Тўло тутсалар бебаҳона ичинг.

Умр муддаоларини фароғат дамларидан олинг, ёшлик айёмини хушвақтлик билан ўтказинг, яъники, май ичинг – кўнгил қаноат топадиган даражада ҳаёт сабоқларини ўрганинг:

Олинг айшдин умрнинг комини,
Тутунг хуш йигитликнинг айёмини.

Ичиб базм аро жоми дилкаш тутунг,
Неким келса ўзни даме хуш тутунг,

Не соатки юзланса кому мурод,
Сочиб ўтқа испанд, ўқунг «ин якод».

Истакларингиз амалга ошмагани тақдирда ҳам асло кайфиятингизни ўзгартирманг. Ўзингизни ўзингиз овутинг. Даврондан келган ғаму қайғулар учун озурда бўлманг, уларни осон тутаверинг. Ғам етган кишилар унга маҳлиё бўлиб бир ғамларини иккита қилишади. Бу тўғри йўл эмас. Зеро, ушбу жаҳон ғам ейиш учун арзимайди. Аслида жаҳонбир нафаслик жой, холос. Мана шу бир дам учун ҳам кафиллик мавжуд эмас. Мана шу ғанимат онларни ҳам ғаму аламларда ўтказиш ақлли одамнинг иши эмас:

Муни доғи ғам бирла қилғон басар,
Хираддин магар топмамиштур асар.

Алам ичра дам урмағил, эй кўнгул,
Не ғам етса қайғурмағил, эй кўнгул.
Жудолиққа шод ўлма асҳобдин,
Жафо етса айрилма аҳбобдин.

...Ватандин чу охирдур ворлиқ,
Недур они истаб ситамкоралиқ.

Будур чарх ишиким шитоб айлагай,
Не обод кўрса — хароб айлагай.

Чу ул бузғуси, қилмағил изтироб
Ки, андин бурун айлагайсен хароб.

Ва гар сайрға асру роғиб эсанг,
Сафар нафъу зарриға толиб эсанг,

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Алишер Навоий ватанни севишни имон белгиси деб билади. Агар киши имонли бўлса, унда ҳар қандай гуноҳи бўлса ҳам, (уларга қарамасдан), у жаннатга сазовор бўлади.

Сафар азми дўзахқа сонийдурур,
Ватан ҳубби[1] имон нишонидурур.

Кишигаким имон эрур сарнавишт,
Неча журми бор кўргусидур биҳишт.

1 Ҳубб – севиш, муҳаббат.

Навоий айтилганларга мисол сифатида бир ҳикояни илова қилади. У инидан айрилган кабутар ҳақидадир. У хат ташувчи кабутар эди. Кутилмаганда бир шоҳнинг тузоғига илиниб қолиб, қафасга солинади. Қафас олтиндан ясалган эди. Бир тасодиф туфайли у қафасдан озод бўлади. Кўкка чиқиб олганидан кейин ўз диёри сари йўл олади. У бир неча кунлик йўлни ҳам бир дамда босиб ўтади. Аммо тақдирнинг шумлиги шунда эдики, у яшаган уй бузилиб кетган эди:

Кабутар етишгач уйин топмади,
Ва лекин учардин қанот ёпмади.

Одамлар томларига дон сепиб қўйишар, ўргатилган каптарларини учириб уни қўлга олишга ҳаракат қилишар эди. Аммо кабутар:

Булар сори ҳеч айламай илтифот,
Урар эрди ўз томин истаб қанот.

Кўп айланиб, ўзини эҳтиёт қилиб, шоду хуррамлик билан бузуқ инига қўнди ва шундай дейди.

Ки, маънус эрур гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур.

Вайрона бўлса ҳам, кўнглимга яқин эди. Шоҳ қасрини нима қиламан, у мен учун бегонадир.

Алишер Навоий бундан шундай хулоса чиқаради:

Эрур қушқа хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдан тикан ошён.

Агар эътибор бериб қарасанг, қушга ўзининг тиканлардан қурилган ини – ошёни безатилган, зийнатланган қафасдан ёқимлироқдир. Навоий мана шу мулоҳазалардан кейин асосий хулосага ўтади. У “Ҳикмат” номи билан берилади. Ҳикмат Искандар билан Арасту орасидаги савол-жавоб тарзида тақдим этилган.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИҚТИДОР ВА ҚОБИЛИЯТ ҲАҚИДА

Қобилият инсоннинг муайян кўникма ва малакаларини зарур ҳол ва ҳолатларда қисқа вақт бирлиги орасида намойиш этиш имкониятидир. Шундай фазилат эгалари бошқалардан ажралиб туради. Бундай ажралиш қўлга киритилган натижаларнинг салмоғи ва сифатига кўра алоҳидалик касб этади. Алишер Навоий айни шу муаммо устида ҳам кўп бош қотирган. Адибнинг тарихий, илмий, бадиий асарларида мазкур муаммога турли жиҳатлардан туриб ёндашилганини кўриш мумкин.

Амир Шайхим Суҳайлий – Хуросон мулкининг мутаайййин (таниқли, машҳур) элиндиндурур. Кичик ёшидин табъ осори ва зиҳин намудори андин кўп зоҳир ва ҳамида ахлоқ ва писандида маош атворидин боҳир эрди.

Қобилият туғма бўлиши мумкин. Бунда у аждодларга хос бўлган хислат ва хусусиятларнинг авлодлардаги кўриниши сифатида майдонга келади. Бу фанда "ирсият", "ирсийлик", "авлодлар ворисийлиги" сингари атамалар билан номланади. Халқда бу ҳодиса "Узум узумдан ранг олади", "Олманинг меваси олма дарахтидан узоққа тушмайди" сингари ҳикматли хулосаларда ўз аксини топган. Алишер Навоийнинг ирсият масалаларидаги қарашлари ҳам ўзига хос.

Чу кори умму аб ин аст, бас ба фарзандон
Ҳаме ба ирс расад, к-он иборат аз туву мост[1].

Ота ва оналарнинг тақдирлари шундайки, фарзандларга ҳамма нарса ирс, яъни ворислик орқали етади. Бу (нинг натижаси) эса сен билан бизлардирмиз. Демак, ҳеч нарса ўз-ўзича пайдо бўлмайди, бунда ворисийлик, аждодлар анъанаси, оилавий муҳит ниҳоятда катта ва жиддий мавқе тутади. Зеро, "Коммунистик мафкура тарбияда ижтимоий муассасаларнинг ўрнига ортиқча баҳо бериб, шахснинг маънавий ахлоқий шаклланишида ирсий ва биологик хусусиятларнинг ўрни борлигини мутлақо инкор қилган. Ҳукмрон коммунистик мафкура тарбия воситасида ҳар қандай одамни истаган ижтимоий қиёфага солиши мумкин деган қарашга таянганлиги учун ҳам унинг шахс шаклантиришдаги ўрнига ошиқча баҳо берилди. Тарбияланувчи шахсидаги ирсий ва биологик хусусиятларнинг ҳисобга олинмаслиги тарбиявий тадбирларга маҳлиё бўлишдай хатоликка олиб келди. Бунинг натижасида тарбия макон-манзилсиз бўлиб қолди, тарбияланувчиларга алоҳида шахс сифатида эмас, истаган ижтимоий қолипга солиниши мумкин бўлган қиёфасиз объект сифатида қараш қарор топди. Бу ҳол шўро тарбиясининг самарасизлигига олиб келди, чунки тарбиянинг асосий объекти бўлмиш шахс табиатининг ўзига хослиги унутилганди"[2].

Алишер Навоийнинг "Девони Фоний"даги асарларини мушоҳада қилиш шуни кўрсатадики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам ўзгармайдиган нарса ва ҳодисалар мавжуд эмас. Тегишли ижтимоий-маънавий муҳит ва муносиб таълим ва тарбия инсонга, унинг ижтимоий-маънавий қиёфасига таъсир ўтказиши мумкин:

Чу фарзанди некўст аз марди нохуш,
Таҳайюр наёяд, таажжуб нашояд.

1 Девони Фоний, 366-бет

2 Йўлдошев Қ. Тарбия – баркамол авлодни тарбиялашнинг бош омили. – // Тарбия: (Ота-оналар ва мураббийлар уун энциклопедия) / тузувчи М.Н.Аминов, масъул муҳаррир А.М.Мажидов. – Тошкент, "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2010, 4-бет.

Зи хоро агар гавҳар ояд ажаб нест,
В-ар аз пайкари хорбун гул кушояд[1].

Нохуш эрдан бўлса фарзанди аъло
Ҳайрон бўлма, қилма зинҳор таажжуб.
Қаттиқ тошдан гавҳар, тикандан эса
Гул очилса ким демас уни марғуб[2].

Ба назди пири муғон зўҳд ужбу булъажабист,
Қадаҳ чу дошт, нанўшиданаш зи беадабист,
("Девони Фоний")

Пири муғон – муғларнинг пири, яъни илоҳий билимлар эгаси бўлган устоз олдида, демакки, устозлар ҳузурида манманлик қилиш, ўзини мағрур тутиш, керилиш "булъажаб" ликдир. Бу сўз луғатларда "энг қизиқ", "ҳайрон қоладиган", "таажжубланарли", деб изоҳланган. Албатта, бу байтни сўзма-сўз, яъни шу сўзларнинг луғавий маънолари англатган мазмунда тушуниш ушбу байт моҳиятини йўққа чиқарада. Аксинча, байтда иштирок этаётган тасаввуфий иситилоҳлар мазмунига эътибор қилинса, илоҳий билимлар эгаси – Устоз олдида (сунъий равишда) тақводорлик билан шуғулланса, (ўзини шундай қилиб кўрсатса), бу манманлик ва ақлни ҳайратга соладиган, ношоён иш бўлади. Шунинг учун ҳам устоз ишора қилган билимларни эгалламаслик ҳам адобсизлик намунаси сифатида баҳоланмоғи жоиз.

Алишер Навоий асарларининг барчасини бошдан-оёқ кўриб чиқиш натижасида педагогик қарашлар тизимига дахлдор бўлган атамалар жамғармаснинг яхлит бир манзарасини аниқ тасаввур этиш имконияти жуда катта эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Намуна сифатида "Девони Фоний"даги бир ғазалнинг айрим байтларига назар ташлайлик. У Хоқоний ғазалига татаббу тариқасида юзага келган:

Муаллим ишқу пири ақл шуд тифли дабистонаш,
Фалак дон баҳри таъдиби вай инак чархи гардонаш.

Дабистон бин, муаллимро, ки бошад аз раҳи маъни,
Аносир чор девору равоқи чарх айвонаш.

Ажаб каж-маж забони тифл, ки устоде бад-ин диққат
Ба умре як сабақ омўхтан натвонад осонаш.

Ажабтар он ки баъди умре ар донист, дар соат
Зи лавҳи хотири худ пок шўяд з-оби нисёнаш.

Чй гўи тифл, к-он пири ҳарза даъвои донои,
Расонд он жо, ки гуфтанд аҳли дарду шавқ нодонаш.

1 Алишер Навоий.Девони Фоний. – II ТАТ, Ўн жилдлик. Олтинчи жилд, – Тошкент. Фан 2011, 578-бет.
2 Таржима бизники – Б.Т.

Аз он устоду шогирди натижа кай шавад ҳосил,
Ки он шуд нуру ин зулмат, баҳам омехт натвонаш[1].

Айрим сўз ва бирикмаларнинг маъноси қуйидагича:
Ақл – ақл, тафаккур.
Ба умре – умрида, умр бўйи.
Дабистон – бошланғич мактаб, мактаб, адаб ўргатадиган жой.
Диққат (кардан) – эътибор бермоқ, диққатини қаратмоқ.
Донист – билди.
Дониш – билим.
Донойи – донолик, билимдонлик.
Забони тифл – боланинг тили, нутқи.
Каж-маж – эгри, қинғир, қийшиқ; тили дудуқ (нутқи номукаммал).
Муаллим – муаллим, илм (билим) берувчи.
Тавонистан – уддалаш, уддалай олиш, яъни тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлиш;
Нодон – нодон, билимсиз, жоҳил; аҳмоқ.
Нисён – унутиш, эсдан чиқариш, хотиранинг паст даражаси,
Омўхтан – ўрган(т)моқ, ўргатиш, ўрганиш
Осон – дидактик усуллардан бири "қийин"нинг акси.
Раҳи маънй – маъно, маъно йўли.
Таъдиб – адаб бериш, тийиш, тийиб қўйиш.
Тифл – бола.
Устод – устоз,
Сабақ – дарс, машғулот.
Як сабақ – бир марталик дарс

Ёрнинг ситамкорлиги ҳам таълим-тарбияга бевосита дахлдор бўлган атамалар тизими орқали кўрсатиб берилади.

Ажал аз ҳажри ту мехост, ки қатл омўзад,
Аз паи касби ҳунар жониби устод омад.

Ажал сенинг ҳажрингда қотиллик қилишни ўрганмоқчи эди,
У касб-ҳунар ўрганиш иштиёқида устоз ҳузурига келди.

Мактаб ёшидаги ўқувчининг мактабга бориб-келиш жараёнида (демакки, мактабнинг ўзида эмас!) шўхликлар қилишга ҳаққи бор.

Тифли мактаб шуда пири хирад андар раҳи ишқ,
Шўхи ман жилвакунон, чунки хиромад сўи мактаб.

Ишқ йўлида ақл донишманди гўё мактаб боласидай бўлиб қолди, чунки менинг шўх севгилим мактаб томон чиройли юриш билан келмоқда эди.

1 Алишер Навоий. МАТ, Девони Фоний (давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 20-жилд. – Тошкент, Фан, 2003. 299-бет.

Профессор А.Абдуқодиров тўғри таъкидлаганидек, мутафаккир адибнинг “Девони Фоний”сида ҳам “ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий, диний-тасаввуфий, дунёвий-маиший масалалар бадиий тарзда юксак маҳорат билан талқин этилган”[1]. Буни яна айрим мисоллар орқали кузатишимиз мумкин:

Сухан ҳарчанд жонпарвар бувад, хомуш авлотар,
Тариқи авлй ар дорй нигаҳ, сокит шавй Фонй.

Сўз қанчалик жонга қувват берувчи бўлмасин, сукут
(ундан) яхшироқдир,
Афзаллик йўлини тумоқчи бўлсанг, Фоний, сукутда бўл.

Навоийнинг ёшларга айтадиган асосий нидоси, муддаоси шундай:

Эй жавон, насиҳати ин пир гўш кун. – Эй ёш (инсон), кексаларнинг ўгитларига қулоқ солгин.

Камолотнинг пиллапояларини босиб ўтиш ҳам тарбия жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ:

Чу Саъдй ар ҳарами васл хоҳй, эй Фонй,
Забон бубанду қадам неҳ, сухан зиёда магўй![2]

Агар Саъдий каби висол ҳарамини истасанг, эй Фоний,
Тилни боғлаган ҳолда қадам ташла, ортиқча сўзларни айтмагин.

Алишер Навоий шахсий истеъдод ва қобилиятни эътироф қилади, алоҳида одамнинг индивидуал хусусиятларга эгалигини кўрсатади. “Саъдди Искандарий”нинг XXXVII боби “Икки рафиқ ҳикояти”га бағишланган. Улардан бирининг катта ютуқларга эришишини ҳам мутафаккир адиб қобилият билан алоқалантиради:

Не қилғоликим кимга ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

Чу қобил эди, топти беҳад вуқуф
Ки, ҳикматда бўлди жаҳонфайласуф (189-бет).

Бу ҳолат Искандарнинг шахсий фазилатлари саноғида ҳам кўзга ташланади:

Қаю ишни таълим қилғон замон,
Эшитмак ҳамон эрди, билмак ҳамон.

Билиб бўлмас эрди таваққуф[3] анга,
Қилур эрди турлук тасарруф[4] анга.

---

1 Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Хужанд, “Нури маърифат”, 2013, 100-бет.

2 (Девони Фоний, 549 ғазал)

3 Таваққуф – тўхташ, тек туриш.

4 Тасарруф – ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш.

Бу янглиғки теъдод[1] бўлди сифот,
Ҳамоно ўн ончани касб этти бот.

Билик касбини қилди то жони бор,
Ҳунар билди ончаки имкони бор.

Чу тутти мусаллам[2] камолотин эл,
Диловарлиғ[3] амриға чуст этти бел.

Не ишким сипоҳиға нафъ айлагай
Ки, андин адусини дафъ айлагай.

Гаҳи маркаб узра силаҳшўр[4] эди,
Яёғлиқда гаҳ варзиши зўр эди[13].

Демайким, ўқи очти тори зириҳ[5]
Ки, тори тахайюлдин очти гириҳ[6].

Синони[7] била тикти ахтар кўзин,
Не ахтар кўзин, чархи ахзар[8] кўзин.

Анинг тиғи хорони қилди шикоф
Ки, кемухти ғабродин этти ғилоф.

Камандинки чин-чин қила бошлади,
Фалак қалъаси буржиға тошлади.

Қачон гурзини қилди хоронабард,
Қатиғ хорадин кўкка еткурди гард.

Чу майдон аро зўр расмин тузуб,
Чурук ип каби аждаҳони узуб.

Ва гар ройи бирла бўлуб чорасоз,
Диловарлиғу кучга бўлмай ниёз.

Бори ишда бир ерга етти иши
Ки, мумкин эмас андоқ ўлмоқ киши.

---

1 Теъдод – санаш,
2 Мусаллам – таслим бўлган, тобе бўлган; бўйсундирган.
3 Диловарлиғ – ботирлик, қаҳрамонлик.
4 Силаҳшўр – қурол ушлашга моҳир, ботир жангчи.
5 Зириҳ – зирҳ, совут, темир кийим
6 Гириҳ – тугун, чигил; мушкуллик, қийинчилик.
7 Синон – найза, найза учи.
8 Ахзар – кўк, яшил, сабзаранг.

Буларни шундай умумлаштириш имкони мавжуд:

Искандарда туғма қобилият жуда кучли эди. У эшттган нарсаларини тасаввур қила олишига кўра ҳам ажралиб турарди.

У ниҳоятда серғайрат, билим олишдан чарчаб, толиб қолмас эди. Эришилган даража билан тўхтаб қолмаслик Искандардаги асосий фазилатлардан бири бўлган. Шунинг учун ҳам билимини турли йўллар билан эгаллашдан чарчамас эди.

Алишер Навоий Искандар воситасида билим ва ҳунарнинг омухта тарзда ўзлаштирилишини маъқуллайди. Шунинг учун ҳам Искандарнинг ҳунар олишга бўлган иштиёқини алоҳида таъкидлайди. (Бу ҳолатни Фарҳоднинг болалиги тасвирида янада кучлироқ тарзда тасаввур этиш имкони бор).

Алишер Навоий ақлий ва жисмоний тарбиянинг бир-биридан ажратиб қўйилишиини эмас, балки уларнинг омухталигини олқишлайди. Шунинг учун ҳам Искандарнинг жисмоний машқларига алоҳида урғу беради. Диловарлиғ – "ботирлик", "қаҳрамонлик" деган маънони англатади. Искандар энди аскар бўлишга, ҳарбий иш сиру-асрорларини билишга ҳам киришади. Мана шу касб-ҳунар тақазо этадиган барча машқларни адо эта бошлайди.

Не ишким сипоҳиға нафъ айлагай
Ки, андин адусини дафъ айлагай.

Тасаввурларни ойдинлаштириш учун Навоий мана шу "не иш"ларни санаб кўрсатади. Булар: улов устида туриб қурол ишлатиш, пиёда аскар қилиши лозим бўлган машқларни бажариш, камондан ўқ отиш, найзабозлик, ёйандозлик, гурзини ишлата билиш, кураш ва б.

Адиб яна туғма истеъдодни алоҳида урғулайди. Усиз инсон камолотининг бўлишини тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлайди:

Бори ишда бир ерга етти иши
Ки, мумкин эмас андоқ ўлмоқ киши.

Истеъдод ва қобилият парваришга муҳтож бўлади. Айни мана шу ақида мутафаккир адибнинг кўплаб асарларида турли шакл ва кўринишларда қайта-қайта таъкидланади. Бе бежиз эмас, зеро, парваришсиз қолган истеъдод (эгаси) увол бўлиши мумкин. "Қобилға тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият – ҳайф. Ани адами тарбият била зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зоеъ қилма. Қитъа:

Қобилға тарбият эрур ул навъким, гуҳар
Тушса нажосат ичра юғай ани кимса пок.
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,
Бу тарбият ила қила олғайму ани ток."

Қобилиятли одам озгина эътибор ва парвариш билан ўзининг асл имкониятларини кўрсата олади. Ахир, гавҳар сингари қимматбаҳо тош ножоиз нарсалар ичига тушиб қолгудек бўлса, киши уни ювиш билан у яна пок ва покиза бўлади. Аммо итузумга қанчалик парвариш бўлмасин, ундан узум берадиган ток пайдо бўлмайди-ку! Ўрни келганда эслатиш жоизки, замонавий психология фани ҳам "бой имкониятлар бўлишига қарамасдан, қобилиятларнинг ривожаланиши учун ноқулай шароитларда, потенциал имкониятлар амалга ошмай қолиши мумкин"лигини эътироф этади[1].

1 Педагогическая психология. Под ред. Н.Ю.Кулагиной. – М.: "Творческий центр", 2008, с. 56

Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат мин шамойим ул-футувват” (“Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари”) асари ўзбек тазкирачилигидаги ўзига хос ҳодисадир. Бошқа тазкиралардан фарқли равишда унда фақат тасаввуф алломалари ва улар ҳақидаги кузатишлар берилган. Адиб кўплаб машойихлар ҳақида гапирганида уларнинг муайян касб-ҳунар билан жиддий машғул бўлганларини алоҳида таъкидлаб ўтади: “Ул жумладин, шайх ул-машойих Шайх Абу Саид Харроз қ. р. а. эрдиким, аларни машойих қамар ус-сўфия[1] дебдурлар. Ва шайх ул-ислом муқарраби Ҳазрат Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий қ. р. машойих табақотинким битибдурлар, жамиъи авлиёуллоҳдинким зикр қилибдурлар, барчадин аларни кўпрак васф қилибдурлар ва мартабаларин бийикрак тутубдурлар. Алар ўтук тикарга мансубдурлар.

Ва Шайх Муҳаммад Саккок қ. с. ким, ўз замони машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдур.

Ва Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод қ. р. темирчилик қилибдур.

Ва Шайх Абубакр Хаббоз қ. с. ўтмакчиликка[2] машҳурдур.

Ва Шайх Абулаббос Омилий қ. с.ким, ўз замонининг қутби[3] ва ғавси[4] эрмиш ва султони тариқат Шайх Абусаид Абулхайрнинг хирқа пири эрмиш, қассоблиқ қилибдур.

Ва Шайх Иброҳим Ожурийки, хишт авалабдур[5].

Ва Мирчаи Сафолфурушки, Хуросон элининг пири эрмиш, дошгарлик[6] қилибдур.

Ва Шайх Абулҳасан Музаййин ва Шайх Баннон – ҳаммол[7] ва Шайх Абулҳасан – нажжор[8].

Ва мутааххир машойихдин замонининг ягонаси Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ. р. а. кимхо[9] нақшини боғламоққа[10] машҳурдурлар.

“Мажолис ун-нафоис”да ҳам ижодкорларнинг касб-ҳунарлари ҳақидаги қайдлар анчагина.

Навоийнинг илк марта ёд олган шеъри:

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок[11].

«Бу фақир аввал назмеким, ўрганибмен, бу сўнгги матлаъдур. Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим»...

Асал билан майни татиб кўрмаган одам унисининг висол чоғи каби ширин (чучук) ҳамда бунисининг хижрон дамлари каби аччиқ жонни қайдан билади?!

Юриш чоғида бегона мусофир қум-у тўзоннинг юмшоқ, тоғ-у тошларнинг қаттиқ эканлигини билади.

---

1 Қамар ус-сўфия – сўфийлар пешвоси.
2 Ўтмакчилик –новвойлик
3 Қутб – ҳар бир нарсанинг ўртаси, маркази.
4 Ғавс – мадакор, ёрдамга етиб келувчи.
5 Хишт аваламоқ – ғишт термоқ
6 Дошгарлик – кулолчилик.
7 Ҳаммол – юк ташувчи.
8 Нажжор – дурадгор.
9 Кимхо – кимхоб, бахмал.
10 Нақш боғламоқ – нақш солмоқ, безак қилмоқ.
11 Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис, 11-бет.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” – АЛИШЕР НАВОИЙ ДИДАКТИК ҚАРАШЛАРИИНГ УМУМЛАШМАСИ СИФАТИДА

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”нинг дебочасида “ҳар кўй ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши-ямоннинг афъолин[1] билибмен ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен”, – дея алоҳида таъкидлайди. Демак, адиб “яхши” ва “ёмон” деганда кишиларнинг феъл-атворлари, уларнинг жамият ичида ўзларини тутишларини назарда тутган. Бунда, биринчи навбатда, инсонлардаги у ёки бу хусусиятларнинг намоён бўлишини, уларнинг тарбияланганлик даражасини бевосита ўз тажрибаси воситасида кузатган: “Хайр ва шарддин нўш ва ниш кўксумга етибдур ва лаим ва карим заҳм ва марҳамин кўнглум дарк этибдур. Ва замон аҳлидин баъзи асҳоб ва даврон хайлидин баёзи аҳбобки, бу ҳоллардин хабарсиз ва кўнгуллари бу хайр ва шарддин асарсиздур. Қ и т ъ а:

Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур
Ки, васлу ҳажр киби ул чучук дурур, бу ачиғ.
Билур залил мусофирки, пўя айларда эрур
Қуму тўзонг юмшоғ, тоғу хорадур қатиғ”.

Навоий ана шундай турфаликларни замондошларига ва келгуси авлодга етказиб қўйишни ўз бурчи ва вазифаси сифатида билади: “Бу навъ асҳоб ва аҳбобға интибоҳ (ҳушёрлик, зийраклик) қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрундики, ҳар тоифа хисолидин[2] вуқуфлари[3] ва ҳар табақа аҳволидин шуурлари бўлгайки, муносиб эл хизматиға шитоб қилғайлар ва номуносиб эл суҳбатидин ижтиноб[4] вожиб билгайлар ва бори эл била махфий розларин сўз демагайлар ва шаётин[5] ва инс[6] макру фирибидин бозий емагайлар[7]. Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга ҳавас бўлғай, бу фақирнинг тажрибаси аларға бас бўлғай”.

Асарнинг номи ва таркиби ҳақида ҳам муаллифнинг ўзи маълумот беради: “Чун бу мақолатнинг қулубға[8] маҳбублуғи маълум бўлди, анга «Маҳбуб ул-қулуб» от қўюлди. Ва бу битилган фавоиднинг[9] кайфияти чун билилди, ани уч қисм қилилди:

Аввалғи қисм: соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти[10].

Иккинчи қисм: ҳамида афъол ва замима хисол хосияти[11].

Учинчи қисм: мутафарриқа фавоид ва амсол сурати[12].

Бундан кўзда тутилган мақсад ўқуғувчилар (нинг) “ҳар қайси ўз фаҳму идрокларига

1 Афъол – феъллар, ҳаракатлар; одат, ахлоқ; қилиқлар.
2 Хисол – хислатлар, хусусиятлар, одатлар.
3 Вуқуф – воқиф, хабардор, огоҳ.
4 Ижтиноб – тортиниш, узоқлашиш; сақланиш.
5 Шаётин – шайтонлар, иблислар; йўлдан адаштирувчилар; ёмон табиат, ёмон хулқ.
6 Инс – одамлар, одам жинси.
7 Бозий емоқ – алданмоқ.
8 Қулуб – диллар, юраклар, қалблар.
9 Фавойид – фойдалар.
10 Ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи ҳақида.
11 Яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақида.
12 Турли фойдали кузатишлар ва мисоллар ақида.

кўра баҳра олғайлар, битгучига ҳам бир дуо била баҳра еткургайлар ва руҳини ул дуо футуҳи била севундургайлар”[1].

Мазкур китоб адолат ҳақидаги қарашлар (“Одил салотин зикрида” – “Одил подшолар тўғрисида”) баёни билан бошланади: “Одил подшоҳ Ҳақ таолодин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиби[2] амният[3] ва рафоҳият[4]. Қуёш била абри баҳордек қаро туфроғдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтун била дурлар сочар. Фуқаро ва нотавонлар анинг рифқ[5] ва мадоросидин[6] осуда, залама[7] ва авонлар[8] анинг тиғи сиёсатидин фарсуда. Ҳаросатидин[9] қўю қўзи бўри хавфидин эмин ва сиёсатидин мусофир кўнгли қароқчи ваҳмидин мутмаин[10]. Рифъатидин[11] ҳар мактабда атфол ғавғоси ва муҳофазатидин зуафо[12] ҳаммомида аларнинг алолоси, ҳайбатидин йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар қалами синуқ ва ситамкорлар алами йиқуқ. Жиддидин[13] масожид жамоат аҳлидин мамлу[14] ва мадорис баҳс ва жадал[15] хайлидин ғулув. Қисоси тиғидин ўғри илги эл молидин кўтоҳ, интиқоми биймидин қотиъи тариқ[16] ҳоли адам биёбонида табоҳ[17]. Туннинг кўпи дўконларда савдо учун шамъ ва авбош кўча гаштидин кўнгуллари жамъ. Шомдин то саҳар хонақоҳлар эшиги очуқ ва хилватлар ибодат нуридин ёруқ. Шаҳрда кўйлар (маҳалла ва мавзелар) посбони ул, ёзида қўйлар шубони ул. Раийятға саро ва боғ андин маъмур ва сипоҳиға ком ва фароғ андин мавфур[18]”.

“Маҳбуб ул-қулуб” Алишер Навоийнинг ўз табиати, инсонпарварлиги, олам ва одамларга бўлган ўзига хос муносабатларининг яна бир янги тарзда ифодалаб берувчи асар сифатида намоён бўлади. Адиб ушбу китоб воситасида муайян мавзу ҳақида қандай сўзлаш лозимлигининг амалий намунасини кўрсатиб бергандай бўлади. Китобда замон ва замондошлар ҳақидаги танқидий фикрлар ҳам оз эмас. Аммо адиб, юқорида кўриб ўтганимиздай, аввал яхши, ижобий, кишининг кўнглини кўтарадиган факт ва материалларга жой ажратади. Одил подшолардан кейин “Исломпаноҳ беклар зикрида” сўз бориши ҳам бежиз эмас. Ана шундан кейингина у “номуносиб ноиблар зикри”га ўтади.

“Ёлғончи худнамо[19] ноиб нисбати Мусайламаи каззоб миллати[20], нубувват туҳматин ўзига солғон ва Жаброил[21] ваҳйдин[22] дегони бори ёлғон. Мунга ҳам шоҳ хусусияти изҳори ғайри

---

1 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – // МАС, Тлшент, Ўн жилдлик, 9-жилд, 302-бет.
2 Мужиб – сабаб, боис.
3 Амният – тинчлик, омонлик; хавфсизлик; хотиржамлик, осойишталик.
4 Рафоҳият – фаровонлик, осудалик, осойишталик.
5 Рифқ – лутф, меҳрибонлик; мулойимлик, юмшоқлик, ёқимлилик.
6 Мадоро – келишиш, муроса қилиш.
7 Залама – золимлар.
8 Авон – давлат посбони, миршаб; жазоловчи, жаллод.
9 Ҳаросат – ҳайбат.
10 Мутмаин – тинч, ором олган.
11 Рифъат – юксаклик, олийҳимматлик.
12 Зуафо – заифлар, кучсизлар (аёллар).
13 Жидд – саъй-ҳаракат, тиришиш.
14 Мамлу – тўла, лиммо-лим.
15 Жадал – тортишиш, мунозара, жанжал.
16 Қотиъи тариқ – йўлдан озган, диндан адашган.
17 Табоҳ – бузуқ, хароб, вайрон.
18 Мавфур – фаровон, зиёд, сероб, кўп.
19 Худнамо – шуҳратпараст, ўзини кўрсатишга интилувчи.
20 Мусайламаи каззоб – пайғамбарлик даъво қилган ёлғончи киши.
21 Жабараил – Худо билан пайғамбар ўртасида хабар етказувчи фаришта.
22 Ваҳй – хабар.

воқеъ ёлғон бори. Ёлғон ҳукм еткурурига боис тамаъи шум ва ўтрук[1] парвона еткурурига сабаб ҳирси мазлум. Нима олурда ёлғон анга чин ўрниға ва мусулмонларға нуқсон анга дин ўрниға, ёлғон борида чин демаги маҳол ва ришват[2] олурда ўзга сўз деб, аммо кўнглида ўзга хаёл. Мундоқ ноибки, бир бўлмағай феълию қавли, шоҳ эшигидин гум бўлғони авли"[3].

Бу рўйхатни "золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар, вузаро (вазирлар), ноқобил садр (бошлиқ)лар, "фосиқ ва бадмаош, баҳодирлиқ лофин урғонлар" ва б. давом эттиради.

Китобда мударрисларга ҳам алоҳида боб ажратилган. Мутафаккирнинг назарида дарс берувчи устозда дарс мазмунини бойитишга алоқадор бўлган имкониятларнинг кўп бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам у ҳар хил амал ва мартабаларга интилмайдиган шахс бўлса нур устига нур бўлар эли. Яна бир асосий талаб шуки, у билган нарсасини тўла айтса-да, билмайдиган нарсалари ҳақидаги баҳслардан ўзини тийишнинг, зўрма-зуракилик билан ўзини кўрсатишга интилишдан воз кеча олишнинг уддасидан чиқиши керак: "Мударриснинг керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурға муртакиб[4] бўлмаса" ва худнамолиғ[5] учун дарс ҳавзасин тузмаса ва худситонлиғ[6] учун такаллум ва ғавғо кўргузмаса. Жаҳлдин дастори улув[7] ва алоқаси узун бўлмаса ва мубоҳот[8] учун мадраса айвони боши анга ўрун бўлмаса".

Уларга қўйиладиган асосий талабалардан яна бири диний ва дунёвий билимлардан пухта хабардорликдир: "Диний улум билса ва яқиний[9] масоил элга таълим қилса".

Дарс бердиган устозда ёмон хусусиятлар бўлмаслиги керак. Бу силсилага адиб бир қатор салбий хусусиятларни киритади. Улар орасида ҳаёсизлик, шафқатсизлик, ахлоқсизлик; ёмонлик қилиш, кўнглида кир ва адоват сақлаш ва бошқалар мавжуд: "Бебокликлардин[10] ҳаросон ва нопокликлардин гурезон бўлса, йўққи ўзин олим билгай неча мажҳулға анвои фисқни[11] мубоҳ[12], балки ҳалол қилғай, қилмас ишларни қилмоқ андин маълум бўлғай ва қилур ишлар тарки андин қоида ва русум бўлғай".

Бундай устозлар устозликка нолойиқдир: "Бу мударрис эмасдурким, мубтадеъдур[13] ва мундоқ киши суҳбати ислом аҳлидин мумтанеъдур"[14]. Алишер Навоий мударриснинг олим, "мутаққий", яъни, огоҳ ва ҳушёр бўлишини маъқуллайди:

Ҳар не айтур бўлса Худову Расулдин
Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи.
Андин киши не ким эшитур ва ёки ўрганур
Бўлса Худо сўзи, йўқ эса, Мустафо сўзи.

1 Ўтрук – ёлғон.
2 Ришват – пора.
3 Авли – аъло, афзал.
4 Муртакиб – назарга олган, кутган; киришган; жазм қилган, қасд қилган.
5 Худнамолиғ – ўзини кўрсатишга интилиш
6 Худситонлиғ – мақтанчоғлик, ўз-ўзини мақташ.
7 Улув – баланд, юқори; олий.
8 Мубоҳот – ифтихор, фахр; мақтаниш
9 Ҳақиқатга тўғри келадиган.
10 Бебок – қўрқмас, ҳайиқмас золим, тошбағир, шафқатсиз; ҳаёсиз,, андишасиз, мулоҳазасиз.
11 Фисқ – бузуқлик, ахлоқсизлик; ёмонлик қилиш, адоват сақлаш.,
12 Мубоҳ – рухсат этилган иш; жоиз, раво.
13 Мубтадеъ – бидъатчи, бидъат тарқатувчи.
14 Мумтанеъ – ман этилган, маҳол.

Биринчи қисмнинг ўн олтинчи фасли шоирларга, ижодкорларга бағишланган. Адиб уларни “назм гулистонининг хушнағма қушлари” деб номлайди. Адиб ижодкорларни таснифлайди: “Ул неча табақадур: аввалғи жамоат – нуқуди[1] кунузи[2] маърифати илоҳийдин ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур[3]. Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида[4] назм бермак. Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси муъжиз низомда тилаган топар, чун маал – қасд[5] эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шеър демас.

Аммо бу азиз қавмнинг пешво ва муқтадоси[6] ва бу шариф хайлнинг сардафтар ва сархайли валоят баҳрининг гавҳари ва каромат авжининг мунир[7] ахтари Амир ул-мўминин Али[8] (разиаллоҳу анҳу ва каррамаллоҳу важҳаҳу)[9] дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нукта номаъдуд[10].

Бу мазҳари ажойибқа гуруҳеким тобеъдур, баъзини арз қилолики, кимлар воқеъдур; форсий иборатда ул жумладин, нозими жавоҳири асрор Шайх Фаридуддин Аттордур[11]. Яна қойили «Маснавийи маънавий», ғаввоси баҳри яқин Мавлоно Жалолуддин, яъни Мавлавий Румийдурки[12], мақсадлари назмдин асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий[13] имлосидин ўзга йўқтур.

Яна ҳам авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ борким, буларға татаббуъ қилибдурлар ва булар каломи адосин ва ҳақойиқи маъносин мустаҳсан[14] билибдурлар. Бу хайлдур ҳақиқат тариқининг суханвари, балки кимиёгари ва кибрити[15] аҳмари[16].

Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут[17] қилибдурлар ва каломлари бу услубда марбут[18] этибдурлар. Андоққи, маоний аҳлининг нуктапардози Шайх

1 Нуқуд – “нақд”нинг кўплиги, мавжудлик.
2 Кунуз – хазиналар, яширин бойликлар, ганж.
3 Мустағни – муҳтож эмас, бой;чиқарилган.
4 Силк – қатор, саф.
5 Маал-қасд – Тарж. ар.: қасд билан, қасддан, демакдир.
6 Муқтадо – эргаштирувчи, йўлбошчи; имом.
7 Мунир – нур сочувчи, равшан қилувчи, порлоқ.
8 Али – Али бин Абу Толиб, тўрт буюк халифанингозиргиси (598 – 661), Муҳаммад пайғамбар (с.а.)нинг амакиваччаси ва куёви.
9, Мазмуни:
10 Номаъдуд – сон-сноқсиз, кўп.
11 Шайх Фаридуддин Аттор – Муҳаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим (1148/51–1219/21) тасаввуф олими. Ижодиётда Ҳусайн ибн Мансур ал-Халлож (858 – 922), Боязид Бистомий (ваф. 875) таълимотининг давомчиси. Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»ини Алишер Навоий болалигидаёқ ёд олган ва кейинчалик унга жавоб тариқасида «Лисон ут-тайр» достонини яратган эди.
12 Жалолиддин Румий – тасаввуфнинг буюк шоири (1207, Балх – 1273). Қуния шаҳрида мударрислик қилган. Унинг ижоди Фаридиддин Аттор таъсирида шаклланган. Навоий “Насойим ул муҳаббат”да у ҳақда анча батафсил маълумотларни беради. Жумладан: “Маккага борурда Нишобурда шайх Фаридуддин Аттор қ. с. суҳбатиға етиштилар. Шайх «Асрорнома» китобин аларға берган экандур. Доим ўзлари била асрар экандурлар. Алар дер эрмишларки, мен бу жисм эмасменки, ошиқлар назарида манзурман, балки ул завқу хушлуқменки, муридлар ботинида манинг каломимдин бош урар. Аллоҳ, Аллоҳ, чун ул дамни топсанг ва ул завқни тотсанг, ғанимат тут ва шукр қилки, мен улдурмен: Ва дебдурки, қушки ердин юқори учқай, агарчи осмонға етмагай, аммо томдин йироқ бўлғай. Ҳамул навъ агар киши дарвеш бўлса, агар дарвешлик камолинга етмаса, аммо мунча бўлғайки, зумраи халқдин ва бозор аҳлндин мумтоз бўлғай ва дунёнинг заҳматларидин сабуквор бўлғай
13 Номутаноҳий – битмас-туганмас, чексиз, чегарасиз.
14 Мустаҳсан – маъқулланган, маъқул кўрилган; таҳсинга лойиқ.
15 Кибрит – қизил ёқут, олтин; кўч. улуғлик.
16 Аҳмар – қизил.
17 Махлут – аралаш, омухта.
18 Марбут – боғлиқ, тегишли.

Муслиҳуддин Саъдий Шерозий[1] ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Деҳлавий[2] ва тасаввуф ва диққат мушкилотининг гириҳкушойи[3] Шайх Заҳируддин Саноий ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадуддин[4] ва маоний адосиға ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад ул-Ҳофиз[5].

Навоий Абдураҳмон Жомийни алоҳда ажратиб кўрсатади: “Яна ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми икаласи тариқида вофий[6] ва шомил[7], назм аҳлининг муқтадо[8] ва имоми ҳазрати шайхулислом Мавлоно нур ул миллати ва-а-дин Абдураҳмон ал-Жомий[9] (наввараллоҳу марқадаҳу ва қуддиса сирраҳу) дурким, аввалғи табақа равиши ва каломида ҳам шарифмақол ва сўнгғи табақанинг ҳам адоси латойифида соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар”.

Ниҳоят, назм гулистонининг бошқа, ўзига хос ихлосмандлари тилга олинади: “Яна адно[10] табақаси жамоатедурларким, назм била кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар. Ва юз машаққат била бир байтким боғлаштурғайлар, даъво овозасин етти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафган. Баъзидин агар гоҳи бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур.

Агар бири бир нозук маънида писандида[11] печ қилур[12], аммо ўн онча нописанд даъво била

---

1 *Саъдий Шерозий* – Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифиддин (1203 – 08, Шероз – 1292, шу шаҳар) шоир, носир ва мутафаккир. Унинг «Бўстон», айниқса «Гулистон» асарлари ўз замонидаёқ эътироф ва эъзозларга мушарраф бўлган.

2 *Амир Хусрав Деҳлавий* – Яминиддин Абулҳасан Амир (1253, Патёл –1325, Деҳли). Шоир ва мутафаккир. Унинг отаси асли шаҳрисабзлик Сайфуддин Маҳмуд мўғуллар истилоси олдидан Ҳиндистонга кўчиб кетади. У девонлар сонини 5 тага етказган ва уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида номлар берган. Кейинчалик бу усул анъанага айланган эди.

Деҳлавий биринчи марта Низомий “Хамса”сига мукаммал жавоб берган адиб сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Навоий ўз асарларида Деҳлавийни жуда катта ҳурмат ва эътиром билан тилга олади.

3 Гириҳкушой – тугунларни ечувчи; қийин ишларни ҳал қилувчи.

4 Шайх Авҳадуддин – *Шайх Авҳадиддин* – Авҳадиддин Али ибни Муҳаммад ибни Исҳоқ Анварий (1105, Ховарон (Абивардиги) – 1187, Балх) шоир ва мутафаккир, Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да шундай ёзади: “Шайх Авҳадуддиннинг латиф ашъори бор, маснавийдин ва анинг ғайридин. «Мисбоҳ ул-арвоҳ» китобининг охирида айтурки, м а с н а в и й: [То қўл қимирлар экан, иложсиз, соя ҳаракатга келади. Соя қўлдан пайдо бўлди, аслида ўзи йўқ нарса. Борлиғи ўзи билан қойим бўлмаган нарсанинг борлигини эътироф этиш ақлдан эмас...Р у б о и й: [Авҳад, юрак эшигин қоқасан, юрак қани? Бир умр йўл юрасан, манзил қани? Бу вафосиз, пасткаш дунёда эллик икки чилла ўтирдинг, ҳосил қани?]”.

5 Шамсуддин Муҳаммад ул-Ҳофиз Шерозий – (1321, Шероз – 1389, ўша шаҳар) – Машҳур шоир. Ҳофиз ғазалларида ирфоний ғоялар, тасаввуфий эътиқод устувор. Навоий Ҳофизни ғазалчиликда ўз устозларидан деб билади.

6 Вофий – етарли, вафо қилувчи.

7 Шомил – ташкил қилган, ичига кирган; етарли.

8 Муқтадо – раҳбар.

9 Абдураҳмон Жомий – Нуриддин Абдураҳмон Жомий (1414–1492) – XV аср форс-тожик адабиётининг энг йирик намояндаларидан бири, улкан шоир ва мутафаккир. Навоийнинг пири, устози ва дўсти. Ҳирот, Машҳад ва Самарқанд мадрасаларида таълим олган. Учта шеърий девони, «Хамса» достонларига жавоб тариқасида ёзган «Ҳафт авранг» («Етти тахт») ва ирфон, тасаввуф, фалсафа, фиқҳ, мантиқ, тилшунослик, адабиётшунослик, муаммо, тафсир, ҳадисшунослик, тарих илмларига оид кўплаб асарларнинг муаллифи. Навоий Жомийга бағишлаб «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарини ёзган. Шунингдек, Жомийнинг кўплаб ғазалларига татаббулар боғлаган.

10 Адно – паст, қуйи.

11 Писандида – маъқулланган, назарга тушган, лойиқ; мақбул, сара, яхши.

12 Печ қил – банд қилмоқ, восита қилмоқ.

ани ҳам ҳеч қилур. Гўё ўзларига ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ[1]. Турфароқ буким, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ

Рубоий:

Аълоларидур нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча данидин[2] адно.
Авсатлариким, ҳеч нимага ярамас,
Билким, нафас урмамоқ алардин авло.

Китобда турли ижтимой тоифа ва табақа, касб-ҳунар эгалари ҳам тилга олинади. Уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари тавсифланади. Улар баҳонасида мутафаккир олим ўзини безовта қилаётган муаммо ва масалалар ечимига имкон топгандек бўлади.

Алишер Навоий мазмуннинг тўла ва мукаммал бўлиши ҳақида кўп гапирган. Айни пайтда, у шаклнинг ҳам унга муносиб бўлишини қайта-қайта уқтиради. “Котиблар зикрида” дейилган бобдаги мушоҳадалар бунинг ёрқин далили бўла олади. Саҳифадаги мазмуннинг чиройли ёзув ва муносиб тиниш белгилари билан музайян бўлиши худди чиройли юздаги хол каби гўзал ва ярашиқли бўлади: “Яхши хат ва нуқтадин сафҳаға жамол, андоққи, яхши юз сафҳасиға хатту хол”.

Чиройли ёзув сўзни ҳам чиройли қилади, айни пайтда ўқийдиган одамнинг кўнглига ҳузур ва ҳаловат етказади: “Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткурур”. Котибнинг зиммасида жуда катта масъулият бор. У ҳар доим рост сўзларни ёзиши керак. Ёзувдаги хатоларни бартараф этиш ҳузурбахшдир. Агар хатнинг кўриниши муносиб бўлмаса, хунук бўлса, ундан маънонинг қадрига етадиганлар кўнглида озор пайдо бўлади: “Роқимки, рақами ростдур, ростлар кўнглига қабулияти бехост[3]. Муҳаррирки, таҳрири туз – писандидадур, агар бир байт битир, агар юз. Агар хат сурати нохушдур, маъни хайли андин мушаввашдур[4]”.

Чиройли ёзса-ю, хатолари кўп бўлса-чи? Бу ҳақиқий котиб номига муносиб бўлмайди, улар кўпчиликнинг эътирозига, ҳатто лаънатига сазовор бўлади: “Хушнавис ҳамким, саҳви кўп бўлғай – илги фалаж иллатиға жўб[5] бўлғай. Улки, бежо нуқта била «ҳабиб»ни[6] «ҳабис»[7] қилғай ва «муҳаббат»ни «меҳнат» – анингдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат. Ямон хатға ғалати беҳисоб, қаррийи масхара соқолиға хизоб[8]. Ул хатни қирқиб мабразға[9] ташлағоли яхши ва иясини молики дўзах жаҳаннамға бошлағоли”.

Маҳбубдин мактубким, ҳам хати хўб бўлғай ва ҳам мазмуни хўб – жонға улдур марғуб ва кўнгулга улдур матлуб[10]. Хати ямон ҳам бўлса ямон эмас, муҳиб маҳбуб хатини ямон демас.

Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун. Байт:

---

1 Муттафиқ – бирлашган, иттифоқдош; ҳамфикр.
2 Дани – пасткаш, тубан, разил, ярамас.
3 Бехост – беихтиёр, тўстдан, кутмаганда.
4 Мушавваш – ташвишли, паришон: беором.
5 Жўб – ўрин, мақом.
6 Ҳабиб – дўст, қадрдон; маъшуқа, маҳбуба, севгили.
7 Хабис – ёмон, ярамас, бадбўй.
8 Хизоб – бўёқ, ранг; ўсма, хина.
9 Мабраз – ҳожатхона
10 Матлуб – талаб қилинган, хоҳланган: ёқимли.

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф[1].

Навоийнинг мактаб ва мактабдорлар ҳақидаги қарашлари ҳам шу китобда мужассамлашган. У мактабдорларнинг салбий типини жуда муносиб тарзда тасвирлаб беради: "Мактабдор бегуноҳ маъсумларға жафокор. Атфол азобиға роғиб ва алар таъдибиға муртакиб. Зоти бемадоро, димоғи пўлод ва кўнгли – хоро. Ғазабдин қошида чин, гунаҳсизлар била ойини хашу (ёқимли) кин (адоватда) . Кўпрагида табъ ғилзати ва тамаъ иллати падидор ва ақл қиллатиға гирифтор. Аммо тавсани атфол таъбини жафо била ром қилғувчи ва ноҳамвор сиғор тавриға сиёсат била андом бергувчи. Агарчи хўйлари дуруштлуқда намоёндур, аммо атфол ноҳамворлиғи ислоҳиға ирик суҳон (эгов)дур.

Анинг иши одамдин келмас, қайси одамки, дев қила олмас, ҳар қаттиғ кишини бир тифл муҳофазати ожиз этар, ул бир сурукка илм ва адаб ўргатгай, кўрним анга не етгай? Онча борким, ул қавмнинг идроку фаҳми оз тушар, андоқ кишига юз мунча машаққат не бушар.

Шунга қарамай, устоз деган ном уларнинг обрў ва мартабаларини белгилайди. Устоз хизматининг ўлчовлари йўқ: "Ҳар тақдир била атфолға ҳаққи кўпдур, агар подшоҳликқа етса ва анга қуллуқ қилса хўбдур. Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар андин устод розидур – Тангри розидур. Байт:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила".

"Маҳбуб ул-қулуб"да "Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида" деган алоҳида бўлим ҳам мавжуд. Унда адибнинг нутқ ва нотиқлик ҳақидаги ўзига хос мулоҳазалари жамланган. Насиҳат қилувчилар, ўгит эгалари ўз ишларига муносиб бўлса, ҳар икки томон ҳам наф кўради: "Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва бир комил аҳлуллоҳ варзишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур".

Воизнинг айтганлари билан қилган ишлари бир бўлса, унинг таъсир кучи ҳам ортиб бораверади: "Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар".

Воиз тингловчилар ҳолатини яхши англамоғи, уларнинг барчасига мос ва муносиб нутқ турини танламоғи шарт: "Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай. Воизким, бўлғай олим ва муттақий – анинг насиҳатидин чиққан шақий (бахтсиз, гуноҳкор)"

Учинчи қисмни ҳаётий ҳикматлар мажмуаси дейиш мумкин. Улар ўзига хос туркумларга бирлашган. Адиб уларни "танбеҳ" деб номлайди. Танбеҳларнинг мавзу доираси ранг-баранг. Улар донолик ва нодонлик ҳақида:

Саодатманд агар олим бўлса, нодонлар сўзи анга мужиби ибрат ва эътибор; бесаодат жоҳил бўлса, олим сўзидин анга ор. Ва филҳақиқат, жоҳилликдин бесаодатликроқ не нима бор?!

Ўз ва ўзганинг ғами ҳақида:

Андинки нафс комидур ва нафсоният мақомидур. Ҳеч ким ўз кўнглиға ғам тиламас ва ўз нафсиға алам истамас. Аммо ўзганинг шариф зотиға беҳад мазаллат (хорлик) кўрса, онча тафовут қилмаски, ўзига жузвий шиддат (машаққат) ва яна бир азиз нафсиға беадад меҳнат англаса, онча мутаассир бўлмаски, ўзига оз кулфат. Ва барчаға ўзгадин ўзи азизроқ

1 Шикоф – ёриқ, дарз,чок, тешик.

ва ўзгалар сўзидин ўз сўзи лазизроқ. Олам яхшилигин киши ўзидин дариғ тутмас, аммо ўзга кишига ёвутмас.

Айтмоқ ва эшитмоқ ҳақида:

Фано ахлиқа кўп айтмоқ мардуддур ва кўп эшитмак матлуб ва маҳмуд. Эшитмак элни тўла қилур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур ҳоли. Кўп деган кўп янгилур ва кўп еган кўп йиқилур.

Емоқ ва гапирмоқ ҳақида:

Қолаб (бадан, тан) амрози (касалликлар)нинг моддаси кўп емакдур ва қалб амрозининг моддаси кўп демақ. Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсға маъмурлуқ. Одамийға бу сифатлар завоид (кўп, зиёда), барчаси худпарастлиққа оид.

Алишер Навоий инсоний фазилатлар орасида саховат ва ҳимматга алоҳида ўрин ажратади. Адибнинг назарида “Саховат инсоният боғининг борвар (ҳосилдор) шажари (дарахти)дур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. ...Саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб қуруғон кашаф (тошбақа) не эътибор.

Бахил беҳиштқа кирмас агар саййиди Қураший бўлсун ва сахий тамуғга бормас, агарчи бандаи ҳабаший бўлсун. Сахий булутдур – иши хирмон, балки махзан бермак. Бахил мўрдур – даъби хўша балки дона термак. Ҳиммат аҳлиғадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат шоҳи валоят хоси. Саховат одамиға бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ (очилиш, кушойиш). Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас. Олий ҳиммат шоҳбозедур баланд парвоз ва беҳиммат сичқон сайёде юрутачи боз. Шунқор маскани шоҳнинг билаги, юрутачи мақоми ўлуксанинг сассис бадани ва сўнгаги.

...Исроф сахо эмас ва итлоф (талофат, барбод бериш)ни маъно аҳли сахо демас. Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот учун бермак худнамолиғ ва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлиқ. Улки эл кўрмагунча бермас – лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саходин йироқ бил; ибрам (қистов, зўрлаш) била бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де; ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де.

Саховат ўз-ўзича юзага келмайди. Унинг бир қатор шартлари мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари эса қуйидагилардир:

Ҳунарларни топмоқ – едурмакдур ва айбларни ёпмоқ – кийдурмакдур. Маҳаллида берган эски чортора тўн – саховат ва бемаҳал берган зарбофт чорқаб – шақоват (бахтсизлик, ноинсонийлик). Десангки, таоминг зоеъ бўлмағай – едур ва тиласангки, либосинг эскирмагай – кийдур. Сахо тарийқин мазкур бўлғон сўзла англа, аммо карам ойини ва футувват русуми ўзга англа.

Вафо ва ҳаё ҳам инсонни улуғлайдиган фазилатлар қаторида кўрсатиб берилган:

Карам ва мурувват ато ва анодурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд... Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ – имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ – андин одамийлиғ келмоқ имкон йўқ.

Олимлик мартабалари:

Фосиқ олим донишваредур ўз нафсиқа золим, Қанийи бахил нодонедур, ўз зиёниқа нодим. Бу икки киши умр зоеъ ўткардилар ва гўрга ҳасрат ва армон олиб бордилар. Бири улким, илм ўрганурга ранж торттию амал қилмади, бири улким, мол йиқарқа эмгак чектию сарф қилурин билмади.

Ёмонларга яхшилик муаммоси:

Ямонларқа лутфу карам, яхшиларқа мужиби зарар ва алам. Мушукка риоят – кабутарқа офатдур. Шақол жонибин тутмоқ – товуқ тухмин қурутмоқдур. Байт:

Бўрини қўзи била қилган семиз,
Кийик жамъу хайлиғадур раҳмсиз.

Киши молидин неким баҳра олди анингдур, ҳар неким асради ўзганинг. Заҳмат била топқонингни ўзунгдин аяма ва меҳнат била йиққонингни дўстлар била, душманлар учун асрама. Байт:

Мол улдурким, эл андин топса баҳр,
Душман андин топса тенгдур нўшу заҳр.

Нодон ва душман муносабати:

Нодон пандида ғалат муқаррардур ва душман насиҳатида фириб мутасаввардур. Андин бози ема ва мундин ўзунгга бози берма.

Тил жарохати ва яхши сўз шарофати:

Ул кўнгулгаким, қаттиқ сўздин решдек бўлғай, аччиқ тил заҳролуд нешдек бўлгай. Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас, анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас. Ҳар кўнгулки, тил синонидин жароҳатдур ҳам юмшоқ сўз ва ширин тил анга марҳам ва роҳатдур. Мулойим такаллум ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар афсун била йилонни тўшукдин чиқорур. Байт:

Ҳусну жамолсиз киши ширин калом эса
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз! Ҳарзагўйким, кўб такаллум сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча ҳургай. Ямон тиллик андоққим, эл кўнглига жароҳат еткурур, ўз бошиқа ҳам офат еткурур. Нодоннинг муваҳҳиш ҳарзақа бўқзин қирмоқи – эшакнинг жиҳатсиз қичқирмоқи. Хўшгўйким, сўзни рифқ ва мусово била айтғай, кўнгулга юз ғам келадурғон бўлса, анинг сўзидин қайтғай. Сўздадур ҳар яхшилиқни имкони бор, мунда дебдурларки, нафаснинг жони бор. Масиҳоким, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди...

Тил ва кўнгул хўброқ аъзодурлар инсонда; савсан ва ғунча марқуброқ раёҳиндурлар бўстонда. Одамий тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонқа сарафроз бўлур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур.

Айн ул-қузот тил шарафидин Масиҳ гуфтор бўлди ва Ҳусайн Мансур тил суръатидин дорға сазовор.

Тилдин азубат дилписанддур ва лийнат судманд. Чучук тилки, аччиқлиққа эврулди, зарари ом бўлди, қандники, мускир бода қилдилар, ҳаром бўлди. Чучук сўз соф кўнгулларқа нўшдур, барча атфол табъиқа мулойим ҳалвофурушдур. Байт:

Хуш сўзга ким ўлса масту беҳуш,
Шарбат аро заҳрни қилур нўш.

Ёлғон сўз:

Ҳаркимки, сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлҚоч уёлғон. Ёлғонни чиндек айтқувчи суханвар – кумушни олтун била рўкаш қилувчи заргар. Ёлғон афсоналарда уйқу келтургувчи, ёлғончи уйқуда такаллум сургувчи. Ёлғон айтгувчи ғафлатдадур. Сўзнинг аснофи бағоят чўқдур, ёлғондин ямонроқ синфи йўқдур.

Хомтамалик андухи:

Қуш то таманнойи хомға тушмас – сайёд илгида домға тушмас ва анга то ажал қафаси эшиги очилмас, сайёд дому донасиқа майл қилмас.

Ўт иситади ҳам, куйдиради ҳам:

Ҳукамоким, салотин ҳоли кайфиятин билибдурлар, аларни ўтқа ташбиҳ қилибдурлар. Ўт нафъ еткурур йироқтин, андин мунтафеъ бўлмоқ авло қироқтин. Оташгоҳ ўти қироқдин нафъ еткурур, ичига тушганни филҳол куйдурур. Оқил анга ёвумоқ номуносибдур ва андоқ балодин ҳазар вожиб. Байт:

Ўтдин исинурғача овуч оч,
Куйдургудек англасанг кейин қоч!

Яхши сўз шарофати:

Кўнгул махзанининг қуфли тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил. Байт:

Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур.
Ки, махзанда дур ё садафрезадур.

Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – мухтасар. Кўп дегувчи – мумил, мукаррар дегувчи – лояъқил. Айбжўй – маъюб, айбгўй – манкуб. Туз кўргувчи – пок назар, ҳунар кўргувчи – рост басар. Улким, димоқида хабт сўзида йўқ рабт. Димоқи саҳиҳ – гуфтори фасиҳ. Сўзи ҳисобсиз – ўзи иҳтисобсиз. Сўзида паришонлиқ, ўзида пушаймонлиқ. Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлиғзевари басдур. Ёлғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳроқ. Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилға иборат содалиқидин йўқ таассуф. Гулга йиртуқ либосдин не зиён, дурқа бадшакл садафдин не нуқсон. Ёлғон сўз жуз назмда нописанд ва анинг қойили нохирадманд.

Сабр ва ошиқмоқ:

Сабр била кўп боқлиғиш очилур, ишда ошуққон кўп тойилур, кўп тойилғон кўп йиқилур. Ишда ошуқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр била иш қилгувчи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур. Байт:

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,
Яфроқни ипак қилур, чечак баргини бол.

Гўзаллик андозалари:
Хўб йиртуқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиғ чапони била маҳбуб.

Илм ўқуб амал қилмақон, ерни шиёр қилиб тухум солмоқонқа ўхшар ё тухум солиб, маҳсулидин баҳра олмақонқа ўхшар.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур:
Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиқилиб дарё бўлур. ўрганурдан қочқон лаванд ва юзига ҳиял ва баҳона эшигин очҚон тананд. Эмгак тортиб илм ўрганган хирадманд.

Йигитлик:
Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур ва ҳаёт шабистонининг наҳори. Бу биридин айшу нишот гулларининг очуқлуғи ва ул биридин завқу инбисот уйларининг ёруқлуғи.
Инсоннинг зебу раънолиғи андин ва башарнинг тобу тавонолиғи андин.

Аҳбоб, йигитликни ғанимат тутунгуз.
Ўзни қарилиғмеҳнатидин қўрқутунгуз.
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгуз,
Ҳар навъ ила ўзни неча кун овутунгуз.

Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва Ҳақ сўзин айтурда беваҳму бок бўлғай. Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур.

Яхшидин ёмонлар ҳам ёмонлиғ тамаъ тутмас, яхши ёмонларға ҳам яхшилиғни унутмас. Яхшилиғ қила олмасанг, ёмонлиғ ҳам боре қилма. Яхшиликдан ёмонлиғни яхшироқ билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилиғ теграсиға эврула олмасанг, яхшилар теграсига эврул.

Дардлиғ кўнгул – шуълалиғ чароқ, ёшлиғ кўз – сувлуқ булоқ.
Тева қушин юклаб кўчса бўлмас ва чодир қанотин очиб учса бўлмас. Ўт иши қовурмоқ, ел иши совурмоқ. Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиғи сўз била. Сиҳҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема.

Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган ҳамон, ямон ҳамон. Ямон била яхши орасида кўп фарқдур, икки кеманинг учин тутқон ғарқдур. Ҳар қавм ойини била зуҳур қилсанг алардинсен, алар ямон бўлса, сен – ямон ва алар яхши бўлса, сен яхшилардинсен. Бас ўзни яхшилар орасида яшурғон ва алар этагига илик урғон яхшироқдур ва хавфу биймдин қироқдур. ...
Ёмондин яхшилиғ кўз тутмоқ фосид хаёлдур, итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдур. Зоти душман ва мухолифни дўст дема, ўзунгга бози берма ва бози ема.
Одам била шайтон мухолифатин унутма. Ота душманин ўзунгга дўст тутма.

Фойдали ва фойдасиз сўзлар:

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма. Оз деган – оз ёнгилур, оз еган – оз йиқилур. Очлиғ ҳикмат сармоясидур ва тўқлуқ ғафлат пироясидур. Тўқлуқ ҳирсин кўнгулдин йўқ қил, ўзунг оч бўлиб, бир очни тўқ қил. Ўзунгни зебо либос хаёлидин ўткар, либос зеболиқин тиласанг бир ялангни буткар. Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингдин кийдурганинг авлодур. Байт:

Нечаким тўнни риоят бирла кийсанг эскирур,
Чунки кийдурдунг ялангға уфрамас тўн ул эрур.

Чин сўзни ёлғонға чулғама, чин айта олур тилни ёлғонға булғама. Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас. Ёлғон сўз дегувчини беэътибор қилур, нечукким, ул гавҳарни хазафдек хор қилур.

Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтғон сўзга бут. Сўзни кўнглунгда пишқормағунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглунгда бўлса тилга сурма. Агарчи тилни асрамоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сипамоқ бошқа офатдур. Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма. Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт. Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас. Маснавий:

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.

Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

Кафшсизликдин малул бўлмақил, аёғсизларқа боқиб шукр қил. Дастор йиртуқлуқидин ғам ема, боши ёруқларқа боқиб Тенгри ҳамдидин ўзга дема. Танпўшунг дуруст бўлмаса, тандурустлуқунгға шокир бўл, ичинг қутиқа ғизо топмасанг, ич оқриқинг йўқ шукриға зокир бўл. Кисангда агар дирам йўқ, кўнглунгда кисабур ғами ҳам йўқ.

...Агар отинг йўқтур, арпа ғамин емассен. Агар қулунг йўқтур, киши қули худ эмассен.

ХУЛОСАЛАР

Йирик навоийшунос олим А.Ҳайитметов ўз тадқиқотларидан бирида Алишер Навоий ҳақида шундай ёзади: “Хоҳ унинг шеър ва достонлари бўлсин, хоҳ насрий асарлари, хоҳ илмий асарлари, хоҳ тарихий асарлари бўлсин, уларни ўқиган ҳар қандай китобхон улардан маънавий озуқа олади, роҳатланади”. Бу бежиз эмас. Буларнинг барчаси адиб асарларининг қанчалик катта тарбиявий аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб турибди.

Навоий асарларининг тадқиқи, таҳлили ниҳоятда керакли ва зарурий юмушлар сирасига киради. Бу йўналишни бир зум ҳам тўхтатмаслик, аксинча, уни янада кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақазо этмоқда. Аммо юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг Навоий асарлари билан бевосита мулоқот қилишлари учун шароит ва имкониятларни кўпайтириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан ҳисобланади.

Назаримизда Ўзбекистон телевидениеси, радиоси, матбуоти Навоий асарларининг ташвиқини ўзларининг кундалик энг муҳим вазифалари қаторига киритса, ниҳоятда маъқул ва муносиб ишлардан бири бўлар эди. Уларнинг шакли ва мазмуни ниҳоятда ранг-баранг бўлиши мумкин. Лекин уларнинг орасида Навоийнинг достонларидан, шеърларидан, ғазал ва рубоийларидан, қитъа ва туюқларидан фард ва маснавийларидан парчалар ўқиш, уарни чоп этиш кенг тарзда йўлга қўйилиши керак. Навоийнинг кўплаб ҳикмат ва ҳикоятлари борки, улар бадиий ўқишлар учун жуда мос ва муносиб манба бўла олади. Зеро, бадиий асар билан мулоқот инсон зеҳнини ўткирлаштиради, дилдаги ғуборларни ювади, инсоннинг эзгу ўй-фикларига қанот бағишлайди. Унинг маънавий оламига битмас-туганмас куч ва озуқа бахш этади.

Навоий асарларининг ўн беш, йигирма, ўн жилдлиги нашр этилди. Улар халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида китоб жавонларидан ҳам, ҳассос кўнгиллардан ҳам муносиб жой олди.

Навоий билан ошнолик фарзандларимиз учун илк болаликдан, оиладан бошланмоғига ҳаракат қилишимизни замоннинг, бугунги маънавий эҳтиёжларнинг ўзи тақозо этмоқда. Демак, оила даврасиданоқ Навоий асарларини ўқиш, ўрганиш имкониятларини излашимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Бошланғич синф дарсликларида, дарсларида, синфдан ташқари ишлар силсисласида бу имкониятнинг ўзига хос жиҳатларини топиш методист олимларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторида турибди. Фақат она тили, ўқиш, адабиёт дарсларида эмас, бошқа ўқув предметлари воситасида ҳам уларга алоқадор ҳолда Навоий асарларини ўқиш ва ўрганишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларнинг турли ёш даврларига хос ва мос бўлган нашрлар устида бош қотириш уларнинг маънавий тарбияларини тўғри йўлга қўйишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлишига шубҳа йўқ. Фарзандларимиз ҳеч бўлмаганда бир кунда бир марта Навоийнинг бир сўзига, бир гапига, бир ҳикматига, бир асарига рўпара бўлишини уларнинг ҳаётий-маънавий эҳтиёжлари даражасига кўтариб чиқишнинг уддасидан чиқмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб турибди.

Ўқув дастурларида Навоий асарларини ўрганишга ажратилган соатлар ҳажмиини кескин даражада кўпайтириш, айниқса, юқори синфларда уларнинг ҳажмини анча ошириш зарур.

Олий таълимда ҳам Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид махсус курс ва махсус семинарларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Назаримизда, битирув малакавий ишлари, шунингдек, магистрлик диссертациялари мавзуларини шакллантираётганда уларнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга ҳозиргидан кўра кўпроқ даражада йўналтириш бу манфаатга муносиб тарзда хизмат қилган бўлар эди. Уларнинг орасидан эса келгусида юқори даражадаги илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган илмий ходимларнинг чиқишига умид қилса бўлади.

Умуман, Навоийнинг адабий меросида ёшларнинг онгу шуурини миллий-маънавий қадриятлар билан бойитишнинг улкан манбалари мужассамланган экан, буюк мутафаккир ижодининг таълим жараёнларидаги ўрганилишига янада каттароқ эътибор қаратиш ҳам жоиз кўринади. Назаримизда, биз бу борадиги имкониятлардан ҳали-ҳануз тўла фойдалана олаётганимиз йўқ.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Навоий асарларининг мукаммал нашрини лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси асосида қайта нашр этиш ҳам жуда долзарб бўлиб турибди.

Президентимиз кўрсатиб ўтганларидек, «Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса»[1]. Бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак. Яъни Навоийнинг халқ қалбидаги образи, унинг обрўси, унга бўлган ҳурмат ва эътиқод Навоий асарларининг тарғиби ва ташвиқидаги бирламчи қадам, асосий тамал тоши бўлмоғи керак.

Шунга қарамай, Навоийнинг бадиий мероси катта нусхаларда чоп этилиши керак. Уларнинг жанрларига кўра нашрлари ҳам қизиқарли ва фойдали бўлади.

Булардан ташқари Навоийнинг танланган асарларини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, «Бир ғазал», «беш ғазал», «ўн ғазал», «қирқ ғазал», «юз ғазал» сингари серия ва туркумларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уларда битта ғазал ёки ҳикоянинг ўзини рангли нашрлар тарзида амалга ошириш ёки битта ғазални матни, луғати, насрий баёни ва илмий-оммабоп шарҳи билан нашр этиш мумкин. Худди шу ҳолатда беш, ўн, қирқ, юз ғазални ҳам оммалаштириш жамиятимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун муносиб жавоб бўлар эди.

Бундай нашрларни рубоийлар, қитъалар, туюқлар, фардлар, ҳикматлар мисолида ҳам амалга ошириш имконлари мавжуд.

Албатта, нашрлар орасида шарҳ ва насрий баёнлар билан таъминланганлари ҳам алоҳида ўрин тутиши керак.

Биз ўтмишда яратилган нодир санъат асарларини, жумладан, Навоий меросини бугунга ҳам, келажакка ҳам кўпроқ хизмат қилдиришимиз жоиз. Улар бунга камарбаста. Фақат бизда иштиёқ ва ғайрат, улардан фойдаланишдаги билимдонлик ва омилкорлик бўлса кифоя.

Бугун жаҳон ҳамжамиятида қадимги меросдан, айниқса, санъат асарларидан, фалсафий, тарихий, адабий-бадиий меросдан унумли фойдаланиш учун жиддий ҳаракатлар кучайиб бораётганини илғаш қийин эмас. Бу муаммо билан тарихчилар, археологлар, файласуфлар, санъатшунослар, филологлар шуғулланишмоқда.

Бу бежиз эмас. Қадимий ёдгорликлар, мозий обидаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора кўпроқ сезилиб бормоқда. Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Навоий асарлари мисолида ўтмишда яратилган маданий-маърафий меросимизни ўрганувчиларнинг ҳалмоғи оз эмас. Нашр этилган шунча китоблар ўқилмасдан қолаётгани йўқ. Бизнинг асосий истагимиз, бош мақсадимиз эса мана шундай китобхонларнинг, навоийхонларнинг сонини, нуфусини янада оширишдан иборатдир.

1 Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент Маънавият, 2008, -бет.

Тарих ҳар доим ҳам замондошларнинг илмий дунёқарашини, ижтимоий, сиёсий қарашларини шакллантиришдаги, ахлоқий-маънавий қадриятларга муносабатларидаги ўлчов бирликларидан бири бўлиб келган. Агар Навоий мисолида олиб кўриладиган бўлса, буюк мутафаккиринг тарихга, тарих илмига, тарихий ҳодисаларга қайта-қайта мурожаат этгани бежиз эмас.

У «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Насойим ул-муҳаббат» сингари илмий-тарихий асарларида, «Садди Искандарий» достонида, бир қатор «Ҳолот»ларда бу мавзунинг турли қирраларини кўрсатиб, ёритиб берган эди.

Ўзбекнинг суюкли шоири Азим Суюн бир шеърида шундай дейди:

Неки бир сўз изладим Навоийдан топдим,
Қалб муродин кўзладим – Навоийдан топдим[1].

Шеър бадиий асар бўлишига қарамасдан, унда ҳаётий-бадиий ҳақиқат ўзига хос тарзда акс этади. Биз учун муҳими, шоирнинг буюк мутафаккир асарларида мужассамлашган бепоён тарбиявий имкониятларга берган шеърий баҳосидир. У шундай ифодаланган:

Комил сўзу комил амал – комил тарбият,
Ибратини бўзладим – Навоийдан топдим.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарлари “комил тарбият”нинг асл, бебаҳо омилларидир. Уларда бевосита тарбиявий аҳамиятга молик бўлган қимматли фикр-мулоҳазалар, дақиқ кузатишлар, ҳикматомуз хулосалар жамланган. Бу хулосалар ўн бешинчи асрда яратилган бўлишига қарамасдан бугунги авлодлар учун ҳам ўз куч ва имкониятларини тўла сақлаб қолган.

Бир сўз билан айтиладиган бўлса, “Ҳазрати Навоий барча фаолиятини, жумладан, адабий ижодини миллатнинг ривожига, унинг келажагининг хайрли бўлишига қаратди”[2]. Бизнинг вазифамиз мана шу фаолият мазмунини бутун теранлиги билан замондошларимизга, айниқса, ёшларимизга муносиб тарзда етказиб беришдан иборатдир.

1 Азим Суюн. Андиз ўсган ерларда (Шеърлар, ғазаллар, қўшиқлар). – Тошкент, 2012, 4-бет.
2 Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, “Extremum press”, 2010, 8-бет.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008.
2. Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Хужанд, “Нури маърифат”, 2013, 100-бет.
3. Абдуқодиров А. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. – Хўжанд, “Нури маърифати”, 2013
4. Навоий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Хўжанд, 1995.
5. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. – Хўжанд, Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 1997.
6. Азим Суюн. Андиз ўсган ерларда (Шеърлар, ғазаллар, қўшиқлар). – Тошкент, 2012, 4-бет.
7. Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, “Extremum press”, 2010, 80 б.
8. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. I жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.
9. Хазойин ул-маъоний. II жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.
10. Хазойин ул-маъоний. III жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.
11. Хазойин ул-маъоний. IV жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1960.
12. Алишер Навоий. МАТ, Бадоеъ ул-бидоя. 20 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент, Фан, 1987;
13. Алишер Навоий. МАТ, Наводир ун-ниҳоя. 20 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, Фан, 1987;
14. Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. 20 жилдлик, 3-жилд. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1988. 616 б.
15. Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент, Фан, 1989. 560 б.
16. Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 544 б.
17. Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Илий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 6-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 568 б.
18. Алишер Навоий. МАТ, Хамса. Ҳайрат ул-аброр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов. 20 жилдлик, 7-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 392 б.
19. Алишер Навоий. МАТ, Хамса. Фарҳод ва Ширин. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 8-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 544 б.
20. Алишер Навоий. МАТ, Хамса. Лайли ва Мажнун. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Т.Ғафуржонова. 20 жилдлик, 9-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 356 б.

21. Алишер Навоий. МАТ. Хамса. Сабъайи сайёр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи М.Мирзааҳмедова. 20 жилдлик, 10-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 448 б.

22. Алишер Навоий. МАТ. Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 640 б.

23. Алишер Навоий. МАТ, Лисон ут-тайр. Изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. 20 жилдлик, 12-жилд. – Тошкент, Фан, 1996. 328 б.

24. Алишер Навоий. МАТ, Мажолис ун-нафоис. Матнни излҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 13-жилд. – Тошкент, Фан, 1997. 284 б.

25. Алишер Навоий. МАТ, Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент, Фан, 1998;

26. Алишер Навоий. МАТ, Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент, Фан, 1999;

27. Алишер Навоий. МАТ, Муҳокамат ул-луғатайн. (Матнни П.Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Мезон ул-авзон. (Матнни И. Султон нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Тарихи анбиё ва ҳукамо. (Матнни нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Тарихи мулуки Ажам. (Нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Арбаъин. (Матнни нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Сирож ул-муслимин. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Муножот. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Рисолайи тийр андохтан. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). 20 жилдлик, 16-жилд. – Тошкент, Фан, 2000. 236 б.

28. Алишер Навоий. МАТ, Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 17-жилд. – Тошкент, Фан, 2001.520 + 72 б.

29. Алишер Навоий. МАТ, Девони Фоний. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, Муродий (Ҳ.Тожибоев), С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 18-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 552 б.

30. Алишер Навоий. МАТ, Девони Фоний (давоми). Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, С.Рафиддинов, Муродий (Ҳ.Тожибоев). 20 жилдлик, 19-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 600 б.

31. Алишер Навоий. МАТ, Девони Фоний (давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 20-жилд. – Тошкент, Фан, 2003. 568 б.

32. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. Хазойин ул маъоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент, 2011.

33. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Иккинчи жилд. Хазойин ул маъоний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент, 2011.

34. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Учинчи жилд. Хазойин ул маъоний. Бадое ул-васат. – Тошкент, 2011.

35. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўртинчи жилд. Хазойин ул маъоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент, 2011.

36. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Бешинчи жилд. Девони Фоний. Қасоид. Муфрадот. Хамсат ул-мутахаййирин. – Тошкент, 2011.

37. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Олтинчи жилд. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент, 2011.

38. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Еттинчи жилд. Хамса: Лайли ва Мажнун. Сабъайи сайёр. – Тошкент, 2011.

39. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Саккизинчи жилд. Хамса: Садди Искандарий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. – Тошкент, Фан, 2011.
40. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. Лисон ут-тайр. Мажолис ун-нафоис. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. – Тошкент, 2011.
41. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. Насойим ул-муҳаббат. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. – Тошкент, Фан, 2011.
42. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С.Рафиддинов, С.Ғаниева. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 20-бет.
43. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгилиси). – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 67-бет.
44. Азим Суюн. Андиз ўсган ерларда (Шеърлар, ғазаллар, қўшиқлар). – Тошкент, “MERIYUS”, 2012.
45. Зунунов А. Педагогик тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, “Шарқ”, 2004, 82–87-бетлар.
46. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, “O‘zbekiston”, 2914. – Б.320.
47. Йўлдошев Қ. Тарбия – баркамол авлодни тарбиялашнинг бош омили. – // Тарбия: (Ота-оналар ва мураббийлар уун энциклопедия) / тузувчи М.Н.Аминов, масъул муҳаррир А.М.Мажидов. – Тошкент, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2010.
48. Комилов Н. Сўзбоши.– // Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами”. – Тошкент, “Tamaddun”, 2014, 3-бет.
49. Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами”. – Тошкент, “Tamaddun”, 2014.
50. Matyoqubova T. Alisher Navoiy hayoti va ijodi. – Toshkent, Fan va texnologiya nashriyoti, 2010, 148, 154-156-betlar.
51. Муҳаммаджон Маҳмуд. Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011.
52. Олим С. Навоий ёшларга. – Тошкент, “Abu matbuot-konsalt”, 2008.
53. Очилов Э. Комилликнинг икки йўли. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001, 123-144-бетлар.
54. Педагогическая психология. Под ред. Н.Ю.Кулагиной. – М.: “Творческий центр”, 2008, с. 56
55. ZРажабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Тошкент, “Turonzamin ziyo”, 2015, 10-24-бетлар.
56. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, “Akademnashr”, 2011.
57. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Наваи. – Ташкент, Фан, 2009, – с.40.
58. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “Akademnashr”, 2013, 272 бет.
59. Yusupova D. Aruz alifbosi. – Toshkent, “Akademnashr”, 2015.
136-bet.
60. Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлғасен Нақшбанд... – Тошкент, ЎзФА Қўлёзмалар институти, 1993, 5-бет.

61. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент, “Mumtoz so‘z”, 2011, 232-233-бетлар.

62. Қаюмов А. “Насойим”ни варақлаганда. – // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 1, 12-15-бетлар; Нисбатан янги тадқиқотлар сифатида қаранг.

63. Ҳайитметов А. “Ҳайрат ул-аброр”да услуб ранг-баранглиги. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001, 27-45-бетлар.

64. Ҳамидова М. “Хамса” мавжлари. – Тошкент, Фан, 1986.

65. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро давлат университети нашриёти. – Бухоро, 2000.

66. Ҳаққул И. Тасаввуф ва Навоий шеърияти ҳақида. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001.

67. Ҳомидий Ҳ. Йиллар самари. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015.

68. Ҳусанхўжаев И. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида. – Тошкент, “Ўрта ва олий мактаб” нашриёти, 1963.

НАВОИЙШУНОСЛИК: АДАБИЙ-ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

МУҚАДДИМА

Халқимиз буюк аждодлари билан ҳар қанча фахр ва ифтихор қилса арзийди. Абу Мансур Мотуридий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Форобий, Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шермуҳаммад Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Дилшод Барно, Анбар Отин, Муқимий, Фурқат сингари буюк истеъдод эгалари ана шу фахру ифтихоримизнинг ўзагини ташкил этади. Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, *“Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақидакўп гапирамиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало, ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?”*[1]

Алишер Навоий асарлари бугун ҳар бир хонадон учун қадрли. Ҳамид Сулаймон “Хазойин ул-маъоний” девонларини[2] тўлиқ ҳолда чоп эттирган бўлса, “Хамса”нинг П.Шамсиев тайёрлаган нашри мукаммаллиги билан мутахассислар эътирофида. Навоий асарларининг ўн беш жилдда чоп этилиши ўз даврининг катта воқеалари сирасига киради. Ниҳоят, 1987 – 2003 йиллар давомида Навоийнинг мукаммал асарлари тўплами йигирма жилдда китобхонлар эътиборига ҳавола этилди[3]. Бу нашр ўз номига муносиб равишда мукаммал: у

1 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga murojaatnomasi. – // Ma’rifat, 2017-yil 23 dekabr, № 102-103 (9064).

2 Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. I жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959. Хазойин ул-маъоний. II жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959. Хазойин ул-маъоний. III жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959. Хазойин ул-маъоний. IV жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1960.

3 Алишер Навоий. МАТ, Бадоеъ ул-бидоя. 20 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент, Фан, 1987; Наводир ун-ниҳоя. 20 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, Фан, 1987; Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. 20 жилдлик, 3-жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1988. 616 б.; Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент, Фан, 1989. 560 б.: Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 544 б.; Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 6-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 568 б.; Хамса. Ҳайрат ул-аброр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов. 20 жилдлик, 7-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 392 б.; Хамса. Фарҳод ва Ширин. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 8-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 544 б.; Хамса. Лайли ва Мажнун. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Т.Ғафуржонова. 20 жилдлик, 9-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 356 б.; Хамса. Сабъайи сайёр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи М.Мирзаахмедова. 20 жилдлик, 10-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 448 б.: Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 640 б.; Лисон ут-тайр. Изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. 20 жилдлик, 12-жилд. – Тошкент, Фан, 1996. 328 б.; Мажолис ун-нафоис. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 13-жилд. – Тошкент, Фан, 1997. 284 б.: Алишер Навоий. МАТ, Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент, Фан, 1998; Алишер Навоий. МАТ, Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент, Фан, 1999; Муҳокамат ул-луғатайн. (Матнни П.Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Мезон ул-авзон. (Матнни И.Султон нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Тарихи анбиё ва ҳукамо. (Матнни нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Тарихи мулуки Ажам. (Нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Арбаъин. (Матнни нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Сирож ул-муслимин. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Муножот. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Рисолайи тийр андохтан. (Матнни изоҳ ва таржималар би-

адибнинг деярли барча асарларини қамрайди, улар ҳар қандай қисқартиришлардан холи, кўп йиллик тажрибалар умумлаштирилган, кўплаб изоҳ ва шарҳларга ўрин ажратилган. Хусусан, Алишер Навоий асарларида учрайдиган истилоҳлар маъноларининг оддий китобхонлар учун ҳам тушунарли бўлишини кўзда тутган ҳолда луғатлар илова қилинган. Китобхонларимиз мукаммал асарлар тўпламининг ўн жилдлигига ҳам эга бўлишди[1]. Эндиликда Алишер Навоий асарларининг катта қисми насрий баёнлари билан биргаликда нашр этилгани ҳам китобхонлар манфаатининг эътиборга олингани билан изоҳланади. Алоҳида асарлар нашри ҳам урф бўлиб бормоқда.

Навоий даҳоси шу қадар буюкки, унинг фақат шахсий ҳаёти, ҳаёт тарзининг ўзи ўрнак ва намуна мактаби бўла олади.

Ҳазрат Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг ниҳоясида, жумладан, шундай дейди:

Қуёшлиқ истасанг касби камол эт,
Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

«Касби камол этмоқ» иши биринчи навбатда улуғ ҳазратнинг ҳаёт тарзи бўлганлигини қайд этмоқ керак. Буюк мутафаккир қайси бир ишга қўл урган бўлса, уни ҳадди аълосига етказмагунча кўнгиллари хотиржам бўлган эмас. Бу ҳолат аллома адибнинг қолдирган илмий, тарихий, бадиий меросида, замондошларининг қайд ва хотираларида, олимларимизнинг кузатиш ва тадқиқотларида кўп маротаба таъкидланган. Биринчи Президентимизнинг Навоий ҳақида гапириб туриб «**Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоир-**

лан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). 20 жилдлик, 16-жилд. – Тошкент, Фан, 2000. 236 б.; Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 17-жилд. – Тошкент, Фан, 2001.520 + 72 б.; Девони Фоний. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, Муродий (Ҳ.Тожибоев), С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 18-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 552 б.; Девони Фоний (давоми). Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, С.Рафиддинов, Муродий (Ҳ.Тожибоев). 20 жилдлик, 19-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 600 б.; Девони Фоний (давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 20-жилд. – Тошкент, Фан, 2003. 568 б.

1 Алишер Навоий. Хазойин ул маъоний. Ғаройиб ус-сиғар. Ўн жилдлик, Биринчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хазойин ул маъоний. Наводир уш-шабоб. – Ўн жилдлик, Иккинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011;

Хазойин ул маъоний. Бадое ул-васат. Ўн жилдлик, Учинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хазойин ул маъоний. Фавойид ул-кибар. Ўн жилдлик, Тўртинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011

Девони Фоний. Қасоид. Муфрадот. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ўн жилдлик, Бешинчи жилд.– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. Ўн жилдлик, Олтинчи жилд..– Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Хамса: Лайли ва Мажнун. Сабъайи сайёр. Ўн жилдлик, Еттинчи жилд. – Тошкент, 2011;

Хамса:Садди Исканларий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. Ўн жилдлик, Саккизинчижилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Лисон ут-тайр. Мажолис ун-нафоис. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. Ўн жилдлик, Тўққизинчи жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. Насойим ул-муҳаббат. Муҳокамат ул-луғатайн. Мезон ул-авзон. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Ўн жилдлик, Ўнинчи жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

ларнинг султонидир»[1]деган мулоҳазалари бу силсиладаги энг нодир ва муносиб хулосалардан биридир.

«Касби камол этмоқ» Навоий асарларининг барчасида қизил ип бўлиб ўтадиган бош ғоялардан биридир. Мана уларнинг бири:

Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Олам уйи – бу дунёдир. Инсон зотики бор, бу дунёда муносиб тарзда яшамоғи жоиз. Ундан кўнгилдаги кирлар билан чиқиб кетмоқ ярашиқсиз бўлади. Ахир, инсон ҳаммомга нима учун киради? Албатта, ўзидаги, баданидаги кирлардан қутулмоқ учун. Шундай экан, одам дунёда шундай яшамоғи керакки, натижада унинг ўзи инсонга хос бўлган нотавонликлар, ожизликлар, қусур ва камчиликлардан тўла фориғ бўлсин.

Навоий ижоди учун олам ва одамга нисбатан ўткир ва холис нигоҳ билан қараш, уларнинг яхлитлиги ва бардавомлиги учун инсон масъулиятининг юксаклигини узлуксиз равишда таъкидлаш хосдир. Зеро, оламнинг яратилиши ҳам аслида инсон учун бўлган. Инсоннинг ўзи, унинг муқаддас ва мўътабарлиги энг олий қадриятдир:

Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Навоий назарида инсон кўзи очиқ турган ҳар бир лаҳза, ҳар бир сония, ҳар бир онда – сутканинг йигирма тўрт соати давомида фақат ҳалоллик, адолат, тўғрилик, эзгулик ҳақида ўйлаши ва уларни амалга ошириш билан банд бўлмоғи муносиб:

Йигирми тўрт соат кеча-кундуз,
Йигирми тўрт дам урсам нафас туз.

Демак, инсоннинг "йигирма тўрт соат" ҳам "туз нафас урмоғи" шартдир.

Камтарлик, ҳоксорлик, дарвишлик Навоий шахсиятида бўртиб турадиган фазилатлар, балки ҳаётий эътиқодлардир. Шунча улуғ ишларни амалга оширган, «Хамса»дай муҳташам шеърий қасрни, «Хазойин ул-маъоний» сингари фасоҳат ва балоғат оламининг улкан хазинасини бунёд этган, қанчадан-қанча илмий, тарихий, диний, маърифий, бадиий дурдоналар яратган ижодкор ўзи ҳақидаги қайдларидан бирида шундай дейди:

Гумон қилмон хатокоре ўзумча,
Хато ҳам сарбасар топмон сўзумча.

Ўзим даражамда хато қилувчини билмайман,(Бошқаларда)
*менинг сўзимда бўлганидай узлуксиз хатоларни тополмайман***.**

1 Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008, -бет.

Навоий хамсачиликда кўпчиликнинг уриниб кўрганини, аммо улар қўлга киритган натижаларнинг арзимас бўлиб қолганлигини мисраларда жуда аниқ, лўнда ва таъсирчан тарзда ифодалаб беради:

Кўп киши ҳам қилди татаббу ҳавас,
Сарву гул ўтрусиға келтурди хас.

Адиб ўзидан олдин ўтган улуғлар шаънига бисотидаги энг нодир, энг улуғ сўзларни саралайди. Жумладан, Низомийни «Хайли фасоҳат бошининг афсари (тожи)" деса, Жомийни «қутби тариқат», «кошифи асрори ҳақиқат» тарзида таърифлайди, насрий асарларини жаҳон иқлимларини, назмининг эса жон кишварларини тутганлигини, эгаллаб улгурганлигини алоҳида қайд этади. «Хамса»дай улкан ишга қўл ураётганида эса уларнинг маънавий қўллаб-қуватлашларига умид билдиради:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум.

Шунда ҳам, барибир, камтарлик билан улар яратган кашфиётларни улуғлаб, ўзи бунёд этаётган бадиий топилмаларга камтарона ёндашади:

Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир[1],
Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир[2].
Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.

Тақдир Навоийнинг қаламидан фақат «хуш маъни»ларни бунёд қилиш имконини ҳам берганки, бунга бутун тарих, бутун инсоният неча асрлардан буён шоҳид бўлиб келмоқда. Алишер Навоий қолдирган улкан мерос ўз замонидаёқ инсонларни эзгуликка, комилликка чорлаган эди. Улар бугун ҳам замондошларимизни, хусусан, ёш авлодни инсоний мукаммалликни эгаллашларида буюк омил, ўзига интилтирувчи маёқ вазифасини адо этмоқда.

1 Дилпазир – ёқимли, гўзал.
2 Ногузир – муқаррар, зарурий.

1. НАВОИЙ ШАХСИЯТИ – ТАРБИЯ ОМИЛИ

Алишер Навоий ҳассос қалб эгаси сифати олам ҳодисаларини нозик ва теран тарзда кузатиш, улардан фавқулодда хулосаларни чиқариш салоҳиятига эга эди. Бу фикр мутафаккирнинг таълим ва тарбия жараёнларига оид қарашларига ҳам тўлалигича дахлдордир. Уларда ҳаёт ҳодисаларининг жуда нозик даражада кузатган ўткир кўзли мутафаккирнинг донишмандона мушоҳадалари гоҳ тарих сабоқлари, гоҳ замондош нигоҳлари, гоҳ фарзандларга панду ўгитлар, гоҳ бир асар қаҳрамонининг саргузашти-ю, ўтмиш донишмандларининг пурмаъно ҳикматлари, гоҳ тўғридан тўғри китобхонга мурожаату гоҳида “қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит” қабилидаги ишора ва рамзлар шаклида намоён бўлади. “Алишер Навоий – жаҳон миқёсидаги шахс, юксак гуманистик ижоди билан шеърият мулкининг султони мақомига кўтарилган бебаҳо истеъдод эгаси, инсон қалбининг шодлигу қувончи, ғам-ғуссаларини, ҳаёт ва эзгулик фалсафасини ҳадди аълосига етказиб тараннум этган буюк сўз санъаткоридирки, бу янглиғ ҳам ижод, ҳам фазилатда беназир зотлар дунё маданияти тарихида камдан-кам учрайди. Ўз умри давомида кўрган кўплаб яхшилик ва ёмонликлар, замондошларидан тортган кийна ва адоватларга, фаолиятининг катта қисми давлат миқёсидаги ишларга, темурийлар салтанатида тинчлик, фаровонлик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлиши, илм-маърифат ва маданият гуллаб-яшнашига сарфланганига қарамасдан, бу фидойи зот ҳар жиҳатдан ҳайратланарли улкан ижодий мерос қолдирди.

Алишер Навоийнинг уммондек теран, камалакдек ранг-баранг асарларида, унинг нодир шахсияти тимсолида «Ҳаётнинг маъноси нима, комил инсон қандай бўлиши керак?» деган азалий саволга кенг миқёсдаги фалсафий жавоб ўзининг мужассам ифодасини топган.

Яна бир ҳайратга молик жиҳат шундаки, орадан беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамасдан, ҳазрат Навоийнинг инсонпарварлик қарашлари заррача бўлсин ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, XXI аср шароитида, тезкор тараққиёт билан бирга кўпгина маънавий муаммоларни юзага чиқараётган бугунги глобаллашув жараёнида, худдики тун пардаси қуюқлашганда Чўлпон юлдузи янада ёрқинроқ кўринганидек, шоир бобомизнинг ўлмас, боқий мероси ҳар қачонгидан ҳам равшанроқ нур таратиб, унинг ижтимоий моҳияти ва маъно-мазмуни, бадиий жозибаси тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Албатта, бундай умрбоқийликнинг сабаб ва омиллари кўп ва улар ҳақида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига, Ватанимиз тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар, маърифий рисолаларда юртимиз ва дунё олимлари томонидан ибратли фикрлар илгари сурилган. Ана шу манбаларда Шарқ дунёсида, Турон, Туркистон деб аталган бизнинг минтақамизда минг йиллар давомида юз берган не-не ўзгаришлар, маданий тараққиёт жараёнлари, нурга, маърифатга бўлган интилишларнинг мантиқий натижаси ўрта асрларга келиб айнан шу заминдан етишиб чиққан буюк алломалар, азиз-авлиёлар, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан жаҳон цивилизациясида ўчмас из қолдирган ноёб шахслар тимсолида яққол намоён бўлгани алоҳида таъкидланади. Айнан шундай улуғ зотлар ўзларининг мислсиз илмий ва ижодий кашфиётлари, гуманистик қарашлари, эркин тафаккури билан Шарқ уйғониш даври деган оламшумул ижтимоий-маданий ҳодисани шакллантиргани ва ҳар томонлама ривожлантиргани ҳам илм-фанда ўз исботини топган ҳақиқатдир. Кейинчалик ғарб Уйғониш даври учун асос бўлган бу улкан тарихий жараённинг энг муҳим ҳалқаси, энг буюк ва ёрқин намояндаси сифатида Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи биринчилар қаторида тилга олиниши бежиз эмас, албатта”[1].

[1] Қаюмов А. Аъзамов А. Мўъжизакор ижод намунаси. – // Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Наводир уш-шабоб. Ўн жилдлик.Биринчи жилд, – Тошкент Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, илмий, тарихий, поэтик меросини ўрганиш сингари педагогик қарашларини татқиқ этишнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Бу борада кўплаб мақола ва турли анжуманлардаги тезисларнинг ҳам катта салмоқни ташкил этишини эътироф этиш керак. Албатта, ушбу долзарб ва муҳим муаммо борасида илк марта йирик илмий-тадқиқот ишларини амалга оширган олим И.Ҳусанхўжаевнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. У "Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида"[1] деган алоҳида қўлланмани яратган эди.

Қўлланма кириш, беш асосий қисмдан иборат. Асосий қисм "Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV асрда маданий ҳаётидаги Алишер Навоийнинг роли" деган фасл билан бошланади. Бу Алишер Навоий яшаган тарихий даврга ўзига хос экскурс вазифасини адо этади. У ерда тўғри таъкидланганидек, "Унинг асарларининг ҳаммаси деярли тарбиявий ва илмий аҳамиятга эга бўлиб, халқ манфаатлари ва турмуш ҳақиқатларини куйлар эди"[2].

Қўлланманинг асосий моҳияти "Алишер Навоийнинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари", "Навоий илм ва маълумот ҳақида", "Домлалар ва мударрислар ҳақида", "Ахлоқ ва одоб тарбияси ҳақида" сингари бобларда мужассамлашган.

Албатта, китобда ўз даврининг ижтимоий муҳрлари ҳам тегишли тарзда ифодасини топган, хусусан, мустабид тузум мафкурасининг таъсири китоб саҳифаларида ўрни-ўрни билан сезилиб туради.

Мустақиллигимиз шарофати билан таълим-тарбия тизимида, хусусан, унинг мазмунида ҳам жиддий янгиланишлар юз берди. Педагогика тарихи машғулотларида миллий педагогик манба ва материалларга, миллий маънавиятмизнинг буюк дарғалари яратиб кетган илмий-педагогик меросга алоҳида ўрин ажратила бошлангани эътиборга лойиқдир.

Олий ўқув юртлари учун чиқарилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида Навоий ҳаёти ва ижодига алоҳида эътибор берила бошланди. Жумладан, А.Зуннунов, шунингдек, М.Хайруллаев, Б.Тўхлиев, Ш.Қурбонов, Х.Масудов, М.Қуроновлар томонидан тайёрланган "Педагогика" дарслигида Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Жалолиддин Давоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар қаторида Алишер Навоийга ҳам махсус фасл ажратилган[3]. Унда "Алишер Навоийнинг маданий-маърифий фаолияти", "Алишер Навоийнинг халқпарварлик ғоялари", "Навоий таълим-тарбия ва унинг мақсади ҳақида", "Алишер Навоий инсонпарварлик тарбияси ҳақида", "Алишер Навоий педагогик таълимотининг аҳамияти" сингари мавзулар ажратилган.

Албатта, олти саҳифалик бу маълумотлар Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари моҳияти ҳақидаги ихчам маълумотларнигина акс эттиради, холос.

Педагогика касб-ҳунар коллежлари учун тузилган "Педагогика" дарслигида ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти ва илмий-педагогик қарашлари алоҳида бобда таҳлил этилган[4].

Каромат Қиличеванинг докторлик диссертацияси ҳам шу йўналишга бағишлангани билан эътиборга молик. Унда, айниқса, тасаввуф таълимотининг таълим-тарбия жараёнларида туган ўрни ва мавқейи ҳақидаги кузатишлар катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари, адиб асарларининг тарбиявий имкониятлари ҳақида филологлар, айниқса, адабиётшунослар томонидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу борада В.Абдуллаев, А.Абдуғафуров, С.Айний, Е.Э.Бертельс,

1 Ҳусанхўжаев И. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида. – Тошкент, "Ўрта ва олий мактаб" нашриёти, 1963.
2 Ўша китоб, 17-бет.
3 Зуннунов А. Педагогик тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, "Шарқ", 2004, 82–87-бетлар.
4 Зунунов А. Педагогик тарихи. Педагогика касб-ҳунар коллежлари, билим юртлари учун дарслик. – Тошкент, "Шарқ", 2004, 82–87-бетлар.

А.Боровков, Б.Валихўжаев, Р.Воҳидов, О.Давлатов, Т.Жалолов, Н.Жумахўжа, Ҳ.Зариф, В.Зоҳидов, Иззат Султон, Ё.Исҳоқов, Н.Комилов, Н.Маллаев, М.Муҳиддинов, С.Нарзуллаева, Ойбек, С.Олим, Ҳ.Олимжон, М.Орипов, Э.Очилов, В.Раҳмонов, А.Рустамов, Д.Салоҳий, Ш.Сирожиддинов, О.Усмонов, М.Шайхзода, О.Шарафиддинов, А.Эркинов, С.Эркинов, А.Қаюмов, Ҳ.Қудратуллаев, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, М.Ҳакимов, С.Ҳасанов, И.Ҳаққуловларнинг кўплаб ишларида жиддий кузатишлар амалга оширилганини кўриш мумкин.

Акад. А.Қаюмовнинг ўн жилдли асарлар тўпламининг катта қисми бевосита Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишга бағишланган асарлардан таркиб топган. Устоз кенг қамровли олим сифатида Алишер Навоийнинг барча асарлари ҳақида ниҳоятда ўткир ва теран мушоҳадаларга бой бўлган хулосаларини ифодалаб берган. Навоий асарларининг кенг халқ оммаси учун тушунарли талқинларининг илк намуналари ҳам айнан устоз қаламларига мансубдир. Олим мутафаккир адиб ижодининг маърифий-тарбивий қирралари ҳақида ҳам ўзининг нодир кузатишларини эълон қилган. Шунинг учун ҳам улар ёш авлоднинг маънавий тарбияси учун муносиб ҳисса бўла олган.

Акад. Б.Валихўжаев анъаналари ҳам муносиб равишда давом эттириб келинмоқда. Хусусан, М.Муҳиддинов, Д.Салоҳий сингари забардаст олимлар Алишер Навоийнинг лирик ҳамда эпик меросининг янги қирраларини инкишоф этишда пешқадамлик қилишаётгани шоёни таҳсиндир. М.Муҳиддиновнинг “Талқинларда оламча маъно”, “Икки олам ёғдуси”, “Барҳаёт анъаналар”, “Ўзбек классик адабиётида гуманизм”, “Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик”, “Алишер Навоий ижодида маънавий пок инсон талқини”, “Комил инсон – адабиёт идеали” сингари китоблари Навоий бадиий оламининг ўзига хос талқинлари билан ажаралиб туради.

Д.Салоҳий Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини, хусусан, адиб шеъриятининг ўзига хосликларни ёритишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. “Навоий назмиёти” қилинган ишларнинг умумлашмаси сифатда юзага келган. “Навоий лирикаси”, “Алишернинг ёшлиги ғаройиботлари”, “Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий фикрлари”, “Навоий ва туркий шеърият тараққиёти”, “Навоий эпик шеърияти” сигари бўлимлар китоб мазмуни ва мундарижаси ҳақида ёрқин тасаввур бера олади.

Акад. Алибек Рустамовнинг навоийшуносликка қўшган ҳиссалари беқиёс. Олимнинг сўнгги асарлари сифатида чоп этилган айрим тадқиқотлари ҳам шу силсилани давом эттиради. Улардан бири “Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди” дейилади. Олим тўғри таъкидлаганидек: “Ҳазрати Навоийнинг диёнати ҳамма замон, ҳамма маконнинг ҳамма халқлари, айниқса, мусулмонлар учун яхши ўрнакдир. У ислом ибодатию муомаласи, ахлоқу одобига аъло даражада амал қилди, ўзини бутунлай мамлакат тараққийси ва эл хизматига бағишлади”[1]. Китобда мана шу хизматларнинг мазмуни ва моҳияти жуда гўзал ва ишонарли тарзда ёритиб берилган. Хусусан, Алишер Навоийнинг ислом, иймон, тариқат, валийлар ҳақидаги қарашлари атрофлича шарҳланган.

Олимнинг “Ҳазрат-и Навоийнинг маънавий ва суварий шароблари”[2] дейилган китоби ҳам мазкур йўналишга бағишланган. Уни тасаввуф таълимотига оид илк сабоқлар дейиш мумкин.

Проф. Н.Комилов адиб асарларини янгич таҳлил қилиш мактбининг пешволаридан бири бўлди. Олимнинг “Тасаввуф”, “Хизр чашмаси”... сингари китоблари ҳамда кўплаб мақолаларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг кўпгина жиҳатлари қаторида, маърифий йўналишдаги фаолияти ҳам таҳлил этилган.

---

1 Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, “Extremum press”, 2010, 4-bet.
2Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, “Navro‘z”, 2013.

Ш.Сирожиддинов қадимий манбаларни таҳлил қилиш асосида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид кўплаб янги факт ва материалларни илмий муомалага киритди. Улар Алишер Навоий сиймосининг янги қирраларини тўла ва холис талқин қилишда ҳам, ёшларни Алишер Навоий шахсияти билан чуқурроқ таништиришда ҳам муносиб ҳисса бўла олади[1].

Б.Тўхлиев Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда, шунингек адиб ижодини кенг халқ оммаси ўртасида, айниқса, ёш авлод ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилишда ўзига хос йўлдан бормоқда. Айниқса, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тизимига адиб асарларини жорий этишда, уларнинг ёшларбоп тақинлрини яратишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда[2].

Низомий номидаги ТДПУда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини, хусусан, мутафаккир адибинг педагогик қарашларини, таълим-тарбияга оид ўгитномаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилгани сезилади. Устоз Н.Маллаев ҳамда М.Шайхзодалар анъаналарини давом эттирган ҳолда бу масканда “Навоийга армуғон” номи билан ўнга яқин тўплам нашр қилинган. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини таълимнинг турли босқичларида ўрганишга оид бир қатор илмий-методик ишлар чоп этилди. Уларни амалга оширишда филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Ҳомидийнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Проф. И.Ҳаққулов ҳозирги навоийшуносликнинг энг фаол ва йирик бир вакили сифатида кўп манзур ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Алишер Навоийнинг мукаммал асарлари тўпламининг нашр этилишида ташкилотчи ва иштирокчи сифатида олимнинг катта ҳиссасиси мавжуд. Навоийни янгича ўрганиш ҳам кўп жиҳатдан И.Ҳаққулов номи билан боғлиқ. Уларни ихчам тарзда ўзбек навоийшунослигининг жиддий ютуқлари дейиш мумкин.

Профессор А.Ҳожиаҳмедовнинг Навоий арузи ва санъаткоролигига оид тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик. Уларнинг таълим-тарбия жараёнидаги амалий аҳамиятга эгалиги ҳам эътирофга лойиқдир.

Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари А.Қуронбеков, А.Маннонов, М.Имомназаров ва бошқа томонидан яратилаётган Алишер Навоий “Хамса”сининг конкордансланр ҳам жуда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Филология фанлари доктори Н.Жумахўжа Навоий ижодининг таълимий ҳамда тарбиявий имкониятлари ҳақида бирқатор тадқиқотларни амалга оширди[3].

Ё.Исҳоқов кенг қиррали олимларимиз сирасига мансуб. Шунга қарамай унинг бутун онгли умри Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган дейиш мумкин. Навоий шеърий даҳосининг асосий қонуниятларини инкишоф этиш олим илмий тадқиқотларининг ўзак нуқтасини ташкил этади. Бошқа тадқиқотларини гапирмаганда ҳам, олимнинг яқиндагина чоп этилган китоби фикримизни тўла қувватлайди. “Сўз санъати сўзлиги” номли бу китобни шеърий санъатларнинг ўзига хос қомуси дейиш мумкин. Ундаги яна бир асосий фазилат шундан иборатки, мисолларнинг асосий қисми бевосита Алишер Навоийнинг поэтик меросига дахлдордир[4].

А.Аъзамовнинг Навоий маҳоратига оид кўплаб китоб ва мақолалари янгича талқин ва таҳлилларга бойлиги билан ажралиб туради.

---

1 Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, “Akademnashr”, 2011.

2 Тўхлиев Б. Adabiyot. 10-sinflar ushun darskik. I kitob. Тошкент, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2017 184 bet (ҳаммуаллифлар:B.Karimov,K.Usmonova); Adabiyot. 11-sinflar ushun darskik. I kitob. Тошкент, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2018 184 bet (ҳаммуаллифлар:B.Karimov,K.Usmonova) “Тасаввуф ҳикматлари

3 Навоий ғазалиёти талқинлари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Жумахўжа. – тошкент, “Ўзбекистон”, 2018. – Б.384.

4 Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, “O‘zbekiston”, 2914. – Б.320.

Ҳорижий мамлакатларда, хусусан, Туркия, Озарбойжон, Россия, Тожикистонда навоийшуносликка муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлар оз эмас. А.Абдуқодиров ҳам ушбу йўналишда бир қатор тадқиқотларини амалга оширган[1]. “Амир Алишер Навоий” китоби олим изланишларининг ялпи бир хулосаси сифатида юзага келган.

Э.Очиловнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги кузатишлари ҳам сўнгги йиллардаги яхши ишлар қаторидан жой олган.Айниқса, адиб ижодининг ёшлар маънавиятига кўрсатадиган бевосита таъсири ҳақидаги кузатишлар олим тадқиқотининг ўзига хос қирраларини ташкил этади.

Б.Ражабова ҳам Алишер Навоий педагогик қарашларининг айрим қирралари ҳақида баҳс юритади. У Навоийнинг устоз-шогирдлик борасидаги талқинларига алоҳида тўхтаб ўтади[2]. Китобнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда Навоийнинг ҳуқуқий тарбияга оид қарашлари алоҳида ўрганилган. Олиманинг ёзишича, “Навоий асарларига нафақат бадиий-эстетик жиҳатдан, балки ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дунёқараш, тасаввурни англашнинг манбаи сифатида ҳам қараш мумкин. Ўттиздан ортиқ асарларида XIV–XV асрлардаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар – одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулкий, ахлоқий, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий ойину тўра, ясолар, жиноят ва жазо масалалари ҳақида кенг маълумотлар беради. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал каби машҳур ахлоқий учлик Навоий сиёсий ва ҳуқуқий тушунчаларининг асосини ташкил этади”[3].

З.Мамадалиева “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажоз олами”[4] китоби билан навоийшуносликда янги ва муносиб сўз айта олиш имкони ҳамда иқтидорини намойиш этди. Устоз Н.Комиловнинг ҳақли эътирофича “Зуҳра Мамадалиеванинг ютуғи шундаки, у мавзуга холисона, объектив ёндашади. Шарқ адабиёти, айниқса, тасаввуфий адабиётнинг ўзига хос талаблари, анъаналаридан келиб чиқиб фикр юритади, Навоий ва Аттор ижодига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашади. Тадқиқотда шу боис ўзбек шоирининг тимсоллар тавсифи ва тасвири, ирфоний маъноларнинг ғоят аниқ ва ифодали, равон баён этиш маҳорати ишончли мисоллар таҳлили билан очиб берилган”[5]. Унинг Навоий ғазалларини замонавий фан ютуқлари асосида шарҳлаб бораётгни ҳам буборадаги яхши одимлар сирасига киради[6].

К.Муллахўжаева, Т.Матёқубова, О. Тожибоева сингари ёш навоийшунослар ҳам бу борада фаоллик кўрсатиб келишмоқда. “Навоий ва ёшлар тарбияси”, “Навоийни ўрганамиз”, “Навоий. Ғазаллар”, “Навоий ғазаллари (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар)”,”, “Хамса” талқинларида давр руҳи” сингари китоблар шу силсилага мансуб.

Алишер Навоий ижодининг тарбиявий жиҳатларини ёшларга етказиш борасида Султонмурод Олимнинг кўплаб тадқиқотлари юзага келганлигини қайд этиш лозим. Унинг биргина “Навоий – ёшларга” китоби бунинг мисоли бўла олади. Китобда АлишерНавоий асарларидаги айрим сўз ва образлар, поэтик кашфиётлар ўзига хос тарзда талқин ва таҳлил этилган[7].

Қ.Эргашевнинг “Алишер Навоийнинг давлатчилик фаолиятидаги айрим йўналишлар”

---

1 Қаранг: Абдуқодиров А. Навоий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Хўжанд, 1995.Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати. – Хўжанд, Раҳим Жалил номидаги Давлат нашриёти, 1997;

2 Ражабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Тошкент, “Turonzamin ziyo”, 2015, 10-24-бетлар.

3 Ўша китоб, 38-бет.

4 Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами”. – Тошкент, “Tamaddun”, 2014.

5 Комилов Н. Сўзбоши.– // Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами”. – Тошкент, “Tamaddun”, 2014, 3-бет.

6 Мамадалиева З. Алишер Нвоий ғазаллари: Шарҳ ва изоҳлар. – Тошкень, “Qaqnus Media”? 2019. – B.168.

7 Олим С. Навоий ёшларга. – Тошкент, “Abu matbuot-konsalt”, 2008.

деган тадқиқоти рус тилида яратилган[1]. Унда буюк мутафаккирнинг давлатчилик ишлари “Муншаот” ҳамда бошқа тарихий асарларга таянилган ҳолда ёритилади. Жумладан, Навоийнинг чегараларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг тинч ва осойишталигини таъминлашдаги фаолиятлари, шунингдек, унинг дипломатик маҳорати алоҳида кўрсатиб берилган. Булар адиб ижодининг умумтарбиявий жиҳатларини ёритишда ўзига хос ўрин туади.

С.Ўтановнинг изланишлари ҳам мутафаккир адиб асарларидаги бадиий-эстетик ўзига хосликларнинг айрим қирраларини кўрсатиб бериши билан эътиборли.

Д.Юсупова мумтоз адабиётимиз муаммоларини, жумладан, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга астойдил киришган олимларимиздан бири. Унинг мутафаккир адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги монографияси, шунингдек, Навоий ғазалларининг талқин ва таҳлиллари ўзининг чуқур илмийлиги, мантиқий изчиллиги, ишонтириш қувватининг баландлиги билан ажралиб туради. У ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг Алишер Навоий даврига бағишланган алоҳида китобини чоп эттирди[2]. Китоб буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодини олий таълимда яхлит тарзда ўрганиш имконини беради. У ўзигача бўлган даврдаги асосий адабиётларнинг чуқур умумлашмалари, навоийшуносликдаги шу пайтгача бўлган ютуқларининг кенг таҳлили билан ажралиб туради. Китобга кўплаб жадвалларнинг илова қилингани эса унинг таълим-тарбия жараёнлари учун фойдалилик даражасини янада оширган.

“Аруз алифбоси” эса қадимий ва навқирон дейиладиган “аруз” вазнини ўргатишни кўзда тутади. Ундаги барча мисол ва намуналарни танлашда Навоий асарларига таянилган[3]. Эндиликда Низомий номидаги ТДПУ ҳамда ЎзМУда фаолият кўрсатган филологларнинг асосий қисми янги ташкил этилган ТДЎТАУда навийшунослик йўналиши бўйича ҳам тадқиқотларни давом эттиришмоқда.

Ака-ука Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажидларнинг китоблари “Арбаъин”, “Сирож ул-муслимин” ҳамда “Муножот” асарлари таҳлилига бағишланган. Биз бу китобларнинг навоийшунос олимлар томонидан анча жиддий ва кўп марта ўрганганларини яхши биламиз. Аммо янги талқиқот уларни тафкрорламайди, балки янгича талқинлари билан эътиборни тортади. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф тўғри таъкидлаганларидек, муаллифларнинг “араб тилини, ҳадис ва шариат илмларини аъло даражада билишлари катта ёрдам берган”[4].

М.Маҳмуд юз ёшини нишонлаш арафасидаги олим. Унинг “Яна Навоийни ўқиб” китоби ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига, хусусан, мутафаккир адибнинг таълим-тарбия жараёнларига оид фаолият ва илмий-бадиий кузатишлари таҳлилига бағишланган[5]. Муаллиф адиб асарларидаги ёр образининг ўзига хос талқинларини беради. Улардаги шартли-рамзий тасвир усули замиридаги ҳақиқатлар инкишофи учун ҳаракат қилади.

Алишер Навоий ўз замонидаёқ ҳаққоний эътирофларни қозонган эди. Адибнинг замондошлари ёзиб қолдирган кўплаб илмий, тарихий, бадиий асарлар бунинг ёрқин далили бўла олади. Мазкур тарихий фактлар Алишер Навоийнинг замондошлари, уни яқиндан кўрган, билган, бунинг устига ўзи ҳам ўз замонида ижтимоий жиҳатдан алоҳида ҳурмат

1 Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Наваи. – Ташкент, Фан, 2009, – с.40.

2 Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “Akademnashr”, 2013, 272 бет.

3 Yusupova D. Aruz alifbosi. – Toshkent, “Akademnashr”, 2015.

4 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.Навоий гулдастаси. // Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид. “Навоийдан чу топқайлар навое” – Тошкент, “Hilol-Nasr”, 2014. 4-бет.

5 Муҳаммаджон Маҳмуд. Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011.

ва эҳтиромга сазовор бўлган буюк инсонлар томонидан айтилгани учун бугунги замондошларимиз, хусусан, ёшларимизнинг онгу шуурига кучли таъсир ўтказа олади. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо фи сияр ул-анбиё вал-мулук вал-хулафо”, “Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ил-ахёр”, “Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ал-башар”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Амир Давлатшоҳ бинни Аловуддавла Бахтишоҳ ал-Қозий Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”,Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг “Равзат ул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот”, Абдураҳмон Жомий “Баҳористон”, “Нафаҳот ал-унс”, Абулвосъ Низомийнинг “Мақомоти Мавлавий Жомий”, Абдулғафур Лорийнинг “Такмилаи Нафаҳот ал-унс”, Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Фахри Ҳиротийнинг “Латоифнома”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг “Тарихи Рашидий”, Сом мирзо Сафавийнинг “Туҳфайи Сомий” асарларидаги маълумотлар бевосита замондошлар хотираси сифатида алоҳида қадру қимматга эгадир. Бу ҳақда Ш.Сирожиддиновинг тадқиқотларида муфасал маълумотлар берилган[1]. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари айрим маълумотлар учун “Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди” альбомига мурожаат этишлари мумкин[2].

Алишер Навоий жаҳоний эътирофга сазовор бўлган буюк сўз санъаткорларидан биридир. Аммо шунга қарамасдан ҳазрат Навоийда фавқулода хислатлар жамулжам бўлганлиги учун бу борада ҳам жуда камтарона мулоҳазалар кишини ҳайратга солади.

Алишер Навоийнинг шеърий иқтидори чеку чегарани билган эмас. Аммо ҳозир биз адибнинг шоир сифатидаги кашфиётларини эмас, балки ҳассос қалбли тингловчи сифатидаги бир фазилати ҳақидаги тарихий фактни эсга олмоқчимиз, холос. Бу факт “Мажолис ун-нафоис”да тилга олинган:

“Мавлоно Аёзий – ғариб шакллик киши эрди. Атвори ва сўзи хоҳ назм, хоҳ насрда ғариб эрди. Фақир бир мажлисда Пули Молонда ани кўрдум, бир анжуманда бир қасидасин ўқуйдур эрди. Ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин, қофиясин айта берур эрдим. Бағоят ҳайрат қилди. Уч йилдан сўнг Боғи Сафедда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ воқеъ бўлди. Ул яна ҳайрат бунёд қилди. Бурунғи мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам неча киши бор эрди. Андин сўрдиларким, ҳаргиз бу навъ киши кўрубмусен, чун кўзида заъф бор эрди, дедики, кўрмаймен, магар уч йил мундин бурунроқ Пули Молонда бир йигит кўрдум, ул ҳам бу навъ шуъбадабозлиғ (сеҳргарлик) қилди. Мажлис аҳли кулуштилар”.

Айни ҳодисанинг бир эмас икки мартотаба бўлиб ўтгани Навоийдаги бу хислатнинг тасодифий бўлмасдан, адиб иқтидорининг табиий кўринишларидан бири эканлигининг очиқ далолати бўла олади.

Навоий ҳамма вақт холисликни сақлаган, бу жиҳатдан ҳам у бошқаларга меъёр ва мезон бўла олади. Биргина мисол: ижодкорларнинг айрим камчиликлари уларнинг яхши томонини кўриш учун Навоийга ҳеч қачон монелик қилган эмас: “Мавлоно Риёзий – самарқандлиғдур. Мутакаббир ва муъжиб киши эрди. Ғазални бағоят хуб айтур эрди. Жомеъ ул-фазойил ва муқави юд-далойил киши эрди ва етти қалам билан хатни хуб битар эрди ва ҳам мулло ва ҳам ҳофизки, Қуръони мажидни етти қироат билан билур ва ўқур эрди ва ҳам котиб ва ҳам шоир ва ҳам маолий эрди. Улум фанида ҳеч нимарса анга мажҳул қолмас эрди. Бу маъниға тахаллуси далилдурким, ҳар нимарсаким, хаёл қилса эрди, айтур эрди ва дер эрди

1 Қаранг: Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, “Akademnashr”, 2011, 188-299-бетлар.

2 Тўхлиев Б.,Тўхлиева Д. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010; To‘xliyev B., To‘xliyeva D. Alisher Navoiy hayotiva ijodi. – Toshkent, “Bayoz”, 2013.

ва боғлар эрди ва хуб тасниф қилур эрди. Илми мусиқий ва адвор ва нужум ва истихрожи рамал ва ғайри золика ҳеч нимарсадин бенасиб эмас эрди".

Энди "Хамса"дай бетимсол асарни яратган ижодкорнинг камтарона мулоҳазаларини кузатайлик. Алишер Навоий Низомий ва Деҳлавийларнинг хамсачиликдаги буюк хизматларини эътироф этар экан, шундай ёзади:

Ки жаннат алар маскани то адад,
Навоийға маъниларидин мадад[1].

Уларнинг ёнига Ашраф ҳам қўшилади. Бироқ шундан кейин хамсачилик анъанаси узилиб қолади. Мутафаккир бу ҳолатни образли тарзда яратилган боғдаги гуллардан нишон қолмаганлиги, ҳаттоки гулларнинг ҳиди ҳам беному нишон кетганлигини, яъники ўшандай бетакрор бадиий яратиқларнинг бунёд бўлмаётганини, бундай гулзорнинг гуллаб-яшнаши учун биринчи табиий омил бўлган манбанинг ўзи ҳам мавжуд бўлмай қолганини афсус билан қайд этади. Ана шу бўшлиқни ҳис этиш ва уни тўлдириш иштиёқи Навоийни чуқур ўйга солади:

Булар чу адам сори кўчмиш эди,
Дегил: маснавий оти ўчмиш эди.
Ҳамул боғ аро гул йўқу бўйи ҳам,
Қурумиш эди ул ариғ суйи ҳам.
Биҳамдиллаҳ, ул гул топиб рангу бў,
Бир оққан ариққа яна оқти су (48).

Бундай анъаналар ҳақида гап борадиган бўлса, Навоий, табиийки, ўз достонларида Низомий, Деҳлавий ва Жомий сингари "сўз кишварин якқалам олган"ларнинг "жоми маоний" тутганларини чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Навоий бу пайтда ("Хамса" достонларини яратаётганида) аллақачон ўз девонлари билан машҳур бўлган эди ("Ҳар аснофи зикри эмас шаънима, Билур ҳар киши боқса девонима"). Шунга қарамай, у буларнинг барчасини «ушоқ иш» деб баҳолайди:

Вале қониъ ўлмай ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эди улуғ печ-печ.

Ана шу улуғ ният яратилган "Хамса"ларни қайта кўриб чиқишга ундайди. Улар билан қайта танишиш шоирнинг ўзига бўлган ишончини йўқотгандай бўлади. Олдинги хамсанавислар яратган улуғ шеърий қасрлар, улардаги бадиий дурдоналар шоирнинг ҳайратини янада орттиради. Шунда унинг қулоғига ғойибдан бир овоз етишади:

«Ки: «Эй булбули зори алҳонсаро,
Вале сўз риёзида дастонсаро,
Наво ичра минг лаҳнсозинг[2]*қани?*
Дасотини[3] *хотирнавозинг қани?*

1 Алишер Навоий Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 47-бет. "Саъдди "Искандарий"га оид мисолларнинг барчаси шу нашрдан олинган. Шунга кўра, кейиги ҳолатларда ўша нашрнинг саҳифаларини кўрсатиш билан кифояланамиз.

2 Лаҳнсоз – куй яратадиган, қўшиқ тўқийдиган.

3 Дасотин – достонлар; қўшиқ ва нағмалар.

Санга онча халқ лутфи воқеъдурур,
Ки, то турк алфози шойеъдурур[1].
Бу тил била то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмамиш халқ сендек киши.
Санга турк ақолимин[2] айлаб рақам,
Азалда насиб айламиш якқалам.
Насиб этти сени айлаб марзбон[3],
Синони[4] қалам бирла тиғи хабон.
Ки, бу мулк аро қаҳрамон бўлғасен,
Улус ичра соҳибқирон бўлғасен.
Бу йўл қатъидин тоймоғинг не эди?
Кўруб «Хамса» сустоймоғинг не эди?
Қаю ишки бўлмиш муяссар санга,
Бўлурму бу андеша бовар санга?...
Не ишгаки эл сундунг, ул тутти эл,
Муни ҳам аларнинг яна бири бил...
Кўнгулдин таваҳҳумни[5] айлаб адам,
Илик ишга ур, йўлға қўйғил қадам!»[6].

Навоийнинг қаламга олган мавзу ва ғоялари инсоният ақлини шошириб қўяди. Уларнинг чеку-чегарасини бир қарашда қамраб олиш қийин, балки мумкин эмасдай туюлади. Зеро, уларда:

Фохтадин қумрую булбулғача,
Балки шажар яфроғидин гулгача,

(фохта – сайроқи қушлардан бири, шажар-дарахт), яъники олам ҳодисалари-нинг каттасидан энг кичигигача қамраб олинганини кўриш қийин эмас.

Меванинг ҳам пўсти ҳам мағзи бўлади. Одамда-чи?

Меваға мағз ўлса бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

Алишер Навоийнинг турли ижтимоий табақаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақи-дагибетакрор мушоҳадалари кишида ҳайрат ва ҳавас туйғуларини уйғотади. Жумла-дан, деҳқонлар ҳақида уларни улуғловчи мулоҳазалар эътиборни тортади: «Деҳқон-ки дона сочар, ерни ёрмоқ йўли билан ризқ йўлин очар... Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот». Муҳими, уларнинг фаолияти тўлиғича ижтимоий фойдли ҳаракатлардир.

Олимлар ҳақида гапирар экан, Навоий уларнинг рутба ва мартабасини жуда улуғ тутади. Уларнинг жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўринларига юқори баҳо беради.

---

1 Шоеъ – ёйилган, машҳур бўлган.
2 Ақолим – иқлимлар; мамлакатлар, ўлкалар.
3 Марзбон – чегарачи, соқчи.
4Синон – найза, найзанинг учи.
5 Таваҳҳум – ваҳимага тушиш, қўрқиш.
6 Сади Искандарий, 57-59-бетлар

Бировким қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.

Навоий ҳадиси шарифлар силсиласида «олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир» деган гўзал бир намунанинг борлигини ҳам қайд этади. «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да олам ва одам тарихи ёритилар экан, у ҳакимларнинг ҳикматларига алоҳида эътибор беради. Булар, яъни тафаккурнинг жуда қадимги тарихдан етиб келган гўзал мевалари Навоийнинг фикрича, ўз замондошлари, айниқса, ёшлар учун ўрнак ва сабоқ мактаби вазифасини адо этиши керак эди. Мана уларнинг айрим намуналари. Луқмони ҳакимдан:

«Барча юкни торттим, бурчдан оғирроқ юк кўрмадим». «Ундан сўрдиларки, не нимадурким, фойдаси барча халойиққа теяр? Дедиким:ёмонларнинг йўқлуғи».

Афлотун ҳаким сўзларидан: «Подшоҳға чоғир ичмак ҳаромдур, невчунким, ул мулк ва раиятнинг нигоҳбонидур. Нигоҳбон (посбон)ким, анга нигоҳбон керак бўлғай, яхши бўлмағай»

Аристотилис ҳаким ҳикматларидан: «Подшоҳ улуғ руд (дарё, сой, жилға)ға ўхшар ва атбои (тобелари, фуқаролари) ариғларгаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суйиға ҳар ҳол бўлса, ариғларға ҳамул (шундай) ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; ул ачиғ бўлса, булар ачиғ; ул соф бўлса, булар соф; ул лой бўлса, булар лой. Пас, подшоҳға вожибдур – ғоят ҳикмат ва эътидол (мўътадиллик, ўртачалик) била маош қилмоқ, то хайл (жамоа, тоифа) ва ҳашами (яқин кишиси, бирор киши ёнида ҳар доим бирга бўлувчиси) анга мутобаат (эргашиш, изидан бориш) қилғайлар

Шеър:

Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Иккисининг суйиға бир маза бор».

Батлимус ҳаким ҳикмаларидан:

«Қобилнинг саодати будурким, фаҳим бўлғай. Некбахт улдурким, эл ҳолидин панд олғай ва бадбахт улким, анинг ҳолидин эл панд олғайдир».

Бузуржмеҳр ҳикматларидан:

«Йигитликда не қилмоқ яхши ва қарилиғда не қилмоқ яхши? Дедиким: йигитликда илм касб қилмоқ ва қариликда ани амалга келтурмак яхшидир».

Шеър:

Йигитликда йиғ илмнинг махзани,
Қарилиғ чоғи харж қилғил ани.

Навоийнинг назарида инсонни улуғликка етаклайдиган асосий манба ва омиллардан энг мўътабари билимдир. У Искандарнинг «баҳру бар»ни қўлга киритишнинг ҳам асосини ундаги олимлик, билимдонлик билан боғлайди. Мирзо Улуғбекнинг шаъну шавкатини ҳам подшоҳлик билан эмас, балки олимлик билан белгиланишини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Мирзо Улуғбек эришган даража ва мартабаларнинг бош омили ҳам, Навоий талқинида, унинг "илм сори даст" топганлигида:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси[1] бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд.

1 Абнойи жинс – ҳамжинслар, инсонлар, одамлар.

Валек ул илм сори топти чу даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким[1] боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Инсон дунёга келганидан кейин инсондай яшаши керак. Унинг зиммасидаги асосий вазифа мана шундан иборат. Шундай яшаш керакки, охир-оқибатда ундан яхши ном қолсин:

Қила олғонча ул бўлсун шиоринг
Ки, яхши от қолғай ёдгоринг.

Навоий асарларини мушоҳада қилиш, уларнинг мутолааси билан шуғулланиш бу нодир мерос қаърида ажойиб дурдонларнинг ҳисобсизлигини кўрсатиб турибди. Мана улрнинг ян бири: кекса кишиларни эҳтиёт қилиш лозим. Уларни қадрлаш керак. Тўғри, буни кўпчилик билади, аммо Навоий бу ақида эътирофи учун ниҳоятда табиий бир қиёсни келтиради. Болалар (атфол) ўйнаб юрганларида, ўйин асносида қуруқ шохга сал тегиб кетсалар ҳам у синиб қолиши мумкин:

Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густох.

Унуттунгмуки, атфол ўйнағанда
Синар оз майл кўргандин қуруқ шох.

Юқорида айтилганидай, Навоий учун инсондаги муносиб фазилатлар унга кўрк бағишласа, номуносиблари уни хор, бошқалар олдида эса эътибор-сиз қилади. Масалан, хушомадгўй, бошқаларнинг олдида фақат қўл қовушти-риб турадиган пасткашлар ҳақида гапириб, уларнинг бели эгилганидан кўра сингани яхшироқ дейди. Таъзимдан бошқа ишга ярамайдиган қўлнинг эса жойидан чиқиши, билагидан синиши афзалроқдир. Тил эса:

Чун хушомад демакни бошласа кош,
Ким тутулса дами, кесилса тили.

Хато ёзадиган котибнинг юзи эса унинг ўзи ёзган дафтар саҳифасидек қора бўлгани муносибдир.

Алишер Навоий таълим-тарбияда намунанинг ўрни ва аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор беради. Шунинг учун ҳам машҳур кишилар, буюк шахслар, азиз-авлиёлар, мутафаккирлар, машойихларнинг ҳаёти ва ижодига замондошларнинг, айниқса, ёшларнинг эътиборини тортиши бежиз эмас. Мутафаккир адиб улуғларнинг фикрлаш тарзи, фикр-мулоҳазаларидаги ўзига хослик, нутқларининг бой ва гўзаллигини алоҳида таъкидлайди. Ёшлар эътиборига мана шу хислатларни тавсия этади. Жумладан, у кўплаб ижодкорларнинг номларини турли муносабатлар билан тилга олади. “Мажолис ун-нафоис”да ўзигача яшаб ижод этган, шунингдек, ўзига замондош бўлган ижодкорлар ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг шахсиятидаги улуғвор жиҳатларга ҳам алоҳида урғу беради. Амир Қосим Анвор ҳақида гапириб туриб, шундай ёзади: “Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл бағоят алар назмлариға мойил ва шеърларин ўқумоқ ва битимакка роғиб бўлдилар”.

Мавлоно Яхъё Себакни эса «Хуросон мулкининг рангин фозили эрди, кўп улум ва фунда моҳир эрди. Саноеъ ва аруз фанида барча эл ани мусаллам тутарлар эрди. Анинг табъи

1 Расад – астрономик жадвал.

диққатини ҳар киши билай деса «Шабистони хаёл» деган китобини кўрсун» дея тавсифлайди. Ўзининг ундан (бавосита) аруз илмини ўрганганлигини ҳам қайд этади: «Бу фақир аруз фанида восита била Мавлононинг шогирдимен". Муҳими, унинг табиатидаги ўзига хосликни бошқаларга намуна бўладиган жиҳатни ҳам тилга олади: "Мавлоно дарвешваш ва қонеъ киши эрди".Ёки "Мавлоно Тўтий – асли Туршиз вилоятидиндур. Бобур Мирзо мулозаматида тарбият топти. Яхши шакллик ва яхши хулқлик йигит эрди"... "Мавлоно Билол – надим шева ва шўрингўй киши эрди. Туркий ва форсий шеърни яхши айтур эрди"... "Мир Саъид – эл орасида «Кобулий» лақаби била машҳурдур. Фақирға тағойи бўлур. Яхши табъи бор эрди. Туркчага майли кўпроқ эрди".

Ижодкорларнинг айримлари табиатида учрайдиган нотугаллик ва кемтикликлар ҳам адиб эътиборидан четда қолмайди: "Мавлоно Муҳаммад Олим – Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо била ҳамсабақ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер ва шўхтабъ ва хийра киши эрди. Баҳсда кўп гўстохона (адабсиз, андишасиз) сўзлар ва жавоблар айтур эрди".

Шунингдек, Мавлоно Бадахшийнинг "фозил киши", Мавлоно Орифийнинг "бағоят фозил ва хушгўй шоир"лиги қайд этилади.

Айни ҳолатлар "Насойим ул-муҳаббат" учун ҳам хосдир. Бу асарда ҳам ҳар бир тасаввуф олимининг табиатидаги ўзига хосликлар, хусусан, ёшлар учун ўрнак ва намуна мактаби вазифасини адо этадиган яхши фазилатлар алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Абулфазойил Ҳамадоний номини тилга олар экан, унинг нутқидаги аниқлик, равонлик, таъсирчанлик ҳақида маълумот беради.

Муддао бу тасаввуф алломасининг нутқидаги "равонлиғ ва салосат"га эътиборни қаратиш, унинг бу борада "назири йўқ"лигини кўрсатиш эди. Ана шу мақсад ифодаси учун муаллиф шундай ёзади: "Кунияти ва оти Абулфазойил Абдуллоҳ б. Муҳаммад б. Маёнажийдур. Айн ул-қузот лақабидур. Шайх Муҳаммад Ҳаммуя била суҳбат тутубдур. Ва Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий қ. с. нинг муридидур ва суварий ва маънавий фазойили мусаннафотидин маълумдур. Не арабий ва не форсий ончаким, ҳақойиқу дақойиқ кашфи ва шарҳи ул қилибдур, бу тоифадин оз киши қилмиш бўлғай. Ва ондин хаворики одот иҳёю амвотқача зуҳурға келибдурлар. Ва анинг била Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий қ. с. орасида кўп мукотабот ва муросалот бор. Ул жумладин бири «Айнийя» рисоласидурким, Ҳазрат Махдуми н. м. н. дебдурки, имом анга битибдурки, равонлиғ ва салосатда айтса бўлурки, назири йўқдур"[1].

Ушбу матннинг ўзига хосликлари нимлардан иборат? Албатта, биз бу саволга ўз мақсадимиздан келиб чиққан ҳолда жавоб берамиз. Шунда қуйидагиларни қайд этиш мумкин бўлади:

Ҳамадонийнинг машҳур шахс эканлигин таъкидлаш. Бунинг учун унинг кунияти ва номи алоҳида эсга олинмоқда.

Унинг улуғлар даврасида алоҳида мавқега эгалигини кўрсатиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Шунга кўра, унинг махсус лақабга эга эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилмоқда.

Улуғлик белгилари ўз-ўзича ҳосил бўлмайди. Бунинг учун муносиб устозларнинг бўлиши шарт. Айни мана шу ҳолат тақазоси Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий номининг тилга олинишига сабаб бўлган. Ғаззолий сингари улуғ устоздан сабоқ олишга мушарраф бўлган шогирд камолини тасаввур этиш эса қийин кечмайди.

Ниҳоят, шайхдаги алоҳида фазилатлар тавсифи келтирилмоқда. Бунинг исботи учун эса яна бир қўшимча далил тавсия этилади: шайхнинг "суварий ва маънавий фазойили" (зоҳирий, яъни ташқи томондан ҳам сезилиб турадиган) ҳамда ботиний, маънавий фазлатлари

1 Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С.Рафиддинов, С.Ғаниева. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 20-бет.

кўп эди. Бу ҳам яна қўшимча асос билан биргаликда ўқувчи назарига ҳавола этилади: “мусаннафотидин (яъни ёзилган асарларидан) маълумдур”.

Улуғ устозларнинг этагидан тутишнинг ўзи ҳали натижани тўлиқ кафодалайди дегани эмас. Шогирд устозга муносиб бўлиши керак. Айни мана шу тезис ҳам матнда ўз исботин топган: Навоий икки буюк машойихлар орасида жиддий илмий мулоқотларнинг мунтазамлигини алоҳида қайд этади: “Ва анинг била Шайх Имом Аҳмад Ғаззолий қ. с. орасида кўп мукотабот (ўзаро хат ёзишув) ва муросалот (рисолалар ёзиш) бор. Ул жумладин бири «Айнийя» рисоласидур”.

Алишер Навоий буларни ҳам етарли эмас, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам далиллар сонини яна кўпайтиради. Энди ёрдамга улуғ устоз Абдураҳмон Жомий чақирилади: “Ҳазрат Махдуми н. м. н. дебдурки...”

Шундан кейингина муддаога ўтилади: “Ҳазрат Махдуми н. м. н. дебдурки, имом анга битибдурки, равонлиғ ва салосат (бир-бирига мувофиқлик; очиқлик)да айтса бўлурки, назири йўқдур”.

Буюклар шахсияти ва ҳаёт тарзининг ўрнак ва намуна мактабини адо этиши Навоий диққат-эътиборининг марказида бўлгани “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам очиқ кўринади. Адиб ҳар бир машойихнинг муайян касб-кор билан мунтазм бандлгини алоҳида қайд этади. Муҳими, ўқувчи айни мана шундай тамойилларнинг улуғлар ҳаётий эътиқодларига чамбарас бағланиб кетганини илғай олади. Китобда шундай ёзилган:

“Буларнинг аввал ишлари тавбадурким, Ҳақ с. т. барча манҳий[1] ишлардин аларға ижтиноб[2] каромат қилғай ва андин сўнгра луқма ҳиллиятиким[3], ул бобда улча мумкиндир, саъй қилурлар. Ҳар ойина [косиб оллоҳнинг севган бандасидир] мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларга иштиғол қилибдурлар.

Ул жумладин, Шайх ул-машойих Шайх Абу Саид Харроз қ. р. а. эрдиким, аларни машойих Қамар ус-суфия дебдурлар. Ва шайх ул-ислом муқарраби Ҳазрат Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий қ. р. машойих та-бақотинким битибдурлар, жамии авлиёуллоҳдинким зикр қилибдурлар, барчадин аларни кўпрак васф қилибдурлар ва мартабаларин бийикрак тутубдурлар. Алар ўтук тикарга мансубдурлар.

Ва Шайх Муҳаммад Саккок қ. с. ким, ўз замони машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдур.

Ва Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод қ. р. темирчилик қилибдур.

Ва Шайх Абубакр Хаббоз қ. с. ўтмакчиликка машҳурдур.

Ва Шайх Абулаббос Омилий қ. с.ким, ўз замонининг қутби ва ғавси эрмиш ва султони тариқат Шайх Абусаид Абулхайрнинг хирқа пири эрмиш, қассоблиқ қилибдур.

Ва Шайх Иброҳим Ожурийки, хишт авалабдур.

Ва Мирчаи Сафолфурушки, Хуросон элининг пири эрмиш, дошгарлик қилибдур.

Ва Шайх Абулҳасан Музаийин ва Шайх Баннон — ҳаммол ва Шайх Абулҳасан — нажжор.

Ва мутааххир машойихдин замонининг ягонаси Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ. р. а.ки, кимхо нақшини боғламоққа машҳурдурлар.

Ва сойир машойихи кибордин ҳам кўпи ҳалол луқма касбиға муздурлуқ қилибдурлар, ўтин тошибдурлар ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки, ондин файзу маърифат зоянда бўлур.

Ва бир шубҳалик луқма онча тийралик келтурурки, кўп вақт онинг ислоҳиға машғул бўлуб, маълум эмаски, дафъи не навъ сурат боғлар”.

1 Манҳий – ман қилинган, таъқиқланган.

2 ижтиноб – сақланиш, четлашиш

3 Ҳиллият – ҳалоллик, поклик.

Ушбу парчада келтирилган ҳадиси шариф намуналарининг ҳам бевосита касб-корни улуғлашга бағишлангани (“косиб оллоҳнинг севган бандасидир”) тасодифий эмас.

2. НАВОИЙНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРИ ИФОДАСИДА АДАБНИНГ ЎРНИ

Алишер Навоий таълим-тарбия жараёнларининг қийин ва машаққатли эканлигини яхши билади. Бу соҳадагаи муваффақиятларнинг жуда узоқ ва мунтазам олиб борилган меҳнат самараси эканлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам "Девони Фоний"даги ғазалларидан бири "Ин риёзатро кашидан н-ояд аз беварзишон"[1] ("бундай машаққатни кўтариш таълим-тарбия кўрмаганлардан келмайди"), дея алоҳида таъкидлайди.

Алишер Навоий инсон умрининг асосий мазмуни фарзандлар эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам фарзанд кўриш инсониятнинг энг эзгу тилакларидан бири сифатида қайта-қайта тилга олинади. Ҳатто, ҳайвонлар ҳам "болалаб завқнок" бўлишларини алоҳида таъкидлайди. "Шер билан Дуррож" ҳикоятидаги шерни Навоий китобхонларга шундай тақдим этади:

Тишлабон ул мояи пайвандини,
Оғзида асрар эди фарзандини.

Албатта, инсонинг ўз фарзандига бўлган меҳру муҳаббати беқиёсдир. Имом Зайнулобидин ҳақидаги ҳикоятда шундай келтирилган:

Ўйлаки қонуни убувват[2] бўлур,
Тифл сори элга муҳаббат бўлур.
Зоҳир ўлуб таврида[3] осори меҳр,
Айлар эди ҳар нафас изҳори меҳр.
Бор эди бир нодира фарзанд анга,
Жону кўнгул риштаси пайванд анга.

Аммо фарзандли бўлишнинг ўзи ҳали ҳеч нарсани англатмайди. Бу фарзанд муносиб равишда тарбияланмоғи лозим. Одоб ва тарбиягина "кичикларга мужиби (сабаби) саодатмандлиғ ва улуғларға боиси сарбаландлиқ (улуғлик)" бўла олади, холос. Зеро:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб...

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

"Садди Искандарий"даги подшо – Файлақус фарзандни асраб, авайлаб парвариш қила бошалайди, унга муносиб ном қўяди (Скандар), муҳими, унга алоҳида ва жиддий тарбия беради:

Ўзи тифлни[4] олди эъзоз ила,
Қилур эрди парварда юз ноз ила.
Скандар атаб, ўғли билди ани,

1 Девони Фоний, 451 ғазал
2 Убувват – оталик
3 Тавр – одат, феъл-атвор.
4 Тифл – гўдак, чақалоқ, бола.

Ўларда валиаҳд[1] қилди ани.
Анга тегруким бўлди лафзи дуруст,
Тааллум[2] иши вожиб ўлди нахуст.

Искандарнинг отаси Файлақус тилидан фарзанднинг ижтимоий мавқеи жуда аниқ кўрсатиб берилади:

Сен ўлсанг чу қойим мақомим менинг,
Бабод ўлмағай нангу номим менинг.

Демак, фарзанди бор одамнинг номи шамолларда учиб ҳам, ўчиб ҳам кетмайди, балки авлодлар хотирасида сақланади.

Искандарни ёшлигидан бошлаб муносиб устозга шогирдликка беришади У Нақумоҳис эди. *Нақумоҳис* – Файлақуснинг олим ва донишманд вазири бўлган.

Шоир уни шундай таърифлайди. Таърифда инсоний фазилатлар саноғи асосий ўрин тутади:

Нақумоҳис оллинда дастур эди
Ки, ҳикматқа оламда машҳур эди.
Сипеҳр авжиға фикри суръатнамой[3],
Фалак сайридин ройи мушкилкушой.
Назар чобукин[4] чун қилиб тезбин,
Бўлуб нозири важҳи айнул-яқин.
Киши йўқ билик ичра монанд анга,
Арастуи фарзона фарзанд анга.
Чу тадбир ила дафъи офот этиб,
Анинг ройидин[5] шаҳ мубоҳот[6] этиб.

Бори илм аро, ўйла соҳиб камол
Ки, комил анингдек топилмоқ маҳол.
Скандарни доноға топшурди чуст[7]
Ки, донишнинг авроқин[8] этгай дуруст.

Бу ерда ўқитувчи-мураббийнинг – ёш авлодга адаб ва билим ўргатадиган шахснинг айрим сифатларини илғаш мумкин. Булар:

Ҳикматли сўзларни кўп биладиган, яъни ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодидан яхши хабардорлик.

Ўткир фикрлилик.

Ҳодисаларнинг ташқи томонига қараб унинг ичини, асл моҳиятини тасаввур қила оладиган даражадаги мушоҳадакорлик.

Таълим-тарбияда бошқаларга ўргатишгина эмас, ўз фарзандининг ҳам бошқаларга

1 Валиаҳд – тожу тахт меросхўри, ҳукмдорнинг меросхўри.
2 Тааллум – ўрганиш, билим олиш.
3 Суръатнамой – шиддат кўрсатувчи, чаққонлик қилувчи.
4 Чобук – чавандоз.
5 Рой – фикр, қараш.
6 Мубоҳот – фахр, ифтихор.
7 Чуст – тез, чаққон.
8 Авроқ – варақлар, саҳифалар.

қўяётшган талабларига уйғун тарбия олиши (яъни шахсий намуна).

Билимдонлик.

Тез ва ўринли қарор қабул қила олиши салоҳияти.

Фикр доирасининг, дунёқарашининг кенглиги, турли фанлардан хабардорлик.

Ўқитувчининг асосий вазифаси шогирдга тўғри йўлни кўрсатишдан иборатдир. Алишер Навоий бу ҳақда бир қатор бошқа асарларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. Жумладан, "Саъдди Искандарий"да ҳам шу ҳолат мавжуд:

Мураттаб қилиб лавҳи иршодини[1],

Анга қилди таълим бунёдини.

Адиб "Маҳбуб ул-қулуб"нинг олтинчи бобини айни мана шу масалаларга бағишлагани бежиз эмас. У "Тавозуъ ва адаб зикрида" дейилади. Навоий адабининг қатор хусусият ва берадиган имтиёзларини алоҳида алоҳида кўрсатиб беради:

У кичиклар учун ҳам катталар учун ҳам бир хилда манфаатли ва фойдалидир: "Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосиға сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор (мамнун). Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглиға солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад (абадий) қолур".

Адаб эгаси кичик бўлишига қарамасдан уни бошқалар назарига туширади, ҳар хил ножоиз бало ва офатлардан асрайди: "Ушоғларни кўзга улуғ қилур атворидин халқ улуғлиғ билур. Халқ жонибидин беҳурматлиғ эшигин боғлар ва кишини ҳазл ва истихфоф (камситиш, ерга уриш)дин сахлар".

Одоб зийнат сифатида инсонга кўримлилик, ёқимлиликни ато этади: "Табиатға инсоният тарийқида андом (кўркамлик) берур ва мижозға одамийлиғ манзилида ором еткурур. Кичикларғаким, андин мунча бўлғай, улуғларға, кўрким, неча мунча бўлғай".

Одобнинг ишқ-муҳаббат борасидаги ўрни ва аҳамияти ҳам катта: "Муҳаббатға зебу пироя (безак, зийнат) адабдин етар ва муваддатға (дўстлик, муҳаббат)га равнақ ва баҳо таркидин кетар. Адаб ва тавозуъ кўзгусиға жило берур, икки жонибдин ёруғлуқ еткурур". Бугина эмас, адаб муҳаббат аҳлини бошқалар наздида улуғлайди: "Тавозуъ ва адаб аҳлиға таъзим ва ҳурмат етар, ул донани эккан жавоҳир бу маҳсулни жамъ этар. Халқ ихтилоти (аралашуви, борди-келдиси)да ҳамида ахлоқ ибтидоси бу хисол (хислат)дур ва бу русух (барқарорлик) топса муҳаббат ихтилол (парокандалик, бузилиш)и маҳолдур".

Одобли бўлишнинг шахс камолоти учун бевосита таъсири мавжуд.

Алишер Навоий бу ғояни ифодалаш учун бир ҳикоятни келтиради. У Муқбил ва Мудбир ҳақида.

Ов пайтида от чопиш ва ўқ отишга берилиб кетган Хусрав Парвезнинг сарафрозлиғ тожидин гавҳари обдор (қимматбаҳо гавҳар) ва дурри шаҳвор узулуб ерга тушти. Ҳамма ов билан машғул бўлгани учун буни ҳеч ким билмай қолди. Воқеа маълум бўлгач, уни излай бошладилар. У гавҳарнинг қиммати юртнинг бир йиллик божу хирожларига тенг эди. Топган одамга катта суюнчилар ваъда қилинди. Халқ уни излаш билан машғул бўлди.

Шу аснода бири ғофил ва бошқаси ҳушёр бўлган икки ҳамроҳ йигитлар ҳам шу ерга етиб келишди. Ғофил жоҳил бўлганлиги учун ўзи билан ўзи овора эди. Иккинчиси эса одоб зийнати туфайли қадрли эди. Бирининг исми Мудбири жаҳонгард (олам кезувчи) ва бирининг оти Муқбили жавонмард (олийжаноб) эди. Улар дурларни излаётган кишиларга яқинлашишди ва уларни бошлаб юрган кишига дуч келишди. Мудбир такаббурлик билан унга қарамасдан ўтиб кетди. Муқбил инсонийлик йўриғини тутди. У бошлиққа адаб ва тавозуъ билан бош эгиб, ерга тушган гавҳарга кўзи тушди, уни олиб, ўпиб ўша бошлиққа тутди, у суюнчи берувчиларнинг ҳам вакили эди. Муқбилнинг қўлидан тутуб шаҳарга қайтди ва

1 Иршод – тўғри йўл кўрсатиш, раҳбарлик қилиш.

воқеани Хусравга изоҳлади. Хусрав хушҳол ва мунбасит (хурсанд) бўлди.

Унга кўпдан-кўп эҳсонлар берди. Мудбир такаббурлик натижасида шаҳар ҳаммомидагина исинадиган жой топди, Муқбил эса адаб ва тавозуъ фойдаси туфайли мақсад гавҳарини топиб, шоҳ гулшанида иззат-икромларга сазовор бўлди.

Алишер Навоий инсоний фазилатлар орасида ҳимматнинг алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини кўрсатиб ўтади:

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд (С.И.).

Демак, ҳиммат шундай фазилатки, кимдаким унинг баланд даражасига эриша олса, бундай киши жамият аъзоларининг ҳурмат ва эътирофларга сазовор бўлади. Ҳиммат инсонни "олам аҳли аро аржуманд" қилади.

Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр"да [XXXI] Ҳотами Тойига оид бир ҳикоятни келтирди. Унга "Ҳотами Тойи ҳикоятиким, ҳиммат ва сахо аҳлиға пешво эрди ва анинг меҳмонлиғи таъзимиға бош индурмаган гадо ҳимматини кўруб инсоф берди", – деб сарлавҳа қўйилган. Эътибор берилса, бу сарлавҳада "ҳиммат" сўзи икки марта қўлланган. Дастлаб, у Ҳотамнинг ўзига нисбатберилади. Шунда унинг ҳиммат ва саховат эгаларининг пешвоси эканлиги маълум бўлади. Мана шундай улуғ хислатлар эгаси ҳам бир ўтинчи чолга тан беради. Иккинчи "ҳиммат" унга аталган. Демак, ҳиммат кишининг бой-камбағаллигига эмас, балки маънавий оламининг бой ёки ночорлигига боғлиқ хислат экан. Адиб ҳикоя воситасида айни мана шу ғояни олға суради.

Кишининг қўлида бойлиги бўлмаслиги мумкин. Аммо бойлик фақат моддий неъматлар билан ўлчанмайди. Алишер Навоий даврида пул бирликлари ранг-баранг бўлган. Унинг энг йириги, қитмматбаҳоси олтин ва кумуш эди. Энг кичик пул бирликлари эса мис билан белгиланган. Шунга кўра, кишида битта қора мис танга ҳам бўлмаслиги мумкин. Мана шу ҳолат ҳам унинг бой ёки камбағаллигини белгиламайди. Бу ердаги асосий "ўлчов бирлиги" кишининг ҳимматидир. Кимдаки ҳиммат мавжуд экан, уни камбағал дейиш мумкин эмас:

Киши нақди гар бир қаро мис эмас,
Агар ҳиммати бўлса муфлис эмас.

Шунинг учун ҳам мутафаккир адиб бу борадаги хулосасини жуд қатъий тарзда билдиради:

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

"Муфлис" – камбағал, гадо, бенаво, ночор, бечора, қашшоқ маъноларини беради. Демак, бечора одам – моддий имконияти паст ёки йўқ одам эмас, балки кўнглида ҳиммат туйғуси мавжуд бўлмаган одамдир.

Алишер Навоий ўзи яшаган даврда бу қоиданинг амал қилмаётганини ёки бузилганини ҳам яхши билади. Ўз даврида бундай бузилишларнинг "ойини (расм-русм, урф-одати) дайри фано" бўлганлигини ҳам қайд этади. Бизнинг замонамизда "кимда бойлик бўлса, ўша ҳурмат ва эътибор топадиган бўлди", деб афсусланади.

Бу расм ўлди ойини дайри фано
Ки, ҳурмат топар кимда бўлса ғино.

Бу тоифа кишилар ҳимматнинг нималигини билишмайди. Улар ҳимматнинг кимиё эканлигидан ҳам хабарсиздир. “Кимиё”нинг “химия”, “алхимия” деган маъноларидан ташқари “ноёб”, “нодир”, “қимматбаҳо нарса” деган маънога эгалигини ҳам эсда тутайлик. Шунда ҳимматнинг “инсон вужудининг асл жавҳари, энг қимматбаҳо нарсаси” эканлиги аёнлашади:

Чу ҳиммат эрур кимиёйи вужуд
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд.

“Жуд” – “инъом”, “эҳсон”, “сахийлик” дегани. Демак, саховат аҳлига мансуб бўлган ҳурмат ва эътиборнинг асосий сабаби ҳам мана шу ҳиммат экан.

Моддий аҳволи қандай бўлишига қарамасдан, ўша “асл, қимматбаҳо нарса” – ҳимматга эга бўлиш уни “камбағаллик” деган миннатдан халос этади. Уни ҳақиқий бой ва бадавлат одам (“ғани”) деса бўлади:

Бировким, анинг кимиёдур фани,
Ани деса бўлғай эл ичра ғани.

Модомики бойлик элнинг, кўпчиликнинг ҳурматига асосий сабаб бўлар экан, ҳиммати баланд бўлган улуғларнинг бошқалар томонидан эътироф этилишига, ҳурмат ва эътибор топишига ажабланиш керак эмас. Бу – қонуний ҳодисадир:

Ғинодур чу эл ҳурматиға сабаб,
Анга эҳтиром этсалар йўқ ажаб.

Ижтимоий аҳволига кўра моддий бойликларга эга бўлганлар, бойларга қандай баҳо берилади? “Садди Искандарий бу саволга шундай жавоб беради:

Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,
Ғани бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

Бу мисраларнинг изоҳланишига заруриятнинг йўқлиги очиқ кўриниб турибди. Фақат моддий бойлик эгалари билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа жуда ачинарли вазият ва ҳолатлар мавжуд. Айниқса, бойлик тасодифий ва номуносиб кимсалар қўлида бўлса, унинг хавфли жиҳатлари янада кўпаяди. Бошқа томонлари ҳақида гапирмаганда ҳам, фақат бу бойликларни мунтазам равишда муҳофоза қилиш заруратини кўз олдига келтириш кифоя қилади.

Шоир бундай табиатли инсонларни “дунсифат” дейди. Луғатларда бу сўз “пасткаш”, “разил”, “тубан”, “нокас”; “пасткаш”, “ахлоқсиз” деб изоҳланган.

Тутай, дунсифат кимсанинг ганжи бор,
Туну кун анинг ҳифзидин ранжи бор.

Пасткаш кишининг бойликлари, моддий неъматлари кўп бўлганидан кейин, у туну кун мана шу бойликларни асраб-авайлаш пайида бўлади, холос. Бойликларни асраш машаққати уни беҳаловат қилади. Нокас одам майда чақаларни тўплаб юрар экан, уни очишдан кўнглида ҳар доим ваҳима яшайди. У чақалар солинган идишни очиш ўрнига, ундаги ту-

гунларни яна биттага кўпайтириш билан овора бўлади.

Пашизе[1] агар тугди эрса лаим,
Мудом очмоғидин топар кўнгли бим.
Десаким: очай тонгла ёхуд бугун,
Тугар ул тугунга яна бир тугун.

Бу тугун очилганида ҳам эгасининг муддаоси унинг ичидагиларни бошқаларга тарқатиш эмас, балки яна битта янги тангани уларга қўшиб қўйишдан иборат бўлади, холос:

Очардин эмас коми тарқотмоғи,
Ғараз бор анга ўзга бир қотмоғи.

Дирам, яъни пул шодаларини очиш унга маъқул кўринмайди, аксинча, пули кўпайган сари у уларни беркитиб турувчи тугунлар сонини ҳам кўпайтириб бораверади.

Кўрунмай дирам иқдин очмоғи хўп,
Дирам ҳар неча кўп, тугун доғи кўп.

Бирорта тугунни очадиган (ечадиган) бўлса, ҳар битта тугун, чигал унинг кўнглига шунчалик кўп қийинчилик, ғулғула солаверади:

Очар бўлса андин саросар гириҳ,
Солур кўнглига бир гириҳ ҳар гириҳ.

Шундан кейин адиб бир қатор ҳаётий мисолларни кетма-кет келтиради: айиқ ўйнатувчи кўнгил хушлиги учун эмас, балки тирикчилик учун бу иш билан шуғулланади. Шуниг учун ҳам у айиққа берадиган нонини итга бера олмайди.

Айиғ лаъбидин жатқаким нон еюрур,
Ани итга солмоқ не имкон эрур.

Маймуннинг шундай одати бор экан: у топганини ичига сиққинуча ейди, ортганин эса лунжига йиғади.

Бижин топса ер, то ичига сиғар,
Не қолса овуртиға борин йиғар.

Дарахтнинг устида юз мингта ёнғоқ бўлишига қарамасдан зоғ (қарға) ундан ўғирлаб олганларини ер остига кўмиш билан машғул бўлади:

Йиғоч узра гар бўлса юз минг ёнгоғ
Кўмар ерга ҳар не ўғурлоди зоғ.

Сичқоннинг яшаш жойи ер ости. У ўз масканида кўплаб хоначаларни ҳам махфий жой си-

1 Пашиз – чақа, пул.

фатида ажратиб қўяди. Ундаги пасткашлик шу даражадаки, ўз насибаси бўлган нарсаларни ҳатто ўзидан ҳам яшириб қўяди.

Ер остики сичқонға кошонадур,
Яна анда ҳар ён ниҳон хонадур.
Разолатни ҳаддин қачон ошурур,
Ўзидин доғи туъмасин ёшурур.

Кейинги мисол бундан ҳам таъсирлироқ. Гўлах, ўт ёқувчи йўлда ётган тезакларни захира сифатида омборхонасига тўплайди.

Нажосат йўлидин қўюб гулхани,
Захирам, деб анбор айлар ани.

Гўнгқўнғиз эса уйига тезак ташиш билан машғул. У ўлишини билган тақдирда ҳам бу ишини йиғиштириб қўймайди. Ҳатто йўл устида отнинг оёғи остда янчилиб кетишини билганида ҳам ўз ишини давом эттираверади:

Жуалдур[1] тезак тошимоқдин забун
Ки, бўлмиш қарориб, юзи сарнигун[2].
Ани қўймас ўлмаклигин билса ҳам,
Неча от оёғиға янчилса ҳам.

Агар аҳли карам мол йиғишни уят иш ҳисоблайдигшан бўлса, пасткаш кишилар бир дирамини сарф қилмоқни айб иш деб билади.

Кўрар айб дун сарф қилмоқ дирам,
Анингдекки, йиғмоғни аҳли карам.

Карамли кишилар чўнтакларининг бўшатилганидан хурсанд бўлишса, бу ишни ўзларига шараф билишса, нариги тоифа чўнтак бўшлигини айб ва нуқсон деб билишади.

Карамдин бировким тиҳи жайб эрур,
Тиҳи айламак жайб анга айб эрур.

Ҳиммат аҳли чўнтакларининг пул билан тўлдиришни балоларнинг боши деб билишади.

Бу иш ҳиммат аҳлиғадур ибтило
Ки, жайби дирам бирла бўлғай тўло.

Уйида хазинаси бўлган карамсиз, саховати йўқ кишининг эса мудом иши фалокат ва кулфатлар ичида яшашдир.

Карамсизки бор уйда махзан анга,
Фалокат била фоқадур фан анга.

1 Жуал – қорақўнғиз, гўнгқўнғиз, тезакқўнғиз.
2 Сарнигун – боши эгик; шарманда.

Улар моллар ичида ғарқ бўлгани ҳолда улардан баҳраманд бўлишмайди, шундай экан уларнинг камбағал ва бева-бечоралардан қандай фарқлари бўлиш и мумкин.

Емас элки амвол аро бўлса ғарқ,
Алар бирла муфлислар ичра не фарқ?

Уларнинг орасида фарқ кам дейиш ҳам мумкин. Аммо уларнинг ақл (эгалари) олдидаги тафовутлари жуда каттадир.

Десам ҳам бўлурким, эрур фарқи кам,
Хирад оллида кўпдурур фарқи ҳам.

Агар нокас кишининг нарсаси бўлмаса, унга бошқалардан хавфу хатар йўқ. Бордию унинг хазинаси ва бойликлари бўлса, атрофидагиларининг бари (“халойиқ”) унинг душмани бўлади:

Ки, ҳар неча бемоя бўлса лаим,
Анга кимсадин йўқдурур ҳеч бим[2].
Вале бўлди чун ганжию махзани,
Халойиқ эрур жонининг душмани.

Қора сувсар ёки қизил тулки бунинг яхши намунаси бўла олади. Уларнинг ўлимига сабаб улардаги нодир тук (тери)ларидир.

Қизил тулку ёхуд қаро киш киби
Ки, бўлғай туки қатлининг мужиби.

Садаф ўз бағрида покиза дурларни йиғади. Худди шунинг учун ҳам унинг ичидаги ўша дурларни олиш учун садафнинг кўксини чок қилишади.

Садафдекки йиққон учун дурри пок,
Қилурлар олур чоғда кўксини чок.

Ҳиммат аҳли учун кўнгилнинг кенглиги хосдир. Шунинг учун ҳам улар бой билан камбағални бир хилда кўришади.

Кўнгул ҳиммат аҳлиғаким бўлди кенг,
Ғино бирла фақр ўлди оллинда тенг[3].

Улар хазинаси бўлса ҳам бошқаларга бермоқдан азиз бўлишади, бир қора пул бўлса ҳам бошқаларга беришдан хижолат бўлишмайди. Улар ширин кулча еганларини мақтаниб айтиб юришмайди, ёвғон умоч топсалар ҳам қайғусиз, хижолатсиз уни истеъмол қилиш билан кифояланишади.

Не ганж ўлса бермакда бордур азиз,
Не номус этар бергали бир пашиз[4].

Мубоҳот қилмас емактин кулоч[1],
Ғамин бўлмаслар топса ёвғон умоч.

Донишманд кишилар чуқур мулоҳаза юритишса бу икки тоифа орасидаги тафовутларни яхши фарқлашади.

Хирад аҳли чунким тааммул қилур[2],
Тафовут бу икида ҳам топилур.
Не нақдеки аҳли карам сарф этар,
Анга халқдин кўп машаққат етар.
Агар йўқ анга базл этар[3] дастрас[4]
Ки, зоти аро ҳиммати ганжи бас.
Не элдин топар ҳар замон юз малол,
Не аҳволиға юз қўяр ихтилол[5].
Кишиким бийикракдурур ҳиммати,
Жаҳон аҳлидин камдурур меҳнати.

Мазкур фикрларни адиб бир қатор ҳаётий мисоллар билан далиллайди. Жумладан: агар қушнинг парвози баланд бўлса, ҳар қандай овчининг ҳам ўқлари унгача етиб боролмайди. Шунинг учун овчи бундай ўйдан воз кечиб қўя қолади:

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз анга.

Мушак отувчининг иши ўт ёқиб, уни осмонга чиқаришдан иборат. Шунга қарамасдан у баландда – осмонда бўлган булут прачаларини ёндиришнинг уддасидан чиқа олмайди:

Агарчи эрур мушак отмоқ иши,
Булут момуғин ўртай олмас киши.

Болалар чироқни пуфлаб ўчиришга иштиёқманд бўлишади. Шунга қарамасдан, уларнинг пуфлашларидан осмондаги юлдузлар жилосига бирор халал етмайди:

Неча тифл қилса пулаб хийралиқ,
Қачон шамъи анжум[6] топар тийралиқ?

Қоплон буюк тоғларнинг энг тепа қисмларида ҳам юра олади. Шунга қарамай унинг тўлин ойга чанг солиш имкони борми? Йўқ, бу имкон унда мавжуд эмас:

Тутайким, бийик тоққа чиқсун паланг,
Тўлун ойға секриб етургайму чанг?

1 Кулоч – ҳолвага ўхшаган бир турли ширинлик; шарбат, бодом ва қаймоқ солиб қилинган кулча.
2 Тааммул қилмоқ – чуқур ўйламоқ, мулоҳаза юритмоқ, диққат билан фикр юритмоқ.
3 Базл эт – инъом қилмоқ, эҳсон қилмоқ, ҳадя этмоқ, бағишламоқ.
4 Дастрас – қўл етиш, имкон пайдо қилиш; имконият.
5 Ихтилол – халал топиш, бузилиш, фитна; қўзғалиш.
6 Шамъи анжум – юлдузлар чироғи.

Тўлин ой баландда бўлганлиги учун ҳам ҳимоя ва асраб-авайлашга муҳтож эмас, зеро, ҳиммати буюк бўлганларнинг машаққатлари оз бўлади:

Баланд айлабон ҳиммат ул бениёз[1]
Ки, ҳар неча ҳиммат бийик, меҳнат оз.

Навоий ана шундай ҳаётий мисоллардан кейин ўз хулосаларини баён этади. Кимда ҳиммат йўлдош экан, у жаҳондорликни орзу қилмайди, унингучун гадолик ҳам кифоя қилаверади:

Бировгаки ҳиммат қилур ёрлиқ,
Гадолиқ тилар, йўқ жаҳондорлиқ.

Бунинг сабаби шуки, у фақирлик – гадоликни жаҳондорликка тенг тутади, жаҳондор сифатидаги мол-мулк эгаси бўлишни эса ўзига ор ва номус деб билади:

Ўзин фақр бирла жаҳондор этар,
Жаҳондорлиқдин вале ор этар.

Фақирлик йўлини онгли равишда танлаш улуғ мартабадир. Бу мартаба кўнгли бой ва шунинг учун ҳам ҳиммати улуғ бўлганларгагина сазовор бўлади. Улар оддий қишлоқ ва шаҳар кўчаларининг эмас, балки "фақр кўйи"нинг гадоларидир. Бу ўринни олий даражадаги Яратувчи тўғри, рост йўл қилиб белгилаган:

Дема фақр кўйи гадойин гадо
Ки, шаҳлар шаҳи қилмиш они ҳудо[2].

Оддий гадолар подшоликни ҳавас қилганларидек, бундай гадоларга ҳам подшолар ҳавас билан қарашади:

Қилур подшо ул гадолиқ ҳавас,
Нечукким, гадо подшолиқ ҳавас.

Агар Ҳақ бандаларига мана шундай сезгини, огоҳликни етказадаиган бўлса, унинг атрофидагилар – "барча эл" ҳам шоҳликларини ташлаб фақр йўлига ўтган бўлар эди:

Магар Ҳақ етургай бу огоҳлик
Ки, фақр истагай эл, қўюб шоҳлиқ.

Алишер Навоий сабр-тоқат ва қаноъатни инсондаги муҳим фазилатлар қаторида санайди. Унинг ўзи бу борада фикрлари, мулоҳазалари бой ва ранг-баранг. Айни пайтда ўз сўзларига далил сифатида ҳадиси шарифлардан, буюкларнинг, машойихларнинг сўзларидан ҳам далиллар келтиради.

"Насойим ул-муҳаббат"да машойихларга хос бўлган бир қатор фазилатлар саналагани яхши маълум. Уларнинг орасида сабрга ҳам алоҳида мавқе ажратилган:

1 Бениёз – эҳтиёжсиз, муҳтож эмас; озод, эркин.
2 Ҳудо – тўғри йўл, рост йўл; дини ҳақ, дини ислом.

“Яна сабрдурким, ҳар не Ҳақдин юзланса, таҳаммул пеша қилғай ва ҳар бало келса, сабр қилғай”[1]. Бунинг далили сифатида эса ажойиб бир ҳикоя келтирилади:“Ул жумладин Шайх Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий қ. р. а.дин манқулдурким, алар йиллар бавосир маразиға мубтало эрдилар. Ва ҳол улким, алар ул замоннинг машойихи аросида мустажоб уд-даъво эрдилар. Ҳар кишига бир, суъубату балое воқеъ бўлса, алардин дуо истидъо қилур эрдилар. Алар дуо қилғоч, мустажоб бўлуб, ул ташвишдин қутулур эрди. Йиллар ул саъб маразиға сабр қилиб, дуо қилмадиларки, ҳар не Тенгридин келса, хушдур. Биз они нечук рад қилали?”[2]

Сабр “Маҳбуб ул-қулуб”да ҳам алоҳида диққат ва эътиборда бўлган. Китобда алоҳида боб “Сабр зикрида” дейилади. Унда сабрнинг ўзига хос хусусиятлари, имтиёз ва афзалликлари, фойда ва имкониятлари батафсил кўрсатиб берилади. Уларни шундай гуруҳлаштириш мумкин:

Сабрда, бир қарашда, лаззат ва ҳузурлардан чеклаш ва четлаштириш борга ўхшаб кўринади. Аслида у нафсни қамоқда асраш воситасидир. Ана шу жараёнда у кишига бардош ва чидам ато этади: “Сабр ўзни чиқармоқдур ҳузузи (лаззатлар, ҳузурлар) нафсонидин ва танаъумоти (нозу неъматлар ичида яшаш, роҳатда яшаш) жисмонидин ва нафсини ҳабс (қамоқ, зиндон) қилмоқдур ибодат меҳнатида ва қадамни собит қўймоқдур риёзот суубат (қийинчилик,қаттиқчилик)ида.

Ҳаётдаги ҳар қандай синовларга, бўлган-бўлмаган гап-сўзларга дош бера олишдир: Ҳақ йўлида қотиғ-ирикка (қаттиқчилик, машаққат) тузмакдур ва яхши-ёмондин ҳар не эшитган ва кўрганга таҳаммул (тоқат, сабр, чидам) кўргузмакдур.

Унинг кўриниши ва моҳияти ўртасида зиддият бор. Бу зиддиятнинг намоён бўлиш шакллари эса ранг-барангдир: “Аччиғдур, аммо судманд (фойдали); қаттиғдур, аммо дофеи газанд (зиён-заҳматларни даф қилувчи). Қайси номурод илик сабр этагига урдиким, мурод топмади? Ва қайси гирифтор кўнгул сабр бандиға қўйдиким, кушод топмади? Фараҳлар мифтоҳи (калити)дур ва бандлар фаттоҳи (бандларни очувчи, ишларни юриштирувчи) дур”.

Сабр ҳақиқатни гапиргани учун сўзлари малол келтирадиган дўстга ўхшайди: охир-оқибатда унинг ҳузурига кўнгил иштиёқ билдиради: “Рафиқедур суҳбати мумилл (малол келтираган, зериктирадиган), аммо оқибати муродқа қаринлиғ ва ҳарифедур умиди узун, аммо ниҳояти матлубқа ҳамнишинлиқ. Самандедур (саман от, чиройли ва тезюрар от) коҳилхиром (секин юрадиган), аммо манзилға еткургувчи ва бухтиедур (туя) сақилгом (вазмин қадамли), лекин маъманға (омонлик жойи, хавфсиз жойга) тушургувчи”.

Уни тўғри сўзли ўгит берувчи ёки касалликлардан фориғ қилувчи табибга ўхшатиш мумкин: Носиҳи талх гуфтордек табъ андин озурда ва лекин зимнида мақсуд ҳосил, табиби батюл-илождек, мариз (касаллик) андин пажмурда, аммо сўнггида сиҳҳат восил”.

Сабрнинг ишқ масаласидаги ўрни ҳам беқиёс: “Ишқ аҳли зикридин мутағаййир ва лекин ғояти васлға умидворлиқ, ҳажр эли ёдидин мутанаффир ва лекин ниҳояти иттисолға (ёпишиш, боғланиш) комгор (бахтли, қудратли; баҳраманд)лик”. Қафасида жон булбулиға не хамушлуқ суд этиб, не наво ва илҳон, мажлисида руҳ тўтисиға не сукут нафъ еткуруб, не фарёд ва фиғон. саҳросида фароғат ҳамону изтироб ҳамон, биёбонида даранг ҳамону шитоб ҳамон. Сўхтаи фироқ ўлмакдин анга ғам йўқ, андухтаи иштиёқ куймакдиин анга алам йўқ. Ҳажр шомидек тийра узун, аммо ғояти субҳи висол, ҳаж йўлидек қаттиғ ва йироқ, аммо ниҳояти Каъбаи иқбол”.

1Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар: С.Рафиддинов, С.Ғаниева. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 20-бет.

2 Ўша ерда,

Сабр шундай қийинчиликки, унинг натижаси хотиржамлик ганжига етказади. Байт:

Ажаб ранжеки андин саъб[1] йўқ ранж,
Вале чеккан кишининг баҳраси ганж.

Навоий ўз услубига содиқ қолгани ҳолда бу мулоҳазаларини ҳам яна бир ҳикоят билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Ҳикоят:

Бир нотавон кўнглида бир гулъузор хорхори (орзуси) бўлди ва ул туҳмат била зиндон гирифтори бўлди. Ул иш иқрори учун анга қилмаған азоб қолмади, аммо ул махфий сиррин кўнгулдин тилга солмади. Оқибат бир кун асас (миршаб)лар бордилар ва ани зиндондин банд била судраб чиқордилар. Ва бош-аёғидин тортиб узоттилар ва бир қучоқ йиғоч анинг аъзосиға ушоттилар (яъни ёғоч ва калтаклар билан калтакладилар). Андоққим, бошдан – аёғи жароҳат бўлди ва бари аъзосининг териси сўюлди (шилинди). Таёқ аъзосини андоқ афгор қилдиким, қон ул маъракани лолазор қилди. Мазлум (зулм кўрган) мутлақо дам урмади ва иқрор такаллумин тилига сурмади. Чун таъзиб (азоблаш) шиддатидин ҳордилар, ул мажмаъдин судраб чиқордилар ва навмидлиғдин қўябердилар ва инсоф оламида муҳиқ (ҳақли, лойиқ, муносиб) эрдилар. Чун жафопешалар йироқ борди, жафокаш оғзидин бир ушолғон (чайналган) дирам чиқорди. Жаъмики ани кўрдилар. Ул иш кайфиятин сўрдилар, улча жавобидин мафҳум бўлди (англанди), бу ҳолат маълум бўлдиким, сиёсатининг ҳангомасида (жазоланиш жараёнида) манзури (маъқул кўргани, севгилиси) ҳозир эрмиш ва бир гўша (бурчак, чет)дин анинг ҳолига нозир эрмиш. Анга етарда ул бедоду ситам тиши остида эрмиш ул дирам. Азоб эътидол (меъёр)дин ўтарда дирамға тишин беркитур эрмиш ва тиш захмидин ул дирамни пора-пора ушотур эрмиш ва манзур нозир оллида сабру таҳаммул қилур эрмиш ва анинг наззорагар эрканин билур эрмиш. Манзур чун бу ҳолни билди, меҳр ва шафқат била бошиға келди, юмшоқ сўз била яраларига марҳам (малҳам) еткурди ва чучук тил била мажруҳ таниға жон кивур (кирит)ди. Ва хаёлиға кечмас (тамом бўлмайдиган) давлатға сазовор бўлди ва гумониға ўтмас одатға комгор бўлди. Бу барча шиддатдаги сабру шикеболиғ (сабрлилик, чидамлилик) натижаси эрди ва ул суубат (қийинчилик) ва шиддатда таҳаммулдин анга даст берди. Байт:

Кимки ҳар шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишини нўшу хорини гул айлади.

Энди бошқа бир асарга мурожаат этайлик. У “Тарихи анбиё ва ҳукамо” дейилади. Унда Айюб пайғабар ҳақидаги ҳикоят ниҳоятда эътиборга моликдир. Унда шундай дейилади:

Айюбнинг онаси Лут а. с. нинг қизи бўлган. Отасини Иъйс бинни Исҳоқ а. с. авлодидан дейишган. У Румда туғилган, аммо Шомда яшаган. Унинг мол-дунёси кўп эди. Ўн ўғли бор эди. Ҳақ таоло ибодатига шунчалик кўнгил қўйган эдики, оламдаги бирорта нарсага эътибор қилмас эди.

Ҳақ таоло малоикаларга уни кўряпсизларми, менинг ибодатимдин ўзга ҳеч нарсага парво қилмайди, дейди. Малоикалар: худоё, ахир у сенинг илтифотингни мунтазам кўриб келганидан кейин бундан бошқа нима ҳам қиларди, деб жавоб беришади. Тенгри таоло малоикаларга уларнинг шубҳаси нотўғри эканини, булар бўлмаса ҳам унинг ишимунтазам тоат эканини айтади. Шунинг учун синов мақсади билан Айюбни кўп балоларга рўпара қилади. “Аввал унинг мавошийси (юк ташийдиган ҳайвонлари)ға андоқ офат туштиким, бири қолмади. Анга айттилар эрса, илтифот қилмади. Мазруоти (экинзорлари)ға андоқ бало юзлан-

1 Саъб – қийин, оғир.

диким, йўқ ҳисоби тутти. Мунга ҳам мултафит бўлмади (эътибор қилмади)". Бундан бошқа яна кўп қийинчилик ва офатлар юборилди, "парво қилмади, ҳамул ҳақ таоло ибодатиға машғул эрди. Уй йиқилиб ўн ўғли том остида қолдилар ва ҳалок бўлдилар. Ул дедиким, манга Тенгри таоло басдур... Булардин сўнгра ҳеч нимаси, балки ҳеч кишиси қолмади, муборак жисмига беморлиғлар ва балолар юзландн. Доғи жароҳатлар бўлуб, қуртлар тушти, доғи ул жароҳатлар исланиб, ул навоҳий (ноғия, жой, манзил) халқи андин мутанаффир бўлуб (нафратланиб), ароларидин ани ихрож қилиб, бир номуносиб ерга солдилар ва теграсида ҳеч киши қолмади. Ҳарамидинким, отини Раҳима бинти Яъқуб а. с. дебдурлар ва бинти Иброҳим бинни Юсуф а. с. ҳам дебдурлар. Ва Раҳима ё муздурлуқ[1], ё гадойлиқ қилиб, Айюб а. с.ға қут[2] келтурур эрди. Ва Айюб. а. с. ул балийятқа[3] сабр қилиб, Тенгри таоло тоатидин хотириға ўзга нима кечмай"ди. Айтишларича, "шариф баданидин бир қурт агар тушса эрди, яна олиб ўрниға қўяр эрдиким, сизга ҳақ бу насиб қилғон рўзидин маҳрум бўлманг.

Ва шайтони лаъин Раҳимаға ҳар навъ иғволар қилур эрдиким, муҳофазати[4] Айюб а. с.ға етмагай. Тенгри таоло ани шайтон мутобаатидин[5] асрар эрди. То улким, бир кун бир заифа сурати бирла Раҳимаға учради. Ва Раҳима ул кун ҳеч нима топмайдур эрдиким, Айюб а. с.ға келтургай. Шайтон анга айттиким, менинг сочим бағоят қисқадур. Агар гисуларингни[6] кесиб, манга берсангким сочимға уласам, мунча баҳосин берурман. Раҳима дедиким, Айюб а. с. қошиға бу кун қут топмайдур, манга гису бўлмаса бўлмасун. Ўз гисуларин кесиб, анга бериб, олғон важҳқа[7] қут олиб, Айюб а. с. қошиға етмасдин бурун ул лаъин Айюб а. с. қошиға Раҳиманинг сочин келтуруб, номуносиб сўзлар деди. Раҳима қут кетургач, Айюб а. с. анинг сочин кўрмади. Машҳурдурким, аҳд қилдиким Раҳимани юз йиғоч урғай. Чун ҳақ субҳона ва таоло Айюбнинг балийятини[8] ниҳоятқа еткурди. Ва ул ҳамул сабр ва шукр қилур эрди. Малакут оламиға шўр[9] тушти ва ғавғо. Ва малоика анинг фазл ва сабурлуқин эътироф қилиб, ўз сўзларидин нодим бўлдилар[10].

Тенгри таоло иноят қилиб анга сиҳат[11] йибориб, Жабраил а. с. келди ва иликин тутуб қўпорди. Ва тамом қуртлар танидин тушти. Ва ики жонибидин[12] ики булоғ пайдо бўлди ва Жабраил а. с.нинг муборак жисмини ул сувларға ғусл бериб[13], борча жароҳатлари бутти. Ва Раҳиманинг поклигига тануғлуғ бериб, машҳурдирким, юз супургу йиғочни бир-бирига боғлаб, Раҳима учасиға[14] уруб, уҳд-уҳдасидии чиқти. Ва Айюб а. с.ға Тенгри таоло зойеъ бўлғон амволидин[15] ортуғроқ яна каромат қилди. Баъзи дебдурларким, авлодин ҳам тургузди... яна авлод берди ва анинг эвига баъзи дебдурларким, олтун чугуртка ёғди"[16].

Бу ҳикоятнинг бош мақсади сабрнинг нақадар улуғ маънавий неъмат эканлигини ама-

1 Музудурлуқ – мардикорчилик
2 Қут – кмак, овқат, озиқ.
3 Балийат – бало, ранж, машаққат.
4 Муҳофазати – муҳофаза қилиш, сақлаш, қўриқлаш.
5 Мутобаат – орқасидан эргашиш, тобе бўлиш.
6 Гису – ўрилган соч
7 Важҳ – хизмат ҳақи, нқд пул.
8 Балийат – бало, ранж, машаққат.
9 Шўр – ғағо, тўпалон
10 Нодим бўлмоқ – пушаймон бўл (қил)моқ.
11 Сиҳат – саломатлик, соғлик.
12 Жониб – тараф, томон.
13 Ғусл бермоқ – чўмилтирмоқ, ювинтирмоқ.
14 Уча – орқа, елка.
15Мвол – мол, бойлик, мол-у мулк.
16 Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. (Матнни нашрга тайёрловчи Л.Халилов). – // МАТ, 20 жилдлик, 16-жилд. – Тошкент, Фан, 2000. 129-131-бетлар.

лий жиҳатдан кўрсатиб беришга қаратилган. Сабр Айюб пайғамбардай мусулмон дунёсида таниқли ва машҳур маънавий сиймо бўлган. Шунинг учун ҳам унинг номи билан алоқадор бўлган тафсилот бу эътиқоддаги кишиларга нақадар кучли таъсир қилишини тасаввур этиш қийин эмас.

Тасаввуф алломаларининг сабр ҳақидаги ҳикматлар ҳам Навоийнинг диққат марказида бўлган:

«Ризонинг боши сабрдур» (Абу АлиАҳмад б. Осим Антокий)[1]. Унда ризонинг ўзи нима? “Насойим ул-муҳаббат”да бундай дейилади: “**Яна ризодур**ки, ҳар не ҳақдин келса, ва ҳар ким сабаб бўлса, мусаббибдин ўзга кишини орада кўрмагайлар. Ва ризо изҳоридин ўзга алар тили ва кўнглига кирмагай”[2].

“Ҳар ким бу йўлға кирар, тўрт ўлумни ўзига тутмак керак: Мавти абяз – ва ул қорин очлиғидур ва мавти асвад ва ул халқ изосиға сабр қилмақдур ва мавти аҳмар – ва ул нафс мухолафатидур ва мавти ахзар – ва ул хирқаға юрунлар тикмакдур” (Ҳотам Асамм)[3].

“Ва андин ривоят қилибдурки, Зуннун қ. с. дебдурки, «сен ишга кириш, чунки оз ризққа қаноат қилиш кам амални ҳам поклайди»[4].

“Маҳбуб ул-қулуб”да қаноатга ҳам, сабрга ҳам алоҳида-алоҳида боблар ажратилган.

Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ била қурумас ва махзанедурким, нақди серамоқ била ўксумас ва мазраедурким, тухми иззат ва шавкат бар берур ва шажаредурким, шохи истиғно ва ҳурмат самар келтурур.

...Қонеъ дарвешнинг қуруқ нони, томеъ шоҳнинг хитойи хонидин хўброқдур..

Улким қаноатқа муътод бўлди – шоҳ ва гадо тараддудидин озод бўлди. ...

Бу фикр-мулоҳазалар алоҳида адабий жанрларда бир-бириларини такрорламаган ҳолда янга жилваларда намоён бўлади.

Жумладан, қитъларнинг бирида шундай ўқиймиз:

Кунжи қаноат арчи эрур салтанат валек
Элдин тамаъни узгали мардоналиқ керак.

Биз ўзингга раво кўрмаганни бошқаларга ҳам раво кўрмагин деган ақидани кўп эшитганмиз. Уни тарғиб ҳам қиламиз. Алишер Навоий эса мана шу бобда ҳам яна бир қадам олдингга кетади. У ўзинга раво кўрган ҳамма нарсаларни ҳам дўстингга раво кўравермагин, уни янада кўпроқ эҳтиёт қилгин деган маънода шундай дейди:

“Ҳар ким биров билан дўст-ёр бўлса ёки дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни унга ҳам раво кўрмаслиги керак; баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳам ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам етади, жисму жони бунга тоқат қилади. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади”[5].

Навоий исроф ва қанот борасида ҳам нодир кузатишларини беради. Бу кузатишлар бадиий образлар воситасида ёритилади. Баҳроми Гўр ҳикоятиким, уч олачуқ элига меҳмон

---

1 Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат, 53-бет.

2 Алишер Навоий. МАТ, Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 17-жилд. – Тошкент, Фан, 2001.20-бет.

3Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат, 53-бет.

13Алишер Навоий.Насойим ул-муҳаббат, 179-бет.

5 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгилиси). – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 67-бет.

бўлди, икиси ифрот[1] ва тафрит[2] кўргузуб, мухотаб[3] ва матъун[4] бўлдилар ва бириси адолат тариқидин Қорун (Баҳром Гўр ҳикояти. Уч олачиқ элига (капада яшовчиларга) меҳмон бўлди. Улардан иккитаси (дан бири) ҳаддан зиёд такаллуф, (бошқаси) сустлик ва бепарволик кўрсатиб таъна ва жазога гирифтор бўлди ва учинчиси эса, Баҳромнинг адолати тариқидан Қорун даражасига етди).

Эрур нақлким, шоҳ Баҳроми Гўр[5],
Магар сайд[6] учун сурди бир кун сутур[7].
Нақл қилишларича, шоҳ Баром Гўр бир куни отга миниб овга чиқди.
Ул ов ичра тушти сипаҳдин йироқ,
Ани бир қулон солди элдин қироқ.

Ов жараёнида у ўз сипоҳларидан йироқ кетиб қолди. Уни битта қулон ўз яқинларидан узоқлашишга мажбур қилди.

Чопиб эрди кўп шоҳи саҳронавард[8],
Ики-уч олочуқ аро етти фард[9].

Саҳро кезаётган шоҳ жуда кўп юриб икки-учта капа тикилган ерга ёлғиз ўзи етиб борди.

Шаҳи даштпаймо[10] басе оч эди,
Бағоят емакликка муҳтож эди.

Дашт кезиб келаётган шоҳ жуда оч қолган, шунинг учун ҳам емакка жуда муҳтож бўлиб турган эди.

Ул уйлар қошида эди бир дарахт,
Тушуб сояға шоҳи фархунда[11] бахт.
Ўша уй (капа)лар ёнида бир дарахт бор эди, саодатли шоҳ шу дарахт соясига тушди.
Деди ул халойиққа тушган замон,
Ки: «Сизга эрурмен бу дам меҳмон.
Тушган замони шу ерда турган кишиларга шундай деди: ҳозир сизларга меҳмонман,
Бўлунг моҳазар[12] бирла меҳмоннавоз
Ки, андин наво топқай аҳли ниёз».

---

1 Ифрот – ҳаддан ошиш, ошириш.
2 Тафрит – бирор ишга сустлик билан қараш, камчиликка йўл қўйиш; мўътадилликдан пастки ҳолат.
3 Мухотаб – эшитувчи, тингловчи; хитоб қилинган, ундалган.
4 Матъун – таъна қилинган, айбдор қилинган, хўрланган.
5Баҳром Гўр – Қадимги Эрон шоҳларидан бирининг номи.
6Сайд – ов.
7 Сутур – от-улов.
8 Саҳронавард – чўл кезадиган.
9 Фард – якка, ёлғиз.
10 Даштпаймо – дашт кезувчи, саҳрода юрувчи.
11 Фархунда – қутлуғ, бахтли, саодатли.
12 Моҳазар – бирор нарсанинг тайёр тургани, ҳозир бўлгани.

Бирор тайёр турган нарсангиз билан менга меҳмоннавозлик қилинг, токи муҳтож киши ундан баҳраманд бўлсин.

Ул уч уй элидин бири дун[1] эди,
Агарчи тамаввулда[2] Қорун[3] эди.

Ўша учта уй эгаларидан бири Қорунга ўхшаш мол-дунё эгаси бўлишига қарамасдан паст-каш, хасис эди.

Неким шаҳ деди, қилмади илтифот,
Яна бирга исроф эрди сифот.

У шоҳ айтган мулоҳазаларга илтифот қилмади. Иккинчиси эса исрофгар эди.

Қазон остуруб, қилди қўйлар қатил[4]
Ки, молин зиёфатқа қилғай сабил[5].

У қозонларни остириб, катта зиёфат қилиш учун қўйларни сўйдирди.

Солиб жуъ[6] меҳмон димоғиға дуд,
Анинг ошиким, тонгла пишгай, не суд?

Меҳмоннинг димоғига келган тутун (даги овқат ҳиди) унинг иштаҳасини очса-ю, лекин унинг оши эртага пишадагин бўлса, бундан нима наф бор?!

Ва лекин бири эрди аҳли хирад,
Хушо улки топқай хираддин мадад.

Лекин улардан бири оқиллардан эди, яхшики, у ақлдан мадад топган эди.

Ани уйга келтурди тортиб инон[7],
Равон моҳазар чекти — жуғроту[8] нон.

У (шоҳ) отининг бошини тортиб уйига олиб келди ҳамда тезлик билан тайёр нарсалари-ни: қатиқ билан нонни дастурхонга қўйди.

Кетиб шоҳдин ранжу[9] фарсудалиқ[10],
Ебон моҳазар топти осудалиқ.

---

1 Дун – паст, разил; нокас.
2 Тамаввул – бойлик, мол-дунё; бой бўлиш, давлатмандлик, молдорлик.
3 Қорун – бениҳоя катта бойликка эга бўлган кишининг исми. Зўр бойликка эга бўлган кишига киноя тариқасида ҳам қўлланадиган ном.
4 Қатил қил – қатл этмоқ, сўймоқ.
5 Сабил қил – бахш этмоқ, қурбон қилмоқ.
6 Жуъ – очлик; иштаҳа.
7 Инон – от бошини тортмоқ.
8 Жуғрот – қатиқ.
9 Ранж – машаққат, қийналиш, оғриқ.
10 Фарсудалиқ – ҳорғинлик, эзилганлик.

Тайёр нарсаларни егани учун шоҳдан қийналиш ва чарчоқ кетиб, хотиржам бўлди.

Анга берди беҳадду андоза мол,
Ҳамул дунға андозасиз гўшмол[1].

Унга (уй эгасига) жуда кўп мол-дунё, ўша пасткашга эса танбиҳ берди.

Қилиб таъна мусрифқа[2] беинтиҳо[3],
Неким зойиъ этганга берди баҳо.

Исрофгарга ҳам кўп нарсаларни зое этгани учун кўплаб таъна-дашномлар етказди. Зое этган нарсаларининг тегишли баҳосини берди.

Алишер Навоий улар қиёфасидаги ранг-баранг ҳолатга ишора этиб, булардан тегишли хулоса чиқаришга ундайди. Шоҳ Баҳром адолатини эса уларга тўғри ва одил баҳоси учун маъқуллайди. Меҳмон ва мезбонлик қандай бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Ўрни келганида Навоий шеърларини ўқишда турфа талқинлар эҳтимолининг кўплигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ерда сабр билан боғлиқ бўлган бир мисолни келтирамиз:

Ҳусни васфин сўрмаким, ишқим киби поёни йўқ,
Меҳридин не дейким, ул сабрим киби мавжуд эмас.

Икинчи мисра таҳлилида битта тушунарсизроқ талқин эҳтимоли ҳам бор. Бу унинг меҳри ҳам, менинг сабрим ҳам мавжуд эмас, деган шаклдир. Ваҳоланки, шоир бундай демоқчи эмас. Аксинча у меҳрнинг мавжудлиги менинг сабримнинг мавжудлиги сингари эмас, яъни менинг сабрим мавжуд, аммо унинг меҳри мавжуд эмас демоқда. Бунга биринчи мисрадаги фикр оқими ҳам шоҳидлик бериб турибди. Аниқроғи биринчи ва иккинчи мисралар орасида мантиқий зиддият байтнинг ўзак мазмунини ташкил этади. Унда битта ўхшаш ва битта ноўхшаш ҳодисалар қиёсланмоқда. Ўхшашлик шундан иборатки, ёрнинг ҳусни васфининг ҳам, ошиқ ишқининг ҳам поёни йўқ. Шундай экан, ёр меҳри ва ошиқ сабрининг ҳам бардавомлиги буларга уйғун бўлиши лозим эди. Худди мана шу ерда ўхшашликка “путур етган”, яъни ошиқ сабрининг мавжудлиги, ҳатто “поёни йўқ”лиги муқобилида маъшуқада меҳр умуман мавжуд эмасдир.

Сабр инсонга бало ва офатлар, умуман, қийинчилик ва ташвишлар билан рўпара келганида иш берадиган фазилатлардан бири. Агар мазкур мантиққа эътибор бериладиган бўлса, Алишер Навоийнинг номуносиб одамлар билан мулоқотда бўлишни ҳам шу хилдаги бало ва офатлар саноғига киритганини англашимиз мумкин бўлади:

Юз бало келса бошингға сабр қилғил, эй кўнгул,
Ё халойиқ ихтилотин қил Навоийвор бас[4].

Алишер Навоийда бир сўзни бир неча маъноларда қўллаш имкони ниҳоятда кўп учрайди. Жумладан, “халқ”, “халойиқ”, “эл” сингари сўзлар одамларнинг кўплигини ҳам билдиргани ҳолда баъзан “омма”, “тўда” маъносинини ҳам англатиб келиши мумкин. Бу ерда “халойиқ

1 Гўшмол – қулоқ бураш, жазо, танбиҳ.
2 Мусриф – исрофгар, исроф қилувчи.
3 Беинтиҳо – интиҳосиз, беадад, кўпдан кўп.
4 Наводир, 296-ғазал

ихтилоти” “номуносиб кишилар тўдаси билан аралашув, мулоқот” тарзида тушинилиши керакки, адиб бундай муносабатларнинг “бас қил”иниши, тугатилиши тарафдоридир.

Демак, бу ердаги маънони, таълим-тарбия жараёнидаги муҳим омиллардан бири бўлган ижтимоий-маънавий ва педагогик муҳитга қўйилаётган талаблардан бири сифатида талқин этиш ўринли бўлади.

Халқ орасида “Кўп сабрнинг фойдаси ҳам кўп бўлади” қабилидаги мақол ёки ҳикматли сўз яхши маълум бўлган бўлса керакки Навоий унинг “носиҳ” – насиҳат қилувчилар тилида анча оммалашганини алоҳида таъкидлайди:

Сабр кўп қилсанг фавойид кўп дединг, носиҳ, не суд,
Ким кўнгулни ҳажр аро бир лаҳзалиқ йўқ тоқати.

Мумтоз адабиётимизда, жумладан, Алишер Навоий асарларида ҳам гап сабр устида борадиган бўлса Айюб образининг анча фаол тарзда қўлланган кузатилади.

Гар Айюб сабр этти турлук балода
Валек кўрмади ҳажр шоми балосин.

“Ҳайрат ул-аброр”да бу образ билан боғлиқ ҳолда алоҳида ҳикоянинг келтирилиши ҳам бежиз эмас.

Айюби халаф нохалаф ўғрининг эгрилигин тузгони ва гумроҳлиқ зулматида анга йўл кўргузгони ва ул шайх силсиласиға кириб, айёрлиқ камандин узгони. (Марҳаматли Айюбнинг тайинсиз ўғри эгрилигини тузатгани ва йўлини йўқотиш қронғилигида унга йўл кўрсатгани ва унинг шайх йўлига кириб ҳийла-найранг ипларини узгани)

Ҳикоя қилинишича, Марҳаматли Айюб сирларга ошнолигидан маст бўлиб турганида, юм-юм йиғларди. Кўзидан оқаётган ёшлари дурга ўхшар, ўзи шам сингари кўзларидан ёшларини оқизарди. У тоат-ибодат билан қаттиқ машғул эди.

Бир кечаси бир чўнтаккесар – киссабур лаҳм кавлаб унинг уйига ўғирликка киради. Айюб уни пайқаган бўлса-да, нафасини чиқармасдан ўз ишида давом этади. Ўғри лаҳмдан чиқиб уйда нима топса ҳаммасини бир ерга йиғади. Уларни олиб кетишни ўйлаб орқасига олади. Лаҳмга кирганидан кейингина лаҳм (чуқур) оғзининг торлигини сезиб қолади. Сичқоннинг уйи тор бўлгани устига, у думига ғалвир ҳам боғлаб олган эди. Айюб унинг қийналаётганини кўриб, ўрнидан туриб эшикни очиб беради ва дейдики: юкинг катта, аммо кавлаган лаҳминг кичикдир. Йўл билан кетавергинки, эшик очиқ турибди. Шайх шундай қилиб унга йўл кўрсатади. Бу хилда йўл кўрсатганларидан кейин ким ҳам у йўлдан четга чиқа оларди?

Бу ҳолат ўғрини лолу ҳайрон қилиб қўйди. Унингжонига ўт тушади. Дилидаги алангадан фалакнинг юзигача ўт туташди. Унинг устидаги юки ҳам, ўзлиги ҳам шу оловда куйди. Ўзи музтар бўлди, хижолат ичида қолди. Кўзидан ёш тўкиб, шайхнинг оёқларига бош қўйди.

Шайх карам билан кўз ёшларни аритти, бошини тупроғдан олиб қўйди. Ўғрининг ўзлиги худда оловдаги хасдек куйди ва шу ўтдан у ёруғлик топди. Комил инсон – Айюб уни парвариш қилди ва кечиримлилиги билан шунчалар буюк иш қилди. Айюбнинг сабру бардоши ўғрини ҳам тўғри йўлга ҳидоят қилди.

Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, айрим шахслардаги битта яхши фазилат (масалан, сабр) фақат бир кишига эмас, балки бошқаларга ҳам ижтимоий фойда ва наф етказиши мумкин. Модомики, шундай экан бундай фазилат ва хислатларнинг кўпайиши учун ҳаракат қилиш лозимдир.

Алишер Навоийнинг ватан ва ватанпарварлик билан боғлиқ бўлган қарашлари айрича аҳамият касб этади. Алишер Навои ватанни танадаги жон деб билади. Ватандан ташқарида яшашни эса “ғурбат”, ўша ҳолатга тушган кишини “ғариб” деб атайди. “Саъдди Исканда-

рий”нинг алоҳида боблари айни мана шу мавзуга бағишлангани бежиз эмас. Жумладан, олтмиш тўққизинчи боб шундай номланган: “Елдек сайр аро сабукборлиғ нафйин қилмоқ ва тоғдек сукун аро бовиқорлиқ амрин буюрмоқ ва асҳоб суҳбатинким бир-бир ишлари борурға шитобдурур ғанимат билмак ва аҳбоб мулоқотинким, ҳар бири бир гавҳари ноёбдурур, муғтанам тутмоқ ва адам ғарибистонидин шаммаи ёд этмак ва вужуд сарманзилин хушлуқ била ўткарурни васият қилмоқ”, яъни “Сайр бобида шамолдек енгилтак бўлмоқни рад этмоқ ва барқарорликда тоғдек виқорли бўлиш ҳақида амр бермоқ ва бир-бирининг ишига кўмаклашувчи улфатлар суҳбатини ғанимат билмоқ ва дўстларнинг бир-бири билан кўришиб – мулоқот қилиб туриши ноёб гавҳардек бебаҳолигини қадрламоқ, андак бўлса ҳам адам – йўқлик шабистонини кўз ўнгига келтирмоқ ва ҳаётни хушнудлик билан ўтказиш ҳақида васият қилмоқ”.

Навоий инсон зотининг абадий яшай олмаслигини қайта-қайта уқтиради. Аммо бу ўлим васвасаси эмас, балки ҳаёт фалсафасидир. Модомики, инсон охир-оқибат ўлимга маҳкум экан, унинг қандай йўл тутгани жоиз бўлади? Навоийнинг хулосаси шу: тирикликнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаш ва уни муносиб ўтказиш керак:

Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!
Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,
Тараб жомидин айлагил ўзни маст.

Охир-оқибатда биз йўқ бўлиб кетамиз, шунинг учун ҳам бу дамни (тирикликни) ғанимат тутайлик, эй дўстим!

Шу дамда, хушвақтлик қўл бериб турганида, шодлик қадаҳидан ўзингни маст айлагин.

Албатта, қадаҳ ичиш ифодаси ўз маъносида эмас, балки кўчма маънода, тасаввуфий маънода тушунилиши жоиз бўлади. Шуни назарда тутадиган бўлсак, майнинг истилоҳий маъноси билим ва ўрганиш манбаси эканлигини назарда тутиш жоиз. Ҳар ҳолда бу мисраларнинг нақшбандиёна ақидалар билан музайянлигини назарда тутсак, Навоий мулоҳазаларининг йўналишини илғаш мумкин бўлади:

Чу бу дамни чарх ўткарур ҳам, бу дам
Дамо-дам май ичким, эрур дам – бу дам.

Чарх – фалак бу дамни ҳам ўтказ(иб юбора бер)ади, шунинг учун узлуксиз равишда ҳаёт ҳақиқатларини ўрганиш билан машғул бўлиш керак. Бу дам, яъни тириклик, айни мана шулар учун берилган. Умрнинг тарихи киши учун аниқ эмас, у сирли, пинҳондир. Шунинг учун ҳам мана шу сиру асрорлар моҳиятини очишга ёрдам берадиган суҳбатдошлар даврасини ғанимат билмоқ керак.

Кўруб умр тарихи мубҳамлиғин,
Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлиғин.

Худди шунинг учун ҳам инсон бир нафас ҳам ватан таркини қилмаслиги керак:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Демак, ватан тарки кишининг ихтиёрий равишдаги ранж ва ғурбатларни ҳавас қилмоғи демакдир. Зеро, ватанни тарк этган инсон сафарда бўлади. Сафар эса “меҳнати жовидони”, яъни мангу машаққатлардан иборатдир:

Сафар меҳнати жовидонидурур,
Нединким сақардин нишонедурур.

“Сақар” дўзах демакдир. Алишер Навоий “сафар” ва “сақар” сўзлари орасидаги ёзувдаги яқинликдан фойдаданиб сўз ўйини қилмоқда. Араб алифбосида “фо” билан “қоф” ҳарфлари фақат бир нуқтаси билангина фарқланади, холос. Мана шундай абадий машаққат, яъни сафар, кишига дўзах (“сақар”)дан бир нишонадир. Сафар билан мунтазам шуғулланиш кишининг ҳавас қиладиган нарсаси бўлмаслиги керак. Зеро, унинг олидида ҳали алоҳида сафар ҳам бор, у ҳам ўз навбатини кутиб турибди. Сенга ва яқинларингга келган навбат бошқаларга ҳам келади:

Сафарға недур ҳар дам этмак ҳавас,
Санга ул сафарким бор олингда, бас.
Неча бўлса хайлинг аро кўсу пил,
Чолинғуси пил узра кўси раҳил.

Шунинг учун ҳам ҳозир сайр ташвишидан қонмаётган бўлсанг, бу сафардан ортга қайтиш имкони бўлмайди.

Неча сайр ташвишидин қонмоғунг
Ки, борғунгдур ул навъким, ёнмоғунг.

Ҳали олдинга жуда қаттиқ ва қийин йўл турибди, зеро, яқинлар билан ажралишнинг азоби жуда аччиқдир.

Эрур бир йўл олингда беҳад қатиғ,
Майи ҳажри аҳбобнинг бас ачиғ.

Бу йўлга шериклар билан борилмайди, ҳамма якка-якка боради, унда на ҳамроҳ, на ҳамдам бўлганлар бирга бўлолмайди. Эй Оллоҳим, бу шунақа ғаройиб оламдир:

Не ҳамроҳ ул йўлда не ҳамдаме,
Эрур, Аллаҳ-Аллаҳ, ажаб оламе.

Бу йўлга йўналган бўлса, унинг биринчи қадами йўқлиқ оламига қўйилади.

Ки, ҳар кимки ул йўлға қўйди қадам,
Бурунғи қадамдур саводи адам.

Бу сафарнинг охиридан ҳам нишон маълум бўлмайди, на мақсад пайдо бўлади, на мақсад ошкор бўлади.

Не ул сайр поёниға ҳад падид,
Не мақсуд пайдо, не мақсад падид.

Унга шу қадар (катта) ранж ва қийинчиликлар рўпара келадики, ўлим азоб бўлмай қолади.

Эрур онча ранжу суубат анга
Ки, ўлмак эмастур уқубат анга.

Бу ҳодисанинг шарҳи билан шуғулланиш нафсиздир. Чуқурроқ ўйлаб кўрган кишлар бунинг моҳиятини англаб етади.

Эрур бежиҳат кимки шарҳин қилур
Ки, ҳар кимки айлар тааммул – билур.

Агар инсон ўз олдида шундай йўл турганини билса, (бошқа) сафарларни қандай қилиб ҳавас қилиши мумкин?

Киши билса оллинда бу навъ йўл,
Сафарни не янглиғ ҳавас қилғай ул.

Инсон қанчалик тўхташга интилмасин, (барибир) у қачон бўлмасин истисносиз равишда бу йўлга тушишга мажбурдир:

Нечаким таваққуфни жазм айлагунг.
Қачон бўлса бу йўлға азм айлагунг.

Охир-оқибатда борадиган бўлсанг, шошилишингнинг сабаби нимада? Бу сафарга боришдан нима учун изтиробга тушмоқдасан:

Чу охир борурсен, шитобинг недур,
Борурдин бурун изтиробинг недур.

Модомики шундай экан, иккиланишларни йиғиштиргинда, хотиржам бўл, яқинларинг билан базм қилиб, қўлингга жом тут, яъни ҳаёт маъниларини ўрганиш йўлига киришгин:

Тараддудни тарк айлаб ором тут.
Тузуб базм аҳбоб ила жом тут.

Мен кетиб, бошқалар қолади, деб ўйлама, бу йўлдан ҳар бир одам, тирик жонзотларнинг бараси ҳам боришга мажбурдир:

Йўқ улким, бориб сен, қолурлар бу хайл
Ки, бордур бориға борур сори майл.

Демак, ҳозир ҳамма бир-бирига ғанимат, ҳамма бир-бирига меҳмондир. Саҳар туриб май (косаларининг юзи)га гул сепиб, бир-бирингиз учун кўз ёшларини тўкадиган даражада яхши кўринг:

Эрурлар ғанимат бори бу замон
Ки, бир-бирига сиз барчангиз меҳмон.
Бўлунг майға гулрез ўлуб субҳхез
Ки, бир-бир учун бўлғунгуз ашкрез.

Кечалари ўйин-кулгу билан май ичинг, қадаҳларни тўлдириб беришса ҳам баҳона қилмасдан ичинг.

Тараб бирла жоми шабона ичинг,
Тўло тутсалар бебаҳона ичинг.

Умр муддаоларини фароғат дамларидан олинг, ёшлик айёмини хушвақтлик билан ўтказинг, яъники, май ичинг – кўнгил қаноат топадиган даражада ҳаёт сабоқларини ўрганинг:

Олинг айшдин умрнинг комини,
Тутунг хуш йигитликнинг айёмини.
Ичиб базм аро жоми дилкаш тутунг,
Неким келса ўзни даме хуш тутунг,
Не соатки юзланса кому мурод,
Сочиб ўтқа испанд, ўқунг «ин якод».

Истакларингиз амалга ошмагани тақдирда ҳам асло кайфиятингизни ўзгартирманг. Ўзингизни ўзингиз овутинг. Даврондан келган ғаму қайғулар учун озурда бўлманг, уларни осон тутаверинг. Ғам етган кишилар унга маҳлиё бўлиб бир ғамларини иккита қилишади. Бу тўғри йўл эмас. Зеро, ушбу жаҳон ғам ейиш учун арзимайди. Аслида, жаҳонбир нафаслик жой, холос. Мана шу бир дам учун ҳам кафиллик мавжуд эмас. Мана шу ғанимат онларни ҳам ғаму аламларда ўтказиш ақлли одамнинг иши эмас:

Муни доғи ғам бирла қилғон басар,
Хираддин магар топмамиштур асар.
Алам ичра дам урмағил, эй кўнгул,
Не ғам етса қайғурмағил, эй кўнгул.
Жудолиққа шод ўлма асҳобдин,
Жафо етса айрилма аҳбобдин.
...Ватандин чу охирдур ворорлиқ,
Недур они истаб ситамкоралиқ.
Будур чарх ишиким шитоб айлагай,
Не обод кўрса — хароб айлагай.
Чу ул бузғуси, қилмағил изтироб
Ки, андин бурун айлагайсен хароб.
Ва гар сайрға асру роғиб эсанг,
Сафар нафъу зарриға толиб эсанг,
Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Алишер Навоий ватанни севишни имон белгиси деб билади. Агар киши имонли бўлса, унда ҳарқандай гуоҳи бўлса ҳам, (уларгақарамасдан), у жаннатга сазовор бўлади.

Сафар азми дўзахқа сонийдурур,
Ватан ҳубби[1] имон нишонидурур.
Кишигаким имон эрур сарнавишт,
Неча журми бор кўргусидур биҳишт.

Навоий айтилганларга мисол ва намуна сифатида бир ҳикояни илова қилади. У ўз инидан айрилган кабутар ҳақидадир. У хат ташувчи кабутар эди. Кутилмаганда у бир шоҳнинг тузоғига илиниб қолади ва қафасга солинади. Қафас олтиндан ясалган эди. Бир тасодиф туфайли у қафасдан озод бўлади. Кўкка чиқиб олганидан кейин ўз диёри сари йўл олади. У бир неча кунлик йўлни ҳам бир дамда босиб ўтади. Аммо тақдирнинг шумлиги шунда эдики, у яшаган уй бузилиб кетган эди:

Кабутар етишгач уйин топмади,
Ва лекин учардин қанот ёпмади.

Одамлар томларига дон сепиб қўйишар, ўргатилган каптарларини учириб уни қўлга олишга ҳаракат қилишар эди. Аммо кабутар:

Булар сори ҳеч айламай илтифот,
Урар эрди ўз томин истаб қанот.

Кўп айланиб, ўзини эҳтиёт қилиб, шоду хуррамлик билан бузуқ инига қўнди ва шундай дейди.

Ки, маънус эрур гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур.

Вайрона бўлса ҳам, кўнглимга яқин эди. Шоҳ қасрини нима қиламан, у мен учун бегонадир.

Алишер Навоий бундан шундай хулоса чиқаради:

Эрур қушқа хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдан тикан ошён.

Агар эътибор бериб қарасанг, қушга ўзининг тиканлардан қурилган ини – ошёни безатилган, зийнатланган қафасдан ёқимлироқдир. Навоий мана шу мулоҳазалардан кейин асосий хулосага ўтади. У “Ҳикмат” номи билан берилади. Ҳикмат Искандар билан Арасту орасидаги савол-жавоб тариқасида тақдим этилган.

1 Ҳубб – севиш, муҳаббат.

3. АЛИШЕР НАВОИЙ ИҚТИДОР ВА ҚОБИЛИЯТ ҲАҚИДА

Қобилият инсоннинг муайян кўникма ва малакаларини зарур ҳол ва ҳолатларда қисқа вақт бирлиги орасида намойиш этиш имкониятидир. Шундай фазилат эгалари бошқалардан ажралиб туради. Бундай ажралиш қўлга киритилган натижаларнинг салмоғи ва сифатига кўра алоҳидалик касб этади. Алишер Навоий айни шу муаммо устида ҳам кўп бош қотирган. Биз адибнинг тарихий, илмий, бадиий асарларида мазкур муаммонинг турли қирраларидан туриб ёндашганини кўришимиз мумкин.

"Амир Шайхим Суҳайлий – Хуросон мулкининг мутааййин (таниқли, машҳур) элиндиндурур. Кичик ёшидин табъ осори ва зиҳин намудори андин кўп зоҳир ва ҳамида ахлоқ ва писандида маош атворидин боҳир эрди".

Қобилият туғма бўлиши мумкин. Бунда у аждодларга хос бўлган хислат ва хусусиятларнинг авлодлардаги кўриниши сифатида майдонга келади. Бу фанда "ирсият", "ирсийлик", "авлодлар ворисийлиги" сингари атамалар билан номланади. Халқда бу ҳодиса "Узум узумдан ранг олади", "Олманинг меваси олма дарахтидан узоққа тушмайди" сингари ҳикматли хулосаларда ўз аксини топган. Алишер Навоийнинг ирсият масалаларидаги қарашлари ҳам ўзига хос.

Чу кори умму аб ин аст, бас ба фарзандон
Ҳаме ба ирс расад, к-он иборат аз туву мост[1].

Ота ва оналарнинг тақдирлари шундайки, фарзандларга ҳамма нарса ирс, яъни ворислик орқали етади. Бу (нинг натижаси) эса сен билан бизлардирмиз. Демак, ҳеч нарса ўз-ўзича пайдо бўлмайди, бунда ворисийлик, аждодлар анъанаси, оилавий муҳит ниҳоятда катта ва жиддий мавқе тутади. Зеро, "Коммунистик мафкура тарбияда ижтимоий муассасаларнинг ўрнига ортиқча баҳо бериб, шахснинг маънавий ахлоқий шаклланишида ирсий ва биологик хусусиятларнинг ўрни борлигини мутлақо инкор қилган. Ҳукмрон коммунистик мафкура тарбия воситасида ҳар қандай одамни истаган ижтимоий қиёфага солиши мумкин деган қарашга таянганлиги учун ҳам унинг шахс шакллантиришдаги ўрнига ошиқча баҳо берилди. Тарбияланувчи шахсидаги ирсий ва биологик хусусиятларнинг ҳисобга олинмаслиги тарбиявий тадбирларга маҳлиё бўлишдай хатоликка олиб келди. Бунинг натижасида тарбия макон-манзилсиз бўлиб қолди, тарбияланувчиларга алоҳида шахс сифатида эмас, истаган ижтимоий қолипга солиниши мумкин бўлган қиёфасиз объект сифатида қараш қарор топди. Бу ҳол шўро тарбиясининг самарасизлигига олиб келди, чунки тарбиянинг асосий объекти бўлмиш шахс табиатининг ўзига хослиги унутилганди"[2].

Алишер Навоийнинг "Девони Фоний"даги асарларини мушоҳада қилиш шуни кўрсатадики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам ўзгармайдиган нарса ва ҳодисалар мавжуд эмас. Тегишли ижтимоий-маънавий муҳит ва муносиб таълим ва тарбия инсонга, унинг ижтимоий-маънавий қиёфасига таъсир ўтказиши мумкин:

Чу фарзанди некўст аз марди нохуш,
Таҳайюр наёяд, таажжуб нашояд.

1 Девони Фоний, 366-бет

2 Йўлдошев Қ. Тарбия – баркамол авлодни тарбиялашнинг бош омили. – // Тарбия: (Ота-оналар ва мураббийлар уун энциклопедия) / тузувчи М.Н.Аминов, масъул муҳаррир А.М.Мажидов. – Тошкент, "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2010, 4-бет.

Зи хоро агар гавҳар ояд ажаб нест,
В-ар аз пайкари хорбун гул кушояд[1].
Нохуш эрдан бўлса фарзанди аъло
Ҳайрон бўлма, қилма зинҳор таажжуб.
Қаттиқ тошдан гавҳар, тикандан эса
Гул очилса ким уни демас марғуб[2].

Ба назди пири муғон зўҳд ужбу булъажабист,
Қадаҳ чу дошт, нанўшиданаш зи беадабист,
("Девони Фоний")

Пири муғон – муғларнинг пири, яъни илоҳий билимлар эгаси бўлган устоз олдида, демакки, устозлар олдида манманлик қилиш, ўзини мағрур тутиш, керилиш "булъажаб"ликдир. Бу сўз луғатларда "энг қизиқ, "ҳайрон қоладиган", "таажжубланарли", деб изоҳланган. Албатта, бу байтни сўзма-сўз, яъни шу сўзларнинг луғавий маънолари англатган мазмунда тушуниш ушбу байт моҳиятини йўққа чиқарада. Аксинча, байтда иштирок этаётган тасаввуфий иситилоҳлар мазмунига эътибор қилинса, илоҳий билимлар эгаси – Устоз олдида (сунъий равишда) тақводорлик билан шуғулланса, (ўзини шундай қилиб кўрсатса), бу манманлик ва ақлни ҳайратга соладиган, ношоён иш бўлади. Шунинг учун ҳам устоз ишора қилган билимларни эгалламаслик ҳам одобсизлик намунаси сифатида баҳоланмоғи жоиз.

Алишер Навоий асарларининг барчасини бошдан-оёқ кўриб чиқиш натижасида педагогик қарашлар тизимига дахлдор бўлган атамалар жамғармасининг тасаввур этиш имконияти жуда катта эканлигини қайд этиш лозим. Намуна сифатида "Девони Фоний"даги бир ғазалнинг айрим байтларига назар ташлайлик. У Хоқоний ғазалига татаббу тариқасида юзага келган:

Муаллим ишқу пири ақл шуд тифли дабистонаш,
Фалак дон баҳри таъдиби вай инак чархи гардонаш.

Дабистон бин, муаллимро, ки бошад аз раҳи маъни,
Аносир чор девору равоқи чарх айвонаш.

Ажаб каж-маж забони тифл, ки устоде бад-ин диққат
Ба умре як сабақ омўхтан натвонад осонаш.

Ажабтар он ки баъди умре ар донист, дар соат
Зи лавҳи хотири худ пок шўяд з-оби нисёнаш.

Чй гўи тифл, к-он пири ҳарза даъвои донои,
Расонд он жо, ки гуфтанд аҳли дарду шавқ нодонаш.

Аз он устоду шогирди натижа кай шавад ҳосил,
Ки он шуд нуру ин зулмат, баҳам омехт натвонаш[3].

1 Девони Фоний, 49 қитъа.
2 Таржима бизники – Б.Т.
3 Алишер Навоий. МАТ, Девони Фоний (давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 20-жилд. – Тошкент, Фан, 2003. 299-бет.

Айрим сўз ва бирикмалар маъноси қуйидагича:
Ақл – ақл, тафаккур.
Ба умре – умрида, умр бўйи.
Дабистон – бошланғич мактаб, мактаб, адаб ўргатадиган жой.
Диққат (кардан) – эътибор бермоқ, диққатини қаратмоқ.
Донист – билди.
Дониш – билим.
Донойи – донолик, билимдонлик.
Забони тифл – боланинг тили, нутқи.
Каж-маж – эгри, қинғир, қийшиқ; тили дудуқ (нутқи номукаммал).
Муаллим – муаллим, илм (билим) берувчи.
Тавонистан – уддалаш, уддалай олиш, яъни тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлиш;
Нодон – нодон, билимсиз, жоҳил; аҳмоқ.
Нисён – унутиш, эсдан чиқариш, хотиранинг паст даражаси,
Омўхтан – ўрган(т)моқ, ўргатиш, ўрганиш
Осон – дидактик усуллардан бири "қийин"нинг акси.
Раҳи маънӣ – маъно, маъно йўли.
Таъдиб – адаб бериш, тийиш, тийиб қўйиш.
Тифл – бола.
Устод – устоз.
Сабақ – дарс, машғулот.
Як сабақ – бир марталик дарс.

Ёрнинг ситамкорлиги ҳам таълим-тарбияга бевосита дахлдор бўлган атамалар тизими орқали кўрсатиб берилади.

Ажал аз ҳажри ту мехост, ки қатл омўзад,
Аз паи касби ҳунар жониби устод омад.

Ажал сенинг ҳажрингда қотиллик қилишни ўрганмоқчи эди,
У касб-ҳунар ўрганиш иштиёқида устоз ҳузурига келди.

Мактаб ёшидаги ўқувчининг мактабга бориб-келиш жараёнида (демакки, мактабнинг ўзида эмас!) шўхликлар қилишга ҳаққи бор.

Тифли мактаб шуда пири хирад андар раҳи ишқ,
Шўхи ман жилвакунон, чунки хиромад сўи мактаб.

Ишқ йўлида ақл донишманди гўё мактаб боласидай бўлиб қолди, чунки менинг шўх севгилим мактаб томон чиройли юриш билан келмоқда эди.

Профессор А.Абдуқодиров тўғри таъкидлаганидек, мутафаккир адибнинг "Девони Фоний"сида ҳам "ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий, диний-тасаввуфий, дунёвий-маиший масалалар бадиий тарзда юксак маҳорат билан талқин этилган"[1]. Буни яна айрим мисоллар орқали кузатишимиз мумкин:

Сухан ҳарчанд жонпарвар бувад, хомуш авлотар,
Тариқи авлӣ ар дорӣ нигаҳ, сокит шавӣ Фонӣ.

1 Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий.Ҳаёти ва ижоди. – Хужанд, "Нури маърифат", 2013, 100-бет.

Сўз қанчалик жонга қувват берувчи бўлмасин, сукут (ундан) яхшироқдир: афзаллик йўлини тутмоқчи бўлсанг, Фоний, сукутда бўл.

Навоийнинг ёшларга айтадиган асосий нидоси, муддаоси шундай: – Эй жавон, насиҳати ин пир гўш кун. – Эй ёш (инсон), кексаларнинг ўгитларига қулоқ солгин.

Камолотнинг пиллапояларини босиб ўтиш ҳам тарбия жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ:

Чу Саъдй ар ҳарами васл хоҳй, эй Фонй,
Забон бубанду қадам неҳ, сухан зиёда магўй![1]
Агар Саъдий каби висол ҳарамини истасанг, эй Фоний,
Тилни боғлаган ҳолда қадам ташла, ортиқча сўзларни айтмагин.

Алишер Навоий шахсий истеъдод ва қобилиятни эътироф қилади, алоҳида одамнинг индивидуал хусусиятларга эгалигини кўрсатади. “Садди Искандарий”нинг XXXVII боби “Икки рафиқ ҳикояти”га бағишланган. Улардан бирининг катта ютуқларга эришишини ҳам мутафаккир адиб қобилият билан алоқалантиради:

Не қилғоликим кимга ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

Чу қобил эди, топти беҳад вуқуф
Ки, ҳикматда бўлди жаҳонфайласуф (189-бет).

Бу ҳолат Искандарнинг шахсий фазилатлари саноғида ҳам кўзга ташланади.Уларни шундай гуруҳлаштириш мумкин:

Фавқулодда қобилият қайди:

Қаю ишни таълим қилғон замон,
Эшитмак ҳамон эрди, билмак ҳамон.

Қобилиятга мос ва муносиб ғайрат ва шижоатнинг мавжудлиги:

Билиб бўлмас эрди таваққуф[2] анга,
Қилур эрди турлук тасарруф[3] анга.

Бу янглиғки теъдод[4] бўлди сифот,
Ҳамоно ўн ончани касб этти бот.
Билик касбини қилди то жони бор,
Ҳунар билди ончаки имкони бор.

Фақат ақлий эмас, жисмоний камолотнинг ҳам ёнма-ён давом этгани. Бунда шахсий манфаат эмас, балки эл-юрт манфаатининг ҳам уйғунлаштирилиши. Жисмоний тарбиянинг ранг-баранг шаклларига урғу берилиши:

---

1 (Девони Фоний, 549 ғазал)
2 Таваққуф – тўхташ, тек туриш.
3 Тасарруф – ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш.
4 Теъдод – санаш,

Чу тутти мусаллам[1] камолотин эл,
Диловарлиғ[2] амриға чуст этти бел.
Не ишким сипоҳиға нафъ айлагай
Ки, андин адусини дафъ айлагай.
Гаҳи маркаб узра силаҳшўр[3] эди,
Яёғлиқда гаҳ варзиши зўр эди[13].

Жисмоний ва ақлий тарбиянинг яхлитлиги (бугунги тил билан айтганда комплекс тарбия тизими) натижасининг намоён бўлиши:

Демайким, ўқи очти тори зириҳ[4]
Ки, тори тахайюлдин очти гириҳ[5].
Синони[6] била тикти ахтар кўзин,
Не ахтар кўзин, чархи ахзар[7] кўзин.
Анинг тиғи хорони қилди шикоф
Ки, кемухти ғабродин этти ғилоф.
Камандинки чин-чин қила бошлади,
Фалак қалъаси буржиға тошлади.
Қачон гурзини қилди хоронабард,
Қатиғ хорадин кўкка еткурди гард.
Чу майдон аро зўр расмин тузуб,
Чурук ип каби аждаҳони узуб.
Ва гар ройи бирла бўлуб чорасоз,
Диловарлиғу кучга бўлмай ниёз.
Бори ишда бир ерга етти иши
Ки, мумкин эмас андоқ ўлмоқ киши.

Буларни шундай умумлаштириш имкони мавжуд:

Искандарда туғма қобилият жуда кучли эди. У эшитганларини тасаввур қила олишига кўра ҳам ажралиб турарди.

У ниҳоятда серғайрат, билим олишдан чарчаб, толиб қолмас эди. Эришилган даража билан тўхтаб қолмаслик Искандардаги асосий фазилатлардан бири бўлган. Шунинг учун ҳам билимини турли йўллар билан эгаллашдан чарчамас эди.

Алишер Навоий Искандар воситасида билим ва ҳунарнинг омухта тарзда ўзлаштирилишини маъқуллайди. Шунинг учун ҳам Искандарнинг ҳунар олишга бўлган иштиёқини алоҳида таъкидлайди. (Бу ҳолатни Фарҳоднинг болалиги тасвирида янада кучлироқ тарзда тасаввур этиш имкони бор).

Алишер Навоий ақлий ва жисмоний тарбиянинг бир-биридан ажратиб қўйилишиини эмас, балки уларнинг омухталигини олқишлайди. Шунинг учун ҳам Искандарнинг жисмоний машқларига алоҳида урғу беради. Диловарлиғ – “ботирлик”, “қаҳрамонлик” деган маъ-

1 Мусаллам – таслим бўлган, тобе бўлган; бўйсундирган.
2 Диловарлиғ – ботирлик, қаҳрамонлик.
3 Силаҳшўр – қурол ушлашга моҳир, ботир жангчи.
4 Зириҳ – зирҳ, совут, темир кийим
5 Гириҳ – тугун, чигил; мушкуллик, қийинчилик.
6 Синон – найза, найза учи.
7 Ахзар – кўк, яшил, сабзаранг.

нони англатади. Искандар энди аскар бўлишга, ҳарбий иш сиру-асрорларини билишга ҳам киришади. Мана шу касб-ҳунар тақазо этадиган барча машқларни адо эта бошлайди.

Не ишким сипоҳиға нафъ айлагай
Ки, андин адусини дафъ айлагай.

Тасаввурларни ойдинлаштириш учун Навоий мана шу “не иш”ларни санаб кўрсатади. Булар: улов устида туриб қурол ишлатиш, пиёда аскар қилиши лозим бўлган машқларни бажариш, камондан ўқ отиш, найзабозлик, ёйандозлик, гурзини ишлата билиш, кураш ва б.

Адиб яна туғма истеъдодни алоҳида урғулайди. Усиз инсон камолотининг бўлишини тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлайди:

Бори ишда бир ерга етти иши
Ки, мумкин эмас андоқ ўлмоқ киши.

Истеъдод ва қобилият парваришга муҳтож бўлади. Айни мана шу ақида мутафаккир адибнинг кўплаб асарларида турли шакл ва кўринишларда қайта-қайта таъкидланади. Бу бежиз эмас, зеро, парваришсиз қолган истеъдод (эгаси) увол бўлиши мумкин. “Қобилға тарбият қилмамоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият – ҳайф. Ани адами тарбият била зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зоеъ қилма. Қитъа:

Қобилға тарбият эрур ул навъким, гуҳар
Тушса нажосат ичра юғай ани кимса пок.
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,
Бу тарбият ила қила олғайму ани ток”.

Қобилиятли одам озгина эътибор ва парвариш билан ўзининг асл имкониятларини кўрсата олади. Ахир, гавҳар сингари қимматбаҳо тош ножоиз нарсалар ичига тушиб қолгудек бўлса, киши уни ювиш билан у яна пок ва покиза бўлади. Аммо итузумга қанчалик парвариш бўлмасин, ундан узум берадиган ток пайдо бўлмайди-ку! Ўрни келганда эслатиш жоизки, замонавий психология фани ҳам “бой имкониятлар бўлишига қарамасдан, қобилиятларнинг ривожланиши учун ноқулай шароитларда потенциал имкониятларнинг амалга ошмай қолиши мумкин”лигини эътироф этади[1].

1 Педагогическая психология. Под ред. Н.Ю.Кулагиной. – М.: “Творческий центр”, 2008, с. 56

4. НАВОИЙ ЁД ОЛИШ ҲАҚИДА

Алишер Навоий ўзининг адабий-педагогик қарашларини ифодалашда халқ оғзаки ижоди, халқ мақоллари, афсона ва ривоятларига тез-тез мурожаат этади. Бутун инсоният тарихини варақлаш баҳонасида инсоннинг айрим ҳаракатлари, урф-одатларнинг пайдо бўлиши ва амалиётидаги назарий, фалсафий, диний-амалий асосларни ўрганади. Уларнинг китобга кииритилишида алоҳида тарбиявий имкониятларни кўради. Жумладан, инсонларнинг дафн этилишига орид тажрибаларнинг ўзлаштирилишида инсониятга ҳайвонот оламидаги бир андоза намуна ўрнида кўрсатилади:

Қобил хусумат жиҳатидин Ҳобилдек қариндошиким, сабури жамол ва маънавий камол била ороста эрди ва Одам а. с. ани бағоят севар эрди, ҳалок қилиб, Одамни анинг фироқида мубтало қилди...Ики малакни ики қарға сурати била Қобил қошиға йибордиким, бир-бири била урушуб, бири яна бирин ўлтурди ва қотил қарға ерни тирнаб, минқори била қозиб, мақтулни дафн қилди. Қобил дағи бу таълимни олғоч, Ҳобилни гўр қазиб, дафн қилдиким, бори таоло Қобил тилидинким, «Аъ-жазту ан акуна мисли ҳазал ғуроби»[6] каримасин адо қилур. (76)

Олим Алишер Навоий муайян мулоҳазаларни билдиришда турли-туман шакл ва усулларга мурожаат этди. Жумладан, афсонавий ҳолатлар баёнида у тегишли манбаларни тилга олади. Шу йўл билан ҳодисанинг асл моҳиятидан хабардорлик сингари муҳим бир нутқий актнинг ўзига тегишли эмаслигини қайд этади, иккинчи томондан эса, бу ахборотнинг асл манбаини кўрсатиб ҳам ўтади. Масалан, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да: “Ва тарихи Жаъфарийда битибдурким, анинг замонида Сувод мулкида бир аждаҳо пайдо бўлуб, халойиққа кўб нуқсонлар еткурди. Ануш бориб, ул аждаҳони Одам а. с. биҳиштдин чиқарғон асо била ўлтурди. Дедиларким, Мусо а. с.ға теккон ҳамул асодур”.(77)

Бу ерда эътиборимизни тортадиган фактлар қуйидагилардан иборат:

Сувод мулкида бир аждаҳо пайдо бўлуб, халойиққа кўб зарарлар келтирган.

Ануш бориб, ўша аждаҳони ўлдирган.

Аждаҳони ўлдиришда асо – ҳассадан фойдаланган.

Бу ҳасса Одам Атога тегишли бўлган.

Одам Ато бу ҳассани жаннатдан олиб келган эди.

Мусо а. с.ға теккон машҳур сеҳрли ҳасса ана ўша ҳассадир.

Агар бу мулоҳазаларнинг барчаси Навоийнинг ўз тилидан баён этилганида эди, китобхонда кўплаб саволлар пайдо бўлар эди. Ҳозирга ҳолатда бу саволларга ўрин қолган эмас, Зеро, жавоб матнда жуда очиқ ва аниқ тарзда акс этган: “тарихи Жаъфарийда битибдур” дейилган таъкид мана шу эътироз ва саволларнинг барчасига чек қўйган. “Дедиларким”ифодаси эса охирги мулоҳазанинг бошқалардан эшитилгани ҳақидаги далолатдир.

Китобда ёзув тарихига оид айрим қайд ва ишоралар ҳам алоҳида маърифий аҳмият касб этади: “Идрис а. с. сурёний пайғамбардур. Отаси Язид замонида бутпарастлиқ шойъе бўлди. Анга ваҳй келдиким, ул элга бутпарастликдин манъ қилғай. Черик тортиб, кўп жиҳод қилиб, Қобил авлодинким, бутпарастлиқ қилур эрдилар, қатл ва асир қилиб, ғазв ва жиҳод қоидасин ул ароға киюрди. Ва ани (Идрис а. с.ни – Д.Т.) халқ мусалласун-наъма дейдиларким, учунчи пайғамбар ва учунчи ҳаким ва учунчи подшоҳ эрди. Юнон аҳли ақидаси будурким, Ҳурмис ҳаким улдур. Хат ва нужум илмини ул пайдо қилди” (78).

Алишер Навоий асарларида айрим педагогик атамалар ҳам ўз аксини топган:

Дарс – бошқалар онгига етказиладиган маълумотлар;

... Ва ани Идрис дарс кўп айтурдин дебдурларким, ниҳоятдин кўпрак шогирди бор эрди (78).

Дарс айтмоқ – талаба ёки шогирдларга майян фан ёки мавзу юзасидан тегишли билимларни бериш ёхуд муайян кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида сабоқ бериш.

Шогирд – ўз билими, кўникма ҳамда малакаларини орттириш учун устоз сабоқларидан баҳраманд бўлишга интилаётган ўқувчи, талабгор. (Т.а.ҳ.78).

Хат – (Т.а.ҳ.78).

Ибрий тили – иброний тили. Ибрий тил била они Обир дебдурлар. Ибрий Обирдин муштақдур (Т.а.ҳ.81).

Илми нужум – (Т.а.ҳ.78).

Луғат – сўзлар, тил, муайян қавм, халқ к миллатга дахлдор бўлган сўзлар мажмуи, тил. Ҳомни ҳам баъзи пайғамбар дебдурлар. Аммо чун Нуҳ а. с. анга Ҳинд мамоликин муқаррар қилиб, ул навоҳийға юборди, Ҳомнинг авлоди ул васиъ мулкда ёйилдилар. Ва анинг тўқуз ўғли бор эрди: Ҳинд, Синд, Нуба, Канъон, Куш, Қибт, Барбар, Риҳ, Ҳабаш. Ва бу тўқуз кишининг авлоди кўп бўлди ва ароларида ўн секиз луғат пайдо бўлдиким, бири яна бирининг луғатин яхши англамаслар эрди. Баъзи дебдурларким, бу жиҳатдин ҳар луғат аҳли бир мулкка мутафарриқ бўлдилар" (Т.а.ҳ.80).

Музаҳҳиб – Собеъ анинг ўғли эрдиким, ҳоло бир машҳур музаҳҳиблари бор (Т.а.ҳ.78).

Бу ерда ёзув тарихига, шунунингдек, астрономия ва астрология фанларининг тарихига оид ўн бешинчи аср кишиларига хос тасаввур акс этган. Муҳими, ёзувнинг пайдо бўлишидаги айрим тахминлар ("дейдиларким" сўзига эътибор беринг) кўрсатилган.

Асарда тингловчиларнингсонига оид айрим қадлар ҳам мавжуд. Жумладан, Идрис пайғамбар мисолида эшитувчилрнинг сони сифатида 80 рақами кўрсатилган. Бу катта издиҳомлардаги айрим чегаралардан бири сифатида қабул қилиниши мумкин. Бундан ортиқча иштирокчилар учун воизни эшитиш муаммоси пайдо бўлади, яъни сабоқ самараси пасаяди ёки бутунлай йўққа чиқиш эҳтимоли ҳам пайдо бўлади: "Нуҳ бинни Малик бинни Матушлах бинни Идрис пайғамбари мурсалдур ва Бахиюллоҳ анинг лақабидур. Баъзи қирқ ёштин сўнгра, баъзи эллик ёштин сўнгра дебдурларки, анга ваҳй нозил бўлди. Ва анинг замонида олам халойиқи бутпараст бўлуб эрдилар Тўқуз юз эллик йил элни ўз диниға даъват қилди. *Сексон кишидин ортуқ қабул қилмадилар*" (Т.а.ҳ.79).

"Тарихи анбиё ва ҳукамо"да нарса ва ҳодисаларга ном бериш тарихи ва тамойили ҳақида ҳам ажойиб қайдлар мавжуд. Жумладан, айрим номлар шу ерда мавжуд бўлган, ўша ернинг бино этилиши, ривожланишига улуш қўшган кишлар номи билан аталишига ишорни ўқиймиз: "Чун Ёфас Хито мулкида мутамаккин бўлди, бу ўғлонлариға ҳар ерники берди, ул ерни ул ўғли оти била атадилар" (Т.а.ҳ.80).

Ана шу тамойил асосида ёндашиладиган бўлса ҳозир мавжуд бўлган кўплаб шаҳар ва мамлакатлар этимологиясига ҳам аниқлик киритиш мумкин бўлиб қолади. Бу сирага Хуросон, Ироқ, Кирмон, Макрон, Форс, Паҳл, Озарбайжон, Арон, Арман, Од, Самуд, Шом, Рум ва б.ни киритиш мумкин: "Хуросон ва Мисол анинг ўғлонларидурлар. Ироқ Хуросон ўғлидур. Ва Кирмон ва Макрон Мисол ўғлонлари. Ва учунчи ўғли Асва-дурким, Аҳвоз ва Паҳлу анинг ўғлонларидур. Ва Форс Паҳлунинг ўғлидур. Ва тўртинчи ўғли Будаздурким, Озарбайжон ва Арон ва Арман ва Фаръон анинг ўғлонларидурлар. Ва бешинчи ўғли Овадурким, Од ва Самуд қавми анинг наслидиндурлар. Ва олтинчи ўғли Сағрдурким, Шом ва Рум анинг ўғлонларидурлар". (Т.а.ҳ.80).

Ўтмишда қиссахонлар, ровийлар, воизларнинг жамият ҳаётида катта ўрин тутганлиги

яхши маълум. Бу ўлкада шоҳномахонлик, яссавийхонлик, саъдийхонлик, ҳофизхонлик, бедилхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик йиғинлари кенг тус олган. Мактабларда диний асарлар, айниқса, Қуръонни ифодали ўқиш, унинг маъноларини англаб етиш билан бир қаторда айрим асарларнинг матни, маъноси, ҳар бир сўзнинг изоҳи, бадиий асарни тушунтиришга оид машқлар устида жиддий ишланган. Бадиий асарларга шарҳлар битиш анъана тусини олган.

Мактаб ва мадрасаларда араб, форс ва туркий тилларидаги бадиий асарларни ўқиш ҳам таомилда бўлган. Уларда жуда эрта ёшдан Шарқнинг машҳур классиклари – Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Фузулий, Навоий, Бедил асарлари билан танишиш имконлари яратилган.

Исломдаги илмга нисбатан катта ва жиддий эътиборинг мунтазамлиги ҳам таълим-тарбиянинг ўзига хос тарзда ривожланишига имконият яратди. Жумладан, ҳадиси шарифларда бу ҳақда шундай мулоҳазаларни кўришимиз мумкин:«Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, Чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир»[1].

«Садақанинг афзали мўмин кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мўмин биродарларига ҳам ўргатишидир»[2].

«Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади»[3].

«Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир»[4].

А.Навоий фақат сўз санъатининг буюк намояндаси, оламшумул аҳамиятга молик бўлган ижодкоргина эмас, таълим-тарбия соҳасида жиддий фикрларни билдирган, бу соҳада назарий фикрларни айтиш билан чекланмасдан, катта ҳажмдаги амалий фаолият билан шуғулланган беназир мутафаккир ҳамдир.

«Маҳбуб ул - қулуб» асарида билим олиб мустақил мушоҳада юрита олмайдиган инсонни «устига китоб ортилган эшак»ка қиёслайди ва «нодон» деб атайди. Шунингдек, улуғ шоир асарида ўқувчини чиройли ёзувни, ёзма нутқ малакасини эгаллашга ундайди. У ёд олиш усулининг имконият ва афзалликларини тарғиб қилди. Жумладан, Фарҳод ҳақида гапириб:

Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.
Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори, –

деган мисраларни битади.«Лайли ва Мажнун» достонида эса матндаги сўзлар маъносини англаб ўқишни улуғлайди:

Кун бор эдиким беш-ўн сабақни
Англаб эвурур эрди варақни.

Ўзининг устози ва дўсти Паҳлавон Муҳаммадни ҳам «маснавий ва қасида ва ғазал ва ҳар синф шеърдин хўб ва кўп ёдида»[5] бўлганлигини ифтихор билан эслайди. Навоийнинг ўзи

1 Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990,32-бет.
2 Ўша китоб, 36-бет.
3 Уша китоб, 104-бет.
4 Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн бешинчи том., Тошкент, Фан, 1999,111-бет.
5 Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн бешинчи том., Тошкент, Фан, 1999,111-бет.

ҳам бу борада бошқаларга намуна эди. Адиб «Муҳокамат ул-луғатайн»да шундай эътироф этади: «йигитлигим замони ва шабоб айёми айвонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин **абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутупмен** ва алар завқу хушҳоллиғидин ўзумни овутупмен...»[1].

"Насойим ул-муҳаббат"да мана шундай ўткир хотира эгаларидан яна бири тилга олинади:Абу Исмоил Абдуллоҳ ибни Абулмансур Муҳаммад Ансорий Ҳиравий (1006, Ҳирот – 1088) – форс-тожик шоири, муфассир, фақиҳ, тасаввуф шайхи. У "Пири Ҳирот", "Шайхулислом" номлари билан катта шуҳрат қозонган. "Насойим ул-муҳаббат"да ўз тилидан берилган маълумотга кўра, тўрт ёшида мактабга боради. 9 ёшида Абу Мансур ва Жорузий асрларини кўчиради. 14 ёшидан илмий давраларда иштирок этади. Мактаб таҳсили даврида шеър ҳам ёза бошлаган. Араб ва форс шеъриятидан 100 минг байт шеър, ровийлар силсиласи билан бирга 300 минг ҳадис ёд билган[2].

Навоийнинг ўзи айрим сўзларни изоҳлаш, тушунтириш асар, хусусан, шеърий асарлар мазмунини тушунишдаги асосий калит деб билади. Ўзи бунинг гўзал намуналарини беради.

Навоийнинг ўқитувчи ҳақидаги қарашлари ҳам ибратлидир. У «Маҳбуб ул-қулуб»да «Мударрислар зикрида» деган алоҳида фасл ажратган. Унда мударрис «ўзи билмаган илмни айтурға муртакиб бўлмаса», дейди. Шогирдларнинг эса устодлар олдида ҳар доим бурчдор эканлигини («Дабиристон аҳли зикрида» фасли) таъкидлайди: «Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устод андин розидур – тенгри розидур.

Байт:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила»[3].

Адибнинг шеър ва шеърият, назм ва наср, айрим адибларнинг ижодкорлиги борасидаги фикрлари ҳам адабий таълим билан бевосита алоқадордир.

"Мажолис ун-нафоис"да эса буюк Амир Темурнинг шеърларни ёддан ўқишига ишоралар мавжуд: «Т е м у р К ў р а г о н – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор».[4]

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Футувватномаи султоний" номли рисоласида ёд олишнинг субъектив ҳамда объектив алоқадорлиги, ёд олишнинг ўзига хос томонларига оид қуйидаги фикрлар ҳам эътиборли. Хусусан, Кошифий шеърхонлик (ғазалхонлик)нинг олтита одоби борлигини таъкидлайди:

1. Шеърни оҳанг билан ўқимоқлик.
2. Сўзни эшитувчилар қалбига жойлаш.
3. Тушуниш мушкул байтлар мазмунини изоҳлаб бериш.
4. Эшитувчига малол келадиган иш қилмаслик.
5. Гадойлик қилмаслик ва муболағали қасамлар ичмаслик.
6. Ўқилган шеърнинг муаллифи номини тилга олиб дуо қилмоқлик.[5]

1 Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луҚатайн. – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн олтинчи том., Тошкент, Фан, 1999, 32-бет.

2Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. – Тошкент, Шарқ, 2016, 34-бет.

3 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.- . – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн тўртинчи том., Тошкент, Фан, 1998,28-бет.

4 Алишер Навоий. Мажолис ул-нафоис.- . – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн учинчи том., Тошкент, Фан, 1997, 163-бет.

5 Ҳусайн Воиз Кошифий, Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати, Форс-тожик тилидан Н.Комилов

Алишер Навоий ёд олишнинг алоҳида иқтидор экани ва унинг инсон маънавий камолотида, қобилияти ривожида муҳим омил эканига ўз асарларида махсус эътибор қаратади. Хусусан, “Насойим ул-муҳаббат”да форс-тожитк шоири, муфассир, фақиҳ, тасаввуф шайхи Абу Исмоил Абдуллоҳ ибни Абулмансур муҳаммад Ансорий Ҳиравий (1006, Ҳирот – 1088) ҳақида маълумот бера туриб мазкур жиҳатга урғу беради. У “Пири Ҳирот”, “Шайхулислом” номлари билан катта шуҳрат қозонган зот. “Насойим ул-муҳаббат”да ўз тилидан берилган маълумотга кўра, тўрт ёшида мактабга боради, 9 ёшида Абу Мансур ва Жорузий асрларини кўчиради. 14 ёшидан илмий давраларда иштирок этади, мактаб таҳсили даврида шеър ҳам ёза бошлаган. Араб ва форс шеъриятидан 100 минг байт шеър, ровийлар силсиласи билан бирга 300 минг ҳадис ёд билган[1].

Алишер Навоийнинг мактаб, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари фавқулодда катта аҳамиятга эга. Ўрни-ўрни билан эса адибнинг бевосита адабий таълимга оид фикрлари ҳам мавжуд. Жумладан, Навоий ўқувчиларнинг саводхонлиги, уларнинг дунёқараши, нутқларининг равон бўлиши учун назмий ҳамда насрий асарларнинг ўқитилишини қайд этади:

Ёдимда мундоқ келур бу можаро,
Ким туфулият чоғи мактаб аро,
Ким чекар атфоли марҳум забун,
Ҳар тарафдин бир сабақ забтиға ун.
Эмгонурлар чун сабақ озоридин,
Ё каломуллоҳнинг такроридин.
Истабон ташхис хотир устод,
Назм ўқитурким равон ўлсун савод.
Бу «Гулистон» янглиғ, ул «Бўстон».
Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,
«Мантиқ ут-тайр» айлаб эрди мултамас.

Ўқувчилар нутқининг равонлашиши учун шеърий асарларга алоҳида этибор берилган.

Насрий асарларнинг эса дидактик мазмуни, айниқса, уларнинг тарбиявий жиҳатлари, матнларнинг бевосита таълим ва тарбияга алоқадорлиги устувор мавқе қозонган. Шунинг учун ҳам Саъдий асарлари дарслик ёки ўқув қўлланмаси вазифасини адо этган.

Демак, мактаб таълимининг илк давриданоқ бир эмас, бир неча ўқув предметларини ўрганиш кўзда тутилган.

Қуръони каримни ўрганиш талим тизимининг дастлабки қисмлари билан бевосита боғлиқ бўлган.

Таълим-тарбия жараёнида болаларнинг руҳий тайёргарлиги ва мавжуд ҳолатларига алоҳида эътибор берилган.

Алишер Фаридиддин асарини ўқувчилик пайтидаёқ қунт билан ўрганган.

таржимаси. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. Б.81.

1 Алишер Навоий. Қомусий луғат. Биринчи жилд. – Тошкент, Шарқ, 2016, 34-бет.

5. НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Алишер Навоий ҳаётда доно, билимдон, талабчан, ишбилармон, ташаббускор, меҳрибон, қатъиятли, саховатпеша ва инсонпарвар киши бўлган. Хусусан, у кишининг камтарлигига чеку чегара бўлган эмас. Мулоҳазаларимизни адибнинг хаманавис ижодкорларга бўлган муносабатларининг бир лавҳаси воситасида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Алишер Навоий асарларининг кўпида хамсанавислар алоҳида меҳр ва муҳаббат билан тилга олинади. Бу сирага “Хамса” достонларининг ўзи ҳам киради. Уларнинг барчасида улар учун алоҳида боблар бағишланган. “Ҳайрат ул-аброр”нинг XII боби Низомий Ганжавий ва Амири Хисрав Деҳлавий таърифига, XIII боби эса Нуриддин Абдураҳмон Жомий васфига бағишланган. Жомий ва Навоий орасидаги дўстлик, аслида, ижодий ҳамкорликнинг олий намунаси эди. Зеро:

Номағаким роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.

Яъни Абдураҳмон Жомий ёзган янги асарларининг биринчи ўқувчиси Алишер Навоий бўлган. Бу ерда ҳурмат ва илтифот ҳам, ўзаро назардан ўтказиш ва тегишли баҳони эшитишга иштиёқ ҳам гўзал тарзда мужассамлашган. Бу яқинлшик ва илтифот Навоий томонидан жуда юксак даражада қадрланган: Қуёш нурлари дастлаб юксакликларга, табиийки тоғларга тушади. Тоғнинг асосий таркибий қисми тупроқдан иборат:

Меҳр тулуъ айлади чун тоғ уза,
Тушти бурун партави туфроғ уза.

Бу ерда “Меҳр (Қуёш)” ва “туфроқ” мафҳумларига изоҳ бериш шарт эмас. Аммо “меҳр” нинг осмоннинг тепасида, “туфроғ”нинг оёқнинг остида эканлиги, “меҳр”дан мурод устоз – Абдураҳмон Жомий, “туфроқ” дейилганда эса шогирд – Алишер Навоийнинг ўзи тушунилаётгани шоёни таҳсиндир.

Бу силсила давом этади. Энди ўхшатишлар янада аниқроқ, янада таъсирлироқ ҳодисалар оламидан олинади:

Гулбун уза ҳарне гул очти чаман.
Аввал анинг ҳамдами бўлди тикан.

Ушбу бобнинг якунловчи қисмида юқоридаги оҳангларнинг такрори кузатилди. Аммо бу оҳанглар энди яна бир парда кўтарилган ҳолати билан эътиборга моликдир. Агар юқорида Жомий – Навоий иккилиги ҳақида гап борган бўлса, энди бу силсилага Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийлар ҳам қўшилади:

Мушкка ҳаргиз теридин ор эмас,
Лаълға ҳам хорадин озор эмас.
Боғи аносирки, эрур дилкушой,
Жадвали девори анинг чордой.
Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир,

Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир.
Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтнниг доғи бозори бор.
Бўлса хазу атласу иксун либос,
Ит жули қилмоққа ярар ҳам палос.
Лаъл ила ёқуту дур истар баҳо,
Лек сомонники чекар каҳрабо.
Уч қадаҳи соф ила шаҳ бўлса хуш,
Лойи доғи қолса чекар дурдкаш.
Ит киби чун пастлиғим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипига боғладим.
Бўлса алар озими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам,
Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиуҳум калбуҳум.

Бу ташбеҳлар силсиласини жадвал ҳолида шундай тасаввур қилиш мумкин:

Низомий	Деҳлавий	Жомий	Навоий
мушк	мушк	мушк	тери
лаъл	лаъл	лаъл	хора
ўт	сув	ҳаво	туфроқ
сарв	гул	лола	ўтун
хаз	атлас	иксун	ит жули
лаъл	ёқут	дур	сомон
уч қадаҳи соф	уч қадаҳи соф	уч қадаҳи соф	қадаҳ тубидаги қуйқа (лой)

Бундай мисоллар Навоий шахсиятига хос бўлган камтарлик ва камсуқумликнинг адиб учун ҳаёт тарзига айланганини, ана шунинг учун ҳам бу ҳолат ва ҳодисалар тасвирининг кўплаб илмий ва бадиий асарларида ўзига хос тарздаги ифодаси табиий ва қонуний натижа сифатида баҳоланиши мумкин. Шу маънода Алишер Навоий “Хамса”си бадиий қомус бўлиш билан бирга, таълим-тарбия масалалари учун ҳам муҳим манба саналади.

“Фарҳод ва Ширин”даги якунловчи боблардан бири “султонзодаи олам Абулфаворис Шоҳғариб Баҳодир халлада давлатуҳу мадҳи”га бағишланган. Биз учун муҳим бўлган ҳолат шундаки, унда таълим-тарбия, илм ва унга муносабат борасидаги мулоҳазалар ўзига хос тарздаги ифодасини топган.

Муаллиф дастлаб унинг нутқига (“Такаллум вақти дарёйи фасоҳат”) эътибор қаратади. Шоҳғариб ва Ҳусайн Бойқаро нутқидаги яқинлик алоҳида қайд этилади (“Фасоҳат бобида шаҳға қариб ул”). Бунда нутқ равонлиги, ҳар қандай маънони ифодалашдаги оқилона ёндашувлар, бундай хислатларнинг “кичик ёшдин” намоён бўлиб боргани, худди шу омилнинг ёш шаҳзодага “улуғларнинг улуғи”, камолининг “қуёшдан ортуғроқ” бўлиши учун имкон яратгани кўсатилди.

Булардан чиқарилган хулоса ҳам ўзига хос ва бетакрордир:

Қуёшлиқ истасанг касби камол эт,
Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

Бу ердаги баркамолликка даъват бежиз эмас. Бунда бўлиши мумкин бўлган нохуш ва ноқулай натижаларнинг олди олинади:

Киши таълимдин топса малолат,
Топар илм аҳли оллинда хижолат.

Навоийнинг асосий истаги, ўз орзуси шундай акс этган:

Киши фарзан аввону[1] золим ўлса,
Ва лекин нуктадону[2] олим ўлса.
Бировким қилса олимларға таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.

Бу ерда адиб яна ўзининг синовдан ўтган шакл – фикр исботи учун қўшимча далил келтириш усулига мурожаат этади:

Ҳадис ўлмиш набийдин бўйла ҳодис
Ки, олим келди пайғамбарға ворис.

Илм тарғиби бу ерда ҳам янада устуворлик касб этиб боради. Энди илм ва шоҳлик мутаносиблиги ва алоқадорлигига эътибор қаратилади:

Шаҳеким, илм нурин топти зоти,
Анинг то ҳашр[3] қолди яхши оти.

Бунинг ҳам исботи тайёр. Унинг биринчиси Искандардир:

Сикандар топти чун илм-у ҳунарни,
Не янглиғ олди кўргил баҳр-у барни.
Анингдек салтанат аҳли кўп эрди,
Қаю бирга бу навъ иш даст берди.
Ики минг йил ўтуб юз минг хирадманд,
Бўлуб ҳикматлари бирла баруманд.

Аммо ундан кўра ҳам яқинроқ ва машҳурроқ бошқа бир мисол ҳам бор. Бу бевосита темурийлар авлодига мансуб Мирзо Улуғбекдир:

Темурхон[3] наслидин султон Улуғбек[4]
Ки, олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод
Ки, давр аҳли биридин айламас ёд.
Валек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи оллинда бўлди осмон паст.

1 Аввон – золим, халққа озор берувчи, ситамгар (бу сўз матнда битта “в” билан ёзилган. Аслида иккита “в” билан берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда байтнинг вазн оҳанги тўғри ўқилади. Акс ҳолда вазнда қусур пайдо бўлиб қолади.
2 Нуктадон – нозикфаҳм, доно.
3 Ҳашр –

Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний
Ки, андин ёзди «Зижи Кўрагоний»[5].
Қиёматға дегинча аҳли айём,
Ёзорлар онинг аҳкомидин аҳком.

Ана энди умумий хулосани чиқариш мумкин. Адибнинг назарида билим ҳар қандай одамга зийнат бўла олади. Агар у шоҳларда бўлса-чи?

Билик гарчи кўрунур кўзга зийнат,
Вале шаҳларға бордур ўзга зийнат.
Вагар илм ичра бўлмай бирга қонеъ,
Баридин баҳравар бўлсанг не монеъ.

Алишер Навоий билимларнинг таснифига алоҳида эътибор беради. Бу тасниф уларнинг кетма-кетлигини тасаввур этиш учун имкон беради:

Гузар қил ҳар неча илм ўлса ҳосил,
Чу дин илмиға етсанг айла манзил.

Илми динга тушаётган урғу бежиз эмас. Гап шундаки илмул яқининсонни янги ва юқори мартабаларга элтучи воситадир. У айнул яқин ҳамда ҳаққул яқин силсиласидаги муҳим бўғин бўлади.

Шаҳ улдурким, шиори илми диндур,
Нединким илми дин илм ул-яқиндур[6].

Адиб ўзаги дин бўлгани ҳолда ундан тармоқланадиган бир қатор йўналишларни қайд этади:

Улум ичра ўқусунг юз туман фасл,
Тамоми фаръу, дин илми эрур асл.

Буларнинг энг муҳимлари “фиққу ҳадису сўнгра тафсир”дир. Ушбу саноқ давомида “тиб-бу ҳикмат” келади. Бу илмларни билишнинг ҳаётий зарурияти мавжуд. Шоир уни шундай изоҳлайди:

Қаю жисмеки онинг сиҳҳати йўқ,
Қилурға Тенгри амрин қуввати йўқ.
Бировким пахта бирла сувни ютқай,
Ўзунг деким, не янглиғ рўза тутқай...
Рўйхтни тарих фани давом эттиради.
Равон тарих сори рағбат айла,
Салотин бирла азми суҳбат айла.

6. “МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” НАВОИЙ ДИДАКТИК ҚАРАШЛАРИНИНГ УМУМЛАШМАСИ СИФАТИДА

Алишер Навоий бу асарини ҳам Оллоҳга ҳамд ва пайғамбарга наът билан бошлайди. Мана шу анъанавий ҳамдда ҳам адиб ўзининг ўткир қалмидаги куч ва қудратни яна бир марта такроран кўрсата олади. Яъниушбу анъанавий ҳамд ҳам мутлақо янги ва яхши сўзлар тизими билан адо этилади. Намуна учун адибнинг фақат насрий асарлари муқаддималаридаги айрим намуналарни ёнма-ён келтирайлик:

Муҳокамат ул-луғатайн	Муножот	Мезон ул-авзон
Субҳоналлоҳ не қудрати комиладурким, инсонни «Хаммарту тийната одама бияди арбаъина сабоҳан»[3] каримаси мазмуни бирла «аллам аласмоа куллаҳа!»[4] қобилияти берди ва ани «ал-мутакаллим» исми маҳзари қилди. Ва то ул бу мазҳарият шарафидин жамиъи махлуқотқа сарафроз бўлди ва бу ташриф била борисидин имтиёз топти	БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ Зиҳи исминг азим, раҳмонлиғу раҳимлиғинг – вожибут-таъзим. Исм – сенинг исминг ва раҳмонлиқ ва раҳимлиқ – сенинг қисминг, сен – ганж ва офариниш – тилисминг. Исминг жамъи сифоти – асмои ҳусно, раҳмонлиғ ва раҳимлиғингга юз минг ҳамду сано. Раҳим ҳам сен, раҳмон ҳам сен, азим ҳам сен, субҳон ҳам сен. Субҳоналлоҳ, не кибриёву азаматдурким, сендин ўзгага вужуд итлоқи бўҳтон ва туҳматдур. Зотинг – қайюми барҳақ, вужудунг боқийи мутлақ. Сендин ўзга мавжуд кўрунганлар намуди бенамуд, балки нобуду номавжуд, вужуд ва мавжуддин сен мақсуд. Таоло шаънука ва амма эҳсонука ва ло илоҳа ғайрука. Ё вадуд ва Маъбуди вожиб ул-вужуд[1]. ҲАМД. Илоҳи, азамат ва жабарут[2] сенинг шаънингдадур ва мулку малакут[3] – сенинг ҳукму фармонингда, азалиятингга бидоят йўқ ва абадиятингга ҳадду ниҳоят йўқ. Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфроғ – сенинг ҳамдингга зокир ва сипеҳр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ – сенинг неъматингга шокир. Жамолиятинг бўстонида секиз учмоқ – бир райҳони дилнавоз ва жалолиятинг зиндонида етти тамуғ – бир самуми жонгудоз. Ҳашаматинг боргоҳида бир шамма – меҳри мунир ва санъатинг коргоҳида бир лавҳа – сипеҳри асир. Юз бу оламча мавжуд этай десанг, «кун фаякун»[4] иборати анга кофий ва минг онча маъдум этай десанг, «ҳабоан мансуро»[5] ишорати анга вофий. Ваҳдоният сифатида шарику вазирдин мубарро ва фардоният сийратида волиду валаддин муарро. Илминг дарёсидин ҳар гавҳар нужум дураридин покроқ, мулкунг саҳросидин ҳар лола қуёш машъалидин оташнокроқ. Бемонандлиғингга «лайсака мислихи шайъун»[6] гувоҳи содиқ, бепайвандлиғингга «лам ялид ва лам юлад»[7] далили мувофиқ. Ҳар негаким ташбиҳ қилинсаўхшамассен, яхши боқилса ул сандин дурур ва сен ул эмассен. Ҳамдингда такаллум аҳли тили қосир, сипосингда мутакаллимлар ажздин мутаҳаййир. Бу бобда «лонуҳси саноан алайка»[8] мазкур бўлур, ҳар неча балоғат лофин урган дам урмаса, маъзур бўлур.	Комил ҳамд ва вофир шукр ул сониъғаким инсон хилқати байтининг назмин аносир тўрт рукни била тузди ва бу байт арконин назм аҳлининг солим табъ ва мустақим зеҳни икки мисраи била манзум кўргузди. Ва жадид наът ва қариб дуруд ул нозимгаким, олам аҳли интизоми учун шариат мезонини адл авзони била рост келтурди, то ул ростлик сиқли ҳашр мезониға мадад еткурди.

Ўзини “фуқаронинг гадойи ва ғароиб мастура (ажабланарли парда ичидаги [нозик маъноли сўз])ларнинг чеҳракушойи деб таништирар экан, “мундоқ арз қилур ва адосин ўзига фарз” деб билиб “шабоб авонининг бидоятидин куҳулат замонининг ниҳоятиғача”, яъни бутун умри давомида кўрганларини “даврон воқеотидин ва сипеҳри гардон ҳодисотидин ва даҳри фитнангиз буқаламунлуғидин ва замонаи рангомиз гуногунлиғидин муддати ма-

дид ва аҳди баид ҳар навъ шиқ (қисм, бўлак) ва суратда ақдом урдум ва ҳар тавр сулук ва кисватда югурдум ва ўзумни яхши-ямон хизмат ва суҳбатиға еткурдим. Гоҳ мазаллат ва ано вайронида шеван кўргуздум ва гоҳ иззат [ва] ғино бўстонида анжуман туздум" тарзида ифодалайди. Яна ўқиймиз:

М а с н а в и й:

Гаҳе топдим фалакдин нотавонлиқ,
Гоҳе кўрдим замондин комронлиқ,
Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

Булар асар қаҳрамонининг аччиқ қисматига алоқадор бўлган эътирофлар. "Фалакдан нотавонлиқ топмоқ" – тақдирнинг ҳукми олдида ожиз қолмоқдир. Бу кўнгил истаклари билан реал ҳаёт ўртасидаги зиддиятларнинг бир шахс тақдирида намоён бўлаётган ҳолатларининг ўзига хос ифодасидир. Адиб замонасида ўрни-ўрни билан комронлиғ кўрсатганини ҳам эътироф этади. Бу мақсадга эришиш деган маънони англатади. "Иссиқ" ва "совуқ", "аччиқ" ва "чучук" ўзаро зид маъноли сўзлардир. Уларнинг ёнма-ён келтирилиши бирданига маъно оламини ниҳоятда кенгайтириб юборади. Шунда биз адиб бошидан ўтказган ҳаётий мураккабликлар, қийинчиликлар, чекиладиган азобу изтироблар миқёсини бироз тасаввур қилгандай бўламиз.

Адиб бу борадаги хотираларини давом эттиради. Энди гўё юқорида айтилган умумий фикр-моҳазаларга аниқликлар киритилади – изтироб келтирганларнинг "рўйхати" тақдим этилади: "Ва гоҳ лаимлар олида хорлиғ ва гоҳ арзоллар олида беэътиборлиғ кўрдум".

Мана шу силсилада адибнинг ҳаёт ҳодисотларини кўриш ва кузатишларига ҳадду поён бўлмагани, уларнинг турфа ранг ва шакллардаги кўриниши эса адиб учун ўзига хос кузатиш майдони бўлгани кўз олдимизга келади: "Ва гоҳ ишқ кўйида бебоклик ва одамийкуш паричеҳраларға ҳалоклик даст берди... гоҳ шаҳрим эли ситамидин ғурбатқа туштум ва ғариб халойиққа қўшулдум ва қовуштум... Гоҳ бу шиддатлардин азми ватан қилдим. Ва хамул зовиясин нишиман қилдим. Ва гоҳ азизлар хизматидин ўзумни баҳраманд ва сўзумни дилписанд ва аржуманд топтим.

Р у б о и й:

Гардун гаҳ манга жафоу дунлуқ қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлуқ қилди.

Гаҳ ком сари роҳнамунлуқ қилди,
Алқисса: басе буқаламунлуқ қилди.

Буларниинг барчаси Алишер Навоий ҳасби ҳолларини тўлдириши шубҳасиз. Энг муҳими, ҳаётий тажрибалар кўпайиб, қуюқлашиб борган. Муаллиф бундай мулоҳаза тарзи билан олам ва олам аҳлидан шикоят қилаётган йўқ. Балки буюк мутафаккир сифатида улардан тўғри хулосалар чиқарган. Энг муҳими, мана шу хулосаларни бошқаларга етказиш иштиёқи ҳам пайдо бўлган: "Бу муқаддимотдин мақсуд буким, ҳар кўй ва кўчада югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши-ямоннинг афъолин[1] билибмен ва ямону яхши хислатларин тажриба қилибмен. Хайр ва шарддин нўш ва ниш кўксумга етибдур ва лаим ва карим заҳм ва марҳамин кўнглум дарк этибдур. Ва замон аҳлидин баъзи

1 Афъол – феъллар, ҳаракатлар; одат, ахлоқ; қилиқлар.

асҳоб ва даврон хайлидин баъзи аҳбобки, бу ҳоллардин хабарсиз ва кўнгуллари бу хайр ва шарддин асарсиздур.

Қ и т ъ а:

Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур
Ки, васлу ҳажр киби ул чучук дурур, бу ачиғ.
Билур залил мусофирки, пўя айларда эрур
Қуму тўзонг юмшоғ, тоғу хорадур қатиғ.

Демак, адиб "яхши" ва "ёмон" деганда кишиларнинг феъл-атворлари, уларнинг жамият ичида ўзларини тутишларини назарда тутган. Бунда, биринчи навбатда, инсонлардаги у ёки бу хусусиятларнинг намоён бўлишини бевосита ўз тажрибаси воситасида кузатган.

Навоий ана шундай турфаликларни замондошларига ва келгуси авлодга етказиб қўйишни ўз бурчи ва вазифаси сифатида билади: "Бу навъ асҳоб ва аҳбобға интибоҳ қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрундики, ҳар тоифа хисолидин[1] вуқуфлари[2] ва ҳар табақа аҳволидин шуурлари бўлгайки, муносиб эл хизматиға шитоб қилғайлар ва номуносиб эл суҳбатидин ижтиноб[3] вожиб билгайлар ва бори эл била махфий позларин сўз демагайлар ва шаётин[4] ва инс[5] макру фирибидин бозий емагайлар[6]. Ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларга ҳавас бўлғай, бу фақирнинг тажрибаси аларға бас бўлғай".

Муаллиф ўзи ёзган ҳаёт тажрибаларининг ифодасидан кўнгли тўлади ва асарига берилган номнинг кўнгилларга ҳузур беришини кўзда тутган ҳолда танлаганини эслатиб ўтади: "Чун бу мақолатнинг қулубға[7] маҳбублуғи маълум бўлди, анга «Маҳбуб ул-қулуб» от қўюлди. Ва бу битилган фавоиднинг[8] кайфияти чун билилди, ани уч қисм қилилди:

Аввалғи қисм: соир ун-носнинг афъол ва аҳволининг кайфияти[9].

Иккинчи қисм: ҳамида афъол ва замима хисол хосияти[10].

Учинчи қисм: мутафарриқа фавоид ва амсол сурати[11].

Бундан кўзда тутилган мақсад ўқуғувчилар (нинг) "ҳар қайси ўз фаҳму идрокларига кўра баҳра олғайлар, битгучига ҳам бир дуо била баҳра еткургайлар ва руҳини ул дуо футуҳи била севундургайлар"[12].

Мазкур китоб адолат ҳақидаги қарашлар ("Одил салотин зикрида" – "Одил подшолар тўғрисида") баёни билан бошланади: "Одил подшоҳ Ҳақ таолодин халойиққа раҳматдур ва мамоликка мужиби[13] амният[14] ва рафоҳият[15]. Қуёш била абри баҳордек қаро туфроғдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға олтун била дурлар сочар. Фуқаро ва нотавонлар анинг

---

1 Хисол – хислатлар, хусусиятлар, одатлар.
2 Вуқуф – воқиф, хабардор, огоҳ.
3 Ижтиноб – тортиниш, узоқлашиш; сақланиш.
4 Шаётин – шайтонлар, иблислар; йўлдан адаштирувчилар; ёмон табиат, ёмон хулқ.
5 Инс – одамлар, одам жинси.
6 Бозий емоқ – алданмоқ.
7 Қулуб – диллар, юраклар, қалблар.
8 Фавойид – фойдалар.
9 Ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи ҳақида.
10 Яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақида.
11Турли фойдали кузатишлар ва мисоллар ақида.
12 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – // МАС, Тлшент, Ўн жилдлик, 9-жилд, 302-бет.
13 Мужиб – сабаб, боис.
14 Амният – тинчлик, омонлик; хавфсизлик; хотиржамлик, осойишталик.
15 Рафоҳият – фаровонлик, осудалик, осойишталик.

рифқ[1] ва мадоросидин[2] осуда, залама[3] ва авонлар[4] анинг тиғи сиёсатидин фарсуда. Ҳаросатидин[5] қўю қўзи бўри хавфидин эмин ва сиёсатидин мусофир кўнгли қароқчи ваҳмидин мутмаин[6]. Рифъатидин[7] ҳар мактабда атфол ғавғоси ва муҳофазатидин зуафо[8] ҳаммомида аларнинг алолоси, ҳайбатидин йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли ва забтидин амалдорлар қалами синуқ ва ситамкорлар алами йиқуқ. Жиддидин[9] масожид жамоат аҳлидин мамлу[10] ва мадорис баҳс ва жадал[11] хайлидин ғулув. Қисоси тиғидин ўғри илги эл молидин кўтоҳ, интиқоми биймидин қотиъи тариқ[12] ҳоли адам биёбонида табоҳ[13]. Туннинг кўпи дўконларда савдо учун шамъ ва авбош кўча гаштидин кўнгуллари жамъ. Шомдин то саҳар хонақоҳлар эшиги очуқ ва хилватлар ибодат нуридин ёруқ. Шаҳрда кўйлар посбони ул, ёзида қўйлар шубони ул. Раийятға саро ва боғ андин маъмур ва сипоҳиға ком ва фароғ андин мавфур[14]”.

Кўриниб турганидай, адиб одилликнинг бир қатор ташқи ва ички ўзига хосикарини кўрсатади. Улар:

1. Одил подшоҳ худонинг шу мамлакат фуқаролари учун иноятидир. Зеро, бундай подшо халоқийнг тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечиришлри учун бош кафолатдир.

2. У худди Қуёш билан баҳор булути қора тупроққа нур ва ёмғир сочганидан кейин атрофда гулларни очгганидай, подшо ҳам юрт аҳли бошига олтин билан дурлар сочади.

3. Унинг меҳру муруввати туфайли оддий кишилар ҳам хотиржам яшай олишади, уларга золимнинг зулми етишмайди.

4. Бундай подшонинг ҳайбати кучли бўлганидан қўю қўзи, бўри хавфидин эмин бўлганидай, келган мусофир кўнгли ҳам одил сиёсат туфайли қароқчи ваҳимасидан хотиржамдир.

5. Унинг олийҳимматлиги шарофати билан ҳар мактабда болалар тўпалони ва ҳимояси туфайли бечоралар ҳамда аёллар ҳаммомида [шукроналик] дуолари узлуксиз жаранглаб туради.

6. Ҳайбатидин йўллар қароқчидин холи ва қўллар тўла улус моли; назорати туфайли амалдорлар қалами синиқ ва ситамкорлар байроғи ердадир.

7. Унинг саъй-ҳаракатлари сабабли масжидлар жамоат аҳли билан тўла ва мадрасаларда баҳс ва мунозараларга сероб.

8. Қасос олинишини билгани учун ўғрининг қўли эл молига етмайди, интиқом ваҳимаси бўлгани учун қароқчилар йўқлик биёбонида қолишган.

9. Юртхотиржамлиги учун эл тунда ҳам савдо билан шуғуллана олади ва бебошларнинг кўча кезишларидан хотиржам юради.

10. Шомдин саҳаргача хонақоҳлар эшиги очиқ ва хилватлар ибодат нури туфайли ёруғдир.

---

1 Рифқ – лутф, меҳрибонлик; мулойимлик, юмшоқлик, ёқимлилик.
2 Мадоро – келишиш, муроса қилиш.
3 Залама – золимлар.
4 Авон – давлат посбони, миршаб; жазоловчи, жаллод.
5 Ҳаросат – ҳайбат.
6 Мутмаин – тинч, ором олган.
7 Рифъат – юксаклик, олийҳимматлик.
8 Зуафо – заифлар, кучсизлар (аёллар).
9 Жидд – саъй-ҳаракат, тиришиш.
10 Мамлу – тўла, лиммо-лим.
11 Жадал – тортишиш, мунозара, жанжал.
12 Қотиъи тариқ – йўлдан озган, диндан адашган.
13 Табоҳ – бузуқ, хароб, вайрон.
14 Мавфур – фаровон, зиёд, сероб, кўп.

11. Шаҳарда кўйлар (маҳалла ва гузарлар) посбони ул, саҳроларда қўйларнинг чўпони ҳам унинг ўзидир. Оддий одамларнинг дла ва боғлари маъмур ва амалдордар мақсад ва ниятлари амалга ошган.

"Маҳбуб ул-қулуб" Алишер Навоийнинг ўз табиати, инсонпарварлиги, олам ва одамларга бўлган ўзига хос муносабатларининг яна бир янги тарзда ифодалаб берувчи асар сифатида намоён бўлади. Адиб ушбу китоб воситасида жамият аъзоларининг бурч ва масъулиятларини ҳам, бу борадаги ахлоқий меъёр ва мезонларнинг амалий намунасини ҳам кўрсатиб бергандай бўлади. Китобда замон ва замондошлар ҳақидаги танқидий фикрлар ҳам оз эмас. Аммо адиб, юқорида кўриб ўтганимиздай, аввал яхши, ижобий, кишининг кўнглида эътироф уйғотадиган факт ва материалларга жой ажратади. Одил подшолардан кейин "Исломпаноҳ беклар зикрида" сўз бориши ҳам бежиз эмас. Ана шундан кейингина у "номуносиб ноиблар зикри"га ўтади.

Биз мана шу икки бобни қиёслаб кўрайлик:

Исломпаноҳ беклар зикрида	**Номуносиб ноиблар зикри**
Мундоқ шоҳга мусулмон бек набий хизматида тўрт ёрдин биридек	"Ёлғончи худнамо[1] ноиб нисбати Мусайламаи Каззоб миллати[2], нубувват туҳматин ўзига солғон ва Жаброил[3] ваҳйдин[4] дегони бори ёлғон

Демак, давлат хизматидаги одамнинг мавқе ва мартабаси жуда баланд. Улар мамлакат ва ҳукмдор мавқеини, обрўси, шаъну шавкатини белгилашда асосий омил бўлишади. Афсуски, уларнинг барчаси бир хил андозада эмас. Уларнинг бир қисми онги, шуури, дунёқараши, мақсад ва муддаоларига, маънавиятига кўра подшо ақидалари билан тўла мос ва уйғунликда яшайди. Шунга кўра, адиб уларни набий хизматидаги чаҳор ёрлар (Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон, Али)га қиёслайди. Бошқа бир бўлаги эса тили ва дили бошқа-бошқа бўлган – маънавияти паст амалдорлардир. Улар ёлғончи, шуҳратпараст, кибрли, ўзини кўрсатишга мойил кимсалар. Шунинг учун ҳам улар ислом ва Пайғамбар (с.а.в)га раҳна етказишга, уларга халақит беришга уринган Мусайламаи Каззобга ўхшатилади. Мусайлама "Арабистон ярим оролида Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан сўнг пайғамбарликни даъво қилганлардан бири, Ямома воҳасида яшаган Бани Ҳанифа қабиласининг диний раҳнамоси"[1].

Номуродларнинг паноҳи ва подшоҳнинг давлатхоҳи. Шоҳға дунёда чин сўз дегувчи ва анинг охирати ғамин егувчи. Ёмонлар андин ҳаросон[5] ва яхшилар душворлиғи осон.	Мунга ҳам шоҳ хусусияти изҳори ғайри воқеъ ёлғон бори.

Бу ердаги айирма ростгўйлик ва ёлғончиликка кўра содир бўлган.

Халқ давлатдан паноҳ топиши керак. Одамлар уларнинг ҳузурига келганда адолатнинг қарор топишига тўла ишонишлри шарт. Ҳазрат Навоий ақидасидаги давлат хизматчиларига қўйиладиган бош талаб мана шу. Шунда ёмонлар улар туфайли ўз ёмонликларини чеклашга ва қонунни бузмасликка ҳаракат қилади. Кейинги тоифа эса ўзларида шоҳнинг хусусиятларини даъво қилишларига қарамасдан, амалда унинг тескарисини қилади. Улар ашаддий ёлғончилардир.

Навбатдаги қиёс бу икки тоифанинг кўнглидаги ният – мақсад ва муддаолар билан боғ-

1 Ислом. Энциклопедия. – Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004, 168-бет.

лиқ:

Эл моли тамаъи кўнглида нобуд ва аёли хаёли замирида номавжуд. Муроди раоё[6] амнияти[7] ва мақсуди бароё[8] жамъияти.	Ёлғон ҳукм еткурурига боис тамаъи шум ва ўтрук[9] парвона еткурурига сабаб ҳирси мазлум.

Кўзи тўқлик, кўнглида ёмон ниятнинг, хусусан, таъмагирликнинг йўқлиги, покиза ва покдомонлик, энг муҳими, мамлакат равнақи ва жамиятнинг тинч-хотиржамлигини ўйлаш биринчи тоифа хулқ-атворидаги асосий кўрсаткич бўлса, кейинги тоифа "таъмаъи шум" домида қолгани билан даҳшатлидир. "Ҳирси мазлум"нинг устуворлиги ҳам мана шу бемаза ўй ва таъманинг оқибати сифатида намоён бўлади.

Дин, эътиқодга муносабат борасида ҳар икки тоифа ўртасидаги айирма ниҳоятда кучли:

Ул мусулмонларға ризожўй ва мусулмонлар анга дуогўй.	Нима олурда ёлғон анга чин ўрниға ва мусулмонларға нуқсон анга дин ўрниға.

Бу ердаги "ризожўй" ифодаси ҳар бир нарсадан қаноат топишга интилиш маъносига эгалиги ҳам назарга олиниши лозим. Кўриниб турибдики, биринчи тоифа ҳар қачон яқинлик, ҳамжиҳатлик учун имкон излаши билан, кейинги тоифа эса ўз шахсий манфаати олдида бошқаларга зиён етказиш билан машғул.

Кишининг феъл-атворидаги кўпгина хусусиятлар унинг ижтимоий аҳволига, аждодлари анъаналарига ҳам боғлиқ бўлади:

Ўзининг зоти тузук ва саъйи шоҳ эшигида тузуклук.	...ёлғон борида чин демаги маҳол ва ришват[10] олурда ўзга сўз деб, аммо кўнглида ўзга хаёл.

Адиб "тузук" ва "тузуклук" сўзлари воситасида зотининг тоза ва покизалига ҳамда "тўғрилик" ва "ростгўйлик" тушунчаларини берган. Айни шу хислатдар чин ноибларнинг ҳақиқий фазилатлари бўлиши лозим. Унинг муқобилидагилар эса ёлғончилик, порахўрлик, дили ва тилнинг бошқа-бошқалиги билан "машҳур". Бундай асосларнинг барчаси файласуф адибга ниҳоятда кескин, аммо адолатли ҳукм чиқаришга имкон беради.

Шоҳ эшиги мундоқ бекдин холи бўлмасун ва давлатнинг андин ўзга интиқоли бўлмасун.	Мундоқ ноибки, бир бўлмағай феълию қавли, шоҳ эшигидин гум бўлғони авли"[11].

Бу рўйхатни "золим ва жоҳил ва фосиқ подшоҳлар, вузаро (вазирлар), ноқобил садр (бошлиқ)лар, "фосиқ ва бадмаош, баҳодирлиқ лофин урғонлар" ва б. давом эттиради.

Китобда мударрисларга ҳам алоҳида боб ажратилган. Мутафаккирнинг назарида дарс берувчи устозда дарс мазмунини бойитишга алоқадор бўлган имкониятларнинг кўп бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам у ҳар хил амал ва мартабаларга интилмайдиган шахс бўлса нур устига нур бўлар эли. Яна бир асосий талаб шуки, у билган нарсасини тўла айтса-да, билмайдиган нарсалари ҳақидаги баҳслардан ўзини тийишнинг, зўрма-зуракилик билан ўзини кўрсатишга интилишдан воз кеча олишнинг уддасидан чиқиши керак: "Мударриснинг керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурға муртакиб[1]

1 Муртакиб – назарга олган, кутган; киришган; жазм қилган, қасд қилган.

бўлмаса” ва худнамолиғ[1] учун дарс ҳавзасин тузмаса ва худситонлиғ[2] учун такаллум ва ғавғо кўргузмаса. Жаҳлдин дастори улув[3] ва алоқаси узун бўлмаса ва мубоҳот[4] учун мадраса айвони боши анга ўрун бўлмаса”.

Мутафаккирнинг назарида дарс берувчи устозда дарс мазмунини бойитишга алоқадор бўлган имкониятларнинг кўп бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам у ҳар хил амал ва мартабаларга интилмайдиган шахс бўлса, нур устига нур бўлади. Яна бир асосий талаб шуки, у билган нарсасини тўла айтса-да, билмайдиган нарсалари ҳақидаги баҳслардан ўзини тийишнинг, зўрма-зўракилик билан ўзини кўрсатишга интилишдан воз кеча олишнинг уддасидан чиқиши керак: “Мударриснинг керакки, ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурға муртакиб[5] бўлмаса” ва худнамолиғ[6] учун дарс ҳавзасин тузмаса ва худситонлиғ[7] учун такаллум ва ғавғо кўргузмаса”.

Мударриснинг руҳий барқарорлиги Жаҳлдин дастори улув[8] ва алоқаси узун бўлмаса ва мубоҳот[9] учун мадраса айвони боши анга ўрун бўлмаса”.

Уларга қўйиладиган асосий талаблардан яна бири диний ва дунёвий билимлардан пухта хабардорликдир: “Диний улум билса ва яқиний[10] масоил элга таълим қилса”.

Дарс берадиган устозда ёмон хусусиятлар бўлмаслиги керак. Бу силсилага адиб бир қатор салбий хусусиятларни киритади. Улар орасида ҳаёсизлик, шафқатсизлик, ахлоқсизлик; ёмонлик қилиш, кўнглида кир ва адоват сақлаш ва бошқалар мавжуд: “Бебокликлардин[11] ҳаросон ва нопокликлардин гурезон бўлса, йўққи ўзин олим билгай неча мажҳулға анвои фисқни[12] мубоҳ[13], балки ҳалол қилғай, қилмас ишларни қилмоқ андин маълум бўлғай ва қилур ишлар тарки андин қоида ва русум бўлғай”.

Бундай устозлар устозликка нолойиқдир: “Бу мударрис эмасдурким, мубтадеъ (бидъат ва хурофот тарқатувчи)дур ва мундоқ киши суҳбати ислом аҳлидин мумтанеъ (ман этилган, маҳол)дур”. Алишер Навоий мударриснинг олим, “мутаққий”, яъни, огоҳ ва ҳушёр бўлишини маъқуллайди:

Ҳар не айтур бўлса Худову Расулдин
Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи.
Андин киши не ким эшитур ва ёки ўрганур
Бўлса Худо сўзи, йўқ эса, Мустафо сўзи.

Биринчи қисмнинг ўн олтинчи фасли шоирларга, ижодкорларга бағишланган. Адиб уларни “назм гулистонининг хушнағма қушлари” деб номлайди. Адиб ижодкорларни таснифлайди: “Ул неча табақадур: аввалғи жамоат – нуқуди[14]кунузи[15] маърифати илоҳийдин

1 Худнамолиғ – ўзини кўрсатишга интилиш
2 Худситонлиғ – мақтанчоғлик, ўз-ўзини мақташ.
3 Улув – баланд, юқори; олий.
4 Мубоҳот – ифтихор, фахр; мақтаниш
5 Муртакиб – назарга олган, кутган; киришган; жазм қилган, қасд қилган.
6 Худнамолиғ – ўзини кўрсатишга интилиш
7 Худситонлиғ – мақтанчоғлик, ўз-ўзини мақташ.
8 Улув – баланд, юқори; олий.
9 Мубоҳот – ифтихор, фахр; мақтаниш
10 Ҳақиқатга тўғри келадиган.
11 Бебок – қўрқмас, ҳайиқмас золим, тошбағир, шафқатсиз; ҳаёсиз,, андишасиз, мулоҳазасиз.
12 Фисқ – бузуқлик, ахлоқсизлик; ёмонлик қилиш, адоват сақлаш.,
13 Мубоҳ – рухсат этилган иш; жоиз, раво.
14 Нуқуд – “нақд”нинг кўплиги, мавжудлик.
15 Кунуз – хазиналар, яширин бойликлар, ганж.

ғанийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур[1].

Ижодкорларнинг асосий бурч ва масъулиятлари бадиятга оид нодир дурдоналарни термоқ ва улардан халқни баҳраманд қилмоқдир: “Ишлари маоний хазоинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида[2] назм бермак”.

Адиб шоирлик рутбасини жуда баланд тутади: “Назм адоси бағоят аржуманд ва бениҳоят шариф ва дилписанд ўлдуғи учун оёти каломда нозил бор ва ҳадиси муъжиз низомда тилаган топар, чун маал – қасд[3] эмас, эл ҳурмати жиҳатидин ани шеър демас”.

Шундан кейин бу соҳада бошқаларга ўрнак ва намуна мактаби бўла оладиган қалам аҳлининг тавсифи келтирилади: “Аммо бу азиз қавмнинг пешво ва муқтадоси (эргаштирувчи, йўлбошчиси; имоми) ва бу шариф хайлнинг сардафтар (пешқадам, илғор) ва сархайли (етакчиси, йўлбошчиси), валоят баҳрининг гавҳари ва каромат авжининг мунирахтари (нур сочувчи, равшан қилувчи, порлоқ юлдузи) Амир ул-мўминин Али[4] (разиаллоҳу анҳу ва каррамаллоҳу важҳаҳу)дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нукта номаъдуд (сон-саноқсиз, кўп).

Бу мазҳари ажойибқа гуруҳеким тобеъдур, баъзини арз қилолики, кимлар воқеъдур; форсий иборатда ул жумладин, нозими жавоҳири асрор Шайх Фаридуддин Аттордур[5]. Яна қойили «Маснавийи маънавий», ғаввоси баҳри яқин Мавлоно Жалолуддин, яъни Мавлавий Румийдурки[6], мақсадлари назмдин асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий (битмас-туганмас, чексиз, чегарасиз) имлосидин ўзга йўқтур.

Яна ҳам авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ (диндорлар) борким, буларға татаббуъ қилибдурлар ва булар каломи адосин ва ҳақойиқи маъносин мустаҳсан (маъқулланган, маъқул кўрилган; таҳсинга лойиқ) билибдурлар. Бу хайлдур ҳақиқат тариқининг суханвари, балки кимиёгари ва кибрити аҳмари (қизил ёқути, яъни улуғи).

Кейинги саҳифаларда ижодкорларнинг ижодий услубларига кўра таснифлари келтирилган: “Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин махлут (аралаш, омухта) қилибдурлар ва каломлари бу услубда марбут (боғлиқ, тегишли) этибдурлар. Андоққи, маоний аҳлининг нуктапардози Шайх Муслиҳуддин Саъдий Шерозий[7] ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Деҳлавий[8] ва тасаввуф ва диққат мушкилоти-

1Мустағни – муҳтож эмас, бой;чиқарилган.

2 Силк – қатор, саф.

3 Маал-қасд – Тарж. ар.: қасд билан, қасддан, демакдир.

4 Али – Али бин Абу Толиб, тўрт буюк халифанингохиргиси (598 – 661), Муҳаммад пайғамбар (с.а.)нинг амакиваччаси ва куёви.

5 Шайх Фаридуддин Аттор – Муҳаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим (1148/51–1219/21) йирик шоир ва тасаввуф олими. Ижодиётда Ҳусайн ибн Мансур ал-Халлож (858 – 922), Боязид Бистомий (ваф. 875) таълимотини давом эттирган. Атторнинг «Мантиқ ут-тайр»ини Алишер Навоий болалигидаёқ ёд олган ва кейинчалик унга жавоб тариқасида «Лисон ут-тайр» достонини яратган.

6 Жалолиддин Румий – тасаввуфнинг буюк шоири (1207, Балх – 1273). Қуния шаҳрида мударрислик қилган. Унинг ижоди Фаридиддин Аттор таъсирида шаклланган. Навоий “Насойим ул муҳаббат”да у ҳақда анча батафсил маълумотларни беради. Жумладан: “Маккага борурда Нишобурда шайх Фаридуддин Аттор қ. с. суҳбатиға етиштилар. Шайх «Асрорнома» китобин аларға берган экандур. Доим ўзлари била асрар экандурлар. Алар дер эрмишларки, мен бу жисм эмасменки, ошиқлар назарида манзурман, балки ул завқу хушлуқменки, муридлар ботинида манинг каломимдин бош урар. Аллоҳ, Аллоҳ, чун ул дамни топсанг ва ул завқни тотсанг, ғанимат тут ва шукр қилки, мен улдурмен: Ва дебдурки, қушки ердин юқори учқай, агарчи осмонға етмагай, аммо томдин йироқ бўлғай. Ҳамул навъ агар киши дарвеш бўлса, агар дарвешлик камолнга етмаса, аммо мунча бўлғайки, зумраи халқдин ва бозор аҳлндин мумтоз бўлғай ва дунёнинг заҳматларидин сабуквор бўлғай.

7*Саъдий Шерозий* – Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Муширфиддин (1203 – 08, Шероз – 1292, шу шаҳар) шоир, носир ва мутафаккир. Унинг «Бўстон», айниқса «Гулистон» асарлари ўз замонидаёқ эътироф ва эъзозларга мушарраф бўлган.

8 *Амир Хусрав Деҳлавий* – Яминиддин Абулҳасан Амир (1253, Патёл –1325, Деҳли). Шоир ва мутафаккир. Унинг

нинг гириҳкушойи[1] Шайх Заҳируддин Саноий ва фариди аҳли яқин Шайх Авҳадуддин[2] ва маоний адосиға ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад ул-Ҳофиз[3].

Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийни алоҳида ажратиб кўрсатади: “Яна ҳақиқат ва мажоз тарийқида комил ва илми икаласи тариқида вофий[4] ва шомил[5], назм аҳлининг муқтадо[6] ва имоми ҳазрати шайхулислом Мавлоно нур ул миллати ва-а-дин Абдураҳмон ал-Жомий (навваралоҳу марқадаҳу ва қуддиса сирраҳу)[39] дурким, аввалғи табақа равиши ва каломида ҳам шарифмақол ва сўнгғи табақанинг ҳам адоси латойифида соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар”.

Ниҳоят, назм гулистонининг бошқа, ўзига хос ихлосмандлари, иқтидори турлича ижодкорлар, шунингдек, бу соҳага тасодифан кириб қолганлар тилга олинади: “Яна адно[7] табақаси жамоатедурларким, назм била кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар. Ва юз машаққат била бир байтким боғлаштурғайлар, даъво овозасин етти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафган. Баъзидин агар гоҳи бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур.

Агар бири бир нозук маънида писандида[8] печ қилур[9], аммо ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч қилур. Гўё ўзларига ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ[10]. Турфароқ буким, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ

Рубоий:

Аълоларидур нединки дерсен аъло,
Аднолари ҳам барча данидин[11] адно.
Авсатлариким, ҳеч нимага ярамас,
Билким, нафас урмамоқ алардин авло.

отаси асли шаҳрисабслик Сайфуддин Маҳмуд мўғуллар истилоси олдидан Ҳиндистонга кўчиб кетади. У девонлар сонини 5 тага етказган ва уларнингҳар бирига алоҳида-алоҳида номлар берган. Кейинчалик бу усул анъанага айланган эди.

Деҳлавий биринчи марта Низомий “Хамса”сига мукаммал жавоб берган адиб сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Навоий ўз асарларида Деҳлавийни жуда катта ҳурмат ва эътиром билан тилга олади.

1 Гириҳкушой – тугунларни ечувчи; қийин ишларни ҳал қилувчи.

2 Шайх Авҳадуддин – *Шайх Авҳадиддин* – Авҳадиддин Али ибни Муҳаммад ибни Исҳоқ Анварий (1105 – 1187) шоир ва мутафаккир, Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да шундай ёзади: “Шайх Авҳадуддиннинг латиф ашъори бор, маснавийдин ва анинг ғайридин. «Мисбоҳ ул-арвоҳ» китобининг охирида айтурки, маснавий: [То қўл қимирлар экан, иложсиз, соя ҳаракатга келади. Соя қўлдан пайдо бўлди, аслида ўзи йўқ нарса. Борлиғи ўзи билан қойим бўлмаган нарсанинг борлигини эътироф этиш ақлдан эмас...Рубоий: [Авҳад, юрак эшигин қоқасан, юрак қани? Бир умр йўл юрасан, манзил қани? Бу вафосиз, пасткаш дунёда эллик икки чилла ўтирдинг, ҳосил қани?]”.

3 Шамсуддин Муҳаммад ул-Ҳофиз Шерозий – (1321, Шероз – 1389, ўша шаҳар) – Машҳур шоир. Ҳофиз ғазалларида ирфоний ғоялар, тасаввуфий эътиқод устувор. Навоий Ҳофизни ғазалчиликда ўз устозларидан деб билади.

4 Вофий – етарли, вафо қилувчи.

5 Шомил – ташкил қилган, ичига кирган; етарли.

6 Муқтадо – раҳбар.

7 Адно – паст, қуйи.

8 Писандида – маъқулланган, назарга тушган, лойиқ; мақбул, сара, яхши.

9 Печ қил – банд қилмоқ, восита қилмоқ.

10 Муттафиқ – бирлашган, иттифоқдош; ҳамфикр.

11 Дани – пасткаш, тубан, разил, ярамас.

Китобда турли ижтимой тоифа ва табақа, касб-ҳунар эгалари ҳам тилга олинади. Уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари тавсифланади. Улар баҳонасида мутафаккир олим ўзини безовта қилаётган муаммо ва масалалар ечимига имкон топгандек бўлади.

Алишер Навоий мазмуннинг тўла ва мукаммал бўлиши ҳақида кўп гапирган. Айни пайтда, у шаклнинг ҳам унга муносиб бўлишини қайта-қайта уқтиради. "Котиблар зикрида" дейилган бобдаги мушоҳадалар бунинг ёрқин далили бўла олади. Саҳифадаги мазмуннинг чиройли ёзув ва муносиб тиниш белгилари билан музайян бўлиши худди чиройли юздаги хол каби гўзал ва ярашиқли бўлади: "Яхши хат ва нуқтадин сафҳаға жамол, андоққи, яхши юз сафҳасиға хатту хол".

Чиройли ёзув сўзни ҳам чиройли қилади, айни пайтда ўқийдиган одамнинг кўнглига ҳузур ва ҳаловат етказади: "Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткурур". Котибнинг зиммасида жуда катта масъулият бор. У ҳар доим рост сўзларни ёзиши керак. Ёзувдаги хатоларни бартараф этиш ҳузурбахшдир. Агар хатнинг кўриниши муносиб бўлмаса, хунук бўлса, ундан маънонинг қадрига етадиганлар кўнглида озор пайдо бўлади: "Роқимки, рақами ростдур, ростлар кўнглига қабулияти бехост[1]. Муҳаррирки, таҳрири туз – писандидадур, агар бир байт битир, агар юз. Агар хат сурати нохушдур, маъни хайли андин мушаввашдур[2]".

Чиройли ёзса-ю, хатолари кўп бўлса-чи? Бу ҳақиқий котиб номига муносиб бўлмайди, улар кўпчиликнинг эътирозига, ҳатто лаънатига сазовор бўлади: "Хушнавис ҳамким, саҳви кўп бўлғай – илги фалаж иллатиға жўб[3] бўлғай. Улки, бежо нуқта била «ҳабиб»ни[4] «ҳабис»[5] қилғай ва «муҳаббат»ни «меҳнат» – анингдек ҳабиси меҳнатзадаға юз лаънат. Ямон хатға ғалати беҳисоб, қаррийи масхара соқолиға хизоб[6]. Ул хатни қирқиб мабразға[7] ташлағоли яхши ва иясини молики дўзах жаҳаннамға бошлағоли".

Маҳбубдин мактубким, ҳам хати хўб бўлғай ва ҳам мазмуни хўб – жонға улдур марғуб ва кўнгулга улдур матлуб[8]. Хати ямон ҳам бўлса ямон эмас, муҳиб маҳбуб хатини ямон демас.

Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун. Байт:

Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф[9].

Ўн саккизинчи фасл "Дабиристон аҳли зикрида". Дабиристон – мактаб, дабиристон аҳли эса мактаб ўқувчиларидир. Адиб қаттиққўл ва шафқатсиз ўқитувчиларни қоралайди. Аммо бошқалар битта болани эплай олмаганида ўқитувчининг бутун бошли болалар гуруҳини илм ва одобга ўргатишини ҳеч ким удда қила олмайдиган иш сифатида баҳолайди.

Навоийнинг мактаб ва мактабдорлар ҳақидаги қарашлари ҳам шу китобда мужассамлашган. У мактабдорларнинг салбий типини жуда муносиб тарзда тасвирлаб беради: "Мактабдор бегуноҳ маъсумларға жафокор. Атфол азобиға роғиб ва алар таъдибиға муртакиб. Зоти бемадоро, димоғи пўлод ва кўнгли – хоро. Ғазабдин қошида чин, гунаҳсизлар била ойини хашу (ёқимли) кин (адоватда). Кўпрагида табъ ғилзати ва тамаъ иллати падидор ва

1 Бехост – беихтиёр, тўстдан, кутмаганда.
2 Мушавваш – ташвишли, паришон: беором.
3 Жўб – ўрин, мақом.
4 Ҳабиб – дўст, қадрдон; маъшуқа, маҳбуба, севгили.
5 Хабис – ёмон, ярамас, бадбўй.
6 Хизоб – бўёқ, ранг; ўсма, хина.
7 Мабраз – ҳожатхона
8 Матлуб – талаб қилинган, хоҳланган: ёқимли.
9 Шикоф – ёриқ, дарз,чок, тешик.

ақл қиллатиға гирифтор. Аммо тавсани атфол таъбини жафо била ром қилғувчи ва ноҳамвор сиғор тавриға сиёсат била андом бергувчи. Агарчи хўйлари дуруштлуқда намоёндур, аммо атфол ноҳамворлиғи ислоҳиға ирик суҳон (эгов)дур.

Анинг иши одамдин келмас, қайси одамки, дев қила олмас, ҳар қаттиғ кишини бир тифл муҳофазати ожиз этар, ул бир сурукка илм ва адаб ўргатгай, кўрним анга не етгай? Онча борким, ул қавмнинг идроку фаҳми оз тушар, андоқ кишига юз мунча машаққат не бушар.

Шунга қарамай, устоз деган ном уларнинг обрў ва мартабаларини белгилайди. Устоз хизматининг ўлчовлари йўқ: "Ҳар тақдир била атфолға ҳаққи кўпдур, агар подшоҳлиққа етса ва анга қуллуқ қилса хўбдур. Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар андин устод розидур – Тангри розидур. Байт:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила".

Имомлар, муқрий (муаззин)лар, ҳофизлар, мутриб ва муғаннийлар ҳақдагаи бобларда бу соҳа вакилларига қўйиладиган талабларнинг ўзига хос тизими мавжуд. Уларда танқидий ёндашувнинг устиворлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

"Маҳбуб ул-қулуб"да "Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида" деган алоҳида бўлим ҳам мавжуд. Унда адибнинг нутқ ва нотиқлик ҳақидаги ўзига хос мулоҳазалари жамланган. Насиҳат қилувчилар, ўгит эгалари ўз ишларига муносиб бўлса, ҳар икки томон ҳам наф кўради: "Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва бир комил аҳлуллоҳ варзишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур".

Воизнинг айтганлари билан қилган ишлари бир бўлса, унинг таъсир кучи ҳам ортиб бораверади: "Аввал бир йўлни бормоқ керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар ва ғайри мақсуд ерга етар".

Воиз тингловчилар ҳолатини яхши англамоғи, уларнинг барчасига мос ва муносиб нутқ турини танламоғи шарт: "Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай. Воизким, бўлғай олим ва муттақий – анинг насиҳатидин чиққан шақий (бахтсиз, гуноҳкор)"

Булардан келиб чиқадиган асосий хулосаларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Ҳақиқий воиз ҳар қандай ҳолатда ҳам тили ва дилини бир тутсин.
Унинг эътиқоди бутун, андиша ва диёнати барокамол бўлмоғи керак.

Ўзи тўғри йўл танлаганидан кейингина бошқаларни ҳам шу йўлга ундамоғи жоиз бўлади.

У донишманд ва тажрибали инсон бўлгани учун халққа мунтазам равишда панд ва ўгитлар бермоғи лозим.

Ўзи қилмаган ишни ва ўзи танламаган йўлни бошқаларга тавсия қилишдан тийилмоғи жоиз, зеро, ўзи қилмаган ишни бошқалардан талаб қилиш мусулмон аҳлини йўлдан оздириш, бугина эмас, уларни йўлсиз биёбонга олиб бормоқ ва ўша ерда йўқ қилмоқ билан тенгдир.

Ҳақиқий воиз мажлисдаги ҳар қандай иштирокчи учун ҳам муносиб панд ва ўгитлар бера олади.

Асарда кўплаб касб-ҳунар эгалари, улардаги ижобий ва салбий хусусиятлар тавсифи ҳам такрорланмас талқинлари билан эътиборга молик. Мунажжимлар, тижорат аҳли, шаҳар

олиб-сотарлари ва косиблари, сайёр санъаткорлар ҳақидаги фаслларда шу руҳ устувор. Аммо деҳқонларга оид фаслларда адибнинг меҳнат аҳлига бўлган самимий ва дўстона муносабати жуда ёрқин акс этган. Улардаги айрим ўринлар ростманасига насрий шеърга айланади (биз насрдаги парчаларни, аниқроғи, саъжли парчаларнинг бир қисмини шеърий мисралар кўринишида тақдим этмоқдамиз):

Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар.
Агар ростлиқ ва салоҳи бордур, ўйи Солиҳ ноқасидин намудордур.
Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон;
иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам,деҳқон аларни суради андоқки Одам.
Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин.
Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот.

Ушбу ихчам парчада сажъдан ташқари, таъдид, ташбеҳ, истиора сингари саъатларнинг фаоллигини кузатиш қийин эмас.

Асарда “Ишлари ноэътимодлиғ ва нопоклик, варзишлар бемурувватлиғ ва бебоклик” бўлган гуруҳлар, ғариб в бенаволар, мубрим гадолар ҳам четда қолмаган. Ўттиз бешинчи фасл “Қўшчи ва сайёд зикрида” дейилган[1]. Аслида у “Қушчи” бўлиши лозим эди. Зеро, бу бўлимда овнинг турлари, жумладан, қуш билан шуғулланувчи овчилар ҳақида гап бормоқда. Шунга кўра, ўн жилдли тўла асарлар тўпламида бу ифоданинг тўғрилангани эътиборлидир[2].

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг иккинчи қисми “Ҳамида афъол ва замима ҳисол хосиятида” (“Яхши фазилат ва ёмон хусусиятлар тавсифи”)га ажратилган. Дастлабки қисм тавба ҳақида. “Тавба гуноҳ қилган банданинг кўнгил кўзгусини нолойиқ занглардан тозалайди. У мудраб ёки ухлаб қолган қалбни уйғотади, натижада, инсон ўзининг хунук ҳолатини англай бошлайди.

Тавба инсоннинг ўз-ўзини англашидаги муҳим босқичдир. Бу босқичда инсон ўзидаги ношойиста феъл-атворолар, ҳаракат ва қилиқлар моҳиятини аниқроқ тасаввур эта олгани учун уларнинг ярамасликларидан кўпроқ хабардор бўла бошлайди. Унга тавфиқ ҳамкор бўлади, шунга кўра, у ўша салбий феъл-атвор ва хатти-ҳаракатлардан ўзини четда тута олади. Тавбадаги асосий хислат шуки, у гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусидаги занглarни ниёз – маънавий эҳтиёж дориси билан тозалайди. Тавба ёмонандишаликка чек қўяди ва тўғри йўлнинг бошига элтади. Манманлик (такаббурлик) ғофиллигидан сескантиради ва уни шу уйқудан уйғотади.

Нашрларда асар матнига оид айрим тафовутлар кўзга ташланади

20 жилдликда	**10 жилдликда**
Тавба мужрим банданинг вақти кўзгусин исён зангидан оритур ва ниёз мусқили била ёритур. Шаковат тариқининг ниҳоятидур, ҳидоят жодасининг бидоятидур, аноният ғафлатидин сесканмакдур ва башарият уйқусидин уйғотмакдур ва нашойист аҳволин англамоқдур ва нобойист афъолин тонгламоқ...(47)	Тавба мужрим банданинг *кўнгли* кўзгусин исён зангидан оритур ва ниёз мусқили била *ул кўзгу юзин* ёритур. *Шақоват* тариқининг ниҳоятидур,ҳидоят жодасининг бидоятидур, аноният ғафлатидин сесканмакдур ва башарият уйқусидин *уйғонмақдур* ва ношойист аҳволин англамоқдур ва нобойист афъолин тонгламоқ... (483)

1 14-жилд, 40-бет.
2 9-жилд, 477-бет.

Зуҳд – “зоҳид” сўзининг ўзагини ташкил этади. Адибнинг таъриф беришича, у “дунё орзуларидин кечмакдур ва нафс аларнинг мавти заҳрин ичмакдур. Ва молу жоҳ хаёли риштасин кўнгулдин узмакдур ва нангу номус бутларин ушатурға ўзин тузмакдур... Кўзни асрамоқдур барча номаҳрам юздин ва тилни тутмоқдур барча номашруъ сўздин”.

Бобда ва адаб, зикр, таважжуҳ, ризо, ҳақидаги кузтишлар ҳам ўрин олган.

Учинчи қисмни ҳаётий ҳикматлар мажмуаси дейиш мумкин. Улар ўзига хос туркумларга бирлашган. Адиб уларни “танбеҳ” деб номлайди.

Адиб ўз мулоҳазаларининг тингловчи ва китобхонга тўла етиб бориши учун ранг-баранг шакл ва усулларни танлайди. Ҳар бир сўз, жумла ва гапнинг мазмунигина эмас, уларнинг шакли, мухтасар мулоҳазанинг композициясини жуда пухта ўйлайди. Жумладан, адиб доно ва нодон типини кўрсатиб бермоқчи. Бунинг учун у икки тоифанинг асосий хусусиятларини кўрсатади. Уларнинг ёнма-ён келтирилишининг ўзи китобхонни муқоясага ундаб туради. Шундай кейин улардан тегишли хулоса чиқарилади:

Саодатманд агар *олим бўлса*, нодонлар сўзи анга мужиби ибрат ва эътибор; **бесаодат-***жоҳил бўлса*, олим сўзидин анга ор. Ва филҳақиқат, жоҳилликдин бесаодатликроқ не нима бор?!

Халқимизда “пичоқни ўзинга ур, оғримаса бировга ур” деган ажойиб мақол бор. Бу ўз манфаати турганида бошқалар манфаатини хаёлига ҳам келтирмайдиганлар ҳақида. Алишер Навоий шу тоифадги кишиларнинг ўзига хос портретини шундай чизади: “Аммо ўзганинг шариф зотиға беҳад мазаллат (хорлик) кўрса, онча тафовут қилмаски, ўзига жузвий шиддат (машаққат) ва яна бир азиз нафсиға беадад меҳнат англаса, онча мутаассир бўлмаски, ўзига оз кулфат”.

Бу тоифа учун асосий қадрият унинг ўзи! У бошқаларни тан олишни истамайди, аниқроғи тан ололмайди: “Ва барчаға ўзгадин ўзи азизроқ ва ўзгалар сўзидин ўз сўзи лазизроқ. Олам яхшилигин киши ўзидин дариғ тутмас, аммо ўзга кишига ёвутмас”. Бу худбинлик тавиридаги ўзига хос тип. Навоий тасвиридаги типдир.

“Лисон ут-тайр”да сулукнинг турли босқичлари кўрсатиб берилган Улар орасида “фано” алоҳида ўрин тутади. “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам буборада кўпгина мулоҳазалар жамланган.

“Маҳббуб ул-қулубда сўзлашиш маданиятига оид жуда салмоқли кузатиш ва хулосалар берилган.

Танбеҳ (4).

Фано аҳлиға кўп айтмоқ мардуддур ва кўп эшитмак матлуб ва маҳмуд. Эшитмак элни тўла қилур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур ҳоли. Кўп деган кўп янгилур ва кўп еган кўп йиқилур.

Қолаб (бадан, тан) амрози (касалликлар)нинг моддаси кўп емакдур ва қалб амрозининг моддаси кўп демақ. Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсға маъмурлуқ. Одамийға бу сифатлар завоид (кўп, зиёда), барчаси худпарастликка оид.

Бу ерда ҳар бир одам эмас, балки “фано аҳли” махсус таъкидланган. Гап шу ердаги бу маърифат босқичларининг энг сўнггисидир. Бу даражага эришган одам аслида тасаввуфдаги солик босиб ўтиши лозим бўлган йўлнинг барчасини босиб ўтган бўлади. Демак, шу даражадаги маърифатли одам гапириш ва эшитишда юқорида кўрсатилган талабаларга риоя этиши шунчалик шарт экан, бошқаларни қандай тасаввур этиш лозим? Буюк мутафаккир бераётган урғунинг моҳияти мана шунда.

Алишер Навоий инсоний фазилатлар орасида саховат ва ҳимматга алоҳида ўрин ажратади. Адибнинг назарида “Саховат инсоният боғининг борвар (ҳосилдор) шажари (дарах-

ти)дур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. ...Саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз мушки тотор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб қуруғон кашаф (тошбақа) не эътибор.

Бахил беҳиштқа кирмас агар саййиди Қураший бўлсун ва сахий тамуғга бормас, агарчи бандаи ҳабаший бўлсун. Сахий булутдур – иши хирмон, балки махзан бермак. Бахил мўрдур – даъби хўша балки дона термак. Ҳиммат аҳлиғадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат шоҳи валоят хоси. Саховат одамиға бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ (очилиш, кушойиш). Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас. Олий ҳиммат шоҳбозедур баланд парвоз ва беҳиммат сичқон сайёде юрутачи боз. Шунқор маскани шоҳнинг билаги, юрутачи мақоми ўлуксанинг сассис бадани ва сўнгаги.

...Исроф сахо эмас ва итлоф (талофат, барбод бериш)ни маъно аҳли сахо демас. Ҳақ молин куйдурганни девона дерлар ва ёруғ кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот учун бермак худнамолиғва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлиқ. Улки эл кўрмагунча бермас – лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саходин йироқ бил; ибрам (қистов, зўрлаш) била бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де; ўзи емай барин муҳтожга берганни ахий де".

Саховат ўз-ўзича юзага келмайди. Унинг бир қатор шартлари мавжуд. Уларнингэнг муҳимлри эса қуйидагилардир:

"Ҳунарларни топмоқ – едурмакдур ва айбларни ёпмоқ – кийдурмакдур. Маҳаллида берган эски чортора тўн – саховат ва бемаҳал берган зарбофт чорқаб – шақоват (бахтсизлик, ноинсонийлик). Десангки, таоминг зоеъ бўлмағай – едур ва тиласангки, либосинг эскирмагай – кийдур. Сахо тарийқин мазкур бўлғон сўзла англа, аммо карам ойини ва футувват русуми ўзга англа".

Вафо ва ҳаё ҳам инсонни улуғлайдиган фазилатлар қаторида кўрсатиб берилган:

"Карам ва муруввват ато ва анодурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд... Ҳар кўнгулникким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ – имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ – андин одамийлиғ келмоқ имкон йўқ".

Танбеҳ (27).

Дўст висолин тилар бўлсанг, ошиқ бўл ва агар ўзлугунг била бўла олмасанг, ошиқлари теграсиға ўгрул. Ул ўт шуъласи агар санга ҳавасдур, бир шарар сенинг сори юзланса басдур.

Қитъа:

Ишқ бир ўтдурки, онинг шуъласидин бир шарар,
Тушса гардун пардасиға ўртар андоқким ҳарир.
Сенки, жисминг парда торидин дағи бўлғай наҳиф,
Тушса ул янглиғчоқин тузгайму ул тори ҳақир.

Ота-она ҳурмати фарзанд учун улуғ фарздир. Шунинг учун ҳам бошқа соҳалардаги улуғ-кичик муносабатларининг баҳоси шу андозада ўлчанса, уларни тасаввур қилиш осонлашади. Эътибор беринг (Танбеҳ (29): Ўзгаларнинг тарбиясини олиб, уларнинг ҳиммати-дан баҳраманд бўлиб, эвазига номуносиб хатти-ҳаракат қилган киши ҳақида нима дейиш мумкин:

Валинеъматқа айб раво кўргувчи қулпирига муртад муриддур ва атосиға ҳаромзода

ўғил. Муридға пир ва ўғулға ато ва ходимға махдум ҳаққиандоқдурким, бандаларға Қодири қайюм ҳаққи.

Маснавий:

Кимки ато амриға қўймас бўюн,
Пир ила махдум ишин дер ўюн.
Билки, чекар Тенгри йўлидин аёқ,
Тенгри била оқ бўлар, пир-ла оқ.

Танбеҳ (35).

Фосиқ олим донишваредур ўз нафсиға золим, Қанийи бахил нодонедур, ўз зиёниға нодим. Бу икки киши умр зоеъ ўткардилар ва гўрга ҳасрат ва армон олиб бордилар. Бири улким, илм ўрганурга ранж торттию амал қилмади, бири улким, мол йиғарға эмгак чектию сарф қилурин билмади.

7. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ПЕДАГОГИК ТЕРМИНОЛОГИЯ

Бадиий адабиётда барча услубларга хос бўлган кўплаб хусусиятлардан фойдаланиш имкониятлари ниҳоятда кенг. Умуман, сўздан фойдаланиш ижодкорнинг шахсий фазилатларига, салоҳиятига, бадиий маҳоратининг даражаларига боғлиқ ҳодиса. Агар Алишер Навоий ижодига теранроқ назар ташланадиган бўлса, буюк мутафаккирнинг бу борада ҳам ажойиб кашфиётлари билан мароқланиш мумкин.

Биз мактаб, таълим, тарбия, мадраса, муаллим, устоз, шогирд, дафтар, шакл, усул... сингари ўнлаб атамаларнинг Навоийнинг бадиий асарларидаги иштирокидан ҳайрат ва завқларга тўламиз. Уларнинг айримлари билан танишиш бу фикримизнинг асосли эканлигини кўрсатади.

Алишер Навоий чиройли ёзувга алоҳида эътибор берган. Шунинг учун ҳам “хушхат” кишиларга эътибор билан қараган. Бу жиҳатдан Султон Али Машҳадий алоҳида мавқега эга эди. Унга бағишланган қитъа шундай сарлавҳа билан келтирилади: “Комил қаламзан сўзидаким, таърифи лозим келгайки, қалам тилин билур киши ани билгай”. Султон Али Машҳадий шунчалик машҳур бўлганки, Навоий тили билан айтганда, “қалам тилини билур киши” уни албатта, таниган. Эҳтимолки, ҳар бир ижодкор ўз асарларининг айнан Султон Али томонидан кўчирилишини орзу ҳам қилган. Шунинг учун ҳам қитъа сарлавҳасида “комил” сўзининг учраши тасодифий эмас. У қалам тебратувчиларнинг комили сифатида эътироф этилган:

Қиблат-ул-куттобким, дерлар ани Султон Алий,
Ким қазо килки масаллик хомаси ёзмас ғалат,
Қайси қитъамники ёзди борди андин шеърлик,
Эл солурлар жузвдонғаким, эрур бир қитъа хат[1].

Бугина эмас, Навоий назарида, у барча котибларнинг қибласи (“Қиблат-ул-куттоб”), эътироф ва эътиқодларига муносиб шахс даражасига кўтарилган. Унинг қаламидан ҳеч қачон хато сўзлар ўтмайди. Шу ўринда Навоий Султон Алидаги мана шу хислатга муносиб бир ташбеҳ излайди ҳамда унинг энг муносиби сифатида “қазо қилки” (“тақдир қалами”) ни эсга олади. Халқда “тақдирга тағйир йўқ” деган ҳикмат сақланиб қолган. Бу қазо ва қадарнинг ўзгармаслиги, хатога йўл қўймаслиги, ўз йўналишидан оғишмаслигини таъкидловчи эътирофдир.

Бу ўринда “куттоб” (“котиб”, “хатни, ёзувни ўргатадиган мактаб”), “килк” (қамиш, қамиш қалам; най, най қалам; ўқ), (“Қазо килки” – “пешонага ёзилгани”, “тақдир”, “қазо ва қадар”), “хома” (“қалам”), “ғалат” (“хато”), “ёз”моқ, “жузвдон” (“жузгир”, “чарм халта”, “қоғоз, хат-ҳужжат, ўқув ва ёзув қуроллари соиб қўйиладиган идиш ёки халта”), “бир қитъа” (“парча”, “бўлак”, “бир миқдор, бир бўлак”), “хат” сингари атамалар бадиий услубнинг “материаллари” сифатида қўлланган.

Афсуски, барча хаттотлар ҳам шундай бўлган эмас. Уларнинг орасида анчайин нўноқлари, ўз ишига етарлича масъулият билан қаролмайдиганлари ҳам учраб турган. Уларнинг айримлари, табиийки, Навоийнинг ўзига ҳам бевосита дуч келган, Навоий уларнинг хатокорликларидан азият чеккан. Қуйидаги қитъа айни мана шу тарздаги котибларга бағишланган. Унинг сарлавҳасидаёқ асл моҳият ҳақидаги дастлабки ва муҳим ахборот мужассамлашган: “Ғалат битир котиб бобида қалам сурмагу қорасининг ғалатин юзига

1 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент, Фан, 1988, 558-559-бетлар.

келтурмак”. Мазкур ифодани “Хато ёзадиган котиб тўғрисида қаламни ишлатмоқ ва қора (қаламининг хатоларини юзига солмоқ)” деб табдил қилиш мумкин.

Энг аввало, қитъанинг сарлавҳасига эътибор берайлик. Унда ажойиб бир сўз ўйини мавжуд. “Ғалат битир котиб бобида қалам сурмагу қорасининг ғалатин юзига келтурмак”да “қалам” сўзини икки марта такрорламаслик учун адиб иккинчи ҳолатда “қора” сўзидан фойдаланади. Айни пайтда “қора” сўзи иборанинг таркибий бўлаги сифатида “юзига қора суртмоқ” ифодасининг юзага келишига ҳам асос бўлмоқда. Гап ичида эса “юзига солмоқ” ибораси ҳам ўз мавқеини сақлаб турибди.

Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин ани қўпармоқ керак.
Юзин номасидек қора айлабон,
Қаламдек бошин дағи ёрмоқ керак.
Қорадин қораға берибон улоқ,
Қаламравдин ани чиқармоқ керак[1].

Навоий “фалоний” туркумидаги асарларнинг ижодкорларидан биридир. Бу туркумнинг умумлашма қудрати алоҳида шахс номини келтиришдан ҳам даҳшатлироқ таъсир кучига эга. Энг муҳими, унда умумлаштирувчи қудрат мавжуд бўлиб, бу тушунча остида битта эмас, балки бир қатор айни хусусиятга эга бўлганлар бирлашиб туради.

Аслида котибликнинг ўзи алоҳида мансаб, яъни алоҳида ҳурмат ва эътирофнинг омилидир. Агар у “мундоқ ёзар” бўлса, уни бу мансабда сақлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Матннинг сарлавҳа билан чамбарчас боғлиқлиги, албатта, Навоий томонидан назарда тутилган. Асосий гап сарлавҳада ўз аксини топганлиги учун ҳам адиб уни такрорлаб ўтирмайди.

Демак, хато ёзадиган котибнинг жойи бу ер эмас. Шоир “олмоқ”, “бўшатмоқ” сўзларидан ҳам фойдаланиши мумкин эди. Лекин у айнан “қўпормоқ” сўзини танлайди. Албатта, бу ерда кейинги бандлар қофиясида қўлланган “ёрмоқ”, “чиқармоқ” сўзлари ҳам ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Барибир, мазкур сўз Навоий танловига бежиз тушган эмас. Унинг маъно доираси ўз синонимик қаторидаги бошқа сўзларга қараганда анча кучли ва баландлиги билан ажралиб туради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унинг бир қатор маънолари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, “1. Таг-туги, томири билан суғурмоқ, ағдармоқ;... 3. Таг-туги билан йўқ қилмоқ, тугатмоқ”[2]. Ҳар икки маъно ҳам Навоийнинг бу сўзни танлашдаги нуқтаи назарини очиқ кўрсатиб турибди.

Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин ани қўпармоқ керак.

Бу жуда оз жазо. Унинг хатоси бундан кўра кучлироқ ва таъсирлироқ жазо чораларига ҳам муносибдир. Навоийнинг “таклифи” шундай:

Юзин номасидек қора айлабон,
Қаламдек бошин дағи ёрмоқ керак.

---

1 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент, Фан, 1988, 558-бет.

2 Ўзбек тилининг изоҳли луғати, V жилд, – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008, 412-бет.

Хато ёзган котибнинг юзи ҳам ўзи ёзган хат каби қора бўлиши мувофиқ ҳолатдир. Унинг бошини эса котибнинг қалами қандай ёрилган бўлса, шундай ёрилмоғи жоиз. Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Энг охирги жазо – котиб қаламравдан чиқазиб юборилиши керак:

Қорадин қораға берибон улоқ,
Қаламравдин ани чиқармоқ керак

Қаламрав – қўл остидаги мулк ва жойлардир. Бу ерда котиб ўтирадиган жой назарда тутилади. Бу сўзнинг кўчма маънода "олам", "дунё" маъноларини ҳам англатишини назарда тутсак, гап бу хил хато эгаларининг фақат ўз ишхонасида эмас, балки умуман бу оламда мавжуд бўлиши ҳам зарур бўлмай қолиши устида бораётгани маълум бўлади. Бошқа бир ўринда, аниқроғи, ёлғончиларга муносабат масаласида Алишер Навоий бу сўзнинг қайси маънода қўллаганини жуда аниқ бир шаклда ифодалаб ҳам берган эди.

Ул кишини қутлуқ эвдин ташқари сурмак керак,
Қутлуқ эв дунё дурур, яъникн ўлтурмак керак[1].

Навоий асарларида жуда кўплаб педагогик терминологиянинг қўлланган ҳам бор ҳолатдир. Адибнинг бадиий, илмий, тарихий асарларида бу терминологиянинг ўзига хос тарзда қўлланиши кузатилади. Айниқса, бадиий асарларда улар ўзига хос тасвир унсурлари, бадиий тасвирни кучайтириб берувчи омил вазифасини адо этади.

Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,
Бу навъ устод ўлса, ул оз чоғда моҳир бўлғуси[2].

Гап ёр гўзаллиги устида бормоқда. Ёрнинг ҳамма нарсаси гўзал ва бу жиҳатдан улар олий даражага етишган. Ҳатто унинг ғамзаси ҳам шу мақомда. Шу ҳолат ва ҳодисани тасвирлаш учун Навоий ёр ғамзаси билан ажални ёнма-ён қўяди ҳамда уларни устоз ва шогирд мақомида тасвирлайди.

Устознинг асосий вазифаси нималардан иборат? Табиийки, унинг асосий вазифаси ҳеч нарсани билмайдиган шогирдга мунтазам равишда билим беришдан, шу йўл билан уни ўзи танлаган соҳада етук, маҳоратли бир касб эгаси бўлиш даражасига етказишдан иборатдир. Агар устоз шундай бўлса, шогирд, албатта, жуда оз фурсат ичида маҳорат касб этиши тайин.

Ажалнинг вазифаси жон олишдан иборат. Навоий уни "ўлтурмак" сўзи билан ифодалаган. Ажал "ўлтурмак иши"ни ўрганмоқчи, шу соҳада таълим олмоқчи. Таълим берувчи ҳам тайёр, у ёрнинг ғамзасидир. Шунақа устоздан таълим олгандан кейин ажал моҳир бўлмай ким моҳир бўлсин?!

Энди гал устозидан ўтадиган шогирдлар ҳақида.

Кирпигингга қатл таълимин ажал бермиш, валек
Ўзидин устодроқ этмиш анинг устоди кўп[3].

---

1 Алишер Навоий. МАТ, Маҳбуб ул-қулуб, Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент, Фан, 1998, 95-бет.

2 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент, Фан, 1988, 478-бет.

3 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990, 53-бет.

Юқорида ёр ғамзасининг ажалга устозлик қилгани ҳақида гап борган эди. Бу ерда энди ажалнинг “шогирди” қаламга олинган. Маълум бўлишича, қатл этмоқ илми бўйича устоз – ажалдир. Ёрнинг киприги унга шогирдликка тушган. Устознинг “бағрикенглиги” шунчаликки, у шогирднинг ўзидан ҳам моҳирроқ бўлишини таъминлаган.

Албатта, шогирдларнинг барчаси ҳам бирдек моҳир, маҳоратли, эпчил ва уддабуррон бўлавермаслиги мумкин. Ўз касбини охиригича пухта эгаллай олмайдиган шогирдлар намунаси дўзах мисолида кўрсатилади. Ваҳоланки ёрнинг фурқати инсонни ўрташда, руҳий қинйноқларга рўпара қилишда тенгсиз устоддир:

Ўртамакта фурқатинг шогирдидур дўзах, валек
Пеша айлаб касб устодича моҳир бўлмади[1].

Педагогик терминология орасида “дарс”, “сабоқ”, “таълим”, “такрор”, “ҳарф”, “ўқимоқ” кабилар, айниқса фаол истеъмолга эга. Дарс жараёнида янги билимлар ўрганилади. Ундан кейин эса бу билимларнинг мустаҳкам тарзда ўзлаштирилиши учун “такрору сабақ” қилинади.

То ўқубмен ишқ ҳарфин дарсу такрору сабақ
Вомиқу Фарҳоду Мажнун достонидур манга[2].

Айрим товушларнинг тўғри талаффузи уларнинг қисқа ёки узунроқ тарзда ўқилиши билан боғлиқ бўлади. Бундай чоғда мисолларни кўпроқ Қуръон оятларидан олиш анъана йўсинида бўлган:

Зикрида оҳим дамо-дам ўйладурким, аҳли зуҳд
Ҳар замон бир мад ўқурда ояти Қуръон чекиб[3].

Ўқишда айрим гигиеник талабаларга риоя этиш мажбурий ҳисобланган. Жумладан, касаллик пайтида ўқувчиларнинг бевосита ёзилган матн устида узоқроқ муддат ўтиришлари ижобий ҳолат ҳисобланмаган. Зеро, бундай пайтда ўқувчи “Заъфқа мужиб бўлур”:

Ёр хаттидин Навоий хаста кўнгли заъф этар,
Заъфқа мужиб бўлур, чун кўп ўқур бемор хат[4].

Ёрнинг хатидан лирик қаҳрамон озурдаланади, қийналади, ҳолсизланади. Аниқроғи касал бўлади. Зеро, “заъф”нинг луғавий маъноси “қувватсизлик”, “ҳолсизлик”, “хасталик”, “касаллик”дир. “Муъжиб” эса “сабаб”, “важ”, “баҳона” маъноларини беради. Аслида бу ерда “хат” ийҳом вазифасини адо этаётир. Унинг мактуб маъноси ҳам матн учун хос. Айни пайтда бу сўзнинг мумтоз адабиётмизда ёр гўзаллигининг аломатларидан бири, лаблар устидаги майин, янги чиқаётган тукларни англатиши ҳам бор гап.

---

1 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990, 422-бет.
2 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990, 17-бет.
3 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990, 44-бет.
4 Алишер Навоий. МАТ, Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990, 204-бет.

Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонида “тилмиз” радифли бир ғазал мавжуд. Радифда қўлланган сўзнинг маъноси “талаба”, “шогирд”, “мурид” демакдир[1]. Биз учун муҳими, мазкур педагогик терминология ҳамда унга боғлиқ ҳолдаги тушунчалар изоҳидир.

Бўла олса лабинг оллида Масиҳо тилмиз,
Янги бошдин яна топқай эди иҳё тилмиз.(Ф.к.96)

Байтда мзоҳланиши лозим бўлган бир неча сўзлар мавжуд. Улар қаторида “Масиҳо”, “тилмиз”, “иҳё” сўзлари турибди. “Тилмиз” юқорида изоҳланди. “Масиҳо” – мумтоз адабиётимиздаги энг фаол персонажлардан бири. “Иҳё” луғатларда кўпинча “эҳъё” тарзида ёзилади. У “Фарҳанги забони тожики”да “аз нав зинда гардонидан, ҳаёт бахшидан” (“янгидан тирилтирмоқ”, “ҳаёт бағишламоқ”) тарзида изоҳланган. Шунингдек, унинг “тирикчилик”, “ҳаёт” деган маънолари ҳам кўрсатилган[2].

Ана шунда байтни биз “Агар Масиҳо сенинг лабинг ҳузурида шогирдлик мақомини бажара олса эди, у янгидан ҳаёт топган бўлар эди”, – тарзида табдил қилишимиз мумкин бўлади. Демак, муносиб устознинг қўлида таълим ва тарбия олиш инсон учун ўз ҳаётини янгидан бошлаш билан баробардир. Ушбу байтдаги педагогик муаммо ва муддао мана шу хулосани қайд этишдан иборат.

Бўлса Фарҳод ила Мажнун, не ажаб, шогирдим,
Истасам ишқу жунунда мени шайдо тилмиз.

Болаларнинг ёшига мос ва муносиб равишда шўхлик қилиши, ўйинқароқлиги ҳам адиб эътиборидан четда қолмаган. Адибнинг назарида шўхлик “атфол” – болалар учун табиий ҳолдир. Бундан кўринадики, ўн бешинчи аср педагогикасида, умуман, ўша давр ўзбек адабий тилида “шогирд” ҳамда “тилмиз” сўзлари ўзаро синонимик қаторни ҳосил қилган.

Адиб қаламида “шўхлуқ мактаби” деган истиора ҳам мавжуд. Айни пайтда бу муносиб устоз ва номуносиб шогирд ҳақида ҳам айрим тасаввурларни бериши мумкин:

Шўхлуғ мактабида сендин этиб касб атфол,
Айламаслар бири устодға асло тилмиз.

Алишер Навоий қўллаган педагогик терминологиялар доирасида яна битта сўз эътиборни тортади. У мазкур ғазалда қўлланган “таълимгоҳ” сўзидир. Бу Навоий томонидан ўша даврда қўлланган неологизмлардан бири бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамасдан, унинг *мактаб, устоз, шогирд, ўрганмоқ* тушунчалари билан бевосита боғлиқ ҳолда қўлланган бу сўзни педагогик терминология сифатида қабул қилиш мумкинлигига далолат бўла олади:

Ишқ таълимгаҳидин кўнгул истар махлас,
Қилғай озодлиғ андоқки таманно тилмиз.
Кўзунг офат аро устод, вале холу хатинг
Давр уруб оллида ўргангали яғмо тилмиз.

Буларнинг барчаси буюк мутафаккир ижодининг ҳали очилмаган қирралари ниҳоятда кўплигини, турли соҳа мутахассисларининг Навоий яратган бадиият оламидан ўзларига

1Фарҳанги забони тожики. – Москва, 1969. с. 363
2Фарҳанги забони тожики. – Москва, 1969. с. 363

керакли кўплаб дурдоналарни топиши мумкинлигини яна бир марта тасдиқлаб турибди.

"Хазйин ул-маъоний"да таълим ва тарьбияга оид алоҳида асарлар оз эмас. Аммо адибнинг ҳар бир асарида ҳам мана шу йўналишга дахлдор бўлган байт ва мисраларнинг сероблигини таъкидлаш жоиздир. Алишер Навоий ижтимоий-маънавий муамолар ечимини таклиф этаётганида ҳам яна педагогик атамалардан фойдаланишгни афзал кўради:

Нафсинг этса шўхлуғ, чарх эмгагидин қил адаб,
Тифлни андоққи зажр айлар фалак бирла адиб (Ғ.с.49).

Бола шўхлик қилса унга ҳаётдаги амалиётга, яъни мактабдаги тартибга кўра, тегишли жазо берилади. Бунда боланинг қанчалик эртароқ умумий қонуниятларга бўйсунишни ўргатиш назарга олинган. Демак, нафс тарбиясмда ҳам бунга риоря этиш жоиз: нафс ҳали улғайиб кетмасидан, жуда кичиклик чоғиданоқ жиловлаб олиниши шарт. Шунинг учун ҳам байт охиридаги "адиб" сўзи бугун биз тушунадиган тарзда шоир, ёзувчи, ижодкор маъносида эмас, балки адаб берувчи тарзида тушунилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Энг аввало байтдаги бир имловий нотугалликка эътибор бериш жоиз кўринади. Бир қарашда, таносиб санъатининг талабига кўра *чарх* ва *фалак* сўзларининг иштироки табиийдек кўриниши мумкин. Аммо Алишер Навоий шўхлик, ўйинқароқликнинг болалар учун мос ва муносиблигини ҳеч қачон инкор этмайди. Аммо ҳар бир ёш даврида кишига ярашадиган ва ярашмайдиган ҳолат ва ҳаракатлар ҳам бўлади. Буни, айниқса, катта ёшдаги кишиларнинг билиши шарт:

Ёшинг эллик бўлди, юз қўйғил фано туфроғиға
Ким, шабоб айёми айшу беадаблиғ чоғи бас (240).
Бош оқариб юз қоралиғдур яна тарки адаб,
Дўст ғайрат айламасдин бурна қил исённи бас (Ғ.с.241).
Ҳусн аро ишвау ноз эл кўнглин
Онча олмаски ҳаё бирла адаб. (Ғ.с 50)

Алишер Навоий лирикасида ***авроқ, алифбе, варақ, дарс, давот, донишомуз (билим ўргатувчи), жадвал,*** **жузвдон,** ***илм, китоб, китобат, коғаз, лавҳ, мадорис, мактуб, мидод, руқъқа,*** **тарҳ, таълим, тарбия ,устод, хат, шарҳ, қалам, қора (сиёҳ)**сингари таълим-тарбияга доир атамаларнинг кўп учраши ҳам тасодифий эмас.

ХУЛОСА

Йирик навоийшунос олим А.Ҳайитметов ўз тадқиқотларидан бирида Алишер Навоий ҳақида шундай ёзади: “Хоҳ унинг шеър ва достонлари бўлсин, хоҳ насрий асарлари, хоҳ илмий асарлари, хоҳ тарихий асарлари бўлсин, уларни ўқиган ҳар қандай китобхон улардан маънавий озуқа олади, роҳатланади”. Бу бежиз эмас. Буларнинг барчаси адиб асарларининг қанчалик катта тарбиявий аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб турибди.

Навоий асарларининг тадқиқи, таҳлили ниҳоятда керакли ва зарурий юмушлар сирасига киради. Бу йўналишни бир зум ҳам тўхтатмаслик, аксинча, уни янада кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Аммо юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг Навоий асарлари билан бевосита мулоқот қилишлари учун шароит ва имкониятларни кўпайтириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан ҳисобланади.

Назаримизда Ўзбекистон телевиденияси, радиоси, матбуоти Навоий асарларининг ташвиқини ўзларининг кундалик энг муҳим вазифалари қаторига киритса, ниҳоятда маъқул ва муносиб ишлардан бири бўлар эди. Уларнинг шакли ва мазмуни ниҳоятда ранг-баранг бўлиши мумкин. Лекин уларнинг орасида Навоийнинг достонларидан, шеърларидан, ғазал ва рубоийларидан, қитъа ва туюқларидан фард ва маснавийларидан парчалар ўқиш, уларни чоп этиш кенг тарзда йўлга қўйилиши керак. Навоийнинг кўплаб ҳикмат ва ҳикоятлари борки, улар бадиий ўқишлар учун жуда мос ва муносиб манба бўла олади. Зеро, бадиий асар билан мулоқот инсон зеҳнини ўткирлаштиради, дилдаги ғуборларни ювади, инсоннинг эзгу ўй-фикларига қанот бағишлайди. Унинг маънавий оламига битмас-туганмас куч ва озуқа бахш этади.

Навоий асарларининг ўн беш, йигирма, ўн жилдлиги нашр этилди. Улар халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида китоб жавонларидан ҳам, ҳассос кўнгиллардан ҳам муносиб жой олди.

Навоий билан ошнолик фарзандларимиз учун илк болаликдан, оиладан бошланмоғига ҳаракат қилишимизни замоннинг, бугунги маънавий эҳтиёжларнинг ўзи тақозо этмоқда. Демак, оила даврасиданоқ Навоий асарларини ўқиш, ўрганиш имкониятларини излашимиз ва кўпайтиришимиз керак.

Бошланғич синф дарсликларида, дарсларида, синфдан ташқари ишлар силсисласида бу имкониятнинг ўзига хос жиҳатларини топиш методист олимларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторида турибди. Фақат она тили, ўқиш, адабиёт дарсларида эмас, бошқа ўқув предметлари воситасида ҳам уларга алоқадор ҳолда Навоий асарларини ўқиш ва ўрганишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларнинг турли ёш даврларига хос ва мос бўлган нашрлар устида бош қотириш уларнинг маънавий тарбияларини тўғри йўлга қўйишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлишига шубҳа йўқ. Фарзандларимиз ҳеч бўлмаганда бир кунда бир марта Навоийнинг бир сўзига, бир гапига, бир ҳикматига, бир асарига рўпара бўлишини уларнинг ҳаётий-маънавий эҳтиёжлари даражасига кўтариб чиқишнинг уддасидан чиқмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб турибди.

Ўқув дастурларида Навоий асарларини ўрганишга ажратилган соатлар ҳажмини кескин даражада кўпайтириш, айниқса, юқори синфларда уларнинг ҳажмини анча ошириш зарур.

Олий таълимда ҳам Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга оид махсус курс ва махсус семинарларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Назаримизда, битирув малакавий ишлари, шунингдек, магистрлик диссертациялари мавзуларини шакллантираётганда уларнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга

ҳозиргидан кўра кўпроқ даражада йўналтириш бу манфаатга муносиб тарзда хизмат қилган бўлар эди. Уларнинг орасидан эса келгусида юқори даражадаги илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган илмий ходимларнинг чиқишига умид қилса бўлади.

Умуман, Навоийнинг адабий меросида ёшларнинг онгу шуурини миллий-маънавий қадриятлар билан бойитишнинг улкан манбалари мужассамланган экан, буюк мутафаккир ижодининг таълим жараёнларидаги ўрганилишига янада каттароқ эътибор қаратиш ҳам жоиз кўринади. Назаримизда, биз бу борадиги имкониятлардан ҳали-ҳануз тўла фойдалана олаётганимиз йўқ.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Навоий асарларининг мукаммал нашрини лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси асосида қайта нашр этиш ҳам жуда долзарб бўлиб турибди.

Президентимиз кўрсатиб ўтганларидек, «Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса»[1]. Бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак. Яъни Навоийнинг халқ қалбидаги образи, унинг обрўси, унга бўлган ҳурмат ва эътиқод Навоий асарларининг тарғиби ва ташвиқидаги бирламчи қадам, асосий тамал тоши бўлмоғи керак.

Шунга қарамай, Навоийнинг бадиий мероси катта нусхаларда чоп этилиши керак. Уларнинг жанрларига кўра нашрлари ҳам қизиқарли ва фойдали бўлади.

Булардан ташқари, Навоийнинг танланган асарларини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, «Бир ғазал», «беш ғазал», «ўн ғазал», «қирқ ғазал», «юз ғазал» сингари серия ва туркумларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уларда битта ғазал ёки ҳикоянинг ўзини рангли нашрлар тарзида амалга ошириш ёки битта ғазални матни, луғати, насрий баёни ва илмий-оммабоп шарҳи билан нашр этиш мумкин. Худди шу ҳолатда беш, ўн, қирқ, юз ғазални ҳам оммалаштириш жамиятимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун муносиб жавоб бўлар эди.

Бундай нашрларни рубоийлар, қитъалар, туюқлар, фардлар, ҳикматлар мисолида ҳам амалга ошириш имконлари мавжуд.

Албатта, нашрлар орасида шарҳ ва насрий баёнлар билан таъминланганлари ҳам алоҳида ўрин тутиши керак.

Биз ўтмишда яратилган нодир санъат асарларини, жумладан, Навоий меросини бугунга ҳам, келажакка ҳам кўпроқ хизмат қилдиришимиз жоиз. Улар бунга камарбаста. Фақат бизда иштиёқ ва ғайрат, улардан фойдаланишдаги билимдонлик ва омилкорлик бўлса кифоя.

Бугун жаҳон ҳамжамиятида қадимги меросдан, айниқса, санъат асарларидан, фалсафий, тарихий, адабий-бадиий меросдан унумли фойдаланиш учун жиддий ҳаракатлар кучайиб бораётганини илғаш қийин эмас. Бу муаммо билан тарихчилар, археологлар, файласуфлар, санъатшунослар, филологлар шуғулланишмоқда.

Бу бежиз эмас. Қадимий ёдгорликлар, мозий обидаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора кўпроқ сезилиб бормоқда. Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Навоий асарлари мисолида ўтмишда яратилган маданий-маърафий меросимизни ўрганувчиларнинг қалмоғи оз эмас. Нашр этилган шунча китоблар ўқилмасдан қолаётгани йўқ. Бизнинг асосий истагимиз, бош мақсадимиз эса мана шундай китобхонларнинг, навоийхонларнинг сонини, нуфусини янада оширишдан иборатдир.

---

1 Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент Маънавият, 2008, -бет.

Тарих ҳар доим ҳам замондошларнингилмий дунёқарашини, ижтимоий, сиёсий қарашларини шакллантиришдаги, ахлоқий-маъанавий қадриятларга муносбатларидаги ўлчов бирликларидан бири бўлиб келган. Агар Навоий мисолида олиб кўриладиган бўлса, буюк мутафаккиринг тарихга, тарих илмига, тарихий ҳодисаларга қайта-қайта мурожаат этгани бежиз эмас.

У «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Насойим ул-муҳаббат» сингари илмий-тарихий асарларида, «Садди Искандарий» достонида, бир қатор «Ҳолот»ларда бу мавзунинг турли қирраларини кўрсатиб, ёритиб берган эди.

Ўзбекнинг суюкли шоири Азим Суюн бир шеърида шундай дейди:

Неки бир сўз изладим Навоийдан топдим,
Қалб муродин кўзладим – Навоийдан топдим[1].

Шеър бадиий асар бўлишига қарамасдан, унда ҳаётий-бадиий ҳақиқат ўзига хос тарзда акс этади. Биз учун муҳими, шоирнинг буюк мутафаккир асарларида мужассамлашган бепоён тарбиявий имкониятларга берган шеърий баҳосидир. У шундай ифодаланган:

Комил сўзу комил амал – комил тарбият,
Ибратини бўзладим – Навоийдан топдим.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарлари “комил тарбият”нинг асл, бебаҳо омилларидир. Уларда бевосита тарбиявий аҳамиятга молик бўлган қимматли фикр-мулоҳазалар, дақиқ кузатишлар,ҳикматомуз хулосалар жамланган. Бу хулосалар ўн бешинчи асрда яратилган бўлишига қарамасдан бугунги авлодлар учун ҳам ўз куч ва имкониятларини тўла сақлаб қолган.

Бир сўз билан айтиладиган бўлса, “Ҳазрати Навоий барча фаолиятини, жумладан, адабий ижодини миллатнинг ривожига, унинг келажагининг хайрли бўлишига қаратди”[2]. Биznингвазифамиз мана шуфаолият мазмунини бутун теранлиги билан замондошларимизга, айниқса, ёшларимизга муносиб тарзда етказиб беришдан иборатдир.

Навоий ҳаёти ва ижодини унинг бой меросини илмий жиҳатдан ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам уларни қондиришнинг хилма-хил шакл ва кўринишлари устида бош қотирмоқ жоиз кўринади.

Биз ёшларимиз орасида, хусусан, эндигина илмнинг муқаддас остонасидан ҳатлаб ўтишга ҳаракат қилаётганлар қаторида навоийшуносликни танлаган ёки танлайдиганларнинг кўп бўлишини жуда-жуда истар эдик.

---

1 Азим Суюн. Андиз ўсган ерларда (Шеърлар, ғазаллар, қўшиқлар). – Тошкент, 2012, 4-бет.
2Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, “Extremum press”, 2010, 8-бет.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga murojaatnomasi. – // Ma’rifat, 2017-yil 23 dekabr, № 102-103 (9064).
2. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. Мақолалар. -Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995, 58-59-бетлар.
3. Абдуғафуров А. “Хазойину-л-маоний”дан четда қолган ғазаллар// Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.
4. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент, 1966.
5. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. – Тошкент, 1966.
6. Абдуқодиров А. Адабий алоқа, анъана ва маҳорат. – Хужанд, “Нури маърифат”, 2017, – 115 б.
7. Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Хужанд, “Нури маърифат”, 2013, 100-бет.
8. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд, Пандлар, ибратлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари.. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Б.Қосимов. – Тошкент, Маъавият, 1998. 9-бет.
9. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1 жилд. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 йил, 90-бет.
10. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 2 жилд. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 йил, 21-бет.
11. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Тузувчи Абдусодиқ Ирисов. – Тошкент, 1981,51-бет.
12. Абу Райҳон Беруний. Ўйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи А.Ирисов, - Т.: Ёш гвардия, 1973,22-бет.
13. Адабиёт назарияси, Икки томлик, биринчи том, Адабий асар,Тошкент, фан, 1978, 67-бет.
14. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2003.
15. Айзерман Л. Пятьдесят лет спустя. Статья первая. - // Литература в школе, 2006, № 6, с.25-28.
16. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 1997. – 20 б.
17. Алиев Г. Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985. – 366 б.
18. Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, “Extremum press”, 2010, 80 б.
19. Алишер Навоий “Хамса”си (мақолалар тўплами). Тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1970.
20. Алишер Навоий «Маҳбуб ул қулуб», «Муншоат», «Вақфия» Ўн беш томлик. Т.: 1966. 22-бет.
21. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. II том. Э.И.Фозилов таҳрири остида. – Тошкент, Фан, 1983.
22. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. III том. Э.И.Фозилов таҳрири остида. – Тошкент, Фан, 1984.
23. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. IV том. Э.И.Фозилов таҳрири остида. – Тошкент, Фан, 1984.

24. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.Тўрт томлик. I. – Т.: Фан, 1983.
25. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.Тўрт томлик. IIIт. – Т.: Фан, 1984;
26. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.Тўрт томлик.II т. – Т.: Фан, 1983.
27. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.Тўрт томлик.IVт. – Т.: Фан, 1985.
28. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: O‘zbekiston, 2011. – 176 б.
29. Алишер Навоий. Айёми висол ўлди яна: Янги топилган ғазаллар (Нашрга тайёрловчи Ф.Сулаймонова). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
30. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. – Т.: Камалак, 1991.
31. Алишер Навоий. Девони Фоний (давоми). Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, С.Рафиддинов, Муродий (Ҳ.Тожибоев). 20 жилдлик, 19-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 600 б.
32. Алишер Навоий. Девони Фоний (давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 20-жилд. – Тошкент, Фан, 2003. 568 б.
33. Алишер Навоий. Девони Фоний. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, Муродий (Ҳ.Тожибоев), С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 18-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 552 б.
34. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун (насрий баён муаллифи В.Раҳмонов, Н.Норқулов). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – 365 б.
35. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. 20 жилдлик, 12-жилд. – Тошкент, Фан, 1996. 328 б.
36. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис.- . – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ун учинчи том., Тошкент, Фан, 1997163-бет.
37. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Матнни излҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 13-жилд. – Тошкент, Фан, 1997. 284 б.
38. Алишер Навоий. МАТ, Бадоеъ ул-бидоя. 20 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент, Фан, 1987.
39. Алишер Навоий. МАТ, Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент, Фан, 1998.
40. Алишер Навоий. МАТ, Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент, Фан, 1999.
41. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Қалблар севгилиси). – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 67-бет.
42. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.- . – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ун тўртинчи том., Тошкент, Фан, 1998,28-бет.
43. Алишер Навоий. Муншаот. / Изоҳ баён муаллифи: Ю. Турсунов. – Т.: Маънавият, 2001. - 152 б.
44. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. (Матнни П.Шамсиев нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Мезон ул-авзон. (Матнни И.Султон нашри асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Тарихи анбиё ва ҳукамо. (Матнни нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Тарихи мулуки Ажам. (Нашрга тайёрловчи Л.Халилов). Арбаъин. (Матнни нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Сирож ул-муслимин. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Муножот. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Рисолайи тийр андохтан. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). 20 жилдлик, 16-жилд. – Тошкент, Фан, 2000.236 б.
45. Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. 20 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент, Фан, 1987.
46. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мир-

зааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 17-жилд. – Тошкент, Фан, 2001.520 + 72 б.

47. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 544 б.

48. Алишер Навоий. Садди Искандарий (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. - 832 б.

49. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати:А.Қаюмов ва бошқ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.- 246 б.

50. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 544 б.

51. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. 20 жилдлик, 3-жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1988. 616 б.

52. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент, Фан, 1989. 560 б.

53. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 6-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 568 б.

54. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. I жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.

55. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. II жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.

56. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. III жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.

57. Алишер Навоий. Хазойин ул-маъоний. IV жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1960.

58. Алишер Навоий. Хазойинул маоний (Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов). 4 жилдлик. 1-4-жилдлар. – Т.: Фан, 1959-1960.

59. Алишер Навоий. Хамса. Лайли ва Мажнун. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Т.Ғафуржонова. 20 жилдлик, 9-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 356 б.

60. Алишер Навоий. Хамса. Сабъайи сайёр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи М.Мирзаахмедова. 20 жилдлик, 10-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 448 б.

61. Алишер Навоий. Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 640 б.

62. Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 8-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 544 б.

63. Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов. 20 жилдлик, 7-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 392 б.

64. Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Мукаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ун бешинчи том., Тошкент, Фан, 1999,111-бет.

65. Алишер Навоий: 1441-1501 йил. Адабиётлар кўрсаткичи / Туз. З.Бердиева, А.Туропова. – Т., 1991.

66. Араслы Н. Г. Низами ва турк эдебйати. – Баку: Элм, 1980. – 206 с.
67. Араслы Н.Г. Ариф Ардебили и его поэма “Фархаднаме”: Афтореф. дис. … канд. филол. наук. – Баку, 1969. – 27 с.
68. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А. Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.
69. Афсахзод Аълохон. Лирика Абд ар-Рахмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – М.: Наука, 1988. – 326 с.
70. Ахлоқ одобга оид ҳдис намуналари. – Т.: Фан, 1990,32-бет.
71. Ахмедов Қ. Ў.Ў Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасини ўрганиш. – Т.: 1968.
72. Ахмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш. Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. – Т.: Ўқитувчи, 1986, - 92 б.
73. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони. – Т.: Фан, 1970. – 140 б.
74. Баракаев Р.Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. Тошкент, Фан, 2004.78-бет.
75. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997-йил 29-август. Тошкент. Шарқ. 1997.
76. Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь. Сочин. В IX томах. – М.: Наука, 1964. Т. II. Ч.2.
77. Бертельс Е.Э. Избранные труды. История литературы и культуры
78. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 500 с.
79. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. – М.: Наука, 1962. – 552 с.
80. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М.: Наука, 1960. – 554 с.
81. Бертельс Е.Э. Низами. Творческий путь поэта. – М.: Наука, 1956.
82. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965.
83. Бобир Заҳириддин. Мухтасар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. – 413 б.
84. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2002.
85. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
86. Бобометов С. Аруз вазнидаги шеърий асарларни имфодали ўқиш - // Тил ва адабиёт таълими. 1992, 2-сон.
87. Бобур Заҳириддин. Бобурнома / Ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Муллахўжаева табдили. – Т. : "O`qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи (НМИУ). -2008. – 288 б.
88. Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 2-е издание, стереотьипное, 2002, - с.136.
89. Бойқаро Ҳусайн. Рисола: Девон. – Т.: Шарқ, 1995. – 160 б.
90. Болтабоев Ў. Профессор Фитратнинг назарий қўлланмаси. - // А.Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. Нашрга тайёрловчи, сўз бошит ва изоҳлар муаллифи Ў.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1995, 3-19-бетлар.Бобур. Мухтасар – Тошкент, Фан, 1971.
91. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.
92. Восифий Зайниддин. Бадоеъул вақоеъ – Нодир воқеалар / Форсийдан Н.Норқулов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
93. Воҳидов Р. Навоий қалбила сирлашган инсон. – Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, 7-бет.

94. Голубков В. Адабиёт ўқитиш методикаси. М.: 1938 й.
95. Давлатов О. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги басмала бобининг қиёсий таҳлили. – // Алишер Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари. – Тошкент, 2017, 132-143-бетлар.
96. Долимов С., Убайдуллаев Ў., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси, - Т.: Ўқитувчи, 1967, 239-бет.
97. Долимов С., Убайдуллаев Х. «Адабий ўқиш методикаси» Ўқув.пед.давнашр Т.: 1952 й.
98. Долимов С., Убайдуллаев Х. «Адабий ўқиш методикаси» Ўқув.пед.давнашр Т.: 1952 й.
99. Дўстқораев Б. Маҳмудхўжа Беҳбудий – таълим ислоҳотчиси. - // Til va adabiyot ta’limi, 2005, 4-son, 94-bet.
100. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Учебное пособие. — М.: Флинта, Наука, 1998, с. 191.
101. Жалилов Б., Шарипова М. Мактабда драматик асарларни ўрганиш. Ўқитувчилар учун методик қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1992, - 72 б.
102. Жалолов Т. Нафосат оламида. – Тошкент, 1974.
103. Жамол Камол. Лирика. - // Адабиёт назарияси. Икки томлик, II том, Адабий-тарихий жараён, Тошкент, Фан, 1979, 237-238-бетлар.
104. Жомий Абдураҳмон. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Қаюмов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 224 б.
105. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
106. Жўраев К. Мактабда Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.- Т.: Ўқитувчи, 1974.
107. Захидов В.Ю. Мир илей и образов Навои. – Ташкент, 1967.
108.Зиёдуллаева Н.Ш. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биография-сини ўрганиш муаммолари (А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида), фил. фан номз. дисс авт – Т.: 2000, - 26 б.
109. Зоҳидов В. Навоий ижодининг қалби. – Тошкент, 1997.
110. Зоҳидов Л. “Девони Фоний” бадииятига доир мулоҳазалар // Адабиёт кўзгуси. – Т, 2010. – № 10.
111. Зуннунов А. Педагогик тадқиқот методикаси, Тошкент, 2000 й.
112. Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1973, 160 б
113. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа ижтимоий фанларга боғлаб ўрганиш. –Тошкент, "Ўқитувчи" 1982 йил.
114. Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
115. Зуннунов А.З., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси Т.: «Ўқитувчи» , 1992 й.
116. ЗуннуновА.С. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи 1973.
117. Зунунов А. Педагогик тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, “Шарқ”, 2004, 82–87-бетлар.
118. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз (2-3-мақолалар) // Шарқ юлдузи. – Т., 1989. - № 4; 1991. - № 4.
119. Ирана. – М.: Наука, 1988. – 560 с.
120. Исматов С. Мактабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.
121. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – 168 б.
122. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, “O‘zbekiston”, 2914. – Б.320.
123. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т.: Зарқалам, 2006.

124. Исҳоқов Ф. Мактабда Гулханий адабий меросининг ўрганилиши. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
125. Йўлдошев Қ. «Адабий сабоқлар. 8». Умумтаълим мактабларининг 8-синф «Адабиёт» дарслиги учун методик қўлланма. – Т.: Шарқ, 2004.
126. Йўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари ёки досто бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. – Т.: «Маънавият», 2002.
127. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий назарий асослари. Тошкент. "Ўқитувчи", 1996 йил.
128. Йўлдошев Қ. Тарбия – баркамол авлодни тарбиялашнинг бош омили. – // Тарбия: (Ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия) / тузувчи М.Н.Аминов, масъул муҳаррир А.М.Мажидов. – Тошкент, “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2010.
129. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси юзасидан Методик қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1997.
130. Йўлдошев Қ., Мадиев О, Л.Абдураҳмонов. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т.: «Ўқитувчи» 1999 й.
131. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У. Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти, Тошкент, Ўқитувчи, 1999, 147-бет.
132. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти, Тошкент, Ўқитувчи, 2002, 147-бет.
133. Комилов Н. Сўзбоши.– // Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами”. – Тошкент, “Tamaddun”, 2014, 3-бет.
134. Кошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону луғот ит-турк), Уч томлик, I том, Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов, - Тошкент, Фан, 1960.
135. Ксензова Г.Ю. Инновацилгнные технологии обучения и воспитания школьников. М.:Педаогическое общество России, 2005.
136. Лесохина Л.Н. Нравственное развитие учащихся в процессе изучения литературы.- Сб. Искусство анализа художественного произведения. М.: Просвещение, 1971, с. 124.
137. Мактабда Огаҳий ижодини ўрганиш. Муаллифлар Қ.Султонова, Н.Мадаминова. – Т.: 2003.
138. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 196.
139. Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами”. – Тошкент, “Tamaddun”, 2014.
140. Методика преподавания литературы. М.Просвещение 1985 г. 57 стр.
141. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.: O’zbekiston, 2011. – 704 б.
142. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари.- Тошкент, Фан, 2006. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев, С.Иброҳимов. Т.: ў.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
143. Муҳаммаджон Маҳмуд. Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011.
144. Муҳиддинов М. “Алишер Навоий ва салафлари хамсаларида комил инсон тимсоли (биринчи достонлар мисолида). – // Алишер Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари. – Тошкент, 2017, 10-17-бетлар.
145. Муҳиддинов М. Навоий ва Хусрав деҳлавий. – // Алишер Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари. – Тошкент, 2017, 18-29-бетлар.
146. Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент, 1974.
147. Олим С. Навоий ёшларга. – Тошкент, “Abu matbuot-konsalt”, 2008.

148. Османов М-Н. Синтаксическая структура бейта /на примере «Дивана» Хафиза/.- Проблемы восточного стихосложения. М.: «Наука». 1973. стр, 60-67.
149. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000.
150. Очилов Э. Комилликнинг икки йўли. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001, 123-144-бетлар.
151. Пирназаров М. Мактабда Уйғуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.- Т.: Ўқитувчи, 1972.
152. Ражабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Тошкент, “Turonzamin ziyo”, 2015, 10-24-бетлар.
153. Расулов А. Танқид, Талқин, Баҳолаш. – Тошкент,Фан , 2006, 13-бет.
154. Рафиев А., Ғуломова Н. «Она тили ва адабиёт». Тошкент. 2002.
155. Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луҚат. – Т.: Ўқитувчи, 1983
156. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987, 39-42-бетлар
157. Рыбникова М. А. Очерки по методике литературного чтения. – М., 1985. – С. 58.
158. Саидносирова С. Ойбегим менинг. Хотиралар. Тошкент, Шарқ , 1994., 20-бет
159. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Тошкент, Молия, 2003.
160. Салоҳий Д. Низомий ва Навоий “Хамса”ларининг услубий хусусиятлари. – // Алишер Навоий ижоди ва қиёсий таҳлил масалалари. – Тошкент, 2017, 30-42-бетлар.
161. Самарқандий Давлатшоҳ. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш–шуаро”дан). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – 224 б.
162. Сафо Матжон. Китоб ўқишни биласизмит? – Т.: Ўқитувчи, 1993, 4-бет.
163. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдагн мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1996, 19-бет.
164. Сирожиддин Саййид. Қалдирғочларга бер айвонларингни. Тошкент, Шарқ, 2005, 9-10-бетлар.
165. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, Akademnashr, 2011.
166. Степанов Г.В. Содержательный и формальный аспекты в литературно-критическом анализе художественного произведения. – Язык и стиль писателя в литературно-критическом анализе художественного произведения. – Кшинев, «Штинца Кишинев», 1977, с.3. (Мақола 3-12-бетларда)
167. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент, 1969
168. Тўхлиев Б. Таълим босқичларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш хусусиятлари. – // Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти. Халқаро илмий-назарий аржуман материаллари, Тошкент, 2011, 28-29 сентябрь, 90-94-бетлар.
169. Тўхлиев Б., Саримсоқов Б. «Адабиёт» Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тошкент, 2000.
170. Хондамир Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 136 б.
171. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996. – 212 б.
172. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Наваи. – Ташкент, Фан, 2009, – с.40.
173. Yusupova D. Aruz alifbosi. – Toshkent, “Akademnashr”, 2015. 136 bet.
174. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “Akademnashr”, 2013, 272 бет.

175. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент, TAMADDUN, 2016.
176. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “Tamaddun”, 2016.
177. Қаюмов А. “Насойим”ни варақлаганда. – // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 1, 12-15-бетлар;
178. Қаюмов А. ”Садди Искандарий” достонининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Тошкент, Фан, 2001, 84-103-бетлар.
179. Қаюмов А. Асарлар. “Ҳайрат ул-аброр”талқини. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Тошкент, 2008. 11-бет.
180. Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлғасен Нақшбанд... – Тошкент, ЎзФА Қўлёзмалар институти, 1993, 5-бет.
181. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент, “Mumtoz so‘z”, 2011, 232-233-бетлар.
182. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар, – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.
183. Ҳайитметов А. “Ҳайрат ул-аброр”да услуб ранг-баранглиги. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001, 27-45-бетлар.
184. Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари.
185. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи.
186. Ҳаққул И. Тасаввуф ва Навоий шеърияти ҳақида. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001.
187. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари . Бухоро давлат университети нашриёти, Бухоро 2000, 121-127-бетлар.
188. Ҳамидова М. “Хамса” мавжлари. – Тошкент, Фан, 1986.
189. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати, – Тошкент, Фан, 2006.
190. Ҳусанхўжаев И. Алишер Навоий таълим-тарбия ҳақида. – Тошкент, “Ўрта ва олий мактаб” нашриёти, 1963.

ОЙСАРА МАДАЛИЕВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

КИРИШ

Жаҳон туркийшунослигида улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоий (1441–1501) ҳаёти, шахсияти, яшаган даври ва ижодий мероси асосий тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Шоирнинг илмий-ижодий меросини тиклаш ва кенг оммага етказиш бўйича матншунослик ва манбашунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган.

Алишер Навоийнинг қўлёзмалари дунёнинг тўрт қитъасидаги энг мўътабар фондларда сақланиб келмоқда. Навоийнинг ҳаётлиги даврида кўчирилган куллиётлар ҳамда алоҳида асарларининг энг ишончли нусхалари асосида қатор илмий ва илмий-оммабоп нашрлар амалга оширилди. Шунинг билан бирга, бу қўлёзмаларнинг тавсифи каталогларда турли хил талқинларга сабаб бўлаётгани, илмий тавсифларни яратишда матннинг таркибига диққат қилмаган ҳолда бошқача ном билан қайд қилинган ҳолатлари ҳам мавжудки, ҳар бир қўлёзма фондлари бўйича матннинг таркибига эътибор қаратган ҳолда алоҳида тадқиқотлар яратиш заруратини тақозо қилмоқда.

Ўзбекистонда XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб навоийшунослик мумтоз адабиётшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда»[1]. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида Навоий асарларининг 500 га яқин қўлёзмаси мавжуд бўлиб, уларнинг 182 таси шоир девонларининг нусхаларидир. Мазкур қўлёзмаларнинг илмий тавсифи муайян даражада амалга оширилган бўлса-да, Алишер Навоийнинг янги мукаммал илмий нашрларини яратиш учун қўлёзмаларини матншунослик ва манбашунослик мезонлари асосида таркибий-қиёсий таҳлил этиш алоҳида долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги[2] ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармонлари[3], 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги[4] ПҚ-2995-сон, 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги[5] ПҚ-4680-сон, 2020 йил 19 октябрдаги «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги[6] ПҚ-4865-сон Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида муайян даражада хизмат қилади.

Ҳозирги кунга қадар навоийшуносликнинг манбашунослик йўналишида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Е.Бертельс, В.Бартольд, А.Семёнов, С.Волин, О.Левенд, Ж.Нагиева,

[1] https://lex.uz/docs/5054929
[2] https://lex.uz/docs/3107036
[3] https://lex.uz/docs/4561730
[4] https://lex.uz/docs/3211987
[5] https://lex.uz/docs/4791086
[6] https://lex.uz/docs/5054929

Э.Бирнбаум, Я.Экман, М.Сабтелни, К.Туркай, Ў.Кая, Н.Ўздарендели, Б.Мақсудов, Н.Волмслей, Л.Улуч каби чет эллик олимларнинг яратган Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари устида яратган матншунослик ва манбашуносликка доир тадқиқотлари эътиборга лойиқ[1].

Маҳаллий олимлардан С.Айний, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, А.Қаюмов, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова, А.Ҳайитметов, А.Рустамов, С.Ғаниева, Б.Валихўжаев, Н.Маллаев, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, Н.Комилов, Э.Шодиев, М.Ҳакимов, Қ.Муниров, А.Носиров, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов, М.Имомназаров, М.Муҳиддинов, Ш.Сирожиддинов, Қ.Содиқов, А.Турдиалиев, Д.Салоҳий, А.Эркинов К.Муллахўжаева, О.Жўрабоев, Д.Юсупова, Н.Рамазонов ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари Навоий меросини матншунослик нуқтаи назаридан ўрганишда самарали хизмат қилмоқда[2].

---

[1] Қаранг: Бертельс Е. Навои и Джами. – Москва: «Наука», 1965. – 499 с.; Бертельс Е. Навои. – Москва-Ленинград: «Издательство АН СССР», 1948. – 269 с.; Бартольд В. Мир Али–шир и политическая жизнь // Сочинения. – Т. II (2). – Москва: «Издательство восточной литературы», 1964. – С. 199-249; Семенов А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей. – Ташкент: «Издательство среднеазиатского государственного университета». 1935. – 88 с.; Волин С. «Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях» // Алишер Наваи. Под ред. К. Боровкова. – Москва–Ленинград: «Издательство АН СССР». 1946. – С. 203-235; Levend A. Türkiye kitapliklarindaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S.127-209; Нагиева Ж. Бакинские рукописи Алишера Навои. – Баку: «Элм», 1986. – 136 с.; Birnbaum E. Ottoman Turkish and Chaghatay literature. An Early 16th Century Manuscript of Nava'is Divan in Ottoman Orthography // Central Asiatic Journal. 1976, XX. – P. 157-190; Eckmann J. Nevai'nin ilk divanları üzerine // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten, 13. – Ankara. 1970. – S. 253-262; Subtelny M. Mir 'Ali Shir Nawa'i // Encyclopedie de l'Islam. 2e edition, vol. VII. – Leiden–Paris: «Brill», 1993. – P. 90-93; Türkay K. Ali Sir Nevayi. Bedayi ul-vasat. İnceleme-Metin-Dizin. Doktora tezi. – Ankara: Yükseköğretim Kurulu Dokümantasyon merkezi, 1988. – S. 958; Kaya Ö. Ali Sir Nevayi. Fevayidul-kibar. İnceleme-Metin-Dizin. Doktora tezi. – Ankara: Yükseköğretim Kurulu Dokümantasyon merkezi, 1989. – S. 1382; Özdaraedeli N. Ali Sir Nevayi. İlk divan. İnceleme-Metin-Dizin. Doktora tezi. – Edirne: Trakya Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 1989. – S. 1007; Мақсудов Б. «Наводир ун-ниҳоя»нинг янги топилган қўлёзма нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти. №6. – Тошкент, 2016. – Б. 49-52; Максудов Б. Кодикологическое описание списка «Навадир ан-нихайа» Наваи, хранящегося в библиотеке Таджикского национального университета // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 9-18; Lale U. Türkmen valiler Şirazlı ustalar Osmanlı okurlar / XVI.Yüzyıl Şiraz elyazmaları. İstanbul: Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları, 2006. – S. 531; Улуч Л. Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги безакли қўлёзмалари. – Тошкент: «Silk Road Media» * «East Star Media», 2020. – Б. 448; Walmsley N. O Navā'ī!: ımıtatıon, ınnovatıon, and the ınventıon of a Central Asıan lıterary ıcon, 1500–1900. Submitted to the faculty of the University Graduate School in partial fulfillment of the requirements for the degree Doctor of Philosophy. Indiana: Indiana University, 2016. – P. 345.

[2] Қаранг: Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: «Фан», 1986. – 256 б.; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: «Фан», 1961. – 294 б.; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1970. – 328 б.; Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1993. – 214 б.; Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодининг манбалари ҳақида // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – Тошкент: «Фан», 1993. – Б. 3-13; Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1992. – 48 б.; Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои / В трех томах / том первый. – Ташкент–Москва, 1955-1961. – 415 с.; Сулаймонов Ҳ. «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. V-XXVIII; Сулаймонов Ҳ. Навоий асарларининг манбаълари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий. Асарлар: I том. – Тошкент, 1963. – Б. 37-45; Сулаймон Ҳ. Темурийлар даври бадиий қўлёзма ва хаттотлик санъатини ўрганиш масалалари // Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган Юнеско халқаро илмий симпозиуми. – Самарқанд–Тошкент, 1969. – 15 б.; Сулаймонов Ҳ. Маънавий бойлигимиз – Ҳиндистон фондларида // Адабий мерос. 1980. № 2 (14). – Б. 34-39; Сулаймон Ҳ., Сулаймонова Ф. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР «Фан», 1982. – 36 б.; Ғаниева С. Сўзбоши // Алишер Навоий. Мажлисун нафоис. – Тошкент, 1961. – Б. 6-13; Эркинов С. «Хамса» анъаналари // Алишер Навоий «Хамса»си. – Тошкент, 1986; Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983 – 198 б.; Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: «Tamaddun», 2012. – 316 б.; Исҳоқов Ё. Алишер Навоий илк лирикаси. – Тошкент: «Фан», 1965. – 138 б.; Исҳоқов Ё. Алишер Навоий лирикасида сабабият // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – Тошкент: «Фан», 1993. – Б. 13-26; Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (биринчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 4-6. – Тошкент, 1994. – Б. 9-16; Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 1995. – Б. 10-18; Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (учинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6. – Тошкент, 1998. – Б. 3-10; Абдуғафуров А. "Хазойин ул-маоний" жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Тошкент, 2000. – Б. 3-11; Раҳматуллаева

Алишер Навоий девонларининг қўлёзмалари филологик жиҳатдан кенг ўрганилган, шунингдек, уларнинг бир фондга оид қўлёзмалари борасида ҳам муайян илмий ишлар амалга оширилган.

Ҳ.Сулаймоновнинг «Алишер Навоий лирикасининг матншунослик тадқиқи» мавзусида амалга оширилган докторлик диссертациясига шоир девонларининг чет эл фондлари-

---

М. Алишер Навоий лирикасида синонимлар масаласи (XV асрда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган «Наводирун-ниҳоя» девонининг уникал қўлёзмаси асосида). Филол. ф. номз. дисс. – Тошкент, 1965. – 169 б.; Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – 85 б.; Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. – Тошкент, 2015. – 423 б.; Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 6-10; Имомназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърияти лирик жанрлар хронологиясига доир) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 12-17; Қуронбеков А., Маннонов А., Имомназаров М., Аҳмедова Д., Нишанбаева А. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони конкорданси. – Тошкент, 2013. – 795 б.; Қуронбеков А., Маннонов А., Имомназаров М., Аҳмедова Д., Нишанбаева А. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони конкорданси. – Тошкент, 2014. – 491 б.; Қуронбеков А., Маннонов А., Имомназаров М., Аҳмедова Д., Нишанбаева А. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони конкорданси. – Тошкент, 2015. – 583 б.; Содиқов Қ. «Муҳокамату-л-луғатайн»ни англаш // Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Тошкент: «Академнашр», 2017. – Б. 4-27; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV–XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари: (қиёсий-типологик-текстологик таҳлил). филол. ф. докт. ... дисс. автореферати. Тошкент. 1998. – 45 б.; Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: «Зарафшон», 1996. – 65 б.; Сирожиддинов Ш. XV – XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. – Самарқанд: «Зарафшон», 1997. – 100 б.; Сирожиддинов Ш. Мир Алишер Навоий ва темурийлар // Алишер Навоий мероси ўзбек шарқшунослиги талқинида. – Тошкент, 2020. – Б. 5-21; Райханов Д. О восточно-туркестанских рукописях произведений Алишера Навои // Алишер Навоий туғилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Тошкент: «Фан», 1991. – С. 46-47; Мадраимов А. Ленинграддаги Алишер Навоий асарларининг XV–XVII аср зийнатли қўлёзмалари // Алишер Навоий туғилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 47-48; Мадраимов А. Алишер Навоий бадиий асарларининг XV–XVI асрлардаги қўлёзмалари. – Тошкент: «Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi», 2021. – 382 б.; Шукуров Ш. «Ғаройиб ус-сиғар»нинг зеру забарли қўлёзма нусхаси ҳақида // Алишер Навоий туғилганининг 550 йиллигига бағишланган илмий конференция тезислари. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 49-50; Турдиалиев А., Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 57-62; Салоҳий Д. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. – Тошкент: «Фан», 2004. – 133 б.; Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. – Тошкент: «Фан», 2005. –204 б.; Салоҳий Д. Таҳлил ва талқин масъулияти // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2007. – Б. 64-89; Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқини манбалари. (XV-XX аср боши). – Тошкент: «Tamaddun», 2018. – 303 б.; Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2012. – Б. 8-16; Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий Оққуюнли мухлислар девони (1471). – Tokyo: «Research Institute for languages and cultures of Asia and Africa», 2015. – Б. 12-28; Эркинов А. Навоий мухлислари томонидан тузилган девонлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2016. – Б. 19-25; Эркинов А. Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний"си ва унинг протодевони масаласи // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 19-38; Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. –Б. 51-57; Жўрабоев О. "Хазойин ул-маоний"нинг бир шоҳона қўлёзмаси ва унинг матний хусусиятлари // Адабиёт кзгуси. № 12. – Тошкент, 2011. – Б. 10-17; Жўрабоев О. Навоий девонларининг Қўқон қўлёзмалари ва уларнинг матнига доир // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 47-50; Жўрабоев О. Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 32-38; Рамазонов Н. Алишер Навоийда «таҳрирни таҳрир» // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Тошкент, 2006. –Б. 17-23; Рамазонов Н. Яна «таҳрирни таҳрир» масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2007. – Б. 78-89; Юсупова Д. «Хазойин ул-маоний»: тузилиш қонуниятлари, таркибий хусусиятлари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 152-158; Юсупова Д. «Наводир ун-ниҳоя» фақат ғазаллардан иборат девонми? // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 54-60.

даги қўлёзмалари билан бир қаторда ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган бир неча нусхалари жалб этилган[1]. Олим ўз тадқиқотида қўлёзма девонларнинг таркибига ҳам жиддий эътибор қаратган. Муҳим жиҳати, у «Хазойину-л-маоний»га кирувчи «Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб», «Бадойеу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар» номли тўрт девоннинг мундарижаси ва таркибини қўлёзмалар асосида тиклаб берган. Диссертацияда айни фонддаги қўлёзмаларни ўрганиш бош мақсад қилиб олинмагани учун мазкур фондга тегишли барча қўлёзмалар қамраб олинмаган. Шунингдек, ушбу тадқиқот яратилгандан бери орадан муайян вақт ўтиб, институт фонди янги қўлёзмалар ҳисобига бойиб бормоқда.

А.Мадаминов, М.Ҳакимов ва С.Сотволдиевнинг «Қўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари» номли мақоласида шоир асарларининг мазкур фондда сақланаётган XVIII–XX асрларга оид 26 та нусхаси тилга олинган, улардан 13 тасининг тавсифи келтирилган[2].

«Алишер Навоий асарларининг Табриздаги айрим қўлёзма нусхалари хусусида» номли мақола муаллифи Ж.Нагиева Миллий кутубхонада сақланаётган айрим ноёб нусхаларни манбашунослик жиҳатдан ўрганган. Унинг хулосасига кўра, «Зикр этилган қўлёзма манбалар адабиёт ва матншунослик баҳси учун, шунингдек, Навоий ижодини ўрганиш учун ҳам кўп фойдали ва аҳамиятли»дир[3].

Кейинги йилларда Алишер Навоий девонларининг хориж фондларида сақланаётган қўлёзмалари устида амалга оширилаётган манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари сони ҳам ортиб бормоқда.

М.Имомназаровнинг китобати Навоий ҳаётлик даврига оид янги топилган қўлёзмаларнинг таркибини қиёсий ўрганиш асосида шоирнинг шеърий лабораторияси тадрижийлигини ёритиб беришга асосланган бир неча илмий тадқиқотлари яратилди[4].

А.Эркинов Алишер Навоийнинг шартли равишда «Оққўюнли мухлислар девони» (Lit. Turc. 68) номини олган девонини кириш ва тадқиқот қисми билан факсимиле тарзда чоп эттирди[5]. Шунингдек, мазкур олим тарафидан «Бадойеу-л-бидоя» девонининг янги нусхалари аниқланиб, улар устида олиб борилган тадқиқотлар илмий жамоатчиликка тақдим этиб борилди[6].

А.Мадраимовнинг «Алишер Навоий бадиий асарларининг XV–XVI асрлардаги қўлёзмалари» номли монографияси III боби шоирнинг лирик асарлари китобатига бағишланган.

[1] Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. /В трех томах/ том первый. – Ташкент–Москва. 1955-1961. – 415 с.

[2] Мадаминов А., Ҳакимов М., Сотволдиев С. Қўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари // Адабий мерос. № 3 (57). – Тошкент, 1991. – Б. 12-15.

[3] Нагиева Ж. Алишер Навоий асарларининг Табриздаги айрим қўлёзма нусхалари хусусида // Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. № 7. – Тошкент: «Халқ мероси», 2002. – Б. 49-52. Озарбайжон тилидан Отабек Рустамбек ўғли таржимаси.

[4] Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 6-10; Имомназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърияти лирик жанрлар хронологиясига доир) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 – Б. 12-17; Имомназаров М. XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. – Тошкент, 2021. – 64 б.

[5] Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони. 1471 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи: А.Эркинов. – Tokyo: «Research Institute for laŋuages and cultures of Asia and Africa», 2015.

[6] Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. –Б. 51-57; Турдиалиев А, Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 57-62.

Унда Навоий девонларининг юртимиз ва чет эл фондларида сақланаётган қўлёзмаларига ишланган миниатюра ва китобатга оид бошқа безаклар атрофлича тадқиқ этилган[1].

Алишер Навоий девонларининг қўлёзмалари бир неча каталогларда тавсиф ҳам қилинган.

Дастлаб С.Волиннинг «Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях» (Навоий асарларининг Ленинград тўпламларидаги қўлёзмалари тавсифи) номли тадқиқотида шоирнинг асарлари каталогизация қонун-қоидаларига туширилди[2].

О.Левенд томонидан нашр этилган каталогларда эса Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари илк бор монографик тавсифланди. Каталогда шоир асарлари Туркия фондларида сақланаётган қўлёзмаларининг мукаммал илмий тавсифи ўрин олган[3].

«Собрание восточных рукописей» каталогининг II ва VII томларида Алишер Навоий асарларининг ЎзР ФАШИ асосий фонди қўлёзмалари илмий тавсифланган[4].

Қ.Муниров ва А.Носиров биргаликда тузган «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги»да шоир асарлари ЎзР ФАШИ асосий ва дублет фондларида сақланаётган нусхаларининг қисқа тавсифи ўрин олган[5].

М.Ҳакимовнинг «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» номли каталогида шоир асарларининг ҳозирда ЎзР ФАШИ Ҳамид Сулаймон коллекциясида сақланаётган нусхалари монографик тавсиф қилинган[6].

Алишер Навоий 575 йиллиги муносабати билан чоп этилган «Рукописи и литографированные издания произведений Алишера Навои в московских собраниях» каталогида шоир асарларининг Москвадаги еттита ташкилот фондларида сақланаётган қўлёзма ва тошбосмалари тавсиф этилган[7].

«Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» туркуми доирасида нашр этилган «Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари» китоб-альбомида Алишер Навоий асарларининг мазкур фондда сақланаётган безакли ва миниатюра ишланган бир неча нусхаси тавсиф этилган[8].

Кейинги йилларда чоп этилган «Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан» каталогида Навоий девонларининг ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган 143 та нусхаси илмий тавсиф қилинди[9].

---

[1] Мадраимов А. Алишер Навоий бадиий асарларининг XV–XVI асрлардаги қўлёзмалари. – Тошкент: «Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi», 2021. – 382 б.222-308.

[2] Волин С. «Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях» // Алишер Наваи. Под ред. К. Боровкова. – Москва–Ленинград: «Издательство АН СССР». 1946. – С. 203-235.

[3] Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S.127-209.

[4] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – 586 с.; Собрание восточных рукописей. Том VII. Под редакцией и при участии канд. ист. наук. А.Урунбаева и канд. филол. наук. Л.Епифановой. – Ташкент: Издательство «Наука» УзССР, 1964. – 553 с.

[5] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – 85 б.

[6] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – 198 б.

[7] Рукописи и литографированные издания произведений Алишера Навои в московских собраниях. В подготовке каталога участвовали: И.Круговых — координатор проекта, И.Зайцев — автор-составитель, И. Меланьин — дизайнер. – Москва: «Цент книги Рудомино», 2016. – 207 с.

[8] Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 459.

[9] Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд.

Соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар кенг кўламли, улар орасида қўлёзма манбалар тадқиқига бағишланганлари талайгина бўлса-да, ҳали Навоий девонлари ЎзР ФАШИ фонди қўлёзмалари асосида комплекс тарзда етарлича ўрганилиши керак.

Ушбу тадқиқотнинг ёзилишида илмий раҳбарлик қилган устозим ф.ф.д., проф Қосимжон Содиқов ҳамда ўзининг илмий маслаҳатлари ва тавсиялари билан яқиндан ёрдам берган устозим ф.ф.д. Афтондил Эркиновдан миннатдорман. ЎзР ФАШИ ва ТДШУ маъмурияти ҳамда илмий жамоасига ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдираман. Тадқиқотнинг китоб ҳолида чоп қилинишида амалий кўмаклари учун PhD Олимжон Давлатов ҳамда Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондига ташаккур айтаман.

Мазкур китобни бобом Тўйчибой Жумабоев ва бувим Қурбоной Жумабоеванинг хотираларига бағишлайман.

филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – 559 с.

I БОБ. НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

1.1-§. Навоий девонлари қўлёзмаларини ўрганишда хронологик ва қиёсий-танқидий ёндашув

Низомиддин Мир Алишер Навоий (844–906/1441–1501) девонларининг қўлёзмалари унинг ҳаётлиги вақтидан бошлаб дунёнинг турли ўлкаларига тарқалган. Тарихчи Ғиёсиддин Муҳаммад Хондамирнинг (1475–1535) хабар беришича, XV юзйилликда Навоий асарларининг жуда кўп нусхалари Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва араб мамлакатларига савдо аҳли, фан ва маданият арбоблари томонидан олиб кетилган[1]. Бугунги кунда Навоий девонлари қўлёзмалари Осиё, Европа, Африка ва Американинг қатор қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Навоий девонлари Европага 1625 йилдан бошлаб етиб борган. Ўша йили Англиянинг Оксфорд университети шоирнинг ҳозирда 283 рақами билан сақланувчи бир терма девонини қабул қилгани ҳақида маълумот бор[2]. Навоий ижодхонасига оид турли жанрдаги шеърларнинг беш аср давомида қачон, қаерда, ким томонидан ва қай шаклда китобат қилингани шоир лирикасининг географик чегарасини чизиб беради, айни пайтда, бу адиб ижодига бўлган эътиборни ҳам англатади.

Шоир девонлари қўлёзмаларининг кўчирилиш ва сақланиш ўрни ҳам эътиборни ўзига тортади. Навоийшунос Ҳ. Сулаймонов (1910–1979) 1957–1958 йилларда собиқ Иттифоқнинг шарқ қўлёзмалари мавжуд бўлган шаҳарларини (Санкт-Петербург, Душанбе, Боку, Ереван, Тбилиси, Олмаота, Ашхабод, Фрунзе, Бухоро, Самарқанд, Хива, Фарғона ва бошқалар) кезиб, барча академия ва университет фондлари, илмий муассасалар ҳамда шахсий кутубхоналарда, Тошкент фондлари билан қўшилиб, шоир асарлари қўлёзмаларининг 1200 дан ортиқроғини ҳисобга олиб чиққанини маълум қилади[3]. Мазкур қўлёзмалардан бир қанчаси турли каталогларда тавсиф қилинган[4].

Туркигўй шоир ва адиблар асарлари қўлёзмаларининг тавсифи келтирилган Ҳ.Ф. Ҳофман (H.F. Hofman) каталогига Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи киритилмаган, муаллиф таъкидлаганидек, «агар улар ҳам қўшилганида каталог томлари тенг ярмига кўпайишига тўғри келар эди»[5].

Ҳозирги кунга қадар Алишер Навоий девонлари ва уларнинг қўлёзмалари турли мавзудаги тадқиқотлар доирасида кенг ўрганилгани маълум. Мазкур тадқиқотларнинг мазмуни

---

[1] Сулаймон Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий. Ғаройибус-сиғар. Асарлар. – Тошкент: «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 30.

[2] Ўша жойда.

[3] Сулаймон Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий. Ғаройибус-сиғар. Асарлар. – Тошкент: «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 30.

[4] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – 586 с.; Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – 86 б.; Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – 198 б.; Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – 559 с.

[5] Hofman H.F. Introduction // Turkish Literature a bio-bibloigrafical survey. Section III, part I, vol. 1-3. – Utrecht, 1969. – P. XI.

Навоий девонларидаги шеърларнинг жанр хусусиятлари, шеърларнинг бир девондан бошқасига ўтиш ҳолатлари, шеърларнинг тил хусусиятлари, шунингдек, уларнинг таҳрири ва талқини масалаларидан иборат.

Бугун навоийшуносликнинг матншунослик ва манбашунослик тармоқлари яна жонланиб қолди. Шоир девонларининг янги топилган бир қанча нусхалари илмий жамоатчиликка маълум қилиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот навоийшуносликнинг айнан шу тармоғи маҳсули сифатида майдонга чиқади.

Шоир ҳаётлиги чоғида китобат қилинган девонлари, хусусан, «Бадойеу-л-бидоя» ва «Наводиру-н-ниҳоя» девонларининг хориж фондларида сақланаётган қўлёзмалари матний тадқиқи юзасидан М.Имомназаров ва Б.Мақсудов каби олимларнинг салмоқли тадқиқотлари юзага келди[1].

М.Имомназаров «Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърияти лирик жанрлар хронологиясига доир)» номли мақоласида Навоий ҳаётлигида кўчирилган бир неча қўлёзмаларга («Илк девон» (1465й.), «Оққўюнли мухлислар девони» (1471 й.), «Бадойиъ ул-бидоя»нинг 746- рақамли Париж нусхаси (1480 й.), шу девоннинг 401- рақамли Лондон нусхаси (1482 й.), яна шу девоннинг 3010- рақамли Боку нусхаси (1484 й.), шу девоннинг 216-рақамли Тошкент нусхаси (1486 й.), «Наводир ун-ниҳоя»нинг 11675- рақамли Тошкент нусхаси (1487 й.), шу девоннинг 1799- рақамли нотўлиқ Теҳрон нусхаси (шоир дастхати), 790-рақамли ғазалиёт девони (Тошкент нусхаси – 1492 й.), «Хазойин улмаоний»нинг 55-рақамли Санкт-Петербург нусхаси (1498 й.), шу асарнинг 1990- рақамли Душанбе нусхаси (1499/1500 й.), 21- рақамли терма девон (Нью-Йорк – 1499/1500 й.) эга эканимиз «ўта ноёб имкониятлиги, булар асосида шоирнинг ёшлиги – 24 ёшгача, йигитлик даври – 30 ёшгача, ўрта ёшлик пайти – 39, 41, 43, 45, 46 ёшлардаги, кексалик – 51, 57, 59 ёшгача ёзган лирик шеърияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, демакки, унинг бутун ижодий такомил жараёнини кузатиш имкони мавжудлиги»ни таъкидлайди. Мақола «Илк девон» (№ 564), «Оққўюнли мухлислар девони» (Lit. Turc. 68) ва «Бадойеу-л-бидоя»нинг Париж нусхаси (BNF № 746) таркибидаги 45 ғазалнинг биринчи мисралари ўзаро қиёсланиши натижасида уларнинг тадрижийлиги билан боғлиқ тегишли хулосалар чиқарилган.

2021 йил Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан М.Имомназаров томонидан «XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари» номли монографик тадқиқот тақдим этилди. Унинг «Олти девон муқоясаси» номли қисмида «Илк девон», «Оққуюнли мухлислар девони», «Бадойеу-л-бидоя»нинг илк протодевони бўлмиш Париж нусхаси, «Бадойеу-л-бидоя»нинг шоир ҳаётлигида кўчирилган бизга маълум охирги варианти бўлмиш Тошкент нусхаси ва кейинги девон «Наводиру-н-ниҳоя»нинг Абдулжамил котиб кўчирган («Мукаммал асарлар тўплами»нинг 2-жилди сифатида нашр этилган) нусхаси билан «Бадойеу-л-бидоя»нинг янги топилган Теҳрон нусхасининг илк қиёсий таҳлили амалга оширилган. Натижада Навоий лирикасини даврлаштириш бўйича Ҳ.Сулаймонов томонидан илгари сурилган хулосаларга ўзгартириш киритилган. Маълумки, Ҳ.Сулаймонов Навоий яратган ўзбек тилидаги шеърларнинг XV аср қўлёзмалари асоси-

[1] Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 6-10; Имомназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърияти лирик жанрлар хронологиясига доир) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 12-17; Имомназаров М. XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. – Тошкент, 2021. – 64 б.; Мақсудов Б. «Наводир ун-ниҳоя»нинг янги топилган қўлёзма нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти. №6. – Тошкент, 2016. – Б. 49-52; Максудов Б. Кодикологическое описание списка «Навадир ан-нихайа» Наваи, хранящегося в библиотеке Таджикского национального университета // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 9-18.

да аниқланган ҳақиқий хронологиясини қуйидагича белгилаб берган:

1) Ёшлик лирикаси – 1449–1461 йиллар (7-8–20 ёшгача);
2) Йигитлик лирикаси – 1461–1476 йиллар (20–35 ёшгача);
3) Ўрта ёш лирикаси – 1476–1486 йиллар (35–45 ёшгача);
4) Қарилик лирикаси – 1486–1499 йиллар (45–60 ёшгача)[1].

М.Имомназаров: «Амалга оширилган қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун қўлимизда мавжуд Абдужамил котиб тузган "*Наводир ун-ниҳоя*" девони ўтган асрда устоз Ҳамид Сулаймон олға сурган ғояни – шоир лирик меросини 4 даврга бўлиб ўрганиш ва шоир ўзи тузган иккинчи девон - "*Наводир ун-ниҳоя*" асосида учинчи давр – **Ўрта ёш лирикасини** алоҳида ажратиш фикрини XXI аср дастлабки манбашунослик тадқиқотлари мутлақо тасдиқламади», – дейди. Олим ушбу мазмундаги фикрларини давом эттириб: «Алишер Навоий ўзининг лирик меросини тартибга солиш масаласига кейинроқ яна қайтди – энди 4 девондан иборат «Хазоин ул-маоний»ни яратди. Мана шу улкан мажмуанинг яратилишини шоир лирик меросини даврлаштиришдаги учинчи босқич деб қабул қилиш мумкин. Албатта, бу борада узил-кесил хулосага келиш учун «Бадойиъ ул-бидоя»нинг бизга маълум бўлган шоир ҳаёт пайтида кўчирилган барча нусхаларини қиёслаш керак бўлади», – деб хулоса қилади.

М.Имомназаровнинг юқоридаги хулосалари Алишер Навоий девонларининг кейинги йилларда А.Эркинов томонидан янги аниқланган ва аксарият нусхалари юртимизга олиб келинган хорижий қўлёзмалари билан боғлиқ ҳолда вужудга келди, десак янглишмаймиз. «Оққўюнли мухлислар девони», «Бадойиу-л-бидоя»нинг Теҳрон ва Истанбул нусхалари шулар сирасига киради. Ушбу фикримизни мазкур қўлёзмалар устида олиб борилган тадқиқотларда ҳам Навоий лирикасини даврлаштириш масаласига тўхтаб ўтилгани билан изоҳлаш мумкин[2].

Маълумки, бизгача Навоийнинг ўзи тартиб берган 6 та туркий («Бадойиу-л-бидоя», «Наводиру-н-ниҳоя», «Хазойину-л-маоний» таркибидаги «Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб», «Бадойиу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар») ва 1 та форсий («Девони Фоний»), шунингдек, мухлислари томонидан тузилган «Илк девон», «Оққўюнли мухлислар девони» ва «Терма девон»лари етиб келган. Фондларда сақланаётган қўлёзма девонлар «Наводиру-н-ниҳоя», «Хазойину-л-маоний» ёки ушбу девонлар мажмуасининг алоҳида кўчирилган таркибий қисми ҳамда «Терма девон» нусхаларидир.

Тадқиқотимизга кўра, ҳозирда институт асосий фондида Навоий асарларининг 500 га яқин қўлёзмаси бор бўлиб, улардан 182 таси шоир девонларининг нусхаларидир.

Эътиборингизни қуйидаги жадвалга қаратамиз[3]:

---

[1] Қаранг: Сулаймонов Ҳ. "Хазойинул-маоний" текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. Таблица 2.

[2] Қаранг: Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий Оққуюнли мухлислар девони (1471). – Tokyo: «Research Institute for languages and cultures of Asia and Africa», 2015. – Б. 12-28; Эркинов А. Навоий мухлислари томонидан тузилган девонлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2016. – Б. 19-25; Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. –Б. 51-57; Турдиалиев А., Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 –Б. 57-62.

[3] Жадвалда асосий фондда сақланаётган 131 қўлёзманинг кўчирилган жойи, даври, сони ва фоиздаги кўрсаткичи берилди. Қўлёзманинг колофонида кўрсаткичларнинг маълум бирига аниқлик киритилмаган тақдирда каталоглардаги маълумотларга таянилди. Навоий девонларининг асосий фондда сақланаётган бошқа

1- жадвал

ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган Навоий девонлари нусхаларининг даврий ва ҳудудий кўрсаткичи

Кўчирилган жойи	Кўчирилган даври	Жами	%
Хуросон	XV– XVI	18	13,7%
Бухоро	XVII – XIX	27	20,7%
Фарғона водийси	XVIII– XIX	29	22,2%
Хоразм	XVII – XX	24	18,4%
Аҳмаднагар	XVII	1	0,7%
Самарқанд	XIX	4	3%
Тошкент	XIX – XX	21	16,1 %
Чоржўй	XIX	1	0,7%
Олтишаҳар	XVIII – XIX	2	1,5%
Шаҳрисабз	XIX	4	3%
Жами:		131	100%

Навоий девонлари тузилишига оид тўлиқ ва ишончли маълумотларнинг дастлабкисини уларнинг дебочалари орқали билиб олиш мумкин. Фонддаги дебочалари билан бирга китобат қилинган нусхалардан кўпчилиги:

فصاحت دیوانی نینك غزل سرای لاری طبع مخزنیدین شوریده حال عاشقلار خرمنی...

(Fasāhat devānïnïŋ ğazal sarāylarï tab‘i maxzanïdïn šoridahāl āšiqlar xirmanï...) жумласи билан бошланади[1]. Бу дебочани Навоий «Бадойиу-л-бидоя» девонига илова қилган. Шунингдек, «Хазойину-л-маоний» учун ёзилган дебоча билан кўчирилган нусхалар ҳам бор. Унинг бошланиши шундай[2]:

شکر و سپاس اول قادرغه کیم چون عدم آسایشکا هی دین وجود ارایش آکاه لار یغه جلوه بیردی.

(Šukr-u sipās ul qādirğa-kim, čun ‘adam āsāyišgāhïdïn vujud ārāyišï āgāhlarïğa jilva berdi)

Ўрта Осиёда амирлик ва хонликлар даврида Алишер Навоий асарларини китобат қилиш бирмунча кучайди. Навоий девонлари энг кўп китобат қилинган ҳудуд Фарғона водийсига тўғри келади. Буни Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822–1842) буйруғи билан 1254/1838–39 йили Қўқонда олти ой ичида Алишер Навоий девонининг 300 нусхада кўчирилгани билан изоҳлаш мумкин[3].

нусхаларида ушбу кўрсаткичларнинг барчаси тахминий бўлгани боис уларни жадвалга киритиш маъқул, деб топилмади.

[1] Алишер Навоий. Бадоеу-л-бидоя. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди. 216-рақамли қўлёзма. Тарихи: 891/1486 й., Ҳирот. 1b в.

[2] Алишер Навоий. Фавойиду-л-кибар. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 647- рақамли қўлёзма. Тарихи: 1318/1901 й., Хоразм. 186 в.

[3] Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1709- рақамли қўлёзма. Тарихи: 1254/1838 й. 477b в. Колофонда шундай дейилган:

... مجم دمد علی غازی بهادرخان ... میناك ایکی یوز التمش دورت تاریخیدن ... مجم دمد صدیق تونقاتی ساری غه خطاب ایتب امر عالی صدور بولدی مکتوب ایتمکا وب ویروغلی فرمان عالی تأثیری دنی بیری وش لوکمیه تدم آتلی آی ایچره هوا چو زوی دده دیوان مجلد و مشرش و مشرق دیوانلرینی مکتوب ایتمکا وب ویروغلی فرمان عالی تأثیری دنی بیری وش لوکمیه تدم آتلی آی ایچره هوا چو زوی دده دیوان مجلد و مشرش و مشرق دیوانلرینی

(... Muhammad Ali Ğāziy Bahādirxān... miŋ ikki yüz ellik tört tarixïnda... Muhammad Siddiq tonqatar sarïğa xitab etib, amr-i āliy sudur taptï-kïm, Navāiy devānini maktub etmäkkä buyurğïl: farmān-i āliy ta’sirïdïn biri šul-kim, muddati altï ay ičrä üč yüz adad devān mujallad va mušarraz boldï. Ul mušarraz devānlardïn biri bu nusxa erür-kim, sanai mazkur ičrä himmat ihtimām va šaraf itmāma mavsum boldï. ...); қаранг: Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XVII

Девонлар энг кўп XIX юзийлликда кўчирилган деб тахмин қилишимиз мумкин. Бу даврга келиб, Навоий девонларининг кўп маротаба кўчирилиши туркий тил ва адабиётга бўлган эътиборнинг янада кучайганидан дарак беради. Қизиғи, бу девонлардаги тартибда қатъий бир чегара йўқ. Уларнинг ички тузилиши турлича. Навоийнинг ўзи томонидан тартиб берилган девонлар кўринишидаги қўлёзмалар жуда оз. Масалан, XIX юзйилликда китобат қилинган Навоий шеърий асарларининг аксарияти «Терма девон» кўринишида, унда «Хазойину-л-маоний»га кирган барча девонлардан турли жанрдаги шеърлар танлаб олинган. Бундай турдаги девонлар «Хазойину-л-маоний»нинг тўлиқ шаклидаги девонлардан ҳажман кичикроқ. «Терма девон»ларнинг кўпчилигида дебоча берилмаган. Улар, асосан, басмаладан сўнг:

اشرقت من عكس شمس الكأس انوار ألهدى

يار عكسين مي دا كور ديب جام دين چقتى صدا

(‘Ašraqat min ‘aksi šamsi-l-ka‘si anvāri-l-hudā,

Yār ’aksïn mayda kȍr deb jāmdïn čïqtï sadā) матлали «Ғаройибу-с-сиғар»нинг биринчи ғазали билан бошланади. Уларнинг ички тартиби ё тузувчининг диди, ё ўша давр китобхонининг талабидан келиб чиқиб тузилган бўлиши мумкин.

Шоир ижодий меросининг энг кўпи «Терма девон» ҳолида китобат қилинган. Сабаби, Навоий девонларининг асосий фондда сақланувчи 182 нусхасидан чамаси 146 таси «Терма девон» экани маълум бўлди. Қолаверса, маълумотларга кўра, XV асрдан то XIX асргача бўлган даврга оид «Хазойину-л-маоний»даги ҳар тўрт девондан олинган шеърларни ўзида жамлаган девон қўлёзмалари Тошкент ва Санкт-Петербургдаги фондларда 254 тани ташкил этса, шулардан фақат 55 тасигина «Хазойину-л-маоний»нинг тўлиқ нусхаси, қолган 199 таси эса «Терма девон» экани аниқланган[1].

Ҳ.Сулаймонов Навоий ижодхонасидаги шеърларнинг «Терма девон» шаклида кўчирилиши шоир тириклик вақтлариданоқ бошланганини ёзади ҳамда уларни Навоийдан аввал ва Навоийдан сўнг тузилган терма девонлар каби икки турга бўлади, (бунда олим Навоийнинг девон тартиб беришидан олдин ва кейин бошқалар томонидан тузилган девонлар, деган фикрни илгари суради)[2]. Олим ушбу фикрини даллиллаш учун 790 ва 3984 рақамлари остида сақланаётган (ЎзР ФАШИ асосий фонди) қўлёзмаларни мисол келтиради[3]. Ҳ.Сулаймонов бу икки қўлёзмадаги шеърлар кетма-кетлик жиҳатидан «Хазойину-л-маоний»га жуда яқин бўлгани сабабли уларни «Терма девон» деб номлаган. Бунда масаланинг эътибордан четда қолмаслиги керак бўлган бошқа жиҳатлари ҳам бор. 790- рақамли қўлёзма Султонали Машҳадий (836/1432–33–926/1520) томонидан 898/1492–1493 йилларда Ҳиротда кўчирилган[4]. Девон кейинчалик А.Эркинов томонидан «Ғазалиёт девони – протодевон» деб номланди[5]. Сабаби девоннинг таркиби фақат ғазаллардан иборат ва ушбу

---

[1] Erkinov A. «Persian-Chaghatay Biliŋualism in the Intellectual Circles of Centryal Asia duriŋ the 15th-18th Centuries (the case of poetical anthologies, bayāz)» // International Journal of Central Asian Studies. C.H.Woo (ed.). vol.12, 2008. – P. 10. (Тадқиқотда қайд этилган кўрсаткич кейинги йилларда ўзгарган бўлиши эҳтимоли катта)

[2] Сулаймонов Ҳ. «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XVIII.

[3] Ўша мақола, – Б. XI. Эслатма: 790, 3984- рақамли қўлёзмалар ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланади.

[4] Алишер Навоий. Ғазалиёт девони. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 790-рақамли қўлёзма. Тарихи: 898/1492-1493 й., Ҳирот. 102а в. Колофонда шундай дейилган:

كتبها العبد المحتاج الى رحمت الله و غفرانه سلطان علي المشهدي سنه ٨٩٨

(Katabahu al-‘abdu-l-muhtāj ala rahmatullah va ğafara ana Sultān ‘Ali al-Mašhadiy, 898).

[5] Эркинов А. Алишер Навоий Хазойин ул-маонийси ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материалла-

қўлёзма кўчирилган даврда ҳали «Хазойину-л-маоний» тузилмаган эди. 3984- рақамли қўлёзма эса жами 185 (1b–185b) варақ бўлиб, охири тугалланмаган, колофони йўқ. 129а варақкача кўчирилган матн 790- рақамли қўлёзма хати билан деярли бир хил, яъни Султонали Машҳадийнинг хати[1]. Қолган қисмдаги матн китобатга оид белгиларига кўра XVIII асрда кўчирилган, деб тахмин қилинган[2]. Ҳ.Сулаймонов юқоридаги икки Тошкент нусхасидан ташқари Нью-Йорк (тарихи: 905/1499–1500) ва Оксфордда (тарихи: 915/1509–1510) сақланаётган яна икки қўлёзмани ҳам терма девонлар сафига қўшади[3].

ЎзР ФАШИда сақланаётган Навоий яшаган даврда кўчирилган 790 ва 3984- (бир қисми) рақамли ҳамда шоир вафотидан кейинги даврларга оид терма девон нусхалари билан танишиб чиққач, айтиш мумкинки, улар таркиб жиҳатидан фарқлидир. Шунинг учун, уларни Навоийнинг девон тузганидан аввал ва кейин бошқалар томонидан тартиб берилган девонлар, дея икки гуруҳга бўла олмаймиз. Биринчидан, Навоийдан олдин унинг мухлислари томонидан тузилган девонлардан бири, Ҳ.Сулаймоновнинг ўзи таъкидлаганидек, шартли равишда «Илк девон» деб аталса, иккинчиси «Оққўюнли мухлислар девони» номини олган[4]. Шоир томонидан тузилган бошқа девонларга эса муаллифнинг ўзи от қўйган. Бундан келиб чиқадики, Терма девон атамасини «Хазойину-л-маоний» девонидан танлаб олиниб, тартибланган девонларга нисбатан қўллаган мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, Навоий ҳаётлик даврида кўчирилган 790- ва 3984- кўрсаткичли девонлар «Хазойину-л-маоний»ни яратиш жараёнида муаллифнинг ўзи томонидан тузилган бўлиши ҳам мумкин.

Умуман, Навоий девонларининг турли ҳудудлар бўйлаб тарқалиши илм-фан ва маданий алоқаларнинг бир неча асрлар давомида ривожланиб борганидан дарак беради.

Бу девонлар қандай шаклда кўчирилганига қарамай, Алишер Навоий шеърий меросининг замон ва макон чегарасини белгилаб беради. Улар Навоийга ҳомий султонлар, навоийшунос олимлар, Навоийга издош шоирлар, унинг шеърларини кўз нури, қалб қўри билан қоғозга тиккан котиблар ва, албатта, навоийхон халқнинг борлигидан нишонадир. Муҳими, Навоий шеъриятига бўлган эҳтиёж сўнмаган. Бугун шоирнинг асарлари, нафақат, ўзбек тилида, балки дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, нашр этилмоқда.

Бу маънавий хазинани бир неча юзйиллардан буён ўзида сақлаб келаётган шоир девонларининг қўлёзмаларини матншунослик ва амалий манбашуносликнинг анъанавий ва замонавий методлари асосида тадқиқ қилиш, уларнинг қиёсий-йиғма ва транскрипцион нашрларини чоп қилиш масаласи навоийшунослик олдида турган муҳим вазифадир. Юқорида олға сурилган фикрлар мана шу вазифани бажариш йўлидаги тадқиқотлардан биридир.

Навоий девонлари қўлёзмаларини тавсифлашда қиёсий-танқидий ёндашув ҳам муҳим саналади. Қўлёзма матнни қиёсий ўрганиш жиддий изланиш талаб этади. Айниқса, шеърий

ри). – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 19-38.

[1] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР, 1954». – Б. 212; Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XVIII.

[2] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 212.

[3] Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XVIII.

[4] Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: ЎзР ФА «Фан» нашриёти. 1/2012. – Б. 8-16; Erkinov A. ‘Alī Shīr Navā’ī dīvān of the aq qoyunlu admirers (1471). Research Institute forLaŋuages and Cultures of Asia and Africa (ILCAA). 2015. – P. 11-27.

матнлар қиёси ўзига хос синчковликни талаб этади. Сабаби бунда шеърларнинг матний тафовутлари билан бир қаторда уларнинг байтлари сонидаги ва номланишидаги фарқлар матншунос эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

Ижод – жараён, уни идрок этиш ҳам жараёндир. Бу эса, айниқса, адабий асарларни ўқиш давомида яққол намоён бўлади[1]. Алишер Навоий ўзининг асарларини ёзиш билан ўзбек тили ва адабиёти ривожига беҳисоб ҳисса қўшди. Шоирнинг ушбу адабиёт мундарижасини буюк асарлари ҳисобига бойитгани алоҳида ҳодиса. Унинг асарлари кўчирилиши давомида беш асрдирки, бу қўлёзмалар матнининг оригиналга мослик ва ундан йироқлашув жараёнидаги тил ва адабиёт ривожи эса кўплаб тадқиқотлар манбаидир. Хусусан, Навоий девонлари қўлёзмалари бугунги кунга қадар матншунослик ва адабий манбашунослик принциплари асосида бир қанча тадқиқотларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Қўлёзма манбалар устида олиб борилган ҳар қандай тадқиқотда, албатта, каталогларга мурожаат қилинади. Шу маънода, Навоий девонлари қўлёзмаларининг тавсифларини яратиш соҳадаги кейинги тадқиқотларга бирламчи манба вазифасини ўтайди.

Д.Лихачев: «Ҳанузгача тавсифланмаган фондлар манбаларининг тўлиқ, батафсил илмий тавсифини тузиш, бу борадаги ишларни кучайтириш қўлёзмаларга эга барча хазиналарнинг энг долзарб вазифасидир. Акс ҳолда матншунослик энг илғор услубий техника билан ҳам ривожлана олмайди»[2]. Шу маънода, ўтган давр мобайнида юртимиз ва Навоий асарлари қўлёзмалари сақланаётган фондларга эга чет мамлакатларда яратилган Навоий асарлари қўлёзмалари каталоглари[3] манбашуносликнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасининг амалий натижаларидир. Бироқ Навоий девонларини тавсифлашда баъзи муаммолар борки, улар ушбу девонлар тавсифлари устида қайта ишлаш лозимлигини тақозо этади.

Биринчидан, бу каталоглар яратилган вақтдан буён орадан кўп йил ўтди. Бу давр мобайнида қўлёзма фондлар яна янги манбалар эвазига бойиб бормоқда. Жараёнда янги бир қўлёзма асарнинг тавсифига эҳтиёж сезилиши табиий ҳолдир. Хусусан, юртимиз фондларидаги Навоий девонлари қўлёзмаларининг тавсифидан иборат каталогларнинг яратилганига ўттиз йилдан ошди.

Иккинчидан, ҳали бутун Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги Навоий асарлари тавсифи бир каталогга жамланган эмас.

Бу масалада юқорида келтирганларимиз сабаблардан ташқари, бевосита Навоий девонларининг ўзи билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Маълумки, Алишер Навоий шарқ халқлари адабиёти тарихида бир неча девон тузган шоир сифатида алоҳида мавқеъга эга. Шунингдек, Навоий шеърлари жамланган шундай турдаги девонлар ҳам борки, уларнинг баъзилари шоир яшаган даврда, баъзилари эса шоир вафотидан сўнг бошқалар томонидан

---

[1] Лихачев Д. Текстология. – Москва–Ленинград. «Издательство академии наук СССР», 1962. – С. 29.

[2] Ўша ерда, – С. 41.

[3] Қаранг: Семенов А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей. Ташкент, «Издательство среднеазиатского государственного университета», 1935. – 88 с.; Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Навои (Сборник статей). «Издательство академии наук СССР», 1946. – С. 203-235.; Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S. 127-209; Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 85+11; Ҳакимов С. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 198; Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 587; Собрание восточных рукописей. Том VII. Под редакцией и при участии канд. ист. наук. А.Урунбаева и канд. филол. наук. Л.Епифановой. – Ташкент: Издательство «Наука» УзССР, 1964. – С. 552.

тузилгандир[1]. Муҳими шундаки, Навоий девонларининг кўплаб сони бўлганидек, кўплаб нусхалари ҳам мавжуд. Бу нусхалар турли давр ва ҳудудларда кўчирилгани боис уларнинг таркиби ҳам хилма-хилдир. Бу эса тавсифловчи учун баъзи қийинчиликларни туғдиради. Бу девонлар бошланиши ёки якуни бир хил бўлса-да, айнан бир девоннинг нусхаси бўлмаслиги мумкин.

Масалан, биринчи ғазали «ʻAšraqat min ʻaksi... » бўлган девонлар, айни пайтда, «Бадойиу-л-бидоя», «Хазойину-л-маоний», «Ғаройибу-с-сиғар» ёки «Терма девон» бўлиши ҳам мумкин. Бунинг фарқига бориш учун, албатта, қўлёзманинг таркибини синчиклаб ўрганиш зарур бўлади. Акс ҳолда, девон номи нотўғри тавсиф қилиниши мумкин. Масалан, 7701-рақамли қўлёзма СВР VII да «Ғаройибу-с-сиғар» деб берилган,[2] аслида бу қўлёзма «Терма девон»дир.

Биринчи ғазали «Zihi ẓuḥurï jamālïŋ ... » бўлган девонлар «Наводиру-ш-шабоб», «Наводиру-н-ниҳоя» ёки «Терма девон» бўлиши ҳам мумкин. Бундай бошланишли девонлар таркиби диққат билан ўрганилмаса, тавсифда қуйидаги хатоликка йўл қўйилиши мумкин: 1995-рақамли қўлёзма СВР II да «Наводиру-ш-шабоб» номи остида берилган,[3] аслида бу қўлёзма «Наводиру-н-ниҳоя»дир.

Ёки аксинча, биргина девоннинг нусхалари турли хил бошланиши мумкин. Жумладан, «Хазойину-л-маоний»нинг 677- ва 1486- рақамли қўлёзмалари «Šukr-u sipās ul qādirğa-kim ...» жумлали «Хазойину-л-маоний» учун ёзилган дебоча билан бошланади; 9766- ва 149/II рақамли қўлёзмалари «Fasāhat devānïnïŋ ğazal sarāylarï ...» жумлали «Бадойиу-л-бидоя» учун ёзилган дебоча билан бошланади; 185/V ва 9745 рақамли қўлёзмалари «ʻAšraqat min ʻaksi...» мисрали ғазал билан бошланади[4].

Шунингдек, «Хазойину-л-маоний» нусхаларини тавсифлашда муҳим бўлган яна бир ҳолат бор. Унинг баъзи нусхаларида девонлар ўз ички таркибини сақлаган ҳолда кетма-кет келса, баъзи нусхаларида ҳар тўрт девондаги шеърлар аралаш тарзда умумий алифбо тизимига солиб чиқилган. Табиийки, бундай девонларни тавсифлаш бир оз қийин кечади. Сабаби иккинчи турдаги девонлар тузилиши жиҳатидан «Терма девон»ни эслатади.

Уларнинг фарқи, биринчидан, «Хазойину-л-маоний» нусхаларида ҳар тўрт девондаги шеърлар гарчи яхлит алифбо тизимига солинган бўлса-да, улар ё ўз кетма-кетлигини сақлаб қолади, ёки ҳар бир ғазалнинг бошида «Ғаройибдин», «Наводирдин» каби қайси девондан олингани аниқ кўрсатиб борилади. «Терма девон»ларда эса ҳозирча бу ҳолат кузатилмади[5].

Иккинчидан, «Хазойину-л-маоний» нусхаларидаги шеърлар сони «Терма девон»лар-

---

[1] Қаранг: Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. IX-XI; Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий Оққуюнли мухлислар девони (1471). – Tokyo: «Research Institute for laŋuages and cultures of Asia and Africa», 2015. – Б. 12-28.

[2] Қаранг: Собрание восточных рукописей. Том VII. Под редакцией и при участии канд. ист. наук. А. Урунбаева и канд. филол. наук. Л.Епифановой. – Ташкент: Издательство «Наука» УзССР, 1964. – С. 69-70 (оп. № 5055).

[3] Қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – оп. № 1289.

[4] Қаранг: Алишер Навоий. «Хазойину-л-маоний» қўлёзмалари. №№ 677: 243 варақ (1b-243b); 1486: 259 варақ (1b-259a), 9766: 547 варақ (1b-547b) , 149/II: 438 варақ (41b-479b), 185/V: 170 лл. (78b-248a), 9745: 576 варақ (1b-576b). ЎзР ФАШИ асосий фонд.

[5] Қиёсланг: Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. № 9766. 547 варақ (1b-547b), Хазойину-л-маоний. № 9746. 499 варақ (1b-499a), Терма девон. № 7200. 206 варақ (1b-206b), Терма девон. № 1973. 32 варақ (1b-32a). ЎзР ФАШИ асосий фонд.

га нисбатан кўпроқ бўлади[1]. Сабаби «Хазойину-л-маоний» нусхалари турли котиблар томонидан кўчирилган бўлса-да, тузувчи бир муаллифдир, яъни бунда котибнинг хоҳиши эмас, оригиналга эргашиш устунлик қилади. «Терма девон»ларнинг эса котибларигина эмас, тузувчилари ҳам бошқа-бошқа шахслардир (баъзан тузувчи котибнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин). Яъни, «Терма девон»лар таркибидаги шеърларнинг танловида тузувчининг диди ва хоҳиши етакчилик қилади. Бундан келиб чиқиб шуни ҳам айтиш мумкинки, «Хазойину-л-маоний» нусхаларининг деярли барчаси «ʻAšraqat min ʻaksi...» ғазали билан бошланади. «Терма девон»ларнинг бошқа ғазаллар билан бошланувчи нусхалари ҳам талайгина. Жумладан, 1796- рақамли «Терма девон» «Ғаройибу-с-сиғар»нинг биринчи ғазали «ʻAšraqat min ʻaksi...» билан бошланади. 7224- рақамли «Терма девон» «Бадойиу-л-васат»нинг биринчи ғазали «Ey navbahār āraziŋ ... » билан бошланади. 1711/III рақамли «Терма девон» «Ғаройибу-с-сиғар»нинг иккинчи ғазали «Zihi ḫusnuŋ ẓuhurïdïn ...» билан бошланади[2].

Қуйида тасаввур ҳосил бўлишини кўзлаб, Алишер Навоий девонлари ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган 79 та қўлёзмасининг бошланишини ифода этувчи жадвал тузилди.

2-жадвал

ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган девонлар нусхалари бошланишининг қиёсий тадқиқи

Қўлёзма девоннинг бошланиши	Қўлёзма девоннинг номи ва сақланиш рақами
Zihi ẓuḥurï jamālïŋ quyaš kibi paydā, Yüzüŋ quyašïğa ẓarrāt-i kavn olup šaydā.	*Наводиру-н-ниҳоя* (11675, 1995)
	Наводиру-ш-шабоб (9847)
ʻAšraqat min ʻaksi šamsi-l-kaʻsi anvāri-l-hudā, Yār ʼaksïn mayda kȍr dep jāmdïn čïqtï sadā	*Ғазалиёт девони* (790)
	Ғаройибу-с-сиғар (12047)
	Терма девон (12864, 12182, 13046, 13063,12697, 13116, 12526/I, 11280, 9829, 10254, 11377, 13064, 13120, 12041, 13125/II, 13130/III, 12497/IV, 13117/II)
Šukr-u sipās ul qādirğa-kim, čun ʻadam āsāyišgāhïdïn vujud ārāyišï āgāhlarïğa jilva berdi	*Хазойину-л-маоний* (677, 1486, 1709)
Fasāhat devānïnïŋ ğazal sarāylarï tabʻi maxzanïdïn šoridahāl āšiqlar xirmanï...	*Хазойину-л-маоний* (9766, 14912, 9746, 1715, 7411, 1060, 7864, 7405, 1230, 11281, 12111/IV)
	Ғаройибу-с-сиғар (7463, 2058)
	Терма девон (7701, 9672, 1315/I, 1277, 11391/I, 4004/II, 4487, 6792, 3622, 8241, 9367, 646, 9411, 11949, 4390, 8253, 1595, 4394, 4442, 648, 9954/II, 9412, 3643, 8309, 12098, 12456/II, 12022/II, 13078, 11200, 10253, 10235)
Ey navbahār-i ʻārażïŋ ṣubḥïğa jānparvar havā, Andïn gul-u bulbul tapïb yüz barg birlä miŋ navā.	*Бадойиу-л-васат* (7098, 3458)
	Терма девон (13119, 13131, 12417, 13130/I, 11831/I)

[1] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 8.

[2] Алишер Навоий. 1796- рақамли «Терма девон»; 7224- рақамли «Терма девон»; 1711/III рақамли «Терма девон». ЎзР ФАШИ асосий фонди.

Ey, yetti manẓar ṭarḥiğa meʻmār-i ṣunʻuŋdïn binā, Maṣnuʻlar fāniy, vale maslub-i ṣāniʻdïn fanā.	*Фавойиду-л-кибар* (11432/II, 647)

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Алишер Навоий девонларининг қўлёзмаларини тавсиф қилиш жараёнида унинг таркибини жиддий ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Айниқса, қўлёзманинг биринчи ғазалига қараб унинг қайси девон экани ҳақида ҳукм чиқариш тўғри эмас. Бундай хатоликлар келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган тадқиқотларга салбий таъсир кўрсатади. Бизнингча, Алишер Навоий асарларининг юртимиз, қолаверса, дунё фондларида сақланаётган қўлёзмаларининг каталогини яратиш лозим. Бу тадқиқот натижасида навоийшуносликнинг матншунослик тармоғи юқори даражада ривожланади. Зеро, қаерда нима сақланиши ҳақидаги маълумот тадқиқотчи учун муҳимдир.

1.2-§. Навоий девонлари қўлёзмаларининг колофонлари: матн тили ва услуби

Алишер Навоий шеъриятининг шуҳрати – унинг маҳсули жамланган девонларнинг қўлёзма ҳолида қайта-қайта кўчирилгани, тошбосма ускуналарида такрор-такрор босилгани ва замонавий нашрда минглаб тиражларда чоп этилгани билан географик чегарани ҳам, хронологик даврни ҳам енгиб келаётганидан дарак беради.

Навоий девонларининг Хуросон ва Ўрта Осиё ҳудудида кўчирилган қўлёзмаларига араб, форс ва туркий тилларда колофон (хотима)[1] битилган. Қизиғи шундаки, колофонлар матнининг тили асрларга қараб ўзгариб боради. Масалан, шоир ҳаётлик чоғи ва унга яқин даврда кўчирилган қўлёзмалар колофонидаги матнларда араб тили устунлик қилади. XVII–XVIII асрларда кўчирилган қўлёзмалар колофонларининг матни, асосан, форс тилида. XIX асрдан бошлаб китобат қилинаётган қўлёзмаларга туркий тилда хотима битиш русумга айланган.

Колофонларда муҳим фактлар ёритилиши сабабли уларга тарихий ҳужжат тури сифатида ҳам ёндашиш мумкин, деган фикрдамиз. Шу жиҳатдан, Навоий девонлари қўлёзмаларига битилган колофонлар матнининг тили бу нусхалар кўчирилган ҳудудларнинг тил вазиятини маълум маънода ўзида ифода эта олади.

Ушбу бўлимда Навоий девонлари қўлёзмаларининг колофон матни, тил хусусияти, маълумотни бериш тартиби ва фикрни ифодалаш услуби ҳақида сўз боради. Шунингдек, айнан қайси жумлалар колофонлардан колофонларга ўтиб келгани ва ушбу анъанавий жумлаларни ёзишдан кўзланган мақсадни очиб бериш назарда тутилади.

Бунинг учун, энг аввал, Навоий девонлари нусхалари кўчирилган давр уч жадвалга бўлинган ҳолда ифода этилиши мақсадга мувофиқ, деб билдик. Жадвалларда асосий эътибор қўлёзма девоннинг номи, колофон матнининг тили, котиби, кўчирилган даври ва жойига қаратилди. Тадқиқотга шоирнинг китобат санаси маълум бўлган девонларининг бизда бевосита кўриш имконияти мавжуд бўлган қўлёзмалари, факсимиле ва электрон нусхалари, шунингдек, кўриш имконияти мавжуд бўлмаса-да, аввал амалга оширилган илмий ишларда колофон матни ёритилган нусхалари жалб этилди[2]. Шунингдек, қиёслаш имконияти

[1] *Колофон* – китобнинг ёки китоб ичига кирган бир неча алоҳида асарларнинг тугалланган саҳифасига ишланадиган нақшли жадвал. Одатда бу жадвал учбурчак шаклида бўлиб, унинг ичига котиб ўз номи, китобат ўрни, тарихи, баъзан шу асарни кўчиришга буюрган ёки маслаҳат берган кишиларнинг номи ва бошқа маълумотларни қайд этган. Батафсил қаранг: Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент: «Davr Press», 2013. – Б. 399.

[2] Қўлёзма девонларнинг сақланиш рақамлари ва улар сақланаётган фонд номларининг шартли қисқартма-

кенг бўлиши мақсадида мазкур жадвалларга Алишер Навоий девонларининг ЎзР ФАШИ фондида сақланаётган нусхаларидан ташқари санаси аниқ бўлган хорижий фондларга тегишли қўлёзмалари ҳам ўрганилди.

3- жадвал

Навоий девонларининг XV–XVI асрларда кўчирилган нусхалари[1]

№	Девон номи	Колофон матниниг тили	Котиби	Кўчирилган йили ва жойи (ҳижрий/милодийда берилади)
	Илк девон (РМК 564)	арабча	Султонали Машҳадий	1465–1466, Ҳирот
	Оққўюнли мухлислар девони (Lit. Turk. 68)	арабча	Абдураҳим Хоразмий Анисий	1471–1472
	Бадойиу-л-бидоя (BNF Supl.turc. 746)	арабча	–	1480–1481
	Бадойиу-л-бидоя (БМ 401)	арабча	–	1482–1483
	Бадойиу-л-бидоя (ОИА 3010)	арабча	–	1484
	Бадойиу-л-бидоя (АдМ 216)	арабча	Али ибн Нур	1486, 15 май, Ҳирот
	Наводиру-н-ниҳоя (11675)	ўзбекча – арабча	Абдулжамил котиб	1487–1488
	Наводиру-н-ниҳоя (1995)	арабча	Султонали Машҳадий	Ҳирот
	Ғазалиёт девони 790	арабча	Султонали Машҳадий	1492–1493, Ҳирот
	Терма девон (Мет. 21)	арабча	Султонали Машҳадий	1499–1500
	Терма девон (Бод. 283)	арабча	–	1509–1510
	Бадойиу-л-васат (BNF Supl.turc. 317)	ўзбекча – арабча	Али Ҳижроний	1525–1526
	Терма девон (АдМ 26)	арабча	Пир Муҳаммад ибн Шайх Тоҳир Табризий	1529, 24 апрель, (Ҳирот ёки Бухоро)
	Терма девон 9672	арабча	Пираҳмад ибн Искандар	1533–1534, Хуросон
	Фавойиду-л-кибар (ИУК 1565)	ўзбекча	Жамшид	1540
	Терма девон 2790	арабча	Абдурраҳим котиб	1551–1552, Хуросон
	Терма девон (Ҳ.С. 533/1)	арабча	–	1563
	Терма девон 5802	арабча	–	1583–1584

лари девон номидан сўнг қавс ичида берилди: Ҳ.С. – ЎзР ФАШИ Ҳамид Сулаймон фонди, РМК – Россия миллий кутубхонаси, Lit. Turk. – Миср миллий кутубхонаси туркий қўлёзмалар фонди, ОИА – Озарбайжон илмлар академияси қўлёзмалар фонди, БМ – Британия музейи, АдМ – ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Мет. – Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейи, Бод. – Оксфорд университетининг Бодлеан номидаги кутубхонаси, ИУК – Истанбул университети кутубхонаси, Бур. ШК – Бурхонпур шаҳридаги шахсий кутубхона, BNF Supl.turc. – Франция миллий кутубхонаси. Инвентарь рақамларининг ёнида шартли қисқартма берилмаган қўлёзмалар ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланади.

[1] Мазкур қўлёзмалар ҳақида қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – 586 с.; Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. V-XXVII; Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Тошкент: «Фан», 1970. – 86 б.; Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент: «Фан», 1983. – 198 б.; Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – 559 с.

4- жадвал

Навоий девонларининг XVII–XVIII асрларда кўчирилган нусхалари

№	Девон номи	Колофон матнининг тили	Котиби	Кўчирилган йили ва жойи
	Фавойиду-л-кибар (ИУК 2794)	ўзбекча	Ҳусайн ибн Ҳайдар ал-Ҳусайний Журжоний	1633
	Хазойину-л-маоний	арабча	–	1642–1643
	Хазойину-л-маоний	арабча	Абдулмузниб Ризоқули ибн Мустафоқули	1660
	Терма девон 11138/I	форсча	Муҳаммад Азизуллабек	1684–1685
	Хазойину-л-маоний (Бур. ШҚ)	форсча	–	1708–1709, Бурхонпур
	Терма девон (Ҳ.С. 1048)	форсча	Мулло Абдинабихон қози	1783, 30 июль, Қўқон

5-жадвал

Навоий девонларининг XIX–XX асрларда кўчирилган нусхалари

№	Девон номи	Колофон матниниг тили	Котиби	Кўчирилган йили ва жойи
	Терма девон 7204	форсча	–	1803
	Терма девон 4004/II	форсча	–	1815–1816
	Терма девон 11491	арабча	–	1817–1818
	Терма девон 7194	форсча	Мулло Абдулкарим ибн Дўстум мерган	1818–1819
	Терма девон 360/II	арабча	–	1819–1820
	Терма девон 9232	арабча	–	1825–1826
	Терма девон 12347	арабча	–	1826
	Терма девон 4487	арабча	Мулло Муҳаммадюсуф Шаҳрисабзий	1827–1828, Бухоро
	Терма девон 6792	арабча	–	1828–1829
	Терма девон 2999	арабча	Мир Абдулҳай Самарқандий	1830
	Хазойину-л-маоний 149/2	ўзбекча	Муҳаммад Мусохўжа валади Саййид Аминхўжа Ҳусайний	1812
	Хазойину-л-маоний 9746	форсча	Муҳаммад Латиф ибн Муҳаммадшариф	1814
	Хазойину-л-маоний 1715	арабча	Муҳаммад Латиф ибн Муҳаммадшариф	1823–1824
	Хазойину-л-маоний 7411	форсча	–	1832
	Хазойину-л-маоний 5663/1	арабча	–	1834
	Хазойину-л-маоний 9745	форсча	Муҳаммад ...бой	1834–1835
	Хазойину-л-маоний 7864	ўзбекча	–	1838–1839
	Хазойину-л-маоний 7409	ўзбекча	–	1838–1839
	Хазойину-л-маоний 1709	ўзбекча	–	1838–1839, Қўқон
	Хазойину-л-маоний 1230	ўзбекча	–	1838–1839, Қўқон
	Терма девон 13186	форсча – ўзбекча	Мулло Абдуссамад ибн Муҳаммадсодиқхўжа	1840
	Терма девон 646	ўзбекча	Мулло Муҳаммадназар ибн Қиличжон Хоразмий	1841–1842

	Терма девон 11472/I	ўзбекча	Фозилхон хўжа Одилхон хўжа ўғли	1842–1843
	Хазойину-л-маоний 9289	ўзбекча	Охунд ибн Мирҳасан	1843
	Терма девон 4390	ўзбекча	–	1850–1851
	Ғаройибу-с-сиғар 2058	ўзбекча	Муҳаммадяқуб девон валади Уста Қурбонниёз	1901

Навоий девонларининг XV–XVI асрларга оид нусхаларидан 18 та, XVII–XVIII асрларга оид нусхаларидан 6 та ва XIX–XX асрларга оид 26 та қўлёзмасидан жой олган колофонларининг тил хусусиятини текшириб чиққанимизда, қуйидаги натижа маълум бўлди.

Биринчи даврга оид нусхалар колофонларининг 88,9%и араб, 11,1%и туркий;

иккинчи даврга оид қўлёзмалар колофонларининг 50%и форс, 33,3%и араб, 16,6%и туркий;

учинчи даврга оид нусхалар колофонларининг 42,3%и ўзбек, 34,6%и араб, 23,1%и форс тилларида ёзилгани маълум бўлди.

Табиийки, бу рақамларнинг барчаси нисбий бўлиб, биз колофон матнларини ўқиш имкониятига эга бўлган қўлёзмалардан фойдаландик, холос. Шу тариқа кейинги давр нусхаларининг колофонларида устунлик қилаётган тил ўзидан олдинги тилни сиқиб чиқаргани маълум бўлди.

«Наводиру-н-ниҳоя» девонининг 893/1487–1488 йил Ҳирот шаҳрида Абдулжамил котиб (ваф. 911/1505–1506) тарафидан кўчирилган қадимий нусхаси колофонидаги[1]:

توکاندی دیوان جدید – *tügändi devon-i jadid*, жумласи Навоий девонларига битилган илк туркий колофондир.

Девондаги колофонлар матнини туркий (ўзбек) тилида ёзиш XIX асрнинг иккинчи ярмида кенг урфга кирди. Навоий девонларининг ЎзР ФАШИ фондларида сақланаётган XIX–XX асрлар Фарғона, Хоразм ва Самарқанд китобат санъатига оид нусхалари колофонларининг ўзбекча матнлари фикримизни далиллайди. Улар орасида Қўқон хони Муҳаммадалихон ва Хива хони Муҳаммадраҳимхон II (1864–1910) буйруғи билан кўчирилган девонларнинг колофон матнлари ифода услуби билан бошқалардан ажралиб туради. Институт фондида сақланаётган 1709- рақамли қўлёзма девон колофонида шундай ўқиймиз[2]:

... محمد علی غازی بهادرخان ... مینك ایکی یوز ایلك تورت تاریخیندا ... محمد صدیق تونقاتر ساریغه خطاب ایتب امر عالی صدور تابتی کیم نوایی دیوانینی مکتوب ایتمکا بویورغیل فرمان عالی تأثیر یدین بیری شولکیم مدت آلتی آی ایچره اوچ یوز عدد دیوان مجلد و مشرز بولدی اول مشرز دیوانلاردین بیری بو نسخه ایرور کیم سنه مزکور ایچره همت اهتمام و شرف اتمامه موسوم بولدی. ...

(... *Muhammad ʼAli Ğāzî Bahādirxan... miŋ ikki yüz ellik tört tarixïnda... Muhammad Siddiq tonqatar sarïğa xitab etib, amr-i ʻāliy sudur taptï-kïm, Navāî devānïnï maktub etmäkkä buyurğïl: farmān-i āliy taʼsirïdïn biri šul-kim, muddati altï ay ičrä üč yüz ʻadad devān mujallad va mušarraz boldï. Ul mušarraz devānlardïn biri bu nusxa erür-kim, sanai mazkur ičrä himmat ihtimām va šaraf itmāma mavsum boldï*...)[3].

Колофонда таъкидланганидек, Қўқон хони Муҳаммадалихон фармони билан 1254/1838–39 йили Қўқонда олти ой ичида Алишер Навоий девонининг 300 нусхада кўчирилгани туркий тил ва адабиёти тарихида катта воқеа эди. Фондда Муҳаммадалихон буйруғи билан кўчирилган қўлёзмалардан яна бир неча нусхаси сақланмоқда.

[1] Қўлёзма тавсифига қаранг: Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Отвественный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – С. 234-235.

[2] Қўлёзма тавсифига қаранг: тот же каталог, – С. 181-182.

[3] Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. № 1709. 477b в.

1318/1901 йил Хивада Муҳаммадяқуб девон валади Уста Қурбонниёз Хоразмий томонидан настаълиқ хатида фабрика қоғозига кўчирилган 2058, 7098, 647- рақамлари остида сақланаётган «Ғаройибу-с-сиғар», «Бадойиу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар» девонларининг нусхалари Хоразм китобат санъатининг нодир намуналаридандир. Қўлёзмалар Муҳаммадраҳимхон II Ферузнинг махсус фармони билан сарой кутубхонаси учун кўчирилгани колофонларда акс этган[1].

Навоий девонлари қўлёзмаларига битилган колофонларнинг матни мисолида айтиш мумкинки, котиблар учун ўзлари кўчирган нусхага хотима ясашгина эмас, уни қай услубда баён этиш ҳам анъана тусини олган эди. Бу жиҳатдан колофонларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: **қисқа, ўрта** ва **тўлиқ** колофонлар. Қисқа маълумотли колофонларда, асосан, китобат санаси ва котиб номи берилади. Ўрта маълумотли колофонларда асар номи, унинг муаллифи, котиб номи, китобат санаси кабилар акс этади. Батафсил ёзилган колофонларда асар номи, унинг муаллифи, нусха кимнинг буйруғига биноан кўчирилгани, ушбу фармоннинг ижросида ким масъул бўлгани, қайси сарой ёки мадраса кутубхонаси учун махсус кўчирилгани, қайси шаҳарда, қачон ва ким томонидан китобат қилингани, баъзи ҳолларда қайси манбадан кўчирилгани, шунингдек, бошқа муҳим маълумотлар акс этади.

Колофонларда баъзи жумлаларни айнан такрорлаш анъанаси мавжуд эканини алоҳида қайд этиш жоиз. Қуйида Алишер Навоий девонларининг колофон матнларида қайта-қайта учратиш мумкин бўлган айрим жумлаларни келтирамиз.

6- жадвал

Девондан девонга кўчиб юрувчи колофонлар

Матннинг таржимаси	Қўлёзмадаги матн
Инъом қилувчи Оллоҳ ёрдами билан бу китоб (кўчирилиб) битди	تمت الكتب بعون الملک الوهاب
Ушбу муқаддас нусха (кўчирилиб) битди	تمام يافت اين نسخه شريفه
Бу китоб уйғоқ Оллоҳнинг ёрдами билан ... куни (кўчирилиб) тугади	شد بتوفيق خداى لا ينام ان كتابت روز ... تمام
Китоб ... йилда (кўчирилиб) тугади	تمت الكتاب سنه ...
Аллоҳ унинг айбларини яшириб, аҳволини яхшиласин ва гуноҳларини кечирсин	ستراللّٰه عيوبه واحسن احواله و غفر ذنوبه
Ҳар ким ўқиса ё кўрса, яхши дуо билан ёд этсинлар	هر كيم اوقوسه لار يا كورسه لار دعا يخشى برلا ياد قيلسونلار
Хатойим йўқдир, хатимни айб қилманг, ўқиганда дуо қилишни унутманг	خطايم يوقتور خطيمنى عيب قيلمنک اوقوغانده دعا برلا اونوتمانک
Хатимнинг нуқсони кўпдир, айбга буюрманг, ўқиганда дуо қилишни унутманг	خطيم نينک عيبى كوبدور عيب قيلمانک اوقوغاندا دعا بيرلا اونوتمانک
Ҳар ким ўқиса, дуо қилишини истайман, билингки, мен ҳам бир гуноҳкор бандаман	هركه خواند دعا طمع دارم زانكه من بنده كنه كارام
Ḫatāïm yoqdïr, ḫaṭïmnï ‘aybga buyurmaŋ, özimni ḫaqārat qïlsaŋïz ham, anamnï ḫaqārat etmäŋlär	خطايم يوقتور خطيم عيب ايتمنكيز لار اوزوم نى سوک انام نى سوكمنكيزلار

Бизнингча, бу жумлалар қўлёзма девонларнинг колофон матни учун стереотип бирликка айлангандек. Гувоҳи бўлганимиздек, девонлар нусхаларининг колофон қисмида такрорланиб келувчи ушбу жумлалар орасида ҳар уч тил – араб, форс ва ўзбек тилларидаги қўлёзма хотималарига хос стереотипларни учратамиз. Таъкидлаш жоиз, баъзан бир

[1] Алишер Навоий. Ғаройибу-с-сиғар. ЎзР ФАШИ. № 2058. 217b. Колофонда шундай дейилган:
الحمد الله و المنى عدالت آسمانى نينك افتاب جهانتابى سلطان سهرى نينك خورشيد رخشنده سى علما دولت و فضلا حوست حضرت سلطان الزمان و نادرالدوران الصلطان ابن السلطان الخاقان ابن الخاقان ابو المظفر والمنصور ابو الغازى سيد محمد رحيم بهادرخان ثانى خلد الله تعالى دولته و شوكته نينك فرمان عاليلارى بيلا دفتر اول نوايى كيم غرايب الصغر بيله موسوم ايردى بو فقير الحقير محمد يعقوب ديوان ولد اوستا قربانياز تاريخ هجرى مينك اوچ يوز داغى اون يكيرلانچى ذوالقعدا ايى نينك يكرمه التى لانچى سى شنبه كونى موافق موش يىلى نينك اخيريدا يازيب اتمام غه يتكوردى.

колофон матнининг ўзида юқоридаги тилларда жумлалар параллел равишда келган. Бу эса мазкур қўлёзмалар кўчирилган ҳудудларда арабий, форсий ва туркий тилларнинг бир неча асрлар давомида ёнма-ён истеъмолда бўлганини ифода этади. Муҳими, котибларнинг ниятларини ифода этувчи бу жумлаларнинг тили турлича эса-да, уларнинг мазмуни жуда яқиндир. Колофонларда тез-тез учратиш мумкин бўлган бу жумлалар мазмунида котибнинг камтарлик хислати устунлик қилади. Диққат қилинг, буюк адабий мерос – тенги йўқ шеърият хазинаси ҳисобланган қўлёзмани яна битта нусхага кўпайтириш, замондошлари ва келажак авлодни ундан баҳраманд этишдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифани бажараётган котиб сира кибрга берилмайди, аксинча, гуноҳкор бандалардан бири эканини таъкидлаб, китобхондан унинг ҳаққига дуо этишини, мабодо хатида нуқсони бўлса, айбга буюрмаслигини сўрайди. Колофонларга хос шундай мазмундаги жумлаларни девонларнинг деярли барча асрларга оид нусхаларида такрорланганини кўришимиз мумкин.

Қизиғи, колофонлардаги жумлаларнинг баъзилари то ҳозиргача одамлар орасида такрорланади. Масалан, «Хатойим йўқдир, хатимни айбга буюрманг, ўзимни ҳақорат қилсангиз ҳам, онамни ҳақорат этманглар» (خطایم یوقتور خطیم عیب ایتمنکیز لار اوزوم نی سوک انام نی سوکمنکیزلار), мазмунидаги колофон матнига эътибор қилинг. Ҳозир ҳам бошқалар олдида ўзини айбдор ҳис этувчи бирор киши вазият тақозо этганида: Ўзимни қанча ҳақорат этсанг ҳам майли, аммо онамни тинч қўй, мазмунидаги гапни кўп такрорлайди. Демак, шу мазмунни ифодалаётган колофон матни халқнинг минталитетига хос бўлган ва ҳозиргача сақланган оғзаки нутқ парчасини Навоий девонларида котиблар тилидан битилган ёзма варианти экани билан ҳам муҳимдир.

Хулоса шуки, девонларнинг қўлёзмаларига битилган колофонларда берилган маълумот Навоий шеъриятининг географик ва хронологик чегараларини акс эттириш билан бирга бу шеърларни мутолаа этган халқларнинг, хусусан, котибларнинг фикрлаш тарзини ҳам ифода этади. Уларнинг тил хусусияти эса илмда сингиб қолган маълум бир анъананинг бошқасига ўрин бўшатиши осон кечмаганидан дарак беради. Энг муҳими, асосий қисми туркийзабон ва форсийзабон халқларнинг адабий алоқалари аввалдан кучли экани, зеро, ҳам ўзбек, ҳам тожик миллатига мансуб котибларнинг туркий шеърлар жамланган Навоий девонларини кўчираверишу бу қўлёзмаларнинг колофонларида тарихий ҳужжат сифатида сақланиб келаётир.

Алишер Навоий девонлари қўлёзмаларини қиёсий-танқидий ўрганишда нусхаларга уларнинг кўчирилган даври бўйича ёндашиш тадқиқот ҳаққонийлигини (принципини) белгилаб беради. Муаллиф даврида ёки унга яқин йилларда кўчирилган қўлёзма девонлар, табиийки, шоир назари тушгани ёки у кўздан кечирган қўлёзма асосида китобат қилингани билан ишончли манбадир. Кейинги даврларда кўчирилган кўпгина қўлёзмалар нисбатан тўлиқлиги билан муҳим манба ҳисобланади. Шунингдек, улар кўчирилган ҳудудларда ўша давр китобатининг такомил босқичларини белгилашга хизмат қилади. Шоир девонларининг XV–XVI асрларга оид нусхалари катта форматда, XVII–XVIII асрлар қўлёзмалари эса кичик форматда жилдлангани аён бўлади. XIX асрдан бошлаб кўчирилган девонлар эса, асосан, яна катта форматда китобат қилинган. Қўлёзма девонларга ишланган иллюстрациялар ҳам ҳудуд ва даврга қараб турличадир. Девонларнинг XV–XVI асрлар нусхалари, асосан, чарм муқовага жилдланган бўлса, кейинги даврларда картон муқовалар русумга айланган. XIX асрнинг иккинчи ярмигача китобат қилинган девонлар шарқ қоғозига, кейинги даврга оидлари шарқ қоғозлари билан бир қаторда фабрика қоғозларига ҳам кўчирилган. Навоий девонларининг махсус буюртма асосида, давлат арбобларидан бирининг буйруғи билан кўчирилган нусхалари сарой китобатининг деярли барча нозик қирралари-

ни ўзида ифода этган. Уларга фронтиспис, миниатюра, абри, унвонлар ишланган; шеърлар албатта турли рангли рамкалардан иборат жадвалларга олинган, уларнинг атрофи ислимий нақшлар билан безатилган; сарлавҳалар, жанр номлари ва бошқа муҳим сўзлар зарҳал билан ажратиб кўчирилган. Мазкур турдаги қўлёзмалар оддий нусхаларга нисбатан анча кўпчиликни ташкил этади. Бу ҳолат, бизнингча, Навоий шеърияти деярли ҳамма асрларда расмий даражада ўқитилгани, ушбу ижод намуналарини кейинги авлодга етказишга сиёсий баҳо берилганини англатади.

Навоий девонларининг институт қўлёзмалар фондида сақланаётган XVII–XIX асрларга оид айрим нусхалари шеърлар тилининг шеваларга мослашуви натижасида ўзбек адабий тилининг ривожланиш босқичларини ўрганишда муҳим манба вазифсини ўтайди.

Навоий девонлари ва уларнинг нусхалари ниҳоятда кенг тарқалгани илмда турли чалкашликларни туғдиргани маълум. Ушбу қўлёзма девонларнинг таркибини қиёсий-танқидий тарзда текшириш натижасида уларнинг асли қайси девоннинг нусхаси экани ойдинлашади. Кўпгина нусхалар бир хил бошланса-да, бошқа-бошқа девон қўлёзмалари экани уларнинг таркибини жиддий қиёслаш орқали маълум бўлди. Шунингдек, мазкур ёндашув ёрдамида аввал амалга оширилган тадқиқотлардаги хато ва камчиликлар бартараф этилди.

Навоий девонлари қўлёзмаларига битилган колофонлар кичик расмий ҳужжатлар сифатида ўрганилиши мумкин. Улардаги қайдлар нусхаларнинг кўчирилиш вақти ва жойи, котиби ва буюртмачиси ҳақида маълумот беради. Колофонларнинг тили ва услуби эса нусхалар китобат қилинган ҳудуд ва даврнинг тил вазиятини очиқлайди. Улар қисман бўлса-да, кўчирилган ҳудудларининг расмий услубида араб, форс ва туркий тилнинг аҳамиятини белгилашга хизмат қилади. Мазкур колофонларнинг рамзий маънодаги бадиий бурчагини ташкил этувчи турли шеърий парчалар эса котиблар дилидан кечган ўй-хаёллар, шунингдек, уларнинг шахсиятига оид чизгиларни ифода этади, дейиш мумкин.

II БОБ. НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ТАРКИБИНИ ДАВРИЙ ВА ҲУДУДИЙ КЕСИМДА ЎРГАНИШ МАСАЛАСИ

2.1-§. Муаллиф ҳаётлигида ва унга яқин даврда кўчирилган девонлар қўлёзмаларининг таркиби

Мазкур бобда Навоий девонлари қўлёзмалари ўзбек адабий манбашунослигида шоир «Хамса»сининг қўлёзмалари талқини манбаларига бағишланган ишда таъкидланганидек, диссертация объектининг макони ва замонини чегаралаб олишдан бошланади[1]. Девонлар қўлёзмаларининг таркиби ва китобатига оид бошқа белгиларидан келиб чиқиб, уларни уч катта даврга ажратган ҳолда уч фаслда тадқиқ қилдик. Булар:

1. XV–XVI асрларга оид қўлёзма девонлар.
2. XVII–XVIII юзйилликларда китобат қилинган девонлар нусхалари.
3. XIX асрдан бошлаб кейинги даврларга тегишли қўлёзма девонлар.

ЎзР ФАШИ фондида Алишер Навоий девонларининг ҳали ўзи ҳаётлиги ва унга яқин даврда машҳур хаттотлар – Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Пираҳмад ибн Искандар, Пир Муҳаммад ибн Шайх Тоҳир Табризий, Абдурраҳим котиб ва бошқа котиблар томонидан кўчирилган қўлёзмалар мавжуд.

Ушбу бобнинг биринчи фаслида ҳажмни инобатга олган ҳолда Алишер Навоий девонларининг Султонали Машҳадий ва Абдулжамил котиб кўчирган қўлёзмалари ҳамда қамраб олинган даврга оид котиби номаълум айрим нусхалари ҳақида сўз боради.

Ўзини Мир Али Табризийнинг (1369–1405) шогирди деб ҳисоблаган ва настаълиқ хати услубини классик даражага кўтарган йирик санъаткор хаттотлардан энг машҳури Султонали Машҳадийдир[2]. Бугунги кунга қадар Султонали Машҳадий ва у томонидан кўчирилган қўлёзмалар борасида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди[3]. А.Муродов (1893–1974) Машҳадийнинг, Навоий таъбири билан айтганда «хаттотлар қиблагоҳи» – хаттотлик борасида ёзган Рисоласи, шарқ ва ғарб олимлари томонидан чуқур ўрганилган, деб ёзади[4]. Бу тадқиқотларда котибнинг, асосан, хаттотлик санъатидаги улкан тажрибалари ҳақида сўз боради.

Ҳ.Сулаймонов рус шарқшуноси Г.Костигованинг (1926–1999) маълумотларига таяниб, бутун дунё фондларида Алишер Навоий девонларининг Султонали Машҳадий кўчирган бешта ва «Хамса» достонининг иккита уникал нусхаси сақланади, деб маълумот беради[5].

[1] Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV – XX асрлар). – Тошкент: «Тамаддун», 2018. – Б. 63.

[2] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. «Фан». 1971. – Б. 34.

[3] Қаранг: Семенов А. Гератское искусство в эпоху Алишера Навои // Родоначальник узбекской литературы. Ташкент. 1940. – С. 126-152; Костыгова Г. Жизнь и творчества таджикского каллиграфа-художника Султан Али Мешхеди (1432-1520). Диссертация на соискание кандидата филологических наук. Ленинград. 1953; Костыгова Г. Трактат по каллиграфии Султан Али Мешхеди // Восточный сб. Ленинград. 1957. –С. 103-110; Сулейман Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Автореферат – диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Ташкент. 1961. – С. 67; Костыгова Г. Образцы каллиграфии Ирана и Средней Азии XV-XIX веков. Москва, 1963. –С. 9-11; Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. «Фан». 1971. – Б. 34-44; Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент. «Фан». 1991. –Б. 51; Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471 йил). Нашрга тайёрловчи: А.Эркинов. Tokyo: «Research Institute for lanuages and cultures of Asia and Africa». 2015. – Б. 32-34.

[4] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. «Фан», 1971. – Б. 35.

[5] Сулаймон Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий. Ғаройибус-сиғар. Асар-

Олимнинг Г.Костиговага таянган мазкур иқтибосида Машҳадий китобат қилган қуйидаги қўлёзма девонлар назарда тутилган[1]:

7- жадвал

Алишер Навоий девонларининг Султонали Машҳадий кўчирган қўлёзмалари
(Ҳ.Сулаймонов маълумоти асосида)

т/р	Девон номи	Кўчирилган йили	Сақланаётган жойи ва рақами
1	*Илк девон*	870/1465–1466	Россия миллий кутубхонаси қўлёзмалар бўлими, 564
2	*Наводиру-н-ниҳоя*	_	ЎзР ФАШИ асосий фонди, 1995
3	*Терма девон*	898/1492–1493	ЎзР ФАШИ асосий фонди, 790
4	*Терма девон*	–	ЎзР ФАШИ асосий фонди, 3984
5	*Терма девон*	905/1499–1500	Нью-Йоркдаги Метрополитен санъат музейи, 21

Муҳими шундаки, «Хазойину-л-маоний» илмий-танқидий матнини тузишда юқорида номлари келтирилган девон қўлёзмаларининг барчасидан фойдаланилган[2].

Аслида, Навоий девонларининг Машҳадий кўчирган нусхалари олтита экани маълум эди. Ҳ.Сулаймонов олтинчи нусхани рўйхатда келтирмаганининг сабаби қуйида ойдинлашади.

Султонали Машҳадийнинг Алишер Навоий асарларини китобат қилиши билан боғлиқ маълумотларни М.Ҳакимовнинг «Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар» номли рисоласида ҳам учратамиз. Қизиғи шундаки, «Жаҳон қўлёзма хазиналари бўйича Навоий асарларидан Султонали Машҳадий кўчирган ўн иккита қўлёзма фанга маълум», деб ёзади олим.[3]. М.Ҳакимов санаб ўтган қўлёзмалардан саккизтаси шоирнинг девонларидир, улардан бештаси Ҳ.Сулаймонов рўйхатини такрорлайди, қолган уч девон қуйида акс этади.

8- жадвал

Алишер Навоий девонларининг Султонали Машҳадий кўчирган қўлёзмалари
(М.Ҳакимов маълумоти асосида)

т/р	Девон номи	Кўчирилган йили	Сақланаётган жойи
1	*Терма девон*	XV аср охири	Оксфорд университети Бодлеян кутубхонаси, “Elliot 90”
2	*Хазойину-л-маоний*	XV аср охири	Лондон яқинидаги Виндзор сарой кутубхонаси, Ашё рақами кўрсатилмаган
3	*Терма девон*	XV аср охири ёки XVI аср бошлари	ЎзР ФАШИ асосий фонди, 1973

Ҳ.Сулаймонов Навоий «Терма девон»ининг Оксфорд университети Бодлеян кутубхонаси нусхаси ҳақида кўчирувчиси маълум эмас, деб ёзган ва қўлёзма колофонининг матнини

лар. Ўн беш томлик. Биринчи том. – Тошкент: «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 29.

[1] Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. В трех томах / Первый том. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Ташкент – Москва, 1955–1961. – С. 154; Сулаймонов Ҳ. Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XV-XVIII.

[2] Сулейман Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Автореферат – диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Тошкент. 1961. – С. 13.

[3] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент. «Фан». 1991. – Б. 10.

келтирган[1]:

تمت الکتاب امیر نوایی رحمة الله ... ٤٢ شعبان سنه ٥١٩

(Amir Navāîniŋ bu kitābïnï köčiriš 915 yïl, ša'bān ayïniŋ yigirmä törtidä tamām boldï).

М.Ҳакимов эса, афсуски, ушбу нусхани Султонали Машҳадий кўчирганлигига асос келтирмайди.

«Хазойину-л-маоний»нинг Лондон яқинидаги Виндзор сарой кутубхонасида сақланаётган нусхаси ҳақида Ҳ.Сулаймонов юқорида келтирилган рўйхатида учрамайди. М.Ҳакимов ушбу қўлёзма «Хазойину-л-маоний»нинг 819 варақдан иборат улкан нусхаси эканини ва сарой кутубхонасида «Бухоро қўлёзмаси» номи билан сақланишини қайд этади, аммо ушбу маълумотнинг манбасини келтирмайди[2].

Мазкур қўлёзма девоннинг (RCIN 1005033) тавсиф маълумотлари ҳамда муқоваси ва 22 варағининг электрон нусхасини қўлёзма сақланаётган Виндзор сарой кутубхонаси (Windsor Castle) сайтидан топишга эришдик. Шунингдек, Британия Роял коллекцияси (British Royal Collection) каталогида қўлёзма илмий тавсифланган[3]. Унга кўра, М.Ҳакимовнинг маълумоти қисман тасдиқланди.

Таъкидланишича, қўлёзма Навоий вафотидан сўнг 1501–1510 йиллар давомида Ҳиротда Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган. XVI асрда қўлёзмага ишланган оригинал миниатюралар 1605 йилда Ҳиндистонда (Mughal court)да қайта бўялган. Нусхага 12 та миниатюра ишланган бўлиб, улардан 4 таси жиддий зарар кўрган.

Қўлёзманинг муқоваси чармдан, қизил лабакили, яшил рангда бўлиб, шамса ва лола тасвири туширилган, варақлар ўлчами – 46x29,5 см. Девон матни хушхат настаълиқ билан кўчирилган. Матн тевараги зарҳал чизиқлар билан ўралган. Пойгир белгилари мавжуд.

«Хазойину-л-маоний»нинг ушбу нодир нусхасини 1872 йил май ойида Бухоро амири Музаффариддин ибн Насруллоҳ (ҳ.й. 1860–1885) қиролича Викторияга (ҳ.й. 1837–1901) ҳадя этган. Қаср кутубхонаси бу вақтда Навоий «Хамса»сининг айнан Машҳадий китобат қилган ва миниатюралари Ҳиндистонда қайта ишланган нусхасига ҳам эгалик қилар эди. Қиролича Виктория Бухоро амиридан олган совғасини 1872 йил август ойида Royal коллекциясига тақдим этган. М.Ҳакимов мана шу сабабга кўра нусхани «Хазойину-л-маоний»нинг Бухоро қўлёзмаси деб номлаган бўлиши мумкин.

Мазкур қўлёзма Султонали Машҳадий китобат қилган «Хазойину-л-маоний»нинг ҳозирга қадар маълум ягона нусхаси ҳисобланади. Муҳим жиҳати, «British Royal Collection» каталогида мазкур қўлёзма таркибидаги шеърлар ҳақида шундай ёзилган: ғазаллар (1v–671v) ва (690r–705r), маснавийлар (705r–735v), шунингдек, қитъа ва дубайтий (рубоий)лардан иборат[4]. Ушбу маълумот, яъни шеърий жанрлар, хусусан, ғазалнинг қўлёзма 1- варағидан то 671- варағигача давом этгани бизни кутубхона сайтидан юклаб олинган парча варақлар-

[1] Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. В трех томах / Первый том. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент–Москва. 1955–1961. – С. 94; Сулаймонов Ҳ. «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XIX.

[2] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан». 1991. – Б. 11.

[3] Muhammad Isa Waley. Islamic manuscripts in the British Royal Collection. A concise catalogue. – Leiden, Netherlands, 1994. ISSN 0920-0401. – P. 14-15; https://www.rct.uk/collection/1005033/divan-e-navai-dywn-nwyy-the-collected-works-of-navai

[4] Muhammad Isa Waley. Islamic manuscripts in the British Royal Collection. A concise catalogue. – Leiden, Netherlands, 1994. ISSN 0920-0401. – P. 15; https://www.rct.uk/collection/1005033/divan-e-navai-dywn-nwyy-the-collected-works-of-navai

даги шеърларнинг тартибига қизиқтириб қўйди. Девондаги ض *żād* ҳарфига қофияланувчи ғазалларнинг кетма-кетлиги диққатимизни тортди:

«Ғаройибу-с-сиғар» девонидан, варақда ғазалнинг мақтаси кўчирилган:

Ey Navāî, vāqif ul hālïŋğa-kim yār allïda
Bas faravāndur ğarazgo 'asru parrāndïr ğaraż.
«Наводиру-ш-шабоб» девонидан:
'Ārażïŋdur āftāb-i 'ālam ārādïn ğaraż,
Jān fizā nuṭqïŋdur anfāsï Masiḥādïn ğaraż.
«Бадойиу-л-васат» девонидан:
Qïlğan ermiš nātavān sarviravānïmnï maraż,
Zār olar-men-kim, qïlïptur zār jānïmnï maraż.

Қўлёзма девонда шеърларнинг устига уларнинг қайси девондан олингани қайд этилмаган, аммо ҳар бир ғазал бошланишидан аввал марҳум муаллифнинг ҳаққига дуолар ёзилган. Бу эса унинг 1501 йил Алишер Навоий вафотидан сўнг кўчирила бошлаганига ишора этади.

Бизнингча, ушбу нодир қўлёзма «Хазойину-л-маоний» девонлари шеърларининг умумий алифбога солинган биринчи нусхаси бўлиши мумкин.

Навоийнинг ЎзР ФАШИ асосий фондида 1973 рақами билан сақланаётган «Терма девон»инининг бошланиши ва якуни йўқ[1]. Нусха «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги»да ҳам хат услубига кўра, Султонали Машҳадий кўчирган, деб тахмин қилинган[2].

Навоийнинг дастлабки лирикасини ўзида жамлаган «Илк девон»га шоирнинг 391 та ғазал, 1 мустазод, 1 мухаммас ва 41 та рубоий жанридаги шеърлари киритилган. Девоннинг ягона нусхаси асосида Ҳ.Сулаймонов 1968 йил Тошкентда «Сўзбоши» ва «Кўрсаткичлар» қисми билан факсимиле нашрни эълон қилди[3]. У нашрнинг сўзбошисида ушбу нусхадаги шеърларнинг барчаси кейинчалик «Ғаройибу-с-сиғар», «Бадойиу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар» девонларига киритилганини қатъий аниқлаганини ёзади[4]. Ҳ.Сулаймоновнинг мазкур маълумоти 1970 йил Янош Экманнинг (Eckmann Janos) (1905–1971) «Навоийнинг илк девонлари устида» («Nevai'nin ilk divanları üzerine») номли мақоласида яна бир марта ўз тасдиғини топди[5]. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотнинг навоийшуносликдаги ўрни муҳимдир. Мақола муаллифи «Илк девон»даги барча шеърларнинг биринчи мисрасини (мустазод ва мухаммасларнинг биринчи сўзини) лотин графикасидаги транскрипцияга солиб, уларни «Бадойиу-л-бидоя»нинг иккита Париж ва Боку нусхалари ҳамда «Хазойину-л-маоний»нинг Ҳ.Сулаймонов томонидан чоп қилинган илмий-танқидий матни асоси-

[1] Ушбу қўлёзманинг тавсифига қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. Т. II. Оп. № 1261. – С. 211; Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Тошкент: «Фан». 1970. – Б. 17; Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О. Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – С. 186. (оп. № 412).

[2] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 17.

[3] Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Сулаймон. – Тошкент, «Фан», 1968.

[4] Сулаймон Ҳ. Сўзбоши // Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Сулаймон. – Тошкент, «Фан», 1968. – Б. 4.

[5] Eckmann Janos. Nevai'nin ilk divanları üzerine // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten, 13. – Ankara. 1970. – S. 253-262.

даги нашридаги «Ғаройибу-с-сиғар», «Бадойиу-л-васат», «Фавойиду-л-кибар» девонлари таркибига киритилганини жадваллар ёрдамида кўрсатади. Натижада «Илк девон» шеърларининг кейинги даврларда тузилган девонлардаги сони аниқланган. Маълум бўлишича, Машҳадий китобат қилган нусха таркибидаги шеърлар «Бадойиу-л-бидоя», «Наводиру-н-ниҳоя» ҳамда «Хазойину-л-маоний»даги «Ғаройибу-с-сиғар», «Бадойиу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар» девонларида ҳам учрайди. Қизиғи, Навоий ўзининг илк лирикаси бўлмиш шеърларни йигитлик даври девони ҳисобланган «Наводиру-ш-шабоб»га киритмайди холос. Шундай бўлса-да, Янош Экман тадқиқоти натижасидан келиб чиқиб, Машҳадий кўчирган «Илк девон»нинг бир нусхаси ижод жараёнида доим Навоийнинг ёнида бўлган, деб хулоса қилиш мумкин.

«Илк девон» юзасидан ҳозиргача яна бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди[1]. Уларда «Илк девон» шеърларининг мазмуни, ундаги ғазалларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Навоийнинг ўз даври анъаналарига бўлган муносабати, мазкур шеърларнинг бошқа девонларга кўчишида таҳрир ва трансформация масаласи, девоннинг Навоий лирикаси матншунослигида тутган ўрни, шунингдек, ундаги шеърларнинг тил хусусиятлари атрофлича ўрганилган. Навоийшуносликнинг галдаги вазифаси «Илк девон» шеърларининг бошқа девонларга кўчишида қайси принципга амал қилинганини аниқлашдан иборатдир. Бизнингча, мазкур жараён икки мақсадни кўзлаб амалга оширилган бўлиши мумкин:

1) шеърларнинг мазмунидан келиб чиқиб;

2) шеърларнинг қофия ва радифларининг якунланувчи ҳарфидан келиб чиқиб (алифбо тизими).

Навоийнинг ҳозирда Нью-Йоркдаги Метрополитен санъат музейида 21 рақами остида сақланаётган Султонали Машҳадий китобат қилган «Терма девон»и қўлёзмаси ҳақида Ҳ. Сулаймонов тадқиқотлари орқали танишмиз. Биз интернет ресурслари имкониятларидан фойдаланиб, Метрополитен санъат музейи сайтида жойлаштирилган мазкур девоннинг бир қисмини олишга эришдик. Улар орасида қўлёзманинг сўнгги варағи ҳам бор, унинг колофонида ёзилган қайдлар Ҳ.Сулаймонов маълумотларини мутлақо тасдиқлайди: «Ушбу нусхани фақир Султонали ал-Машҳадий тўққиз юз бешинчи йилда Ҳиротда кўчирди».

Маълум бўлишича, ушбу девонни музейга 1913 йил Нью-Йорклик машҳур тадбиркор, спортчи ва филонтроп Александр Смит Сокран (Alexander Smith Cochran, 1874–1929) совға қилган. Сокраннинг бобоси Александр Смит гилам кампаниясининг директори бўлган ва унинг барча бойлиги ўғли Уилям Франсис Сокран (William Francis Cochran) орқали Александр Смит Сокранга мерос бўлиб ўтган. Навоий девонининг Сокраннинг қўлига қандай тушиб қолгани ҳақида маълумотлар топилмади.

Қўлёзма хушхат настаълиқ билан шарқ қоғозига кўчирилган. Аввалида бир неча ранглар ва зарҳал уйғунлигида нозик дид билан унвон ишланган. Матн икки устунда бўлиб, кўк ва зарҳал чизиқли жадвалга олинган. Қўлёзманинг бир неча варағига миниатюра ва

[1] Қаранг: Исоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: «Фан», 1965. – Б. 138; Özdarendeli N. Ali Şir Nevai. İlk divan. İnceleme–Metin–Dizin. Türk dili bilim dalı için doktora tezi olarak hazırlanmıştır. – Edirne, 2002. – 993 s.; Рамазонов Н. «Илк девон»даги расмий девонларга кирмаган ёки ўзгаришлар билан кирган мисра ва байтлар // Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. Йигирманчи том. – Тошкент: «Фан», 2003. – Б. 375-471; Рамазонов Н. Алишер Навоийда “таҳрирни таҳрир” // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006/1. – Б. 17-23; Васильева О. Сочинения Алишера Навои в шедеврах книжного искусства XV–XVI веков (Из фондов Российской национальной библиотеки) // Россия и тюркский мир. – Санкт-Петербург, 2007. – С. 67-74; Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 6-10; Юсупова Д. “Илк девон”дан “Оққуюнли мухлислар девони”га ўтган ғазаллар трансформацияси // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 69-77.

абри ишланган. Ўлчами: 24,1х15,2 см.

Ҳ.Сулаймоновнинг маълумотига кўра, ушбу девон 815 (+3) та ғазал, 3 та мустазод, 4 та таржиъбанд, 3 та қитъа, 31 та рубоий ва 3 та муаммо – жами 860 та шеърдан таркиб топган. Аммо олимнинг мазкур маълумоти, диссертацияси сўнгида берилган жадвал ва музей каталогидаги қайдлар орасида тафовут бор.

Метрополитен санъат музейи каталогида девон таркибидаги шеърларнинг жанри ва сони шундай берилган: 816 та ғазал, 5 та қасида, таржиъбанд, 33 та рубоий ва 3 та фард.

Ҳ.Сулаймонов диссертацияси жадвали эса қуйидаги статистикани келтириб чиқарди: 818 та ғазал (3b–234b), 3 та мустазод (234b–236a), 1 та мухаммас (236a–237a), 4 та таржиъбанд (237a–250b), 31 та рубоий (251a–254a), 3 та қитъа (250a–251a), 3 та муаммо (254a).

Қўлёзманинг 905/1499–1500 йилда «Терма девон» ҳолида кўчирилгани бизда баъзи бир мулоҳазаларни уйғотади. Навоийшуносликда «Хазойину-л-маоний» 1492–1498 йилларда тузилган, деб тахмин қилинади. Қизиғи, 1500 йилда, яъни «Хазойину-л-маоний»га тартиб берилган бўлса-да, Навоийнинг замондоши, у билан жуда яқин муносабатда бўлган котиб шоирнинг шеърларини бошқа бир таркибдаги девон тарзида китобат қиляпти. Ҳ. Сулаймоннинг докторлик диссертациясига илова қилинган жадваллардан мазкур девон:

Zihi ẓuḥurï jamālïŋ quyaš kibi paydā,
Yüzüŋ quyašïğa ẓarrāt-i kavn olub šaydā

матлали ғазал билан бошланиши аён бўлади. Олимнинг машаққатли меҳнати эвазига юзага келган ушбу жадваллар ёрдамида девоннинг таркибини кузатиш имкони мавжуд. Бу кузатишлар Машҳадий кўчирган икки девон – «Терма девон»нинг Нью-Йорк нусхаси (№ 21) ҳамда «Наводиру-н-ниҳоя»нинг Тошкент нусхаси (№ 1995) таркиб жиҳатидан бир-бирига жуда яқин эканини кўрсатди. Бу эса бизни ушбу девон таркибидаги шеърларни жиддий ўрганишга ундади. Бу девоннинг таркибини шартли равишда бўлса ҳам тиклашга уриндик. Шартли эканлиги шу билан изоҳланадики, девон қўлёзмасининг асл нусхасини кўрмаган ҳолда, Х.Сулаймонов маълумотларига асосланибгина девон таркиби жадвалини туздик[1].

Жадвални тузиш асносида айрим фикрлар вужудга келди. Кўриб ўтаётганимиз девон таркибида келтирилган шеърларга кўра, одатда, “Хазойину-л-маоний”даги шеърлардан танлаб олиниб тузилувчи “Терма девон”дан ҳам кўра, таркибан, “Наводиру-н-ниҳоя” девонига ўхшайди. Шу боис кўриб ўтганимиз Навоий “Терма девон”и қўлёзма деб атаб келинган нусхани эндиликда Алишер Навоий “Наводиру-н-ниҳоя” девонининг муаллиф – Навоий назоратидан ўтган энг сўнгги редакцияси деб аташга асослар туғилиб бормоқда[2].

Алишер Навоий девонларининг Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган ЎзР ФА-ШИда сақлананаётган нусхалари ҳам юксак дид билан китобат қилинган.

Асосий фондда 1995 рақами остида сақланаётган «Наводиру-н-ниҳоя» нусхаси шулар жумласидандир. Фондда ушбу девоннинг Абдулжамил котиб томонидан Навоий замонасида кўчирилган яна бир нусхаси сақланади.

1995- рақамли «Наводиру-н-ниҳоя» нусхаси настаълиқ хатида оч сариқ рангли ипак қоғозга кўчирилган. Матн икки устунда бўлиб, устунлар ва ҳар бир варақ зарҳал ва кўк рангли жадвалга олинган. Аввалидаги икки варақда зарҳал ва кўк ранглар уйғунлигидаги

[1] Мазкур жадвал У.Каримов номидаги анъанавий халқаро конференциянинг 2021 йил тўпламига мақоланинг иловаси сифатида берилган, тўплам ҳали нашр этилмади.

[2] Эркинов А., Мадалиева О. «Терма девон» ёки Навоий «Наводир ун-ниҳоя»синиг сўнгги редакцияси? (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 905/1499-1500 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Халқаро илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 19-21.

фронтиспис ишланган. 29b, 73a, 97a, 114a, 157a 171a варақларда XV аср Ҳирот миниатюра санъатининг олтита нодир намунаси мавжуд. Қўлёзмада сана берилмаган, аммо колофонда шундай қайд этилган:

كتبه العبد المذنب سلطان علی المشهدی غفرالله له بدالرالسلطنه هراة برسم خزانه سلطان حسین میرزا

(Буни, яъни девонни гуноҳкор банда Султонали ал-Машҳадий пойтахт шаҳар – Ҳиротда Султон Ҳусайн мирзо хазинаси учун кўчирди).

Ушбу нусханинг кўчирилиш санаси борасида Ҳ. Сулаймонов XV асрнинг 80 йилларини, М. Ҳакимов эса 1475–1480 йиллар орасини, қайд этганлар[1]. Бизнингча, олимлар «Наводиру-н-ниҳоя»нинг тузилган санасидан келиб чиқиб, шундай тахминга борган бўлишса керак. Ҳарҳолда, ушбу қўлёзма Ҳусайн Бойқаро (ҳ.й. 1469–1506) ҳали тахт устида эканида, яъни 1506 йилдан аввал кўчирилгани колофондаги «Ҳиротда Султон Ҳусайн мирзо хазинаси учун кўчирди» жумласидан аён бўлиб турибди.

Девон қуйидаги ғазал билан бошланади:

Zihi ẓuḥurï jamālïŋ quyaš kibi paydā,	زهی ظهور جمالینک قویاش کیبی پیدا
Yüzüŋ quyašïğa ẕarrāt-i kavn olup šaydā.	یوزونک قویاشیغه ذر ات کون اولوب شیدا

Якуни шундай:

Yā rab, ul šahd-u šakar, yā labdurur,	یا رب اول شهد و شکر یا لبدورور
Yā magar šahd-u šakar yalabdurur	یا مکر شهد و شکر یا لب دورور
Jānima payvasta nāvak atqalï	جانمه پیوسته ناذک التغالی
Ğamza oqïn qašïğa yālabdurur	غمزه اوقین قاشیغه یالبدورور

Қизиғи шундаки, Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами»нинг «Наводиру-н-ниҳоя» нашрига жами 862 та ғазал жанридаги шеърлар киритилган, юқоридаги туюқ ва қўлёзма девонда кўчирилган бошқа жанрдаги шеърлар нашрда учрамайди[2]. Қўлёзма ғазал (1b–185a), мустазод (186b–188a), таржиъбанд (188a–198b), қитъа (198b–199b), рубоий (199b–204a), луғз (204b–205a) ва туюқ (205a) каби шеърий жанрлардан таркиб топган.

Ушбу девон «Собрание восточных рукописей» каталогининг иккинчи томида «Наводиру-ш-шабоб» номи остида тавсиф қилинган[3]. Девоннинг биринчи ғазали «Наводиру-ш-шабоб»нинг биринчи ғазали билан бир хил экани тавсиф муаллифини чалғитган кўринади.

Қўлёзманинг муқоваси картондан ишланган, тўқ қизил рангда. Нусха 205 варақдан иборат, ўлчами 25x16,5.

Замонавий навоийшуносликда мазкур қўлёзма девон устида олималар М.Раҳматуллаева ва Д.Юсупова тилшунослик ва манбашуносликка оид тадқиқотларни амалга оширдилар[4]. Аммо Султонали Машҳадий китобат қилган мазкур девоннинг Навоий тартиб берган

[1] Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 11.

[2] Қаранг: Алишер Навоий. “Наводир ун-ниҳоя”. Мукаммал асарлар тўплами. Иккинчи том. Текстни тузувчи: Раҳматуллаева М. – Тошкент: «Фан», 1987. – Б. 622.

[3] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 224 (оп. № 1289).

[4] М. Раҳматуллаеванинг филология фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси мазкур қўлёзма асосида амалга оширилган. Қаранг: Раҳматуллаева М. Алишер Навоий лирикасида синонимлар масаласи (XV асрда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган “Наводир ун-ниҳоя” девонининг уникал қўлёзмаси асосида). – Тошкент, 1965. – Б. 170. Алишер Навоийнинг мукаммал асарлар тўпламида нашр қилинган “Наводир ун-ниҳоя” девони ҳам айнан шу қўлёзма асосида тўлдириб, чоп этилган. Қаранг: Алишер Навоий. “Наводир ун-ниҳоя”. МАТ. Йигирма томлик. Иккинчи том. Текстни тузувчи: Раҳматуллаева М. – Тошкент: «Фан», 1987. – Б. 2; Юсупова Д. “Наводир ун-ниҳоя” фақат ғазаллардан иборат девонми? // Алишер Навоий ва

«Наводиру-н-ниҳоя» экани масаласи ҳали-ҳануз очиқ қолмоқда. Боиси, ушбу нусхада жами 693 шеър мавжуд бўлиб, улардан 563 таси янги, 130 таси эса шоирнинг дастлабки расмий девони “Бадойиу-л-бидоя”га киритилган. Бу эса кишида шубҳа уйғотади.

Шунингдек, 790 рақами билан ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган яна бир қўлёзма Султонали Машҳадий томонидан 898/1492–1493 йилларда Ҳиротда китобат қилинган. Матн юксак дид билан настаълиқ хатида қалин шарқ қоғозига кўчирилган, шеърлар икки устунда, зарҳал ва рангли жадвалларга олинган. Бошланишида китобат санъатининг нафосатини акс эттирувчи фронтиспис ишланган.

Қўлёзманинг 2а ва 102а варақларида кўзасимон муҳр бор, унда қуйидаги қайдларни ўқиймиз:امر المسلمين سيد محمد عمر خان ابن ناربته

(Amir al-mominïn Sayyid Muḥammad Umarxan ibn Nārbota).

Ушбу қайдлар қўлёзма маълум муддат Қўқон хони Амир Умархон (1822–1842) саройида сақланганини билдиради[1].

Қўлёзмада жами 337 та ғазал мавжуд бўлиб, шулардан 200 таси «Бадойиу-л-бидоя»дан, 126 таси «Наводиру-н-ниҳоя»дан олинган[2], 11 ғазал бу икки девонларда мавжуд эмас, икки ғазал эса «Хазойину-л-маоний»га ўтмаган[3].

Қўлёзманинг бошланиши шундай:

ʻAšraqat min ʻaksi šamsi-l-kaʻsi anvāri-l-hudā,	اشرقت من عكس شمس الكأس انوار ألهدى
Yār ʼaksin mayda kȍr deb jāmdïn čïqtï sadā	يار عكسين مى دا كور ديب جام دين چقتى صدا

Якуни:

Raḥmat suyïdïn yuvmasaŋ ul nāmanï āh,	رحمت سويدين يوماسانک اول نامه نى آه
Maḥšar küni netgämen meni nāma siyāḥ.	محشر كونى نيتكامين مينى نامه سياه

Девон 102 варақдан иборат. Ўлчами: 34–22,5 см. Муқоваси картондан ишланган, қора рангли, безаклар берилган.

Ушбу нусха СВРнинг II томида «Ғаройибу-с-сиғар» номи остида тавсиф қилинган, Ҳ. Сулаймон тадқиқотларида эса «Терма девон» номини олган[4].

ЎзР ФАШИ фондида 3984 рақами билан сақланаётган Навоий девонининг нусхасида кўчирилган санаси қайд этилмаган. СВРнинг II томида «Чаҳор девони Навоий тахаллусли

XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 54-60.

[1] Эркинов А. Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний»си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 22.

[2] «Бадоеу-л-бидоя» ва «Наводиру-н-ниҳоя» деганимизда мазкур девонларнинг «Мукаммал асарлар тўплами»га кирган матнлари назарда тутилаяпти. Бу матнлар «Бадоеу-л-бидоя» ва «Наводиру-н-ниҳоя» девонлари таркибини шартли равишда акс эттиради. Сабаби «Бадоеу-л-бидоя»нинг янги 2 қўлёзмасининг аниқланиши (Эркинов, 2018) ва «Наводиру-н-ниҳоя» матни атрофидаги мулоҳазалар (Имомназаров, 2017 ёки 2018) бизнинг мазкур девонлар стабил матнига ҳозиргача эга эмаслигимизни, «Мукаммал асарлар тўплами»нинг мазкур томлари йиғма ва нисбий бир матн эканлигини кўрсатади.

[3] Эркинов А. Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний»си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 22.

[4] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 219 (оп. № 1281); Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XVIII.

Амир Алишер» (چهار دیوان امیر علیسیر متخلص به نوایلی) номи остида тавсиф қилинган[1] мазкур қўлёзмани Ҳ.Сулаймонов «Терма девон» деб номлайди ва каллиграфик белгиларига кўра, шубҳасиз, Султонали Машҳадий кўчирган, дейди[2]. Ушбу нусха хати Машҳадий кўчирган бошқа бир қўлёзма хати билан солиштирилганда, орада фарқнинг йўқлиги маълум бўлади (129b варақкача). Қўлёзма 185 варақдан иборат, аммо 129b варақкача XV аср Ҳирот хаттотлик мактабининг намунаси экани аён бўлади. СВРнинг II томида қўлёзма давомидаги матн (129b–185b) китобатга оид белгиларига кўра, XVIII асрга оид, деб тахмин қилинган[3]. Муҳими шундаки, ушбу иккинчи қисмдаги матн гарчи аввалгисидек китобат безаклари билан бойитилмаган бўлса-да, Султонали Машҳадий ёзувига жуда яқин услубда кўчирилган. Шеърлар матни йирик настаълиқ хатида турли рангдаги шарқ қоғозига кўчирилган. Биринчи қисмни ишғол этган матн икки устунда бўлиб, устунлар зарҳал, зумрад, кўк ва қора рангли жадвалга олинган, варақларга тилла суви югуртирилган. Қўлёзма бошланишидаги икки варақда (1b–2a) дид билан фронтиспис ишланган бўлиб, афсуски, анча уринган. Қўлёзманинг муқоваси картондан ишланган, тўқ қизил рангда, ўртада шамса ва лола тасвири туширилган. Муқовасоз – Мулло Муҳаммад Умар саҳҳоф (ملا محمد عمر صحاف).

Девон ғазал (1b–167b), мустазод (167b), мухаммас (168a–169b), мусаддас (169b–171b), таржиъбанд (171b–175a), маснавий (175a–180a), қитъа (180a–185b) ва рубоий (185a) жанридаги шеърлардан иборат. Мазкур нусха таркибидаги ғазалларни 790- рақамли қўлёзма таркиби билан солиштирганда, улар бир даврга оид ва бир котибнинг санъат маҳсули эканига қарамай, фарқлилиги маълум бўлди.

2018 йил А.Турдиалиев ва А.Эркинов «Бадойиу-л-бидоя» девонининг яна иккита сананали Теҳрон ва Истанбул нусхалари мавжуд эканини эълон қилдилар[4]. Ушбу қўлёзмалардан бири 889/1484–1485 йилда Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда китобат қилинган. Бу нусха Истанбул шаҳридаги Аёсофия кутубхонасида 3981 рақами билан сақланади. Матн таълиқ хатида қалин шарқ қоғозига кўчирилган. Қўлёзма 161 варақ, бичими – 25,6x17 см.

Қўлёзма девоннинг таркиби «Арбаъин» асари (1b–5b; сўнгги варағи қусурли), шунингдек, ғазал (6a–144b; бошланиши ва охирги варағи қусурли), рубоий ва қитъа (145a–154a; бошланиши ва орадаги айрим варақлари қусурли), луғз (154b–156), муаммо (156a–159b), туюқ (159b) ҳамда фард (160a–161a) жанридаги шеърлардан иборат.

Колофонида қўлёзма кўчирилиш санасини берувчи қитъа ҳам мавжуд[5]. О.Левенд (1897–1978) мазкур таърих қитъадаги санани топишда хатоликка йўл қўйгани маълум бўлди[6].

[1] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 212 (оп. № 1264).

[2] Сулаймонов Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XVIII.

[3] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 212 (оп. № 1264).

[4] Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 51-57; Турдиалиев А, Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 57-62.

[5] Қўлёзма ҳақидаги ушбу маълумотлар О.Левенднинг каталогидан олинди. Қаранг: Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S. 165-166.

[6] Турдиалиев А, Эркинов А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 57-58.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида мазкур қитъани тўлиқ келтирамиз:

Agar ta‘riḫ-i ‘imām-i kitābat,
Hameḫāhi bidānï, ey suḥandān.
Tu dar taḥrirï in devān naẓar kun,
Burun ašar ham az taḥrir-ï devān.

Каталогда О.Левенд таърих қитъанинг айнан қайси сўзларини олганини маълум қилмагани ҳолда девоннинг кўчирилган йилини 958/1551 йил деб келтиради. Машҳадийнинг вафот санаси эса 1520 йилга тўғри келади. Бу эса олимнинг қитъадаги санани аниқлашда янглишганини билдиради. Тахминимизча, Ҳ.Сулаймонов мана шу мантиқсизлик туфайли Машҳадий кўчирган яна бир Навоий девони бор эканидан хабардор бўлса-да, «Бадойиу-л-бидоя»нинг Истанбул нусхасини рўйхатда келтирмайди. Зеро, олимнинг докторлик диссертациясида келтирилган иқтибосда: «Бизга хорижий каталоглардан маълум бўлишича, шоирнинг Машҳадий кўчирган, аммо биз фотокопиясини ололмаган яна иккита терма девони бор», дейилади ва О.Левенд каталогидан айнан шу қўлёзма (№ 3981) ва 1218/1803 йилда Теҳронда нашр этилган каталогга ишора қилади[1].

А.Турдиалиев ва А.Эркинов таърих моддаси қитъанинг сўнгги мисрасида берилгани ҳамда девоннинг 889/1484–1485 йилда кўчирилганини аниқладилар[2].

Натижада Навоий девонларининг Машҳадий кўчирган қўлёзмалари сони яна биттага ортди.

Шунингдек, Шоди Ойдин (Şadi Aydın)нинг Эрон фондларига тегишли қўлёзмаларни тавсиф қилган каталогида Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган санаси номаълум яна учта «Девон-и Навоий» борлиги аниқланди[3]. Каталогда улар Алишер Навоийнинг айнан қайси девони экани ҳақида сўз юритилмаган.

Қуйида қўлга киритилган сўнгги маълумотлар асосида Навоий девонларининг Машҳадий кўчирган нусхаларининг қисқа тавсифли жадвалини ҳавола этамиз.

9- жадвал

Дунё фондларида сақланаётган Навоий девонларининг Султонали Машҳадий кўчирган қўлёзмалари

т/р	Девон номи	Кўчирилган йили	Сақланаётган жойи	Қўлёзма рақами
1	*Илк девон*	870/1465–1466	Россия миллий кутубхонаси қўлёзмалар бўлими	564
2	*Бадойиу-л-бидоя*	889/1484–1485	Истанбул шаҳридаги Аёсофия кутубхонаси	3981
3	*Наводиру-н-ниҳоя*	–	ЎзР ФАШИ асосий фонди	1995
4	*Ғазалиёт девони*	898/1492–1493	ЎзР ФАШИ асосий фонди	790
5	*Терма девон*	–	ЎзР ФАШИ асосий фонди	3984
6	*Терма девон*	905/1499–1500	Нью-Йоркдаги Метрополитен санъат музейи	21

[1] Сулейман Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Автореферат – диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент, 1961. – С. 154.

[2] Турдиалиев А, Эркинов А. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 58.

[3] Aydın Ş. İran kütüphaneleri türkçe yazmalar kataloğu. – İstanbul: «Timaş yayınları», 2008. – 159 s.

7	*Хазойину-л-маоний*	XV аср охири	Виндзор сарой кутубхонаси	RCIN 1005033
8	*Девон-и Навоий*	–	Исломи Шўро мажлиси кутубхонаси I	1456
9	*Девон-и Навоий*	–	Исломи Шўро мажлиси кутубхонаси I	5363
10	*Девон-и Навоий*	–	Остона-йи Қудси Ризовий кутубхонаси	4785

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида: «Хушнавислардан агарчи хейли киши бор эди, вале боринг саромади насх таълиқда Султонали Машҳадий эди. Мирзо учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди. Ҳар кунда ўттуз байт мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди», – деб ёзади[1]. Бутун дунё фондларида Алишер Навоий девонларининг Султонали Машҳадий кўчирган олтита қўлёзмаси ҳозирга қадар сақланаётгани шоҳ ва шоир Бобур мирзо фикрларини қўллаб-қувватлайди.

Султонали Машҳадий ғазал мулкининг султони Алишер Навоий асарларини оққа кўчирган «хаттотларнинг султони»[2] эди. Навоий девонларининг Машҳадий кўчирган қўлёзмалари XV аср Ҳирот китобат санъатининг нодир нусхаларидан саналади. Бу қўлёзмалар настаълиқ ёзувининг энг кўркам намуналаридир, уларга ишланган китобат безаклари, миниатюралар асрлар оша авлодларни аждодларнинг нозик диди билан ҳайратда қолдиради.

Шунингдек, мазкур қўлёзмалар Навоийнинг назари тушган нусхалар сифатида мўътабардир.

Муҳими шундаки, Султонали Машҳадий кўчирган турли номдаги девонларда Алишер Навоий ижодий лабораториясининг эволюцияси ўз аксини топган. Навоийнинг 1465–1500 йиллар оралиғида Машҳадий оққа кўчирган шеърлари шоир лирикасининг деярли ҳар тўрт палласи – ёшлик, йигитлик, ўрта ёш ва қарилик даври хроникасини ифодалай олиши билан қимматли. Алишер Навоийнинг Султонали Машҳадий кўчирган девонларини бошқа котиблар китобат қилган нусхалари билан солиштириб, уларнинг йиғма-қиёсий матнларини, илмий транскрипцион нашрларини амалга ошириш ишлари келгуси навоийшуносликнинг вазифасидир.

Манбалардан Абдулжамил котиб Навоийнинг шахсий котиби бўлгани маълум. «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» номли монографияда ушбу хаттот ҳақида шундай ёзилган: «Муҳаммадризо Огаҳий (1809–1874) «Равзату-с-сафо»ни ўзбек тилига таржима қилар экан, Абдулжамил котибни шундай таърифлайди: «Мавлоно Абдулжамил донишмандлар силкида интизом топиб, бир неча вақт «Султония» мадрасасида дониш қалами билан илм аҳли ва талабаларнинг кўнгиллари саҳифасига ифода нақшини ёзди. Тарихи ҳижрий 911 йилда (1505–1506) эдиким, вафоти иттифоқ тушиб, мазкур тарихни қайд қилиш учун Султон Иброҳим Аминийнинг қалами бу қитъани варақ рухсорига битди:

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев. Тошкент: «Юлдузча». 1989. – Б. 164.

[2] Маълум бўлишича, Султонали Машҳадийга «хаттотлар султони» мақоми замондошлари тарафидан берилган. Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. «Фан». 1971. – Б. 34.

افسوس از آن سپهر دانش
کز مهر ورا ستود آفاق
ز آن عبدالجمیل گشت نامش
کارسته شد بحسن اخلاق
تاریخ وفات او خرد گفت
علامه بی مثال افاق

(У илм осмонининг (кетганига) афсус
Меҳр туфайли уни офоқ (яъни дунё) олқишлаган эди
Шу сабабли унинг номи Абдулжамил бўлди.
Чунки у яхши хулқи билан танилган эди.
Унинг вафот таърихини дониш(мандлар) шундай айтдилар:
Дунёнинг тенги йўқ алломаси).

Қитъада таърих моддаси «Аломаи бе мисоли офоқ» бўлиб, рақамлар йиғиндиси ҳижрий 911 (милодий 1505–1506) йил бўлади»[1].

Навоий асарларининг Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган икки қўлёзмаси ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланмоқда. Улар «Хамса» достони (5018- рақамли) ва «Наводиру-н-ниҳоя» девони (11675- рақамли) қўлёзмаларидир.

Маълумотларга кўра, Абдулжамил котиб узоқ йиллар давомида Навоий асарларини китобат қилиши жараёнида шоир лирик меросидан шоҳбайтларни танлаб, «Туҳфату-с-салотин» номли бир тўплам тузган. Мазкур асарнинг 914/1508–1509 йил Ҳиротда котиб Муҳаммад ибн Ҳасан Жумъон Ансорий томонидан кўчирилган ягона нусхаси Лондондаги Британия музейида сақланмоқда[2].

«Наводиру-н-ниҳоя»нинг Абдулжамил котиб кўчирган нусхаси XV аср Ҳирот китобат санъатининг нодир намуналаридан биридир. Қўлёзма 893/1487–1488 йилда кўркам настаълиқ хатида ипак қоғозга кўчирилган. Матн теварагини зарҳал ва кўк рангли жадваллар, шунингдек, ҳар бир варақ атрофига зарҳал ва кўк рангли ҳошия тортилган.

Қўлёзма картондан ишланиб, лакланган сиртида шамса ва лола тасвири туширилган яшил муқова ичига жилдланган. Муқовасоз – (ملا محمد عسی صحاف) Мулло Муҳаммадисо саҳҳоф. Қўлёзма 149 варақдан иборат, бичими – 25x16,5 см.

Фақат ғазаллардан иборат «Наводиру-н-ниҳоя»нинг мазкур нусхаси басмаладан сўнг муаллиф ғазали матласи қуйидагича:

زهی ظهور جمالینک قویاش کیبی پیدا
یوزونک قویاشیغه ذر ات کون اولوب شیدا

Нусханинг якуни шундай:

ای نوایی انی ترک ایلا که کوپتور غم عشق
من که چیکتیم غمی نی ترک نی امکان ایمدی.

Қўлёзма девоннинг колофони шундай:

تم بعون الله الملک المجید توکاندی دیوان جدید حرره عبد الجمیل غفر الله و لمن قراء و لمن سیب امسی یا رب العالمین فی شهور سنه ثلث و تسعن وثمانماه.

Ал-Малику-л-Мажид Аллоҳ ёрдами билан янги девон тугади. Уни Абдулжамил кўчирди (таҳрир қилди). Ўқиганни ва тунни қолдирганни Аллоҳ мағфират қилсин. Эй оламларнинг Раббиси, ... ойларда 893 йилда.

[1] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. «Фан». 1971. – Б. 57-58; Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 12-13. Қаранг: Мирхонд. Равзату-с-сафо. VII жилд. ЎзР ФАШИ, 1716- рақамли қўлёзма. 227- варақ; Хондамир. Ҳабибу-с-сияр. ЎзР ФАШИ. 2153- рақамли қўлёзма. 631- варақ.

[2] Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 12-13.

ЎзР ФАШИ Ҳ.С. фондида 7580 рақамли шеърлари умумий алифбо тартибига солинган «Хазойину-л-маоний» қўлёзмасининг якуни йўқ, аммо нусханинг бир неча варағидаги муҳрларда 988/1580–1581 санаси мавжуд. Демак, қўлёзма, тахминан, мазкур санадан бироз олдин ё худди шу йили кўчирилган. Ҳозирча мана шу қўлёзма ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондидаги шеърлари яхлит алифбога солинган «Хазойину-л-маоний» нусхаларининг энг қадимийсидир. «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» каталогида ушбу нусханинг тавсифи йўқ. Сабаби қўлёзма девоннинг каталог нашридан сўнг фондга келиб тушганида бўлса керак.

2019 йил “Олтин битиклар” журналида айнан мана шу қўлёзма тадқиқига бағишланган «Хазойину-л-маоний»нинг тенгсиз қўлёзма нусхаси» номли мақола эълон қилинди[1]. Мақола муаллифи қўлёзма муҳридаги санани милодийга ўгиришда хатоликка йўл қўйган (988/1495 тарзида) ва натижада «Хазойину-л-маоний»нинг тузилиши санаси билан боғлиқ янги қараш ўртага ташланган. Маълумки, тарихий манбаларга таянган ҳолда бир неча олимлар томонидан ушбу девонлар мажмуаси 1492–1498/99 йилларда тузилган, деб ҳисобланади[2].

Биз қўлёзма девон (Ҳ.С. 7580) таркибидаги ғазалларни кирилл алифбосида нашр этилган «Хазойину-л-маоний»нинг илмий-танқидий матни билан солиштирганимизда ғазаллар устига ёзилган “Ғаройибдин...”, “Фавойиддин...” каби қайдлар айнан мос келишига гувоҳ бўлдик. Бу эса ушбу нусхадаги қайдларнинг ишончли эканини ифода этади. Худди шу усулда кўчирилган бошқа нусхаларда ғазалларнинг қайси девондан олингани ҳақидаги қайдларнинг барчаси ҳам аслият билан мос келавермайди.

Ушбу қўлёзманинг бир неча варағида (57b, 80b, 96b, 101a, 112b, 116b) Султон Муҳаммад Иброҳим исмли ҳукмдорнинг (унинг қаерда ҳукмронлик этгани бизга номаълум) муҳри мавжуд: «Ṣulṭān Muḥammad Ibrāhim ibn Ḥāji Muḥammadjān, 988».

Шунингдек, нусхада Султон Дўст Муҳаммадхон, Солу Жуъахон, саййиди Мусо ибн Саййид Али каби шахсларнинг исмини ташиган муҳрлар ҳам мавжуд (қаранг: 123b, 171a, 187b, 204a, 220b, 227a, 241b, 249b, 271a, 287b, 325a ва бошқа варақлар).

«Хазойину-л-маоний»нинг таркибидаги турли жанрларга оид шеърларнинг ушбу қўлёзма варақларидаги тақсимоти шундай.

Ғазаллар:

Девонда 154 та ا *alif* ҳарфига (1a–37b), 120 та ب *ba* ҳарфига (38a–63b), 8 та پ *pe* ҳарфига (63b–65b), 80 та ت *ta* ҳарфига (65b–84b), 12 та ث *ṣa* ҳарфига (84b–87a), 16 та ج *jim* ҳарфига (87a–91a), 35 та چ *čim* ҳарфига (91a–96a), 6 та ح *ḥāyi ḥuttiy* ҳарфига (96a–101b), 28 та خ *ḫa* ҳарфига (101b–108a), 59 та د *dāl* ҳарфига (108a–122a), 12 та ذ *ẕāl* ҳарфига (122a–124b), 250 та ر *re* ҳарфига (124b–183a), 92 та ز *ze* ҳарфига (183a–204a), 4 та ژ *že* ҳарфига (204a–205a)[3], 76 та س *sin* ҳарфига (205a–222a), 116 та ش *šin* ҳарфига (222a–249a), 20 та ص *ṣād* ҳарфига (249a–253b), 16 та ض *żād* ҳарфига (253b–257a), 17 та ط *ṭā* ҳарфига (257a–260b), 16 та ظ *ẓā* ҳарфига (260b–264a), 28 та ع *‘ayn* ҳарфига (264a–270b), 32 та غ *ǧayn* ҳарфига (270b–278a), 24 та ف *fe* ҳарфига (278b–283a), 52 та ق *qāf* ҳарфига (283a–295b), 168 та ك *kāf* ҳарфига

[1] Жузжоний Шаръий А.Ҳ. «Хазойин ул-маоний»нинг тенгсиз қўлёзма нусхаси // Oltin bitiklar. – Тошкент, 2019/2. – Б. 2-6.

[2] Волин А. Описание рукописей произведений Навои в Ленинградских собраниях, Сборник «Алишер Навои». – Москва–Ленинград, «Изд-во АН СССР», 1946, – С. 216; Сулаймон Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий, Асарлар. «Ғаройиб ус-сиғар». – Тошкент: «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 38.

[3] Қўлёзмада мазкур ҳарфга якунланувчи ғазаллар алоҳида сарлавҳа остида берилмаган.

(295b–333b), 95 та ل *lām* ҳарфига (333b–359a), 175 та م *mim* ҳарфига (359a–398b), 268 та ن *nun* ҳарфига (398b–459b), 60 та و *vāv* ҳарфига (459b–473a), 219 та ه *hoyi havvaz* ҳарфига (473a–521a), 8 та لا *lām alif*га (521a–522b), 308 та ى *yāy* ҳарфига (522b–591a) тугайдиган, жами 2574 та ғазал мавжуд.

Мустаъзодлар:

1. *Ey ḥusnuŋa ẕarrāt-i jahān ičrä tajallā, maẓhar saŋa ašyā,*
Sen luṭf bilä kavn-u makān ičidä mavlā, ʻālam saŋa mavlā. («Ғаройиб»дин», 519ab)
2. *Din āfatï bir muğbačanï māhyuliqādur, mayḫoravu bebāk*
Kim ʻišqdïn anïŋ vaṭanïm dayr-i fanādur, sarmast-u yaqam čāk. («Наводир»дин», 591b)
3. *Ne vosmavu ne kesmädür ul zulf-i sumansāy, ne ğamza-i jādu,*
Maššāṭa saŋa zal-i falakdur magar, ey āy, ḫuršid aŋa közgü. («Бадойиъ»дин», 592a)
4. *Bardïm bu saḥar dayr-i fanā sarï urub gām, maḫmur-i šabāna,*
Tartar edi har laḥẓa ṣabuḥ ahlï ičib jām, nāqus-i muğāna. («Фавойид»дин», 592ab)

Мухаммаслар:

1. («Ғаройиб»дин», 592b–593a)
Ḫalqa-yi zulfuŋda köŋlüm bolğalï ğam maḥramï
Ul qara qayğu bilän savdāda čun ārtar ğamï
2. («Наводир»дин», 593ab)
Masnad-i ḥusn üzrä tā-kim körmišäm ul šāhnï,
Tiyrä äyläbmen fiğändïn nilgun ḫirgāhnï,
3. («Бадойиъ»дин», 593b–594a)
Šarbat-i yuḥyil ʻiẓām erni mayï nābindadur,
Sura-i "vaššams" tafsirï yüzi bābïndadur,
4. («Фавойид»дин», 594ab)
Jilva qïldï dahr ara köp ḥusnï beḫamtā yigit,
Gul kibi nāzik badanlik, sarv-deg raʼnā yigit,
5. («Ғаройиб»дин», 594b–595b)
Āh-kim, tark-i muḥabbat qïldï jānān ʻaqibat,
Boldum üšbü ğuṣṣadïn rasvāyï davrān ʻaqibat.
6. («Наводир»дин», 595b – 596a)
Āh-kim, valih men ul sarv-i ḫirāmāndïn judā,
Közlärim giryāndur ul gul barg-i ḫandāndïn judā,
7. («Бадойиъ»дин», 596ab)
Nečä, ey ay, mendïn ayru äyläğäy davrān seni,
Bolmağay yïllarda körmäk bir nafas imkān seni,
8. («Фавойид»дин», 596b–597a)
Körgüzüb yüz, köŋlüma yüz miŋ jafāmu qïlmadïŋ (!)
Jism uyïdïn ḫasta jānïmnï jalāmu qïlmadïŋ (!)
9. («Ғаройиб»дин», 597ab)
ʻIšq otïdïn jism-i zār-i nātavānïm ortadïŋ,
Qaysï jism-i zār-kim, ruḥ-u ravānïm ortadïŋ,
10. («Наводир»дин», 601ab)

Bolmağay erdi jamālïŋ munča zebā kāški,
Bolsa ham qïlğay ediŋ közlärdin iḫfā kāški,

Мусаддаслар:

1. («Наводир»дин», 597b–598b)

Dahr ara čun qayğusïz yoq heč ʻišrat, ey rafiq,
Ayš ṣubḥïn istämä bešām-i āfat, ey rafiq,

2. («Бадойиъ»дин», 598b–599b)

Jānïm örtärgä ul otluq čehra gulzār-i Ḫalil,
Anï ravšan äylägän kokurd otï yānïda nil,

3. («Фавойид»дин», 599b–600a)

Zulf-u siymïn jismïŋ afʼï ganj-i Qārun ustïna,
Ganj üzä sāḥir közüŋ afʼïğa afsun ustïna,

4. («Ғаройиб»дин», 600a–601a)

Ṣubḥidam maḫmurluqtïn tārtibān dard-i sare,
ʻAzm-i dayr ettimki, ičgäymen ṣabuḥïy sağare,

5. («Бадойиъ»дин», 602ab)

ʻIšq zār etti ḫālāyïq ibtilāsïdïn meni,
Har zamān bir taʻnagir muhlik adāsïdïn meni,

Мусамман:

1. («Фавойид»дин», 602b–603b)

Har ṭaraf ʻazm äyläb ul šoḫ-i sitamgār, ey köŋül,
Tïğ-i hajrïdïn nečä bolğay biz afgār, ey köŋül,

Таржиъбандлар:

1. («Ғаройиб»дин», 603b–606a)

Ketür sāqî, ul mayki, ṣubḥ-i alast
Anïŋ našʼasïdïn köŋül erdi mast.

2. («Наводир»дин», 606b–609a)

Jahān qaṣrïğadur su üzrä bunyād
Ču yoq bunyādï andïn bolmāğïl šād.

3. («Бадойиъ»дин», 609a–610b)

Ey kirpiki neš-u közi ḫunḫār,
Jānïmnï nečä qïlur-sen afgār.

4. («Фавойид»дин», 610b–613b)

Tā ḫarābāt ara-men durd-i āšām,
Mastlïğ birlä išim ʻayš mudām.

Маснавий:

1. («Ғаройиб»дин», 614a–618a)

Ṣanā ḥaqqa-kim, kāšif-i ḥāl erür,
Ḫirad muškilātïğa ḥalāl erür,

Таркиббанд:

1. («Наводир»дин», 618a–619b)

Dahr bāğï-ki jafā šārïdur har čamanï,
Juz vafā ahlïğa sančïlmadï anïŋ tikäni.

Қасида:

1. («Бадойиъ»дин», 619b–622a)

Čun nihān qïldï turunj-i mehr raḫšān ṭal‘atïn,
Āškār etti falak bir ṭavq-i ğabğab hay‘atïn.

Соқийнома:

1. («Фавойид»дин», 622a–635a)

Sāqîā, tut qadaḥ-i šāhāna,
Qaṭrasï la’l vale yakdāna.

Шунингдек, қўлёзма девонда 207 та қитъа, 134 та рубоий (шундан 10 та рубоий 655*a* варақда ҳошияда кўчирилган), 62 та чистон, 13 та туюқ ва 60 та фард мавжуд.

Қизиғи, қўлёзмада шеърларнинг тартибини белгилашда девонлар кетма-кетлиги муҳим бўлган. Масалан, мухаммаслар «Ғаройибу-с-сиғар» билан тугагани учун мусаддаслар «Наводиру-шабоб»дан бошланган. Шунинг учун, «Наводиру-шабоб» дан олинган бир мухаммас икки марта «Наводир»дин бўлиб қолмаслиги кўзланган ҳолда мусаддаслар орасида кўчирилган.

Мазкур манба Ҳ.Сулаймоновнинг «Хазойину-л-маоний» таркиби тўғрисидаги илмий фаразини мутлақо тасдиқлайди. Қўлёзма таркиби олим томонидан тузилган «Хазойину-л-маоний»нинг илмий-танқидий матни ва нашрларининг таркибига деярли мос тушади.

Юқорида таъкидланганидек, қўлёзма девондаги ғазалларнинг бошланишида қайдлар мавжуд. Айниқса, нусха бошланишидаги *alif* ҳарфига якунланувчи бир нечта ғазалга берилган шарҳ киши эътиборини ўзига тортади.

10- жадвал

7580- рақамли «Хазойину-л-маоний» қўлёзмасида келган ҳамд ғазалларнинг сарлавҳалари[1]

Девонлар номи	Т/р	Ҳамд ғазалларнинг қайдлари ва уларнинг матлалари	Варағи
ҒС	**1**	(Қўлёзманинг биринчи варағи йиртилгани учун бошланишидаги ғазалнинг устига ёзилган қайдни ўқиш имкони йўқ)	1a
	2	«Ikkinči ḥamd «Ğarāyibu-s-siğar»dïn» Zihi ḥusnuŋ ẓuhurïdïn tušup har kimgä bir savdā, Bu savdālar bilä kavnayn bāzārïda yüz ğavgā.	2b
	3	«Üčinči ḥamd ğazal «Ğarāyibu-s-siğar»dïn» Ey, ṣafha-yi ruhsārïŋ azal ḫaṭṭïdïn inšā, Debāča-yi ḥusnuŋda abad nuqtasï tuğrā.	3b
НШ	**1**	«Ham ušbu ma‘nida ikkinči devāndïn-kim, mavṣum «Navādïru-š-šabāb» ğa boluptur, qāfiyasïda dāl ḥarfï lāzimdur» Zihi ẓuḥurï jamālïŋ quyaš kibi paydā, Yüzüŋ quyašïğa ẕarrāt-i kavn olub šaydā.	1a
	2	«... «Navādïru-š-šabāb»dïn» Ilāhiy amrïŋa ma‘mur yetti ṭāram-i a‘lā, Ne yetti ṭāram-i a‘lā, toquz sipehr-i mu‘allā.	2b–3a
	3	«Ham ušbu ma‘nida «Navādïru-š-šabāb»dïn» Yüzüŋ közgüsïdïn ‘ālamda yüz nuru ṣafā paydā, Quyaš andïn anïŋ-deg kim quyašdïn ẕarra nāpaydā.	3b–4a

[1] Адабиётшуносликда Алишер Навоийнинг шеъриятида ислом дини талқини масалалари ўрганилган. Қаранг: Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 46 б.

БВ	**1**	«Ham bu mażmunda üčinči devāndïn-kim, «Badāeʻu-l-vaṣaṭ» at qoyïlïptur, qāfiyasïda vāv ḥarfï lāzimdur». Ey, navbahār-i ʻārażïŋ ṣubḥïğa jānparvar havā, Andïn gul-u bulbul tapïp yüz barg birlä miŋ navā.	2a
	2	«Hamul mażmunda «Badāeʻu-l-vaṣaṭ»dïn» Ne ṣunʻuŋdïn ʻajab yüz miŋ jahān bolmaq yana paydā, Ne mulkuŋga ḫalal yüz miŋ jahān-deg bolsa nāpaydā.	3a
	3	«Hamul mażmunda «Badāeʻu-l-vaṣaṭ»dïn» Ey, qïlïb luṭf-u ʻatā birlä ulus kām-i ravā, Ey, vujud-u ʻadam ikkisi vujudïŋğa guvā.	4a
ФК	**1**	«Hamul ṭariqda törtinči devān-kim, «Favāyidu-l-kibar» atalïptur, qāfiyasïda nun ḥarfï lāzimdur». Ey, yetti manẓar ṭarḥïğa meʻmār-i ṣunʻuŋdïn binā, Maṣnuʻlar fāniy, vale maslub-i ṣāniʻdïn fanā.	2ab
	2	«Hamul ṭariqda «Favāyidu-l-kibar»dïn» Ravšandurur-ki mehr, yüzüŋdin alur ṣafā, Yoqsa, ne vajh ilä qamar andïn tapar żiyā.	3ab
	3	«Hamul ṭariqda «Favāyidu-l-kibar»dïn» Ey, nečük-kim, durnï maḫfiy asrabān ʻUmmān arā, Gavhar-i ʻišqïnï pinhān asrağan insān arā?!	4ab

Шу тариқа «Хазойину-л-маоний» таркибидаги тўрт девоннинг биринчи ғазаллари кўчирилган. Демак, ушбу манбага кўра, «Ғаройибу-с-сиғар» ва «Наводиру-ш-шабоб»нинг биринчи ғазаллари қофиясида дол, «Бадойиу-л-васат»нинг аввалги ғазали қофиясида вов ҳамда «Фавойиду-л-кибар»нинг илк ғазали қофиясида нун ҳарфи бўлиши лозим.

Сўнг навбат муножот ғазалларга келади.

11- жадвал

7580- рақамли «Хазойину-л-маоний» қўлёзмасида келган муножот ғазалларнинг сарлавҳалари

Девонлар номи	Т/р	Муножот ғазалларнинг қайдлари ва уларнинг матлалари	Варағи
ҒС	**1**	«Avvalği munājāt «Ğarāyibu-s-siğar»dïn» Ey ḥamd olub maḥāl faṣāhat bilän saŋa, Andaq-ki, qurb taqvāvu tāʻat bilän saŋa.	4b
	2	«Ikkinči munājāt «Ğarāyibu-s-siğar»dïn» Ilāhā, pādšāhā, kirdigārā, Saŋa ačuğ nihān-u āškārā.	5b
НШ	**1**	«Avvalği munājāt «Navādïru-š-šabāb»dïn» Zihi el nihānï saŋa āškārā, Nihān dardïma āškārā et madārā.	4b–5a
	2	«Ikkinči munājāt «Navādïru-š-šabāb»dïn» Yā rab, ul sāʻat-ki tüškäy hajr jism-u jān ara, Salğuŋ āyinï firāq ul ganj-u bu vayrān ara.	5b–6a
БВ	**1**	«Avvalği munājāt, «Badāeʻu-l-vaṣaṭ»dïn». Ey, jamālïŋ jilvasï mirāt ins-u jān ara, Lek olup ul jilva kāmil maẓhar-i insān ara.	5a
	2	«Ikkinči munājāt «Badāeʻu-l-vaṣaṭ»dïn» Yā rab, olğan čağda jānïm jismï vayrāndïn judā Ul bolup mundïn judā, sen bolmağïl andïn judā.	6a
ФК	**1**	«Avvalği munājāt, «Favāyidu-l-kibar»dïn». Ḫudāyā, żalāl ahlïğa rahnamāyā, Yüzüŋ jilva äylärgä ašyā marāyā.	5ab
	2	«Ikkinči munājāt «Favāyidu-l-kibar»dïn» Ey, köŋül ičrä may-i vaṣlïŋ üčün kām tamannā, Jāŋğa ham furqatïŋ otï ara bu ḫām tamannā.	6ab

12- жадвал

7580- рақамли «Хазойину-л-маоний» қўлёзмасида келган наът ғазалларнинг сарлавҳалари

Девонлар номи	Т/р	Наът ғазалларнинг қайдлари ва уларнинг матлалари	Варағи
ҒС	**1**	«Avvalği na‘t «Ğarāyibu-s-siğar»dïn» Ey nubuvvat ḫaylïğa ḫātam ban-i Ādam ara, Gar alar ḫātam, sen ul at-kim, erür ḫātam ara.	6b
	2	«Ikkinči na‘t «Ğarāyibu-s-siğar»dïn» Zihi javlāŋahïŋ aflāk üzä maydān-i “av adnā”, Burāqïŋğa toquz gunbaẕ, bu toquz gunbaẕ -i ḫazrā.	7b
НШ	**1**	«Avvalği na‘t «Navādïru-š-šabāb»dïn» Zihi burāqïŋ izi mehr-u sayr-i barqāsā, Bu barq sayrï bilä poyasï falakfarsā	6b–7a
	2	Ikkinči na‘t «Navādïru-š-šabāb»dïn» Bedilïŋ ḫayl-i rusul, sensen alarğa dilrabā, Yā nabiy, ruḥiy fidāka ahlan va sahlan marḥabā.	7b
БВ	**1**	«Avvalği na‘t «Badāe‘u-l-vaṣaṭ»dïn». Ey gulšan-i ruḫsārïŋ olub dahrğa ārā, Ruḫsār üzä sačïŋ gul üzä ‘anbar-i sārā.	7a
	2	«Ikkinči na‘t «Badāe‘u-l-vaṣaṭ»dïn» Ey, saŋa muqtadalïq iki kavn ara, Anta ḫayru-l-bašar, anta ḫayru-l-varā.	8a
ФК	**1**	«Avvalği na‘t «Favāyidu-l-kibar»dïn». Zihi, tājïŋa gavhar-i kibriyā, Bu gavhardïn āfāq tapïb žiyā.	7ab
	2	«Ikkinči na‘t «Favāyidu-l-kibar»dïn» Zihi, hilālïŋ olup ay bašïğa tïğ-i balā, Bir almasïz ikki yarğan sen-u quyāš maṣalā.	8a

Қўлёзмада юқоридаги жадвалларда акс этган *alif* ҳарфига якун топувчи ғазаллар битилгандан сўнг «Alif ḫarfïnïŋ āfatlarïnïŋ ‘ibtidāsï «Ğarāyib»dïn» «Alif ḫarfïnïŋ āfatlarïnïŋ ‘ibtidāsï «Navādïr»dïn», «Alif ḫarfïnïŋ āfatlarïnïŋ ‘ibtidāsï «Badoe‘»dïn», «Alif ḫarfïnïŋ āfatlarïnïŋ ‘ibtidāsï «Favāyid»dïn» сарлавҳалари остида тегишли тўртта ғазал кўчирилган.

Шундан сўнг «Ғаройиб»дин, «Наводир»дин, «Бадойиъ»дин, «Фавойид»дин» тарзида ушбу ҳарфга қофияланувчи қолган ғазаллар кетма-кетликда кўчирилган.

Шунингдек, қўлёзмада айрим нуқсонлар ҳам учрайди. Биринчи варағи ярим қисмидан йиртилган. 159ab, 164ab варақлар бўш, матн йўқ (лакуна). 346 варақка погинация нотўғри қўйилган, аслида ушбу йиртилган варақ матнининг бошланиши 340 варақнинг пойгир белгисига тўғри келади. 389 ва 390 варақлар орасидаги бир варақ узилган, бу эса шеърлар матнининг узилиб қолишига сабаб бўлган.

«Хазойину-л-маоний»нинг мазкур нусхаси Навоий шеъриятининг XVI асрдаёқ мавзу гуруҳларига бўлиб ўрганилгандан дарак беради.

Фондда Навоий девонларининг кодикологик хусусиятлари XV–XVI асрларга оид, аммо қўлёзманинг ўзида котиби, қачон ва қаерда кўчирилгани ҳақида маълумотлар учрамайдиган нусхалари ҳам талайгина. Бу қўлёзмалар таркибидаги шеърларнинг миқдори жиҳатидан киши эътиборини ўзига тортади.

Шундай қўлёзмалардан бири 677 рақами остида сақланаётган «Хазойину-л-маоний»-нинг нодир нусхасидир[1]. Мазкур қўлёзма «Хазойину-л-маоний»нинг Ҳ. Сулаймонов томонидан тузилган илмий-танқидий матнига асос бўлган.

Қўлёзма 243 (1b–243b) варақдан иборат. Таркиби қуйидагича: دباچه – сўзбоши (1b–4b). Ушбу дебоча ҳам, қўлёзмадан ўрин олган девонлар ҳам басмаласиз. Дебоча شکر و سپاس اول قادرغه کیم... жумласи билан бошланиб кетади.

«Ғаройибу-с-сиғар» девони қўлёзманинг 5b–66b саҳифаларидан ўрин олган. Девон اشرقت من عکس شمس الکأس انوار الهدی матлаъли ғазал билан бошланади.

«Наводиру-ш-шабоб» қўлёзманинг 67b–125b саҳифаларидан ўрин олган. Девон زهی ظهور جمالینك قویاش کبی پیدا (Zihi ẓuḥurï jamālïŋ quyaš kibi paydā) матлали ғазал билан бошланади.

«Бадойиу-л-васат» қўлёзманинг 126b–181b саҳифаларидан ўрин олган. Девон ای نوبهار عارضینك صبحی غه جان برور حوا матлали ғазал билан бошланади.

«Фавойиду-л-кибар» қўлёзманинг 182b–243b саҳифаларидан ўрин олган. Девон ای یتی منظر طرحیغه معمار صنعونکدین بنا матлали ғазал билан бошланади.

Қўлёзманинг якуни:

مجموعین ایلا کشواری انکلا که سطحنی
حکمت سویدین ایلا میشام قطع قطع باغ

(Majmuʻyin üylä kišvari aŋla-ki saṭḥini
Ḥikmat suyïdïn äylämišām qiṭʻa qitʻa bāğ).

Асар охирида хотима (колофон) йўқ. Чамаси китоб охирланмай қолган. 242 саҳифада пойгирнинг йўқлиги фикримизни далиллайди.

Матн тўрт устунга бўлиб ёзилган. Қаторлар сони ўртача йигирма иккита. Устунлар зарҳал жадвалга олинган, баъзи ўринларда устунлар ўртасида зарҳал нақшлар ишланган. Асосий матнни кўчиришда қора, сарлавҳа ва жанр номларини ёзишда эса қирмизи, оч сариқ сиёҳдан фойдаланилган. Хати майда настаълиқ. Ҳарфларнинг бир-бирига уланиб кетганидан хаттотнинг шошиб ёзган ўринлари сезилиб туради, лекин хати нафис. Варақларнинг матн ёзилган қисми сифатли шарқ қоғози бўлиб, ҳошия қоғозидан фарқланади. Пойгирлар аввал бошқа варақка ёзилиб, сўнг ҳошияга ёпиштирилган. Дебоча ёзилган саҳифалар тўлалигича зарҳал фонда, илк варағига зарҳал лавҳа ишланган. Қўлёзманинг 5*а* варағига зарварақ ишланган.

Муқоваси картондан, қизил, шарқ усулида безаклар берилган. Унда саҳҳофнинг номи берилиши керак бўлган ўринда қуйидаги ёзув бор:

کند خاترم دل مهر سید محمد۴۵۲۱ – Kunad ḫātiram dil muḥrï (Sayyid) Muḥammad.

1а варақда кўзасимон муҳр бор, аммо унинг ичидаги ёзув уринганлиги учун ўқиб англаш анча мушкул.

Қўлёзма варақларининг бичими: 38,5x27 см.

Нуқсони: қўлёзманинг ўртасида бир қанча варақлар кейинги даврда ёзилган ва аввалгисидек дид билан елимлаб қўйилган. Аввалги варақлари намиқиб, уриниб қолган.

«Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги» ва СВРнинг II томида ушбу қўлёзма XV аср охири ёки XVI аср бошларида Хуросонда кўчирилган деб берилган[2]. Каталог муаллифлари қўлёзманинг хати, қоғозининг сифатига қараб шундай хулосага келган бўлса керак.

[1] Алишер Навоий «Хазойину-л-маоний», № 677. ЎзР ФАШИ асосий фонди.

[2] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 207. оп. № 1251; МунировҚ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 11.

Ҳ.Сулаймонов томонидан тузилган илмий-танқидий матнда жами 3132 та шеър тикланган[1]. 667- рақами билан сақланаётган қўлёзма девонда жами 2995 та шеър мавжуд, бу эса илмий-танқидий матнга нисбатан 127 та шеърнинг кам эканини билдиради. Бундай хусусият «Хазойину-л-маоний»нинг барча нусхаларига ҳам хос эмас.

ЎзР ФАШИ фондларида Навоий девонларининг XV–XVI юзйилликларга оид санаси маълум бўлган яна бир нечта нусхалари мавжуд. Бу нусхалар, асосан, «Терма девон»лар бўлгани учун улар ҳақида тадқиқотнинг кейинги бобида сўз юритилади.

2.2-§. XVII–XVIII асрларда кўчирилган девонлар нусхаларининг таркиби

Алишер Навоий девонларининг XVII-XVIII асрларга оид қўлёзмалари ЎзР ФАШИда фондида бошқа даврларга нисбатан озчиликни ташкил этади. Шу жиҳатдан, мазкур даврни бир фасл доирасида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Институт асосий фондида сақланаётган «Хазойину-л-маоний»нинг нухаси (№ 9766) таркибидаги ғазаллар умумий алифбо тизимига солинганлиги билан диққатимизни тортди. Эътиборлиси, унда *Ғаройибдин, Наводирдин* каби сарлавҳалар билан ғазалларнинг қайси девондан олингани қайд этиб борилган. Қўлёзма девонни Қ.Муниров, А.Носиров ва М.Ҳакимов каби олимлар Бухорода кўчирилган, деб ҳисоблайдилар[2]. Ушбу маълумотга таянсак, бу нусха ЎзР ФА асосий фондида сақланаётган Бухоро қўлёзмаларининг энг эскиси саналанади. Уни котиб Ризоқули ибн Мустафоқули 1070/1660 йилда кўчирган. Муҳими, қўлёзма «Хазойину-л-маоний» девонининг тўлиқ нусхаларидан бири ҳисобланади. Яна бир жиҳати, котиб қўлёзма девонга Навоий асарларининг рўйхатини ҳам илова қилган.

Ўрта Осиёда амирлик ва хонликлар даврида Алишер Навоий асарларини китобат қилиш бирмунча кучайди. Ш.Сирожиддинов таъкидлаганидек: «Хаттот ва котиблар Навоий асарларини кўчиришда, бир томондан, хаттотлик маҳоратини орттирсалар, иккинчи томондан, кўчириш жараёнида Навоий сўзи қудратининг нақадар кучли эканлигига янада қаттиқ ишона бошлаганлар ва мафтункор шеърият сеҳри уларни батамом ўз оғушига олган»[3].

Навоий девонларининг ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган Бухоро китобат санъатига оид нусхалари жами 26 тани ташкил этади. Эътиборлиси, бу девонларнинг кўпи «Хазойину-л-маоний»нинг тўлиқ нусхасидир.

9766- рақамли «Хазойину-л-маоний»нинг XVII аср нусхаси 537 варақдан иборат. Қўлёзма «Бадойиу-л-бидоя» девони учун ёзилган дебоча билан бошланади (1b–18b).

Муҳими, ушбу қўлёзманинг 19а варағида Навоий асарлари рўйхати келтирилган. Рўйхатда اسامی کل تصنفات نوایی علیه الرحمته – (Навоий (у зотга раҳматлар ёғилсин) тасниф берган барча асарлар номлари) сарлавҳаси остида жами 29 та асар номи берилган, булар қуйидагилардир:

---

[1] Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. /В трех томах/ том первый. – Ташкент–Москва. 1955–1961. – С. 86.

[2] Қаранг: Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Тошкент: «Фан», 1970. –Б. 12; Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 20.

[3] Сирожиддинов Ш. Навоийни англаш // Guliston. 2015/1. – Б. 7.

13- жадвал

Котиб Ризоқули ибн Мустафоқулининг Навоий асарлари бўйича тузган фиҳристи

1–5	6–10	11–15	16–20	21–25	26–29
مناجات (Муножот)	لسان الطير (Лисону-т-тайр)	مجالس النفايس (Мажолису-н-нафоис)	سد سكندرى (Садди Искандарий)	ميزان الاوزان (Мезону-л-авзон)	مناقب پهلوان محمد (Маноқиби Паҳлавон Муҳаммад)
جيل حديث (Чил ҳадис)	محبوب القلوب (Маҳбубу-л-қулуб)	حيرت الابرار (Ҳайрату-л-аброр)	ديوان غرايب الصيغر (Девони Ғаройибу-с-сиғар)	مسنويا (Маснавиёт)	ساقى نامه (Соқийнома)
نظم الجواهر (Назму-л-жавоҳир)	تواريخ انبيا (Таворихи анбиё)	فرحاد شيرين (Фарҳоду Ширин)	ديوان نوادر الشباب (Девони Наводиру-ш-шабоб)	كمالة المتقين (Камолату-л-муттақин – Тақводорлар камолати)	ديوان فارسى نظم كرده كه هفت هزار بيت است (Девони форсий – назм кардеки, ҳафт ҳазор байт аст)
سراج المسلمين (Сирожу-л-муслимин)	تواريخ ملک (Таворихи мулук)	ليلى مجنون (Лайлию Мажнун)	ديوان بدايع الوسط (Девони Бадойиу-л-васат)	قضيه (Қазийя - Муаммо)	منشأت فارسى (Муншаоти форсий)
نسايم المحبت (Насойиму-л-муҳаббат)	خمسه المتحيرين (Хамсату-л-мутаҳаййирин)	سبعه سياره (Сабаъи сайёра)	ديوان فوايد الكبير (Девони Фавойиду-л-кибар)	مناقب سيد حسين (Маноқиби Саййид Ҳасан Ардашер)	

Ҳ.Сулаймонов томонидан 1963 йилда эълон қилинган Алишер Навоий асарлари рўйхатида жами 32 асар номи қайд этилган[1]. Олим ушбу рўйхатни «Муҳокамату-л-луғатайн», «Макориму-л-ахлоқ», «Абушқа», шунингдек, 808 ва 4056 рақамлари билан Туркияда сақланаётган икки куллиёт асосида тузганини таъкидлайди[2]. У ўзига қадар Олим Шарафутдинов, Волин, Бертельс, Абдураҳмон Саъдий ва Огаҳ Сирри Левенднинг Навоий асарлари рўйхатини тузганини эслатиб ўтган. Шунингдек, Ҳ.Сулаймонов номлари санаб ўтилган олимлардан фарқли равишда асарларнинг ёзилиш тарихинигина эмас (баъзан тахминий), уларнинг ҳажмини ва юқорида тилга олинган манбаларда қайд этилган ёки этилмаганини ҳам кўрсатиб боради[3].

Таъкидлаш мумкинки, мазкур қўлёзма ҳам ўзида Навоий асарлари рўйхатини шакллантирган бирламчи манбалар қаторида туради.

Ҳ.Сулаймоновнинг маълумотига кўра, «Абушқа» луғатида Навоий асарларининг 29 таси санаб ўтилган ва унда шоирнинг «Маснавиёт», «Соқийнома»[4], «Муножотнома» ҳамда форсий мактублари алоҳида асар сифатида тилга олинган. «Муншаоти форсий» асарининг ки-

[1] Сулаймонов Ҳ. Навоий асарларининг манбаълари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий. Асарлар: I том. – Тошкент, 1963. – Б. 37-45.

[2] Ўша мақола. – Б. 36-37.

[3] Огаҳ Сирри Левенд ва Ҳамид Сулаймонов “Илк девон”ни Навоий девонлари рўйхатида келтирмайди. Сабаби “Илк девон” Алишер Навоий томонидан эмас, унинг мухлислари томонидан тузилганлиги ва ундаги шеърлар кейинроқ муаллифнинг ўзи томонидан тартиб берилган бошқа девонларга киритилганида бўлиши мумкин.

[4] Ҳ. Сулаймонов “Соқийнома”нинг тарихи ҳақида тўхталиб, 458 байтдан иборат ушбу асарнинг кейинчалик Навоийнинг ўзи томонидан “Фавойиду-л-кибар”га киритилганини айтади. Шунинг учун, олим ўзининг Навоий асарлари рўйхатида “Соқийнома”ни алоҳида асар сифатида қайд этмаган. Қаранг: Сулаймонов Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида. // Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Асарлар. Биринчи том. – Тошкент: «ЎзССР давлат адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 37–46.

ритилиши муаллиф томонидан бўлмаса-да, кейинчалик унинг форсий мактублари «Муншаот» шаклида жамланган бўлиши керак[1]. Тадқиқ этаётганимиз мазкур қўлёзма девонда ҳам шу ҳолатнинг қайтарилиши нусха котибининг рўйхатни тузишида айни луғат манба вазифасини ўтагандек кўринади. Бироқ рўйхатда келтирилган баъзи асарларнинг номлари ушбу фикрни қисман инкор қилади. Масалан, унда «Маснавиёт» номли алоҳида асар номининг учраши ўқувчини ўйлантирб қўяди. Эҳтимол, бу ном остида «Ғаройибу-с-сиғар» девонига киритилган *Сано ҳаққаким* деб бошланувчи маснавий назарда тутилгандир.

Қизиғи шундаки, Навоий асарлари рўйхати келтирилган манба ва илмий адабиётларнинг ҳеч бирида шоирнинг ушбу рўйхатда берилган «Камолату-л-муттақин» (Тақводорлар камолати) ва «Қазийя» (Муаммо) номли асарлари қайд этилмаган. Маълумки, ўтмишда Навоий асарлари турлича номланган. Масалан, «Хазойину-л-маоний» девонлар мажмуаси бир муддат «Чор девон» номи билан шуҳрат қозонди. Алишер Навоий лирикаси ҳақида сўз юритган бир қанча олимлар – Катремер, Белин, Вельяминов-Зернов, Фитрат, Олим Шарофиддинов, А.Семенов, Ойбек, С.Айний, С.Мирзаевлардан бирортаси муаллифнинг ўзи қайд этган «Хазойину-л-маоний» номинини эсга олмайди, балки «Чор девон» деб атайверади[2]. Каталогларга ҳам бу девон қўлёзмаларининг тавсифи шу ном билан киритилди[3]. Эҳтимол, «Камолату-л-муттақин» (Тақводорлар камолати) ва «Қазийя» (Муаммо) ҳам муаллифнинг бизга маълум бўлган асарларининг бошқача аталишидир.

Рўйхатда ўттизинчи асар сифатида кўк сиёҳ (авторучка) билан кейинги даврда تفسير تركي (Тафсири туркий), деб қайд этилган. Қўлёзмаларда бунга ўхшаш ҳоллар учраб туради. Масалан, асосий фондда 9209, 13285, 11946, 12344 рақамлари билан сақланаётган қўлёзмаларда «Назми ақоид» асарининг нусхаларини кўриш мумкин. Қизиғи шундаки, 11946 рақами остида сақланаётган қўлёзма котиби мазкур асар муаллифини Алишер Навоий деб берган. Кейинчалик мана шу қўлёзма асосида нашр қилинган тошбосма нусхаларда ҳам асар муаллифи Навоий деб қайд этилган[4].

Қўлёзманинг 19*b* варағидан девон бошланиб кетади. Матн қора сиёҳда ўртача хуснихатдаги настаълиқ хатида Ўрта Осиё қоғозига кўчирилган.

Эътиборли жиҳати, мазкур нусхада «Хазойину-л-маоний» девонлар мажмуасининг таркибидаги «Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб», «Бадойиу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар» кабилар кетма-кет ҳолда кўчирилмаган. Ушбу девонлар сирасига кирувчи шеърлар яхлит алифбо тизимига солиниб, уларнинг бошланишида қайси девондан олингани қирмизи сиёҳда ёзиб қўйилган.

Муқоваси яшил, картондан ишланган, унда шамса ва лола тасвири туширилган. Қўлёзма варақларининг ўлчами: 24x17 см. Матн ўлчами: 12 см.

Қўлёзма кейинчалик таъмирланган, айрим ўринларида сиёҳ ўчганлиги сабаб, матнни тўғри ўқиш имконияти пасаяди.

Девон 537а варақда якунланган.

[1] Ҳ. Сулаймонов Навоийнинг форсча мактублари “Муншаот” ҳолида топилмагани, аммо бу асар “Абушқа” луғати муаллифи фойдаланган манбада бор бўлганини таъкидлайди. Қаранг: Сулаймонов Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида. // Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Асарлар. Биринчи том. – Тошкент: «ЎзССР давлат адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 35.

[2] Сулаймонов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. В трёх томах/ первый том. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент – Москва. 1955 – 1961. – С. 81.

[3] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 207 (оп. № 1251).

[4] Бу ҳақда батафсил қаранг: Мадалиева О. Навоийга нисбат берилган асар// Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIV илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент, 2017. – Б. 19–24.

Қўлёзманинг колофонида қуйидагиларни ўқиймиз (537a):

كتبه على يد الضعيف النحيف الراجى الى رحمت الله البارى العبدالمذنب رضاقلى ابن مصطفى قلى ... سنه ۱۰۷۰

Bunï ājiz, ʻamalï kam, Yaratgan Allāhnïŋ raḥmatïdan umidvār, gunāhkār banda Rizāquli ibn Mustafāquli ... 1070 yilda köčirdi.

9766- рақамли қўлёзманинг таркиби қуйидаги араб ҳарфларига якунланувчи ғазаллардан тузилган.

Булар[1]:

ا *alif* ҳарфига (19b–55a), ب *ba* ҳарфига (55a–81b, девонда پ *pe* ҳарфига тугайдиган ғазаллар ҳам ب *ba* ҳарфига якунланувчи ғазаллар билан аралаш тарзда берилган) ت *ta* ҳарфига (82a–103a), ث *ṣa* ҳарфига (103a–106b), ج *jim* ҳарфига (106b–109a), چ *čim* ҳарфига (109a–114b), ح *ḥāyi ḥuttiy* ҳарфига (114b–120б), خ *ḫa* ҳарфига (121a–128a), د *dāl* ҳарфига (128a–144a), ذ *ẕāl* ҳарфига (144a–147a), ر *re* ҳарфига (147a–199a), ز *ze* ҳарфига (199b–222a), س *sin* ҳарфига (222a–235b), ش *šin* ҳарфига (235b–290a), ص *ṣād* ҳарфига (285b–290a), ض *żād* ҳарфига (290b–294a), ط *ṭā* ҳарфига (294b–298a), ظ *ẓā* ҳарфига (298a–299a), ع *ʻayn* ҳарфига (299a–301b), غ *ğayn* ҳарфига (301b–306a), ف *fe* ҳарфига (306a–312a), ق *qāf* ҳарфига (312a–321a), ک *kāf* ҳарфига (321a–359b), ل *lām* ҳарфига (359a–373b), م *mim* ҳарфига (373b–391b), ن *nun* ҳарфига (391b–420b), و *vāv* ҳарфига (420b–430b), ھ *hoyi havvaz* ҳарфига (430b–458b), لا *lām alif*ға (458b–460b), ى *yāy* ҳарфига (460b–511b) тугайдиган ғазаллардир.

Қўлёзма девондаги шеърлар яхлит алифбо тизимига солинган бўлса-да, араб алифбосидаги айрим ҳарф ғазаллари бошланишида Навоийнинг ушбу ҳарфга мослаб ёзган сарлавҳалари учрайди. Масалан, قاف حرفى نينك قيامت لارى نينك قرانى غرايبدين(Qāf ḥarfïnïŋ qiyāmatlarïnïŋ «Ğarāyib»dïn) каби.

Қўлёзма девонда қуйидаги мустазодлар ҳам мавжуд. «Ғаройибу-с-сиғар» девонидан – 511b–512a вв.

Бошланиши:

اي حسنونكا ذرات جهان ايچرا تجلي
مظهر سنكا آشنا
سين لطف بيله كون مكان ايچيدا مولى
عالم سنكا مولى

«Наводиру-ш-шабоб» девонидан – 512a–512b вв.

Бошланиши:

دين آفتي بير مغبچهء ماه لقادور
ميخاره و بيباک
كيم عشقيدين آنينک وطنيم دير فنادور
سرمست ياقام چاک

«Фавойиду-л-кибар» девонидан – 512b в.

Бошланиши:

باردیم بو سحر دير دين فنا ساري اوروب كام
مخمور شبانه
تار تار ايدي هر لحظه صبوح اهلي ايچيب جام
ناقوس مغانه

[1] Ғазалларни араб алифбоси тизимида, қўлёзмада қандай келган бўлса, шундай ҳавола этамиз.

«Бадойиу-л-васат» девонидан – 512b–513a вв.

Бошланиши:

ني وسمهُ ني كيسمه دور اول زلف سمنساي
ني غمزهء جادو
مشاطه سنكا زال فلک دور مكر اي آي
خورشيد آنكا كوزكو

Ушбу мустазодлар «Хазойину-л-маоний»нинг илмий-танқидий матни остида тайёрланган нашрда ҳам таркибий девонларга худди шундай тақсимланган.

Шунингдек, нусхада 5 та мухаммас (2 та «Ғаройибу-с-сиғар»дан– 513a–513b, 515a–515b; 2 та «Наводиру-ш-шабоб»дан – 514a–515b, 515b–516b; 1 та «Фавойиду-л-кибар»дан 514b–515a), 4 та мусаддас (2 та «Бадойиу-л-васат»дан – 516b–517a, 517b–518a; 1 та «Фавойиду-л-кибар»дан – 518a–519a; 1 та «Ғаройибу-с-сиғар»дан – 519a–520a); мусамман («Наводиру-ш-шабоб»дан – 520a–521a); 3 та соқийнома[1] («Ғаройибу-с-сиғар»дан – 521a–525a; «Бадойиу-л-васат»дан – 525a–526b; «Фавойиду-л-кибар»дан – 526b–531a); 47 та рубоий (531a–533b вв, уларнинг қайси девондан олингани кўрсатилмаган); 46 та фард (533b–535a вв, уларнинг қайси девондан олингани кўрсатилмаган), 31 та муаммо (535a–537a вв, уларнинг қайси девондан олингани кўрсатилмаган) каби жанрдаги шеърларни ҳам ўқиш имконига эгамиз.

Девон тугагандан сўнг, 537b варақдан то 547b варақкача Навоийнинг лом ҳарфига якунланувчи яна 44 та ғазали кўчирилган.

Қуйида нусхадаги *alif* ҳарфига якунланувчи ғазалларни «Хазойину-л-маоний»нинг Ҳ.Сулаймонов амалга оширган илмий-танқидий матни асосидаги нашр билан солиштирамиз[2]:

Англашиладики, қўлёзмада жами 134 та *alif* ҳарфига якунланувчи ғазал мавжуд, аммо улардан 8 таси икки марта қайтарилган. Шунда нусхадаги араб алифбосининг биринчи ҳарфига тугалланувчи ғазаллар сони 126 тани ташкил этади. Қизиғи, қайтарилган ғазалларнинг бир нечтасида «ғазали такрир» деб қора сиёҳда қайд этилган. Котиб шу йўл билан ўз хатосини тузатган кўринади.

«ʻIšq äylädi yüz ʻāqil-u farzānanï rasvā» деб бошланувчи ғазал илмий-танқидий матн асосидаги нашрда мавжуд эмас. Ушбу ғазал Алишер Навоий мукаммал асарлар тўпламининг I томи «Бадойиу-л-бидоя» нашрида бор экани аниқланди[3].

Шунингдек, «Demä-ki, kirdi oqï qaṭl vaqtï ara» матлали ғазал манбасига икки девон (НШ, ФК) номи ёзилган.

«Хазойину-л-маоний»нинг Ҳ.Сулаймонов нашрида *alif* ҳарфи билан якунланувчи ғазаллар сони 156 тадир (ҳар бир девонда 39 тадан). Демак, маълум сабабларга кўра, 9766-рақамли нусхадан девон таркибидаги *alif*га тугалланувчи айрим ғазаллар тушиб қолган.

[1] Қўлёзмада таржиъбандлар ҳам соқийнома сарлавҳаси остида берилган, бунда котиб шеърнинг шакли эмас, мазмунидан келиб чиқиб номлаган бўлса керак. Қизиғи, қўлёзманинг 19a варағида келтирилган Навоий асарлари рўйхатида котиб шоирнинг битта соқийномаси бор, деб қайд этган бўлса-да, девон ичида 3 та соқийнома беради.

[2] Ушбу жадвал монографиянинг иккинчи иловаси сифатида тақдим этилган.
Жадвалда қўлёзмадаги ғазаллар араб алифбосида, Ҳ. Сулаймонов томонидан амалга оширилган нашрдаги айнан шу ғазалларнинг муқобили кирилл алифбосида берилди. Ғазалларнинг матлаълари (биринчи байти) берилди, умумий байтлар сони эса алоҳида кўрсатилди.

[3] Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. Мукаммал асарлар тўплами, II том. Нашрга тайёрловчи: Сулаймон Ҳ. – Тошкент: «Фан», 1987. – Б. 30.

Қуйида 9766 рақами билан сақланаётган қўлёзма девондаги *alif* ҳарфига тугалланувчи ғазалларнинг тақсимланиш ҳолатини «Хазойину-л-маоний»нинг илмий-танқидий матни асос қилинган нашри билан солиштирамиз[1]:

14- жадвал

«Хазойину-л-маоний»нинг котиб Ризоқули ибн Мустафоқули кўчирган нусхаси ва илмий-танқидий матндаги *alif* ҳарфи билан тугалланувчи ғазаллар қиёси

Девон номи	Манбада	Ҳ.Сулаймонов нашрида
Ғаройибу-с-сиғар	25	27
Наводиру-ш-шабоб	25	37
Бадойиу-л-васат	17	28
Фавойиду-л-кибар	68	41
Жами:	**135**	**133**

Хулоса шуки, Алишер Навоий девонларининг Бухоро нусхалари ўзининг тўлиқлиги билан бошқа девонлардан ажралиб туради. Тадқиқ этганимиз 9766- рақамли «Хазойину-л-маоний»нинг нусхаси тўлиқлиги билан асосий фондда сақланаётган бошқа девонларга нисбатан илмий-танқидий матн нашрига жуда яқиндир. Демак, ушбу қўлёзма Навоий лирик меросини ўрганишда тарихийлиги билангина эмас, тўлиқлиги билан ҳам муҳимдир.

Мазкур қўлёзма китобатга оид белгиларига кўра аҳамиятли. Жумладан, нусхада *йой* ҳарфи сўз охирида келган ўринларда ҳам ﻱ тарзида, яъни нуқтали қилиб ёзилган. Одатда аксарият туркий тилдаги қўлёзмалар матнида сўз охирида келган ушбу ҳарф ﻯ тарзида, яъни нуқтасиз ёзилади.

Шунингдек, нусхадаги байтлар ўрни алмашиб қолган тақдирда хатога йўл қўйилганини англатувчи айрим белгилар котибнинг ўз ишига масъулият билан ёндашганини билдиради.

Нусхада келтирилган *alif* ҳарфи билан тугалланувчи ғазалларни илмий-танқидий матн асосидаги нашр билан қиёсий ўрганиш натижасида, уларнинг қайси девондан келтирилганлиги борасида, кўп ҳолларда, қўлёзма ва нашрларнинг бир-бирига мос келмаслиги маълум бўлади. Аммо ғазалларнинг бошланишида уларнинг қайси девондан олинганини ёзиш учун қўлёзма котибининг жиддий асоси бўлган, яъни нусхага таянч манба вазифасини ўтаган қўлёзмада шундай кўрсатилган бўлса керак. «Хазойину-л-маоний»нинг ушбу қўлёзмада қабул қилинган тартиби, яъни ҳар бир девон алоҳида-алоҳида эмас, балки улардаги шеърлар умумий алифбо тизимига солиб кўчирилганининг сабаби бу шеърларнинг маъно-моҳияти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Эҳтимол, котиб ёки китобга буюртма берувчи шахс тўрт девондаги шеърларни маъно-мазмунига кўра кетма-кетликда кўчиришни афзал билгандир: аввал ҳамд ва наът, сўнг бошқа мавзулардаги шеърлар каби.

Масаланинг бошқа бир жиҳати борки, буни рад этиб бўлмайди. Мазкур ғазаллар байтларнинг ҳажми жиҳатидан нашрга деярли мос келади. Баъзи *ғазал*лардагина бир ёки икки байт тушиб қолган, холос.

Эътиборлиси, ушбу нусхада келтирилган мустазодларнинг барчаси «Хазойину-л-маоний» таркибини ташкил этувчи девонларга тақсимланиши жиҳати билан илмий-танқидий матн нашрига мос тушади. Бу эса мазкур қўлёзмага асос бўлган манбанинг мўътабар

[1] Қўлёзма ва нашрдаги ғазаллар орасида 2 та тафовут чиқишининг сабаби: таъкидланганидек, нусхадаги 1 ғазал «Хазойину-л-маоний» таркибида мавжуд эмас, «Бадоеу-л-бидоя» нашрида учрайди; 83- ғазалнинг манбасига ҳам «Наводиру-ш-шабоб», ҳам «Фавойиду-л-кибар» девонлари кўрсатилган.

бўлганидан дарак беради. Зеро, «Хазойину-л-маоний» илмий-танқидий матни бир нечта қадимий нусхалар асосида тузилгани маълум.

Қўлёзмада берилган таржиъбандларнинг соқийнома сарлавҳаси остида берилиши диққатни тортади. Бу ҳодиса ушбу нусха кўчирилган даврда шеърларни номлашда мазмун бирламчи, шакл иккиламчи бўлганини англатади.

Девон тугаллангач, котиб Навоийнинг *лом* ҳарфи билан якунланувчи ғазалларидан келтирган. Эҳтимол, котиб девонни кўчириб битирганидан сўнг қўлига бошқа бир нусха тушиб қолган ва унда ўша нусхадан мазкур девонга кирмай қолган ғазалларни қўшиб қўйиш истаги пайдо бўлгандир.

21 муҳаррам 1096/28 декабрь 1684 йил котиб Азизуллабек томонидан Аҳмаднагарда Алишер Навоий шеърларидан иборат бир «Терма девон» китобат қилинган. Мазкур нусха ЎзР ФАШИ асосий фондида 11138/I рақами билан сақланиб келмоқда. Қўлёзма девон муаллифнинг ғазал, мустазод, мусаддас, мухаммас, таржиъбанд, қитъа, рубоий ва муаммо жанридаги шеърларини қамраб олган.

141 (1а–141б) варақдан иборат ушбу нусха реставрация қилинган, бичими 24x13,5 см. Нуқсони: боши ва охири йўқ. Қўлёзманинг муқоваси янги, картондан ишланган, қора рангда.

Қўлёзма девоннинг мавжуд бошланишида ўқиймиз:

ساچسه انجم دين فلک باشينکغه يوز مينک در ناب
ژاله غم بيل که ياغدورغاي بير آفت ليغ سحاب

«Терма девон»нинг мавжуд якуни шундай:

كل اوراقين صبا قيلدي پريشان
قبول ايتتى نيچه كيم تاپتى امكان

Нусханинг колофонида ўқиймиз:

تمام شد بتارخ بيست و يكم محرم الحرام سنه ۶۹۰۱ وتخط احقرالناس عزيزالله بيک حدنکی در دکن در بلده احمدنکر بتمام رسيده تم تم

Алшер Навоий «Терма девон»нинг ушбу нусхаси Ҳинд диёрида XVII асрда ҳам шоирнинг ижод намуналари ўқилгани ва девонларидан нусха кўчириш анъанаси мавжудлигини далилловчи манба сифатида муҳимдир.

Шунингдек, ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган «Хазойину-л-маоний»нинг кўчирилган санаси номаълум айрим нусхалари ташқи кўринишлари билан XVII аср қўлёзмаси сифатида қайд этилган.

Институт асосий фондида сақланаётган 1486- рақамли «Хазойину-л-маоний»нинг яна бир нусхаси ана шундай қўлёзмалардан биридир[1]. Мазкур қўлёзма девоннинг илмий-танқидий матни учун жалб этилгани билан муҳим. Ички тузилиши жиҳатидан юқорида тавсифи келтирилган 677- рақамли қўлёзмага ўхшайди.

Қўлёзма 259 (1b–259b) варақдан иборат, аммо СВРнинг II томида қўлёзма 249 варақ деб берилган. Таркиби қуйидагича: دباچه – дебоча 1b–4b саҳифаларда. Басмала йўқ. Матн شكر و سپاس اول قادرغه كيم... жумласи билан бошланиб кетади.

«Ғаройибу-с-сиғар» 5b–71b саҳифаларда. Девон басмаладан сўнг اشرقت من عكس شمس الكأس انوار الهدى матлали ғазал билан бошланади.

[1] Алишер Навоий «Хазойину-л-маоний», № 1486. ЎзР ФАШИ асосий фонди.

«Наводиру-ш-шабоб» 27b–231b саҳифаларда. Девон басмаладан сўнг زهی ظهور جمالینك قویاش کبی پیدا (Zihi ẓuḥurï jamālïŋ quyaš kibi paydā) матлали ғазал билан бошланади.

«Бадойиу-л-васат» 143b–149b саҳифаларда. Девон басмаладан сўнг ای نوبهار عارضینك صبحی غه جان برور حوا матлали ғазал билан бошланади.

«Фавойиду-л-кибар» 159b–295b саҳифаларда, басмаласи йўқ. Девон ای یتی منظر طرحیغه معمار صنعونکدین بنا матлали ғазал билан бошланади.

Қўлёзманинг якуни:

اول پری کیم انی دیمیش من یار
ادمی لیغدین اوزکا بارچه سی بار منکا اندین

(Ul pari-kim anï demiš man yār
Ādamiylïğdïn özgä barčasï bar maŋa andïn).

Матн тўрт устунга бўлиб кўчирилган, аммо устунлар жадвалга олинмаган. Қаторлар сони йигирма бешта. Ўртача ҳуснихат, майда настаълиқда. Асосан, қора, баъзида (сарлавҳа ва жанрлар номини беришда) қирмизи сиёҳдан фойдаланилган. Пойгирлар тўлиқ.

5*а* варақда муҳр бор. Унда пастдан юқорига қараб шундай ёзилган: سلیمان بیك ابن امین خواجه کریم بیك.

(Sulaymānbek ibn ‘Aminḫoja Karimbek)

Муқоваси картондан, асосий сатҳи қизил, тевараги яшил. Сирти безакли. Саҳҳоф: ملا حسن خواجه – Мулло Ҳасанхўжа.

Нуқсони: кўп ўринларда қўлёзма варақлари елимланган жойидан дарз кетган, бир неча варақлар йиртилган, аммо бу ҳолат матн ўқилишига зарар етказмайди. Кейинги даврларда таъмирланган. Қўлёзма анча уринган, варақлари кириккан.

Девон якунига етмай қолган, مقطعات – муқаттаот қисмида узилиб қолган. Шунга кўра, хаттотнинг исми-шарифи ҳам, кўчирилган санаси ҳам номаълум. Ушбу қўлёзма СВР[1]да, тахминан, XVII асрга оид, деб таъкидланса, «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги»[2]да XVII асрда Бухорода кўчирилган, деб қўшимча қилинган.

СВРнинг II томида кодикологик белгиларига кўра, XVII асрда Шимолий Афғонистон ҳудудида кўчирилган, деб тахмин қилинган асосий фонддаги 1315/I рақами остида сақланаётган қўлёзма[3] ҳам «Хазойину-л-маоний»нинг тўлиқ нусхаларидан бири ҳисобланади[4].

Қўлёзма 634 (1b–634a) варақдан иборат, таркиби қуйидагича.

دباچه – дебоча 1b–7b саҳифаларда (қўлёзмада «Бадойиу-л-бидоя» девони дебочасининг матни берилган), басмаладан сўнг

سرای لاری طبع مخزنیدین شوریده حال عاشقلار خرمنی فصاحت دیوانی نینك غزل

жумласи билан бошланади.

Мазкур қўлёзма мундарижаси жиҳатидан юқоридагилардан фарқ қилади. Ундаги ғазаллар девонлар тартиби бўйича эмас, балки яхлит алифбо тизимига солинган, яъни аввал кетма-кетликни узмаган ҳолда тўртала девоннинг ҳам alif ҳарфига якунланувчи ғазаллари, сўнг шу тартибда алифбонинг бошқа ҳарфларига тугайдиган ғазаллар берилган.

[1] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 209. оп. №1254.

[2] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 11.

[3] Алишер Навоий «Хазойину-л-маоний», № 1315. ЎзР ФАШИ асосий фонди.

[4] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 208. оп. №1253.

Қўлёзманинг якуни:اول دم بیلایین نی قیلسانك انی یا رب مین موندا و حرمتنکدا جان برله کونکول
(Ul dam biläyin ne qïlsaŋ anï yā Rab men munda va … jān birlä köŋül).

Қўлёзма настаълиқда кўркам ҳуснихат билан рангли шарқ қоғозига кўчирилган. Матн икки устунга бўлиб ёзилган. Устунлар зарҳал ва бошқа турли рангли жадвалга олинган.

Муқоваси картондан ишланган, қизил рангда. Сирти нақшли.

Ҳажми: 38х22,5. Қўлёзманинг колофони йўқ, шунга кўра котиби ҳам номаълум.

Маълумки, Навоий девонлари тузилган чоғдан бошлаб, беш аср давомида қайта-қайта китобат қилинган. Бу давр мобайнида девонлар ички тартиби ўзгариб бораверган. Бизнингча, Навоий девонлари нусхаларининг таркиби ундаги шеърларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилса, мақсадга мувофиқдир.

Тавсифи келтирилган китобнинг санаси номаълум икки қўлёзманинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бу нусхалардаги шеърлар Ҳ.Сулаймон томонидан жамланган «Хазойину-л-маоний» шеърлари миқдорига анча яқиндир.

15- жадвал

1486 ва 1315/I рақамли нусхалардаги шеърлар билан илмий-танқидий матн ўртасидаги тафовутлар

Қўлёзма рақами	Шеърлар сони	Нисбий камчилиги
1486	3023	109
1315/I	2653	479

Хулоса шуки, тавсиф қилганларимиз «Хазойину-л-маоний» нусхаларининг ижодкор меросини ўрганишдаги аҳамияти баланд. Таъкидлаш жоиз, ушбу нусхалар Навоий асарларининг илмий нашрларини тайёрлашда муҳим манбалар бўла олади. Ушбу қўлёзмаларнинг баъзилари «Хазойину-л-маоний» илмий-танқидий матнини яратишда ёрдамчи нусха вазифасини бажаргани фикримизни далиллайди[1].

Нусхалар устида солиштирма йиғма матнлар тайёрланса мақсадга мувофиқ. Сабаби бундай тадқиқот натижаси муаллиф шеърларининг оригиналга яқин матнларини юзага келтиради. Маълум бир асарнинг илмий нашрини тайёрлашда таянч манба ишончли бўлиши лозим. Бу жиҳатдан манбаларнинг тўлиқ тавсифи матншуносликнинг доимий эҳтиёжидир.

2.3-§. XIX–XX асрларда кўчирилган девонлар нусхаларининг таркиби

Кўҳна Самарқанд шаҳри Алишер Навоий ижоди учун муҳим илм масканларидан бири бўлган. Буюк шоир йигитлик чоғининг бир неча йилини шу азим тупроқда ўтказгани маълум. Навоийнинг Машҳаддан Самарқандга қачон келганлиги аниқ эмас, Ҳиротга қайтиш санаси эса 1469 йил билан белгиланади. Мазкур давр манбаларининг деярли барчасида Алишер Навоийнинг Самарқандга таҳсил олиш мақсадида келганлиги қайд этилган. Шоирнинг ушбу шаҳарда кечирган ҳаёт тарзи ҳақида икки хил қараш мавжуд. «Бобурнома»да Алишербекка Самарқандда Аҳмад Ҳожибек муқаввий (ҳомий) бўлди», дейилса, Фахрий Ҳиротий «шоир Самарқандда ночор яшаган», деб ёзади. Навоийнинг Самарқандда Фазлуллоҳ Абулайсий қўлида таълим олгани, Абулайсий мадрасасида таълим олишдан ташқари

[1] Сулаймонов Ҳ. «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XVII.

бўш вақтларини Султон Аҳмаднинг эшик оғалари ва ҳукумат соҳиб-ихтиёрлари бўлмиш Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибекларнинг суҳбатида ўтказганлиги Фаҳрий Ҳиротий фикрларининг асоссиз эканини билдиради[1].

ЎзР ФАШИнинг асосий фондида Алишер Навоий девонларининг Самарқанд ҳудудида кўчирилган тўртта қўлёзмаси сақланмоқда. Булар 11444/II, 11472, 7499, 7066 рақамлари остидаги «Терма девон»лардир.

Фозилхон хўжа Одилхон хўжа ўғли (فاضلخان خواجه عادلخان خواجه اوغلی) томонидан 1256/1840–1841 йил Офаринкентда кўчирилган 11472- рақамли «Терма девон» *ғазал* (1a–191b варақлар), *мустаъзод* (191b–192b варақлар), *мусаддас* (192b–194a варақлар), *мухаммас* (194a–197b варақлар), *таржиъбанд* (197b–204a варақлар), *қитъа* (204b–205a варақлар), *рубоий* (205a–208a варақлар) жанрдаги шеърлардан иборат[2].

Қизиғи, шоирнинг *Ketür sāqiy, ul may-ki, ṣubḥ-i alast*, деб бошланувчи *таржиъбанд*и бошланишида шеърнинг номи қирмизи сиёҳ билан *соқийнома* деб ёзилган. Бунда котиб шеърнинг шаклига эмас, мазмунига таянган бўлса керак.

Матн настаълиқ хатида шарқ қоғозига кўчирилган. Шеърлар икки устунда бўлиб, қирмизи рангли жадвалга олинган. Пойгирлар тўлиқ.

Қўлёзма бошидаги варақлар тушиб қолган, қуйидаги байт билан бошланади:

Ātašïn gulnïŋ nihālïn sen unut, ey bāğ yana,	آتشین کلنینک نهالین سین اونوت ای باغ یانا
Guldïn özgä gulḫan bistar salurmu astïda.	کلدین اوزکا کلخن بستر سالورمو آستیدا

Қўлёзма “Ғаройибу-с-сиғар” девонидаги 100- рақамли рубоий билан тугайди[3]:

Zulfïŋ giriḥïğa pāybast olmïš-men,	زلفینک کریهیغه پای بست اولمیشمین
La‘lïŋnï havasïğa dāği qān olmïš-men,	لعلینکنی هواسیغه داغی قان اولمیشمین
Ul maynï ičib yolïŋda past olmïš-men,	اول می نی ایچیب یولینکدا پست اولمیشمین
Eziğ soŋra mast-i alast olmïš-men.	ایزیغ سونکره مست الست اولمیشمین

Қўлёзма колофонидаги жумлаларда имло ва услуб ғализликлари кўзга ташланади[4]. Форсий изофаларда йўл қўйилган хатолар кўчирувчининг ушбу тилни билиш даражасига нисбатан кишида шубҳа уйғотади:

---

[1] Қаранг: Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (Қиёсий типологик-текстологик таҳлил). Филология фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 1998. – Б. 12-13.

[2] Офаринкент – Зарафшон водийсининг ўрта қисмидаги ўрта асарларга оид шаҳар ва туман. XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг биринчи ярмида Офаринкент маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлиги Самарқанд беклиги таркибига кирган. Ҳозирги бу жой Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани тасарруфида бўлиб, Примкент қишлоғи номи билан маълум. Қаранг: https://uz.m.wikipedia.org.

[3] Ушбу рубоий «Ғаройибу-с-сиғар»нинг илмий-танқидий матнида фарқли ёзилган:

زلفینک کرهیغه پای بست اولمیش مین
لعلینک می دین باده پرست اولمیش مین
اول می نی ایچیب یولینکدا پست اولمیش مین
هی هی نی دیدیم مکر کی مست اولمیش مین

Қаранг: Алишер Навоий «Ғаройибу-с-сиғар». Танқидий матн. Тузувчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент, «Мумтоз сўз». 2012. 100- рубоий.

[4] Колофон матнида мақола муаллифи томонидан қўйилган таъкидларга эътибор беринг.

Atā qïluvčï pādšāhnïŋ yārdamï bilän kitāb tamām boldï. Qabrï nurga tolur Mir ʻAlišeriy Samarqandiy ṭarafïdan tasnif etilgän [devānï] Amir Navāiy nāmlï mubārak kitāb tamām boldï. Bu kitābnïŋ kātibï Fāzilḫān ḫoja Ādilḫān ḫoja oğlïlarïdandur. Ādilḫān ḫoja hanafiy imam-i Muḥammadnïŋ nabïrasï ḥazrat ʻAlinïŋ avlādïdïr. Bu kitāb sana 1256 yïlda sïčqan yïlïda Āfarinkent tumanï šayḫlar mavzesïda tamām boldï. Har kim oqusalar, körsälär yaxšï duo birlä yād etsünlär. Āmin va Rābbu-l-ālamiyn. Sana 1256. Tügädi.

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب تمت الكتاب هذا الميمونةٌ مباركةٌ مسمى بامير نوايى (؟) تصنيف كردهٔ مير على شيرى ثمرقندى نورّه مرقده كاتبى (؟) اين كتاب فاضلخان خواجه عادلخان خواجه نى اوغلى لارى دور عادل خان خواجه اولادى (؟) حضرت على نبيره امام محمد حنيفيه ولى اين كتاب سنه مينک ايکى يوز ايلليک آلتى يل دا چيچقان يليدا تومان آفرينکندا در موضع شيخلار كيندايدا تمام بولدى هر كيم اوقوسه لار يا كورسه لار دعايى يخشى برلا ياد قيلسونلار آمين و ربّ العالمين سنه ۶۵۲۱ تمت

XIX асрда кўчирилган Навоий «Терма девон»и колофондаги Мир Алишерий Самарқандий (میر علی شیری ثمرقندی) каби Алишер Навоийга берилган нисба кишини ажаблантиради. Агар қўлёзма Навоий ҳаётлик даврида кўчирилган бўлганда эди, шоирнинг Самарқандда яшагани ва таҳсил олгани масаласи ойдинлашган бўлар эди, эҳтимол. Ушбу нусхага, бордию бошқа бир қўлёзманинг таянч манба бўлгани ҳисобга олинса, бу ҳолат самарқандлик котибларнинг Алишер Навоийни маҳаллий шоир сифатида эъзозлаётгани билан изоҳланиши мумкин.

Қўлёзманинг афзалликлари билан бирга баъзи нуқсони ҳам бор. Жумладан, унинг бошланиши йўқ, варақлари нам тегиб зарар кўрган. Яна бир жиҳати, муқоваси ҳам ўзиники эмас, кейинчалик картондан ишланиб, устидан нақшли қоғоз ёпиштирилган. Қўлёзма 208 варақдан иборат бўлиб, қоғозиниг бичими 24,5x14 см.

Абдулмўмин ибн Муҳаммад Шариф (عبد المؤمن ابن محمد شريف) томонидан 1256/1840–1841 йилда Офаринкентда китобат қилинган 11444/II рақамли яна бир «Терма девон» қўлёзмасидаги икки ғазал эътиборни ўзига тортади, сабаби уларнинг иккови Навоий девонларининг шу чоққача нашр этилган томларида йўқ. Ғазаллардан биринчиси қўлёзма китоб 28- варағининг ҳар икки бетида келган. Ўқилиши шундай:

Ne meḫnat dašti-kim, qobqač quyun yaŋlïğ ğubār anda
Biliŋ ğam yelidin savurturur bu ḫāksār anda.
Ne meḫnat daštïde-kim, ul erür āzādalar šahrï
Quyun ne bolğay, ul-kim bolsa šahar olğay minār anda.
Jahānda ādamenïŋ e'tibārï sözdädür yoqsa,
Sözigä ādame-kim turmağay ne e'tibār anda?
Falak tāqïda yulduzlar gumān etmäŋ ki ravšandur,
Navāî otluğ āhïdïn čïqar har tün šarar anda[1]

نى محنت دشتى كيم قوبقاچ قيون ينكليغ غبار اندا
بيلينک غم يليدين ساورتورور خاكسار اندا
نى محنت دشتى دى كيم اول ايرور آزاده لار شهرى
قيون نى بولغاى اولكيم بولسا شهر اولغاى منار اندا
جهانده آدمى نينک اعتبارى سوزدادور يوقسا
سوزيكا آدميكيم تورماغاى نى اعتبار اندا
فلک طاقيده يولدوز لار كمان ايتمانكه روشندور
نوايى اوتلوغ آهيدين چيقار هر تون شرر اندا

[1] Мазкур ғазалнинг тўлиқроқ варианти илк марта озарбайжонлик олиманинг мақоласида келтирилган. Қаранг: Нагиева Ж. Из классического наследия // Адабий мерос. – Тошкент, 1981/2. – Б. 82-90.

Ушбу қўлёзманинг 27*b* варағида келтирилган, аммо Навоийнинг расмий девонларида учрамаган яна бир ғазал[1]:

Rafiqā, sorsa ḥālïmnï degil sarviravān sorsa,
Yetgäy kirpik harāratïdïn magar-kim bostān sorsa.
Qačan qoysa qadam dilbar qaraqïm üzrä asrar-men,
Jigar ḫunābïdïn tikmiš libāsï arğivān sorsa.
Jalālat šāhï seŋä kiymäklik erür zebā,
Tapïlmïš tağ rajmïdïn magar-kim za'farān sorsa.
Jamālïŋ lālazārïğa ne ḫuštur özgä bir raŋ,
Erür ul naqš šatranjï küzätğan nardbān sorsa.
Tanïmda tamğa tamğa-kim, oquŋ zaḫmïdïn ul ermäs, …
Navāî ḥālïnï furqat bilä čun dağï ya'ni ayğïl,
Mabādā luṭf etib, ul šavḫ ḥālïmnï bayān sorsa.

رفیقا سورسا حالیمنی دیکیل سروروان سورسا
یتکای کیرپک حرارتدین مکر کیم بوستان سورسا
قچان قویسا قدم دلبر قراقیم اوزره اسرارمین
جکر خونابیدین تیکمیش لباس ارغوانی سورسا
جلالت شاهی سینکا کیماکلیک ایرور زبا
تاپیلمیش تاغ راجمدین مکر کیم زعفران سورسا
جمالینک لاله زاریغه نه خوشتور اوزکا بیر رنک
ایرور اول نقش شطرنجی کوزاتغان نردبان سورسا
تنیمدا تامغه تامغه کیم اقونک زخمیدین اول ایرماس[1]
…
نوایی حالینی فرقت بیلا چون داغی یعنی ایغیل
مبادا لطف ایتیب اول شوخ حالیمنی بیان سورسا

Табиийки, Навоий девонларининг қўлёзмаларидан янги шеърларнинг топилиши кишини қувонтиради. Ҳ.Сулаймонов, Ж.Нагиева, Ф.Сулаймонова ва Н.Рамазоновнинг тадқиқотларида ҳам Алишер Навоийнинг расмий девонларига кирмаган шеърлари эълон қилинган[2]. Аммо расмий девон тушунчаси нисбий бўлиб, бунда масаланинг бошқа томонини ҳам унутмаслик керак. Масалан, 889/1484–1485 йилда Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган «Бадойиу-л-бидоя» девонида Навоийнинг расмий девонларига кирмаган мавзуси остида эълон қилинган тўртта қитъа мавжуд[3]. Мазкур нусхани «Бадойиу-л-бидоя» девонининг муаллиф ҳаётлик вақтида китобат қилинган редакцияси экани ва келгуси йилларда ушбу девонннинг сўнгги аниқланган нусхалари ёрдамида илмий-танқидий нашри чоп қилинса, юқоридаги тўрт қитъа ҳам расмий девонларга кирмаган шеърлар рўйхатидан чиқиб кетади. Алишер Навоий терма девонининг Самарқанд нусхасидан топилган икки ғазал ҳам бундан мустасно эмас.

Алишер Навоий туркий адабиётнинг бир қанча жанрларида баракали ижод қилгани маълумдир. Шоир «Терма девон»ларининг Самарқанд ҳудудида кўчирилган нусхалари деярли барча жанрдаги шеърларни қамраб олгани билан муҳимдир. Сабаби, Навоий «Терма девон»ларининг ЎзР ФАШИ фондларида сақланаётган барча нусхалари ҳам бундай хусусиятга эга эмас, фақат ғазаллар ёки ғазал ва рубоийлардан тузилганлари ҳам талайгина[4].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Алишер Навоий шеърияти Самарқанд таълим тизими-

[1] Ушбу ғазал Навоийнинг расмий девонларига кирмаган шеърлар эълон қилинган тадқиқотларда ҳам учрамади. Қаранг: Нагиева Ж. Из классического наследия // Адабий мерос. – Тошкент, 1981/2. – Б. 82-90; Алишер Навоий. Айёми висол ўлди яна. Янги топилган ғазаллар. Нашрга тайёрловчи: Фозила Сулаймонова. – Тошкент. «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти». 1995. – 71 б.

[1] Ушбу мисранинг жуфти нусхадан тушиб қолган.

[2] Сулаймонов Ҳ. Навоий томонидан «Хазойинул маоний»га киритилмаган шеърлар // Алишер Навоий «Хазойинул-маоний» // «Фавойидул-кибар», IV том. Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти», 1960. – Б. 773-794; Нагиева Ж. Из классического наследия // Адабий мерос. – Тошкент, 1981/2. – Б. 82-90; Алишер Навоий. Айёми висол ўлди яна. Янги топилган ғазаллар. Нашрга тайёрловчи: Фозила Сулаймонова. – Тошкент. «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти». 1995. – 71 б.; Н.Рамазонов. Расмий девонларга кирмаган шеърлар // Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20-том. – Тошкент: «Фан», 2003. – Б. 439-471.

[3] Турдиалиев А., Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 60.

[4] Қаранг: Алишер Навоий. «Терма девон»лар. ЎзР ФАШИ, асосий фонди №№ 1973, 5533, 8985/II, 7701, 360/II.

да анча аввалдан ўқитилган. Шоир мероси фақат XIX асрнинг ўзида ушбу ҳудудда турли котиблар томонидан тўрт марта китобат қилингани диққатга лойиқ. Навоий асарлари бир неча бор нашр қилинганига қарамай, қўлёзмалардан янги шеърларнинг топилаётгани, бирламчи манбалар билан ишлаш зарур эканини билдиради.

ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган Хоразм китобат санъатининг маҳсули ҳисобланмиш Навоий ижодхонасига оид шеърлар «Терма девон» (18 та), «Хазойину-л-маоний» (1 та), «Ғаройибу-с-сиғар» (1 та), «Бадойиу-л-васат» (2 та), «Фавойиду-л-кибар» (2 та) каби девонлар тартибида кўчирилган, улар 24 нусхани ташкил этади.

Эътиборлиси, уларнинг энг кўп қисми XIX асрда кўчирилган «Терма девон»лардир. Бу ҳодисани Хива хонлигида Қўнғиротлар ҳукмронлиги даврида (1804–1920 йиллар) Навоий шахси ва унинг ижодига бўлган эътиборнинг ниҳоятда ортиб борганлиги билан изоҳлаш мумкин[1]. Бу даврда Хоразмда ижод этган икки буюк шахс Мунис (1778–1829) ва Огаҳий (1809–1874) ижодининг умумий томони ҳам уларнинг Навоий давомчилари экани билан боғлиқдир[2]. Хусусан, Муҳаммадраҳим Баҳодирхон II Феруз (1864–1910) ҳукмронлиги даврида Навоий ижодигагина эмас, туркий адабиётга бўлган эътибор кучайди. Туркийда ижод этган шоирларнинг девонларини кўчириш, уларнинг асарларини баёзларга киритиш, шунингдек, форсийда ёзилган асарларни туркийга ўгириш, ҳатто бир асарни бир нечта таржимонларни жалб қилган ҳолда таржима қилиш анъана тусига айланган эди[3].

1206/1791 йилда Мулло Отаниёз ибн хўжа Муҳаммад Марҳумий томонидан кўчирилган 7224- рақамли қўлёзма, афтидан, оддий китобхон учун мўлжалланган[4]. Девон настаълиқ хатида Қўқон қоғозига кўчирилган. Матн икки устунда бўлиб, улар қизил жадвалга олинган. Пойгирлар тўлиқ. Девон басмаладан сўнг «Бадойиу-л-васат»нинг:

ای نوبهار عارضینك صبحیغه جان پرور هوا
اندین کل بلبل تاپیب یوز برك بیرله مینك نوا

(Эй навбаҳори оразинг субҳиға жонпарвар ҳаво, Андин гулу булбул топиб юз барг бирла минг наво) матлали ғазали билан бошланади.

Қўлёзма 159 варақдан иборат бўлиб, ғазал, мустаъзод, мусаддас, мухаммас, таржиъбанд, рубоий, қитъа, чистон ва туюқ каби шеърий жанрларни ўз ичига олади. Терма девонда «Бадойиу-л-васат» девонидан олинган шеърлар кўпроқ, аммо «Хазойину-л-маоний» сирасига кирувчи бошқа девонлардан олинган шеърлар ҳам учрайди. Умуман олганда, ушбу девон таркиб жиҳатдан ҳудудда кўчирилган бошқа терма девонлардан фарқ қилади.

646- рақамли «Терма девон» 272 варақ бўлиб, «Бадойиу-л-бидоя» дебочаси билан бошланади[5]:

فصاحت دیوانی نینك غزل سرای لاری طبع مخزنیدین شوریده حال عاشقلار خرمنی...

(Fasāhat devānïnïŋ ğazal sarāylarï tab‘i maxzanïdïn šoridahāl āšiqlar xirmanï...). Қўлёзма на-

[1] Қаранг: Erkinov A. «Persian-Chaghatay Biliŋualism in the Intellectual Circles of Central Asia durin the 15th-18th Centuries (the case of poetical anthologies, bayāz)». International Journal of Central Asian Studies. C.H.Woo (ed.). vol.12, 2008. – P. 57-82.

[2] Назирова Х. Введение // Зубдат ал-таварих – Мухаммад Риза Мираб Агахи. – Ташкент–Самарканд: «Mega basım», 2016. – С. xlvii.

[3] Қаранг: ўша мақола. – С. xl.

[4] ЎзР ФАШИ № 7224, Алишер Навоий. Терма девон. Хоразм, 1206/1791 й. – 159 в.

[5] ЎзР ФАШИ № 646, Алишер Навоий. Терма девон, Хоразм, 1257/1841-1842 й. – 247 в.

стаълиқ хатида фабрика қоғозига кўчирилган. Матн икки устунда бўлиб, устунлар зарҳал, қизил ва кўк рангли ҳошия чизиғига олинган. Пойгирлар тўлиқ. «Терма девон» ғазал, мустаъзод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд ва рубоий жанрларидаги шеърлардан иборат. Ушбу шеърлар «Хазойину-л-маоний»нинг ҳар тўрт девонидан танлаб олинган.

1318/1901 йил Хивада Муҳаммадяқуб девон валади Уста Қурбонниёз Хоразмий томонидан кўчирилган 2058, 7098, 647 рақамлари остида сақланувчи «Ғаройибу-л-сиғар», «Бадойиу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар» девонларининг нусхалари[1] настаълиқ хатида фабрика қоғозига кўчирилган. Девонларнинг матни икки устунда бўлиб, улар зарҳал, сиёҳранг ва кумушранг ҳошияга олинган. Пойгирлар тўлиқ. Асосий матн қора, сарлавҳалар ва жанрлар номи эса қирмизи рангда. Китоблар бичими бир хил (27x16,5).

Афтидан, котибга «Хазойину-л-маоний»нинг барча девонларини алоҳида тартибда кўчириш буюрилган кўринади. Мазкур нусхаларнинг барини Хоразм китобат санъатининг юксак намуналари, десак янглишмаймиз. Қўлёзмалар эътибор билан кўчирилган. Дебоча да (2058- рақамли қўлёзма) ва ғазаллар бошланишида нозик дид билан унвонлар ишланган. Колофонлардан англаш мумкинки, девонлар Муҳаммадраҳим II Ферузнинг сарой кутубхонаси учун махсус кўчирилган.

«Ғаройибу-л-сиғар»нинг мазкур нусхасини кўчиришда Навоий даври матншунослигининг анъаналари яхши акс эттирилган. Ушбу қўлёзма Ҳ.Сулаймонов томонидан амалга оширилган «Хазойину-л-маоний»нинг илмий-танқидий матни билан[2] солиштириб чиқилди. Орада муайян фарқлар ҳам борлиги аниқланди.

2058- рақамли қўлёзма басмаладан сўнг دیباچه (дебоча) билан бошланади. Ҳ.Сулаймоновнинг таъкидлашича, 1492–1498 йиллар ўртасида Навоий ўзининг аввалги икки девони «Бадойиу-л-бидоя» ва «Наводиру-н-ниҳоя»даги шеърларига бу икки девондан сўнг яратилган шеърларни қўшиб, XV аср поэзиясининг буюк эпопеяси ҳисобланган 44901 мисрадан иборат тўрт қисмли «Хазойину-л-маоний» китобини тузди. Ниҳоят, Навоий «Хазойину-л-маоний»нинг ижодий тарихини баён қилувчи махсус дебоча (кириш сўзи) ёзиб, ўзбек тилидаги лирик асарлари мажмуасини тугаллади[3].

2058- рақамли қўлёзмада «Хазойину-л-маоний» учун эмас, «Бадойиу-л-бидоя» учун ёзилган дебоча берилган[4]. Кейинги асрларда дебоча билан кўчирилган Навоий девонлари (дебочасиз кўчирилган девонлар ҳам талайгина) учун бу ҳолат анъана тусига айланган эди.

«Ғаройибу-с-сиғар»нинг ушбу нусхаси ғазал, мустаъзод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, маснавий, қитъа, рубоий ва муаммо жанридаги шеърлардан таркиб топган.

Девонда 40 та ا *alif* ҳарфига (1–40), 25 та ب *ba* ҳарфига (41–65), 2 та پ *pe* ҳарфига (66–67), 20 та ت *ta* ҳарфига (68–87), 3 та ث *ṣa* ҳарфига (88–90), 4 та ج *jim* ҳарфига (91–94), 5 та چ *čim* ҳарфига (95–99), 6 та ح *ḥāyi ḥuttiy* ҳарфига (100–105), 7 та خ *ḫa* ҳарфига (106–112), 15 та د *dāl* ҳарфига (113–127), 3 та ذ *ẕāl* ҳарфига (128–130), 65 та ر *re* ҳарфига (131–195), 24 та ز *ze* ҳарфига (196–219), 19 та س *sin* ҳарфига (220–238), 26 та ش *šin* ҳарфига (239–264), 5 та ص *ṣād* ҳарфига (265–269), 4 та ض *żād* ҳарфига (270–273), 4 та ط *ṭā* ҳарфига (274–277), 4 та ظ *ẓā* ҳарфига (278–281), 6 та ع *ʻayn* ҳарфига (282–287), 8 та غ *ğayn* ҳарфига (288–295), 6 та ف *fe*

[1] ЎзР ФАШИ №№ 2058, 7098, 647, Алишер Навоий. Ғаройибу-с-сиғар, Бадоеу-л-васат, Фавойиду-л-кибар. Хоразм, 1318/1901 й.

[2] Алишер Навоий Ғаройиб ус-сиғар // Хазойинул-маоний. I том, Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент, 1959. – Б.

[3] Сулаймонов Ҳ. «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. X.

[4] ЎзР ФАШИ № 646 қўлёзма дебочасига қаранг.

ҳарфига (296–301), 13 та ق *qāf* ҳарфига (302–314), 42 та ك *kāf* ҳарфига (315–356), 29 та ل *lām* ҳарфига (357–385), 44 та م *mim* ҳарфига (386–429), 67 та ن *nun* ҳарфига (430–496), 15 та و *vāv* ҳарфига (497–511), 49 та ه *hoyi havvaz* ҳарфига (512–560), 2 та لا *lām alif*га (561–562), 74 та ى *yāy* ҳарфига (563–636) тугайдиган, жами 636 та ғазал мавжуд.

«Хазойину-л-маоний»нинг илмий-танқидий матни тузилиши натижасида «Ғаройибу-с-сиғар» девонида 650 та ғазал мавжуд эканини аниқланган[1]. Демак, 2058- рақамли «Ғаройибу-с-сиғар» нусхасида 14 та ғазал номаълум сабабга кўра тушиб қолган. Эҳтимол, бу ғазаллар «Хазойину-л-маоний»нинг Муҳаммадяқуб кўчирган кейинги девонларнинг қўлёзмаларига киритилган бўлиши мумкин.

Қизиғи, илмий-танқидий матн асосидаги нашрда *alif* ҳарфига тугаган ғазаллар сони 39 та, қўлёзмада эса 40 та. Қуйида «Ғаройибу-с-сиғар» девонининг илмий-танқидий матн асосидаги нашри ва 2058 ашё рақамли қўлёзма орасидаги фарқни *alif* ҳарфига тугайдиган ғазаллар ўртасидаги тафовут орқали солиштирамиз:

Нусхадаги ушбу ҳарфга тугайдиган 18-рақамгача бўлган ғазаллар илмий-танқидий матн нашри билан мос келади. 19-ғазалдан бошлаб, фарқлар кузатила бошлайди. Нашрдаги икки ғазал (19, 39)[2] қўлёзмада мавжуд эмас. Шунингдек, қўлёзмадаги уч ғазал (36, 39, 40)[3] «Ғаройибу-с-сиғар» нашрида йўқ. Улардан иккитаси илмий-танқидий матн асосидаги нашрнинг «Фавойиду-л-кибар»[4] девонида келган. Қизиғи, қўлёзмадаги 40-ғазал илмий-танқидий матн асосида нашр қилинган «Хазойину-л-маоний»дан ҳам, мукаммал асарлар тўпламидаги «Хазойину-л-маоний» туркумига кирувчи III, IV, V, VI томларда ҳам мавжуд эмас. Ушбу ғазал мукаммал асарлар тўпламининг II томи «Наводиру-н-ниҳоя» девонида бор экани аниқланди[5].

Қўлёзманинг колофони шундай:

الحمد الله و المنى عدالت آسمانى نينك افتاب جهانتالى سلطان سهرى نينك خورشيد رخشنده سى علما دولت و فضلا حوست حضرت سلطان الزمان و نادرالدوران الصلطان ابن السلطان الخاقان ابن الخاقان ابو المظفر والمنصور ابو الغازى سيد محمد رحيم بهادرخان ثانى خلد الله تعالى دولته و شوكته نينك فرمان عاليلارى بيلا دفتر اول نوايى كيم غرايب الصغر بيله موسوم ايردى بو فقير الحقير محمد يعقوب ديوان ولد اوستا قربانياز تاريخ هجرى مينك اوچ يوز داغى اون يكيرلانچى ذوالقعدا ايى نينك يكرمه التى لانچى سى شنبه كونى موافق موش يىلى نينك اخيريدا يازيب اتمام غه يتكوردى.

(Alḥamdullah va ālamnï aʻdālat āsmānïnïŋ āftāb-i jahāntālï Sulṭān šahrïnïŋ ḫuršid-i raḫšandasï …(ʻulamāi) davlat va …(fuzalā…) ḥażrat sulṭānu-z-zamān va nādiru-d-davrān as-ṣulṭān ibn as-

[1] Сулаймонов Ҳ. «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. XIV.

[2] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар // Хазойинул-маоний. I том, Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент, 1959. Ғазалларнинг матласи. 19-ғазал, 39-б.: Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро, Бир қаро туфроғ дегайким тушти мушки ноб аро. 39-ғазал, 59-б.: Маҳвашо, сарв қадо, лола руҳо, сийм тано. Чораким қолмади сабрим ғами ҳажрингда яно.

[3] ЎзР ФАШИ № 2058, ғазалларнинг матласи.

36-ғазал, 24b в.: اى آلكان وب خ تسح يب الى راى وم ايكان آى*اض مى رى ايچرا غ مى م راب وم ايكان آى

39-ғазал, 25b в.: كى مسه ر ه ركى زى روم اى چون اها ل اورد ان دى نى و فا*وا لكه اورد ان آ فتى رود ين ط ع م آ ندى نى و فا

40-ғазал, 25a-26b вв.: عشق الى اى د ى زوى قاع ل فرزا نه ين اوسر*ين عى ب اكر قى لدى وب ديو انه ين اوسر

[4] Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар // Хазойинул-маоний. IV том, Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент, 1960. Ғазалларнинг матласи.

35-ғазал, 41-б.: Ул ой бу телба била ёрму экин, оё, Замир ичра ғамим борму экин, оё.

38-ғазал, 44-б.: Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо, Улки даврон офатидур, не тамаъ андин вафо.

[5] Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя // Мукаммал асарлар тўплами. Текстни тузувчи: Марям Раҳматуллаева. – Тошкент, 1987. 38-ғазал, 30-б. Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво, Не айб агар қилди бу девонани расво.

sulṭān al-xaqan ibn al-xaqan abulmuẓaffar va-l-manṣur abulǧāziy sayyid Muḥammad Raḥim Bahādirxan ṣāniy xaladallohu ta‘ālā davlatihi va šavkatihi…nïŋ farmān ‘āliylarï bilä daftar ul Navāî-kim Ğarāyibu-s-ṣiğar bilä mavsum erdi. Bu faqiru-l-ḥaqir Muḥammad Y’aqub devān-i valad usta Qurbānniyāz tariḫ hijriy miŋ üč yüz dağï on yigirmänči (zu-l-qa’da)… āyïnïŋ yigirmä āltïlančï sešanba küni muvāfiq muš yïlïnïŋ āḫirïda yazïp itmāmğa yetkürdi).

Хулоса шуки, Хоразмда Алишер Навоий ижодига бўлган эътибор куртак ёзганига бир неча асрлар ошди. Воҳада шоирнинг асарлари дид билан кўчирилган. Бу қўлёзмалар Хоразм китобат санъатининг энг кўҳна ва энг нодир намуналари сирасига киради. Бу қўлёзма девонлар баъзан Навоийнинг ўзи тузган мундарижа асосида кўчирилган бўлса, баъзан тамоман янги тартиб асосида тузилган. Нусхаларнинг колофонидаги маълумотлар ва уларнинг ташқи белгилари бу икки хилликни изоҳлагандек бўлади. Агар шеърлар Навоий тартибидаги девон ҳолида китобат қилинган бўлса, улар подшоҳнинг махсус фармони асосида сарой кутубхонаси учун кўчирилган бўлади. Шоир шеърларининг турли ўлчамлар асосида терилиб, девон ҳолига келтирилгани эса кўп ҳолларда сарой ташқарисида зиёлиларнинг коллекцияси учун кўчирилган бўлади.

Ушбу девонлар ички тартиб жиҳатидан оригинал. Улар Хоразм адабий муҳитида етук навоийшунослар кўп ўтганидан дарак беради.

Мумтоз сўз санъатининг барча жанридаги гўзал намуналарга бой, шуҳрати жуда кўп ўлкаларни кезган адабиёт соҳиби бўлган бу халқнинг шоирлари Навоийнинг асл издошлари, бу ижод намуналарини қоғозларга тиккан хаттотлар эса буюк шоирнинг чинакам котибларидир.

Ўрта Осиёда амирлик ва хонликлар даврида Алишер Навоий асарларини китобат қилиш бирмунча кучайгани маълум. Қўқон хонлиги Навоий девонлари энг кўп китобат қилинган ҳудудлар сирасига киради. Буни Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822–1842) буйруғи билан 1254/1838–39 йили Қўқонда олти ой ичида бир хил ҳажм ва таркибда Алишер Навоийнинг девонлари 300 нусхада кўчирилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ушбу қўлёзма девонлар бир тадқиқот доирасида чуқур ўрганилмаган бўлса-да, хонликдаги умумий адабий муҳит таҳлилига оид илмий ишларда қисман ёритилган, шунингдек, турли каталогларда тавсиф қилинган[1].

Ушбу тадқиқот доирасида Алишер Навоий «Хазойину-л-маоний» девонининг ЎзР ФАШИ коллекциясида сақланаётган Фарғона водийсида кўчирилган нусхаларнинг таркиби қиёсий ўрганилди.

Асосий фондда сақланаётган 9746- ва 1715- рақамли «Хазойину-л-маоний» қўлёзмалари котиб Муҳаммадлатиф ибн Муҳаммадшариф Кеший томонидан кўчирилган. А.Муродов-

[1] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент. «Фан». 1971. – Б. 197; Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент. «Фан». 1991. – Б.; Erkinov A. «Les timourides, modeles de legitimite et les recueils poetiques de Kokand». In: Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siècles // Writiŋ and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries. F.Richard, M.Szuppe (eds.), (Cahiers de Studia Iranica 40). – Paris: AAEI, 2009. – P. 285-330; Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари (Мумтоз битиклар ва Абдулла Қаҳҳор асарлари таҳлили асосида). – Тошкент: «Тамаддун», 2017. – 189 б.; Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – 586 с.; Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. Тошкент: «Фан», 1970. – 86 б.; Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – 198 б/; Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – 559 с.

нинг маълумот берилишича, Муҳаммадлатиф – Қўқоннинг машҳур котибларидан бўлиб, шаҳрисабзлик Муҳаммадшарифнинг ўғлидир[1].

Мазкур икки нусха 10 йил оралиғида китобат қилинган. Ҳар икки қўлёзма Навоийнинг «Бадойиу-л-бидоя» девонига илова қилинган дебоча билан бошланса-да, таркиб жиҳатидан бири бошқасини айнан такрорламайди.

9746- рақамли қўлёзма матни чиройли настаълиқ хатида шарқ қоғозига кўчирилган. Шеърлар икки устунда кўк, қора ва кумушранг жадвал ичига олинган, ҳошия қизил рангда. Матн бошланишида нозик дид билан унвон ишланган. Пойгирлар тўлиқ. Нусхада «Хазойину-л-маоний» таркибидаги шеърлар умумий алифбо тизимига солинган. Яъни ҳар тўрт девон таркибидаги шеърлар араб алифбоси бўйича қайта тартибланган. Табиийки, бунда девонлар мажмуаси таркибидаги баъзи шеърлар котибнинг назаридан четда қолган ёки буюртмачининг талабига кўра тушириб қолдирилган.

1715- рақамли қўлёзманинг 209a, 230b, 231a, 247a, 438a варақларида Муҳаммадалихоннинг 1248/1832–1833 йилга оид кўзасимон муҳри мавжуд. Унда шундай ёзилган:

سید ابولغازی محمد علی بنده مطیع نبی الله
یا ملیك یا حافظ یا قادر
یا رحمان یا رحیم ۸۴۲۱
(Sayyid Abulǧāzî Muhḥammadali banda-i mute‘-i nabiyullāh
Yā Malik, yā Ḥāfiz, yā Qādir
Yā Raḥmān, yā Raḥim 1248).

501b варағида овалсимон муҳр бўлиб, унда:

ایشان جواجا ابن سلطان خواجه علم

(Ešānḫoja ibn Sulṭānḫoja a‘lam) қайдини кўришимиз мумкин. Қўлёзма Муҳаммадалихон сарой кутубхонасидан сўнг Эшонхўжа исмли кишининг шахсий кутубхонасида сақланган бўлиши мумкин.

Ушбу нусхадаги «Ғаройибу-с-сиғар» девонида 633 та ғазал (6b–117b), 1 та мустаъзод (117b), 2 та мухаммас (117b–118b), 1 та мусаддас (118b–119a), қитъалар (119a–123a), 32 та рубоий (123a–125a), 28 та муаммо (125a–126a); «Наводиру-ш-шабоб» девонида 633 та ғазал, 1 та мустаъзод, 2 та мухаммас (236b–237b), 1 та таржиъбанд (237b–239b), 1 та таркиббанд (239b–241a), «Ҳилолия» қасидаси (241b–242b), қитъалар (242b–245a), 28 та рубоий (245a–246b), 26 та муаммо (246a–247b); «Бадойиу-л-васат» девонида 644 та ғазал (248b–359b), 1 та мухаммас (359b), 2 та мухаммас (359b–360b), 2 та мусаддас (360b–361b), 1 та таржиъбанд (361b–362b), соқийнома (363a–369a), қитъалар (369a–372a), 24 та рубоий (372a–373b), муаммолар (373b–374b); «Фавойиду-л-кибар» девонида 640 та ғазал (376b–486b), 1 та мустаъзод (486b), 2 та мухаммас (486b–487b), 3 та мусаддас (487b–489a), 1 та таржиъбанд (489a–504b) мавжуд.

Қўлёзма матнидаги айрим хатолар котиб томонидан ҳошияда тузатиб кетилган.

М.Ҳакимов асосий фондда 185/V рақами билан сақланаётган «Хазойину-л-маоний»нинг 1238/1822–1823 йил санаси қўйилган яна бир нусхасини Муҳаммадлатиф кўчирганини

[1] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1971. – Б. 122.

ёзади, аммо ушбу маълумотнинг манбасини келтирмайди[1]. СВР каталогининг II томида ва Қ.Муниров, А.Носиров томонидан нашр этилган «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги»да эса мазкур қўлёзма Шаҳрисабзда кўчирилган, деб айтилган[2]. Ушбу каталогларда ҳам мазкур маълумотнинг манбаси кўрсатилмаган. Биз Муҳаммадлатиф дастхати қўйилган 9746- ва 1715- рақамли қўлёзмалар билан 185/V рақамли қўлёзманинг хат услубини солиштириб кўрдик, бир неча ҳарфнинг ёзилиш услубидаги элементлар айнан бир хил экани маълум бўлди.

Умуман, котиб Муҳаммадлатиф томонидан кўчирилган қўлёзмалар Қўқон китобат санъатининг бебаҳо намуналаридир. Улар хонликдаги Навоий лирикасига муҳаббат рамзи бўлиши билан бир қаторда кўчирилган даврининг китобатга оид эстетик дидини ҳам ўзида ифода этиб келмоқда.

Мазкур давр қўлёзма девонларидан яна бири асосий фондда 1709 рақами остида сақланмоқда[3]. Бу қўлёзма «Хазойину-л-маоний»нинг илмий-танқидий матни учун асос бўлган нусхалардан саналади.

Қўлёзма 477 (1b–477b) варақдан иборат. Дебочаси 1b–6b саҳифаларда. Дебоча ҳам, девонларнинг ҳар бири ҳам басмала билан бошланади. Дебоча матни ...شکر و سپاس اول قادرغه کیم жумласи билан бошланиб кетади.

«Ғаройибу-с-сиғар» 7b–127b саҳифаларда. Девон اشرقت من عکس شمس الکأس انوار الهدی матлали ғазал билан бошланади.

«Наводиру-ш-шабоб» 128b–241b саҳифаларда. Девонزهی ظهور جمالینك قویاش کبی پیدا матлали ғазал билан бошланади.

«Бадойиу-л-васат» 243b–354b саҳифаларда. Девон بسم.. ای نوبهار عارضینك صبحی غه جان برور حوا матлали ғазал билан бошланади.

«Фавойиду-л-кибар» 355b–477b саҳифаларда. Девон بسم.. ای یتی منظر طرحیغه معمار صنعونکدین بنا матлали ғазал билан бошланади.

Қўлёзманинг якуни:سیل یولیده فنا دشتیده ترکانیم ایماس تنکیز اوزرا تولغانور هر سوی مشتی خاروس:

Колофон: حمدنا محدود اول جامع اتب وجودغه کیم منظومه مکرمه انسانه رباعیه عناصر انله انتظام یر اتمیش ودورود خمسه درود اول رسول عاقبت محمودغه کیم مصرع مطبوع وجودی خاتمه دیوان وجود ایله اختام اتمیش حمد و صلوت دین سونکره شاهد مدعا چهره سیدین خفا حجاینی بیلا الورم که قدیر نچون صلت قدرتته هر کمسه نی باطن کوز نی اکاهلیك سرمه سی ایله مکهل ایتسه یر معانی نظاره شواهد مضامینه بی اجتیار فطرتی مایل وطبعی راغب بولغی بول وجهدین امیر المکرم صاحبقر ان کیتی ستان بارير دور مانین عمده سی و تیمور خانه دانین زبده سی حسب و فطانت حلیه سی ایله ممتاز نسب ونجابت افسری ایله سرافراز سلطنت مهابتی دین خاقان کشورینده تزلزل حشت اوازه سیدین روم قلم دینده تغلغل فضل بهارینده فطرت حمینده اجلین رنکین اشعار لار خرد و دانش اهلیغه موجب تحسین و خوش رقم لیك قلم دینده ایام کاتب لار ینه انینك سرخط لاری سر مشق تعلیم و آفرین السلطان ابن السلطان ابو المظفر المنصور سید محمد علی غازی بهادرخان خلد الله ملکه و سلطانه مینك اکی یوز ایلیك تورت تاریخنده بر تون کم بیر تو مهر دولت ایله ایام فطانت منور ایدی صحبت هما یونی اچره مذاکره اشعار بولمیش

Матн икки, баъзи ўринларда тўрт устунга бўлиб кўчирилган. Устунлар зарҳал, кўк рангли жадвалга олинган. Китоб саҳифаларига матн ёзилган варақлар ёпиштирилиб, тевараги қирмизи рангли жадвалга олинган. Қаторлар сони йигирма учтадан йигирма еттитагача.

Сифатли Қўқон қоғози. Хати XVIII–XIX асрларда Тошкент ва Фарғона воҳаларида кўчи-

[1] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент. «Фан», 1991. – Б. 24.
[2] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 209.; Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 12.
[3] Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. № 1709. ЎзР ФАШИ асосий фонди.

рилган қўлёзмаларга яқин[1], ўқишли, настаълиқда. Қўлёзма 1254/1838–1839 йилда кўчирилган. Котиби номаълум.

Муқоваси картондан, сариқ, сирти нақшли.

Нуқсони: муқоваси анча уринган.

ЎзР ФАШИ Ҳ.С. фондида 526 рақами остида сақланаётган тўплам таркибида ҳам «Хазойину-л-маоний» (526/II) девонлар мажмуаси мавжуддир. Ушбу қўлёзмани 1236–1241/1820–1825 йилларда котиб Мирзо Муҳаммадназар Қўқонда кўчирган[2]. Нусха жами 712 варақ бўлиб, «Хазойину-л-маоний»дан (526/II) ташқари муаллифнинг «Бадойиу-л-бидоя» дебочаси (526/I), «Хамса» (526/III) ва «Маҳбуб ул-қулуб» (526/IV) каби асарларидан иборат.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг институт асосий фондида 9744 рақами билан сақланаётган «Хамса» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарларидан таркиб топган яна бир тўплам Мирзо Муҳаммадназар тарафидан 1242/1826–1827 йилда Қўқонда китобат қилинган. Ҳар икки тўпламнинг колофон матнида улар Муҳаммадраҳим девонбегининг фармойиши билан кўчирилгани қайд этилган[3]. Номаълум сабабга кўра, «Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги»да 9744- рақамли қўлёзма Бухорода кўчирилган, деб ёзилган[4].

Ушбу тадқиқотга жалб қилинган Мирзо Муҳаммадназар дастхатига оид тўпламлардан бири таркибидаги «Хазойину-л-маоний» (526/II) асосий матни тўрт устунга қора рангда, сарлавҳалар қизил, баъзан кўк рангда йирик настаълиқ хатида кўчирилган, пойгирлар тўлиқ. Муқоваси чармдан ишланган, саҳҳоф муҳрида: عمل ملا نیاز صحاف (Амали Мулло Ниёз саҳҳоф), деб ёзилган. Қўлёзманинг 1а, 6а, 334b варақларида حاجی علی اصغر Ҳожи Али Асғар номли шахсга оид муҳр бор, афтидан, бу киши маълум бир даврда китобнинг эгаси бўлган.

Ушбу нусхада ҳам девонлар мажмуаси таркибидаги шеърлар умумий алифбо тизимига солинган. Қўлёзма девондан 2543 та ғазал (6b–299a), 4 та мустаъзод (299b–300a), 9 та мухаммас (300a–302b), 5 та мусаддас (302b–304b), 1 та мусамман (304b–305a), 4 та таржиъбанд (305a–310a), 1 та қасида (313a–314a), 1 та соқийнома (314a–320b), 193 та қитъа (320b–329b), 100 та рубоий (329b–333b) ва 34 та муаммо (333b–334a) жанридаги шеърлар ўрин олган.

М.Ҳакимов мазкур нусха таркибидаги асарлар нисбатан тўлиқ, тушиб қолган шеърлар кам экани боис ундан Навоий меросининг манбалари қаторида маълум даражада фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайди[5].

Қ.Муниров ва А.Носиров ҳаммуаллифлигида нашр этилган каталогда институт асосий фондига тегишли 1240/1824–1825 йилда Мир Абдулҳай Самарқандий кўчирган «Терма девон» (инв.№ 2999) Қўқонда ҳамда 1259/1843–1844 йилда Охунд ибн Мирҳасан кўчирган «Хазойину-л-маоний» девони (9289) Наманганда китобат қилинган, дейилади[6]. Бироқ «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» монографиясида Мир Абдулҳай Самарқандий

---

[1] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 210.

[2] Мирзо Муҳаммаднинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида маълумот топилмади. Ушбу котиб томонидан 1820–1827 йиллар оралиғида кўчирилган икки қўлёзма колофонидаги «Қўқонда кўчирилди» жумласига қараб, унинг мазкур XIX асрда мазкур хонликда яшаб, ижод этганини айта оламиз, холос.

[3] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (қўлёзма тўплам таркибида). ЎзР ФАШИ Ҳамид Сулаймон фонди Инв. № 526/IV. 717а варақ; Алишер Навоий. Маҳбубу-л-қулуб («Хамса» билан бир жилдда кўчирилган). ЎзР ФАШИ асосий фонди Инв. № 9744/II. 68б варақ; Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 33-34.; Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент. «Фан». 1991. – Б. 27.

[4] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 34, 55.

[5] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 31.

[6] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 14, 20.

Самарқандда фаолият кўрсатган котиб сифатида тилга олинган[1].

Шунингдек, институт асосий фондида «Хазойину-л-маоний»нинг яна бир неча нусхаси сақланади, 1- иловада кўрсатилганидек, уларнинг кўчирилиш санаси ва котиби номаълум. Бу қўлёзмалар китобатга оид ташқи белгиларига кўра, каталог тузувчи олимлар томонидан Қўқон нусхалари, деб тахмин қилинган. Ушбу нусхаларни ҳисобга олганда, Алишер Навоий девонларининг ЎзР ФАШИнинг уч фондида Фарғона водийси ҳудудига оид жами 31 та нусхаси сақланади.

Хулоса шуки, Қўқон хонлиги ҳудудида Навоий лирикаси ўзига хос тарзда китобат қилинган. Бу улкан назмий мерос Хоразм, Самарқанд ёки Тошкентда кўпроқ «Хазойину-л-маоний» таркибидаги шеърлар саралаб олиниб, «Терма девон»лар тузилган бўлса, Қўқонда «Хазойину-л-маоний», асосан, тўлиқ ҳолда кўчирилган.

Тадқиқот натижасида ЎзР ФАШИ фондида Алишер Навоий девонларининг ҳали ўзи ҳаётлиги ва унга яқин даврда китобат қилинган нусхалари замонасининг пешқадам хаттотлари – Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Пираҳмад ибн Искандар, Пир Муҳаммад ибн Шайх Тоҳир Табризий, Абдурраҳим котиб ва бошқа машҳур котиблар томонидан кўчирилгани маълум бўлди. Шунингдек, фондда Алишер Навоий дастхати билан кўчирилган қўлёзма мавжуд эмаслиги аён бўлди. Қўлёзмалар фондида сақланаётган XV ва XVI асрларга оид «Наводиру-н-ниҳоя», «Ғазалиёт девони», «Хазойину-л-маоний» ва унинг таркибидаги девонларнинг алоҳида нусхаси ҳамда терма девонлар қўлёзмаларининг таркиби Навоий шеърияти такомил босқичини ўрганишда муҳим манбалар ҳисобланади. Улардан Султонали Машҳадий ва Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган икки нодир қўлёзма фанда «Наводиру-н-ниҳоя» номи билан танилган бўлса-да, бу икки нусха таркибидаги шеърларнинг сони бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Машҳадий китобат қилган «Ғазалиёт девони» таркибидаги ғазалларнинг барчаси рамал баҳрида экани маълум бўлди. Ушбу девон мисолида Навоий шеърлари аруз вазни асосида, яъни бир вазнга оид шеърларни алоҳида девон ҳолида китобат қилиш анъанаси ҳам бўлган бўлиши мумкин, деган хулосага келдик.

Ушбу даврга оид «Хазойину-л-маоний» нусхалари колофонида кўчирилган санаси қайд этилмагани ёки маълум сабабларга кўра сўнгги варақлари тушиб қолганига қарамай, уларнинг китобатига оид жиҳатлар айнан XV–XVI асрлар Ҳирот мактабига тегишли эканини ифода этади. Мазкур қўлёзмалардан бир нечтаси таркибида шеърлар миқдорининг нисбатан тўлиқлиги билан ажралиб туради. Уларни тузилиши жиҳатидан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб «Хазойину-л-маоний» нусхалари муаллиф берган тартиб асосида кўчирилган. Иккинчи гуруҳга тегишли қўлёзмаларда эса яхлитлаштирилган алифбо устунлик қилади. Бунда «Хазойину-л-маоний»даги «Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб», «Бадойиу-л-васат» ва «Фавойиду-л-кибар» таркибидаги барча шеърлар араб алифбоси кема-кетлигида яхлитлаштириб кўчирилган. Бунда шеърларнинг жойлашуви девон тузувчиси ихтиёрида бўлиб, бир нусхада олтинчи ўринда келаётган ғазал, бошқа бир нусхада йигирманчи ўринга тушиб қолиши мумкин. «Хазойину-л-маоний»нинг яхлитлаштирилган алифбо тизимидаги нусхаларида шеърларнинг жойлашувида уларнинг мазмунидан келиб чиқиб ёндашилган бўлиши эҳтимоли баланд. Шоирнинг фондда сақланаётган терма девонлари хусусида улар қайси даврга оид бўлмасин, таркиб жиҳатидан, деярли оригинал экани, камдан-кам ҳолларда бири бошқасидан кўчирилгани ўртага чиқди. Хусусан, уларнинг бошланиши ҳам турлича бўлиб, баъзилари «Бадойиу-л-бидоя»нинг дебочаси билан бошланса, айримлари «Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб», «Бадой-

[1] Муродов М. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1971. – Б. 102.

иу-л-васат» ёки «Фавойиду-л-кибар»нинг биринчи ғазали билан бошланган. Улардан кўпи «Ғаройибу-с-сиғар»нинг биринчи ғазали билан бошланиши аён бўлди. Терма девонлар таркибидаги шеърлар тузувчи (у баъзан котибнинг ўзи ҳам бўлиши мумкин) ё буюртмачи томонидан ихтиёрий тарзда танланган. Бизнингча, бу ҳолатда шеърларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашув устунлик қилган бўлиши мумкин. Таркибдаги шеърларнинг ҳажми эса жилднинг ҳажмига кўра белгиланганини таҳлил қилиш мумкин.

Навоий девонларининг фондда сақланаётган нусхалари орасида XVII-XVIII асрларда кўчирилган қўлёзмалар озчиликни ташкил этади. Бизнингча, бу даврда сиёсий вазият туфайли қўлёзмалар жуда кам кўчирилган ёки мазкур даврга оид қўлёзмалар турли талофатлар қурбони бўлган. Шоир девонларининг фондда сақланаётган мазкур даврга оид қўлёзмалари қисман «Хазойину-л-маоний» ҳамда терма девонлар ҳолида бизгача етиб келган. Эътиборлиси, мазкур даврга оид қўлёзма девонлар географик жиҳатдан ҳудудини кенгайтиради. Шимолий Афғонистондан бир ёғи Ўрта Осиё, иккинчи тарафдан Ҳиндистонгача (Аҳмаднагар) бўлган ерларда Навоий девонларидан нусха кўчириш давом этгани аён бўлди. Мазкур даврда китобат қилинган «Хазойину-л-маоний» девони нусхалари ҳам муаллиф берган тартибдан ташқари яхлитлаштирилган алифбо тарзида кўчирилаверган. Бундай нусхаларда ғазалларнинг устида айнан қайси девондан олингани *Ғаройибдин*, *Наводирдин* каби ёзиб қўйилган, аммо ушбу маълумотлар ҳар доим ҳам муаллиф мусаннифотида кўчирилган «Хазойину-л-маоний» таркибий тузилишига мос келавермайди. Терма девонларда эса кўп ҳолларда «Бадойиу-л-бидоя»нинг дебочаси билан бошлаш анъанаси давом этганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, дебочасиз бошланган терма девонлар ҳам талайгина. Баъзи терма девонлар таркибида муаллифнинг деярли барча жанрдаги шеърлари мавжуд бўлса, айрим нусхалар фақат ғазал ёки ғазал ва рубоийдан ташкил топган.

Институт фондида сақлаётган қўлёзмалар XIX асрдан бошлаб Навоий девонларидан нусха кўчириш ҳудудий жиҳатдан ҳам, сон жиҳатдан ҳам чегара билмаганидан дарак бермоқда. Бу қўлёзма девонлар мазкур даврга келиб, хонликларнинг марказлари, шунингдек, Тошкент, Андижон, Наманган, Шаҳрихон, Шаҳрисабз, Чоржўй, Олтишаҳар, Офаринкент ва бошқа ҳудудларда адабиёт илми ва китобат иши нисбатан кенг ривожланганини намоён этади. Шоир девонларининг ниҳоятда кўп нусхалари айнан шу даврда кўчирилган. Уларнинг аксарияти терма девонлар тарзида китобат қилинган. Шунингдек, мазкур даврга оид «Хазойину-л-маоний»нинг тўлиқ нусхалари ва унинг таркибидаги девонларнинг алоҳида жилдланган қўлёзмалари ҳам талайгина. Аввалги асрларга оид терма девонлар таркибига оид фикрларимиз ушбу даврда кўчирилган терма девонлар таркибига ҳам тааллуқли. Фақат энди терма девонлар таркиби ҳудудларга кўра фарқланади. Шунингдек, «Арбаъин» («Чиҳил ҳадис») асари қўшиб китобат қилинган девонлар ҳам учрайди.

Навоий девонларининг мазкур бобда ажратиб олинган ҳар уч даврга тегишли қўлёзмаларининг аксарияти алоҳида жилдда китобат қилинган. Шу билан бирга, шоир девонини Фузулий девони билан бир жилдда кўчириш анъанаси ҳам бўлган. Яна девонларни муаллифнинг бошқа асарлари ёки Навоий шеърларига мухаммас боғлаган бошқа шоирлар ижодларидан намуналар билан бирга кўчирилганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бундай ҳоллар жуда кам учрайди. Алишер Навоий девонини мажмуалар таркибида кейинги давр шоирларининг девонлари билан китобат қилинишини учратмадик. Айтиш мумкинки, бунинг асосий сабаби Навоий девонларининг ҳажм жиҳатидан катта бўлганида бўлса, яна шоир ижодини бошқа ижодкорлар асарлари билан бир қаторга қўймаслик бўлиши мумкин. Бизнингча, бу ҳолат Навоий ижодининг ихлосмандларида шоирга нисбатан ҳурматсизлик ифодасини англатган бўлиши мумкин.

III БОБ. ДЕВОНЛАРДАН НУСХА КЎЧИРИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА ЧИҚҚАН ЎЗГАРИШЛАР

3.1-§. Терма девонлар таркибидаги шеърларнинг қиёсий тадқиқи

Навоий шеърлари жамланган шундай турдаги девонлар ҳам борки, уларнинг баъзилари шоир яшаган даврда, баъзилари эса шоир вафотидан сўнг бошқалар томонидан тузилгандир[1]. Навоий девонларига нисбатан *терма девон* атамасини фанга илк бор Ҳ.Сулаймонов олиб кирган. Навоий «Терма девон»лари ҳажм жиҳатидан ҳам, таркиб жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. «Терма девон»лар ким тарафидан тузилгани номаълум, уларни котибнинг ўзи тузган бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, бундай девонлардаги ғазаллар буюртмачининг талабига биноан танлаб кўчирилгандир.

Ушбу терма девонлар зоҳирий бир ном билан аталаверса-да, ботиний жиҳатдан ҳар бири алоҳида таркибга эга. Яъни каталогларда бу нусхаларнинг барчаси бир ном билан («Терма девон») тавсиф этилган, аммо кузатишларимиз уларнинг деярли ҳар бири оригинал таркибга эга эканини тасдиқламоқда. Ҳақли равишда савол туғилади: терма девонларни тузишда қандай девон манба вазифасини ўтаган? Терма девон тузувчиларда «Хазойину-л-маоний»нинг тўлиқ нусхаси бор бўлганми ёки бир терма девондан бошқаси юзага келаверганми?

Терма девонлар таркибини қиёслаб ўрганишимиз натижасида айрим нусхалар таркибидаги шеърлар «Хазойину-л-маоний»да мавжуд бўлмай, «Бадойиу-л-бидоя» ёки «Наводиру-н-ниҳоя» девонларидан олингани маълум бўлди.

Бу эса терма девондаги шеърлар Алишер Навоийнинг барча девонлари таркибидан олинганини англатади. Айни пайтда мазкур факт «Хазойину-л-маоний» девони тузилганидан кейин ҳам «Бадойиу-л-бидоя» ёки «Наводиру-н-ниҳоя» девонлари умумистеъмолда бўлганини ифода этади.

Шунингдек, терма девонлар таркибини ташкил этувчи шеърларнинг жанр масаласи ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Улар баъзан фақат ғазалдан иборат бўлса, баъзан ғазал ва рубоийдан, айрим ҳолларда эса бир неча жанрдаги шеърлардан тузилгани маълум бўлди. Тадқиқотимиз натижасида кейинги даврда кўчирилган терма девон қўлёзмаларига нисбатан бу масалага ҳатто регионал ёндашиш мумкинлиги ҳам аён бўлмоқда. Боиси Хоразм, Қўқон ва Самарқанд ҳудудида китобат қилинган терма девонлар таркиби жанрлар хилма-хиллиги хусусияти билан Тошкент ҳудудида кўчирилган терма девонлар эса асосан ғазал ёки ғазал ва рубоийдан ташкил топгани ўртага чиқди. Девонлар таркибини қиёсланг: Алишер Навоий. “Терма девон”лар. ЎзР ФАШИ асосий фонди 1973, 5533, 8985/II, 360/II рақамли қўлёзмалари – Тошкент ҳудудида кўчирилган. 11444/II, 11472, 7499, 7066 рақамли нусхалар – Самарқанд ҳудудида кўчирилган[2]. Эҳтимол, адабиёт саройдан ташқарида ривожлангани сари муаммога ўхшаш мураккаб жанрларнинг роли сусайиб борган бўлиши мумкин.

Маълумки, Навоийнинг ўзи томонидан тартиб берилган девонларда бир ҳарф билан

---

[1] Қаранг: Сулаймонов Ҳ. «Хазойинул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: Ўз ССР ФА нашриёти, 1959. – Б. IX-XI; Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий Оққуюнли мухлислар девони (1471). – Tokyo: «Research Institute for lanuages and cultures of Asia and Africa», 2015. – Б. 12-28.

[2] Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – С. 186-226.

якунланувчи ғазалларга турли номлар остида сарлавҳалар қўйилган. Масалан, «Alif ḥarfīnīŋ āfatlarīnīŋ ʻibtidāsī «Ğarāyib»dīn» «Alif ḥarfīnīŋ āfatlarīnīŋ ʻibtidāsī «Navādīr»dīn», «Alif ḥarfīnīŋ āfatlarīnīŋ ʻibtidāsī «Badoeʻ»dīn», «Alif ḥarfīnīŋ āfatlarīnīŋ ʻibtidāsī «Favāyid»dīn» каби. Терма девонларда эса бу ҳолат кам учрайди. Уларнинг аксариятида шеърлар сарлавҳасиз келаверади. Баъзан эса бир жанрга оид шеърларнинг бошланишида уларнинг жанри номи бошқа рангли сиёҳда ёзиб қўйилган ва навбатдаги шеърнинг бошланишида **«айдон лаҳу»** деб қайд этиб борилган.

Мазкур девонлар орасида XV–XVI асрларга оид нусхалари ҳам бор бўлиб, улар Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Пир Муҳаммад ибн Шайх Табризий, Пираҳмад ибн Искандар ва Абдурраҳим котиб каби замонасининг машҳур хаттотлари томонидан кўчирилган.

ЎзР ФАШИ асосий фондида 7701 рақами билан сақланаётган «Терма девон» Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан кўчирилган. Дарвеш Муҳаммад Тоқий XV асрнинг ўрталарида туғилган ва XVI асрнинг биринчи ярмига қадар яшаган. Унинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар етарлича сақланмаган[1]. М.Муродов (1893–1974) келтирган маълумотларга кўра: «Муҳаммад Тоқий нозик табиат шоир ҳамдир»[2]. У умри давомида улуғ зотларнинг асарларини кўчириш билан шуғулланган. Дарвеш Муҳаммад Тоқий Навоийнинг куллиётидан ташқари унинг терма девонлари, Абдурраҳмон Жомийнинг «Баҳористон» ва Ҳусайн Кошифийнинг «Лубби лубоби маънавий интихоби маснавий» номли асарларини ҳам китобат қилган[3].

7701- рақамли қўлёзманинг кўчирилган санаси номаълум. Тоқийнинг XVI асрнинг биринчи ярмигача яшаб ўтгани ҳисобга олинса, қўлёзма XV асрнинг охири ёки XVI асрнинг бошида китобат қилинган бўлиши мумкин. Қўлёзма матни хушхат настаълиқ хати билан 12-13 қатордан шарқ қоғизига кўчирилган. Икки устунда кўчирилган шеърларнинг атрофига зарҳал чизиқлар тортиб чегараланган. Қўлёзманинг айрим варақларининг чети матнга катта зарар етказмаган ҳолда емирилган, шунингдек, бу варақларнинг бир қисми реставрация қилинган. Жами 204 варақдан (1b–204a) иборат қўлёзма картондан ишланган тўқ яшил рангли муқовага жилдланган. Муқовасоз – [قاری منیر نعمت صحاف] – қори Мунир Неъмат саҳҳоф. Бичими: 21,5x12,8 см.

СВР каталогининг VII томида (оп. № 5055) ушбу қўлёзма нотўғри ном билан («Ғаройибу-с-сиғар») тавсиф қилинган. Кейинги йилларда нашр этилган каталогларда «Терма девон» номи билан мазкур хато бартараф этилган. Сабаби текширувлар натижасида унинг таркибида «Хазойину-л-маоний»нинг барча девонларидан шеърлар олингани аён бўлди. Шунингдек, ушбу нусхада келган айрим ғазаллар «Хазойину-л-маоний» таркибидан топилмади ва «Бадойиу-л-бидоя» девонидан олингани маълум бўлди.

Масалан: 5-ғазал, 9 байт, 9а:

Ё раб, улус ниҳони эмастур ниҳон санга,
Не дей ниҳон ғамимни, эрур чун аён санга.

8-ғазал, 7 байт, 17а:

Зиҳи ҳилолинг ўлуб ой бошиға тийғи бало,

[1] Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 14.
[2] Муродов М. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1971. – Б. 58.
[3] Муниров Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – Б. 17; Муродов М. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1971. – Б. 58.; Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – С. 14-15.

Бир олма сан икки ёрғон сену қуёш масло.

Нусханинг 1b–13a варақларини «Бадойиу-л-бидоя» девонининг дебочаси ишғол этган. Қўлёзма девон ғазал ва рубоий жанридаги шеърлардан иборат. Нусхада жами 581 та ғазал (14b–196b) ва 72 та рубоий (196b–204a) мавжуд.

Ғазаллар:

Alif – 44 та (14b–28a), *ba* – 19 + 1 та (28a–36b), *pe* – 1 та (35b–36a), *ta* – 12 та (36b–39b), *ṣa* – 3 та (40ab), *jim* – 2 та (40b–41b), *čim* – 2 та (41b–42a), *ḥāyi ḥuttiy* – 5 та (42a–43b), *ḫa* – 4 та (43b–45a), *dāl* – 5 та (45a–46b), *ẕāl* – 1 та (46b), *re* – 91 та (47a–75a), *ze* – 18 та (75a–80b), *že*– 1 та (81a), *sin* – 12 та (81a–84b), *šin* – 18 та (85a–90b), *ṣād* – 3 та (90b–91b), *żād* – 4 та (91b–92b), *ṭā* – 2 та (92b–93b), *ẓā* – 2 та (93b–94a), *ʻayn* – 7 та (94a–96a), *ğayn* – 8 та (96a–98b), *fe* – 4 та (98b–100a), *qāf* – 11 та (100a–103a), *kāf* – 38 та (103b–114b), *lām* – 36 + 1 та (114b–126a), *mim* – 47 та (126a–140a), *nun* – 77 та (140b–164b), *vāv* – 12 та (164b–168a), *hoyi havvaz* – 37 та (168a–180a), *yāy* – 53 та (180a–196b).

Навоий «Терма девон»ининг ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланаётган яна бир нусхаси (№ 9672) 940/1533–1534 йил котиб Пираҳмад ибн Искандар томонидан майда, нафис настаълиқ хатида шарқ қоғозига китобат қилинган. Матн икки устунда бўлиб, атрофи кўк ва зарҳал билан ўралган. 1b варағига унвон ишланган. Қўлёзма 543 варақдан (1b–543b) иборат бўлиб, яшил рангли муқова остида сақланиб келмоқда. Муқовасоз – [محمد ناصر] – Муҳаммадносир. Нусханинг бичими: 24,5x15 см.

Маълумотларга кўра, Эрон Ислом Республикаси Малик миллий кутубхонаси қўлёзмалар фондида 4759 рақами билан сақланаётган қўлёзма ҳам Навоий девонининг Пираҳмад ибн Искандар кўчирган нусхасидир[1]. Каталогда «Девон-и Навоий» номи билан тавсиф қилинган ушбу нусха 406 варақ бўлиб, кўчирилиш тарихи – 931/1524–1525 йилдир. Унинг айнан қайси левон эканини аниқлаш учун табиийки, таркибидаги шеърлар билан танишиб чиқиш лозим бўлади. Муҳими, котиб Пираҳмад ибн Искандар 10 йил ичида Алишер Навоий девонларидан иккитасини кўчиргани маълум бўлди.

9672- рақамли қўлёзма «Бадойиу-л-бидоя» девонининг дебочаси билан бошланади (1b):

فصاحت دیوانی نینک غزل سرای لاری طبع مخزنیدین شوریده حال عاشقلار خرمنی

(Fasāhat devānïnïŋ ğazal sarāylarï tab'i maxzanïdïn šoridahāl āšïqlar xïrmanï...).

Унинг якуни шундай (543b):

اکر خود اولسا ملیح اجری رحمتنک دور انینک و لو یکون قبیحاً فمنه تبت الیک

Қўёзманинг колофонида ўқиймиз (543b):

تم الکتاب علی ید اضیف ... پیراحمد ابن اسکندر عنا عنهما الملک الا کبر سنه ۰۴۹

Алишер Навоий «Терма девон»ларидан яна бири 2790 рақами билан ЎзР ФАШИ асосий фондида сақланмоқда. Қўлёзмани ражаб 959/июнь–июль 1552 йилда котиб Абдурраҳим кўчирган. Матннинг асосий қисми қора, сарлавҳа номлари зарҳал ва бошқа ранглар билан настаълиқ хатида кўчирилган. Икки устунга ажратилган шеърлар матнини мовий ва зарҳал чизиқлар ўраб олган. Қўлёзма бошланишидаги зеб берилган икки варақ узоқ вақт давомидаги етралича эътиборсизликдан зарарланган. 147 варақдан (1b–147a) иборат мазкур қўлёзма муқовасоз – [ملا میر محمد سیف الله صحاف] – Мулла Мирмуҳаммад Сайфуллоҳ саҳҳоф томонидан шамса ва лола тасвирли қизил картон муқовага жилдланган. Варақлар ўлчами

[1] Aydın Ş. İran kütüphaneleri türkçe yazmalar kataloğu. – İstanbul: «Timaş yayınları», 2008. – 159 s.

– 24x14 см.

Девон СВРнинг II томида 1283- рақамли тавсифда «Ғаройибу-с-сиғар» дея нотўғри ном олган[1]. Боиси унинг таркибидаги шеърлар «Хазойину-л-маоний»нинг барча девонларидан ўрин олган.

2790- рақамли «Терма девон»нинг бошланиши шундай (1b):

اشرقت من عكس شمس الكأس انوار ألهدى
يار عكسين مي دا كور ديب جام دين چقتى صدا
(‘Ašraqat min ‘aksi šamsi-l-ka’si anvāru-l-hudā,
Yār ‘aksïn mayda kör, deb, jāmdïn čïqtï ṣadā).

Қўлёзма ушбу мисралар билан якун топади (147a):

سيل يولیندا فنا دشتى دا مژكانيم ايماس كوزلار
چو قلارى نينک دوديكان اوقلارى دور
(Sayl yolïnda fanā daštïda mujgānïm emäs,
Köz ālačuqlarïnïŋ dud yegän oqlarïdur).

Девон котибининг хотимасида ўқиймиз (147a):

تمت الكتاب بعون الملک الوهاب فى عشر شهر رحب المرحب سنه تسع و جمسين وتسعماءة كاتب العبد فقير حقير عبد الرحيم ٩٥٩

Қўлёзма девон Навоийнинг ғазал (1b–123b), мусаддас (123b–125a), мухаммас (125a–127b), таржиъбанд (128a–134a), қитъа (134a–137b), рубоий (137b–139b), чистон (139b–143b), туюқ (143b–144b) ва фард (144b–148a) жанридаги шеърларидан таркиб топган.

Навоий ғазалларнинг мазкур девон варақларига мос кўрсаткичи қуйидагича:

ا *alif* – (1b–5b), ب *ba* – (5b–10b), پ *pe* – (10b), ت *ta* (10b–13b), ث *ṣa* (13b–14b), ج *jim* (14b–15b), چ *čim* (15b–16a), ح *ḥāyi ḥuttiy* (16a–17a), خ *ḫa* (17a–18a), د *dāl* (18a–20a), ذ *ẕāl* (20ab), ر *re* (20b–42a), ز *ze* (42a–45b), س *sin* (46a–48b), ش *šin* (48b–53a), ص *ṣād* (53b–54a), ض *żād* (54a–55a), ط *ṭā* (55ab), ظ *ẓā* (55b–56a), ع *‘ayn* (56a–58a), غ *ğayn* (58a–59b), ف *fe* (60a–61a), ق *qāf* (61ab), ك *kāf* (62a–68a), ل *lām* (62a–76a), م *mim* (76a–87a), ن *nun* (87a–107a), و *vāv* (107a–109b), ھ *hoyi havvaz* (109b–117a), ى *yāy* (117a–123b).

Нусхадаги икки мусаддасдан биринчиси «Бадойиу-л-васат», иккинчиси «Фавойиду-л-кибар» девонидан олинган:

Jānïm örtärgä ul otluq čehra gulzār-i Ḫalil,
Anï ravšan äylägän kokurd otï yanïda nil (123b–124b).
Zulf-u siymïn jismïŋ af’ï ganj-i Qārun ustïna,
Ganj üzä sāḥir közüŋ af’ïğa afsun ustïna (124b–125a).

Ушбу «Терма девон»дан жой олган мухаммаслар бешта бўлиб, уларнинг «Хазойину-л-маоний» девонларидаги тақсимоти шундай.

«Бадойиу-л-васат»дан (125ab):

Šarbat-i yuḥyil ‘iẓām erni mayï nābindadur,

[1] Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – С. 220.

Sura-i "vaššams" tafsirï yüzi bābïndadur,

«Наводиру-ш-шабоб»дан (125b–126a):

Masnad-i ḫusn üzrä tā-kim körmišäm ul šāhnï,
Tiyra äyläbmen fiğāndïn nilgun ḫirgāhnï,

«Ғаройибу-с-сиғар»дан (126ab):

Ḫalqa-yi zulfuŋda köŋlüm bolğalï ğam maḫramï
Ul qara qayğu bilän savdāda čun artar ğamï

«Ғаройибу-с-сиғар»дан (126b–127b):

Āhkim, tark-i muḥabbat qïldï jānān ʻaqibat,
Boldum ušbu ğuṣṣadïn rasvāyï davrān ʻaqibat.

«Ғаройибу-с-сиғар»дан (127b):

Āh-kim, valih men ul sarv-i ḫirāmāndïn judā,
Közlärim giryāndur ul gul barg-i ḫandāndïn judā[1].

Қўлёзма девондан муаллифнинг «Ғаройибу-с-сиғар» ва «Наводиру-ш-шабоб»га оид икки таржиъбанди ўрин эгаллаган:

Ketür sāqiy, ul mayki, ṣubḥi alast
Anïŋ naš'asïdïn köŋül erdi mast (128a–131a).
Jahān qaṣrïğadur sü üzrä bunyād
Ču yoq bunyādï andïn bolmāğïl šād (131a–134a).

Ушбу «Терма девон» таркибидан жой олган муқаттаотнинг сарлавҳалари қўйилмаган.

Қўлёзма матнида сўзларнинг тушиб қолиши ҳолатлари ҳам учрайди. Жумладан, 144b варақда кўчирилган фарднинг биринчи мисрасидаги *ḫaq* сўзи тушиб қолган.

Ulki, ḫaq barïnda maqṣud istägäy har ẕātdïn,
Mehr barïnda yāruğluğ köz tutar ẕarrātdïn.

Кўриб чиққанимиздек, Алишер Навоий «Терма девон»ларининг таркиби ва улардаги шеърларнинг тартиби турлича. Ушбу девонларга нисбатан бир нусханинг таркиби ёки тартиби бошқасини айнан такрорлайди, деб айта олмаймиз.

3.2§. Куллиётлар таркибидаги «Хазойину-л-маоний» нусхаларининг қиёсий тадқиқи

Алишер Навоий куллиётининг нусхалари ҳозирги кунда дунёнинг йирик қўлёзма фонд-

[1] Қўлёзмада мазкур мухаммаснинг сўнгги икки банди тушириб қолдирилган.

ларида кенг тарқалган. Улар Буюк Британия, Франция, Россия, Туркия, Эрон ва Ўзбекистондаги шарқ қўлёзмалари фондларида сақланмоқда[1]. Мазкур куллиётлар турли даврларда ва турли таркибда кўчирилган. Бу қўлёзмалар каталогларда тавсиф қилинган, шунингдек, бир қисми айрим тадқиқотларда ўрганилган[2].

Ушбу тадқиқотлар йигирманчи асрнинг эллигинчи-саксонинчи йилларида ёзилган ва, асосан, Навоий куллиётининг ўша давргача маълум бўлган 8 та нусхаси устида олиб борилган.

Навоий куллиётининг Истанбул нусхалари ҳақида дастлабки батафсил маълумотни (Тўпққопи – Реван, инв. № 808; Сулаймония, инв. № 4056) Огаҳ Сирри Левенднинг (1897–1978) каталогида учратамиз[3].

Д.Рўзиева ўз мақоласида: «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номли адабиёт музейи ўзининг қўлёзмалар фонди хазинасига Навоий куллиётининг янги Кошғар нусхасини қабул қилганини», маълум қилади[4]. У мазкур куллиётнинг китобатига оид маълумотларни бериш билан бирга қўлёзма котибининг XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида яшаб ижод этган уйғур адабиётининг классик шоирларидан бири Абдурраҳим Низорий эканини исботлашга уринади. Олима ушбу котибнинг Навоий асарларининг яна бир нечта нусхасини кўчирганини ёзаркан, бу жараён ортида уйғур халқининг буюк мутафаккир шоир ижодига чексиз муҳаббати ётганини таъкидлайди. Ушбу мақола Навоий куллиётининг Тошкент нусхасини тадқиқ этиш йўлидаги дастлабки қадамдир.

Профессор Ҳ.Сулаймонов Навоий куллиётининг тадқиқотчисигина бўлиб қолмай, ушбу қўлёзма китоблар фото нусхаларининг юртимиз фондларига олиб келинишида ҳам жонбозлик кўрсатди[5]. Олим: «Навоий қўлёзма куллиётларининг жаҳон кутубхоналарида мавжуд бўлган, ҳар жиҳатдан энг мўътабар ҳисобланган саккиз нусхасини Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги навоийшунослик хонасига тўплашга муяссар бўлгани»ни

[1] Биз Алишер Навоий куллиётининг хорижда сақланаётган барча нусхасидан бевосита фойдаланиш имконига эга эмасмиз, шунинг учун қўлёзмаларнинг айримларига нисбатан батафсил тўхталсак, айримлари ҳақида каталоглардан олган маълумотларни бериш билан чекландик. Истанбул ва Париж нусхаларининг фото нусхасини тақдим этгани учун филол.ф.д. А.Эркиновга миннатдорчилик билдирамиз.

[2] Қаранг: Aydın Ş. İran kütüphaneleri türkçe yazmalar kataloğu. – İstanbul: «Timaş yayınları», 2008. – S. 44-72; Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S 130-146; Алишер Навоий: қомусий луғат. Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Ш.Сирожиддинов. Ижодий гуруҳ: С.Ғаниева, А.Эркинов, О.Давлатов, Э.Очилов, К.Муллаҳўжаева, Д.Юсупова, З.Мамадалиева, И.Исмоилов, А.Маликов, Л.Жўраева. – Тошкент: «Шарқ», 2016. II том. 479 б.; Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 220-291; Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Сборник статей под редакцией А.Боровкова. – Москва–Ленинград, 1946. – С. 232-233; Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 83-92; Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 14-27; Ҳакимов М. Алишер Навоий куллиётини илмий тавсифлаш тажрибасидан // Адабий мерос – 15. – Тошкент, 1980. – Б. 9-16; Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. 198 б.; Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент, 2017. –Б. 59; Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент: «Davr Press», 2013. – Б. 134.

[3] Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S 130-146; Эркинов С. Таниқли навоийшунос турк олими [Огаҳ Сирри Левенд ҳақида] // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991, № 4. – Б. 79-82; Мадалиева О. Огаҳ Сирри Левенд Навоий асарлари феҳрестнависи // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – В. 77-83.

[4] Рўзиева Д. Навоий куллиёти Низорий қаламида // Тошкент оқшоми. 1970 йил, 12 октябрь. – Б. 3.

[5] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 83-92.

ёзади[1]. Бунда у Навоий куллиётининг Истанбул (Тўпққопи – Реван, инв. № 808; Сулаймония, инв. № 4056), Санкт-Петербург (Россия Миллий кутубхонаси, инв. № 55; инв. № Дорн. 558), Париж (Франция Миллий кутубхонаси, Suppl. turc. инв. № 316 ва 317), Лондон (Британия қироллиги Осиё жамиятининг кутубхонаси, инв. № OR 47) ва Тошкент (ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи, инв. № 842[2]; ЎзР ФАШИ, инв. № 316) нусхаларини назарда тутган. Аммо ҳозирда ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида мазкур куллиётлардан фақат Париж (Франция Миллий кутубхонаси, Suppl. turc. инв. № 316 ва 317) ва Истанбул (Сулаймония, инв. № 4056) қўлёзмаларининг фото нусхаси сақланади. Қолган нусхалар, хусусан, Санкт-Петербург (Россия Миллий кутубхонаси, инв. № 55; инв. № Дорн. 558), Лондон (Британия қироллиги Осиё жамиятининг кутубхонаси, инв. № OR 47) ва Тошкент (ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи, инв. № 842) куллиётлари фото нусхаларининг тақдири номаълум, аммо бу нусхаларнинг деярли бари Ҳ.Сулаймоновнинг қўлида бор бўлгани аниқ[3]. Сабаби мақолага саккиз нусханинг таркиби ҳақидаги маълумотлар келтирилган жадвал илова қилинган[4].

Ҳ.Сулаймонов ушбу саккиз куллиётнинг ҳар бирига алоҳида тўхталган. Мақола бошланишида Алишер Навоий асарларининг китобати услубига оид муҳим фикрларини билдиради. Ушбу тадқиқотда Навоий куллиётининг тасниф (тузилиш) тарихи ва биринчи мусаннифлари, тасниф қоидалари, таркиби ва редакциялари тўғрисида қисқача маълумот берилади[5]. Мақола сўнгида: «Куллиётнинг Париж нусхаси мукаммал кўрсаткичлар билан, тушиб қолган алоҳида байт ва насрий парчалари Тўпқопи ва Санкт-Петербург нусхаларидан олиб тўлдирилган ҳолда XV асрнинг миниатюра, шамс, унвон, бадиий ҳошия ва турли нақшлари билан зийнатланиб, айни вақтда темурийлар даври китобат санъатининг олий намунаси сифатида нашрга тайёрлангани ҳамда тез орада факсимиле тарзида чоп этилиши»ни эълон қилади[6]. Бироқ номаълум сабабларга кўра, ушбу нашр амалга оширилмай қолган.

Ҳ.Сулаймонов «Алишер Навоийнинг Париж куллиёти» номли мақоласида мазкур куллиётнинг таркиби, ҳажми, ўлчами, қачон, қаерда, ким томонидан кўчирилгани ва Франция Миллий кутубхонасига бориб қолиши тарихи каби маълумотларни тақдим этган[7]. Шунингдек, қўлёзмага ишланган миниатюралар тарихи билан боғлиқ санъатшунослар ўртасида кечган баҳсли тафсилотларни ёритади[8]. Унда олим 8 йил олдин чоп қилган мақоласидаги Париж куллиётининг факсимиле нашрини эълон қилиниши ҳақидаги маълумотга тўхталмайди.

Шарқ китобат санъатида куллиёт тузиш, хусусан, Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари ҳақида М.Ҳакимов ҳам тадқиқот олиб борган. «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» номли каталогнинг «Сўз боши» қисмида олим Навоий куллиётининг Тошкент нусхалари тарихи хусусида сўз юритади[9]. Каталог ушбу қўлёзмаларнинг монографик тав-

[1] Ўша мақола. – Б. 85.

[2] Ҳ.Сулаймонов Алишер Навоий давлат адабиёт музейида мазкур куллиётнинг фото нусхаси мавжудлигини, асли шахсий кутубхонада сақланишини ёзган.

[3] Ҳ.Сулаймонов Навоий куллиётининг фақат Сулаймония кутубхонасида сақланаётган (инв. № 4056) нусхаси ҳақидаги маълумотларни Огаҳ Сирри Левенд каталогидан олганини ёзган.

[4] Ўша мақола. – Б. 86-87.

[5] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 83.

[6] Ўша мақола. – Б. 92.

[7] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоийнинг Париж куллиёти // Шарқ юлдузи. – Тошкент. 1981. № 2. – Б. 191-194.

[8] Ўша мақола. – Б. 193.

[9] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 3-13.

сифидан[1] бошланади[2].

М.Ҳакимов Шарқ китобат ишида куллиёт тузиш дастлаб форс мумтоз адабиётида бошланганини ёзиб, Саъдий Шерозий (1213–1293), Хусрав Деҳлавий (1253–1325), Абдурраҳмон Жомий (1414–1492) куллиётларини мисол келтиради[3]. Олим туркий адабиёт тарихида энг мукаммал куллиёт Алишер Навоий асарларига тузилганини ва бу мерос бўйича тузилган куллиётларнинг энг биринчисининг мусаннифи муаллифнинг ўзи экани қувончли ҳодиса эканини таъкидлайди[4]. У Навоий куллиётининг илк қўлёзмасига «Девони Фоний» ва «Рисола-йи муфрадот» каби муаллифнинг форсийдаги асарлари онгли равишда киритилмаганини, бу принцип Навоийнинг ўзбек адабиёти ва ўзбек тили равнақи учун қилган хизматларини яхлит, бир бутун ҳолда кўрсатишга бўлган интилиш бўлганини айтади[5]. М.Ҳакимов бу хулосаси билан Ҳ.Сулаймоновнинг шу маънодаги фикрларини мустаҳкамлаган[6].

Ҳ.Сулаймонов ва М.Ҳакимов таъкидлаганидек, Навоий куллиёти нусхаларига муаллифнинг фақат туркий тилдаги асарлари жамланиши рамзий маъно ифодалайди. Бунда Навоийнинг туркий тил ва адабиёт тарихига қўшган ҳиссасини яхлит кўрсатиш, ўзбек халқи даҳосининг эпопеясини яратиш мақсад қилинган[7].

Кейинги йилларда Навоий куллиётининг Эрон Ислом Республикаси ҳудудидаги қўлёзма фондларида сақланаётган нусхалари ҳам фанга маълум бўлди[8]. Д.Рўзиева, Ҳ.Сулаймонов ва М.Ҳакимов каби олимларнинг мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотларида Навоий куллиётининг Эрон нусхалари ҳақида маълумот учрамади.

Мазкур фаслда куллиёт атамаси Алишер Навоий асарлари жамлаб кўчирилган қандай қўлёзмаларга нисбатан ишлатилганда мақсадга мувофиқ эканига аниқлик киритилади. Адибнинг турли ўлкаларда китобат қилинган куллиётлари асосан манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Уларнинг таркибидан ўрин олган асарлар, хусусан, «Хазойину-л-маоний» девонлар мажмуаси қиёсий методда ўрганилади. Навоий асарларининг куллиётларга жойлаштириш тартиби юзасидан қўлёзмалар кўчирилган давр адабий муҳити, хусусан, қайси муҳитда қандай адабий жанрларнинг етакчилиги масаласида тадқиқот муаллифининг шахсий қарашлари баён этилади.

Куллиёт [كليات] сўзи арабча бўлиб, «жамланган», «тўпланган» маъносини билдиради ва узоқ асрлар шарқ адабиётида қўлланиб келади[9]. «Куллиёт – шоир ёки адиб асарларининг бир муқовага олинган яхлит, мукаммал тўплами. Алишер Навоий умрининг охирида ўз асарларининг куллиётини тузди ва унга фақат ўзбек тилидаги 26 асарини киритди. Кейинги асрларда тузилган Алишер Навоий куллиётлари унчалик мукаммал эмас. Лекин улар шоирнинг асосий йирик асарларини («Хазойину-л-маоний», «Хамса», «Лисону-т-тайр», «Маҳбубу-л-қулуб») ўз ичига олганлиги учун нотўлиқ куллиёт, деб юритилаверади», – дея

[1] Монографик тавсиф кенг қамровли тавсиф бўлиб, у йирик илмий мақола қаторида юради. Қаранг: Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент, 2017. –Б. 185.

[2] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 17-39.

[3] Ҳакимов М. Шарқ китобат ишида “Куллиёт”нинг ўрни // Адабий мерос. – Тошкент. 1988, №. 3 (45) – Б. 75.

[4] Ўша мақола, ўша бет.

[5] Ўша мақола. – Б. 77.

[6] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 92.

[7] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 93; Ҳакимов М. Шарқ китобат ишида “Куллиёт”нинг ўрни // Адабий мерос. – Тошкент. 1988, №. 3 (45) – Б. 77.

[8] Aydın Ş. İran kütüphaneleri türkçe yazmalar kataloğu. – İstanbul: «Timaş yayınları», 2008. – S. 44-72.

[9] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 84.

қайд этилган «Шарқ манбашунослиги луғати»”да[1].

М.Ҳакимов: «Шарқ китобат ишининг энг олий тури – куллиётдир», дейди ва унинг тузилишига доир қуйидаги қоидаларни баён қилади: куллиёт ҳажми ва ўлчовидан қатъи назар фақат бир қўлёзма китобдан иборат бўлади; қўлёзма таркибида фақат бир шоир ёки адиб адабий меросининг деярли ҳаммаси ёки асосий қисми жамланади; унинг таркибига ўша шоир ёки адибнинг фақат бир турдаги эмас, балки бир неча турдаги, масалан: лирик, эпик, прозаик, илмий мероси киритилади; куллиёт таркибига кирган асарлар маълум тартибда жойлашади; қўлёзмани китобат қилинишига қанча вақт кетишидан қатъи назар уни бошидан охиригача фақат бир котиб кўчириб чиқади[2].

«Навоий асарларининг қўлёзмалари тавсифи» каталогида бешта қўлёзма куллиёт номи остида илмий тавсиф қилинган[3]. М.Ҳакимовнинг куллиётга берган юқоридаги таърифига кўра улардан фақат биттаси куллиёт бўла олади, чунки қолган тўрт қўлёзмада Навоийнинг ўн битта асари жамланган. Бизнингча, кейинги тадқиқотларда уларни бошқа ном остида (масалан, тўплам) тавсиф қилингани маъқул. Каталогнинг «Сўз боши»сида муаллифнинг ҳам шу маънодаги қарашлари бор[4]. Алишер Навоий асарлари қўлёзмалари тавсиф қилинган бошқа каталогларда ҳам худди шу муаммога дуч келинади. Масалан, Шоди Ойдин Эрон Ислом Республикаси фондларига тегишли таркибида олтита асар мавжуд бўлган баъзи қўлёзмаларни ҳам куллиёт номи остида тавсиф қилган. Қуйида ушбу қўлёзмаларнинг каталогдаги тавсиф маълумотлари келтирилади, тадқиқот сўнгида эса тегишли хулосалар баён этилади.

Навоий куллиётининг Тўпқопи кутубхонаси, Реван фондида сақланаётган нусхаси (№ 808) 901/1496–1497 йил – муаллиф ҳаётлик чоғида Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан кўчирилган[5].

Қўлёзма 26 асардан иборатдир. У «Муножот» (2b–3b) билан бошланади. Сўнг хутбаъи давовин (Навоийнинг «Бадойиу-л-бидоя» девонига ёзган дебочаси – 4б–5б) келади.

Диний-фалсафий ва тазкира асарлар билан давом этади: «Чиҳил ҳадис» («Арбаъин»; 6b–7b), «Сирож ул-муслимин» (8a–9b – бошланишида бир варағи йўқ), «Назму-л-жавоҳир» (10b–18a), «Лисону-т-тайр» (19b–54b), «Насойиму-л-муҳаббат» (55b–175a).

Куллиётда «Хамса» достонларининг тартиби шундай: «Ҳайрату-л-аброр» (176b–213b), «Лайли ва Мажнун» (214b–249a), «Фарҳод ва Ширин» (250b–305b), «Сабъаи сайёр» (306b–353b), «Садди Искандарий» (354b–422a).

Кейинги ўринни «Хазойину-л-маоний» таркибидаги девонлар: «Ғаройибу-с-сиғар» (423b–481b), «Наводиру-ш-шабоб» (482b–539a), «Бадойиу-л-васат» (540b–596b), «Фавойиду-л-кибар» (597b–658b) ишғол этган.

Куллиёт «Мажолису-н-нафоис» (659b–693a), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (694b–718a), «Тарихи мулуки ажам» (718b–733b – қўлёзмада асарнинг сарлавҳаси йўқ), «Ҳолоти Сайид Ҳасан» (734b–737b), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» (738a–741a), «Вақфия» (742b–749b), «Мезону-л-авзон» (750b–757b), «Хамсату-л-мутаҳаййирин» (758b–773a), «Муҳокамату-л-луғатайн» (774b–781b) каби тазкира, тарихий асарлар, маноқиблар, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид асарлар давом эттирилиб, «Муншаот» (782b–802b) билан тугайди.

Навоий куллиётининг Сулаймония кутубхонасида сақланаётган яна бир нусхаси (№

[1] Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. – Тошкент: «Davr Press», 2013. – Б. 134.
[2] Ҳакимов М. Шарқ китобат ишида “Куллиёт”нинг ўрни // Адабий мерос. – Тошкент. 1988, №. 3 (45) – Б. 74.
[3] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 17-39.
[4] Ўша каталог. – Б. 6.
[5] Алишер Навоий. Куллиёт. Тўпқопи кутубхонаси, Реван фонди: № 808. – Ҳирот, 901/1496–1497. Котиб: Дарвеш Муҳаммад Тоқий. 802 в.

4056) мавжуд бўлиб, кўчирилиш тарихи номаълум[1]. Нусхада Султон Маҳмуд I нинг (1730-1754) муҳри мавжудлиги куллиётнинг мазкур султон ҳукмронлиги даврида ёки ундан аввал тасниф қилинганини билдиради.

Қўлёзманинг таркиби шундай:

«Муножот» (1b–2b), «Чиҳил ҳадис» (3b–4a), «Назму-л-жавоҳир» (5b, 9b–16b), «Сирожу-л-муслимин» (6b–8b), «Лисону-т-тайр» (17b–51a), «Насойиму-л-муҳаббат» (52b–163a), «Ҳайрату-л-аброр» (164b–203a), «Фарҳод ва Ширин» (203b–260b), «Лайли ва Мажнун» (261b–293a), «Сабъаи сайёр» (293b–338b), «Садди Искандарий» (339b–405b), хутбаъи давонин (Навоийнинг «Бадойиу-л-бидоя» девонига ёзган дебочаси – 406b–409b), «Ғаройибу-с-сиғар» (411b–470b), «Наводиру-ш-шабоб» (471b–528a), «Бадойиу-л-васат» (529b–583b), «Фавойиду-л-кибар» (584b–646a), «Мезону-л-авзон» (647b–657b), «Мажолису-н-нафоис» (659b–691a), «Хамсату-л-мутаҳаййирин» (692b–706b), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (707b–731a), «Тарихи мулуки ажам» (731b–745b), «Ҳолоти Саййид Ҳасан» (746b–749b), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» (749b–753a), «Вақфия» (754b–758b), «Муншаот» (759b–775b), «Муҳокамату-л-луғатайн» (776b–784a).

Афтидан, куллиётни таъмирлаш вақтида «Назму-л-жавоҳир» ва «Сирожу-л-муслимин» асарларининг варақлари ўрни алмашган[2].

Огаҳ Сирри Левенднинг маълум қилишича, ушбу куллиётлар девонлардаги шеърлар ва «Мажолису-н-нафоис»даги шоирлар сони турлилиги билан фарқ қилади. Куллиётларда асарларнинг берилиш тартиби ҳам ўхшаш. Навоийнинг «Хазойину-л-маоний»га ёзган дебочаси, форсий асарлари, шунингдек, «Маҳбубу-л-қулуб» асари иккала нусхага киритилмаган[3].

«Ўзбекистон маданий мероси» туркум нашрларидан бири «Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари» китоб-альбомида Алишер Навоий куллиётининг мазкур кутубхонада сақланаётган уч нусхаси тавсифи берилган (Хаников, 55; Дорн, 558; Дорн, 559)[4].

Куллиётлардан бири (Хаников, 55) 904 йил 22 зулҳижжа/1499 йил 31 июлда Ҳиротда китобат қилинган. Нусханинг ҳажми: 550 варақ, бичими: 33x22. Матн сифати турлича бўлган юпқа лакланган ялтироқ қоғозга настаълиқ хатида 27 сатрдан китобат қилинган. Назмий асарлар 4 устунли, насрий асарлар эса устунга олинмаган. Матннинг асосий қисми қора, сарлавҳалар қизил сиёҳда кўчирилган. Қўлёзмада бир неча марта таъмирлаш излари мавжуд. Муқовалаш Ўрта Осиё китобат санъатининг сўнгги даврларига оид[5].

Ушбу куллиёт таркиби Навоийнинг қуйидаги асарларидан иборат:

«Лисону-т-тайр» (1b–36a), «Фарҳод ва Ширин» (37b–94b), девонларга «эски» сўзбоши («Бадойиу-л-бидоя» дебочаси бўлса керак, 95b–98b), «Муншаот» (99b–100b), «Вақфия»

[1] Алишер Навоий. Куллиёт. Сулаймония кутубхонаси: № 4056. – 784 в.

[2] Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S. 143.

[3] Ўша каталог. – S. 77-83.

[4] Ушбу қўлёзмалар ҳақида қаранг: Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Сборник статей под редакцией А.К. Боровкова. – Москва–Ленинград, 1946.– С. 232-233; Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: Uzbekistan today, Zamon press info, 2017. – Б. 220-291.

[5] Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 220.

(111b–118b), «Ғаройибу-с-сиғар» (119b–177b), «Наводиру-ш-шабоб» (178b–234b), «Бадойиу-л-васат» (235b–292b), «Лайли ва Мажнун» (294b–329b), «Сабъаи сайёр» (330b–378a), «Садди Искандарий» (378b–448a), «Фавойиду-л-кибар» (449b–510a) ва «Ҳайрату-л-аброр» (511b–550a).

Тавсиф муаллифи: «Навоийнинг ҳаётлик чоғларида тузилган ушбу куллиётнинг асосий қисмини муаллиф ўзи ёзгани» ҳақида тахмин қилади ва Ханиковнинг тўпламини сотиб олаётган пайтдаёқ ёзган: «Ушбу тўпламдаги қўлёзмаларнинг кўпчилиги муаллифлар томонидан ёзилган ёки кўриб чиқилган, айтайлик, Навоий асарларининг тўлиқ тўплами ва Зайну-л-Обидиннинг саёҳатлари шу жумладандир» маълумотини келтиради.

Тавсифловчи ушбу фикрларни исботлашда давом этади: «Биринчидан, «Садди Искандарий»да ёзувчи Аллоҳдан ўзи, (яъни ёзган инсон), шунингдек, ўқиган ва қараган одамга марҳамат қилинишини сўрайдию, аммо ҳаёт бўлмаган муаллифни назарда тутмайди, бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «кўчирган/ёзган ва тўқиган/ёзган»лар битта шахсдир. Иккинчидан, ёзув гарчи оддий китобларни кўчириш талабларига жавоб берса-да, нозик хаттотлик намунаси бўлолмайди. Учинчидан, профессионал кўчирувчилар колофонда арабча «таммат» («тугади») сўзини ишлатишади, ушбу тўпламнинг баъзи колофонларида эса худди шундай маънони англатувчи туркча «тугенди» сўзи ишлатилган. Тўртинчидан, баъзи жойларда муҳаррирлик тузатишлари киритилган (тўғри, бу ишни бошқа шахс амалга оширган бўлиши ҳам мумкин)»[1].

Бизнингча, келтирилган айрим фикрлар кишини бироз мулоҳазага ундайди. Масалан, биринчи далил сифатида берилган «Садди Искандарий» достонининг колофон матни ҳақидаги фикр, яъни досттонни кўчирувчи Аллоҳдан марҳамат сўраётган маҳал «ҳаёт бўлмаган муаллифни (!) назарда тутмаслиги». Биз юқорида келтирган қўлёзманинг 904 йил 22 зулҳижжа/1499 йил 31 июлда кўчирилгани ҳақидаги маълумотни айнан шу каталогдан олдик. Маълумки, Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этган. Шундай экан, нега кўчирувчининг «марҳум муаллифни эсламагани» ҳақида сўз боряпти?

Учинчи далил, яъни «профессионал кўчирувчилар колофонда арабча «таммат» («тугади») сўзини ишлатишлари» ва ушбу куллиётнинг кўпгина асарлари якунида «тугенди» (аслида, *туканди* ёки *туганди*) туркий сўзнинг қўлланган масаласи. Тўғри, XV–XVI асрларда кўчирилган Навоий асарларининг аксарият нусхалари колофонида арабча «таммат» («тугади») сўзи ишлатилади. Аммо Навоий асарларининг профессионал котиблар тарафидан кўчирилган ушбу даврга оид бир неча нусхалари борки, уларга туркий колофонлар ҳам битилган. Жумладан, «Наводиру-н-ниҳоя» девонининг 893/1487–1488 йил Ҳирот шаҳрида Абдулжамил котиб тарафидан кўчирилган қадимий нусхаси (ЎзР ФАШИ асосий фонди: № 11675) колофонида[2]:

توکاندی دیوان جدید – *tügändi devān-i jadid*, туркий жумласи қайд этилган. Ёки шу даврнинг яна бир кўзга кўринган хаттоти Али Ҳижроний томонидан китобат қилинган куллиёт таркибидаги «Бадойиу-л-васат» (BNF Supl.turc. 317; 201*a*) колофонида ҳам «*Tügändi Badāyi'u-l-vasat devānï*...» туркий жумласи келади.

Биз Навоий куллиётининг Санкт-Петербург нусхасини кўрмаганмиз, нусха ҳақида қандай маълумот берилган бўлса, табиийки, барчасини номи эслаб ўтилган каталоглардан ол-

[1] Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 220.

[2] Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х. Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – С. 234-235.

дик. Эътироф этиш лозим, ушбу каталогдаги тавсифлар ҳам, китоб-альбомнинг дизайни ҳам юқори савиядадир. Шунингдек, Алишер Навоий дастхатининг шу вақтгача сақланаётгани бизни фақат қувонтиради. Аммо бундай даъвони кучли асослаш кераклигини унутмаслик керак.

Котиб Назар Али Файзий 1001–1004/1592–1596 йилларда Озарбайжоннинг Қизилоғоч шаҳрида Хуросон, Ғилон ва Мозандарон ноиби Абу-л-Мансур Фарҳодхон Қораманлининг кутубхонаси учун Алишер Навоий куллиётининг яна бир нусхасини кўчирган[1]. Ҳозирда Россия Миллий кутубхонасида Дорн, 558 рақами билан сақланаётган мазкур қўлёзма бир неча олимлар томонидан тавсиф қилинган[2]. Фақат Ҳ.Сулаймонов мақоласида мазкур куллиётнинг кўчирилиш тарихи 1004/1595–1596–1007/1598–1599 санаси билан кўрсатилган[3]. Олимнинг маълумотига кўра: «Куллиёт олий навъ ипак қоғозга гўзал настаълиқ хатида кўчирилган бўлиб, Навоийнинг 21 асарини ўз ичига олади. Сарлавҳалар зангори, қирмизи ва зарҳал рангларда ёзилган. Матн ҳар саҳифага тўрт устунда 25 сатрдан жойлаштирилган. Барча саҳифаларда матн рангли жадваллар орасига олинган. Қўлёзма таркибидаги ҳар бир асар турли рангдаги гўзал нақшларда ишланган ғоят нафис унвонлар билан бошланади. Куллиёт бир муқовага жойлаштирилган бўлиб, 722 варақдан иборат, бичими 34х24»[4].

Навоий куллиётининг Назар Али Файзий китобат қилган нусхаси таркиби шундай: «Арбаъин» (1b–3a), «Назму-л-жавоҳир» (3b–12b), «Ҳайрату-л-аброр» (13b–55b), «Фарҳод ва Ширин» (56b–118a), «Лайли ва Мажнун» (119b–157b), «Сабъаи сайёр» (158b–209b), «Садди Искандарий» (210b–286a), «Лисону-т-тайр» (287b–325b), «Хазойину-л-маоний» дебочаси (326b–330a), «Хазойину-л-маоний» (330b–586a), «Мажолису-н-нафоис» (587b–613b), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (614b–639b), «Тарихи мулуки ажам» (639b–654b), «Муншаот» (655b–668a), «Маҳбубу-л-қулуб» (669b–694a), «Хамсату-л-мутаҳаййирин» (695b–709a), «Рисола-йи муфрадот» (710b–713b), «Вақфия» (714b–722a).

С.Волин мазкур куллиёт таркибидаги «Хазойину-л-маоний» девонлар мажмуасини: «Ҳар бир шеърнинг устига қайси девондан олингани қайд қилинган сайланма девондир. Бу, шубҳасиз, «Махзану-л-маоний» деб номланган девоннинг нусхасидир», деб тавсиф қилган[5]. Бунда олим ўзи тузган Алишер Навоий асарлари рўйхатидаги: «Навоий умрининг сўнгида «Хазойину-л-маоний» таркибидан баъзи шеърларни саралаб «Махзану-л-маоний» номли девонга тартиб берган», мазмунидаги фикрига ишора қилади. С.Волиннинг ушбу

[1] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 88; Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 79-80; Erkinov A. O‘zA. Rossiya kutubxonalaridan O‘zbekiston tarixiga oid eŋ nodir qo‘lyozmalar topildi. 16.08.2019. https://aniq.uz/uz/yangiliklar/rossiya-kutubxonalaridan-uzbekiston-tarixiga-oid-eng-nodir-qulyozmalar-topildi

[2] Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Сборник статей под редакцией А.Боровкова. – Москва–Ленинград, 1946. – С. 10; Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 88; Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 79-80.

[3] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 88.

[4] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. – Б. 88.

[5] Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Сборник статей под редакцией А.Боровкова. – Москва–Ленинград, 1946. – С. 10.

фикри тўғри эмаслиги исботланган[1]. Ушбу куллиёт таркибидаги бошланишида қайси девондан олингани ёзиб қўйилган шеърлар «Хазойину-л-маоний»нинг умумий алифбо тартибли нусхасини ташкил этади.

Назар Али Файзий кўчирган куллиёт таркибидаги умумий алифбо тартибли «Хазойину-л-маоний» Навоий ижодининг Мовароуннаҳр ва Хуросон ташқарисида XVI асрдаёқ янгича усулларда китобат қилинганини ифода этиши билан ҳам муҳимдир.

Россия Миллий кутубхонасига тегишли 928/1521–1522 йилда (куллиётдаги миниатюра тарихи) кўчирилган 227 варақдан иборат яна бир нусхаси (Дорн, 559) Алишер Навоий куллиёти номи остида тавсифланган[2]. Матн юпқа, ялтироқлигини йўқотган, йирик верже чизиқлар тортилган варақка настаълиқ хатида 25 қатордан кўчирилган, атрофи зарҳал ҳошияга олинган. Нусхага 6 та унвон, 25 та миниатюра ишланган. Муқова чармдан, зарҳал босма нақшлар билан зеб берилган. У муаллифнинг «Чиҳил ҳадис», «Назму-л-жавоҳир», «Хамса»нинг тўрт достонидан («Садди Искандарий» мавжуд эмас) таркиб топган[3]. С.Волин ва Ҳ.Сулаймонов мазкур қўлёзмани куллиёт сифатида тавсиф қилмаганлар. Бунинг сабаби нусха таркибида олтитагина асар мавжудлигида бўлса керак.

Навоий куллиётининг Париж нусхаси Али Ҳижроний томонидан 930–933/1525–1527 йилда Ҳиротда кўчирилган[4] (Suppl. turc. 316), (Suppl. turc. 317). Али Ҳижроний XV аср охирлари XVI аср биринчи ярмида яшаб ўтган Ҳирот хаттотлик мактабининг йирик намоёндаларидан биридир. Ғиёсиддин Хондамир (1475, Ҳирот – тах. 1535, Гужарат) Али Ҳижронийнинг Навоий кутубхонасида ишлаган атоқли хаттотлар қаторида бўлганини эслаб, «Мавлоно Ҳижроний машҳур настаълиқ ёзувчилар жумласидандир, баъзан шеър ёзиш ҳам хотирига келиб туради», дейди[5].

Ушбу куллиёт (Париж Миллий кутубхонаси: Suppl. turc. 316 ва 317) таркиб жиҳатидан Дарвеш Муҳаммад Тоқий нусхасидан деярли фарқ қилмайди. М.Ҳакимов маълумотига кўра, фойдаланишга қулай бўлишини кўзлаб, кутубхона ходимлари томонидан куллиёт икки қисмга ажратиб жилдланган. Икки жилд жами 876 варақдан иборат бўлиб, Навоийнинг 26 номдаги асарини ўз ичига олади.

Нусханинг 2а варағи марказида доира шаклидаги орнамент (фронтиспис) ишланган бўлиб, унинг ичида Навоий асарларининг номлари жойлаштириб чиқилган. Шундайки, мазкур фронтиспис асарларнинг сферик жадвали кўринишини ҳам касб этган. Унда қуйидаги асар номлари зикр этилган: «Муножот» (2b–4a), «Арбаъин» (5b–7a), «Назму-л-жавоҳир» (8b–18a), «Сирожу-л-муслимин» (19b–21b), «Насойиму-л-муҳаббат» (22b–154a), «Лисону-т-тайр» (155b–193a), «Ҳайрату-л-аброр» (194b–236b), «Фарҳод ва Ширин» (237b–298b), «Лайли ва Мажнун» (299b–337a), «Сабъаи сайёр» (338b–391a), «Садди Искандарий» (392b–469a) – куллиётнинг биринчи жилди (Suppl. turc. 316) шу ерда тугалланади, хутбаъи давовин (2b–6a), «Ғаройибу-с-сиғар» (7b–74a), «Наводиру-ш-шабоб» (75b–137b), «Бадой-

[1] Сулаймон Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий, Асарлар. Ғаройибус-сиғар. – Тошкент: «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 35.

[2] Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 232.

[3] Ўша китоб-альбом, ўша бет.

[4] Алишер Навоий. Куллиёт. Париж Миллий кутубхонаси: Suppl. turc. 316: 469 в.; Алишер Навоий. Куллиёт. Париж Миллий кутубхонаси: Suppl. turc. 317: 406. – Ҳирот, 930–933/1525–1527. Котиб: Али Ҳижроний.

[5] Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 17; Alisher Navoiy: qomusiy lig‘at. II tom. Mas’ul muharrir: f.f.d., prof. Sh.Sirojiddinov. Ijodiy guruh: S.G‘aniyeva, A.Erkinov, O.Davlatov, E.Ochilov, K.Mullaxo‘jayeva, D.Yusupova, Z.Mamadaliyeva, I.Ismoilov, A.Malikov, L.Jo‘rayeva. – Toshkent: «Sharq», 2016. – B. 246.

иу-л-васат» (138b–201a), «Фавойиду-л-кибар» (202b–268b), «Мезону-л-авзон» (269b–276b), «Муҳокамату-л-луғатайн» (277b–285b), «Хамсату-л-мутаҳаййирин» (286b–301b), «Мажолису-н-нафоис» (302b–329b), «Тарихи анбиё» (330b–354b), «Тарихи мулуки ажам» (355b–370b), «Вақфия» (371b–378b), «Ҳолоти Саййид Ҳасан» (379b–382b), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» (382b–386a), ва «Муншаот» (387b–406a).

Куллиёт XV–XVI аср Ҳирот мактабига оид майда, кўркам настаълиқ хатида 18-25 қатордан кўчирилган. Сарлавҳа ва бошқа муҳим сўзлар қизил, тўқ қизил, кўк, яшил ва зарҳал рангларда ажратиб ёзилган. «Хазойину-л-маоний» девонлари, «Хамса» достонлари ва бошқа назмий асарлар тўрт устунга бўлиб кўчирилган, устунлар кўк ва зарҳал жадвал ичига олинган. Айрим варақлар ҳошиясида қайдлар бор (24b, 31a ва ҳоказо).

Ҳар бир асарнинг бошланишида зарҳал ва бошқа турли ранглар уйғунлигида унвон ишланган[1]. Куллиётнинг биринчи қисми (Suppl. turc. 316) 169a («Лисону-т-тайр»), 268a («Фарҳод ва Ширин»), 350b, 356b («Сабъаи сайёр»), 415b ва 447b («Садди Искандарий») варақларида нафис миниатюралар мавжуд.

2008 йил Истанбулда Шоди Ойдин томонидан нашр этилган «Эрон кутубхоналари туркий қўлёзмалари каталоги»да («İran kütüphaneleri türkçe yazmalar kataloğu») кўрсатилишича, Эрон Ислом Республикасининг бир неча қўлёзма тўпламларида Алишер Навоий куллиётининг нусхалари сақланмоқда.

Жумладан, Табриз Миллий кутубхона коллекциясида сақланаётган 3682- рақамли қўлёзма «Куллиёт-и Навоий» деб номланади. Нусханинг котиби ва кўчирилиш даври номаълум.

Шоир куллиётининг яна бир нусхаси Теҳрон Миллий кутубхонасида мавжуд бўлиб (Инв.№ F-1604), унинг ҳам кўчирилиш санаси ва котиби номаълум. Матн настаълиқ хатида Европа қоғозига кўчирилган. Сатрлар сони – 19 қатор, ҳажми – 417 варақ. Бичими: 51x30 см.

Айни шу кутубхонада F-105 рақамли яна бир «Куллиёт-и Навоий» нусхаси сақланади. Қўлёзманинг кўчирилиш санаси ва котиби номаълум. Таркиби – «Тарихи мулуки ажам», «Ҳайрату-л-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Искандарнома», «Баҳромнома» ва «Лисону-т-тайр» асарларидан иборат. Матн 19 сатрдан настаълиқ хатида Европа қоғозига кўчирилган. Ҳажми: 426 варақ. Нусханинг бичими: 53x50 см.

Каталогда ёзилишича, Гулистон кутубхонасида 1784, 2191, 1770 рақамлари остида сақланаётган қўлёзмалар ҳам «Куллиёт-и Навоий»дир.

1784 рақамли қўлёзманинг кўчирилиш санаси ва котиби номаълум. Матн 19 сатрдан настаълиқ хатида Самарқанд қоғозига кўчирилган. Нусханинг ҳажми: 600 варақ. Бичими: 37x24 см. Унга қора рангли тери муқова ишланган.

Ушбу коллекцияда сақланаётган куллиётлардан яна бирини (Инв.№ 2191) котиб Абдулваҳҳоб Ҳижозий кўчирган. Кўчирилиш вақти – 987/1579 йил. Қўлёзма матни 19 сатрдан настаълиқ хатида Хитой қоғозига кўчирилган. Таркиби – «Баҳромнома», «Ҳайрату-л-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Искандарнома» ва «Баёну-т-тайр» («Лисону-т-тайр» бўлса керак) каби асарлардан иборат. Нусхага 18 та нафис миниатюра ишланган. Қўлёзманинг ҳажми: 405 варақ. Бичими: 33,5x23 см. Қўлёзманинг муқоваси теридан ишланган. Бошланишида Насриддин Шоҳ Қажарнинг (1831, 16 июль –1896, 1 май) муҳри мавжуд. Афтидан, қўлёзма унинг саройида сақланган. Насриддин Шоҳ – Қожарлар сулоласидан чиққан тўртинчи Эрон шоҳи, 1848 йил 17 сентябрдан бошлаб, 47 йил давомида ҳукмронлик қилган.

Қўлёзманинг котиби Ибн Абдулмакорим Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий – XVI аср Бухоро хат-

[1] Эслатма: «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» (382b) маноқиби янги варақдан бошланмай, «Ҳолоти Саййид Ҳасан» маноқибининг сўнгги варағига уланиб кетгани сабабли ушбу асарга унвон ишланмаган.

тотлик мактаби намояндаларидан[1]. Қизиғи, ЎзР ФАШИ Ҳ.С. фондида сақланаётган 2630 рақамли қўлёзма ҳам ушбу котибнинг дастхати билан худди шу таркибда кўчирилган. Котиб қўлёзмада 1-достон сўнгида «Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий», 2-достон сўнгида эса «Ибн Абулмакорим Абдулваҳҳоб», 3-достон сўнгида «Абдулваҳҳоб» деб имзо қўйган. 5-достон сўнгида китобат санаси сифатида 988 йил 11 рабиъ ул-аввал/1580 йил 26 апрель қайд этилган. М. Ҳакимов қўлёзма ва унинг котиби ҳақида: «Котибнинг номидаги ал-Ҳижозий нисбасига қараб, ушбу қўлёзма Ҳижозда кўчирилган, деб айта олмаймиз. Котиб ал-Ҳижозий нисбасини бирор муносабат билан, эҳтимол Арабистонда бўлганлиги учун олган бўлса керак. Нусханинг китобат белгилари фонддаги XVI аср қўлёзмалари билан таққосланганда муқова, қоғоз, хат ва бошқа белгиларда Ўрта Осиёга хос хусусиятлар кўринмоқда. Шу сабабли нусхани дастлабки текширишларга кўра Бухорода кўчирилган деб тахмин қила оламиз», – дейди[2].

Муҳими шундаки, Абдулваҳҳоб ал-Ҳижозий кўчирган Навоий достонлари куллиётининг Теҳрон ва Тошкент нусхаларининг ҳар иккисига 18 тадан миниатюра ишланган. 1579–1580 йилларда кетма-кет кўчирилган ушбу қўлёзмалар сарой кутубхонаси учун бир хил таркибда китобат қилинган бўлиши мумкин.

Табиийки, биз Навоий куллиётининг Эрон ҳудудида сақланаётган қўлёзмалари ҳақида номи айтиб ўтилган каталогдаги тавсифлар муаллифи ёзган маълумотлар билангина танишмиз. Шунингдек, ушбу қўлёзмаларнинг куллиёт номи остида тавсиф этилиши ҳам нисбийдир, чунки таркибидан «Хамса» ва «Лисону-т-тайр» достони, яъни Навоийнинг маснавийларигина ўрин олган қўлёзмалар ҳам «Куллиёт-и Навоий», деб номланмоқда. Бу ҳолат кўпгина тадқиқотларда тўрт девондан иборат «Хазойину-л-маоний»нинг куллиёт, деб ёзилишига ўхшайди. Бизнингча, ҳар икки ҳолда ҳам куллиёт атамаси тор маънода ишлатилмоқда.

Гулистон саройи кутубхонасида сақланаётган учинчи «Куллиёт-и Навоий»нинг кўчирилиш санаси ва котиби номаълум (Инв.№. 1770). Матн настаълиқ хатида Одилшоҳ қоғозига 27 сатрдан кўчирилган. Таркиби – «Муқаддима-и манзум», «Наср-и алайи», «Жамлу-л-аброр», «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Дебоча-и девон-и ғазал», «Девон-и соний мавсум бе Наводиру-ш-шабоб», «Девон-и салис мавсум бе Бадойиу-л-васат», «Девон-и рабиъ мавсум бе Фавойиду-л-кибар», «Китоб-и Ҳамсату-л-мутаҳаййирийн», «Китоб-и Иншо», «Китоб-и Мажолису-н-нафоис», «Китоб-и Тарих», «Рисола-йи Вақфия», «Рисола-йи муаммо», «Китоб-и Насойиму-л-муҳаббат мин шамойил футувват», «Шарҳи ҳоли Шайхи Саънон», «Китоб-и аруз» ва «Рисола дар баёни Саййид Ардашер»[3].

«Рисола-йи муаммо» («Рисола-йи муфрадот»)[4] асари Навоий куллиётининг мазкур нусхаси ва Котиб Назар Али Файзий кўчирган (Дорн, 558) қўлёзмасидагина учрайди. Афтидан,

---

[1] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 115-116; Ҳакимов М. Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 19.

[2] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 116.

[3] Куллиёт таркибидаги асарлар каталогда тавсиф қилинган номлар асосида берилди. Тахминимизча, тавсиф муаллифи ушбу номларни қўлёзмадан ёки форсий тилдаги каталогдан олган бўлиши мумкин. Алишер Навоий асарлари, умуман, ўрта асрлар шарқ классиклари асарларининг номланишида қатъий ўлчовлар бўлмаган, бу ҳақда қаранг: Сулаймон Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий, Асарлар. Ғаройибус-сиғар. Ўн беш томлик, биринчи том. – Тошкент: «ЎзССР давлат адабиёт нашриёти», 1963. – Б 33-45; Sirojiddinov SH., Erkinov A. Kirish // Alisher Navoiy: qomusiy lug‘at. II tom. Mas’ul muharrir: f.f.d., prof. Sh.Sirojiddinov. Ijodiy guruh: S.G‘aniyeva, A.Erkinov, O.Davlatov, E.Ochilov, K.Mullaxo‘jayeva, D.Yusupova, Z.Mamadaliyeva, I.Ismoilov, A.Malikov, L.Jo‘rayeva. – Toshkent: «Sharq», 2016. – B. 8-30.

[4] «Олий табиатли Амир асарларидан яна бир «Рисолаи муфрадот»дирки, муаммо фани ҳақида форсий тилда ёзилган... («Макорим ул-ахлоқдан»)». Қаранг: Сулаймон Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий, Асарлар. «Ғаройибус-сиғар». – Тошкент: «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 42.

Ҳ.Сулаймонов Гулистон саройи кутубхонасида сақланаётган мазкур нусха билан таниш эмас эди. Навоий куллиётининг Назар Али Файзий нусхасига «Рисола-йи муаммо» асарининг киритилиши ҳақида олим: «Навоий таснифига зид ўлароқ, бошқа котиб томонидан янглиш киритилган», деб ёзади[1]. Бизнингча, юқорида санаб ўтилган нусхаларга шоирнинг туркий асарлари билан бирга форсий асарини ҳам киритиш – котибларнинг дунёқарашигина эмас, ушбу куллиётлар кўчирилган ҳудуд адабиёти ва сиёсати билан боғлиқ эди.

Гулистон саройи кутубхонасида сақланаётган қўлёзма Сулаймон ибн Муҳаммад Хон Қожарга (1794–1797) тегишли бўлган. Нусханинг ҳажми – 699 варақ, бичими – 35х24 см. Унга қора рангли тери муқова ишланган.

Навоий асарларининг Қожар шоҳлари саройида куллиёт ҳолида тартиб берилиши ёки сақланиши мазкур шоҳлар ҳукмронлиги даври адабий муҳитида чиғатой адабиётига бўлган эътибор ифодасидир. Бу асарларнинг номларига форсий компонентларнинг қўшилиши уларнинг Эрон заминида шундай ном билан шуҳрат қозонганини билдиради. Шунингдек, изланишлар натижасида Эрон Ислом Республикаси қўлёзма коллекцияларида Алишер Навоий асарлари, ҳатто шеърий асарлари учун тузилган луғатларнинг кўплаб нусхада сақланаётгани маълум бўлди. Бу эса мазкур ҳудудда Навоий ижодига бўлган қизиқиш юқори бўлганига яна бир далилдир.

Ҳамадон шаҳрида жойлашган Абу Али Ибн Сино университети кутубхонаси қўлёзмалар тўпламида 104 рақами билан сақланаётган Алишер Навоий куллиётининг кўчирилиш санаси ва котиби номаълум. Матн настаълиқ хатида кўчирилган. Нуқсони: бошланиши ва якуни йўқ. Сатрлар сони ҳар хил. Қўлёзманинг ҳажми: 300 варақ. Бичими: 24х18 см. Нусхага жигарранг тери муқова ишланган.

Эслатиб ўтиш жоиз, Алишер Навоийнинг Эрон Ислом Республикаси қўлёзма фондларида сақланаётган ушбу куллиётлари ҳақидаги маълумотлар «Эрон кутубхоналари туркий қўлёзмалари каталоги»дан олинди. Ўйлаймизки, мутахассисларнинг бу қўлёзма манбалар билан бевосита ишлаши навоийшунослик фанини янги билимлар ҳисобига бойитади.

«Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» каталогида ЎзР ФАШИ Ҳ.С. коллекциясида сақланаётган 5 та қўлёзма куллиёт номи остида тавсиф қилинган. Каталог муаллифи ушбу манбаларнинг барчаси ҳам Навоий асарларини тўлиқ қамраб олмагани ва шартли равишда куллиёт сифатида тавсиф этилганини ёзади[2]. Булар 316, 526, 2589, 163 ва 1248 рақамли қўлёзмалар бўлиб, нисбатан тўлиғи 1824–1830 йилларда Абдурраҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий тузган ва кўчирган нусхадир (Ҳ.С. 316)[3]. Унга Навоийнинг 16 та (агар «Хазойину-л-маоний» таркибидаги девонлар алоҳида саналса, 19 та) асари киритилган. Санаб ўтилган бошқа қўлёзмаларга муаллифнинг энг йирик асарларидан 11 таси киритилган. М.Ҳакимов ушбу нусхалар ҳақида: «Улар тўла маънода куллиёт бўлмаса-да, куллиёт даражасига яқин нусхалардир», – деб ёзади[4].

316- рақамли куллиёт ўзининг таркиби билангина эмас, тузилиш тартиби билан ҳам Истанбул, Санкт-Петербург, Париж ва Теҳрон нусхаларидан фарқлидир. Қўлёзма «Бадойиу-л-бидоя»га ёзилган дебоча билан бошланиб, «Хазойину-л-маоний» девонлари билан

[1] Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. – Тошкент, 1973. –Б. 92.

[2] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 6.

[3] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 6-30.; Алишер Навоий. Куллиёт. ЎзР ФАШИ: Ҳ.С. № 316. 1824–1830. Котиб: Абдурраҳим ибн Муҳаммад Фозил Кошғарий. 692 в.

[4] Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 6.

давом этади. Куллиётнинг айнан девонлар билан бошланиши XIX аср адабий муҳитида шеъриятнинг қадри баландлигини кўрсатади. Қизиғи, ушбу нусхада «Хамса» достонлари кетма-кет келмайди, Навоийнинг бир нечта кичик ҳажмдаги асарлари достонларни бир-биридан ажратиб туради. Бундай ёндашув, эҳтимол, куллиёт мусаннифининг «Хамса» достонларини яхлит композиция эмас, балки ҳар бирини мустақил асар сифатида баҳолашини англатади.

Кошғарий нусхасининг 2а варағида кейинги даврларда номаълум шахс тарафидан бинафша рангли сиёҳда куллиётга кирган асарлар рўйхати қайд этилган. 2а–13б варақларида котибнинг ўзи томонидан ёзилган батафсил фиҳрист мавжуд.

Нусхада асарларнинг жойлашиш тартиби шундай: «Бадойиу-л-бидоя» дебочаси (16b–21a), «Хазойину-л-маоний» (22b–329b), «Мажолису-н-нафоис» (333b–361b), «Лисону-т-тайр» (363b–393a), «Маҳбубу-л-қулуб» (394b–422b), «Ҳайрату-л-аброр» (424b–458a), «Хазойину-л-маоний» дебочаси (459b–463b), «Муншаот» (463b–481b), «Фарҳод ва Ширин» (483b–532a), «Хамсату-л-мутаҳаййирин» (533b–540a), «Лайли ва Мажнун» (542b–572a), «Арбаъин» (573b–576a), «Ҳилолия» қасидаси (576b–577b), «Сабъаи сайёр» (579b–620a), «Садди Искандарий» (621b–680a), «Ваққия» (681b–692a).

Бизнингча, Навоий куллиётининг турли даврларда кўчирилган қўлёзмаларида асарларнинг берилиш тартиби биринчи навбатда тузувчи ва буюрмачи наздида, қолаверса, ўша давр адабий муҳитида айнан қайси жанрларнинг роли муҳимлигидан келиб чиққан бўлиши эҳтимоли баланд. Масалан, куллиётнинг Тошкент нусхасида энг аввал девонларнинг берилиши ушбу адабий муҳитда Алишер Навоий лирикасини ўқиш ва унга эргашиш нисбатан кучлироқ эканини англатса керак.

Қўлёзмада, айниқса, «Арбаъин» асари алоҳида дид билан кўчирилган. Унда 40 та ҳадиснинг ҳар бирига алоҳида доира чизилган ва олтин суви билан ҳалланган. Ҳадислар доиралар ичига сулс хати билан ёзилиб, тагида ушбу ҳадис маъносини ёритувчи Навоий қитъалари кўчирилган. Доира ва қитъа атрофлари рангин қилиб безатилган. Бу эса куллиёт кўчирилган даврда динга, хусусан, Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларига бўлган эътиборни ҳам ифода этади.

М.Ҳакимов каталогнинг бир неча ўрнида ушбу куллиётнинг Кошғар китобат санъати намунаси эканини таъкидлайди. Маълумки, XIX асрнинг биринчи ярмида Кошғар ўзининг сиёсий мақомини тиклай олмаётган давр эди. «1826 йил Солиҳхўжанинг ўғли Жаҳонгир қирғизлар ёрдами билан 1760 йил Хитой ҳукмронлигини тан олган Кошғарни қайта олганига қарамай, икки йил ўтиб асир тушади ва Хитойга олиб кетилиб, қатл этилади. Хитой истилосига қарши курашлар 1829–1830 йилларга келиб ҳаққоний тус ола бошлайди»[1]. Айни мана шундай сиёсий зиддиятлар замони – 1824–1830 йилларда Навоий қаламига мансуб бир неча асарларни бир жилдда куллиёт ҳолига келтириш, эҳтимол, аждодлар сўзи билан халқнинг ҳурриятга ташналигини қондириш, уларни ватанпарварликка, маърифатга чорлаш мақсадини кўзлаган бўлиши мумкин.

Навоий куллиёти Тошкент нусхасининг 22b–329b варақларини ишғол этган «Хазойину-л-маоний» девонлар мажмуаси таркибидаги шеърлар умумий алифбо тизимига солинган. Булар 13 жанрдаги шеърлар бўлиб, куллиёт варақларидаги тақсимоти ва сонини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз.

16- жадвал

Навоий куллиётининг Тошкент нусхаси таркибидаги “Хазойину-л-маоний” девонидан ўрин олган жанрлар

[1] https://islamansiklopedisi.org.tr/muellif/ahmet-tasagil.

№	Жанр номи	Варақлар кўрсаткичи	Шеърлар миқдори
	Ғазал	22b–306a	2207 та
	Муаммо	307b–308a	52 та
	Қитъа	308ab; 308b–310a; 311a–312a	91 та
	Фард	310ab	42 та
	Чистон	310b–311a	10 та
	Туюқ	312ab	15 та
	Мухаммас	312b–316a	10 та
	Мусаддас	316a–318a	5 та
	Мусамман	318ab	1 та
	Мустаъзод	318b–319a	4 та
	Соқийнома	319b–320b	1 та
	Таржиъбанд	320b–326b	5 та
	Рубоий	326b–329b	107 та

Ушбу куллиётда «Одил», «Ғариб», «Латиф», «Муҳсин», «Мурод» исмларига ёзилган муаммолар икки мартадан такрор кўчирилган, шунингдек, «Арбаъин» қитъалари билан тўрт девон таркибидаги қитъалар аралаш тарзда берилган[1].

Куллиётда «Ҳилолия» қасидаси («Бадойиу-л-васат»дан) «Хазойину-л-маоний»даги тегишли жанр шеърлари билан берилмай, қўлёзманинг сўнгида, яъни 576b–577b варақларда кўчирилган. Шунингдек, «Ғаройибу-с-сиғар» девонидаги Сайид Ҳасан Ардашерга бағишлаб ёзилган мактуб – маснавий ва «Наводиру-ш-шабоб» девонидаги таркиббанд тушиб қолган ҳамда девон матни тугагандан сўнг 330ab, 331ab, 332ab варақлари очиқ қолдирилган. М.Ҳакимовга кўра: «Эҳтимол, котиб бу саҳифаларга маснавий ва таркиббанд текстларини бошқа қўлёзмадан олиб, кейинроқ ёзиб қўйишни мўлжаллагандир»[2].

Д.Лихачев: «Матн тадқиқи – адабиётшуноснинг кейинги барча ишларига пойдевордир», – дейди[3]. Бизнингча, Навоий куллиёти манбалари кейинги ишларда матншунослик принциплари асосида чуқур таҳлилга тортилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, тадқиқотга жалб этилган куллиёт нусхалари Алишер Навоийни ҳам лирик, ҳам эпик шоир, айни вақтда, диний ва дунёвий илмлар билимдони сифатида тарихга муҳрлади.

Алишер Навоий куллиёти нусхаларининг кўчирилиш ва сақланиш жойи ҳам эътиборни тортади. Куллиётлар кўчирилган ҳудудлар Навоий ижодининг Шарқ халқлари эҳтиёжига кўра оққа кўчирилиши билан, бу нусхалар сақланаётган ҳудудлар эса ушбу қўлёзмаларнинг ҳам Шарқ, ҳам Ғарб олимлари тадқиқ эта олиши билан шоир меросининг тарқалиш географияси қанчалик кенг эканини англатади.

Шунингдек, бу қўлёзмаларни ҳар тарафлама синчиклаб ўрганиш улар тузилган ва кўчирилган даврнинг адабий-бадиий муҳити билан бирга китобат тарихи, миниатюра санъати ривожи ва такомил босқичларини ҳам юзага чиқаради. Сабаби Навоий асарлари куллиёти қачон ва қандай таркибда кўчирилган бўлишига қарамай, китобат санъатининг юксак диди ва савиясини, шу билан бирга, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқлари миниатюра санъатининг энг гўзал намуналарини ўзида акс эттирган. Бу эса шоирнинг деярли барча асарларини шунчаки бир ўринда жамлашдан ташқари, манбалар китобат қилинган давр кишиларининг эстетик завқини асрлар оша ўзида ифода этаётгани билан ҳам муҳимдир.

Ушбу куллиётлар ўзбек тили ва адабиёти тарихида беқиёс хазина қолдирган Амир Алишер Навоий асарларининг замонавий тўпламларини нашр этишда асарлар матнининг

[1] Қаранг: Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 20.

[2] Ўша каталог, ўша бет.

[3] Лихачев Д. Текстология. – Москва–Ленинград. «Издательство академии наук СССР», 1962. – С. 29.

саводлилик даражасини таъминлашдагина эмас, китобат ишининг бадиий жимжимадорлиги масаласида ҳам ўтмиш аждодларимиздан ибрат олишимиз лозимлигини ёдга солиб туради. Бизнингча, тадқиқотга жалб этилган куллиёт қўлёзмаларидан бирини факсимиле тарзида чоп қилиш бу босқичдаги дадил қадамлардан бири бўлади.

Уўбу боб юзасидан хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий «Терма девон»лари қўлёзмалари таркибидаги шеърлар, асосан, «Хазойину-л-маоний» девонидан олинган. Шунингдек, уларнинг таркибида «Бадойиу-л-бидоя» ва «Наводиру-н-ниҳоя»дан «Хазойину-л-маоний»га кирмай қолган шеърлар ҳам учрайди. Бу эса девонлар мажмуаси тартиб берилгандан сўнг ҳам ундан аввал шоирнинг ўзи тарафидан тасниф берилган икки девоннинг аҳамияти сўнмаганига ишора этади. Терма девонлар таркибидаги шеърий жанрларнинг аксарият қисмини ғазал ва рубоийлар ташкил этади, баъзан муаллифнинг бошқа жанрга оид шеърларидан ҳам намуналар киритилган. Терма девонлар ким томонидан тузилмасин, шеърларнинг жойлашувида деярли алифбо тизимига амал қилинган. Уларда араб алифбосининг маълум бир ҳарфига якунланувчи ғазаллар орасига бошқа ҳарф билан тугалланадиган ғазалларни қўшиб кўчириш ҳоллари кам кузатилади. Терма девонлар таркибини қиёсий ўрганиш натижасида улардаги шеърларнинг миқдори «Хазойину-л-маоний» девонларидан бирига нисбатан кўпроқ, бошқасига нисбатан камроқ тўғри келиши маълум бўлди. Таркибидаги шеърлар девонлар мажмуасининг ҳар бир девонига нисбатан тенг улушли терма девонлар жуда кам учрайди. Терма девонларда бир-биридан нусха кўчирилиш ҳолати деярли учрамади. Таркибидаги шеърларнинг мундарижаси ўзидан аввал кўчирилган қўлёзмани айнан такрорловчи терма девон ҳозирча топилмади.

Ушбу тадқиқот натижасида умуман шарқ халқлари китобатида ва хусусан, Алишер Навоий асарлари китобатида куллиёт тузиш юзасидан қуйидаги хулосаларга келамиз:

Бирор шоирнинг бир жилдда деярли барча асарларини қамраб олинишига куллиёт дейилади, бу асарлар лирик, эпик, тарихий ёки илмий йўналишда бўлиши мумкин.

Навоий асарларидан бир нечтаси жамланган нусхалар баъзи каталогларда куллиёт номи билан тавсиф қилинган бўлса-да, улар аслида муаллиф асарларининг ярмини ҳам қамраб олмаслиги мумкин. Аммо бундай қўлёзмаларни котибнинг ўзи куллиёт, деб номлаган бўлса, биз уларни кўчирилган даври шароити ва тузувчисининг дунёқарашидан келиб чиқиб, тадқиқ этишимиз керак.

Куллиётлар муаллиф, котиб ёки буюртмачи томонидан тузилган бўлиши мумкин, уларнинг таркибидаги асарлар бир котиб томонидан кўчирилган бўлади.

Куллиётлар кўчирилган даври китобати ва миниатюра санъатининг ёрқин намуналари саналади. Куллиёт таркибидаги асарларнинг матни ҳамда ундаги миниатюра ва безаклар бошқа бошқа мактабларга оид бўлиши мумкин.

Ҳ.Сулаймонов Париж (№№ 316, 317) ва Сулаймония (№ 4056) қўлёзмаларини Тўпқопи (№ 808), яъни Навоий кўзи очиқлигида тузилган куллиётнинг нусхаларидир, дейди. Ушбу жилдлардаги асарлар кетма-кетлиги бир хил бўлмаса-да, ҳар уч қўлёзмада **«**Маҳбубу-л-қулуб**»** асари ва «Хазойину-л-маоний» дебочасининг мавжуд эмаслиги туфайли олимнинг фикрига қўшилиш мумкин.

Алишер Навоий куллиёти нусхаларидан бирортаси асарларнинг берилиш тартиби юзасидан бошқасини такрорламайди. Бу ҳодиса мазкур куллиётлар кўчирилган давр адабий муҳитида жанрлар етакчилиги масаласига қисман ойдинлик кирита олади.

Навоий куллиёти Тошкент нусхасидан ўрин олган «Хазойину-л-маоний» таркибидаги шеърларнинг умумий алифбо тизимига солиниши шарқ китобатида шоир лирикасининг хусусийликдан умумийликка қараб кетилганига ўхшайди.

ХУЛОСА

Алишер Навоий девонларининг ЎзР ФАШИ фондида сақланаётган қўлёзмаларини дунёнинг бошқа фондларига тегишли нусхалар билан қиёсий ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар юзага келди:

Алишер Навоий шеърияти муаллиф тириклик чоғидан то XX асрнинг биринчи чорагига қадар турли девонлар тарзида кўчирилган. Бу девонларнинг айримлари шоирнинг ўзи томонидан, баъзилари эса бошқа тузувчилар томонидан тартиб берилган. ЎзР ФАШИнинг асосий ва Ҳ.С. номидаги фондларида Навоийнинг ўзи томонидан тартиб берилган «Наводиру-н-ниҳоя», «Хазойину-л-маоний»нинг тўлиқ ва таркибидаги девонларнинг алоҳида кўчирилган, шунингдек, ушбу тўрт девоннинг шеърлари умумий алифбо тизимига солинган нусхалари ҳамда номаълум тузувчилар тартиб берган «Ғазалиёт девони» ва «Терма девон» қўлёзмалари мавжуд.

Мазкур девонларни хронологик жиҳатдан қиёсий тарзда ўрганиш уларнинг адабиёт оламида асрлар оша қандай такомил босқичларини забт этганини аниқлашга ёрдам беради. Беш аср давомида кўчирилган бу девонларнинг ташқи белгилари эса, айни пайтда, китобат санъатининг ривожланиш босқичларини ёритиш учун ҳам манба вазифасини ўтайди. Хусусан, шоирнинг замонасида унинг девонлари сарой кутубхоналари учун махсус кўчирилиб, етарли маблағ сарфлангани сабабли қўлёзманинг ички тузилишида ҳам, кодикологик хусусиятида ҳам классик давр руҳияти яққол намоён бўлади. Кейинчалик саройлар китобатининг мавқеи пасая боргани сари бу ишларнинг аста-секин саройдан ташқарида ривожлангани Навоий девонлари қўлёзмалари ички ва ташқи тузилишининг сифатига жиддий таъсир этган. Навоийнинг XIX юзйилликда кўчирилган девонлари мисолида бу давр китобатининг Ҳирот адабий ва маданий ҳаётига тақлид қилиш асносида китобат ишининг яна такомиллашиб боргани кўзга ташланади.

Алишер Навоий девонларининг сони ва уларнинг нусхалари кўплиги боис бу қўлёзмаларни илмий тавсифлашда уларнинг таркибини синчковлик билан ўрганиб чиқиш муҳим. Қўлёзма девонни очиб берувчи ғазалга қараб, уни номлаш жиддий хатоликка олиб келади. Шоирнинг «Терма девон»и нусхалари муаллиф тарафидан тартиб берилмаганига диққат қаратиш керак. Акс ҳолда ижодкор шеърларининг бошқа бир шахс томонидан тузилган девони муаллиф мусаннифлигидаги девон номини олиши мумкин. Шунинг учун, Навоий қўлёзма девонларини тавсифлаш жараёнида уларнинг таркибини қиёсий тадқиқ этиш лозимдир.

Алишер Навоий девонларига битилган колофонлар шоир ижодий мероси тадқиқоти тарихининг маълум қирраларини ёритиб берувчи матнлар сирасига киради. Котиблар хотималарининг турли тилларда битилиши, маълум маънода, нусха кўчирилаётган даврнинг тил вазиятини ифода этиши мумкин. Гўё девондан нусха кўчирилганидек, хотималардаги шеърий матнларнинг ҳам бир нусхадан бошқасига кўчиб юриши эса котиблар ўй-хаёлларининг, тенгсиз меҳнатнинг қоғозга битилган ёдгорлигига ўхшайди.

Алишер Навоий девонларини таркибидан келиб чиқиб, уч катта даврга бўлган ҳолда тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Институт фондида сақланаётган қўлёзмалар орқали Навоий шеърияти унинг ўзи тириклик чоғларида деярли муаллиф мусаннифотидаги девонлар ҳолида ўқилгани кўзга ташланади. Аммо шу даврнинг ўзидаёқ шоирнинг бир номдаги девони турли таркибда кўчирилгани Шарқда девон кўчириш ишлари худди таржима жараёнидек эркин тарзда амалга оширилган каби фикрларни уйғотиши мумкин.

Ушбу даврда китобат қилинган девонларнинг муҳим жиҳати уларнинг муаллиф назаридан ўтгани эҳтимоли юқори эканидадир.

Навоий девонларининг XVI асрда китобат қилинган нусхаларидан ушбу назмий меросга бўлган ёндашувнинг кескин ўзгариб боргани ўртага чиқади. Шоирнинг бир неча юзйиллик давомида «Чаҳор девон» номи билан шуҳрат қозонган «Хазойину-л-маоний» девони таркибидаги шеърлар унинг вафотидан сўнг илк бор Машҳадий томонидан умумий алифбо тизимига солиниб китобат қилинди. Бу эса Навоий шеърияти ўша даврданоқ янгича назар билан ўрганила бошлаганига далил бўла олади. Ўзида санаси XVI асрнинг иккинчи ярмига оид муҳрни сақлаб келаётган «Хазойигу-л-маоний» девонининг *alif* ҳарфига тугалланувчи бир қанча ғазаллари мавзу гуруҳларига ажратилган девон мисолида Навоий шеърларининг баъзиларида илоҳий, айримларида дунёвий ишқ ифодаланиши ўша пайтдаёқ адабиёт ихлосмандлари томонидан таснифланганини англата олади.

XVII–XVIII асрлар Алишер Навоий девонларидан нусха кўчириш тобора камайиб борганга ўхшайди. Муҳими шундаки, ушбу даврга оид қўлёзма девонлар озчиликни ташкил этса-да, улар китобатининг географик чегараси кенгайиб боради. Шунингдек, институт фондида сақланаётган мазкур давр нусхалари орасида муаллиф тартиб берган девон кўринишидаги қўлёзма мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Навоий девонларининг XIX–XX асрларда кўчирилган қўлёзмалари икки йўналишда – ҳам муаллиф таснифига биноан, ҳам янги тартибдаги терма девонлар ҳолида паралелл кўчирилаверган. Алишер Навоий девонларининг XIX юзйилликда Қўқон ва Хива хонликларида юзлаб нусхада кўчирилгани сарой адабий муҳитида унинг шеъриятига эргашиш устунлик қилганидан дарак беради. Муҳими шундаки, бу даврга келиб сарой кутубхонаси учун махсус кўчирилаётган девонлар кўпинча муаллиф таснифига мос равишда, сарой ташқарисида, хусусан, мадрасалар ёки шахсий кутубхоналар учун китобат қилинган девонлар эркин таркибда тузилган. «Хазойину-л-маоний»нинг мазкур даврда кўчирилган нусхаларининг таркибидаги шеърлар сони ушбу девоннинг муаллиф тириклигида китобат қилинган нусхаларининг шеърлари сонига жуда яқин. Бу эса ушбу давр қўлёзма девонларининг ишончли манбалардан кўчирилганига ишора этади.

Навоий девонларига нисбатан *терма девон* атамасини «Хазойину-л-маоний» таркибидаги шеърлардан танлаб тузилган девонларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, бундай турдаги девонларни тузувчи шахсда «Хазойину-л-маоний»нинг нусхаси мавжуд бўлган. Зеро, терма девонларнинг таркибидан уларнинг бири тузилиши учун бошқаси манба вазифасини бажарган, дейиш мушкул. Сабаби деярли барча терма девонлар оригинал таркибга эга. Улар ҳажм жиҳатидан ҳам, таркибидаги шеърларнинг мундарижаси жиҳатидан ҳам бир-бирини айнан такрорламайди. Уларнинг нима мақсадда шундай тартибда тузилганини англаш учун таркибидаги шеърларнинг маъносини, мавзусини чуқурроқ ўрганиш керак бўлади. Шунингдек, шеърларнинг радиф ва қофиялари, вазни ва мусиқийлигига кўра ҳам улардан терма девон тузилган бўлиши мумкин.

Навоий куллиёти нусхаларининг барчасига муаллиф девонларидан «Хазойину-л-маоний» киритилган. Шоир куллиётининг XV асрнинг биринчи ярмигача кўчирилган нусхалари таркибидан ўрин олган «Хазойину-л-маоний» девони муаллиф таснифига мос келади. Унинг XV асрнинг иккинчи ярмида тузилган куллиётида мазкур девон таркибидаги шеърлар умумий алифбо тизимига солиб кўчирила бошлаган. Бу анъана кейинги асрларга оид куллиёт нусхаларида давом этгани кузатилади. Муҳими шундаки, куллиёт нусхаларидан жой олган «Хазойину-л-маоний» девони шеърлари миқдори жиҳатидан девоннинг илмий-танқидий матни таркибига жуда яқин. Улардан «Хазойину-л-маоний» бўйича келажакда амалга ошириладиган илмий нашрларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Алишер Навоий девонлари қўлёзмаларининг таркибини қиёсий ўрганиш натижасида навоийшунослик фанининг шоир яшаган замондаёқ илдиз отгани аён бўлади. Унинг лирикаси мухлислари томонидан девон кўринишида тартиб берилгани, шоҳбайтларининг алоҳида китоб ҳолида кўчирилгани, девонлари таркибидаги шеърлар мазмунидан келиб чиқиб, турли сарлавҳалар остида китобат қилингани фикримизни далиллайди.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

1. ЎзР ФАШИ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти.
2. в. – варақ.
3. Ҳ.С. – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фонди.
4. СВР – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР.
5. ҒС – «Ғаройибу-с-сиғар».
6. НШ – «Наводиру-ш-шабоб».
7. БВ – «Бадойиу-л-васат».
8. ФК – «Фавойиду-л-кибар».
9. ББ – «Бадойиу-л-бидоя».
10. НН – «Наводиру-н-ниҳоя».

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, нутқлари

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи. – 2017 йил, 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4947–сон «Ўзбекис-тон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – 2017 йил 7 феврал // https://lex.uz/docs/3107036.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–2909–сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. – 2017 йил 20 апрел // https://www.lex.uz/docs/3171590.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–5847–сон «Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. – 2019 йил 8 октябрь // https://www.lex.uz/docs/4545884.

II. Манбалар

1. Алишер Навоий. Бадойиу-л-васат. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3458- рақамли қўлёзма. – 243 в.
2. Алишер Навоий. Ғазалиёт девони. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 790- рақамли қўлёзма. – 102 в.
3. Алишер Навоий. Ғаройибу-с-сиғар. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12047- рақамли қўлёзма. – 96 в.
4. Алишер Навоий. Ғаройибу-с-сиғар. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 2058- рақамли қўлёзма. – 217 в.
5. Алишер Навоий. Ғаройибу-с-сиғар. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7463- рақамли қўлёзма. – 190 в.
6. Алишер Навоий. Наводиру-н-ниҳоя. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11675- рақамли қўлёзма. – 149 в.
7. Алишер Навоий. Наводиру-н-ниҳоя. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1995- рақамли қўлёзма. – 205 в.
8. Алишер Навоий. Наводиру-ш-шабоб. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9847- рақамли қўлёзма. – 178 в.
9. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 10111- рақамли қўлёзма. – 185 в.
10. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 10145- рақамли қўлёзма. – 210 в.
11. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 10238- рақамли қўлёзма. – 132 в.
12. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11138/I рақамли қўлёзма. – 141 в. (1a–141b).
13. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11391/I рақамли қўлёзма. – 147 в. (1b–147b).
14. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11432/II рақамли қўлёзма. – 45 в. (74a–119b).
15. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11472/I рақамли қўлёзма. – 208 d. (1a–208a).
16. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11491- рақамли қўлёзма. – 153 в.
17. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11527- рақамли қўлёзма. – 236 в.
18. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11553- рақамли қўлёзма. – 175 в.
19. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11825- рақамли қўлёзма. – 244 в.
20. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11863- рақамли қўлёзма. – 101 в.
21. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11949- рақамли қўлёзма. – 319 в.
22. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11955/I рақамли қўлёзма. – 9 в. (1b–9b).
23. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11973- рақамли қўлёзма. – 151 в.
24. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12073- рақамли қўлёзма. – 172 в.
25. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12098- рақамли қўлёзма. – 353 в.

26. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12158/II рақамли қўлёзма. – 147 в. (21b–168b).
27. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12221- рақамли қўлёзма. – 271 в.
28. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12264- рақамли қўлёзма. – 123 в.
29. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12322- рақамли қўлёзма. – 154 в.
30. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12323- рақамли қўлёзма. – 210 в.
31. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12347- рақамли қўлёзма. – 391 в.
32. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12360- рақамли қўлёзма. – 262 в.
33. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1277- рақамли қўлёзма. – 103 в.
34. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1293- рақамли қўлёзма. – 157 в.
35. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1315/I рақамли қўлёзма. – 634 в. (1б–634а).
36. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13182- рақамли қўлёзма. – 151 в.
37. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13186- рақамли қўлёзма. – 204 в.
38. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13314- рақамли қўлёзма. – 184 в.
39. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1547- рақамли қўлёзма. – 171 в.
40. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1595- рақамли қўлёзма. – 153 в.
41. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1704- рақамли қўлёзма. – 160 в.
42. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1711/III рақамли қўлёзма. – 139 в.
43. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1796- рақамли қўлёзма. – 187 в.
44. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1973- рақамли қўлёзма. – 32 в.
45. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 2197- рақамли қўлёзма. – 170 в.
46. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 2223/I рақамли қўлёзма. – 70 в.
47. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 2790- рақамли қўлёзма. – 147 в.
48. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 2999- рақамли қўлёзма. – 396 в.
49. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3465/II рақамли қўлёзма. – 8 в. (9a–16b).
50. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3479- рақамли қўлёзма. – 201 в.
51. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 360/II рақамли қўлёзма. – 14 в. (87b–100a).
52. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3622- рақамли қўлёзма. – 461 в.
53. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3643- рақамли қўлёзма. – 239 в.
54. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3984- рақамли қўлёзма. – 185 в.
55. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4004/II рақамли қўлёзма. – 245 в.
56. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4390- рақамли қўлёзма. – 239 в.
57. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4394- рақамли қўлёзма. – 432 в.
58. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4442- рақамли қўлёзма. – 141 в.
59. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4487- рақамли қўлёзма. – 406 в.
60. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4567- рақамли қўлёзма. – 157 в.
61. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4571- рақамли қўлёзма. – 155 в.
62. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4772- рақамли қўлёзма. – 191 в.
63. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4948/II рақамли қўлёзма. – 163 в.
64. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4972- рақамли қўлёзма. – 130 в.
65. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 5035- рақамли қўлёзма. – 301 в.
66. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 5533- рақамли қўлёзма. – 84 в.
67. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 5743- рақамли қўлёзма. – 611 в.
68. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 5802- рақамли қўлёзма. – 247 в.
69. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 5850- рақамли қўлёзма. – 255 в.
70. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 646- рақамли қўлёзма. – 247 в.
71. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 6465- рақамли қўлёзма. – 70 в.

72. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 648- рақамли қўлёзма. – 559 в.
73. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 6792- рақамли қўлёзма. – 322 в.
74. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 6907- рақамли қўлёзма. – 315 в.
75. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7048- рақамли қўлёзма. – 189 в.
76. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7059- рақамли қўлёзма. – 223 в.
77. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7066- рақамли қўлёзма. – 538 в.
78. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7098- рақамли қўлёзма. – 187 в.
79. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7194- рақамли қўлёзма. – 430 в.
80. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7200- рақамли қўлёзма. – 206 в.
81. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7204- рақамли қўлёзма. – 220 в.
82. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7224- рақамли қўлёзма. – 159 в.
83. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7370- рақамли қўлёзма. – 182 в.
84. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7490- рақамли қўлёзма. – 259 в.
85. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7499- рақамли қўлёзма. – 205 в.
86. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7701- рақамли қўлёзма. – 204 в.
87. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7818- рақамли қўлёзма. – 366 в.
88. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7993/I рақамли қўлёзма. – 321 в. (1b–321a).
89. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8241- рақамли қўлёзма. – 506 в.
90. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8253- рақамли қўлёзма. – 232 в.
91. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8309- рақамли қўлёзма. – 272 в.
92. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8453- рақамли қўлёзма. – 154 в.
93. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8488- рақамли қўлёзма. – 79 в.
94. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8489/I рақамли қўлёзма. – 218 в.
95. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8566/1- рақамли қўлёзма. – 114 в.
96. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 8985/II рақамли қўлёзма. 62 в.
97. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9232- рақамли қўлёзма. – 256 в.
98. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9367- рақамли қўлёзма. – 386 в.
99. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9388/I рақамли қўлёзма. – 180 в. (1b–180b).
100. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9411- рақамли қўлёзма. – 298 в.
101. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9412- рақамли қўлёзма. – 453 в.
102. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9428- рақамли қўлёзма. – 211 в.
103. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9461- рақамли қўлёзма. – 402 в.
104. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9556- рақамли қўлёзма. – 308 в.
105. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9562- рақамли қўлёзма. – 226 в.
106. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9571- рақамли қўлёзма. – 184 в.
107. Алишер Навоий. “Терма девон”. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9656- рақамли қўлёзма. – 140 в.
108. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9672- рақамли қўлёзма. – 543 в.
109. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9838- рақамли қўлёзма. – 240 в.
110. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9858- рақамли қўлёзма. – 157 в.
111. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9859- рақамли қўлёзма. – 137 в.
112. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9873- рақамли қўлёзма. – 184 в.
113. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9907- рақамли қўлёзма. – 180 в.
114. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9954/II. – 335 в.
115. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 4007- рақамли қўлёзма. – 185 в.
116. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 5726/ II рақамли қўлёзма. – 296 в. (21b–317a).
117. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13194- рақамли қўлёзма. – 193 в.
118. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12456/II рақамли қўлёзма. – 228

в. (11b–228a).
119. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12022/II рақамли қўлёзма. – 258 в. (7b–265a).
120. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12864- рақамли қўлёзма. – 210 в.
121. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12182- рақамли қўлёзма. – 122 в.
122. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12586- рақамли қўлёзма. – 214 в.
123. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13078- рақамли қўлёзма. – 156 в.
124. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13046- рақамли қўлёзма. – 175 в.
125. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12697- рақамли қўлёзма. – 162 в.
126. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13063- рақамли қўлёзма. – 116 в.
127. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13119- рақамли қўлёзма. – 156 в.
128. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13123- рақамли қўлёзма. – 148 в.
129. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13116- рақамли қўлёзма. – 156 в.
130. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13131- рақамли қўлёзма. – 122 в.
131. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12417- рақамли қўлёзма. – 96 в.
132. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12526/I рақамли қўлёзма. – 162 в. (1b–162b).
133. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11200- рақамли қўлёзма. – 379 в.
134. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11280- рақамли қўлёзма. – 365 в.
135. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 10253- рақамли қўлёзма. – 242 в.
136. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12865- рақамли қўлёзма. – 228 в.
137. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12933- рақамли қўлёзма. – 187 в.
138. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12416- рақамли қўлёзма. – 183 в.
139. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11520/III рақамли қўлёзма. – 167 в. (129a–167a).
140. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12808- рақамли қўлёзма. – 162 в.
141. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9829- рақамли қўлёзма. – 155 в.
142. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 10254- рақамли қўлёзма. – 155 в.
143. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12675- рақамли қўлёзма. – 133 в.
144. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11377- рақамли қўлёзма. – 129 в.
145. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13064- рақамли қўлёзма. – 122 в.
146. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13120- рақамли қўлёзма. – 85 в.
147. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13130/I рақамли қўлёзма. – 84 в. (1b–84b).
148. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11831/I рақамли қўлёзма. – 78 в. (1b–78a).
149. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12041- рақамли қўлёзма. – 78 в.
150. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13125/II рақамли қўлёзма. – 31 в. (71b–101b).
151. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 13130/III рақамли қўлёзма. – 28 в. (127a–154b).
152. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12497/IV рақамли қўлёзма. – 16 в. (147a–162b).
153. Алишер Навоий. Терма девон ЎзР ФАШИ.. Асосий фонд, 13117/II рақамли қўлёзма. – 14 в. (51b–64b).
154. Алишер Навоий. Терма девон. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 10235- рақамли қўлёзма. – 379 в.
155. Алишер Навоий. Фавойиду-л-кибар. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 647- рақамли қўлёзма. – 186 в.
156. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1060- рақамли қўлёзма. – 376 в.

157. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11281- рақамли қўлёзма. – 408 в.
158. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11444/II рақамли қўлёзма. – 666 в.
159. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 11679- рақамли қўлёзма. – 586 в.
160. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1230- рақамли қўлёзма. – 443 в.
161. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1280- рақамли қўлёзма. – 530 в.
162. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1486- рақамли қўлёзма. – 259 в.
163. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 149/II рақамли қўлёзма. – 438 в. (41b–479b).
164. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1709- рақамли қўлёзма. – 477 в.
165. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1715/3- рақамли қўлёзма. – 504 в.
166. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 185/V рақамли қўлёзма. – 170 в. (78b–248a).
167. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3457/II рақамли қўлёзма. – 779 в. (30b–809b).
168. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 3596- рақамли қўлёзма. – 242 в.
169. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 5663/I рақамли қўлёзма. – 226 в. (1b–226b).
170. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 677- рақамли қўлёзма. – 243 в.
171. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7409- рақамли қўлёзма. – 541 в.
172. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7410- рақамли қўлёзма. – 267 в.
173. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7411- рақамли қўлёзма. – 496 в.
174. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 7864- рақамли қўлёзма. – 497 в.
175. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9289- рақамли қўлёзма. – 387 в.
176. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9745- рақамли қўлёзма. – 576 в.
177. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9746- рақамли қўлёзма. – 499 в.
178. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 9766- рақамли қўлёзма. – 547 в.
179. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12472- рақамли қўлёзма. – 259 в.
180. Алишер Навоий. Хазойину-л-маоний. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 12111/IV рақамли қўлёзма. – 54 в. (115b–168b).
181. Алишер Навоий. Бадойиу-л-бидоя. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди. 216-рақамли қўлёзма.

182. Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Сулаймон. Тошкент: «Фан», 1968.
183. Алишер Навоий. Куллиёт. Париж Миллий кутубхонаси: Suppl. turc. 316- рақамли қўлёзма. – 469 в.
184. Алишер Навоий. Куллиёт. Париж Миллий кутубхонаси: Suppl. turc. 317- рақамли қўлёзма. – 406 в.
185. Алишер Навоий. Куллиёт. Сулаймония кутубхонаси. 4056- рақамли қўлёзма. – 784 в.
186. Алишер Навоий. Куллиёт. Тўпқопи кутубхонаси, Реван фонди. 808- рақамли қўлёзма. – 802 в.
187. Алишер Навоий. Куллиёт. ЎзР ФАШИ. Ҳ.С., 316- рақамли қўлёзма. – 692 в.
188. Алишер Навоий. Маҳбубу-л-қулуб («Хамса» билан бир жилдда кўчирилган). ЎзР ФАШИ. Асосий фонд. 9744/II рақамли қўлёзма. – 68 в.
189. Алишер Навоий. Маҳбубу-л-қулуб (қўлёзма тўплам таркибида). ЎзР ФАШИ. Ҳ. С., 526/IV рақамли қўлёзма. – 717 в.
190. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони. 1471 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи: А.Эркинов. – Tokyo: «Research Institute for laŋuages and cultures of Asia and Africa», 2015.
191. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Танқидий матн. Тузувчи: Ҳамид Сулаймон. Тошкент: «Мумтоз сўз». 2012. – 821 б.
192. Мирхонд. Равзату-с-сафо. VII жилд. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 1716- рақамли қўлёзма. – 227 в.
193. Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи, сўз боши муаллифи: С.Ғаниева. – Тошкент: «Фан», 1991. – 12 б.т.
194. Хондамир. Ҳабибу-с-сияр. ЎзР ФАШИ. Асосий фонд, 2153- рақамли қўлёзма. – 631 в.

III. Илмий адабиётлар

1. Алишер Навоийнинг Россия Миллий кутубхонаси тўпламларидаги асарлари. Илмий муҳаррир: Э.Ртвеладзе. Туркум муаллифи, лойиҳа раҳбари: Ф.Абдуҳолиқов. Бўлимлар муаллифлари: О.Васильева, Н.Маҳмудов, Э.Очилов. – Тошкент: «Uzbekistan today», «Zamon press info», 2017. – Б. 459.
2. Aydın Ş. İran kütüphaneleri türkçe yazmalar kataloğu. – İstanbul: «Timaş yayınları», 2008. – 159 s.
3. Eckmann Janos. Nevai'nin ilk divanları üzerine // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten, 13. – Ankara. 1970. – S. 253-262.
4. Erkinov A. «Les timourides, modeles de legitimite et les recueils poetiques de Kokand». In: Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siècles // Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries. F.Richard, M.Szuppe (eds.), (Cahiers de Studia Iranica 40). – Paris: AAEI, 2009. – P. 285-330.
5. Erkinov A. «Persian-Chaghatay Bilingualism in the Intellectual Circles of Centryal Asia during the 15th-18th Centuries (the case of poetical anthologies, bayāz)» // International Journal of Central Asian Studies. C.H.Woo (ed.). vol.12, 2008. – P. 57-82.
6. Erkinov A. Rossiya kutubxonalaridan O'zbekiston tarixiga oid eng nodir qo'lyozmalar topildi. O'zA. 16.08.2019. https://aniq.uz/uz/yangiliklar
7. Hofman H.F. Introduction // Turkish Literature a bio-bibloigrafical survey. Section III, part I, vol. 1-3. – Utrecht, 1969. – P. VIII-XVII.
8. Levend A. Türkiye kitaplıklarındaki Nevai Yazmalari // Türk dili araştirmalari yilliği. Belleten. – Ankara, 1958. – S. 127-209.
9. Muhammad Isa Waley. Islamic manuscripts in the British Royal Collection. A concise catalogue. – Leiden, Netherlands, 1994. ISSN 0920-0401. – P. 14-15.

10. Özdarendeli N. Ali Şir Nevai. İlk divan. İnceleme–Metin–Dizin. Türk dili bilim dalı için doktora tezi olarak hazırlanmıştır. – Edirne. 2002. – 993 s.
11. Абдуғафуров А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. № 4. – Б. 3-9.
12. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (биринчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 4-6. – Тошкент, 1994. – Б. 9-16.
13. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 1995. – Б. 10-18.
14. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (учинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6. – Тошкент, 1998. – Б. 3-10.
15. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Тошкент, 2000. – Б. 3-11.
16. Алишер Навоий. «Наводир ун-ниҳоя». Мукаммал асарлар тўплами. Иккинчи том. Текстни тузувчи: Раҳматуллаева М. – Тошкент. 1987. – 622 б.
17. Алишер Навоий «Хазойинул-маоний» // «Бадойиул-васат», III том. Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти», 1960. – 777 б.
18. Алишер Навоий «Хазойинул-маоний» // «Наводируш-шабоб», II том. Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти», 1959. – 779 б.
19. Алишер Навоий «Хазойинул-маоний» // «Ғаройибус-сиғар», I том. Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти», 1959. – 833 б.
20. Алишер Навоий «Хазойинул-маоний» // «Фавойидул-кибар», IV том. Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матни асосидаги нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти», 1960. – 853 б.
21. Алишер Навоий: қомусий луғат. Масъул муҳаррир: ф.ф.д., проф. Ш.Сирожиддинов. Ижодий гуруҳ: С.Ғаниева, А.Эркинов, О.Давлатов, Э.Очилов, К.Муллахўжаева, Д.Юсупова, З.Мамадалиева, И.Исмоилов, А.Маликов, Л.Жўраева. – Тошкент: «Шарқ», 2016. II том. – 479 б.
22. Бартольд В. Мир Али–шир и политическая жизнь // Сочинения. – Т. II (2). – Москва: «Издательство восточной литературы», 1964. – С. 199-249.
23. Бертельс Е. Навои и Джами. – Москва: «Наука», 1965. – 499 с.
24. Бертельс Е.Э. Навои. – Москва–Ленинград: «Издательство АН СССР», 1948. – 269 с.
25. Васильевна О. Сочинения Алишера Навои в шедеврах книжного искусства XV–XVI веков (Из фондов Российской национальной библиотеки) // Россия и тюркский мир. – Санкт–Петербург. 2007. – С. 67-74.
26. Волин С. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Наваи. Под ред. К. Боровкова. – Москва–Ленинград: «Издательство АН СССР», 1946. – С. 203-235.
27. Жузжоний Шаръий А.Ҳ. «Хазойин ул-маоний»нинг тенгсиз қўлёзма нусхаси // Oltin bitiklar. – Тошкент, 2019/2. – Б. 2-6.
28. Жўрабоев О. «Хазойин ул-маоний»нинг бир шоҳона қўлёзмаси ва унинг матний хусусиятлари // Адабиёт кўзгуси. № 12. – Тошкент, 2011. – Б. 10-17.
29. Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари (Мумтоз битиклар ва Абдулла Қаҳҳор асарлари таҳлили асосида). – Тошкент: «Тамаддун», 2017. – 189 б.
30. Жўрабоев О. Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 32-38.
31. Жўрабоев О. Навоий девонларининг Қўқон қўлёзмалари ва уларнинг матнига доир // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 47-50
32. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев. Тошкент:

«Юлдузча». 1989. – 367 б.
33. Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 6-10.
34. Имомназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеърияти лирик жанрлар хронологиясига доир) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018 – Б. 12-17.
35. Имомназаров М. Имомназаров М. XXI аср. Алишер Навоий лирик мероси матншунослиги муаммолари. – Тошкент, 2021. – 64 б.
36. Исоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент, «Фан». 1965. – Б. 138.
37. Камилов Н. Хорезмская школа перевода (Проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в.). Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент, 1987. – 351 с.
38. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: «Tamaddun», 2012. – 316 б.
39. Костыгова Г. Жизнь и творчества таджикского каллиграфа-художника Султан Али Мешхеди (1432-1520). Диссертация на соискание кандидата филологических наук. – Ленинград, 1953.
40. Костыгова Г. Образцы каллиграфии Ирана и Средней Азии XV-XIX веков. – Москва, 1963. – С. 9-11.
41. Костыгова Г. Трактат по каллиграфии Султан Али Мешхеди // Восточный сб. – Ленинград, 1957. – С. 103-110.
42. Лихачев Д. Текстология. – Москва–Ленинград: «Издательство академии наук СССР», 1962. – С. 605.
43. Мадалиева О. Навоийга нисбат берилган асар. // Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIV илмий-амалий конференцияси тезислари. – Тошкент, 2017. – Б. 19–24.
44. Мадалиева О. Огаҳ Сирри Левенд Навоий асарлари феҳрестнависи // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 77-83.
45. Мадаминов А., Ҳакимов М., Сотволдиев С. Қўқон адабиёт музейи фондида Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари // Адабий мерос. № 3 (57). – Тошкент, 1991. – Б. 12-15.
46. Мадраимов А. Алишер Навоий бадиий асарларининг XV–XVI асрлардаги қўлёзмалари. – Тошкент: «Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi», 2021. – 382 б.
47. Максудов Б. Кодикологическое описание списка «Навадир ан-нихайа» Наваи, хранящегося в библиотеке таджикского национального университета // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 9-18.
48. Мақсудов Б. «Наводир ун-ниҳоя»нинг янги топилган қўлёзма нусхаси // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6. – Тошкент, 2016. – Б. 49-52.
49. Мунировв Қ., Носиров А. Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги. – Тошкент: «Фан», 1970. – 85 б.
50. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент. «Фан». 1971. – Б. 196.
51. Нагиева Ж. Алишер Навоий асарларининг Табриздаги айрим қўлёзма нусхалари хусусида // Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. № 7. – Тошкент: «Халқ мероси», 2002. – Б. 49-52.
52. Нагиева Ж. Из классического наследия // Адабий мерос. – Тошкент, 1981/2. – Б. 82-90.
53. Назирова Х. Введение // Зубдат ал-таварих – Мухаммад Риза Мираб Агахи. – Ташкент–Самарканд: «Mega basım», 2016. – С. xlvii.
54. Рамазонов Н. «Илк девон»даги расмий девонларга кирмаган ёки ўзгаришлар билан кирган мисра ва байтлар // Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. Йигирманчи том. – Б. 375-471.
55. Рамазонов Н. «Яна «таҳрирни таҳрир» масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. №1. –Тошкент, 2007. – Б. 78-89.
56. Рамазонов Н. Алишер Навоийда «таҳрирни таҳрир» // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Тошкент, 2006. – Б. 17-23.

57. Рамазонов Н. Расмий девонларга кирмаган шеърлар // Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20-том. – Тошкент: «Фан», 2003. – Б. 439-471.
58. Раҳматуллаева М. Алишер Навоий лирикасида синонимлар масаласи (XV асрда Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган "Наводирун-ниҳоя" девонининг уникал қўлёзмаси асосида). Филол. ф. номз. дисс. – Тошкент, 1965. – 169 б.
59. Рўзиева Д. Навоий куллиёти Низорий қаламида // Тошкент оқшоми. 1970 йил, 12 октябрь. – Б. 3.
60. Салоҳий Д. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. – Тошкент: «Фан», 2004. – 133 б.
61. Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. – Тошкент: «Фан», 2005. – 204 б.
62. Салоҳий Д. Таҳлил ва талқин масъулияти // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2007. – Б. 64-89.
63. Семенов А. Гератское искусство в эпоху Алишера Навои // Родоначальник узбекской литературы. – Ташкент, 1940. – С. 126-152.
64. Семенов А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей. – Ташкент: «Издательство среднеазиатского государственного университета». 1935. – 88 с.
65. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: «Зарафшон», 1996. – 65 б.
66. Сирожиддинов Ш. XV – XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. – Самарқанд: «Зарафшон», 1997. – 100 б.
67. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV–XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари: (қиёсий-типологик-текстологик таҳлил). филол. ф. докт. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 1998. – 45 б.
68. Сирожиддинов Ш. Навоийни англаш // Guliston. – Тошкент, 2015/1. – Б. 4-7.
69. Собрание восточных рукописей академии наук республики Узбекистан. Литература (Диваны). Том. I. Ответственный редактор академик АН РУз Д.Юсупова. Подготовка к изданию: канд. ист. наук. Х.Лутфиллаев, канд. филол. наук. С.Файзиева, О.Мадалиева. – Ташкент: «Навруз», 2017. – 559 с.
70. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Том II. Под редакцией и при участии докт. ист. наук, проф. А.Семенова. – Ташкент: «Издательство академии наук УзССР», 1954. – 586 с.
71. Собрание восточных рукописей. Том VII. Под редакцией и при участии канд. ист. наук. А.Урунбаева и канд. филол. наук. Л.Епифановой. – Ташкент: Издательство «Наука» УзССР, 1964. – 552 с.
72. Содиқов Қ. «Муҳокамату-л-луғатайн»ни англаш // Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Тошкент: «Академнашр», 2017. – Б. 4-27.
73. Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент, 2017. –Б. 185.
74. Сулаймон Ҳ. Сўзбоши // Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимиле нашри. Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Сулаймон. Тошкент: «Фан». 1968. – Б. 4.
75. Сулаймон Ҳ. Темурийлар даври бадиий қўлёзма ва хаттотлик санъатини ўрганиш масалалари // Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган Юнеско халқаро илмий симпозиуми. – Самарқанд–Тошкент, 1969. – 15 б.
76. Сулаймон Ҳ., Сулаймонова Ф. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР «Фан», 1982. – 36 б.
77. Сулаймонов Ҳ. "Хазойинул-маоний" текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. I том: Ғаройибус-сиғар. Тошкент: «Ўз ССР ФА нашриёти», 1959. – Б. V-XXVII.
78. Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан // Адабий мерос – 3. Тошкент, 1973. – Б. 83-92.
79. Сулаймонов Ҳ. Алишер Навоийнинг Париж куллиёти // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1981. № 2. – Б. 191-194.

80. Сулаймонов Ҳ. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида // Алишер Навоий. Асарлар. I том. – Тошкент: «ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти», 1963. – Б. 37-45.
81. Сулаймонов Ҳ. Маънавий бойлигимиз – Ҳиндистон фондларида // Адабий мерос. – Тошкент, 1980. № 2 (14). – Б. 34-39.
82. Сулейман Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Автореферат – диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. – Ташкент. 1961. – 67 с.
83. Сулейманов Х.С. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои / В трех томах / том первый. – Ташкент–Москва, 1955-1961. – 415 с.
84. Турдиалиев А, Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи қўлёзмаси (Султонали Машҳадий, Ҳирот, 889/1484-1485 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 57-62.
85. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент: «Фан», 1986.
86. Эркинов А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси (888 йил, сафар ойи/1483 йил, март-апрель) // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. –Б. 51-57.
87. Эркинов А. Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”си ва унинг протодевони масаласи // Алишер Навоий ва XXI аср. – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 19-38.
88. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV – XX асрлар). – Тошкент: «Tamaddun», 2018. – 303 б.
89. Эркинов А. Кириш // Алишер Навоий Оққуюнли мухлислар девони (1471). – Tokyo: «Research Institute for laŋuages and cultures of Asia and Africa», 2015. – Б. 12-28.
90. Эркинов А., Мадалиева О. «Терма девон» ёки Навоий «Наводир ун-ниҳоя»синиng сўнгги редакцияси? (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 905/1499-1500 йил) // Алишер Навоий ва XXI аср (Халқаро илмий-назарий анжумани материаллари). Тошкент: «Mashhur-press», 2020. – Б. 19-21.
91. Эркинов А. Навоий мухлислари томонидан тузилган девонлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2016. – Б. 19-25.
92. Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. – Тошкент, 2012. – Б. 8-16.
93. Эркинов С. «Хамса» анъаналари // Алишер Навоий «Хамса»си. – Тошкент, 1986.
94. Юсупова Д. «Илк девон»дан «Оққуюнли мухлислар девони»га ўтган ғазаллар трансформацияси // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Turon iqbol», 2018. – Б. 69-77.
95. Юсупова Д. «Наводир ун-ниҳоя» фақат ғазаллардан иборат девонми? // Алишер Навоий ва XXI аср (Республика илмий-назарий анжумани материаллари). – Тошкент: «Tamaddun», 2017. – Б. 54-60.
96. Юсупова Д. «Хазойин ул-маоний»: тузилиш қонуниятлари, таркибий хусусиятлари // Навоий ва XXI аср. – Тошкент, 2016. – Б. 152-158.
97. Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат», 1992. – 48 б.
98. Ғаниева С. Сўзбоши // Алишер Навоий. Мажлисун нафоис. – Тошкент, 1961. – Б. 6-13.
99. Ғаниева С. Навоий дастхати // Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи, сўз боши муаллифи: Суйима Ғаниева. – Тошкент: «Фан», 1991. – Б. 5-9.
100. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: «Фан», 1961. – 294 б.
101. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1970. – 328 б.
102. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1993. – 214 б.
103. Ҳайитметов А. Алишер Навоий ижодининг манбалари ҳақида // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. – Тошкент: «Фан», 1993. – Б. 3-13.

104. Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Тошкент. «Фан». 1991. – Б. 51.
105. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983 – 198 б.
106. Ҳакимов М. Алишер Навоий куллиётини илмий тавсифлаш тажрибасидан // Адабий мерос – 15. Тошкент, 1980. – Б. 9-16.
107. Ҳакимов М. Шарқ китобат ишида «Куллиёт»нинг ўрни // Адабий мерос. – Тошкент, 1988. №. 3 (45) – Б. 75.
108. Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент: «Davr Press», 2013. – Б. 399.

IV. Интернет сайтлари

https://lex.uz/docs/3107036.
https://lex.uz/docs/3211987.
https://lex.uz/docs/4561730.
https://lex.uz/docs/4791086.
https://lex.uz/docs/5054929.
https://www.rct.uk/collection/1005033/divan-e-navai-dywn-nwyy-the-collected-works-of-navai.
https://islamansiklopedisi.org.tr/muellif/ahmet-tasagil.
https://uz.m.wikipedia.org.

МУНДАРИЖА

БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Муқаддима 3
Алишер Навоий – буюк устоз ва мураббий 8
Навоий шахсияти – тарбия омили 17
“Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосиға сазовор этар” 28
Алишер Навоий иқтидор ва қобилият ҳақида 58
“Маҳбуб ул-қулуб” – Алишер Навоий дидактик қарашлариинг умумлашмаси сифатида 68
Хулосалар 86
Адабиётлар рўйхати 91

НАВОИЙШУНОСЛИК: АДАБИЙ-ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

Муқаддима 4
1. Навоий шахсияти – тарбия омили 9
2. Навоийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари ифрдасида адабнинг ўрни 30
3. Навоий иқтидор ва қобилият ҳақида 59
4. Навоий ёд олиш ҳақида 67
5. Навоий “Хамса”сида таълим-тарбия масалалари 75
6. “Маҳбуб ул-қулуб” Навоий дидактик қарашлариинг умумлашмаси сифатида 80
7. Алишер Навоий ижоди ва педагогик терминология 102
Хулоса 110
Адабиётлар рўйхати 115

ОЙСАРА МАДАЛИЕВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Кириш 220

I БОБ

Навоий девонлари қўлёзмаларини қиёсий ўрганиш муаммолари

1.1§. Навоий девонлари қўлёзмаларини ўрганишда хронологик ва қиёсий-танқидий ёндашув 226
1.2§. Навоий девонлари қўлёзмаларининг колофонлари: матн тили ва услуби 235

II БОБ

Навоий девонлари таркибини даврий ва ҳудудий кесимда ўрганиш масаласи

2.1§. Муаллиф ҳаётлигида ва унга яқин даврда кўчирилган девонлар 242
Қўлёзмаларининг таркиби 242

III БОБ
Девонлардан нусха кўчириш жараёнида юзага чиққан ўзгаришлар

3.1§. Терма девонлар таркибидаги шеърларнинг қиёсий тадқиқи 281
3.2§. Куллиётлар таркибидаги «хазойину-л-маоний» нусхаларининг 285
Қиёсий тадқиқи 285
Хулоса 300
Шартли қисқартмалар 303
Фойдаланилган манбалар ва илмий адабиётлар 304

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Боқижон Тўхлиев: Алишер Навоий ва ёшлар тарбияси; Ойсара Мадалиева: Алишер Навоий девонлари қўлёзмаларининг таркибий-қиёсий тадқиқи; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 264 бет.

Ж.13: Боқижон Тўхлиев: Алишер Навоий ва ёшлар тарбияси; Ойсара Мадалиева: Алишер Навоий девонлари қўлёзмаларининг таркибий-қиёсий тадқиқи; 264 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123-5-1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўн учинчи жилд

БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВ
АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ойсара МАДАЛИЕВА
АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ-ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 16,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.